



И. Алимов

**ҚЎҚОН
ХОНЛИГИ
МАДРАСА
ВА МАКТАБЛАРИ
ТАРИХИ**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Иброҳимжон АЛИМОВ

**ҚЎҚОН ХОНЛИГИ
МАДРАСА ВА
МАКТАБЛАРИ
ТАРИХИ**



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
“Фан” нашриёти
Тошкент – 2017

Маъмур монографияда XVIII–XIX асрларда Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Ўш вилоятларида бунёд этилган мадраса, корихона, мактаблар тўғрисидаги ноёб архив материаллари таҳлил килинган. Ўқув юртлари адади, дарсхоналари, хужралари сонни, мударрислар исми-шарифи ҳақида маълумотлар келтирилган. Ишда саховатли мулкдорлар томонидан мадраса, корихона ва мактаблар курилиб аҳолига фойдаланиш учун эхсон тариқасида топширилганлиги ҳамда улар ўзлари бунёд эттирган ўқув юртларига ер участкалари, савдо-сановат корхоналарини вақф қилганликлари хужжатлар асосида кўрсатилган.

Китоб Ўзбекистон тарихи билан кизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича Қўмитанинг 2422-рақамли рухсати билан чоп этилди

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :
тарих фанлари доктори, профессор
Шодмон Воҳидов

Т а к р и з ч и л а р :
тарих фанлари номзоди, доцент **Б.М.Расулов**
тарих фанлари номзоди **М.О.Алихожиев**
юримдик фанлар номзоди, доцент **Р.Имомов**

ISBN978-9943-19-405-2

© И.Алимов, 2017 й.
© ЎзРФА “Фан” нашриёти, 2017 й.

КИРИШ

Совет даврида, коммунистик мафкура тазйиқи остида Ўзбекистонда ислом динига қарши кескин кураш олиб борилган. Ўтган асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, Ўзбек халқининг советларга қарши кураши нисбатан сусайганлигидан фойдаланиб, партия ва совет органлари ислом динига, рухонийларга қарши курашни авж олдирди. 1925 йилда республикада “Худосизлар уюшмаси” ташкил қилинди. 1927 йилдаги Ўзбекистон Компартиясининг III съездида “Дин ва динга муносабат” номли резолюцияси қабул қилиниб, унда ислом динига қарши тарғиботни кучайтириш тўғрисида кўрсатма берилганидан кейин бу кураш, айниқса, кескинлашди.

1928 йил февралидан бошлаб республикада ойда бир марта чиқадиган “Худосизлар” журнали чоп этилиб, динга қарши кураш кучайтириб юборилди. “Худосизлар уюшмаси” 1929 йилдан бошлаб “Курашчан худосизлар уюшмаси”га айлантирилди. Фақат махсус нашр органларигина эмас, бутун оммавий ахборот воситалари, маданий-оқартув муассасалари – кизил чойхона, ишчи-деҳқон клублари, кутубхоналар орқали ислом динига қарши тарғибот-ташвиқот ишлари авж олдирилди.

1927–1930 йилларда кўплаб масжид, мадрасалар ёпиб қўйилди. Исломга зътикод қилган, намоз ўқиган, ҳайит намозида, жанозада қатнашганлар партия аъзоси бўлса, партиядан ўчирилган, раҳбарлик лавозимида бўлса, лавозимидан ҳайдалган. Ислом дини арбоблари таъкиб остига олинди. Коллективлаштириш жараёнида “қулок” хўжаликлари қаторида рухонийлар раҳбарлари ҳам қамалди, отилди, узок ўлкаларга оила аъзолари билан бирга сургун қилинди. Исломга қарши кескин кураш совет тузуми барбод бўлгунига қадар давом этди.

Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда ислом динига нисбатан олиб борган салбий, атеистик сиёсати даврида ислом диний муассасалари, ташкилотлари тарихига оид исарлар ёзиш, чоп этиш

таъқиқланган эди. Ислом динига бағишланиб чоп этилган кўплаб оммабоп рисола, китобларда диний ташкилотлар фаолияти қораланиб, танқид қилиниб, зарарли қилиб кўрсатилган.

Совет даври тарихшунослигида мусулмон мактаб, қорихона, мадрасалари асоссиз равишда жаҳолат ва хурофот ўчоғи деб айбланган. Фақат Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг диний муассасалар, жумладан, ислом маорифи, диний ўқув юртлари тарихини ҳолисона тадқиқ қилиш имконияти яратилди.

Ўтган йиллар мобайнида диний кадрятларни тиклаш бўйича, жумладан, ислом таълим тизими тарихига оид айрим илмий мақолалар, номзодлик диссертациялари ёзилди. Лекин ҳозиргача Қўқон хонлигидаги мактаб, қорихона ва мадрасалар тарихига бағишланиб, миллий истиқдол мафкураси асосидаги янгича ёндашув билан ёзилган мукамал асарлар яратилмаган. Бу мавзунини ханузгача тарихчилар томонидан ўрганилмаган архив ҳужжатлари, Туркистон (маҳаллий) тарихчиларининг Қўқон хонлиги тарихига оид асарлари ва бошқа шунга ўхшаш мавбаларни қиссий таҳлил этган ҳолда тадқиқ этиш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг “Юксақ маънавият – енгилмас куч” асарида миллий маориф масаласига тўхталиб, унинг аҳамияти тўғрисида шундай деган: “Ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган”¹.

Ўзбек халқи қадимдан маданияти ривожланган халқ бўлган. VIII аср бошларида Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши билан уни маҳаллий аҳоли орасида тарқатиш, исломни тарғиб қилиш, диний ташкилотлар, масжидлар, диний ўқув юртлари ва бошқалар, давлат ташкилотлари иштини юритиш учун тегишли кадрлар тайёрлаш эҳтиёжи туғилган. Бу муҳим вазифани бажариш учун давлат ва диний ташкилотлар томонидан маҳаллий халқ вакиллариغا, асосан, ёшларга диний таълим-тарбия бериш мақсадида Мовароуннаҳрдаги Араб халифалиги маъмурлари мактаб, қорихона, мадрасалар ташкил қилинган. Бу жараён қуйидагича амалга оширилган.

Ислом динини дастлаб Арабистонда VII асрнинг 20–30-йиллари бошида пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарқатган. Муҳаммад (с.а.в) вафот этгач аввал Абубакр, сўнгра Умар, Усмон.

¹ Каримов И.А. Юксақ маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.60.

Алилар халифа, яъни ўринбосарлар деб эълон қилинган. Улар даврида Арабистонда ислом дини тўла галаба қозонди ва Араб халифалиги ташкил топди. Муҳаммад пайғамбаримиз вафоти (632 йил)дан бир аср ҳам ўтмай, VII–VIII асрда Ироқ, Фаластин, Сурия, Эрон, Мовароуннаҳр, Миср, Шимолий Африка, Шимолий Ҳиндистон ва бошқа жойлар забт этилди.

Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқлари Араб халифалиги кўмондони Кутайба ибн Муслим бошчилигидаги армия томонидан 705–715 йилларда босиб олинган ва шундан эътиборан ислом дини маҳаллий аҳоли орасида тарқатила бошлаган. Мовароуннаҳр халқининг асосий дини ҳисобланган зардуштийлик – оташпарастлик динига қарши қатъий кураш олиб борилган. Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида Ўрта Осиё халқларининг маданияти, диний урф-одатлари ҳақида тўхталиб, Кутайбани Хоразм халқи маданиятини оёқ-ости қилгани учун қаттиқ қоралаган. У шундай деб ёзади: “Кутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва (билганини) бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди”². Беруний хабар ва ривоятларни ўрганган ва (билганини) бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этган деганда ибодатхоналарда қавмлари орасида ташвиқот олиб борадиган руҳонийларни, ёшларга таълим-тарбия берадиган ўқитувчиларни назарда тутган. Наршахий “Бухоро тарихи” асарида бу ҳақда қуйидаги далилни келтирган: “Кутайба масжидлар бино қилган, кофирлик ва оташпарастлик асарларини йўқотган”³.

Кутайба ҳар хил йўллар билан босиб олинган жойларда ислом динини тарқатишга, жумладан, масжидлар қуриб маҳаллий аҳолини намоз ўқишга жалб қилган. У Бухоро шаҳрида бир неча жоме масжиди бунёд этган.

Қорахонийлар сулоласидан бўлган Арслонхон Муҳаммад ибн Сулаймон 1102–1130 йилларда Хуросон амири бўлган. Унинг Бухорога тез-тез келиб турганлиги ва мадраса барпо қилганлиги ҳақида “Бухоро тарихи” асарида хабар берилган. Ушбу манба Қорахонийлар даврида мадрасаларга вақф мулкларни таъсис қилинганлигини кўрса-

² Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Асарлар тўплами. Жилд 3. –Т.: Фан, 1968.

³ Самария. Абу Тоҳирхожа; Бухоро тарихи. Наршахий; Шажақан Хоразмшўхӣ; Бағӣӣ. Фарғона тарихи; Ибрат. Тарихий эссе. –Т.: Камалак, 1991. –Б.123.

тади. Наршаҳий асарида Сомонийлар сулоласи даврида ҳам хайрия муассасаларига вақф мулклари эҳсон қилиш кенг тарқалганлигидан далолат беради. Мовароуннаҳрда Сомонийлар ҳукмронлик қилган йилларда масжид ва мадрасаларга вақф мулклари таъсис қилиш одат бўлган. Буни куйидаги мисоллар тасдиқлайди. Наршаҳий “Бухоро тарихи” асарида ёзади: “Бухоро ҳисорига бир текислик ер туташган бўлаб, уни “Даштак” дейдилар. Бу ерларни ҳаммаси қамишзор эди. Марҳум амир Исмоил (Сомоний) бу жойни ҳам Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Толибдан ўн минг дирҳамга сотиб олди ва биринчи йилдаёқ қамишнинг пулидан ўн минг дирҳам ҳосил унди. Амир Исмоил бу жойни масжиди жомега вақф қилди”⁴. Бухоро вилоятида Афшина деган жой бўлган. Наршаҳий ёзадики, “Бир қанча қишлоқлар унга мансубдир. У ерда ҳар ҳафтада бир кун бозор бўлади. У қишлоқнинг экин ерлари ва биёбонлари мадраса талабаларига вақф қилинган. Қутайба ибн Муслим у жойда Масжиди Жоме бино қилган. Муҳаммад ибн Восе ҳам бир масжид курдирган”⁵.

Ислом дини тарқалган мамлакатларда, жумладан, Мовароуннаҳрда хонлар, уларнинг амалдорлари, бой-бадавлат инсонлар мадраса, масжидлар бунёд этиб, улар фаолиятини юритиш учун вақф мулклари ҳадя қилишган.

Вақфнинг келиб чиқиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз. Эзгу ишлар, яхши амаллар, Аллоҳ берган ризқ-рўздан бир қисмини эҳсон, садақа қилиш, яъни вақф қилиш мусулмон миллатига хос хусусиятдир. Мусулмонлардаги вақф қилиш одатининг шаклланишида инсонлар руҳиятига Куръонда ёзилган оятлар, Аллоҳ каломининг таъсири, шубҳасиз, катта бўлган. Куръонда куйидаги оятлар бор: “Неки қилган хайр-эҳсонларингиз бўлса бас, ўзингиз учундир”⁶ (Бақара сураси, 272-оят), “Ким бирон яхши амал қилса, ўзи учундир”⁷ (Фуссилат сураси, 46-оят). Бу оятлар ҳар бир инсон эзгу ишнинг фойдаси ҳаммадан аввал ўзига қайтишини билдиради. Яъни, у эзгу иши туфайли савоб, мақтов, обрў ва абадий Аллоҳ хузурида бўлишга эришади.

Исломда Аллоҳ йўлида эҳсон қилганлар ишига ривож бериш, мол-дунёсига барака бериш ваъда қилинган. Куръоннинг “Бақара”

⁴ Наршаҳий. Ҷаъна асар. 107–108-бетлар.

⁵ Наршаҳий. Ҷаъна асар. –Б. 98.

⁶ Бақара сураси, 272-оят. Куръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2001. –Б.46.

⁷ Фуссилат сураси, 46-оят. Куръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2001. –Б.481.

сураси 245-оятда: “Аллоҳга чиройли қарз берадиган (Унинг йўлида ўз бойлигидан сарфлайдиган) киши бормики, унга неча баробар кўп қилиб қайтарса?”⁸. Аллоҳга ўз ихтиёри билан қарз берган, Аллоҳ йўлида эҳсон қилган кишиларга унга бир неча баробар қилиб қайтаришини билган мулкдорлар мол-дунёсини янада кўпайтириш мақсадида ўз бойлигидан мадраса, қорихона, мактаблар ва бошқа хайрия муассасалари бунёд этиб, халққа вақф қилиб берган, улар ўз таълим-тарбия ишларини амалга оширишлари учун, уларга вақф мулклари ҳам таъсис этган.

Қуръони Каримда: “Аллоҳга суйган нарсаларингиздан эҳсон қилмагунингизча, сира яхшилик (жааннат)га ета олмайсизлар”⁹, дейилган. Қуръоннинг бу оятини ўқиган ёки эшитган ҳар бир мусулмон эзгу ишлар бажаришга, яъни бой-бадавлат, имконияти бор инсонлар жаннати бўлиш учун мол-мулкларини аямасдан мадраса, масжидлар қуриб, уларга вақф мулклари эҳсон қилишга интилишган. Бунинг натижасида барча хайрия муассасаларининг, жумладан, мадрасаларнинг моддий асосини вақф мулклари ташкил этган.

Хайр-эҳсон, вақф қилишда дастлаб Расулulloҳ (с.а.в.) умматларига намуна кўрсатган. Расулulloҳ фақир, мискинларга, хожатмандларга атаб эҳсон, яъни вақф қилганлар. Шундан кейин Умар ибн хаттоб (р.а) ўз ерининг бир қисмини зориканларга вақф қилиб берган. Шунингдек, Абу Бакр, Усмон, Али ва бошқа халифалар ҳам вақф қилишган. Расулulloҳнинг (с.а.в.) қодир бўлган барча саҳобалари ҳам молларининг бир қисмини вақф қилганлар. Сўнг мусулмонлар бу ишни авлоддан-авлодга давом эттирдилар. Шундан бошлаб вақф мулки, яъни ерлар, қарвонсарой, дўконлар, ҳаммом, тегирмон ва бошқа шунга ўхшаш фойда келтирадиган мулклар Худо йўлида мадраса, масжид ва қорихона сингари диний муассасалар учун вақф қилиниши анъанага айланди. Вақф мулки Аллоҳники ҳисобланган. Диний муассасалар вақф мулкнинг даромадидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишган. Вақф қилинган мол-мулкни сотиш, мерос қилиш, ҳада этиш, гаровга қўйиш ман этилган.

Дастлабки мадрасалар Шарқнинг мусулмон давлатларида, жумладан, Арабистоннинг Макка, Ироқнинг Бағдод, Мисрнинг Қоҳира ва бошқа шаҳарларида бунёд этилган. Мовароуннаҳрда мадрасалар

⁸ Бақара сураси, 245-оят. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2001. –Б.36.

⁹ Оли Имрон сураси, 92-оят. Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: “Тошкент Ислом университети” нашриёти, 2001. –Б.62.

кўп бўлган. Улар, асосан, ўлканинг қадимий шаҳарлари Бухоро, Самарқанд, Хива, Марв, Қўқон, Тошкент, Андижон, Марғилон, Наманган каби шаҳарларида бунёд этилган. Бухоро, Самарқанд мадрасалари бунёд этилган даврда Қўқон хонлиги ҳудудидаги қадимги шаҳарларда ҳам мактаб, қорихона, мадрасалар ташкил қилинган бўлиши мумкин.

X асрда Фарғона водийсининг Шохимардон қишлоғида бунёд этилган масжид тўғрисида ҳужжат билан тасдиқланган маълумот бор. Лекин бу даврда вужудга келган мадраса, қорихона, мактаблар ҳақида манбалар ҳозирча топилгани йўқ. Бироқ Фарғона водийсида ўша замонларда масжид билан бирга ислом ўқув юртлари ҳам барпо этилганлиги, шубҳасиз. Улар зилзила ва бошқа табиий офатлар натижасида бузилиб кетиб, бизгача етиб келмаганлиги эҳтимолдан холи эмас.

Совет давридаги маданият тарихига оид тарихий асарларда XIX асрда фақат мадраса, мактаблар бўлганлиги тўғрисида ҳикоя қилинган. Бу давр тарихчиларига ўзбек халқининг қадимги, ўрта асрлар давлари тарихини ёзиш чекланган эди. Чунки бу даврларда ўзбек халқи маданияти рус халқи маданиятидан жуда юқори бўлган. Албатта, партия ва совет органлари бу фактни тўғри ёритиш ва ҳаққоний кўрсатишни хоҳлашган эмас.

Фақат мустақиллик туфайли ўзбек халқининг ҳақиқий тарихини баён қилиш имконияти туғилди. Совет даврида тақиқланган ислом дини тарихини ёритиш, илмий ишлар чоп этиш учун кенг йўл очилди. Архивларда илгари ўрганилмай ётган ислом дини тарихига оид ҳужжатларни тадқиқ этишга шарт-шароит яратилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган бой, ноёб ҳужжатларни ўрганиш натижасида қадимги мадраса, қорихона, мактаблар ҳақида янги маълумотлар топишга ва тадқиқ қилишга муваффақ бўлдик. Архив ҳужжатларида қайд этилган энг қадимги мадраса милодий 1202 йилда Наманган вилоятининг Чодак қишлоғида барпо этилган. Бақа Охунд мадрасаси, милодий 1422 йилда Марғилон шаҳрида барпо этилган. Подшо Искандар нав мадрасаси, 1578 йилда Наманган вилоятининг Чодак қишлоғида бунёд этилган. 1585 йилда Андижон вилоятининг Луғумбек қишлоғида қурилган Оқ мазор ва 1673 йилда Наманган шаҳрида бунёд этилган Дўст Оғалик мадрасаларини ҳам мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Қадимги қорихона, мактаблар ҳақида ҳам қимматли қўлёзма архив ҳужжатлари топилган. XVI асрда Андижон вилояти, Луғумбек

қишлоғидаги улуғ шайх, ҳазрат Саййид Қутбиддин Аҳмаднинг Оқ мазор номли мазорида, 1593 йил Наманганнинг Косов қишлоғи Хапала Хўжа маҳалласида қорихоналар бунёд этилган ва улар XX аср бошларига қадар фаолият юритганлигидан архив ҳужжатлари гувоҳлик беради. XVI–XVIII асрларда мактаблар ҳам анча бўлганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди. 1586 йилда Андижон вилояти Балиқчи қишлоғининг Гуровон маҳалласида Хўжа Назир Оталик мактаби, 1636 йилда ўша қишлоқнинг Ўрта Қўрғон деган жойидаги Бобожон Халфа мактаби, 1781 йилда Балиқчи қишлоғидаги Нур Мирзабой мактаби ишга туширилган. XVIII асрда Наманган вилоятида 13 та мактаб бунёд этилган. Бу мадраса, қорихона, мактаблар XIX аср охири – XX аср бошларигача сақланиб қолиб, фаолият юритган ва рус маъмурлари рўйхатга олган ўқув юртлари ҳисобланади. Шу йилларда ташкил бўлган, лекин сақланмаган, бузилиб йўқ бўлиб кетган ўқув юртлари ҳам анча бўлган. Аслида ўқув юртлари юқорида тилга олинган мадраса, қорихона, мактаблардан хийла кўп бўлган.

Чор ҳукуматидаги Туркистондаги маъмурлари томонидан XIX асрнинг 80-йилларида ҳисобга олинган ўқув юртлари рўйхатларидаги 200 дан ортиқ Туркистон ўлкасидаги мадрасаларнинг асосий қисми XIX асрда бунёд этилган. 20 га яқин мадрасалар эса XIII–XVIII асрларга тегишлидир. Аслида XIII–XVIII асрларда Қўқон хонлиги ҳудудида кўплаб мадрасалар фаолият юритган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Мадрасаларда беш вақт намоз ўқиладиган масжид, ходимлар истиқомат қиладиган ҳужралар, кутубхона ва таҳоратхона бўлган. Мадрасанинг хўжалик ишларини бошқарадиган мутавалли, ёрдамчи ишлар билан шуғулланадиган фаррош, сартарош ва бошқа ишчилар хизмат қилган.

Мадрасаларда диний билимлар беришга асосий эътибор қаратилган. Барча машғулотлар Қуръон ва Ҳадис асосида олиб борилган, араб тили мукаммал ўргатилган. Фикҳ ва ақоид асосий дарслардан бўлган. Мадраса талабаларига дунёвий фанлар ҳам ўқитилган. Жумладан, мантик, фалсафа, жуғрофия, математика, ҳандаса (геометрия), илми нужум (астрономия) каби фанлардан сабоқ берилган. Мадрасани битирган талабалар олган билимига қараб, мударрис, домудла, имом, қози, муфтий, аълам, мирзо сифатида диний ва давлат ташкилотларида хизмат қилишган.

Мутавалли мадрасанинг вақф мулкларини, экин ерлари бўлса вақфкор деҳқонларга, савдо-саноат мулклари бўлса тадбиркорларга

маълум шартнома асосида ижарага берган. Вақф даромади тўпланганидан кейин мутавалли уни, одатда, мадраса ходимлари ва талабалар ўртасида қуйидагича тақсимлаган: мутавалли ўзига умумий даромаднинг 1/10 қисмини олган, мударрисга 3/10, талабаларга 5/10, қолганини имом, азончи, фаррош ва сартарошга бўлиб берган. Мабодо мадраса биносини таъмирлаш зарур бўлиб қолса, вақф даромадидан, аввал, таъмирлашга ажратиб, қолганини юқоридаги тартибда мадраса ходимлари ва талабалари ўртасида тақсимлаган.

Қўқон хонлиги мадрасаларининг шухрати, машҳурлиги ҳар бир мадрасада таълим-тарбия олаётган талабалар сони ва уларга таълим бераётган мударрислар сони билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан қараганда В.П.Напиевкин ўзининг 1891–1892 ўқув йилида Фарғона вилояти мусулмон мадрасалари ҳолати тўғрисидаги ахборотномасида келтирган маълумотларга қараганда талабалари ва мударрислари кўп мадрасалар, асосан, хонлар, уларнинг алоқлари, йирик амалдорлар томонидан бунёд этилган мадрасалар ҳисобланади. Қўқон шаҳридаги мадраса-и Олийда 251 нафар талаба ўқиган ва уларга 6 нафар мударрис сабоқ берган. Мадраса-и Жомеда 250 нафар талаба таълим олган ва 5 нафар мударрис уларга дарс берган. Мадалихон мадрасасида 230 нафар талаба сабоқ олган ва уларга 6 нафар мударрис таълим-тарбия берган. Ҳаким Ойим мадрасасида 158 нафар талаба ўқиган ва уларга 3 нафар мударрис дарс берган. Султон Муробдек мадрасасида 152 нафар талаба сабоқ олган, уларга 3 нафар мударрис таълим берган. Мадраса-и Мирда 130 нафар талаба таълим олган, уларга 6 нафар мударрис дарс берган. Минг Ойим мадрасасида 110 нафар талаба ўқиган, уларга 14 нафар мударрис таълим-тарбия берган. 100–200 нафардан ортиқ талаба ўқийдиган, 3 нафар ва ундан ортиқ мударрис сабоқ берадиган мадрасалар Қўқон хонлиги вилоятлари ичида фақат Сирдарё вилояти, Тошкент шаҳрида мавжуд бўлган. Тошкент шаҳридаги Беклар Беги мадрасасида 282 нафар талаба ўқиган ва уларга 4 нафар мударрис сабоқ берган. Қўқалдош мадрасасида 130 нафар талаба сабоқ олган ва уларга 3 нафар мударрис таълим-тарбия берган. Эшонкул Додхон мадрасасида 100 нафар талаба таълим олган ва уларга 5 нафар мударрис дарс берган. Қўқон хонлигининг бошқа вилоятларида 100 нафардан кўп талаба ўқийдиган йирик мадрасалар бўлмаган, асосан, ўрта ва кичик ҳажмдаги мадрасалар бўлган.

Ўртача бир мадрасада талаба ва мударрислар сони кўп бўлган Қўқон хонлигига қарашли вилоятлар қаторида биринчи ўринда

Қўқон, иккинчи ўринда Тошкент, учинчи ўринда эса Андижон вилояти турган. Бу вилоятлардаги мадрасаларнинг нисбатан йирик ва вақф мулклари, вақф даромадлари кўплигини билдиради. Кейинги ўринларда Наманган, Марғилон, Ўш вилоятлари турган.

1887 йилда Фарғона вилояти бошкармасига вақф хужжатларини топширган мадрасалар рўйхатига кўра, мадрасалар сони кўплиги жиҳатдан, биринчи ўринда, 66 та мадрасаси бўлган Наманган вилояти, иккинчи ўринда, Қўқон мулки 58 та мадрасаси билан, учинчи ўринда, Марғилон вилояти 49 та мадрасаси билан жой эгаллаган. Андижон вилояти 39 та мадрасаси билан тўртинчи, Тошкент вилояти 29 та мадрасаси билан бешинчи, Ўш вилояти 13 та мадрасаси билан олтинчи ўринда бўлган. Тошкент вилояти, Тошкент шаҳри мадрасалари бошқа вилоятларникига нисбатан оз бўлишига қарамай бир қисми йирик ва машхур мадрасалар бўлган.

Биз мазкур тадқиқотимизда Қўқон хонлигининг Фарғона водийсидаги вилоятлари ислом ўқув юртлари тарихини таҳлил қилдик. Тошкент вилояти анъанавий маорифи тарихининг айрим масалалари китобнинг кириш қисмида кўриб чиқилди, лекин махсус тадқиқ қилинмади. Тошкент вилояти ўқув юртлари мавзусига алоҳида тўхталмаганимизнинг сабаби Ўқтамбек Султоновнинг номзодлик диссертацияси ва қатор тадқиқотларида бу масала қисман ўз аксини топган¹⁰. Бу мавзуга бағишланган кейинги тадқиқотларимизда Қўқон хонлиги Тошкент вилояти мактаб, қорихона, мадрасалари тарихига яна қайтамыз.

Мавзунинг тарихшунослиги. Туркистон азал-азалдан шим-фан, маданият ривожланган ўлка бўлган ва жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган. Бу ўлкага ислом дини кириб келиши билан бирга масжид, мадраса, қорихона, мактаблар вужудга келган, юзлаб дунёвий ва исломий фан олимлари етишиб чиккан. Амир Темур ва

¹⁰ Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххожанинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация. Тошкент, 2007; Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009; Султонов Ў. А. Хожа Ахрорнинг Тошкентдаги мадраса ва масжидлари // Ўқим ал-Бухорий сабоқлари. –Тошкент: 2004. №3. –Б.185–186. Султонов Ў. А. Тошкент мадрасалари Муҳаммад Солиххожа тавсифида (XIX аср) // Академик К. Каримов номдаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. –Тошкент: 2005. –Б.67–71. Султонов Ў. А. XIX аср Тошкент мадрасалари ҳолати // Ўзбекистон тарихи. –Тошкент: 2005. –№3. –Б.64–72.

темурийлар даврида маданият, илм-фан, маориф юксак даражага кўтарилди. Бу анъана Кўкон хонлиги ташкил бўлганидан кейин ҳам давом этди ва кўплаб мадраса, қорихона, мактаблар бунёд этилди. Кўкон хонлигида фан-техника тараққий этмаганлигига қарамадан маданият анча ривожланган эди. Туркистондаги рус маъмурлари маҳаллий аҳоли орасидаги таълим тизимини ўрганиб чиқиб, Туркистон вилоятларида мактаблар сони Россия империяси вилоятлариникига нисбатан кўп эканлигини қайд қилган.

Кўкон хонлиги ислом ўқув юртлири тарихини дастлаб Туркистондаги рус маъмурлари, маданият, маориф соҳасидаги амалдорлари, сўнгра совет тарихчилари тадқиқ қилишган. Бу тадқиқотларда Кўкон хонлиги даврида мадраса, мактаблар гуллаб-яшнаганлиги, Туркистонни Россия империяси босиб олганидан кейин эса, яъни чоризм ва совет империяси даврида улар инқирозга учраганлиги ва тугатилганлиги ҳақида далиллар гувоҳлик беради.

Чор Россияси ва ундан кейин давом этган қизил империя даврида ўзбек халқининг миллий маданиятини, динини, ислом ўқув юртлирини йўқ қилишга қаратилган сиёсат олиб борилган. Миллий маданияти ривожланган, кўп сонли мадрасалари, қорихоналари ва мактаблари бўлган Туркистонда ўзига хос таълим тизими, қадимдан, шунингдек, Кўкон хонлиги замонидан мавжуд эди. Ёшларни мадраса, мактабларда таълим олиши уларнинг ўзлигини англашга ёрдам берар эди. Шундан келиб чиқиб, Россия империяси ҳукумати ислом ўқув юртлирининг вақф ерларини давлат тасарруфига ўтказиш, янги мадрасалар очиш, мадраса ва бошқаларга вақф мулклари таъсис этишни чеклаш ва бутунлай тугатиш сиёсатини амалга оширди. Совет даврида мадраса, қорихона, мактаблар ҳукукларини чеклаш, тугатиш сиёсати янада кескин амалга оширилди. Бирок, совет даври тарихшунослигида Россия империясининг ислом ўқув юртлири соҳасидаги уларга қарши олиб борган сиёсати яширилган, ҳақиқий тарих сохталаштирилган. Совет тарихчилари тадқиқотларида мадраса, мактаблар тугатилганлиги таъкидланади. Кўкон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихи шу вақтга қадар етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Бу муҳим мавзунини ўрганиш Кўкон хонлиги маданияти тарихидаги “оқ доғлар”ни тўлдиради ва ёшларни ўзбек халқининг ўтмишидан, ўз аجدодларидан фахрланиш туйғусини кучайтиради. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Кўкон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихини кам ўрганилган манбалар асосида тадқиқ қилиш, бу соҳадаги тарихий ҳақиқатни тиклаш

хозирги кунда тарихчилар олдида турган доязарб мавзу ва илмий жихатдан муҳим муаммодир.

Кўқон хонлиги мадраса, қорихона ва мактаблари тарихини тадқиқ қилиш бўйича анчагина илмий ишлар қилинган. Бу мавзуга бағишланган йирик монографик тадқиқотларни Туркистондаги мустамлақачилик маъмурияти тизимида фаолият кўрсатган амалдорлар Н.П.Остроумов, Ф.М.Керенский, С.М.Граменицкий, В.П.Наливкин ва бошқалар амалга оширишган¹¹. Бу муаллифлар Туркистонда маориф идораларида ишлаб Россия империясининг мустамлақачилик сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этганликлари учун ўз асарларида бой архив ҳужжатлари, статистик материаллардан фойдаланишган. Уларнинг асарлари Кўқон хонлиги ва Туркистон ўлкасидаги мадраса, қорихона, мактаблар ҳақида кенг ва атрофлича маълумотлар борлиги билан ажралиб туради. Муаллифлар мадраса, мактаблар сони, ўқувчилар сони, ўқув дастурлари, қандай фанлар ўқитилиши, улар биноларининг тузилиши, вақф мулклари, ундан тушадиган даромад, ундан фойдаланиш тартиблари, мадрасанинг шахсий таркиби, мутавалли, мударрислар вазифалари, мадраса, қорихона, мактаб биноларини таъмирлаш, руслар Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин миллий маориф соҳасида юз берган ўзгаришлар ҳақида маълумотлар беришган. Бу асарлар ҳозирги кунда танқидий ёндашилган ҳолда илмий тадқиқотларда фойдаланиш мумкин бўлган манбалар сирасига киради. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, уларда муаллифлар Россия империяси ҳукуматининг ислом ўқув юртларини чеклаш сиёсатини қувватлаган, руслаштириш, улуғ давлатчилик шовинизми сиёсатини ислом динига, мадраса, қорихона, мактабларга нисбатан кенг қўллашни тарғиб қилган. Шунингдек, бу асарларда мусулмон ўқув юртлари камситилган, қораланган. Асарларни умумий таърифлаш билан бирга Н.П.Остроумовнинг “Исламоведение. Введение в курс исламоведения” китоби ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

¹¹ Керенский Ф.М. Медrese в Туркестанском крае. — Санкт-Петербург: Б.И., 1892; Граменицкий С.М. Очерки развития народного образования в Туркестанском крае. — Т.: Б.И., 1896; Ўша муаллиф. Положение народного образования в Сырдарьинской области. — Т.: 1916; Остроумов Н.П. К истории мусульманского образовательного движения в России в XIX и XX столетиях // Мир Ислама. — Санкт-Петербург, 1913; Ўша муаллиф. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. — Т.: Б.И., 1914; Наливкин В. Сведения о состоянии туземных мадраса Сырдарьинской области в 1890/91 учебном году. — Т.: Б.И., 1916.

Н.П.Остроумов – рус шарқшунос олими, Россия империяси ҳукуматининг Туркистондаги маъмурларидан бири булган. У ислом тарихини чуқур ўрганган. Исломшунослик номи билан 4 жилд асар ёзиб эълон қилган, жумладан, 1. “Аравия ва Қуръон (Исломнинг келиб чиқиши ва характери). Тарихий тадқиқот тажрибаси”. –Қозон; Император университетининг типография-литографияси, 1899. –Б.256; 2. “Исломшунослик. Қуръон. Мусулмонларнинг диний-қонунчилик кодекси”. –Тошкент: Туркистон генерал-губернаторлиги девонхонаси қошидаги типография, 1912. –Б.160; 3. Исломшунослик. Абу-Ҳанифа мазҳаби бўйича шарият. “Туркистон ведомости” нашри. –Тошкент: Туркистон генерал-губернатори девонхонаси қошидаги типография, 1912. –Б.150; 4. “Исломшунослик. Исломшунослик курсига қиряш. “Туркистон ведомости” нашри. –Тошкент: Туркистон генерал-губернатори девонхонаси қошидаги типография, 1914. –Б.216.

Н.П.Остроумовнинг исломшунослик мавзусига бағишланган асарларида Ислом дини тарихининг асосий масалалари ўз аксини топган. Бизнинг китобимиз мавзусига оид масалалар, шарқ, араб мамлакатлари, жумладан, Россия, Туркистон ислом маорифи тарихи масалалари унинг “Исламоведение. Введение в курс исламоведение” номли асарида батафсил баён этилган. Асарда араб давлатлари маорифи тарихига қисқача тўхтаб ўтилган. Бу асар XIX–XX асрларда Россия мусулмонлар билимини ошириш ҳаракати тарихини нисбатан кенг ёритган. Туркистон мусулмон мактаби, айниқса, мадрасалари тарихини мукаммал ва бой тарихий маълумотлар асосида очиб берган. Туркистондаги мактабларда домудла томонидан ўқувчиларни ўқитиш тартиби кенг ёритилган. Мактабда ўқитиладиган фанлар ва бадий асарлар кўрсатилган. Шунингдек, ўқитувчи меҳнатини муқофотлаш тўғрисида ҳам тўхтаб ўтилган. Мактаб биноларининг ёш болаларни ўқитишга санитария-гигиена жиҳатидан мос эмаслиги кўрсатилган.

Мусулмон олий мактаби – мадрасалар тарихи тўғрисида аниқ маълумотлар келтирган. Н.П.Остроумов кўрсатган маълумотга кўра, 1913 йил 1 январда Туркистон ўлкасида 376 та мадрасада 9637 нафар талаба ва 7290 та мактабда 70864 нафар ўқувчи сабоқ олган. Қўқон шаҳрида 39 та, Тошкент шаҳрида 23 та, Наманганда 20 та, Самаркандда 19 та мадраса фаолият юритганлиги таъкидланган. Бу мадрасалар рўйхати берилган. Қўқон шаҳри мадрасаларининг асос

солувчилари, қурилган йили, ҳужралари сони, талабалари сони, мударрислари сони ҳақида маълумотлар келтирилган. Фаолият юритаётган мадрасаларнинг энг қадимийси Самарқанд ва Тошкент шаҳарларида эканлиги қайд этилган. Самарқанд шаҳридаги қози Ғофур мадрасаси 1401 йилда, Улугбек мадрасаси 1420 йилда, Тошкент шаҳридаги Хўжа Аҳрор мадрасаси 1451 йилда қурилганлиги уқтирилган.

Асарда мадрасалар ўқув курсига алоҳида тўхтаб ўтилган. Мадрасаларда араб, форс тиллари, илоҳиёт, фикҳ, мантик, Қуръон ва Ҳадислар шарҳи каби фанлар ўрганилган. Барча предметларни ўзлаштиришга 15–20 йил вақт кетган. Ўқийдиган фанлар уч бўлимга: қуйи (адю), ўрта (авсат) ва олий (алия)га бўлинган бўлиб, ҳар бўлимда маълум фанлар ўрганилганлиги айтиб ўтилган.

Н.П.Остроумов ўз асарида “Евроцентризм” ғоясини, яъни Европа халқлари, жумладан, рус халқининг Осиё халқларидан устунлиги тўғрисидаги ғояни ўқувчиларга сингдиришга ҳаракат қилган. У Туркистон мусулмонларининг Россия давлати билан яқинлашиши, улар маданияти, иқтисоди ривожига ижобий таъсир ўтказди, деган фикрни тарқатади. Туркистондаги мактаб, мадрасаларни Россия ҳукумати назорат қилиши, мадрасаларда рус тили дарси ўтилишини жорий қилиш керак, деган таклифни илгари суради. Бир сўз билан айтганда, Н.П.Остроумов китобининг асосий ғояси Россия империяси манфаатини ҳимоя қилишдан иборат бўлган.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида, яъни ўтган асрнинг 20-йиллари охирига қадар ислом динига қарши кескин кураш бошланмаган эди. Чунки, бу даврда ҳали марксистик методология тўла ғалаба қозонмаган, советларга қарши қуролли курашлар авж олган алғов-далғов пайтлар эди. Шунинг учун ҳам бу йилларда яратилган тарихий тадқиқотларда мадраса, қорихона, мактаблар фаолияти ижобий баҳоланган. Бундай қараш академик В.В.Бартольднинг Туркистоннинг маданий ҳаёти тарихига бағишланган асарларида ҳам ўз аксини топган¹². Ўрта Осиёни Россия империяси босиб олгандан кейин марказий ҳукуматнинг Туркистондаги генерал-губернаторлари томонидан мадрасалар вақф мулклари таланганлиги, генерал-губернатор Кауфманнинг мадрасаларга янги вақф таъсис қилгани ман этганлиги қабилар мутавалли ва мударрислар норозилигига сабаб бўлганлиги тўғрисида маълумотлар келтирган. Шу билан бирга,

¹² Бартольд В.В. Культура мусульманства. —Петроград: Огни, 1918; Ўша муаллиф. История культурной жизни Туркестана. —Ленинград, 1937.

муаллиф евроцентризм ғоясидан келиб чиқиб, Туркистон маданияти қолоқлиги, Россия маданиятининг эса юксаклигини кўрсатишга ҳаракат қилган ҳамда Туркистон мадраса ва мактабларига Россия, Европа маданияти таъсирини кучайтириш зарурлигини қайд этган.

Совет даврида Т.Н.Қори-Ниёзов, И.Мўминов, М.Г.Ваҳобов ва бошқаларнинг¹³ Ўзбекистон маданияти тарихига оид йирик асарлари чоп этилиши республика тарихшунослигида муҳим воқеа бўлди. Бирок бу асарлар чоп этилган йилларда, ислом динига қарши кескин кураш олиб борилаётган бўлиб, мусулмон маорифи ва унинг намояндалари ҳисобланган руҳонийлар фаолияти билан боғлиқ бўлган мадраса, қорихона, мактаблар тўғрисида маълумот бериш таъқиқланган эди. Мана шундай шароитда муаллифлар уларга нисбатан салбий фикр билдиришга мажбур бўлишган.

Т.Н.Қори-Ниёзов “Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар” асарида Туркистонда миллий маданиятнинг аҳволини ёритиш билан бирга мадраса, эски мактаблар фаолиятини, Россия империяси ҳукуматининг уларга нисбатан олиб борган сиёсатини баён этиб, миллий маориф фаолиятига салбий баҳо берган. Олим бу мактабларда диний таълим берилган ва ўқитиш усули жуда қолоқ бўлиб, асосан, айрим диний китоблар ва Қуръон сураларини ёдлашдан иборат бўлган, дея қайд этган.

Иброҳим Мўминовнинг “Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрни ривожланиши тарихидан” китобида XIX аср охири – XX аср бошлари Ўзбекистонда Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний ва бошқа мутафаккирлар фаолиятида прогрессив ижтимоий-фалсафий фикрнинг вужудга келиши ва ривожланиши ёритилган. Асарда мадраса ва мактаблар ҳақида қисқача маълумот берилган. Муаллиф Туркистондаги мадрасаларнинг сони, уларнинг ўқув дастури ҳақида маълумот бериш билан бирга бу муассасаларнинг диний ташкилотлар учун имом, қози, мутавалли, мударрис этиштириб чиқариш маскани эканлигини кўрсатган. Мактаблар ҳар бир масжид қошида ташкил қилингани, уларда ўқитиладиган фанлар қайд қилинган.

Китобда қимматли маълумотларнинг келтирилиши билан бирга муаллиф исломга, мадраса, анъанавий мактаблар фаолиятига ўша

¹³ Қори-Ниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданияти тарихидан очерклар. –Т.: Ўздавнашр, 1936; Мўминов И. Из истории общественно-философской мысли в Узбекистане конце XIX – начало XX вв. –Т.: Узбекистан, 1957; Ваҳобов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. –Т.: Ўздавнашр, 1961.

давр коммунистик мафқурасидан келиб чикиб салбий муносабат билдирган.

М.Г.Ваҳобовнинг “Ўзбек социалистик миллати” асарида ўзбек халқи маданиятининг ривожланиши кенг ёритилган. Жадид мактаблари тўғрисида батафсил маълумот келтирилган, қисқача мадраса, мактаблар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтилган бўлиб, улар фаолиятига салбий баҳо берилган.

А.П.Савицкийнинг “Туркистонда ер масаласи” (1867–1886 йиллардаги лойиҳа ва қонунда)¹⁴ деб номланган асарида Туркистонни бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳаси ва қабул қилинган низомда Туркистон ўлкасининг ер тузилишига бағишланган бўлимининг ишлаб чиқилиши таҳлил қилинган. Туркистон генерал-губернатори ўлкада ердан фойдаланиш масаласини ўрганиш ва таклифлар бериш учун шарқшунос мутахассисларни, полковник Николай Николаев, генерал-майор Гомзин, генерал-майор Абрамов раҳбарлигида Ўрта Осиёда ердан фойдаланиш шакллари, ҳуқуқий томонлари ва амалиёти масалаларини ўрганиб, таклифлар бериш бўйича комиссия тузганлиги ва улар ўз фикрларини берганлигини кўрсатган. Шунингдек, асарда 1873 ва 1881 йилларда Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги низом лойиҳасида ўлкада ер тузилиши масаласининг ёритилиши, бу масалани Россия империяси ҳукумати томонидан кўриб чиқилиши, ташқи ишлар ва молвия министрлиги фикрлари бўйича қайта ишланганлиги ва ердан фойдаланиш масаласига бағишланган бўлим ҳам улар таклифларини ҳисобга олиб ўзгартирилганлиги муаллиф томонидан таъкидлаб ўтилган. Асарда Туркистонда ердан фойдаланиш тартиб ва қоидаларини белгилаш жараёнида Туркистондаги рус маъмурлари мусулмон диний ташкилотларининг вақф ерларига бўлган ҳуқуқини чеклашга алоҳида эътибор берганлиги, охир-оқибатда бу ерлар мусулмон ташкилотларидан тортиб олиниб, давлат мулкига айлантиришга ҳаракат қилинганлиги ишончли далиллар асосида ёритилган.

Р.Н.Набиевнинг “Қўқон хонлиги тарихидан (Худоёрхоннинг феодал хўжалиги)”¹⁵ номли асарида Худоёрхон ҳукмронлиги давридаги сиёсий воқеалар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар архив ҳужжатлари ва қўлёзма манбалар асосида ёритилган. Хон ва унинг

¹⁴ Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркестане (В проектах закона 1867–1886 гг.). –Т.: Изд-во СамГУ, 1863. –С.208.

¹⁵ Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства (Феодалное хозяйство Худояр-хана). –Т.: Фан, 1973. –С.388.

хонадони тасарруфида ер, чорва ва бошқа мулклар тўпланиши, хон хўжалигини бошқариш, деҳқонлар меҳнатидан бепул фойдаланиш шакл ва усуллари кўрсатилган. Хоннинг бўз ерлари, ўрмонзор ва қамишзорларидан фойдаланган аҳоли “пянжяк” – даромаднинг бешдан бири миқдоридан солиқ тўлаганлиги ҳамда Худоёрхон замонидан илгари бепул фойдаланилиб бўш ётган кўриқ ерлар, кўллари тўқайлардан ҳам солиқ олинганлиги кайд этилган. Худоёрхон ва унинг хонадонига тегишли хусусий ерлар, уларда экиладиган кишлоқ хўжалик экинлари – пахта, ғалла, поляз ва улардан келадиган даромад тўғрисида тўлиқ маълумот келтирилган. Хон ва унинг авлодлари бу хусусий ерлардан мусулмон ташкилотларига вақф мулки қилиб берганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Муаллиф хон ва унинг авлодлари томонидан амалга оширилган қурилиш ишларини баён этиш жараёнида ислом ўқув юртлири ҳам бунёд этилганлигини қисқача тасвирлаган. Ҳижрий 1272 (милодий 1855–1856) йилда Худоёрхон Мадраса-и олийни, ҳижрий 1286 (1869–1870) йилда эса онаси Ҳоким-Ойим васияти бўйича унинг номидаги мадрасани барпо этганлиги ёритилган. Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек Қўқон шаҳрида Ҳоким-Ойим мадрасаси рўпарасида мадраса ва отаси Шералихон даҳмаси ёнида жуда катта – 65 та хужрали дарвозахона, муаллимхона, иккита кутубхонадан иборат қорихона қурдирганлиги баён қилинган.

В.М.Плоскихнинг “Киргизы и Кокандское ханство”¹⁶ номли асаридан қирғизлар ижтимоий-иқтисодий аҳволини, жумладан, аграр муносабатлар масаласини тадқиқ қилишга кенг ўрин берилган. У аграр муносабатларни ўрганиш жараёнида вақф ерлари масаласига ҳам тўхталган. Асарда ерлар ва бошқа даромад келтирадиган мулклар мулкдорлар томонидан мусулмон диний ташкилотларига вақф қилиниши одати Қирғизистоннинг ўтроқ-деҳқон аҳолиси орасида ҳам тарқалганлиги ва кўчманчи-чорвадор аҳоли орасида вақф тарқалмаганлиги таъкидланган. Ер ва бошқа мулкларни мадраса, масжид ва бошқа диний ташкилотларга таъсис этилганлиги кайд қилинган. Ўш вилояти ва шаҳридаги мадрасаларга вақф ерлар эҳсон қилингани кўрсатилган. Алимбек додхон Ўш шаҳрида мадраса қурдириб, унга Чинобод (Алимбекчек) кишлоғидаги ер участкасини вақф қилиб берганлиги асарда баён этилган. Қўқон хонининг кўзга кўринган амалдорларидан қирғиз-кипчоқ Адамкулнинг Андижон вилоятининг Полвон деган жойида хусусий ери бўлган. У ўша жой-

¹⁶ Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. – Фрунзе: Изд-во “Илим”. 1977.

дан ҳижрий 1278 (милодий 1861–1862) йили тўртта ер эгасидан ер сотиб олган. Бу ерларнинг ҳаммасини Андижондаги карвонсарой ва Марғилон бозоридаги бешта савдо дўконлари билан бирга Қорасув кишлоғидаги мадрасага авлод вақфи қилиб берган. Ҳижрий 1281 (милодий 1864–1865) йили Алимкул ўша мадрасага 112 та савдо дўкони авлод вақфи қилиб топширган. Муаллиф Жийда-Могол кишлоғида еттига вақф ер участкаси иккита вақф ташкилотига: бири Муҳаммад Исоқбой мактабхонасига (Хонобод кишлоғида) тегишли 1 десятина 2293 кв. саржин ер; 24 десятина 1790 кв. саржинни ташкил қилган олтига ер участкаси Араббой Наврўзбой ўғли мадрасасига тегишли бўлганлигини таъкидлаган. Асарда масжид, хонақоҳ, мазорларга тегишли вақф ерлари тўртисида ҳам батафсил маълумотлар берилган.

Ўзбекистон миллий истиқлолга эришганидан сўнг жамият тараққиётида, жумладан, Ватан тарихи фанида ҳам туб бурилиш ясалди. Ўзбекистон тарихини совет даврида ҳукмрон бўлган коммунистик мафкура тазйиқларидан холи тарзда ўрганиш учун имконият яратилди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу ўзгаришлар туфайли совет даврида Қўқон хонлиги мадраса, қорихона ва мактаблари тарихини сохталаштириб, бузиб кўрсатиш ўрнини архив ҳужжатлари асосида чуқур мулоҳаза қилиб, ҳолисона ёритиш эгаллади.

Бу мавзуга оид дастлабки тадқиқотлар журнал мақолалари сифатида эълон қилинди. И.Ақромовнинг “XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадрасалари” ва Б.Расуловнинг “Туркистон мадрасалари”¹⁷ номли мақолаларида Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин ислом ўқув юрглари фаолиятини чеклаш сиёсатини амалга оширилгани ва бу тадбирларнинг салбий оқибати очиб берилган. Бу мақолаларда мадрасалар фаолияти, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли ижобий баҳоланган.

Толибжон Саидбоевнинг “Откровение через вечное” (Мангу ҳақиқат)¹⁸ мақоласи Ўрта Осиё мактаб ва мадрасаларидаги диний таълимнинг халқ маънавиятининг юксалтиришдаги ролини кўрсатишга бағишланган. Муаллиф Европа ва Россияда ўрта асрлардан ҳозиргача чоп этилиб келаётган адабиётларда ислом маорифи салбий баҳоланганлиги, улар фақат араб алифбосини, Қуръонни

¹⁷ Ақромов И. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадрасалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –1994. –№3–4. –Б.54–57; Расулов Б. Туркистон мадрасалари // Фан ва турмуш. –1996. –№2. –Б.10–13.

¹⁸ Саидбоев Т. Откровение через вечное // Звезда Востока, 1995. –№3–4. –С.4–36.

ўргатувчи, дунёвий билимлар ўқитилмайдиган, жисмоний жазо – уриш, калтаклаш мавжуд бўлган қоқоқ ўқув муассасалари сифатида тасвирланганлигини қайд этади. Муаллиф бунга жавобан Ўрта асрларда Европа мамлакатларида, Россияда Октябрь тўнтаришигача мактабларда жисмоний жазо бўлганлиги, диний билимлар ўқитилганлиги, бу ҳодиса Шарқ ёки Ғарбга эмас, феодализмга ҳос ҳодиса эканлигини далиллар асосида исботлаб беради. Айни пайтда мактаб ва мадрасаларнинг ижобий томонлари, яъни уларнинг ёшлар онгига Куръон ва Ҳадислардаги ҳаётбахш умуминсоний қадриятлар, ахлоқий ғояларни сингдирганлиги таъкидланган.

Мустақиллик йилларида совет даврида таъқиқланган мусулмон ўқув юртлири тарихи ҳам ўрганила бошланди. Бу мавзу Ўзбекистон маданияти, маорифи тарихига бағишланган куйидаги номзодлик диссертацияларида ҳам умумий тарзда баён этилган: Карлибоев М. История народного образования в Каракалпакии в XIX – начале XX вв. Автореферат дисс... канд. истор. наук. – Нукус, 1995; Расулов Б.М. Ўзбекистондаги мусулмон мактаб ва мадрасалари тарихидан (XIX аср охири – XX асрнинг 20-йиллари). Тарих фанлари номзоди ...дисс. – Андижон, 1996; Солижоновна Г.Ф. Учебно-просветительские очаги в Туркестане, их общественное значение (конец XIX – начало XX вв.) Автореф. дисс...канд. истор. наук. – Т., 1998; Алимова Н.И. Чор Россиясининг Туркистонда миллий маданият соҳасида олиб борган сиёсати (1867–1917 йиллар). Тарих фанлари номзоди ...дисс. – Т., 2004; Исмоилова Д.А. Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли (XIX аср охири – XX аср бошлари). Тарих фанлари номзоди ...дисс. – Т., 2005; Алийхожиев М.О. Қўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни (1800–1876 йй). Тарих фанлари номз. ...дисс. – Т., 2012.

Бу тадқиқотларнинг даврий қамрови, асосан, чоризм даврини ўз ичига олади ва уларда шу даврда Туркистонда маориф соҳасида юз берган ўзгаришлар баён этилади. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши, мустамакчилик тизимининг ўрнатилиши ва бу тизимнинг маорифга ҳам таъсир қилганлиги кўрсатилган. Юқорида номлари тилга олинган диссертацияларда миллий мактаб ва мадрасалар тарихи кенг ёритилган. Анъанавий мактабларнинг ўқитиш услуби ва дарсликларининг ўзига ҳос томонлари кўрсатиб ўтилган.

Мадрасалар тўғрисида ҳам батафсил тўхталиб, уларнинг сони, ўқув дастури, ўқитиладиган фанлари ҳақида аниқ маълумотлар кел-

тирилган. Бу олий ўқув юртларининг ўлка ижтимоий ва маданий ҳаётидаги ўрни очиб берилган. Мадрасаларнинг хўжалик ишлари, вақф мулклари ҳам далиллар асосида тасвирланган. Шунингдек, мадраса мударрислари ва талабалари фаолияти ҳақида ҳикоя қилинган.

Таъкидлаш лозимки, Т.Д. Худойкулов, Г.С. Исабоева ва М.О.Алихожиевлар¹⁹нинг илмий ишлари бизнинг тадқиқотмиз мавзусига яқиндир. Тадқиқотчи Т.Д.Худойкулов хонлиқдаги маданий ҳаётнинг баъзи соҳаларига умумий баҳо бериб, маданий ҳаётга таъсир этган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий омилларни таҳлил этган бўлса, Г.С.Исабоева Қўқон хонлигидаги адабий муҳит, китобат санъати, меъморий обидалар ва халқ ҳунармандчилигининг ҳолатини тарихий ҳужжатлар асосида очиб беришга ҳаракат қилган. М.О.Алихожиев ўз диссертацион тадқиқотида Қўқон хонлиги маданий-маънавий ҳаётининг муҳим тармоқларидан бири – мактаб ва мадрасалар фаолияти ҳамда уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда анъанавий таълим тизимининг моддий таянчи бўлган вақф мулкларининг аҳамиятини чуқур таҳлил этган. Бирок Т.Д. Худойкулов ва Г.С. Исабоевалар тадқиқот ишларида Қўқон хонлигидаги таълим тизимига умумий баҳо бериш билан чекланилиб, мактаб ва мадрасаларнинг моддий таянчи бўлган вақф мулклари ўрганилмаган бўлса, М.О. Алихожиевнинг тадқиқотида Қўқон хонлигининг маълум бир даври, яъни 1800–1876 йиллардаги мактаб ва мадрасалар тарихи ўрганилган.

Собиржон Болтабоевнинг “Туркистондаги вақф мулклари тарихи” номли рисоласида²⁰ XIX асрнинг охири – XX аср бошларида ўлкада вақф хўжалигининг ахволи тадқиқ қилинган. Асарнинг асосий мақсади Россия империяси томонидан мусулмон диний ташкилотлар, жумладан мадрасалар вақф ерларини давлат мулкига айлантириш, улардан олинган ер солиғини давлат хазинасига тушириш сиёсати олиб борилганлиги ва унинг салбий оқибатларини ёритиш ҳисобланади. Россия империяси ҳукумати Туркистон мадрасалари-

¹⁹ Худойкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг иқтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёти: Тарих фан. номз. ...дисс. –Тошкент: ЎзМУ, 2009. –172 б.; Исабоева Г.С. XIX асрда Қўқон хонлигида маданий ҳаёт: Тарих фан. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент: ЎзМУ, 2010. –26 б.; Алихожиев М.О. Қўқон хонлигининг маданий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг тутган ўрни (1800–1876 йй): Тарих фан. номз. ...дисс. –Тошкент: ЎзМУ, 2012. –159 б.

²⁰ Болтабоев С. Туркистондаги вақф мулклар тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. –Наманган: “Наманган” нашриёти, 2005.

нинг вақф мулкларига бўлган ҳуқуқини чеклаш мақсадида ҳар хил тадбирлар ўйлаб чиқарди.

Шариат қондаларига кўра вақфнома маҳаллий қози имзоси билан тасдиқланиши билан қонуний ҳисобланар эди. Бинобарин, хонлар, амирлар имзолаб тасдиқлаши шарт бўлмаган. Лекин Россия империяси ҳукумати 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”да мусулмон диний ташкилотларининг вақф ерларига бўлган ҳуқуқини чеклаш мақсадида вақфномаларни текшириш тартибини жорий қилди. У Низомдаги бу умумий қондани ривожлантириб, Туркистон генерал-губернатори вақфномаларни текшириш жараёнида хонлар, амирлар муҳри борлари қонуний ва бошқалари, яъни фақат қозилар муҳрлари борлари ноқонуний ҳисоблансин деган қондани кучга киритди. Шу қоидага амал қилиб вақфномаларни текшириш натижасида хонлар, амирлар муҳри босилмаган вақфномалари бор мадраса ва бошқа диний ташкилотлар вақф ерларидан даромад, ижара ҳақи олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлиги, айрим хон, амирлар муҳрлари бор вақфномалар эгалари ҳам мадрасалари вақф ерларидан даромад ола олмаганлиги, яъни улар вақфномаларини қалбаки, ноқонуний деб даромаддан маҳрум қилинганлиги асарда далиллар асосида исботлаб берилган. Россия империяси мадраса ва бошқа диний ташкилотлар вақф ерларининг бир қисмини тортиб олиб, давлат мулкига айлантиришдан ташқари бошқа чеклашлар ҳам жорий қилганлиги кўрсатилган.

Янги мадрасалар қуриш, уларга ва бошқа мадрасаларга ҳам вақф мулкларини инъом этиш фақат Туркистон генерал-губернатори ихтиёрига берилган. Амалда янги мадрасалар қуришга ва уларга вақф мулкларини эҳсон қилишга руҳсат берилмай қолди. Айрим мадрасалар вақф ерларидан маҳрум бўлиб биноларини таъмирлай олмай қолган. Туркистондаги рус маъмурияти мадрасаларни таъмирлаш ўрнига бузиб ташлаган. Мадрасаларни, бошқа диний ташкилотлар катори зиёнли муассаса деб ҳисоблаган. Шу сабабли мадрасалар сонини камайтириш, қолганларининг моддий базасини заифлаштириш сиёсатини юритган. Россия империясининг бу сиёсати Туркистон ўлкасидаги илм-фан ва маданият ривожланиши, маҳаллий аҳоли маданий савиясининг юксалишига катта зиён етказган, деб хулоса қилади муаллиф.

Ҳайдарбек Бобобековнинг “Кўқон тарихи”²¹ номли асарида хонлик тарихи мукамал баён этилган. Муаллиф китобида Кўқон

²¹ Бобобеков Х. Кўқон тарихи. –Т.: Фан, 1996.

хонлигининг XVIII–XIX асрлардаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти ишончли манбалар асосида тадқиқ қилган. Хонликнинг маданий ҳаёти, жумладан, халқ маорифи тарихини ёритишга алоҳида эътибор берилган. Мадрасалар, қорихоналар, мактаблар ҳақида қисқача тўхталиб ўтилган. Қўқон хонлигида мактаблар, асосан, ўқитувчиларнинг хусусий ҳовлиларида ва масжидлар қошида бўлганлиги таъкидланган. Олим айрим мактаблар фаолиятини ёритган. Чунончи, хон саройида махсус мактаб бўлган. Унда ёш Худоёрхон ва сарой амалдорларининг болалари ўқиган. Машҳур шоира Дилшод ўз ҳовлисида қизлар мактаби очган. Уни эллик бир йил ичида саккиз юз тўқсон нафар қизлар битириб чиққани ва уларнинг тўртдан бир қисми шеърятта мойил бўлиб, шоира сифатида етишиб чиққанлиги кўрсатилган. Айрим мактаблар, асосан, масжидлар қошидаги мактаблар вақф даромадидан фойдаланганлиги қайд қилинган. Муаллиф Қўқон хонлигида мактаблар кўп бўлганлигини таъкидлаб, хонлик аҳолисининг кўпчилиги ёзиш, ўқишни билганлиги, саводхон бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради, деб хулоса қилади. Қорихоналарда, асосан, кўзи ожиз болалар ўқиганлиги, Куръонни, шуниингдек дoston ва шеърларни ёдлаганлиги айтиб ўтилган.

Муаллиф мадрасалар тўғрисида нисбатан батафсил тўхталган. Мадраса мусулмон олий ўқув юрти бўлиб, унда ўқитиладиган фанлар кўрсатилган, диний фанлар дунёвий фанларга нисбатан устун туриши таъкидланган. Қўқоннинг қадимги ва йирик мадрасалари тўғрисида тўлароқ маълумотлар берилган.

Шодмон Воҳидовнинг “Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари)”²² номли монографиясида XVIII–XIX асрларда Марказий Осиё давлатчилигида муҳим ўрин эгаллаган Қўқон хонлигининг тарихи (1710–1876) ва хонлик тарихшунослик мактабининг шаклланиши, намояндалари ва улар асарларининг тавсифи мукаммал баён этилган. Асарда кенг ва ишончли манбалар ва адабиётлар асосида Қўқон тарихнавислик мактаби шаклланишининг тарихий шароити, сиёсий жараёнлари, хонликнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёти, Қўқон хонлиги тарихининг қисқача тарихнавислиги, хонлик ҳудудларидаги тарихнависликнинг ғоявий асослари, намояндалари, асарлари батафсил ёритилган. Асарнинг II бўлими, “Моддий ва маънавий ҳаёт”

²² Воҳидов Шодмон. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). –Т.: Академнашр, 2010.

деб номлаган 4-бобининг “Меъморилик ва қурилиш ишлари” деган параграфиди масжид, макбара, хаммом ва турар-жой бинолари билан бирга, Қўқон хонлигида қўлаб мадрасалар қурилганлиги қайд қилинган. “Мадраса ва мактабларда таълим”, деб аталган параграфиди мадраса ва мактабларда ўқитиладиган фанлар кўрсатиб ўтилган. Уларда, асосан, диний фанлар ва қисман дунёвий фанлар ўрганилгани қайд қилинган. Мадрасанинг таъмиоти, уни таъмирлаш, мударрис ва бошқа ходимларнинг меҳнат ҳақи вақф мулкларидан тушган даромад ҳисобидан қоплаганлиги уқтирилган. Муаллиф “хонлик давридаги таълим-тарбия ва маориф масалалари жиддий ўрганилмаган ва бизнингча, у алоҳида илмий тадқиқот мавзуси бўла олади”, деб тўғри фикр билдирган.

Б.М.Бобожонов Қўқон хонлиги тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшган олим ҳисобланади. Муаллиф ўзининг йирик тарихий асариди²³ Қўқон хонлигининг сиёсий тарихи, унинг ҳаётида ислом динининг тутган ўрни каби масалаларни маҳаллий тарихчиларнинг қўлёзма асаридан кенг фойдаланган ҳолда тўлиқ ёритган. Унинг асариди Қўқон хонларининг ҳаёти, фаолиятидаги кам ўрганилган қирралар очиб берилиши билан бирга, Минглар ҳокимиятини асослашди легитимация йўллари турлича бўлганлиги кўрсатилган. Асарди маҳаллий тарихчилар асарларидаги маълумотлардан келиб чиқиб, муаллиф хонликди сиёсий, қисман иқтисодий жиҳатдан бирлик бўлмаганлиги, ўтроқ ва кўчманчи аҳолидан иборат этник гуруҳлар бирлиги шаклланмаганлиги хонлар олиб борган сиёсатга салбий таъсир кўрсатиб, давлатни бошқаришди қийинчиликлар туғдирганлиги қайд қилинган. Китобди Қўқон хонлиги ҳокимиятига ислом динининг таъсири мукамал ёритилган. Асарди хон ҳокимияти қонуний эканлиги, улар лайғамбаримиз авлоди, саййидлардан эканлиги ёки чингизийлар, теурийлар авлодидан эканлигини исботлашди, одил ва жуда яхши хон эканлигини асослашди ислом дини арбоблари катта роль ўйнаганлиги таъкидланган. Лекин амалди ислом дини арбоблари хонга тобе бўлганлиги, улар хоннинг шариятга тўғри келмайдиган сиёсатини маъқуллашга мажбур бўлганлиги ҳам ёритилган. Хонлар муҳтасиб, шайх-ул-ислом, қозикалон институтларини ташкил қилиб, ижтимоий масалаларни, этник гуруҳлар можароларини ҳал қилишди улардан фойдаланишга ҳаракат қилган, лекин бу ишлар натижа бермаганлиги кўрсатилган.

²³ Бабажанов Б.М. Кокандское ханство: власть, политика, религия. —Токио-

Асарда хонларнинг солиқ сиёсати тўғрисида тўхталиб, бу ишда давлат назорати бўлмаганлиги, натижада солиқ йиғувчилар ўз мансабининг суниестемол қилганлиги, коррупция авж олганлиги, хонлар ортқича солиқлар жорий қилиб, шариат қоидаларини бузганлиги қайд этилган.

Китобда ислом дини, шариат, айрим диний маросимлар тўғрисида батафсил ҳикоя қилинган. Хонлар, уларнинг амалдорлари, асладодлар, аъёнларнинг ўзлари шариат қоидаларини бузганлиги, маст қилувчи ичимликлар – мусаллас ичганлиги, баччабозлик қилганлиги, наша чекканлиги баён этилган.

Муаллиф мазорлар фақат диний марказ бўлиб қолмай, улар хонлар эътиборида ҳам бўлганлиги, азиз-авлиёлар мақбараларига ҳомийлик қилинганлиги, шу йўл билан ўз ҳокимиятини мустаҳкамлашга ва обрўсини оширишга ҳаракат қилинганлиги кўрсатилган.

Б.М.Бобожоновнинг асари Қўқон хонлиги ўқув юртлири бўлиш мадраса, қорихона, мактабларнинг хонлик ҳаётида тутган ўрни ва ролини баҳолашда ва тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳамид Зиёевнинг “Ўзбекистон-мадрасалар ватани”²⁴ номли рисоласида Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Намавган, Хоразм мадрасалари рўйхатлари ва уларнинг қисқача шарҳи берилган. Тошкент мадрасалари рўйхатини келтирмай, фақат айрим мадрасалар Хожа Аҳрор, Бароқхон, Беклар Беги, Маҳмуд Дастурхончи, Мўйи Муборак, Қосимхон Эшон мадрасалари ҳақида қисқача ахборот бериб ўтилган. Муаллиф изоҳ бериб ўтганидек, рисолада келтирилган маълумотлар Остроумовнинг “Исламоведение. Введение в курс исламоведения” китобидан олинган. Ҳамид Зиёев рисоласининг Остроумов китобидан асосий фарқи, у миллий истиқлол мафкураси асосида ёзилганлигидадир.

Юқорида таҳлил қилинган адабиётлар мазмуни ва моҳияти шуни кўрсатадики, мадраса, қорихона, мактаблар тарихига оид кўплаб асарлар мавжудлигига қарамай, Қўқон хонлиги ислом ўқув юртлири тарихи тарихчилар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Мавзуга доир асарларни асосий қисми мустамлака Туркистон миллий маорифи тарихига бағишланган. Россия импе-

²⁴ Ҳ.Зиёев. Амир Темур томонидан Қуръони Карим асл нусхасининг келтирилиши. Ўзбекистон – мадрасалар Ватани. –Тошкент: “Тошкент

рияси Туркистон ўлкаси устидан ҳукмронлик қилган даврда, совет ҳокимияти йилларида ёзилган адабиётлар мавжуд тузум ва коммунистик мафкура таъсирида бўлиб, уларда келтирилган маълумотлар мустамлакачилик тизими манфаатини ҳимоя қилишга йўналтирилган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин коммунистик мафкурадан воз кечилиб, миллий истиқлол мафкураси шакллантирилди. Бу мафкура асосида яратилган тарихий асарлар воқеаларни ҳолисона ва ҳаққоний ёритган. Ўзбекистон чор Россияси империяси, совет империяси даврида ва мустақиллик шароитида яратилган тадқиқотларда Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихига оид қисқа маълумотлар берилган.

Мавзуга оид тарихий асарлар таҳлили шуни кўрсатадики, шу вақтга қадар Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихига оид алоҳида, мустақил тадқиқот ёзилмаган. Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ходимлари томонидан яратилган ислом ўқув юртлари тўғрисидаги асарларда чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати руҳида, ислом дини, унинг мадраса, мактаблари фаолиятини салбий баҳолаб, қоралаб баҳо берилган.

Совет даврида тарихчиларнинг ислом дини, жумладан, мадраса ва мактаблар тарихини халққа билдириш имконияти бўлмаган, бунга коммунистик мафкура йўл бермаган. У даврда мадраса, мактаблар тарихининг айрим масалалари, улар ҳам жуда умумий тарзда ва марксча-ленинча методология асосида ўрганилган ва воқеалар сохталаштирилган. Шундан келиб чиқиб, Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихини миллий истиқлол мафкураси асосида ҳолисона тадқиқ қилишга, ҳулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Мавзунинг манбашунослиги. Россия империяси ҳукумати христиан дини билан ислом дини ўртасидаги келишмовчиликни, мусулмонлар билан христианлар орасидаги зиддиятларни ҳисобга олиб, Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин Туркистон генерал-губернаторлиги раҳбариятига маҳаллий халққа, унинг маънавий руҳий раҳбари мусулмон руҳонийларига эҳтиёткорлик билан алоқада бўлиш, улар фаолиятини назорат қилиб туришни топширган. Шу кўрсатмадан келиб чиқиб, 1867 йилда ташкил қилинган Туркистон генерал-губернаторлиги ва унинг биринчи генерал-губернатори генерал П.К.Кауфман биринчидан янги босиб олинган ерда Россия ҳукмронлигини мустаҳкамлаш ва иккинчидан маҳаллий халқни, улар раҳбари мусулмон руҳонийлар норозилигини келтириб

чиқармаслик мақсадида, улар ички ишларига аралашмаслик сиёсатини олиб борган. Шу билан бирга ўлкада Россия ҳукмронлиги кучайиб борган сари мусулмон руҳонийлари фаолиятини назорат қилиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклашни кенгайтириб борган.

П.К.Кауфман 1880 йилда вилоят бошқармаларига ҳудуддаги ислом ўқув юртлари рўйхатини ҳар йили 1 январда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига жўнатиб туришни буюрган. Шу йўл билан улар сондаги, моддий ҳолатидаги ўзгаришларни кузатиб боришни мақсад қилган. 1886 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга асосан диний ташкилотлар вақф ерларини тўғрисида олишни кучайтирган. Шариат қондасига кўра мусулмон диний ташкилотлар вақфномалари қозининг муҳри бўлса қонуний ҳисобланган. Шунга зид равишда Россия империяси ҳукумати 1886 йилда қонун чиқариб, унинг асосида вақфномада амир ёки хон муҳри бўлса қонуний ҳисоблансин, фақат қозининг муҳри бўлса ноқонуний ҳисоблансин деган мазмундаги қондан жорий қилган. Россия императори чиқарган “Туркистон ўлкасида ер-солиқ тизимини жорий қилиш қондалари”²⁵ номли қонунда хон ва амрлар муҳри бор вақфномаларни текшириш вазифаси ер-солиқ комиссарлари ва комиссияларига юклатилган. Рус маъмурлари Россия ҳукумати манфаатини ҳимоя қилиб кўп ҳолларда қонуний вақфномаларни ҳам ноқонуний деб вақф ерларидан тушадиган ижара ҳақини, вақф даромадини давлат хазинасига ўтказган ва мусулмон диний ташкилоти масжид, мадраса ва бошқаларни вақф даромадидан маҳрум қилган. Вақфномаси ноқонуний деб ҳисобланган диний ташкилот вақф мулки қора вақф деб, қонуний ҳисобланганларники оқ вақф деб ҳисобланган. Оқ вақфлардан тушган даромад, вақф ерларни ижарага олган деҳқонлардан олинган ижара ҳақи диний ташкилот фойдасига тушган. Қора вақфдан тушган даромад давлат хазинасига олинган. Оқ вақфлар ҳам, қора вақфлар ҳам доимо рус маъмурлари назоратида бўлган.

1906 йил 28 октябрда Туркистон генерал-губернаторлигининг топширигига биноан бўлса керак. Фарғона вилояти бошқармаси барча уезд бошлиқлари ва полицеймейстрларга фармойиш юборган. Бу ҳужжатда Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомнинг 267 моддаси асосида вилоят бошқармаси қисқа вақт ичида уезд ва шаҳарда мавжуд бўлган барча вақф ташкилотлари рўйхатини ва

²⁵ Бу қондалар А.П.Савицкийнинг “По земельный вопрос в Туркестане” (Ташкент: Издательство СамГУ, 1963) китоби илова қисмида эълон қилинган.

унда қуйида кўрсатилган маълумотларни: бу вақфлар қачон таъсис этилган, ҳужжатлари борми, бу ҳужжатлар вилоят бошқармасига топширилганми, вақф мулки нимадан иборат, ҳар йили қанча даромад келтиради, ким мутавалли бўлган, қайси вақтдан, кимнинг рухсати биланлигини белгилаб жўнатишни таклиф қилган²⁶.

Низомнинг 267 моддасида қуйидаги қоида ёзилган: “Вақф ҳужжатларини тасдиқлаш, вақфларни бошқаришни ташкил қилиш, вақф даромадларидан тўғри фойдаланишни назорат қилиш ва уларни тафтиш қилиш ҳуқуқи вилоят бошқармасига берилади”.

Фарғона вилояти бошқармаси фармойишига жавобан барча уезд бошлиқлари ва эски Марғилон шаҳри полицеймейстри вақф ташкилотлари рўйхатини жўнатган. Ўш уезди бошлиғи Фарғона вилояти бошқармасига Ўш шаҳридаги вақф ташкилотлари рўйхатини 1907 йил 4 январда юборган. Қўқон уезди бошлиғи Қўқон шаҳри ва уездда мавжуд бўлган вақф ташкилотлари рўйхатини 1907 йил 11 февралда жўнатган. Андижон уезди бошлиғи Андижон уезди бўйича вақф ташкилотлари тўғрисида ахборотномани 1907 йил 21 апрелда юборган. Наманган уезди бошлиғи Наманган уезди бўйича вақф ташкилотлари тўғрисидаги ахборотномани 1907 йил 8 июнда юборган. Эски Марғилон шаҳри полицеймейстри эски Марғилон шаҳрида мавжуд бўлган вақф ташкилотлари рўйхатини 1907 йил 21 июнда жўнатган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Фарғона вилояти бошқармаси фармойишида уезд бошлиқларидан шаҳар ва уезд қишлоқларидаги вақф ташкилотлари рўйхатини жўнатишни талаб қилганлигига қарамай Ўш ва Марғилон уездлари раҳбарлари фақат шаҳардаги вақф ташкилотлари рўйхатини жўнатган. Қўқон, Андижон ва Наманган уездлари бошлиқлари шаҳар ҳамда уездеги вақф ташкилотлари рўйхатини ва талаб қилинган маълумотларни юборган.

Фарғона вилояти уезд бошлиқлари тўплаб юборган рўйхатларда Қўқон ҳолигида ва ундан олдин бунёд этилган, фаолият юритган бир неча минг масжидлар, мадраса, қорихона, хонақоҳ, мозорлар ва бошқа мусулмон диний ташкилотлари ҳақида қисқа лекин қимматли маълумотлар келтирилган. Масалан, Қўқон уезди бўйича 1300 тадан ортиқ вақф ташкилотлари ҳақида маълумотлар берилган. Наманган уезди бўйича 800 тадан ортиқ вақф ташкилотлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Бошқа уездлар бўйича тузилган ва Фарғона

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, 19-фонд, 1-рўйхат, 33610-ийтма жилд. 4-варақ (кейинги ўринларда: ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 4-в.).

вилояти бошқармасига топширилган рўйхатларнинг ҳар бирида бир неча юз вақф ташкилоти ҳақида маълумотлар берилган.

Фарғона вилоятининг 1906 йил 28 октябрдаги фармойишига жавобан уезд бошлиқлари вақф ташкилотлари рўйхатини жадвал шаклида тайёрлаб юборган. Масалан, Наманган уезди бўйича вақф ташкилотлари ҳақидаги рўйхат жадвал шаклида тузилган бўлиб, унинг биринчи графасида тартиб номери, иккинчи графада вақф ташкилотининг номи ва унинг қайси жойда эканлиги, учинчи графада вақф мулки қачон таъсис этилганлиги ва вақф ҳужжати борми ва Фарғона вилояти бошқармасига топширилганми ва қачон, тўртинчи графада вақф мулки нималардан иборат ва ҳар йили қанча даромад келтиради ва охириги – бешинчи графада мутавалли ким, қачон, ким томонидан тасдиқланганлиги кўрсатилган. Ҳар бир уезд бошлиғи, тахминан, шу каби жадвал тузиб, Фарғона вилояти бошқармаси сўраган маълумотларни жўнатган. Ҳар бир масжид, мадраса, қорихона, хонақоҳ, мазор ва бошқалар ҳақида юқоридаги графаларда сўралган маълумотларни ёзиб юборган.

Бу жадваллардаги материаллар, манбаларнинг қимматли томони шундаки, ҳар бир масжид, мадраса ва бошқа вақф ташкилотларининг қайси жойда жойлашганлиги, вақф таъсис этилган йили, вақф ҳужжатлари бор йўқлиги, вақф мулки нималардан иборат эканлиги, йиллик вақф даромади миқдори ҳақида маълумотлар берган. Масалан, вақф ташкилотига вақф мулки таъсис этилган йили ёрдамида бу масжид ёки мадрасани қачон бунёд этилганлигини аниқлаб олиш мумкин. Одатда масжид ёки мадраса қурилган йили уни бунёд этган шахс бу ташкилот фаолиятини юритиш учун вақф мулки васият қилган. Шу тўғрисида дастлаб вақф ташкилотига вақф мулки таъсис этилган йили билан вақф ташкилоти бунёд этилган йилга тўғри келади.

Вақф ташкилотлари рўйхатларида келтирилган маълумотлар жуда катта аҳамиятга эга. Бу манбаларда бошқа ҳужжатларда учрамайдиган янги қадимий мадраса, масжидлар ҳақида маълумотлар топилди. Бу ҳужжатлар асосида Наманган вилоятининг Чодал қишлоғида 1202 йилда бунёд этилган мадраса тўғрисидаги ва кейинги асрларда Фарғона водийсининг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб мадраса, қорихона, мактабларни барпо этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар топилган. Бу ҳужжатлар кўмагида ўзбек халқи маданиятининг қадимий эканлигини тарихий қўлёзма манбалар асосида ишончли тасдиқлаш имконияти вужудга келди.

Вақф ташкилотлари рўйхатлари масжидлар тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-1 рақамли Туркистон генерал-губернатори девонхонаси фондида бир неча йил илгари Фарғона вилоятининг Шохимардон қишлоғида Х асрда масжид бўлганлиги ва XIX асргача фаолият юритганлиги ҳақида ҳужжат топган эдик. Лекин багафсилроқ маълумот бўлмаган. Вақф ташкилотлари рўйхатларида 1305, 1352 йилларда Фарғона водийсининг Марғилон шаҳрида бунёд этилган масжидлар ҳақида маълумотлар бор. Бундай қадимги масжидлар ҳақидаги маълумотларни илгари архив ҳужжатларидан фойдаланган вақтларимизда учратмаган эдик. Бу вақф ташкилотлари рўйхатидаги маълумотлар бебаҳо янгилик бўлди. Ҳужжатдаги бу маълумотлар бу манба қимматини янада орттиради. Эски Марғилон шаҳри полицеймейстрининг шаҳардаги вақф ташкилотлари рўйхатида масжидларнинг номи, ташкил қилинган йилидан ташқари қайси жойда жойлашгани, вақфномаси борлиги, вақф мулки нималардан иборат эканлиги, йиллик вақф даромади, мутаваллис, унинг қайси вақтдан ишлаётгани ҳақида маълумотлар бор. Бу маълумотлар масжидлар тўғрисида маълум даражада тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Масжидларнинг вақф мулки борлиги ҳақидаги маълумот улар моддий томондан таъминланганлигидан, масжидлар фаолият юритганлигидан гувоҳлик беради. Масжидлар ўз қавмини, маҳалласи аҳолисини маънавий жиҳатдан тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган. Масжидлар ҳам мадрасалар каторида ўзбек халқи одоб-ахлоқи, маънавияти, маданиятини ривожлантиришда катта рол ўйнаган. Шунинг учун масжид, мадрасаларни Фарғона водийсида, Ўзбекистонда ислом дини тарқалиши билан бирга вужудга келганлигини ҳужжатлар асосида тасдиқловчи манбаларнинг топилиши муҳим илмий аҳамиятга эга.

Архив ҳужжатлари ва эъдон қилинган манбалар

Россия империяси армияси Кўкон хонлигини 1876 йили босиб олганидан кейин хон саройидан қимматбаҳо нарсалар билан бирга хон архивини ҳам қўлга киритган эди. Бу водир қўлёзма ҳужжатлар Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман топшириғи билан Петербургга – император кутубхонаси (ҳозирги Салтиков-Шедрин номи кутубхона)га юборилган. XX асрнинг 50-йиллари архив ҳужжатлари тартибга келтирилиб, шарқшунос олима А.Я.Троицкая “Каталог архива кокандских ханов XIX века”²⁷ номи билан 1968 йилда ҳужжатлар

²⁷ Троицкая А.Я. Каталог архива кокандских ханов XIX века. –М.: Издательство “Наука”, 1968. –С.583.

рўйхатини эълон қилган. 1962 йилда бу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивига олиб келинган ва МДАнинг тарихий бўлимида 1043 номерли архив фондида сақланмоқда. Қўқон хонлари архивида 5 минг варақдан кўпроқ ҳужжатлар бўлиб, улар асосан Худоёрхон даврига ва бир неча ҳужжатлар Шералихон ва Маллахон давриларига оид. Архивда асосан хонликдаги ер эгаллиги, ердан фойдаланиш, солиқлар, йнгинлар, ҳарбий ишлар, хон ва бек ўрдасига тегишли ҳужжатлар сақланган. Шу ҳужжатлар орасида қисман хонликдаги ўқув юртлири — 1 та қорихона, 5–6 та мактаб, 15–20 та мадрасалар ҳақида ҳужжатлар бизгача етиб келган. Ҳужжатда Кумарикдаги қорихона вақф ерларини хирож солиғидан озод қилиш тўғрисида маълумот берилган. Йили кўрсатилмаган. Мактабларга оид ҳужжатларда мактабларга қурилиш материаллари ва бошқа ёрдамлар, мактаб домулласига пул берганлиги, тўн совға қилганлиги кўрсатилган. Мадрасаларга тегишли хон вакиллари. Султон Муродбек ва бошқа амалдорлар патталарида (расмий фармойиш, буйруқ)ларида Султон Муродбек қураётган мадрасага қурилиш материаллари бериш, мадрасалар ва танобона солиқларидан озод қилиш ҳақидаги маълумотлар берилган.

Давлат архивларида 100–500 варақли йнғма жилд, 5–10 метрли битта вақфнома, бир вараққа ёки бир варақни бир парчасига ёзилган ҳужжатлар ҳам алоҳида-алоҳида сақланади. Шунинг учун архив фондидаги ҳужжатли материалларни ҳисобга олинганда единица хранения — сақлов бирлиги деган атама қабул қилинган. Архивларда сақланаётган ҳужжатли материалларнинг асосий қисми йнғмажилдлардан ташкил топган. Бир вараққа ёки бир парча қоғозга ёзилган ва алоҳида сақлов бирлиги сифатида сақланадиган ҳужжатлар нисбатан жуда кам учрайди. Шунинг учун илмий ишларда тушинарлироқ йнғмажилд атамаси ишлатилади. Аксинча 1043-Қўқон хонлари архив фондидаги ҳужжатли материалларнинг асосий қисми 5x2 см.дан 7x2 см.гача ўлчовдаги парча қоғозларга ёзилган патта ҳамда хатлардан иборат ва ҳар бир ҳужжат алоҳида сақлов бирлиги сифатида сақланади. Натияжада бир парча қоғозга ёзилган ва алоҳида сақланаётган ҳужжатни илмий ишларда ишлатиладиган йнғмажилд атамаси бундай ҳужжатларни номлашга тўғри келмайди. Бундай ҳолларда сақлов бирлиги атамасини кўллаш тўғри бўлади. Шундан келиб чиқиб, биз қуйидаги Қўқон хонлари архивидаги ҳужжатлардан фойдаланиб, бетнинг остига тушириб ёзилган сноска-шқтибосда йнғмажилд ўрнига давлат архивларида қабул қилинган сақлов бирлиги атамасини ишлатдик.

Кўкон хонлари архив фондида сақланиб қолган мадрасаларга оид хужжатларда мадрасалар қурилиши, уларни вақф ерларидан олинадиган солиқлардан озод қилиш масалалари ёритилган. Бундай патталар (расмий фармойиш, буйруқлар) асосан Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек ва бошқа хон амалдорлари томонидан солиқ йиғувчи ва бошқа амалдорларга берилган. Қуйида шундай маълумотлардан намуналар келтирамиз.

Ҳижрий 1285 – милодий 1868–1869 йилда Подшо Искандар мадрасасининг вақф ерларида экилган маккажўхори, сабзи, пиёзларни хирож, қовуни танобона солиқларидан озод қилиш тўғрисида Қушарик амлоқдорига Минг Шира хазиначи патта берган²⁸.

Ҳажрий 1285 – милодий 1868–1869 йилда Ҳовузи Дараз мадрасасининг Жуй Заркент ва Жуй Ашхакдаги вақф ерида экилган қовундан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Мулла Абду ас-Саййид Мирзага Худоёрхоннинг укаси, Марғилон вилоятининг ҳокими Султон Муродбек патта юборган²⁹.

Ҳижрий 1286 – милодий 1869–1870 йилда Домулла Турсун Муҳаммад Охунд мадрасасининг Аввалдаги вақф ерида экилган қовундан олинадиган солиқдан озод қилиш тўғрисида Тўйчибек бийга Султон Муродбек ўғли Али Акбарбек патта берган³⁰.

Ҳижрий 1287 – милодий 1870–1871 йилда Қози Калон мадрасасининг Жуй Такамандаги вақф еридаги толлардан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Тўйчи мирахўрга Султон Муродбек патта юборган³¹.

Ҳижрий 1287 – милодий 1870–1871 йилда Домулла Турсун Муҳаммад Охунд мадрасасининг Аввал ва Какландаги вақф ерларидаги бедадан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Муҳаммад Қосим мирохўрга Абду Жалил мирзабоши патта берган³².

Ҳижрий 1287 – милодий 1870–1871 йилда Қувадаги мадрасани Қувадаги вақф еридаги бедадан олинадиган солиқдан озод қилиш тўғрисида Жон Мирза юзбошига Султон Муродбек патта юборган³³.

Ҳижрий 1287 – милодий 1870–1871 йилда Оқ-йўлбой мадрасасининг Жуйбар Жуй Кат, Жуй Хўжагандаги вақф ерларидаги экил-

²⁸ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 718-саклов бирлиги (кейингиси с.б.), 1-в.

²⁹ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1126-с.б., 1-в.

³⁰ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1135-с.б., 1-в.

³¹ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1120-с.б., 1-в.

³² ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1143-с.б., 1-в.

³³ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1139-с.б., 1-в.

ган бедадан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Болта мирохўр ва Мулла Тош Муҳаммад мирзаларга Султон Муродбек патта юборган³⁴.

Ҳижрий 1288 – милодий 1871–1872 йилда мадраса қурилишида ишлаётган уста ва мардикорларга бугдой бериш тўғрисида Боки Муҳаммад саркорга Султон Муродбек патта юборган³⁵.

Ҳижрий 1289 – милодий 1872–1873 йилда Подшо Искандар мадрасасининг Жуй Пувган вақф еридаги қовун, сабзи ва пиёзлардан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Тўйчибек мирохўрга Султон Муродбек патта юборган³⁶.

Ҳижрий 1289 – милодий 1872–1873 йилда Ҳовузи Дараз мадрасасининг Жуй Заркент ва Жуй Рамадандаги вақф ерларида экилган қовундан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Муҳаммад Қосим мирохўрга Султон Муродбек патта юборган³⁷.

Ҳижрий 1289 – милодий 1872–1873 йилда Эшон Қози мадрасасининг вақф еридаги қовундан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Мулла Исмоил мирзага Абдужалил мирзабоши патта юборган³⁸.

Ҳижрий 1290 – милодий 1873–1874 йилда Кўраввал мадрасасининг Жуй Заркент ва Жуй Рамадандаги вақф ерларида экилган қовундан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Мулла Исроил мирзага Мавлонбек патта юборган³⁹.

Ҳижрий 1290 – милодий 1873–1874 йилда Мулла Исмоил мадрасасининг Жуй Алиман ва Жуй Ахшакдаги вақф ерларидаги қовундан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Мулла Исмоилга Султон Муродбек патта юборган⁴⁰.

Ҳижрий 1291 – милодий 1874–1875 йилда Худоёрхон янги мадрасасининг Нархи қалон қанапининг шимол томонидаги вақф еридан олинадиган танобона солиқдан озод қилиш тўғрисида Мулла Абду Қодир мирзага Мулла Хўжа Назар патта юборган⁴¹.

Ҳижрий 1291 – милодий 1874–1875 йилда Исмоил Маҳдум мадрасасининг Жуй Алимандаги вақф ери қовундан танобона солиқдан

³⁴ ЎЗР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1137-с.б., 1-в.

³⁵ ЎЗР МДА, И-1043-ф., 1-р., 870-с.б., 1-в.

³⁶ ЎЗР МДА, И-870-ф., 1-р., 1134-с.б., 1-в.

³⁷ ЎЗР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1132-с.б., 1-в.

³⁸ ЎЗР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1127-с.б., 1-в.

³⁹ ЎЗР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1128-с.б., 1-в.

⁴⁰ ЎЗР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1129-с.б., 1-в.

озод қилиш тўғрисида Мулла Абду ас-Саййид мирзага Султон Муродбек патта юборган⁴².

Ҳижрий 1291 – милодий 1874–1875 йилда Қози Мир Муҳаммад Амин мадрасасининг вақф еридаги пахтадан олинадиган солиқдан озод қилиш тўғрисида солиқ йигувчига Султон Муродбек патта юборган⁴³.

Ҳижрий 1288 – милодий 1871–1872 йилда Султон Муродбек мадрасаси қурилиши учун кичик эшик бериш, Қўқондан дарвоза олиб келиш учун пул бериш, ходалар тайёрлаш ва қурилишда ишдаётган аравақашларга барча зарур нарсаларни бериш тўғрисида Бахти Муҳаммад кўрбошига Муҳаммад Султон Муродбек патталар юборган⁴⁴.

Хонлар, беклар диний ташкилотлар, жумладан масжид, мадрасалар ва уларнинг вақф мулклари, ерлари мулкдорлар томонидан Аллоҳ йўлида ҳадя қилинган, Аллохники деб ҳисоблаб, улардан солиқ олишда чекланилган, одатда, кўп ҳолларда солиқдан озод қилинган. Шу йўл билан масжид, мадраса, уларнинг вақф ерларини, уларда етиштирилган маҳсулотларни Аллохники деб тушунган маҳаллий аҳолини нафратига, ғазабига учрамай, аксинча мусулмон руҳонийлари, аҳоли ўртасида ҳурматга, эҳтиромга сазовор бўлиш мақсадида хон ва беклар улардан солиқ олмаган ёки чекланган.

Қўқон хонлигида, бошқа Ўрта Осиё хонлиқларида ҳам бўлганидек аҳоли, корхона ва хўжаликлардан, жумладан вақф хўжалиқларидан олинадиган солиқлар, хонлар, беклар хазинасидаги пуллар, омборхоналардаги буюмлар сарф-харажатлари, кимлар солиқдан озод қилинганлиги, кимлар қанча солиқ тўлаган ва қанча қарзи қолганлиги ҳисоблаб борилган. Омборхоналардаги буюмлар, хазинадаги пулларнинг харажатлари ҳақида ҳисобот бериб турилган. Шу сабабдан Қўқон хонлари архивида кўп муҳим ҳужжатларнинг йўқ бўлиб кетганлигига қарамай, мадрасалар ва бошқа диний ташкилотлар вақф мулклари, ерларини солиқлардан озод қилиш ва хазина, омборхоналардаги пул ва буюмлар сарфланганлиги тўғрисида майда ҳужжатлар ҳам сақланиб қолган.

Тадқиқотни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган мадраса, қорихона, мактабларнинг вақфномаларидан кенг фойдаланилди. Бу ҳужжатлар ўқув юртлари

⁴² ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 1124-с.б., 1-в.

⁴³ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 726-с.б., 1-в.

⁴⁴ ЎзР МДА, И-1043-ф., 1-р., 2441–2444-с.б., 1-в.

хақида қисқача маълумот беради. Масалан, мадраса, корихоналар пишиқ ёки хом гиштдан қурилганлиги, хужралари сони, масжиди, хонақоси ва бошқалар хақида маълумот беради. Айрим вақфномаларда бу маълумотларнинг баъзилари, айримларида эса бутунлай кўрсатилмаган.

Вақфномалар тузилиши бир хил эмас. Лекин кўпчилик вақфномалар бошида мадраса, корихона, мактабни баён этиб унинг қайси жойда қурилганлигини, яъни ўқув юрти жойлашган маҳалла, кишлоқ ёки шаҳар кўрсатилиб, мадраса худудининг чегараси шарқ, ғарб, шимол, жануб томонлардан қайси ариқ, кўча, кимнинг ери ва бошқалар билан чегарадош эканлиги кўрсатилган. Ўқув юрти хақида шу каби қисқа маълумот бергандан кейин вақф қилиб бериладиган мулклар – ер участкалари, карвонсарой, дўконлар, тегирмон, обжувоз, ҳаммом ва бошқа савдо-саноат корхоналари, уларнинг жойлашган жойи ва чегаралари кўрсатилади. Шундан кейин вақф мулки эҳсон қилиш мақсадида маҳаллий қозини олдига қачон, қим қилганлиги ва Худо йўлида юқорида қайд қилинган мулкларнинг қайси вақф ташкилотига вақф қилишининг билдирганлиги айтиб ўтилади. Бу маълумотлардан сўнг вақф эҳсон қилувчининг шартлари кўрсатилади. Мадраса, корихона, мактаб вақф мулкларнинг бошқарувчи мутаваллисининг қим бўлиши баён этилади. Айрим ҳолларда мутавалли лавозимида мадрасада мударрис, корихоналарда қорибоши, мактабларда мактабдор бўлиши васият қилинган, асосан вақф мулкларини эҳсон қилувчининг ўзи бўлган. Шундан кейин вақфномада вақф мулкларидан тушган даромадни бўлиш тартиби кўрсатилган. Шу билан бирга, айрим вақфномаларда вақф ташкилотига хизматда бўлган қориларга, мадрасанинг масжиди имомига эҳсон қилувчи вафотидан кейин ёки унинг ўтган авлодлари ва умуман ўтганлар руҳига Қуръон сураларидан ўқиш буюрилган.

Баъзи вақфномаларда вақф мулки бир ижарачига уч йилдан ортиқ муддатга ижарага берилмасин деб кўрсатиб ўтилган. Вақф ерида уйлар қуриб, дарахтлар ўтказиб ўзини шахсий мулккага айлантириб олмасин деб шундай шарт қўйилган. Вақфномаларда шу каби айрим изоҳлар учрайди. Вақфнома охирида қозини, аълам, муфтийлар муҳрлари босилади. Баъзи вақфномаларда хонлар муҳрлари босилган бўлиб, улар вақфнома ёнларида ҳам, ҳаттоки вақфнома бошида, матннинг орасида ҳам босилган бўлади.

Қисқа қилиб айтганда, вақфномада вақф мулкларини қайси диний ташкилотга эҳсон қилинганлиги, вақфни қандай мулклар ташкил

қилганлиги, вақф эҳсон қилинган вақт ва эҳсон қилувчининг исми-шарифи, мутавалли қилиб ким тайинланганлиги, вақф даромадининг бўлиш тартиби, вақф мулки жойлашган жой ва кимларнинг мухри босилганлиги кўрсатилган.

Айрим вақфномалар, айниқса, Қўқон хонлигининг йирик амалдорлари қурдирган иншоотларники катта, бир неча метрдан иборат бўлиб, уларда махсус кириш қисми бўлган. Худонинг, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ва унинг саҳобалари шаънига узундан-узун, давомли ҳамду-сано ва саловотлар айтилган. Худо эҳсон қилганларнинг гуноҳларини кечириб, жаннати қилишини эслатиб, жаннати бўлиш ниятида ушбу мадраса, масжидни қурдириб, уларга вақф мулки эҳсон қилганлиги айтиб ўтилган.

Кўпчилик вақфномалар, оддий, жўн бўлиб, мадраса, қорихона, мактаблар вақфномалари 1–2 варақда ёзилган. Уларда вақфга тегишли зарур маълумотлар баён қилинган.

Қўқон хонлиги мусулмон диний ташкилотлари, жумладан мадраса, қорихона, мактаблар вақфномалари Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-19-фондида – Фарғона вилояти бошқармаси ва И-17-фондида – Сирдарё вилояти бошқармаси архив фондларида сақланади. Диний ташкилотлар ихтиёридаги вақфномаларни Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги, унинг вилоят бошқармалари қўлига ўтиб қолиши тарихига қисқача тўхталиб ўтамиз. Бу вақфномалар асрлар давомида диний ташкилотлар – масжид, мадрасалар ва бошқалар томонидан эҳтиёт қилиб сақланиб келган. Улар шу вақфномалар асосида вақф мулкларига эгаллик қилиб келган эди. Россия империяси ҳукумати Ўрта Осиёга босиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил этилган 1867 йилда уни бошқариш низоми лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. Низом лойиҳасида вақф ерлари масаласида шундай дейилган: “Вилоят бошқармаларида ерларга тегишли вақф ҳужжатлари кўриб чиқилганидан кейин мавжуд тартиб-қондага кўра улар солиқдан озод қилинган ва озод қилинмаганларга ажратилади. Янги ташкил этилган ташкилотлар эса умумий асосда хирож ва таноб солиқлари тўлашлари лозим”.

Россия империяси ҳукуматининг мақсади вақф ерларини мусулмон диний ташкилотларидан тортиб олиб, бу ерларни давлат мулкига айлантириш ва амлоқ ерлари сингари вақф ерларидан давлат казинасига ер солиғи олиш бўлган.

Юқорида тилга олинган Низом лойиҳасида вилоят бошқармаларига вақфномаларни солиқдан озод қилинган ва озод

КИРИШ

қилинмаганларга ажратиш вазифаси юклатилган. Бу жуда умумий қоида эди. Қандай қилиб солиқ тўлайдиган ва тўламайдиганларга ажратиш йўли кўрсатилмаган эди.

Туркистон генерал-губернатори К.П. Фон Кауфман 1869 йилда генерал-майор А.И.Гомзин раислигида ер масаласини кўриб чиқиш учун махсус комиссия ташкил қилган эди. Бу комиссия Туркистонда ер масаласини кўриб чиқиш, бу борада Россия империяси ҳукумати манфаатини кўзлаб “вақфларни кўриб чиқиш ҳуқуқий вақф деб фақат хон ва амирлар муҳри борлари тан олинсин, қолганларини солиқ тўлайдиган ерларга айлантирилсин”, деб таклиф берган. Бу таклиф Кауфманга ҳам, марказий ҳукуматга ҳам маъқул бўлган. Бу қоида Туркистон генерал-губернатори томонидан 1886 йилдаги император Николай Романов тасдиқлаган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” асосида вақфномаларни текшириш мақсадида ишлаб чиқилган кўрсатма, йуриқнома, қоидаларда ўз аксини топди. Лекин бу қоида шариат қоидаларига бутунлай зид эди. Шариат бўйича вақфнома қози муҳри билан тасдиқланса, қонуний ҳисобланар эди. Вақфнома қонуний бўлиши учун хон ва амирлар муҳри бўлиши шарт эмас эди. Шариатнинг бу қондасини рус ҳукумати ислом қоида-қонунлари, одатлари бўйича маслаҳатчилари, шарқшунос мутахассислари жуда яхши билишган. Лекин Россия империяси ҳукуматининг манфаати шариат қонунларидан устун эди. Шунинг учун вақф ҳужжатларини текширишда Туркистон генерал-губернаторлиги, Туркистондаги рус маъмурлари юқорида қайд қилинган, Гомзин комиссияси таклиф қилган қоида ни тўла амалга оширди. Бу қоидага қўшимча 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”да вақф ерлари аҳоли яшайдиган ва аҳоли яшамайдиган ерларга ажратилган. Аҳоли яшайдиган вақф ерлари, давлат тасарруфига ўтказилган ва улардан давлат хазинасига ер солиғи тўлаш қондаси жорий қилинган. Мадраса, қорихона, мактаблар бундай ерлардан ижара ҳақи олишдан маҳрум қилинди. Вақфномада хон, амирлар муҳри бўлса ҳам аҳоли яшайдиган вақф ерларидан ўқув юртлари ижара ҳақи ололмаган.

Россия империяси ҳукумати Туркистон моддий бойликларини, жумладан мусулмон диний ташкилотлари вақф ерларидан олинадиган ижара ҳақини тартиб олиб, давлат хазинасига тушириш мақсадида вақфномаларни текшириш қондасини ўйлаб топиб, амалиётга жорий қилди. 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”нинг 267-моддасида шундай дейил-

ган: “Вақфномаларни тасдиқлаш, вақфларни бошқаришни ташкил қилиш, вақф даромадларини тўғри сарфлашни назорат қилиш ва тафтиш қилиш ҳуқуқи вилоят бошқармасига тегишли.

Фарғона вилоятида вақф ҳужжатларини кўриб чиқиш ва вилоят бошқармасига тасдиқлашга тақдим этиш учун махсус вақтинчалик комиссия ташкил этилади”⁴⁵.

Қонуннинг бу кўрсатмасини бажариш учун Туркистон генерал-губернаторлиги Фарғона вилояти бошқармаси қошида уезд ер-солиқ комиссиялари ва уезд ер-солиқ комиссарлари лавозимини ташкил қилди.

Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом билан бирга “Туркистон ўлкасида ер солиғини жорий қилиш тўғрисида Қоидалар” инлаб чиқилиб, император томонидан тасдиқланган эди. Бу Қоидаларнинг 6-моддасида шундай хабар қилинган: “Ерга вақф ҳуқуқини тасдиқловчи ҳар хил ҳужжатлар бу қоидалар эълон қилинган кундан 6 ой муддатдан кечикмай вилоят бошқармаларига топширилиши керак. Кўрсатилган муддатдан кечикиб топширилган ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади”⁴⁶.

Қоидаларда вақфномаларни вилоят бошқармаларига топшириш муддати 1887 йил 1 июл деб белгиланган. Бу санадан кечикиб топширилган вақф ҳужжатлари ноқонуний деб ҳисобланганлиги учун Туркистондаги барча мадраса, масжид ва бошқа вақф мулки ва вақфномалари бор мусулмон диний ташкилотлар муддатида топширишга ҳаракат қилган. Фарғона вилояти бошқармаси архив ҳужжатларидаги маълумотларга қараганда 10 мингдан ортиқ вақф ҳужжатлари топширилган. Бу ҳужжатлар вилоят бошқармалари томонидан чор ҳукумати ағдарилган 1917 йил февраль ойларига қадар ҳам текшириб улгурилмаган, эгаларига қайтариб берилмаган, бошқармалар архивларида қолиб кетган.

Шундай қилиб, илмий, тарихий нуқтаи назардан жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу ноёб ҳужжатлар ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида авайлаб сақланмоқда. Ҳар бир воқеа-ҳодисани яхши ва ёмон томони бўлганидек, вақфномаларни мусулмон диний ташкилотларидан Туркистондаги чор ҳукумати маъмуллари тортиб олишининг ҳам салбий ва ижо-

⁴⁵ Положения об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2. –Санкт-Петербург, 1886 г. –С.33.

⁴⁶ Положения об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2. –Санкт-Петербург, 1886 г. –С.43.

бий томони бор. Вақф ерлари даромадини диний ташкилотлардан тортиб олиб, давлат хазинасига ўтказиш мақсадида вақфномаларни мажбуран вилоят бошқармаларига топширтириш нотўғри бўлган. Шариат қондалари бўйича вақф ерлари Аллоҳники ҳисобланган. Уни ҳеч ким, жумладан давлат ҳам мусодара қилиши мумкин эмас эди. Бу қоида мусулмон халқларига, Туркистон мусулмонларига маълум эди. Чор ҳукуматининг Туркистондаги диний ташкилотлардан вақфномаларни йиғиштириб олиб, уларни давлатга солиқ тўлайдиган ва тўламайдиганларга ажратиш шариат қондаларига хилоф иш бўлган, биринчидан. Иккинчидан эса, бу тадбир билан мусулмон халқининг ҳақ-ҳуқуқлари, кадриятлари, урф-одати, анъаналари камситилди, оёқ-ости қилинди. Бу вақф ҳужжатларининг чор ҳукумати томонидан Туркистон генерал-губернаторлиги вилоят бошқармаларига текшириш баҳонаси билан топширтирилиши натижасида архивларда сақланиб қолганлиги, биз юқорида қайд этганимиздек, муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу вақфномалар давлат идоралари архивларида бўлганлиги учун давлат архивига тушиб бизгача етиб келган. Мабодо мадраса, масжид ва бошқа диний ташкилотлар қўлида бўлганида совет даврида улар тугатилиши билан бирга вақфномалари ҳам йўқ бўлиб кетиши турган гап эди.

Вилоят бошқармалари томонидан вақфномаларни текширишдан асосий мақсади чор ҳукумати кўрсатмасига биноан уларни давлат ер солиғи солинадиган ва солиқ солинмайдиганларга ажратиб, давлат ер солиғи олинадиган вақф ерларидан олинадиган солиқ микдорини аниқлаб давлат хазинасига тушириш бўлган. Бошқача қилиб айтганда, вақфномаларни текшириб қонуний ва ноқонуний вақфномаларга ажратиш ва ноқонуний вақфномаларда кўрсатилган диний ташкилотлар ерларини амалда давлат мулкига айлантириш бўлган.

Вилоят бошқармаларининг бу вазифалари 1886 йилда Россия империяси императори Николай Романов тасдиқлаган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”, “Туркистон ўлкасида ер-солиқ тартибини жорий қилиш тўғрисидаги Қондалар” ва бу қонун-қондаларни амалда жорий этиш учун Туркистон генерал-губернатори вилоят бошқармаларига, ер-солиқ комиссия ва комиссарларига ва бу иш билан боғлиқ маъмурларга, ижрочиларга йўриқномалар тайёрлаган ва улар вазифалари аниқ белгилаб берилган.

Вилоят бошқармалари олдинга қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун уларнинг қошида уезд ер-солиқ комиссиялари ва уезд ер-солиқ комиссари, у раҳбарлигида иш олиб борадиган ер ўлчаш

бўлинмаси бошлиғи ва ер ўлчовчилар лавозимлари жорий қилинган. Асосий ишни ер-солиқ комиссари бажарган.

Вақфномада ҳақиқий ёки қалбаки эканлиги, ер ўлчовчилар ёрдамида вақфномада кўрсатилган ер участкалари миқдори ва бу ер ҳосилдорлик сифатига қараб ер солиғи миқдорини аниқлаш ер-солиқ комиссари вазифасига кирар эди.

Ер-солиқ комиссари вақф ҳужжатларини текшириш, вақф ерларини ўлчаш натижаларини вақф ерлари эгасига, мутаваллига эълон қилган. Комиссар бу ҳақида баённома тузиб, унда мутавалли эътироз билдирган бўлса, буни ҳам ақс эттирган. Комиссар баённомадан ташқари вақфномани ҳақиқий ёки қалбаки эканлигини, мазмунини текшириб хулоса ёзган. Шунингдек, вақф еридан олинадиган солиқ миқдорини белгилаб, уни асослаб берадиган солиқ жадвали тузган. Комиссар барча тайёрлаган ҳужжатларини ер-солиқ комиссиясига юборган. Комиссия ер-солиқ комиссари ҳужжатларини текшириб, камчилиги бўлса тузатиб, баённома ёзиб, вақфнома тўғрисида ва вақф ерларидан солиқ олиш тўғрисида ўз фикрларини билдириб комиссар ҳужжатларига ўз хулосаси ёзилган баённомасини қўшиб, барча ҳужжатларни вилоят бошқармасига жўнатган. Вилоят бошқармаси бу ҳужжатларни кўриб чиқиб, мавжуд вақф ерларидан ер солиғи олиш ёки олмаслик тўғрисида ўз хулосасини ёзиб, баённома тузиб, ўз қарорини кўриб чиқиш, тасдиқлаш учун Туркистон генерал-губернаторига юборган.

Вилоят бошқармаси Туркистон генерал-губернатори Девонхонасига юборилган вақфномага тегишли ҳужжатлар дастлаб Туркистон генерал-губернатор советида кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган. Туркистон генерал-губернатори совети баённомасини Туркистон генерал-губернатори тасдиқлаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви вилоят бошқармалари фондларида ҳар бир мадраса, қорихона, мактабхонанинг бир ёки бир неча вақфномалари, хон иноятномалари сақланади. Бу вақф ҳужжатларини ер-солиқ комиссари, комиссияси, вилоят бошқармаси ва Туркистон генерал-губернатори совети текшириб чиқиши натижасида вужудга келган ҳужжатлар ҳам сақланиб қолган. Архив фондларида Қўқон хонлигининг ҳар бир вақф маҳкамасининг, масалан, мадрасанинг вақфномаси билан бирга унинг рус тилидаги қисқача таржимаси, бу таржималардан ташқари ер-солиқ комиссарининг вақфнома ва унда кўрсатилган вақф ер участкаларини текшириш натижалари ёритилган баённомаси, ер-

солиқ комиссияси баённомаси, комиссар тайёрлаган солиқ жадвали, вилоят бошқармасининг солиқ инспектори бошлиғи вақфнома ҳақида тайёрлаган маълумотномаси, вилоят бошқармасининг ер-солиқ комиссияси юборган ҳужжатлар муҳокамасига бағишланган вилоят бошқармаси умумий йиғилиши баённомаси, Туркистон генерал-губернатори совети баённомасидан кўчирма ва бошқа айрим ҳужжатлар сақланади. Биз учун бу ҳужжатлардаги вақфномада баён этилган ер участкаларининг қайси уезд, волост ва қишлоқда эканлиги ва ер участкаси миқдори тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади. Бу маълумотлар вақфномада кўп ҳолларда аниқ кўрсатилмайди.

Вақфномалардаги вақф ерлари миқдори ер-солиқ комиссари баённомаси ва унинг солиқ жадвалида аниқ кўрсатилади ва вилоят бошқармаси баённомасида такрорланади.

Айрим вақфномаларга Фарғона вилояти уездлари ер-солиқ комиссарлари тузган ва вилоят ҳарбий губернатори тасдиқлаган солиқ жадваллари илова қилинган. Бу ҳужжатда вақф ерининг ер ўлчовчилар ўлчаши натижасида аниқланган вақф ери миқдори, у қайси вилоят, уезд, волост, қишлоқда жойлашганлиги, ернинг ҳосилдорлик сифатига қараб ҳисобланган ер солиғи миқдори кўрсатилган. Солиқ жадвалида бошқа ҳужжатларда кўрсатилмайдиган суғориладиган, лалми, яъни солиқ тўланадиган ерлардан ташқари сув босган, захкаш ва бошқа фойдаланилмайдиган, солиқ тўланмайдиган вақф ерлари майдони ҳам келтирилади. Мана шундай ҳужжатлар ёрдамида Кўкон хонлиги ўқув юртлари вақф ерлари миқдорини аниқ ёритиш имконияти бўлади. Лекин бахтга қарши бундай ҳужжатлар архив фондларида кам сақланган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, вақфномалар, уларни текшириш натижасида вужудга келган рус амалдорлари, ташкилотлари томонидан тузилган ҳужжатлар Кўкон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тўғрисида, уларда ўқув ишларини яхши йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга бўлган, уларнинг моддий базаси ҳисобланган вақф мулклари ҳақида, ўқув юртлари ходимларининг меҳнат ҳақи, талабаларнинг нафақалар билан таъминланиши, мадрасалар кутубхоналари ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Россия империяси ҳукумати шарқшунослар ёрдамида Ўрта Осиё мусулмон халқларининг ислом динига эътиқоди билаңдигини, мусулмон руҳонийларининг ғайридинларга, жумладан, христиан динига эътиқод қиладиган русларга муносабати ёмон эканлигини, уларга қарши курашини яхши билар эди. Шунинг учун

ҳукмронликнинг дастлабки йилларида Туркистон генерал-губернатори марказий ҳукуматининг кўрсатмаси билан Туркистонда мусулмон руҳонийлари, уларнинг диний ташкилотларини усиз ҳам ғайридин русларга қарши муносабатини кескинлаштирмаслик учун ички ишларига аралашмаслик сиёсатини олиб борган. Лекин зимдан мусулмон руҳонийлари фаолиятини, ёшлар, халқ орасида рус ҳукуматига қарши ташвиқот олиб бормаётганлигини назорат қилиб борган. Россия империяси ҳукумати Туркистонда ўз ҳокимиятини анча мустаҳкамлаб олганидан кейин Туркистон генерал-губернатори фон К.П.Кауфман 1880 йили вилоят ҳарбий губернаторларига ҳар йили 1 январга қадар Туркистон ўлкаси ўқув юртлири бошқармасига ислом ўқув юртлири ҳақида маълумот бериб туришини талаб қилган.

Фарғона вилояти бошқармаси Туркистон генерал-губернатори топширигини олганидан кейин бу хабарни махсус хат билан уезд бошлиқларига етказган ва ислом ўқув юртлири рўйхатини тузиб, Туркистон ўлкаси ўқув юртлири бошқармасига ва бир нусхасини вилоят бошқармасига юбориш ҳақида топшириқ берган. Уезд бошлиқлари 80-йилларнинг бошидан бошлаб ўз худудидаги ислом ўқув юртлири рўйхатини тузиб, кўрсатилган ташкилотларга жўнатиб турган. Натيجада Фарғона вилояти бошқармаси архив фондида вилоят уездларидаги ислом ўқув юртлири рўйхатлари сақланиб қолган. Бу рўйхатларда Қўқон хонлиги даврида ташкил топиб фаолият юритган мадраса, қорихона, мактаблар, улар ҳақидаги қисқа маълумотлар ўз аксини топган. Қўқон хонлиги даврида ўқув юртлири рўйхатлари тузилмаган. Қўқон хонлари архивида айрим мадрасалар ҳақида бир неча ҳужжатлар сақланган, ҳолос. Шунинг учун уезд бошлиқларининг ўқув юртлири рўйхатлари муҳим тарихий, илмий аҳамиятга эга. Уезд бошлиқлари тайёрлаган ўқув юртлири рўйхатлари тўла бўлмаган. 1886 йилдан бошлаб ўқув юртлири рўйхатлари камлари тўлдирилган, аниқлик киритилган ҳужжатлар ҳисобланади. 1886 йилгача Андижон, Наманган уездлари бўйича тузилган рўйхатларда ўқув юртлирининг ташкил бўлган йиллари кўрсатилмаган. Шу йилдан бошлаб тузилган рўйхатларда йиллари тўла ёзилган. Бу жуда муҳим қўшимча ҳисобланади. Шунинг учун биз тадқиқотимизда, асосан, 1887–1888 йилларда тузилган рўйхатлардан фойдаландик.

1886–1888 йилларда айрим уездлар бошлиқлари ўқув юртлири рўйхатини вақтида топширмай қўйган эди. Шу муноса-

бат билан 1889 йил 7 февралда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси бош инспектори вазифасини вақтинча бажарувчи Николай Остроумов Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига хат йўллаган. Унда шундай дейилган: “Ўлка Бош Бошлиғи жанобларининг 1885 йил 26 сентябрдаги 1997-рақамли ва 1887 йил 22 ноябрдаги 2612-рақамли таклифига, асосан, Сиз жаноб олийларидан ўқув юртлари бошқармасига қуйида кўрсатилган Сиз бошқараётган вилоят уезд бошлиқларига бегона халқлар (мусулмон) мактаблари ҳақида маълумотлар етказиб бериши тўғрисида кўрсатма беришингизни сўрайман: Андижон уезди 1887 ва 1888 йилларга, Наманган уезди 1886, 1887 ва 1888 йилларга, Марғилон, Қўқон ва Ўш уездлари 1888 йилга”. Бу ҳужжатга вилоят ҳарбий губернатори қуйидаги резолюцияни ёзган: “Р.О.Г. Жаноб уезд бошлиқларига сўралган маълумотларни юборишини таклиф этинг”⁴⁷. 1889 йил 22 февралда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори хатида кўрсатилган уезд бошлиқларига уездда мавжуд бўлган бегона халқлар мактаблари ҳақидаги маълумотларни ўқув юрти бошқармаси ва нухасини менга юборинг деб хат жўнатган⁴⁸.

Фарғона вилояти уезд бошлиқлари ўз уездидаги мавжуд мусулмон ўқув юртлари рўйхатини тузиб, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига ва нухасини вилоят бошқармасига жўнатган. Фарғона вилояти бошқармаси архив фондида барча уездлар бўйича 1887–1888 йиллардаги ўқув юртлари рўйхатлари сақланиб қолган. Бу рўйхатлар жадвал шаклида тузилган. Уезддаги мадраса, қорихона ва мактаблар ҳақида маълумотлар ёзиладиган жадвал шакли Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси юборган хатига илова қилинган эди. Бу жадвалнинг асосий мазмунини сақлаб қолган ҳолда ҳар бир уезд бошлиғи қисман ўзгаришлар киритган.

Андижон уезди бошлиғи 1889 йил 31 майда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига 22 февралда юборган фармойишга жавобан жўнатган уезддаги мавжуд ислом ўқув юртлари рўйхати Туркистон ўлкаси ўқув юртлари хатига илова қилинган жадвал асосида ёзилган. Бу жадвал қуйида 13 та графа-устун, катакдан иборат: 1. Тартиб номери. 2. Ўқув юрти номи. 3. Ўқув юрти ташкил бўлган йили. 4. Эркак ўқитувчилар сони. 5. Аёл ўқитувчилар сони. 6. Эркак ўқувчилар сони. 7. Аёл ўқувчилар сони. 8. 1887 йилда ҳар бир ўқув юртидаги харажат. 9. Ўқув юрти жойлашган шаҳар. 10. Даҳа. 11. Маҳалла.

⁴⁷ ЎзР МДА. И-19-ф., 1-р., 12544-й., 1-в.

⁴⁸ ЎзР МДА. И-19-ф., 1-р., 12544-й., 2-в.

12. Волость, 13. Қишлоқ, хутор-қўрғон. Наманган уезди бошлиғи тўлдирган жадвалда 1887 йилдан ташқари 1888 йилдаги ўқитувчилар ва ўқувчилар сони ҳам берилган ва 10,11 рақамларда кўрсатилган даҳа, маҳалла тушириб қолдирилган, чунки амалда жадвалда шаҳар номи берилиб, даҳа, маҳалла номлари кўрсатилмаган.

Уш уезди бошлиғи 1889 йил 12 августда Фарғона вилояти харбий губернаторига юборган 1888 йил бўйича уездда мавжуд ўқув юртлари рўйхати ёзилган жадвали Андижонникига ўхшайди, фақат 10, 11 рақамдаги даҳа, маҳалла ўрнига қўрғонча ва бўлим ёзилган. Қолган графалари Андижон ва Наманганникига ўхшайди. Қўқон ва Марғилон уездлари бошлиқлари тўлдирган 1888 йилдаги ўқув юртлари ҳақидаги маълумот ёзилган жадвалларда 3-рақамли графа, ўқув юртини ташкил бўлган йили чиқариб ташланган, чунки ўқув юртлари ташкил бўлган йили жадвалда кўрсатилмаган. Ўқув юрти жойлашган шаҳар, волость, қишлоқ ёзилган графалар охиридан бошига, 1-рақамли тартиб номеридан кейинги ўринга ўтказилган. Яна бир ўзгариш жадвал охирига изоҳ графаси қўшилган. Рўйхатда изоҳ графасида ўқув юртлари ҳақида муҳим қўшимчалар ёзилган.

Барча уездлар бошлиқлари тайёрлаган ўқув юртлари ҳақидаги маълумотларда ўқув юрти номи, ўқув юрти ўқитувчиси ва ўқувчиси сони, ҳар бир ўқув юртининг 1887 ва 1888 йиллардаги ҳаражати, ўқув юрти жойлашган шаҳар, волость, қишлоқ номи кўрсатилган. Бу маълумотларга қўшимча Андижон, Наманган уездлари бошлиқлари тўлдирган жадвалда ўқув юрти ташкил бўлган йил кўрсатилган. Қўқон, Марғилон уезди бошлиқлари тўлдирган жадвалда изоҳ графасида ўқув юртлари тўғрисида маълумотларга қўшимчалар, аниқликлар киритилган.

Андижон, Наманган уезди бошлиқлари тўлдирган жадвалларнинг афзаллиғи унда ўқув юртининг ташкил бўлган йилини кўрсатилганлигидадир. Мадраса, корихона, мактабларнинг қачон бунёд этилганлиги ёрдамида, биринчидан, уларнинг Қўқон хонлиги даврида ташкил бўлганлиги аниқланади, қайси асрда вужудга келганлиги маълум бўлади. Бу жадваллардаги маълумотларнинг камчилиги изоҳ графаси йўқлиги ҳамда ҳар бир ўқув юрти бўйича қўшимча маълумотлар берилмаганлиги ҳисобланади. Қўқон, Марғилон уездлари бошлиқлари тайёрлаган ўқув юртлари тўғрисидаги жадвалларнинг афзаллиги изоҳ графасининг борлиги, унда ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотларни тўлдирадиган, аниқлик киритадиган далиллар борлиги ҳисобланади. Уларнинг камчилиги эса, жадвалда-

ги ўқув юртининг ташкил бўлган йили тўғрисидаги графа тўлдирилмагани, барпо этилган йилининг аниқланмаганлиги ҳисобланади.

Андижон уезди ўқув юртларининг 1887 йилдаги рўйхатида 28 та мадраса, 169 та мактаб тўғрисида маълумот берилган. Наманган уезди бўйича 1887–1888 йиллардаги ўқув юртлари тўғрисидаги рўйхатда 42 та мадраса, 40 та қорихона, 296 та мактаблар ҳақида маълумотлар келтирилган. Қўқон вилояти бошлиғининг 1889 йил 26 мартда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган уездда 1888 йилда мавжуд бўлган ислом ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотномада 51 та мадраса, 260 та мактаб ҳақида хабар берилган. Марғилон уездининг 1888 йилдаги ислом ўқув юртлари рўйхатида 34 мадрасалар, 88 та мактаблар ҳақида маълумотлар берилган⁴⁹.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Фарғона волости уезд бошлиқлари берган мадраса, қорихона, мактаблар сони тўғрисидаги маълумотларни жуда аниқ, тўғри деб бўлмайди. Ўқув юртлари тўғрисидаги бу маълумотлар махсус ажратилган ходимларнинг текшириши натижасида тўпланган бўлиши ёки ўқув юртлари раҳбарларига хат юбориб ёки оғзаки топшириқ бериб керакли маълумотлар олинган бўлиши мумкин. Қайси йўл билан олинган бўлишидан қатъий назар чекка қишлоқлардаги, шаҳар ва унинг атрофидаги нисбатан кичик ўқув юртлари рўйхатга олинмай, текширилмай қолиб кетиши табиий бир ҳол. Шу сабабли, уездлардаги ўқув юртлари рўйхатлари тўла бўлмай қолган. Буни рўйхатлардаги ўқув юртлари сони тўғрисидаги маълумотлар исботламоқда. Шунга қарамай уезд бошлиқларининг 1887–1888 йиллардаги ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотлари жуда қимматли ҳисобланади.

Андижон уезди бошлиғининг 1887 йилдаги ўқув юртлари рўйхатида уезддаги мадрасалар тўла ҳисобга олинмаган. Хужжатларнинг гувоҳлик беришича, Андижон шаҳар ва қишлоқларида 40 тадан ортиқ, 50 тага яқин мадрасалар бўлган. Фарғона вилояти уездлари бўйича Туркистон ўлкаси ер-солиқ тизимининг 6-моддасига асосан Фарғона вилояти бошқармасига вақф хужжатларини топширган вақф ташкилотлари рўйхати (1887–1895 йил) номли архив хужжатида Андижон уездида 41 та мадраса ҳисобга олинган. Бу хужжат ўта муҳим бўлганлиги ва мадрасалар сони тўғрисида нисбатан тўла маълумот берганлиги учун уни тўлалигича келтирамиз. Андижон шаҳри мадрасалари: 1. Абдурахмон парвоначи. 2. Абдуҳолик

⁴⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12544-й., 1-в., 12206-й., 145–160 в., 12354-й., 3–27-в., 62–70-в., 12554-й., 29–47-в., 30–56-в.

бой. 3.Бобо Саъдиддин мозори ёнида. 4.Боки Муҳаммадбой. 5.Берди хўжа. 6.Домулла Абдусаттор Охунд. 7.Домулла Муҳаммад Раҳим аълам (Чўнтак). 8.Девонабой. 9.Зулфикарбек. 10.Исабек Меҳтор. 11.Иса Додхоҳ. 12.Қамбарбий. 13.Маҳмуд Дастурхончи. 14.Мир Мўминбой. 15.Мулла Ашур Муҳаммад Халфа. 16.Мулла Муҳаммад Ражаб. 17.Мулла Салоҳиддин. 18.Хўжа Тўра маҳалласи. 19.Насриддинбек. 20.Пойдевор. 21.Раҳмонкулбий. 22.Собир Хўжа Тўра маҳалласи. 23.Тоғай Хўжа. 24.Чуқур Масжид. 25.Ярқинбой. 26.Оқ-Булоқ қишлоғи мадрасаси. 27.Ойим қишлоқдаги Мулла Абдусаттор Охунд мадрасаси. 28.Балиқчи қишлоғидаги Хожи Розикбой мадрасаси. 29.Қаирма деган жойдаги мадраса ва жоме масжиди. 30.Қорасув мадрасаси. 31.Қорасувдаги Али Кули мадрасаси. 32.Қўқон-Қишлоқ қишлоғидаги Муҳаммад Раҳим мадрасаси. 33.Сузак қишлоғидаги Хотамқул Додхоҳ мадрасаси. 34.Ўзган қишлоғидаги Араббой Тўра мадрасаси. 35.Хайробод қишлоғидаги Тоғайбой Хўжа мадрасаси. 36.Ҳакан қишлоғининг Маҳмуд Алибой маҳалласидаги мадрасаси. 37.Хортум қишлоғидаги мадраса. 38.Хўжаобод қишлоғидаги катта масжид ёнидаги мадраса. 39.Хўжаобод қишлоғидаги Домулла Муҳаммад Тохир Махзум мадрасаси. 40.Янги Қишлоқ қишлоғидаги Мусулмонкул мингбоши мадрасаси. 41.Чинобод қишлоғидаги Эски Марғилон шаҳри фуқароси Муҳаммад Мусо Охунд мадрасаси⁵⁰.

Бу Андижон уезди мадрасалари рўйхатида қайд қилинган 10 ва 11 рақамлар билан белгиланган Исабек Меҳтор ва Иса Додхоҳ мадрасасини битта мадраса 18 ва 40 рақамлар билан кўрсатилган. Мусулмонкул мадрасаси битта мадраса эканлигини ҳисобга олсак, рўйхатда 41 та эмас 39 та мадраса бўлганлигини аниқлаймиз. Мазкур рўйхат айрим камчиликларига қарамай Андижон шаҳрида 24 та, қишлоқларида 15 та мадраса мавжудлигини исботловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Рўйхатда айрим мадрасалар номи аниқ берилмаган. Мадрасалар номидан ташқари бошқа маълумот берилмаган. Шунга қарамай Андижон уезди мадрасалари сони тўғрисида 1895 йилдан илгариги мадрасалар рўйхатига нисбатан тўлароқ маълумот беради. Шунингдек, Андижон шаҳридаги, қишлоқларидаги мадрасалар номини кўрсатади.

Андижон уезди мадрасалари рўйхатидаги 39 та мадрасанинг деярли барчаси Қўқон хонлиги даврида ташкил бўлган. Фақат айрим мадрасалар Қўқон хонлиги тугатилганидан кейин қурилган. Масалан, Мир Мўминбой мадрасаси хижрий 1303 (милодий 1886)

⁵⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-й., 1-8-в.

йилда Андижон шаҳрининг Қирлик даҳаси томонида Мир Мўминбой маҳалласида Мир Мўминбой Мирнодирбоев томонидан бунёд этилган⁵¹.

Рўйхатда кўрсатилган Андижондаги 39 та мадраса ҳам тўла эмас. Бу рўйхатда В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили тузилган мадрасалари рўйхатидаги Холбек Қушбеги, Оқ масжид, Қувватбекбий мадрасалари, 1893 Қичик қишлоқлари мадрасалари ҳисобга олинмаган. Бундан ташқари топширмаган ва кейинги йилларда янги қурилган, 1887–1895 йиллардаги вақф ҳужжатлари рўйхатига асосланиб хулоса қилиш жонзки, XIX асрнинг охирида Андижон уездида 50 та атрофида мадраса бўлган.

Фарғона вилояти бошқармасига вақф ҳужжатларини топширган вақф ташкилотлари рўйхатидаги 39 та мадраса номи берилган, холос. Андижон уезди бошлигининг Фарғона вилояти бошқармасига жўнатган “1887 йилдаги Фарғона вилояти Андижон уезди ўқув юртлари рўйхатида 27 та мадраса тўғрисида, улар номидан ташқари айрим қўшимча маълумотлар берилган. Бу ҳужжатда 27 та мадрасанинг ташкил бўлган йили, ўқитувчилар, талабалар сони, ҳар бир мадрасанинг 1887 йилдаги харажати, қайси шаҳарда, қишлоқда жойлашганлиги кўрсатилган. В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув юртларида Андижон шаҳри ва қишлоқларидаги 24 та мадраса ҳисобга олинган. Бу ҳужжатда ҳар бир мадрасанинг ташкил бўлган йили, дарсхонаси, ҳужралари сони, вақф мулклари, мударрислар, мутаваллилар сони, уларнинг йиллик нафақаси каби маълумотлар берилган. Шунинг учун биз ишда бу ҳужжатларга кўпроқ мурожаат қилганмиз.

Фарғона вилояти уездлари ўқув юртлари бўйича берилган маълумотлар ёрдамида Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихини ёзишда ноёб хабарларга эга бўламиз. Жадвал шаклида берилган бу маълумотномаларда айрим уездлар бўйича ўқув юртлари сони, жойлашган манзили, улардаги ўқитувчилар ва ўқувчилар сони, ўқув юртларининг йиллик вақф даромади миқдори ҳақида аниқ маълумотлар бор. Ўқув юртлари бунёдкорлари, вақф мулки таъсис этганлар исмига қўшилган лақаблари, масалан, Абдурахмоёв Обтобачи, Маҳмуд Дастурхончи, Иса-Додхоҳ каби қўшимча отлар улар шахсини аниқлашга ёрдам беради. Марғилон уезди бошлигининг 1888 йилдаги ўқув юртлари жадвалининг изоҳ графасидаги маълумотлар волостлар бўйича мактаб ўқитувчиларининг меҳнат ҳақи.

⁵¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34186-й., 3–5-в.

ота-оналар болаларини ўқитганлиги учун ўқитувчига болани дастлаб мактабга олиб келганда, ҳар пайшанба кунин, бир китобни ўқиб тамомлаб, иккинчи китобга ўтганида бериладиган совғалари тўғрисида муҳим маълумотлар акс эттирилган.

Марказий давлат архиви фондларида юқорида таҳлил қилинган ҳужжатлардан ташқари Фарғона вилояти ўқув юртлари тўғрисида қўлгина ҳужжатли материаллар сақланади. Бу ҳужжатлар асосан ўқув юртларининг вақф мулклари билан боғлиқ. Қўқон хонлиги даврида фаолият юритган ислом ўқув юртлари вақф мулкларини аниқлаш, улар рўйхатини тузиш Фарғона вилояти ва уезд бошлиқларининг муҳим вазифаси ҳисобланган. Шу муносабат билан Фарғона вилояти бошқармаси Қўқон хонлиги тугатилган 1876 йилдан бошлаб хонлик ҳудудидаги вақф мулклари, улар келтирадиган даромадини аниқлаб рўйхатлар туза бошлаган. Бунинг сабаби Россия империяси ҳукумати келажақда Туркистондаги диний ташкилотларнинг вақф мулкларини тартиб олиб, вақф даромадини давлат хазинасига туширишни кўзда тутганлиги бўлган. Шу туфайли, Фарғона вилояти бошқармаси архив фонди барча уездлар бўйича мусулмон диний ташкилотларининг, жумладан мадраса, қорихона, мактабларнинг 1876–1886 йилларга оид вақф мулкларини, ерлар, савдо-саноат мулкларининг миқдори, йиллик даромади қайд этилган жадвал шаклидаги рўйхатлар жамланган.

1887 йилдан бошлаб вақф ҳужжатларини текшириш бошлангандан кейин тузилган вилоят уездлари бўйича Фарғона вилояти бошқармасига вақф ҳужжатларининг вақтида – 1887 йили топширган вақф ташкилотлари рўйхати бор. Бундан ташқари вақф ҳужжатларини муддатидан кейин топширган вақф ташкилотлари рўйхати ҳам сақланган. 1887 йил 1 июлгача топширмаган вақф ҳужжатлари ноқонуний ҳисобланади деб огоҳлантирилганлиги учун, асосан, барча ўқув юртлари вақф ҳужжатларини топширган ва рўйхатга олинган. Бу рўйхатлардаги маълумотлар уездлар бўйича вақф мулклари бор мадраса, қорихона, мактаблар сонини тўғри аниқлаш имконини беради.

Фарғона вилояти бошқармаси томонидан мусулмон диний ташкилотларининг, жумладан мадраса, қорихоналар вақф ерлари хақидаги вақфномалар текширилганидан кейин оқ вақфлар, яъни солиқдан озод қилинган вақф ташкилотлари ва қора вақфлар, яъни солиқдан озод қилинмаган вақф ташкилотлари рўйхатлари жадвал шаклида тузилган. Бу рўйхатлардан ташқари яна аҳоли яшайдиган

вақфлар рўйхати ҳам архивда сақланган. Бу ҳужжатлар вақф ташкилотининг, жумладан мадраса, қорихоналарнинг номи ва жойлашган манзили, вақфни ким ва қачон ташкил қилингани, вақф ҳужжати бор-йўқлиги, қанақа вақф мулклари борлиги, миқдори, йиллик вақф даромади, мутавалли исми-шарифи ва қачон тайинланганлиги ҳақида маълумот беради.

Россия империяси ҳукумати 1891 йили мадраса, мактаблар устидан назоратни кучайтириш мақсадида Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси таркибида Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари 3-инспектори бўлими очилган ва 1894 йилгача ишлаган. 3-инспектор лавозимига шарқшунос олим В.П.Наливкин тайинланган. Унинг бу лавозимдаги фаолияти давомида 1890–1891 ўқув йилида Сирдарё вилояти мадрасалари ҳолати ҳақида маълумотнома, 1891–1892 ўқув йилида Фарғона вилояти мадрасалари ҳолати тўғрисида маълумотнома, 1893 йил учун Туркистон ўлкаси маҳаллий мадрасалари ҳолати тўғрисида ҳисобот, мадрасалар катта мударрисига кўрсатма ва бошқа ҳужжатлар тайёрланган ва у Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасининг И-47-рақамли архив фондида сақланади. Бу ҳисоботларидаги бой фактик материалларни, статистик жадвалларни ҳисобга олмаганда, масалан, Фарғона вилояти мадрасалари тўғрисидаги ҳисобот матнида В.П.Наливкин чор ҳукумати ходими сифатида Россия ҳукуматининг Ислоҳ динига, диний ташкилотларга қарши сиёсатидан келиб чиқиб, мадрасалардаги ўқув ишнинг қоралайди, улар фаолиятини чеклаш бўйича таклифлар киритади. Бу ҳужжат – ҳисоботларнинг ижобий томони шундаки, уларда Кўкон хонлиги мадрасалари тўғрисида қимматли ёзма матндан ташқари статистик маълумотлар илова қилинган. Ёзма матндаги мадрасалар вақфлари, даромади, бинолари, ўқув жараёни, мударрислар, талабалар тўғрисидаги материаллар таҳлил қилингандан кейин ҳисоботга муҳим статистик маълумотлар жадвали илова қилинган. Биринчи жадвалда Кўкон, Маргилон, Андижон, Наманган, Ўш уездлари шаҳар ва қишлоқлари мадрасаларининг турган жойи, номи, қурдирган шахснинг номи, қурилган вақти, мадрасанинг вақф солиғи оладиган қишлоғи, вақф ери миқдори, савдо-саноат (дўкон, қарвонсарой, қаппон, тегирмон, обжувоз, ҳаммом ва бошқа) мулклар, кутубхона, вақф даромади, ҳужралар сони, мутавалли мударрислар сони, улар меҳнат ҳақи, талабалар разрядлари – аъло, авсат ва адно бўйича оладиган нафақаси миқдори кўрсатилган⁵².

⁵² ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 1–59-в.

Ҳисоботнинг иккинчи иловасида Фарғона вилояти мадрасаларидаги мударрислар рўйхати берилган. Учинчи илова солнги мадраса фойдасига тушадиган кишлоклар рўйхати ҳисобланади. Бу жадваллар 1891–1892 ўқув йилида тузилган бўлишига қарамай улардаги маълумотлар Қўқон хонлиги мадрасаларига тегишли. Шунинг учун Фарғона вилояти мадрасаларига қарашли маълумотлардан Қўқон хонлиги мадрасалари тарихини ёзишда фойдаланса бўлади.

1893 йил учун Туркистон ўлкаси маҳаллий мадрасалари ҳолати ҳақидаги ҳисоботда Сирдарё вилоятининг Тошкент шаҳри ва Тошкент, Чимкент уездлари мадрасалари, Фарғона вилояти Қўқон, Марғилон, Ўш, Андижон ва Наманган шаҳарлари ва уездлари мадрасалари, Самарқанд вилоятининг Самарқанд, Хўжанд, Каттакўрғон ва Жиззах шаҳар ва уездлари мадрасалари сони кўрсатилган. Бу умумий маълумотлардан ташқари мударрислар ва талабалар сони берилган⁵³. Бундай жадвал 1891–1892 ўқув йили бўйича тузилган ҳисоботда берилмаган. 1893 йилдаги ҳисобот шуниси билан қимматли ҳисобланади.

Эълон қилинган манбалар

Қўқон хонлиги ўқув юртлари тарихи масалалари архив ҳужжатлари билан бир қаторда Туркистонда яшаб ижод қилган туркистонлик маҳаллий тарихчи олимларнинг Қўқон хонлиги тарихига бағишланган қўлёзма асарларида ҳам ўз аксини топган. Бу асарларнинг айримлари араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгирилиб, изоҳлар билан ўзбек тилида чоп этилган. Ўша асарларда Қўқон хонлиги даврида бунёд этилиб, фаолият юритган мадраса, қорихона, мактаблар ҳақида ҳикоя қилинган қисмларини, воқеа, ҳодисаларни шарҳлаб ўтамыз.

Мустақиллик шарофати билан совет даврида эълон қилишга йўл берилмаган маҳаллий тарихчиларнинг Қўқон хонлиги тарихига бағишланган Ўзбекистон Фаңлар академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзма асарлари чоп қилинмоқда. Шарқшунос олим Шодмон Воҳидов саъй-ҳаракати ва унинг шогирдлари иштирокида Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг 5 бобдан иборат йирик “Тарихи Азизий” асарининг охириги 5-боби, Мирзо Олим Маҳдум ҳожининг икки жилдли “Тарихи Туркистон” ва бошқа қўлёзма асарлари чоп этилган.

Тарих фанлари доктори, профессор Шодмон Воҳидов ва Дилором Сангировалар томонидан нашрга тайёрланиб, 1999 йилда чоп

⁵³ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 60–66-в.

КИРИШ

этилган Муҳаммад Азиз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асари Туркистон Россия империяси мустамлакаси даври тарихига оид нодир манбалардан ҳисобланади⁵⁴. “Тарихи Азизий” асарининг чоп этилган 5-бобида XIX асрнинг иккинчи ярмидан 1910 йилгача Қўқон хонлигида ва унинг ўрнида ташкил қилинган Фарғона вилоятида юз берган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар баён қилинган. Қўқон хонлиги даврида барпо этилган мадраса, қорихона, мактаблар ва уларга таъсис этилган вақф мулклари ва Қўқон хонлиги босиб олинганидан кейин бунёд этилган мадрасалар ҳақида муҳим маълумотлар берилган. Бу диний ўқув юртлари бадавлат ва сахий бойлар, савдогарлар, руҳонийлар томонидан бунёд этилгани таъкидланган.

Мирзо Олим Махдум ҳожи 1915 йилда нашр қилган “Тарихи Туркистон”⁵⁵ асарида, асосан, Қўқон хонлари тарихи батафсил баён этилган. Қўқон хонлиги босиб олинганидан кейин то 1915 йилга қадар ўлкада юз берган ўзгаришлар Туркистонда Россия империяси ҳукмронлиги даври мафқураси таъсирда ёритилган. Китобнинг иккинчи қисмида Бухоро ва Хива хонлари тарихи тўғрисида қисқача ҳикоя қилинган. Асарда Қўқон хонларининг сиёсий тарихи, тахт учун кураш, ҳукмдорларнинг олиб борган ички ва ташқи сиёсати. Қўқон хонлиги ҳудудини кенгайтириш учун олиб борган урушлари, хонликнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши каби масалалар мукаммал тадқиқ қилинган.

Хонликнинг иқтисодий, маданий ҳаётига оид маълумотлар жуда қисқа берилган. Асарда Қўқон хонлари томонидан бунёд этилган айрим мадрасалар ҳақида хабарлар учрайди. Қўқон шаҳрида, Умархон даврида Минг Ойим мадрасаси, Жоме масжиди ва мадрасаси, Муҳаммад Алихон мадрасаси, Худоёрхон даврида Мусулмонкул Худоёрхон номига мадрасаи Олийни, Маллахон даврида Ҳазрат Колон Соҳиб номли мадраса бунёд этилганлиги кўрсатилган. Шу билан бирга, хоннинг тахтга ўтирганлигининг нечанчи йили мадраса қурилиб битирилганлиги қайд қилинган. Бу маълумот мадраса қачон барпо этилганлигини аниқлашга имкон беради. Китобда Қўқон хонлиги ўқув юртлари тўғрисида бошқа маълумотлар берилмаган.

⁵⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Фарғона чор мустамлакаси даврида // Сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Ш.Воҳидов, Д.Сангилова. –Т.: Маънавият, 1999. –Б.112.

⁵⁵ Мирзо Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Нашрга тайёрловчилар: Ш.Воҳидов., Р.Ҳоликова. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. –Б.242.

Тадқиқот манбавий асосининг таҳлили кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви фондларида Қўқон хонлиги ўқув юртлари тарихи масалаларига оид хилма-хил ва бой архив ҳужжатлари сақланмоқда. Марказий давлат архивининг Қўқон хонлари архиви, Фарғона вилояти бошқармаси, Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси ва бошқа фондларида сақланаётган Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблар тарихига тегишли ўзбек тилида араб алифбосида ёзилган вақфномалар, хонларнинг, асосан, Худоёрхоннинг вақф мулкларини солиқдан озод қилиш тўғрисидаги интизомлари, Қўқон хонлари архиви фондидаги мадраса, қорихона, мактаблар ҳақидаги ҳужжатлар, Россия империяси ҳукуматининг Туркистондаги рус маъмурлари тайёрлаган ислом ўқув юртлари рўйхатларидаги маълумотлар, мадрасалар ҳолати тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа архив ҳужжатлари, шунингдек, эълон қилинган манбалар Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихининг шу вақтгача кам ўрганилган ва бутунлай ёритилмаган саҳифаларини тўлдириш ва батафсил ҳикоя қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Ватан тарихининг барча даврларини янги назарий-методологик асосда таҳлил қилиш, ҳолис ҳудосалар чиқариш тарих фанининг долзарб вазибаларидан бирига айланмоқда. Шундан келиб чиқиб, биз тадқиқотимизда Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихини, уларнинг ташкил бўлган йили ва барпо қилган шахсини аниқлашга, ўқув дастури ва ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини далиллар асосида тасвирлашга, мадрасаларда дарс берган мудarrisлар исми-шарифини келтиришга, ўқув юртлари молиявий асоси ҳисобланган вақф мулклари, улардан тушган йиллик вақф даромади, унинг фойдаланиш тартиби, ўқув юртлари ходимларининг меҳнат ҳақи, ўқувчилар нафақалари каби масалаларни архив ҳужжатлари ва маҳаллий тарихчиларнинг эълон қилинган қўлёзма асарлари асосида имконият даражасида баён қилишга ҳаракат қилдик.

Мавзуга оид тарихий асарлар таҳлили кўрсатадики, шу вақтга қадар Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихига оид алоҳида мустақил тадқиқот ёзилмаган. Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги маъмурияти ходимлари томонидан яратилган ислом ўқув юртлари тўғрисидаги асарларда чор ҳукуматининг мустамакчилик сиёсати руҳида, бу сиёсат асосида ислом дини, унинг мадраса, мактаблари фаолияти салбий баҳоланиб, қоралаб баён этилган.

Совет даврида ислом дини, жумладан, мадраса ва мактаблари тарихи коммунистик мафкура руҳида ёзилган. У даврда мадраса, мактаблар тарихининг айрим масалалари, улар ҳам жуда умумий тарзда ва маркесча-ленинча методология асосида ўрганилган ва воқеалар сохталаштирилган. Шундан келиб чиқиб, Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихини миллий истиклол мафкураси асосида ҳолисона тадқиқ қилишга, ҳулосалар чиқаришга ҳаракат қилдик.

Қуръони Карим ва Ҳадисларда илмнинг ҳосияти ҳақида

Биз тадқиқ қилаётган мадраса, қорихона, мактаблар ёшларга илм, билим, таълим-тарбия берувчи муассаса ҳисобланади. Ўқув юртлиари ёшларни билимли, илмли қилиб етиштиради. Илм мадраса, қорихона, мактабларда ўқиш натижасида орттирилган билимдир. Илмнинг аҳамияти ҳақида Қуръони Каримда ва Расулдулоҳнинг Ҳадисларида ҳам баён этилган. Қуръоннинг “Мужодада” сураси, II-оятда⁵⁶: “Аллоҳ сизлардан имон келтиргая ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба)ларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир” дейилган. Бу оятда, Аллоҳ таоло ёшларга илм берувчиларни, яъни уларни саводхон, билимдон, одоб-ахлоқли қилувчиларни ҳурматлаган, яхшиликлар адо этган, юқори мартабаларга кўтаришга ваъда берган. Аллоҳ инсонлар орасида илмнинг тарқалишини, уларнинг илмли бўлишини юқори баҳолаган. Инсонлар илмли бўлса, жаҳолатдан, ёмон амаллардан холис бўлади. Илмли кишилар одамларга фақат яхши амалларни раво кўради. Шунинг учун Аллоҳ илм ато этувчиларни эъзолаган, қадрлаган ва юқори мартабаларга кўтаришга ваъда берган.

Қуръони Каримнинг “Тоҳо” сураси 114-оятда “...айтинг, Эй, Роббим, менга илмни зиёда эт!” дейилган⁵⁷. Бу оятда Аллоҳ инсонлар кенг, чуқур илмли бўлишини истаган. Шундай одамлар жамиятни ривожлантиради, тараққий эттиради, аҳолини фаровон ва тинч ҳаётини таъминлайди, деб “Менга илмни зиёда эт!” деб айтишлар деб буюрган.

Аллоҳ таоло каримасида “Аллоҳдан бандалари орасида уламо-ларгина кўрқарлар” (“Ғофир” сураси, 28-оят), дейилган⁵⁸. Аллоҳдан

⁵⁶ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.543.

⁵⁷ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.320.

⁵⁸ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.437.

улармоларгина кўркарлар деганда уламолар қандай амаллар гуноҳ, қандай амаллар савоб эканлигини, гуноҳ амаллар учун Аллоҳ дўзахга йўллашини аниқ билади, шунинг учун Аллоҳдан кўркиб гуноҳ ишлар қилмасликка ҳаракат қилиши назарда тутилган.

Қуръони Карим Зумар сурасининг 9-оятда “Айтинг: Билмайдиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлурми”⁵⁹, дейилган. Аллоҳ таоло бу оятда илмли, зиёлилар билан илм олмаган кишилар ўртасида фарқ борлигини кўрсатган. Илмли кишилар аҳолига таълим-тарбия бериб, жамият тинчлигини сақлашга, олимлар фан-техниканинг ривожига, жамият тараққиётига ўз ҳиссасини қўпиши назарда тутилган. Қуръони Карим Наҳл сурасининг 43-оятда “Агар билмайдиган бўлсангизлар аҳли зикрлардан сўрангизлар”⁶⁰, деб айтылган. Бу ерда Аллоҳ илмсиз баъдаларига илм эгаллашни, илмли кишилардан сўраб ўрганишни буюрган. Илм аҳли илмсиз инсонларга ёшларга илм беришга доимо тайёр туришига ишонган. Аллоҳ одамларнинг қаттиқ қийинчиликлар, машаққатли, заҳматли меҳнати билан эгаллаган илмини ҳурматлаган. Инсонлар илмли бўлиши, ўқимишли бўлиши улар фаровон ҳаётини таъминлаган. Шунинг учун Аллоҳ илмсиз кишиларни илм ўрганишга даъват этган. Қуръон ва Ҳадисларда илм инсонларни турли ахлоқсизликлардан, ҳаром, ёмон йўл ва амаллардан қайтариши зикр этилади.

Муҳаммад Пайғамбаримиз Ҳадисларида ҳам Қуръондаги фикрларни тўлдирадиган, илмнинг фазилати, аҳамияти ҳақида муҳим фикрлар билдирилган. Ал-Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” ишончли Ҳадислар тўпламида келтиришча, Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам: “Икки нарсадан ўзгасига ҳасад қилиш жоиз эмас, бир кишига Аллоҳ таоло ҳалол мол дунё берса-ю, уни ҳақ йўлида сарфлаётган бўлса, иккинчиси – кишига Аллоҳ таоло илму ҳикмат ато этса-ю, у шу туфайли олий мақомга эришиб, ҳукм сураётган, одамларга билганини ўргатаётган бўлса”, деганлар⁶¹.

Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васаллам Ҳадисининг илм тўғрисидаги қисмини шарҳлаб айтиш жоизки, Аллоҳ таоло айрим баъдаларига илму ҳикмат ато этиб, зиёли, уламо, олим бўлиб етиш-

⁵⁹ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.459.

⁶⁰ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёти, 2001. –Б.272.

⁶¹ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 1-китеб. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти. 2008. –Б.28.

са, ундай инсонлар юқори лавозимларга кўтарилади, хон саройида шайх ул-ислом, мадрасаларда мударрис, мактабларда домудла, масжидларда имом-хатиб лавозимларига эришади, олимлар етишиб чиқиб тарбиявий аҳамиятга эга бўлган асарлар ёзади. Улар халқ орасида илм, билим тарқатиб, ёшларни одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаб, саводли қилиб катта ҳурматга, обрўга сазовор бўлади. Мана шундай халқ орасида илм тарқатиб, уларни билимли қилиб, онгини ортириб, одоб-ахлоқли қилувчиларга Расулulloҳ ҳасад қилиш мумкин эмас деган. Ундай инсонларга ҳасад қилиш ўрнига, уларни эъзозлаб, ҳурматлаб, уларга мадад бериб, фаолиятини узайтириш, кенгайтириш керак, деган фикр билдирган.

Бошқа бир Ҳадисда – Абдуллоҳ ибн Амр: Расулulloҳ саллalloҳу алайҳи васалламнинг “Аллоҳ таоло илмни бандалардан тортиб олмайди, уни уламоларни маҳв қилиш йўли билан тортиб олади. Одамлар бирорта ҳам уламо қолмаганидан динни тушунмайдиганларни ўзларига бошлиқ қилиб оладилар. Сўнг улардан сўрайдилар. Улар билмасдан фатво айтадилар. Ўзлари ҳам адашиб, ўзгаларни ҳам адаштирадилар” деганларини эшитганман, деб айтган⁶².

Бу Ҳадисда гап жамият ишларини бошқаришда илм аҳамияти тўғрисида бормоқда. Ислom дини уламолари қолмасдан, одамлар ўзларига динни тушунмайдиганларни бошлиқ қилиб олиб, бирор нарсани, масалани сўрасалар, улар билмасдан фатво бериб одамларни адаштирганлигини кўрсатиб, бирор соҳани бошқариш учун аввал илм ўрганиш зарурлиги қайд қилинган. Ҳадисдаги фикрдан фақат диний соҳани бошқаришдагина эмас, дунёвий ишларни бошқаришда ҳам илм кераклиги маълум бўлади. Жамиятдаги ҳар бир диний ва дунёвий ишларни шу иш мутахассиси, соҳанинг билимдони бошқаргандагина иш тўғри, аниқ амалга оширилиши тўғрисида Ҳадисда фикр билдирилади.

Илм ўрганиш ва ўргатишнинг фазилати тўғрисида шундай Ҳадис бор. Расулulloҳ айтганлар: “...Бир киши Аллоҳ илмини (исломни) теран ўрганади, теран тушуниб, ундан манфаатланади ва Аллоҳ юборган ҳидоятни ўзи ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатади. Иккинчи бир киши илм ўрганиб, одамларга ўргатади, аммо ўзи амал қилмайди, учинчи бир киши мутакаббирлик қилиб, ўзи ҳам ўрганмайди, ўзгаларга ҳам ўргатмайди. Булардан биринчиси мўмин, ик-

⁶² Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жомъ ас-саҳиҳ (ишонарля тўплам). 1-китоб. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.27.

киичи фосиқ, учинчиси кофирдир”⁶³. Ушбу Ҳадисдан маълум бўладики, Расулulloх (с.а.в.) илм соҳиблари ичида Аллоҳ юборган илмни теран ўрганиб, унга ўзи амал қилиб, манфаатланиб, бошқаларга ҳам ўргатганини ҳақиқий мўмин, мусулмон деб ҳисоблаган. Аллоҳ илмини ўрганса-ю, бошқаларга ўргатса-ю, лекин ўзи унга амал қилмаса, ундайларни фосиқ, ахлоқсиз, ёмон, гуноҳли ишларни қиладиган деб билган ва атаган. Расулulloх (с.а.в.) ҳақиқий илм соҳибн Аллоҳ юборган илмни чуқур ўрганиб, ўзгаларга ҳам ўргатиб ва Аллоҳ ато этган илмга ўзи ҳам қатъий амал қилиши шарт деб кўрсатган.

Имом Бухорий тўплаган Ҳадисларнинг яна бирида шундай дейилган: “Расулulloх (с.а.в.) айтганлар: “илмга эътиборсизлик, нодонлик, ичкиликбозлик ва зинокорликнинг оммавий тус олиши қиёмат аломатларидандир”⁶⁴. Пайғамбаримиз бу Ҳадисда илмга эътиборсизлик, бепарволик, аҳамият бермаслик илмли инсонлар, зиёдилар, олимлар сонини камайишига, илм даражасининг пасайишига, одамлар орасида нодонлик, жаҳолатнинг авж олишига, гуноҳ ишлар кўпайишига олиб келади ва қиёматни, охиратни яқинлаштиради деган фикр билдирган. Бу Ҳадиснинг маъносидан, шунингдек, илмга эътиборсизлик ўрнига унга эътиборни кучайтириш, илм-фанни ривожлантириш, барча одамларни илм билан қуроллантириш, саводли қилиш, шу йўл билан инсонларни яхши-ёмон, гуноҳ-савобнинг фарқига борадиган қилиш, фақат яхши йўлдан юрадиган, гуноҳ ишларни қилмайдиган, қиёматни олдини оладиган инсонлар бўлади, деган фикр келиб чиқади. Демак, Қуръони Карим сураларида, Пайғамбаримиз Ҳадисларида илм инсонларни саводхон, кенг маълумотли, билимдон, яхши-ёмон, савоб-гуноҳни ажрата оладиган, одамларга фақат яхшилик қиладиган қилиб етиштиради, деган фикр таъкидланади.

Ушбу монография, асосан, архив ҳужжатлари, уларни таҳлил ва тадқиқ қилиш асосида тайёрланган. Бу ҳужжатларни асраб-авайлаб келаётган, ҳужжатлардан фойдаланишда тарихчи олимларга сидқидилдан, беминнат хизмат қиляётган, жумладан, шахсан менга ҳам архив ҳужжатларидан фойдаланишда архив ҳужжатлари

⁶³ Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 1-китоб. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.24.

⁶⁴ Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Ал-жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам). 1-китоб. –Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008. –Б.24.

сақловхоналаридан йиғмажилдлар буюртмаси бўйича уларни қидириб топиб беришда, керакли хужжатлар ксеронусхаснини сифатли тайёрлашда, ҳар бир олинган хужжат архив шифрини белгилашда берган ёрдами, шундай қилиб, бизнинг илмий ишимизга муносиб ҳисса қўшганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг директори Абдулқосим Маҳаммадов, архив ходимлари: бош археограф Маҳбуба Эрматова, 1-тоифали архивчи Нина Юсупова, хужжатлар сақловхонаси мудираси Мавжуда Мирзаева, етакчи архивчи Малика Мараимова, архивчи Акмал Икромов ва бошқаларга чексиз миннатдорчилигимни изҳор этаман.

Китоб қўлёзмасини тайёрлаш ва чоп этиш билан боғлиқ масалаларда кўрсатган кўмаклари учун шоғирдларим – катта илмий ходим изланувчи Машҳурбек Асқаров ва катта ўқитувчи Шарофиддин Ҳошимжонов ҳамда Абдуқаҳҳор Худойбердиевларга ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни билдираман. Университетимиз раҳбар ходимлари ёрдამисиз бу китобнинг ёруғ олам юзини кўриши қийин эди. Бунинг учун университет раҳбарлари. Тарих ва Ижтимоий иқтисодиёт факультетларидаги ҳамкасбларимдан мамнун эканлигимни таъкидлайман. Шунингдек, китоб масъул муҳаррири – тарих фанлари доктори, профессор, Қўқон хонлиги тарихи бўйича мутахассис, Шодмон Воҳидов, тақризчилар – тарих фанлари номзодлари Бахтиёр Расулов ва Муҳаммаджон Алиҳожиевларга қўлёзмани яхшилаш мақсадида берган таклиф ва фикр-мулоҳазалари учун раҳматлар айтаман. Умр йўлдошим Зарифахон Алимованинг китоб қўлёзмасини ўқиб фойдали фикрлар айтганлиги ва уни оққа кўчириш, тайёрлаш ишларида катта ёрдам кўрсатганлигини мамнунлиқ билан қайд этаман.

1-БОБ. ҚЎҚОН МУЛКИНИНГ МАДРАСА, ҚОРИХОНА ВА МАКТАБЛАРИ

1.1-§. Қўқон мулки мадрасалари

Қўқон хонлиги 1709 йилда Бухоро амирлигидан Фарғона мулкини Чодак хўжаларининг ажратиб олиши туфайли вужудга келган. Хонликнинг биринчи ҳукмдори минг қабиласидан Шохруҳбий бўлган. Эрдонабий ва Норбўтабийлар даврида Фарғона водийсини бирлаштириш яқунланган. Норбўтанинг ўғли Олимхон даврида Қўқон хонлиги янада кенгайди, Охангарон воҳаси, Тошкент, Чимкент, Туркистон вилоятлари хонликка қўшиб олинди. Олимбек 1805 йили Фарғона давлатини Қўқон хонлиги деб эълон қилди ва ўзига хон унвонини олди. Норбўтабий, Олимхон даврларида Қўқон хонлиги мустақкамланди, Олимхоннинг ўғли Умархон даврида хонликнинг маданияти гуллаб яшнади. У ўз замонасининг машҳур олимлари, шоирлари, адибларини саройига тўплаб, уларнинг ижодий ишлари учун қулай шароит яратиб берган. Умархон халқ маорифини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган. Унинг ўзи ва умр йўлдоши Нодирабегим бир неча мадрасалар бунёд этишган. Муҳаммад Алихон ва Худоёрхон даврларида Қўқон хонлигининг Қўқон мулкида, яъни Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги кишлоқларда (Россия империяси босиб олганидан кейин Қўқон уезди деб номланган ҳудудда) кўплаб мадрасалар барпо этилди, маданият ривожланди.

Мусулмон дунёсида, жумладан, Ўрта Осиёда ислом дини пайдо бўлганидан бошлаб мадраса, қорихона, мактаб каби диний ўқув юртлари бунёд этиш ва уларнинг фаолиятини юритиш учун уларга вақф мулки таъсис этиш одат бўлган. Қуръони Каримда Аллох эҳсон қилган, яъни масжид, мадрасалар қуриб уларга вақф мулки васият қилганларни жаннати қилишга ваъда берган. Шундан келиб чиқиб, масжид, мадраса бунёд этиб, уларга вақф мулки инъом этиш имкониятига эга бўлган бадавлат мусулмонлар жаннати бўлиш ниётида ўқув юртлари барпо этиб, уларга вақф мулклари ҳадя этган-

лар. Ўрта Осиёда бундай имкониятга эга бўлганлар – хону амирлар, уларнинг авлодлари, амалдорлар, катта ер эгалари, тадбиркорлар, йирик рухонийлар бўлган.

Қўқон хонлигида кўплаб мадраса, қорихона, мактаблар барпо этилган, уларга вақф мулклари таъсис қилинган. Мадраса куриш, унинг фаолиятини юритиш бошқа ўқув юртларини барпо этишга нисбатан анча кўп харажат талаб қилган. Шунинг учун йирик, ҳашаматли мадрасаларни хонлар, уларнинг авлодлари ва хоннинг йирик амалдорлари қурдирган. Бу ишда хонларнинг ташаббус кўрсатгани, намуна бўлганининг сабабларидан бири мадраса ва бошқа ўқув юртлари жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бири эканлигидир. Ҳар қандай ҳукмдор ўз давлатининг ижтимоий-иқтисодий, маданий жиҳатдан ривожланган, буюк давлат бўлишини истайди. Қўқон хонлари жамиятни юксалтириш, гуллаб-яшнатиш ниятида, айниқса, Қўқон мулкида кўплаб мадрасалар бунёд этган. Қўқон шаҳрида Умархон “Жоме” мадрасасини, онаси Иззат Биби “Мингойим” мадрасасини, Умархоннинг суюкли хотини Нодира эса “Мохлар ойим” ва “Чалпак” мадрасаларини қурдирган. Муҳаммад Алихон Қўқон шаҳрида ва Кува қишлоғида ўз номи билан юргитилувчи мадрасалар барпо қилган. Худоёрхон учта мадраса қурдирган: Қўқонда “Мадрасаи Олий”, Асакада Худоёрхон мадрасаси, Чустда “Хон мадраса”си. Худоёрхоннинг онаси Ҳоким Ойим Қўқон шаҳрида иккита: “Ҳоким Ойим” ва “Хомтама” мадрасаларини бунёд этган. Андижонга ҳоким бўлиб турган Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек 1867 йилда “Насриддинбек” мадрасасини ва унинг ёнида ходимлар ва талабалар беш вақт намоз ўқийдиган масжид қурдирган⁶⁵.

Худоёрхоннинг йирик амалдорларидан бири Маҳмуд Дастурхончи Қўқон, Тошкент, Андижон, Чуст шаҳарларида тўртта мадраса бунёд этган. Худоёрхоннинг бош вазири Мусулмонкул Қўқон, Андижон, Андижон беклигининг Тош Кечик қишлоғида учта мадраса қурдирган. Худоёрхон ва бошқа хонларнинг саройи хизматчилари, амалдорлари Хўжа Додхох, Пирмухаммад Ясовул, Охун Девонбеги, Холназар Парвоначи, Мирза Райим Парвоначи Қўқон шаҳрида мадрасалар барпо этиб, вақф мулки билан таъминлаганлар⁶⁶.

Вақф – мусулмон мамлакатларида хон, унинг авлодлари, амалдорлари ва бошқа бадавлат шахслар томонидан диний эҳтиёж ёки хайрия ишлари учун ажратилган мол-мулк. Вақф мулки ер-сув, уй-

⁶⁵ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р. 328-й., 2-3-в.

⁶⁶ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р. 328-й., 31-35-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

жой, бозор, дўкон, карвонсарой, тегирмон ва бошқа савдо-саноат мулклари бўлиши мумкин. Вақф мулклари хайрия ишлари учун ҳам ажратилган, масалан: йўллар, кўприклар қуриш, уларни таъмирлаб туриш учун, етим-есирларга овқат қилиб бериш учун, мусофирхоналар (сафардаги кишилар бепул яшайдиган меҳмонхона) фаолиятини юритиш учун ва бошқалар учун таъсис этилган.

Шариат қоидаси бўйича вақф мулки эҳсон қилувчининг ўз шахсий мулкидан ҳадя қилинган. Хон ҳам мадраса, масжид қурдириб вақф сифатида мусулмонлар фойдаланиши учун бермоқчи бўлса, давлат ҳисобидан эмас, ўз шахсий мулкидан вақф қилиб ажратиб берган. Вақф мулки ҳадя қилган шахс, вақфнома расмийлаштирилганидан кейин, мулкка эгалик ҳуқуқини йўқотган. Вақф мулки васият қилинган мадраса, масжид ва бошқа диний, маданий-маърифий муассаса вақф мулкни сотиш, бировга эҳсон қилиш, мерос қилиб бериш, гаровга қўйиш ҳуқуқига эга эмас эди. Диний эътиқодга кўра вақф мулки Аллоҳники ҳисобланар эди. Вақф мулки таъсис этилган муассаса вақфномада белгиланган тартиб бўйича вақф даромадидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эди.

Мадрасалар биносининг ҳажми, вақф мулкнинг миқдори бўйича катта ёки кичик бўлган. Одатда, хон, унинг авлодлари ва бадавлат амалдорлари қурдирган мадрасалар катта, ҳашаматли, дарсхона ва ҳужралари, вақф мулклари кўп бўлган. Ўрта ҳол тадбиркорлар, ер эгалари, руҳонийлар кичкина, ҳужралари кам, вақф мулклари оз мадрасалар бунёд этганлар. 1813 йилда Қўқон шаҳрида Умархон қурдирган Жоме мадрасасининг 73 та ҳужраси, 2 та дарсхонаси бўлган. 1827 йилда Мадалихон Қўқон шаҳрида 2 та дарсхонали, 97 та ҳужрали мадраса барпо этган, 1849 йилда Қўқон шаҳрида Худоёрхон битта дарсхонали, 73 та ҳужрали мадраса қурдирган. 1869 йилда Қўқон шаҳрида Худоёрхоннинг онаси Ҳоким Ойим 2 та дарсхонали, 105 та ҳужрали Қўқондаги энг катта мадрасани бунёд этган. 1872 йили Қўқон шаҳрида Султон Муродбек 2 та дарсхонали, 99 та ҳужрали мадраса барпо этган⁶⁷. Бу мадрасаларнинг катталиги, таъмирлашга қўл харажат сарфлавиши, мударрислари, мутаваллилари, муллалари ва бошқа ходимларининг кўплигини ҳисобга олиб, эҳсон қилувчилар катта миқдорда экин ерлари, савдо-саноат корхоналари вақф қилганлар.

Қўқон шаҳрида хонлар, улар авлодлари, йирик амалдорлар қурдирган катта, дабдабали мадрасалар билан бир қаторда ўртаҳол

⁶⁷ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р, 328-й., 30-31-в.

мулкдорлар барпо этган кичкина мадрасалар ҳам бўлган. Мадалихон даврида Қўқон шаҳрида Мадалихон саройининг хизматчиси Ҳодикўлбек Додхоҳ 1 та дарсхонали 10 та ҳужрали мадраса бунёд этган. 1801 йилда Конибодом қишлоғида Домулла Мирсоҳий “Машиҳади Майдон” номли 1 дарсхонали, 9 та ҳужрали мадраса барпо этган. 1874 йилда Конибодом қишлоғида Мирзажон бой ўзининг номида 1 та дарсхонали, 11 та ҳужрали мадраса қурдирган⁶⁸.

Олимхон, Умархон, Мадалихон, Худоёрхонлар даврида Қўқон хонлигининг ҳудудлари кенгайди, иқтисоди мустақкамланди, маданияти ривожланди. Умархон Қўқон шаҳрида ҳашаматли Жоме мадрасаси ва масжидни қурдирган, илм-фан, адабиёт, шеърят аҳлига ҳомийлик қилган. Мирза Олим Махдум ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида ёзилишича, “Умархон асри Фарғонанинг энг обод, илм ва фазл тараққий этган, атроф жонибдаги вилоят ва мамлакатлардан Умархоннинг авсофи ҳамидасини эшитган уламо ва фузало ва шуаролар жамъ бўлиб, илм ва фазл ривож топган эди. Хусусан, Умархон ўзи шоири ширинсухан эди”⁶⁹.

Маҳаммад Алихон (Мадалихон) отаси Умархоннинг ижобий ишларини давом эттирди. Янги ҳудудларни қўшиб олиб, Қўқон хонлигини янада кучайтирди. Отаси Умархон анъаваларини давом эттириб илм аҳлига, маорифни ривожланишига ҳомийлик қилди. Мадалихон ўз замонасидаги энг катта дабдабали мадрасани бунёд этган⁷⁰. Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинмай туриб, 1868 йилда, А.П.Хорошкин Қўқон хонлиги билан танишгани бориб, хотираларини “Қўқон тўғрисида хабарлар” номли мақоласида эълон қилган. Хорошкин ўз хотираларида Қўқон шаҳри мадрасалари тўғрисида тўхталиб шундай дейди: “Мадалихон мадрасаси ва Жоме мадрасаси ўзининг улуғворлиги билан яққол кўзга ташланади. Улар пишиқ гиштдан қурилган ва уларда мулалар, ари уясидек, лик тўлиб ётибди”⁷¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Мадалихон мадрасаси вақфномасидан олинган вақф мулклари тўғрисида қизқарли маълумотлар сақланган. Ҳужжатда кўрсатилишича, вақф Мадалихон томонидан 1829 йилда таъсис этилган ва вақфномада

⁶⁸ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р. 328-й., 35–36-в.

⁶⁹ Мирза Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. –Б.90.

⁷⁰ Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадрасе Ферганской области в 1892/1892 учебном году; ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р. 328-й., 30–31-в.

⁷¹ Хорошкин А.П. Заметки о Коканде // Туркестанский сборник. Т.23. –С.169.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Мадалихоннинг ва ўша давр қозиларининг муҳрлари бор. Вақфномада кўрсатилишича, Мадалихон ўзининг шахсий мулкидан ўзи қурдирган Қўқон шаҳрининг Бойбўта маҳалласидаги мадрасага шаҳарнинг Бешариқ маҳалласидаги Карвонсаройни 29 та дўқони билан, Бойбўта маҳалласидаги кўмир ва туз бозорлари ва 60 та дўқонини вақф қилиб берган. Бундан ташқари, мадрасага Қўқон мулкидаги 3 та қишлоқдан ер-сув вақф қилиб берилган. Жумладан, Қашқарда 2000 таноб экиладиган ер, 100 таноб беда, 50 таноб боғ; Тожи қишлоқда 2500 таноб экиладиган ер, 100 таноб беда даласи ва 60 таноб боғ; Поён Катпутда 3 минг таноб экиладиган ер, 50 таноб боғ, 100 таноб беда экиладиган дала; Калача Мирза Носирда 800 таноб экиладиган ер ва 20 таноб беда экиладиган дала; Яккаайрағочда 800 таноб экиладиган ер, 50 таноб боғ, 200 таноб беда экиладиган дала; Эр Хуббода 100 таноб боғ; Марғилон уездида Поён-Сартутда 1500 таноб бўш ётган ер; Поён-Сурфада 500 таноб бўш ётган ер; Поён-Янгиқўргонда 1000 таноб бўш ётган ерни вақф қилиб таъсис этган. Жами вақф ерларидан 9100 таноби экин экиладиган ерлар, 520 таноби беда экиладиган далалар, 260 таноби боғлар эди. Бундан ташқари, 3000 таноб экин экилмай бўш ётган ерлар Мадалихон мадрасасига вақф қилиб берилган эди.

Мадраса мутаваллиси вақф мулкларини ижарага берган. 1877 йилда шаҳардаги вақф мулклари 425 тиллага⁷², қишлоқлардаги вақф мулклари 235 тилла ва 1550 чорак⁷³ ғаллага ижарага берилган. Чоракни пудга айлантирсак, 1550 x 5,3 – 8015 пуд бўлади.

1883 йилдаги маълумотга кўра, Қўқон шаҳрида 1 пуд бугдой 90 копеек, арпа – 60 копеек, жўхори – 54 копеек, гуруч – 1 рубль 20 копеек бўлган⁷⁴. Бир пуд ғалла ўртача 81 копеек турган. 8115 пуд ғалла 81 копеекдан сотилса, 649 рубль 20 копеек бўлади. Тиллаларни рубльга айлантирсак, 660 тилла 2640 рубль бўлади (бир тилла 4 рубльга тенг). Бунга ғалланинг пулни кўшсак, 2640 рубль + 649 рубль 20 копеек = 3289 рубль 20 копеек бўлади. Мадалихон мадрасасининг вақф мулклари даромади 1877 йилда 3289 рубль 20 копеек бўлган экан. XIX асрнинг 70–90-йилларида нарх-наво кам ўзгарган. Мадалихон мадрасасининг вақф мулкларидан тушган даромад 1881 йилда қуйидагича бўлган: шаҳардаги вақф мулкларидан 495 тилла

⁷² Тилла – 4 рубльга тенг бўлган.

⁷³ Чорак – 5 пуд 13 кадокка (кадок 400,9 грамм) тенг бўлган. Хужжатда “чайрак”.

⁷⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 28456-й., 11–12-в.

ижара ҳақи, қишлоқлардаги мулкларидан 255 тилла ва 1550 чорак галла олган. 1877 йилдаги даромад билан 1881 йилдаги даромад деярли фарқ қилмаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, XIX асрнинг 70-йиллари бошларида ҳам, яъни Кўқон хошлти даврида ҳам Мадалихон мадрасасининг вақф мулкларидан топган даромади 1877 йилдаги даромадига, тахминан, тенг бўлган. Ҳақиқатда арзончилик бўлганини, рубльнинг алмашув қиймати, кадри юқори бўлганини ҳисобга олсак, мадрасанинг йиллик 3289 рубль даромади жуда қатта қийматга эга эди. Архив ҳужжатининг гувоҳлик беришича, 1877 йилда Наманган уездида кўй 5 рубль, ҳўкиз 8 рубль, сигир 8 рубль, туя 30 рубль, эчки 2 рубль, от 30 рубль, 1 пуд кўй ёғи 3 рубль 20 копеек, 1 пуд мол ёғи 3 рубль бўлган экан⁷⁵. Бу далиллар XIX асрнинг иккинчи ярмида пулнинг қиймати жуда баланд бўлганини кўрсатади.

Хошлар қурдирган мадрасалар салобатли, муҳташам бўлган. Шундай мадрасалардан яна бири Худоёрхон барпо этган Мадрасаи Олий эди. Бу ўқув даргоҳи 150 нафарга яқин тоғилар ўқиши ва бир неча нафар мударрислар дарс беришига мўлжалланган 73 та ҳужрали катта мадраса эди. Мадраса Кўқон шаҳрининг катта бозорида жойлашган. Худоёрхон ўз мулкидан мадрасага катта миқдорда савдо-саноат корхоналари ва суғориладиган ерлар вақф қилган. Худоёрхон вақфни 1859 йилда таъсис қилган⁷⁶. Вақфномада Худоёрхон, Маллахон ва ўша давр қозиларининг муҳрлари босилган. Вақфномада кўрсатилишича, Мадрасаи Олийга Худоёрхон шаҳарда катта бозордаги 240 та дўқонини, Ирискулбек маҳалласидаги ҳаммомини, катта бозордаги Карвонсаройини ва 125 тилла пул вақф қилган. Шу билан бирга, Қайнар волостининг Ҳожибек қишлоғида 1000 таноб экиладиган ер, Бувайда волости Зигир қишлоғида 1000 танобдан ортик экиладиган ер, Бешариқ волостининг Ҳожибек Хурд қишлоғида 875 таноб экиладиган ер ва 300 таноб бўш ётган ерни вақф қилиб берган⁷⁷.

Мадрасаи Олий мутаваллиси шаҳардаги вақф мулклари (дўқонлар, ҳаммом ва карвонсарой)ни 1877 йилда 715 тиллага, 125 тилла вақф мулкни эса 12,5 тиллага ижарага берган. Қишлоқлардаги вақф ерлари 660 тиллага ижарага берилган⁷⁸. Мадрасанинг вақф

⁷⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 22560-й., 26–27-в.

⁷⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 33274-й., 3–4-в.

⁷⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 33274-й., 3–4-в.

⁷⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 33274-й., 3–4-в.

мулкларидан тушган жами даромади 1387.5 тиллани ташкил қилган. Тахминан, бир тиллага битта бир-икки яшар, бокиб семиртирилмаган қўй сотиб олиш мумкинлигини ҳисобга олсак, 1387 тилла қатта бойлик эди. Хужжагда ёзилишича, бу вақф даромадининг бир қисми мадраса ходимлари ва муллаларининг умумий келишувига биноан бинони таъмирлашга ажратиб қўйилган. Даромаднинг қолган қисми қуйидагича бўлинган: ўндан бир бўлаги мутаваллига, учдан бир бўлаги мударрисларга, қолган қисми муллалар ва хизматчиларга вақфномада кўрсатилган меъёрлар бўйича тақсимланган.

Қўқон хонлигида айрим хонларнинг оналари номидан қурилган йирик мадрасалар ҳам мавжуд. Ана шундай мадрасалардан бири Умархон ўз онаси хотирасига қурдирган Минг Ойим мадрасаси ҳисобланади. Минг Ойим мадрасаси Қўқон шаҳрида Хилбатулла Хожа маҳалласида 1809 йилда бунёд этилган ва ўша йили Умархон мадрасага қатта вақф мулки таъсис қилган. Вақфномага Норбўта-хон, Умархон, Муҳаммад Алихон ва ўша давр қозилари муҳр босган⁷⁹.

Вақфномадаги маълумотларга қараганда, Минг Ойим мадрасасига шаҳарда 1 та карвонсарой ва 19 та дўқон вақф қилиб берилган. Қуйидаги қишлоқлардаги экин ерлар, беда далалари ва боғлар мадрасага вақф мулки қилиб ажратилган: Орзиқтепада 8 таноб экиладиган ер; Оқ-Масжидда 1288 таноб экиладиган ер, 21 таноб боғ, 171 $\frac{1}{4}$ таноб бедапоя; Гуштда 1200 таноб экиладиган ер, 26 таноб боғ ва 38 таноб бедапоя; Қақир-1 да 150 таноб экиладиган ер, 2,5 таноб бедапоя, 4,5 таноб сабзавот экиладиган ер; Қақир-2 да 900 таноб экиладиган ер, 54 таноб боғ, 83 таноб бедапоя ва 9 таноб сабзавот экиладиган ер; Ахта-1 да 1300 таноб экиладиган ер, 20 таноб боғ ва 28 таноб бедапоя; Дўлталида 500 таноб экиладиган ер, 6 таноб бедапоя, 4 таноб сабзавот экиладиган ер, 5 таноб ҳовли; Ахта-2 да 200 таноб экиладиган ер, 7,5 таноб боғ, 7,5 таноб бедапоя, 3 таноб сабзавот экиладиган ер, 10 таноб ҳовли; Шўрда 910 таноб экиладиган ер, 46 таноб боғ, 109 таноб бедапоя, 10 таноб сабзавот экиладиган ер ва 20 таноб ҳовли; Узунда 960 таноб экиладиган ер, 10,5 таноб боғ, 13 таноб сабзавот экиладиган ер ва 20 таноб ҳовли; Ғалчада 1000 таноб экиладиган ер, 8 $\frac{1}{4}$ таноб боғ, 12 $\frac{1}{4}$ таноб бедапоя, 14 таноб сабзавот экиладиган ер ва 15 таноб ҳовли; Мирзаободда 105 таноб экиладиган ер, 5 таноб бедапоя, 5 таноб сабзавот экиладиган ер, 4 таноб ҳовли; Ойим қишлоқда 1000 таноб экиладиган ер, 7 таноб боғ, 14

⁷⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., II-в.

1-БОБ. Қўқон мулкининг мадраса, қорихона ва мактаблари

таноб бедапоя. 34,5 таноб сабзавот экиладиган ер ва 15 таноб ҳовли; Бешкалада 15 таноб экиладиган ер; Пиртақда 3 таноб экиладиган ер; Найманда 8 таноб экиладиган ер.

Булардан ташқари, мадрасага қуйидаги қишлоқлардаги экилмайдиган ерлар вақф қилиб берилган: Шўрда – 500 таноб, Гуштда – 22,5 таноб, Ахта-1 да 200 таноб, Ахта-2 да – 400 таноб, Узуида – 600 таноб, Мирзаободда – 500 таноб, Дулталида – 1000 таноб ва Қақирда – 500 таноб⁸⁰.

Минг Ойим мадрасаси мутаваллиси 1877 йилда шаҳардаги вақф мулкларини 92 тиллага ижарага берган. Қишлоқлардаги ерлар 521 тилла ва 230 чорак ғаллага ижарага берилган. 1881 йилда шаҳардаги қарвонсарой ва дўконлар 112 тиллага, қишлоқдаги вақф ерлари 544 тилла ва 2300 чорак ғаллага ижарага берилган⁸¹. Бу далилларга таяниб мадрасанинг вақф мулкидан тушган йиллик ижара ҳақи анча катта бўлган, 1877 ва 1881 йилларда вақф мулкларининг ижара ҳақи айтарли ўзгармаган дейиш мумкин. Бу шундан далолат бераднки, XIX асрнинг 70-йилларининг биринчи ярмида (1871–1875 йилларда), яъни Қўқон хонлиги даврида Минг Ойим мадрасасининг вақф мулкларидан олган даромади, тахминан, 1877 йилдаги даромадига тенг бўлган.

Мадраса қурдирган аёллардан яна бири Муҳаммад Алихон (Мадалихон)нинг онаси Нодирабегим эди. У 1847 йилда Қўқон шаҳрининг Хайдарбек маҳалласида Мохлар Ойим номли мадраса бунёд этади ва унга ўша йили вақф мулки таъсис этади⁸². Мохлар Ойим мадрасаси битта дарсхонали, 37 та хужрали, хонларнинг мадрасаларига нисбатан кичикроқ, ўртача мадрасалардан эди. Шунинг учун вақф мулклари ҳам кўп эмас эди. Вақфномада Мадалихон ва ўша давр қозиларининг мухрлари босилган. Вақфномада кўрсатилишича, Мохлар Ойим мадрасасига Нодирабегим шаҳардаги 1 та қарвонсаройни, 48 та дўконлари билан ва яна 22 та дўконни вақф қилиб берган. Бундан ташқари, Янгиқишлоқда 1546 таноб экиладиган ерни вақф этиб таъсис қилган эди. 1877 йилда мадраса мутаваллиси шаҳардаги вақф мулкларини 56 тиллага, Янгиқишлоқдаги вақф ерларини 125 тилла ва 420 чорак ғаллага ижарага берган. 1881 йилда қарвонсарой ва дўконларни 74 тилла, ерларни 115 тилла ва 420 чорак ғаллага ижарага берилган⁸³. Мадраса бир йилда вақф мулк-

⁸⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 11–14-в.

⁸¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 12-в.

⁸² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 22-в.

⁸³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 22–24-в.

кидан 180 тилладан ортиқ пул ва 2 минг пуддан ортиқ ғалла даромад килган. Бу мадраса учун катта бойлик бўлиб, унинг барча харажатларини қоплаган.

Кўқон шаҳридаги хон авлодлари – аёллар қурдирган ўхув юрларидан бири Худоёрхоннинг онаси қурдирган Ҳоким Ойим мадрасаси эди. Мадраса Кўқон шаҳрининг катта бозорида 1874 йилда бунёд этилган ва ўша йили унга Ҳоким Ойим томонидан катта мулк вақф қилиб берилган. Вақфномада Худоёрхоннинг иккита муҳри ва ўша давр қозиларининг муҳрлари босилган. Ҳоким Ойим ўзи бунёд этган мадрасага 1874 йилда Кўқон шаҳрининг Яхшилик маҳалласида жойлашган битта қарвонсарой ва 56 та дўконни вақф қилиб берган. Шу билан бирга, мадрасага Марғилон вилоятининг Хонобод, Телемен, Исо Авлиё чеки, Тожиқишлоқ, Қанғли, Жомагой йўли қишлоқларида 20 минг танобга яқин экиладиган ер, 20 минг танобга яқин экилмайдиган ерни вақф қилиб берган⁶⁴.

Ҳоким Ойим мадрасасининг вақф мулкларидан тушган йиллик даромади 1000 тилла атрофида бўлган. 1877 йилда мадраса мутаваллиси барча вақф мулкларини 1090 тиллага ижарага берган ва ўзига, мадраса биносини таъмирлашга тегишли қисмини олиб қолиб, даромаднинг қолган бўлагини мударрислар, ходимлар ва муллаларга, вақфномада кўрсатилган меъёрда тақсимлаб берган. 1879–1880 йиллари барча вақф мулклари 1000 тиллага, 1881 йилда шаҳардаги қарвонсарой ва дўконларни 505 тиллага, қишлоқлардаги вақф ерлари 405 тиллага ижарага берилган⁶⁵. Бу далиллар шундан далolat берадики, шаҳарда жойлашган савдо-саноат вақф мулклари, қарвонсарой, дўконлар, тегирмон, ҳаммом қабилар мадрасаларга вақф ерларига нисбатан катта даромад келтирган. 1877 йилда вақф мулкларидан 1090 тилла даромад килганини ҳисобга олиб айтиш мумкинки, Кўқон хонлиги даврида ҳам Минг Ойим мадрасаси ўша вақф мулкларидан 1000 тилладан кам даромад килмаган. Бунга асос шуки, 1877–1881 йилларда вақф мулкларидан келган даромад айтарли ўзгармаган. 1871–1876 йиллардаги қисқа вақт ичида ҳам Кўқон хонлигида нарх-наво деярли бир меъёрда бўлган. Кўқон хонлари ва авлодлари қурдирган мадрасалардан ташқари хонликнинг йирик амалдорлари ҳам кўплаб мадрасалар қурдирган. Масалан, Кўқон хонлигида энг кўп мадраса қурдирган амалдорлардан бири Маҳмуд Дастурхончи бўлган. У Мадалихоннинг яқин кишиси бў-

⁶⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 2–3-в.

⁶⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 4-в.

либ, Қўқон, Андижон, Тошкент ва Чуст шаҳарларида мадрасалар курдирган.

Қўқон шаҳридаги Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси 1848 йили Саримозор аминлигининг Эшонгузар маҳалласида бунёд этилган эди. Ўша йили Маҳмуд Дастурхончи мадрасага катта миқдорда вақф мулкларини эҳсон қилган. Вақфномага Худоёрхон ва ўша давр қозилари мухрларини босган⁸⁶.

Маҳмуд Дастурхончи ўзи курдирган мадрасага Қўқон шаҳрининг Янги маҳалласида жойлашган битта карвонсарой ва 69 та дўконни, шаҳарнинг катта бозоридаги қассоблар ижарага олиб банд қилиб турган 2 таноб ерни вақф қилиб берган.

Шаҳардаги вақф мулкларидан ташқари қуйидаги кишлоқлардаги сугориладиган ерлар вақф қилиб берилган: Мерган кишлоғида 40 таноб экиладиган ер, Машадда 40 таноб экиладиган ер, Пиртақда 20 таноб экиладиган ер. Марғилон вилоятининг Асака қишлоғида 400 таноб экиладиган ер, Шаҳрихонда 300 таноб, Чувамаз ва Ола Майон кишлоқларида 10 таноб экиладиган ер. Шу билан бирга, Андижон шаҳридаги 60 таноб экиладиган ер ҳам мадрасага вақф қилиб берилган⁸⁷. Мадрасанинг барча вақф ерлари 1282 танобни ташкил қилган.

Мутавалли шаҳардаги карвонсарой, дўконларни ва экиладиган вақф ерларини ижарага берган. 1877 йилда шаҳардаги вақф мулклари 72 тилла ва 2 рубль 20 копеекка, кишлоқдаги вақф ерлари 355,5 тиллага ижарага берилган⁸⁸. 1880 йилда шаҳардаги вақф мулклари 82 тилла ва 2 рубль 40 копеекка, кишлоқдаги вақф мулклари 1446,5 тиллага ижарага берилган.

Муҳаммадалихон, Шералихон, Худоёрхон саройларида хизмат қилган Хўжа Додхоҳ 1821 йилда Қўқон шаҳрининг Саримозор аминлиги Хўжа Додхоҳ маҳалласида Хиштип мадрасасини ўз маблағи ҳисобидан курдирган. Мадраса нисбатан катта, 49 та ҳужра ва 2 та дархонадан иборат эди. Хўжа Додхоҳ бадавлат амалдор бўлгани учун мадрасага кўп мол-мулкни вақф қилиб берган. Вақфнома 1821 йилда тузилган бўлиб, унга Муҳаммад Алихон, Шералихон, Худоёрхонлар, Хўжа Додхоҳнинг ўзи ва ўша давр қозилари мухрларини босган⁸⁹.

⁸⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 21-в.

⁸⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 21-в.

⁸⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 22-в.

⁸⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 18-в.

Вақфномадаги маълумотларга қараганда, Хўжа Додхоҳ Хиштин мадрасасига ўзининг шахсий мулкидан Хўжа Додхоҳ маҳалласидаги битта ҳаммомни иккита дўқони билан, сандиқ бозоридаги карвонсаройни 15 та дўқони билан ҳадя қилиб берган. Шу билан бирга, қуйидаги қишлоқлардаги суғориладиган ерлар: Қўқонбойда 8 таноб экиладиган ер, Эшонда 100 таноб экиладиган ер, 12 таноб бедапоя, Теляуда 20 таноб экиладиган ер, Қўшқўприқда 4 таноб экиладиган ер, Шўрда 3 таноб экиладиган ер. Капа қишлоғида 2570 таноб, Бекобода 9440 таноб экиладиган ер. Найманда 20 таноб экиладиган ерларни мадрасага вақф қилиб берилган. Мадрасанинг жами вақф ерлари 12077 танобдан иборат бўлган. Мадраса мутаваллиси вақф мулкларни ижарага берган. 1877 йилда шаҳардаги вақф мулклари 129 тилла 1 рубль 20 копеекка, қишлоқлардаги вақф ерларини 380 тилла ва 900 чорак галлага ижарага берган. 1881 йилда шаҳардаги вақф карвонсарой, ҳаммом ва дўқонларни 190 тиллага, қишлоқлардаги экин экиладиган вақф ерлари 488 тилла ва 900 чорак галлага ижарага берилган.

Қўқон шаҳри Саримозор аминлиги Гадоё Қассоб маҳалласидаги Арк мадрасасини, Фарғона вилояти мадрасаларини текширган Туркистон генерал-губернаторлигининг Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртларининг 3-инспектори В.П.Наливкиннинг маълумотиغا кўра, Худоёрхон қурдирган⁹⁰. Одатда, мадрасани қурдирган шахс вақф мулки ҳам таъсис этар эди. Лекин Қўқон мулкидаги, яъни Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги мадрасалар ва уларнинг вақф мулклари рўйхатидаги маълумотга кўра, бу мадрасага вақф мулкни 1860 йилда Мусулмонкул мингбоши таъсис этган. В.П.Наливкин Арк мадрасаси бунёд этилган йилни кўрсатмаган. Одатда, мадраса қуриб битказилганидан кейин унинг фаолиятини ташкил қилиш учун вақф мулки таъсис этилишини ҳисобга олсак, мадраса 1860 йилда, яъни вақф мулки таъсис этилган йилда барпо этилган деб ҳисоблаш мумкин. Хужжатда кўрсатилишича, вақфномага Худоёрхон, Мусулмонкул ва ўша давр қозилари муҳрлари босилган⁹¹.

Арк мадрасасига Мусулмонкул Қўқон шаҳри Катта бозоридаги битта чой карвонсаройи ва ўша бозордаги 15 та дўқонни вақф қилиб таъсис этган. Бу вақф мулклари бозорда жойлашгани учун катта даромад келтирган. 1877 йилда карвонсарой ва дўқонлар 315 тиллага ижарага берилган, 1878 йилда 325 тиллага, 1879 йилда 325 тиллага, 1880 йилда эса 340 тиллага ижарага берилган⁹².

⁹⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 8-в.

⁹¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 9-в.

⁹² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33274-й., 10-в.

Биз юқорида Қўқон мулкидаги айрим йирик мадрасалар тўғрисида тўхталдик. Бундай мадрасалар Қўқон мулкида кўп бўлган. Архив ҳужжатларининг гувоҳлик беришича, Россия империясининг Ўрта Осиёдаги ислом ўқув юртларини рўйхатга олиш натижаларига кўра, Қўқон мулки ҳудудида, яъни Қўқон уездида – шаҳарда 34 та, уезд қишлоқларида 9 та, жами 43 та мадраса бўлган. Бу мадрасаларда 2478 нафар талаба ўқиган, 111 та мударрис сабоқ берган⁹³.

Қўқон хонлиги даврида мадрасалар рўйхатга олинмагани учун биз мақолада, асосан, Туркистон генерал-губернаторлиги давридаги маълумотлардан фойдаландик. Шунини айтиш керакки, мадрасалар хонлик даврида ташкил бўлгани ва улар барпо этилиши билан вақф мулки таъсис этилганини ҳисобга олсак, 10–15 йил ичида мадрасалар, вақф мулклари тўғрисидаги маълумотларда деярли ўзгариш бўлмаган.

Хулоса қилиб айтсак, Қўқон хонлиги мадрасаларининг ўзига хос томони шуки, Қўқон шаҳри хонлигининг пойтахти бўлгани учун бунёд этилган мадрасалар йирик, улугвор, ҳашаматли ва шунга яраша вақф мулклари ҳам кўп бўлган. Бундай катта ва кўп вақфга эга бўлган мадрасалар, асосан, хонлар, хон оила аъзолари, хон саройи хизматчилари, бадавлат мулкдорлар томонидан қурдирилган ва уларга катта миқдорда вақф мулки эҳсон қилинган. Мадрасалар фаолиятида, давлат ва жамият учун юқори малакали кадрлар тайёрлашда вақф мулклари муҳим омил ҳисобланган. Вақф мулклари мадрасаларнинг асосий моддий базасидир. Вақф мулкидан тушган даромаддан мударрисларга ва бошқа хизматчиларга маош, мулаларга нафақа берилган, мадраса биноси таъмирланган, бошқа хўжалик ишлари бажарилган. Вақф даромади кўп бўлган мадрасаларда дарслар сифати ҳам юқори бўлган. Қўқон мадрасаларида юқори малакали мударрислар дарс берган. Шунинг учун Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш мадрасаларини битирган муллалар Қўқон мадрасаларида қайта ўқиб малака оширган.

Қўқон мулки мадрасалари хонлик маданиятини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Мадрасаларда диний билимлар билан бирга дунёвий билимлар ҳам ўргатилган. Мадрасаларни битирган билимдон кадрлар Қўқон хонлиги ташкилотларида иш юритувчи, мирза лавозимларида, масжид, мадрасаларда имом, мударрис бўлиб хизмат қилган. Мадрасалар талабаларидан олимлар, шоирлар, адиблар етишиб чиққан. Мадрасалар хонлик жамияти тараккиётида, маданий ҳаётининг ривожидида муҳим ўрин тутган.

⁹³ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р, 328-й., 62–64-в.

1.2-§. Қорихона ва мактаблар

Кўқон шаҳри хонликнинг пойтахти бўлганлиги учун бу шаҳарда хон амалдорлари, йирик мулкдорлар, тадбиркорлар, руҳонийлар кўп бўлган. Уларнинг имконияти борлиги сабабли Худо йўлида камбағал мусулмонлар фойдаланиши учун масжид, мадраса, қорихона, мактаблар бунёд этиб мусулмон руҳонийлари жамоаларига вақф қилиб топширган. Кўқон шаҳри ва агрофидаги қишлоқларда мусулмон диний ўқув юртлари қаторида йирик мулкдорлар томонидан кўплаб қорихоналар ҳам барпо этилган. Бу ўқув юртлари мўминлар фойдаланиши учун Худо йўлида ҳадя қилиб берган ва фаолиятини юритиш учун етарли миқдорда вақф мулклари ҳам васият қилган.

Россия империяси Кўқон хонлигини босиб олганидан кейин мусулмон диний ташкилотларининг вақф ерларини тортиб олиш режасини ишлаб чиққан. Бу ишда шарқшунос мутахассислар яқиндан ёрдам берган. Шариат қоидалари бўйича вақф мулкларини диний ташкилотларга бириктириб, унинг даромадидан фойдаланиш ҳуқуқини қонуний қилиб берувчи вақфномани маҳаллий қози имзолаганидан, яъни мухрини босгандан кейин қонуний кучга эга бўлган. Буни яхши билган шарқшунослар Россия империяси ҳукуматига вақфномаларда хон ва амирлар мухри борлари қонуний ҳисоблашни, фақат қозилар мухри борлари ноқонуний ҳисоблашни шу йўл билан хон ва амирлар мухри йўқ вақфномали диний ташкилотлар вақф ерларини мусодара қилиб олиш йўлини таклиф қилишган. Россия империяси ҳукумати бу таклифни қабул қилиб, расмий қонуний ҳужжат эълон қилган.

Туркистон генерал-губернатори 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”даги вақфга оид моддаларга асосланиб вақфномаларни текшириш тўғрисидаги кўрсатмаларни амалга ошириш мақсадида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилган. “Туркистон ўлкасини ер-солиқ тизими тўғрисидаги қоидалар”нинг 6-моддасига, асосан, 6 ой муддат ичида вақфномаларни вилоят бошқармасига текшириш учун топшириши шарт қилиб қўйилган, топширилмаган вақфномалар ноқонуний ҳисобланиб, бекор қилинади, дейилган. Шу қоидага биноан кўпчилик диний ташкилотлар, жумладан, Кўқон мулки қорихоналари ҳам вақфномаларини топширган. Кўқон қорихоналари рўйхати, Фарғона вилояти бошқармасига топширилган мусулмон диний ташкилотлари вақфномалари рўйхати Марказий давлат ар-

хивида сақланиб қолган. Шу рўйхатдаги маълумотга қараганда Қўқон мулкида 33 та қорихона вақфномаларини топширган. Ҳар бир қорихонани биттадан бештагача вақфномаси бўлган. Айрим вақфномаларда қози мухридан ташқари хон мухри ҳам босилган. Барча вақфномалар асл нусха, ҳақиқий, расмийлаштирилган ҳужжат бўлган. 1887 йилда Фарғона вилояти бошқармасига вақфномаларини топширган мусулмон диний ташкилотлар рўйхатида қуйидаги қорихоналар қайд қилинган:

1. Абдуҳолиқ қори қорихонаси; 2. Азимбой кушбеги маҳалласидаги қорихона; 3. Бойбўта маҳалласидаги қорихона; 4. Валихон Ҳожи Шайх ул-ислом қорихонаси; 5. Калвак маҳалласидаги қорихона; 6. Мақсудбой қорихонаси; 7. Мирза Тўхта маҳалласидаги қорихона; 8. Мулла Шо Азим Халфа қорихонаси; 9. Порсабоф маҳалласидаги қорихона; 10. Соҳибзода эшон мадрасаси қошидаги қорихона; 11. Султон Муродбек қорихонаси; 12. Холназар парвоначи қорихонаси; 13. Ҳособоф маҳалласидаги қорихона; 14. Чор Рок маҳалласидаги қорихона; 15. Болтақул кишлоғидаги қорихона; 16. Эшон домулла Мирзоқир қорихонаси; 17. Мир Муҳаммад Амин эшон мазори қошидаги қорихона; 18. Қорихона (номи кўрсатилмаган); 19. Казокон маҳалласидаги қорихона; 20. Кун Қозиён маҳалласидаги қорихона; 21. Қорихона (номи кўрсатилмаган); 22. Сарғуӣ деган жойдаги қорихона; 23. Сўфи Мир Кургон қорихонаси; 24. Ферузабо маҳалласидаги қорихона; 25. Ҳасан Шайх Ота мазори қошидаги қорихона; 26. Қора Кул Калон кишлоғидаги қорихона; 27. Кулолон мерган маҳалласидаги қорихона; 28. Қорихона (номи кўрсатилмаган); 29. Қорихона (номи кўрсатилмаган); 30. Қорихона (номи кўрсатилмаган); 31. Қорихона ва масжид (номи кўрсатилмаган); 32. Қорихона (номи кўрсатилмаган); 33. Қорихона (номи кўрсатилмаган).

Айрим узрли сабабларга қўра баъзи қорихоналар 1887 йилда эмас кейинги йилларда вақфномаларини топшириш ҳоллари бўлган. Вақфнома топширган мусулмон диний ташкилотларни кейинги йилларда тузилган рўйхатлардаги маълумотларга қараганда Қўқон мулкида қорихоналар 33 тадан ортнқ бўлганлиги қайд этилган. Шулардан кўпчилиги Қўқон хонлиги даврида бунёд этилганлиги аниқ. Чунки, Россия империяси ҳукумати мусулмон диний ташкилотларига қарши бўлган. Масжид, мадраса қорихона ва бошқа диний ташкилотлар раҳбарлари, руҳонийлар, халқни чоризмга қарши курашга, мустамлака, қарамликдан озод бўлишга даъват этган. Шу сабабдан

Туркистон генерал-губернаторининг рухсатисиз масжид, мадраса қорихона ва бошқа диний ташкилотларга вақф мулки таъсис этиш ман этилган. Туркистон генерал-губернатори бундай ишларга фақат айрим ҳолларда чор ҳукумати манфаати учун зарур бўлгандагина рухсат берган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Туркистонда, жумладан, собиқ Кўқон хонлиги ҳудудида чоризм даврида мадраса қорихона, мактаб ва бошқа диний ташкилотлар кам барпо этилган.

Қорихоналар Кўқон хонлиги ҳудудида ислом дини кириб келганидан кейин пайдо бўла бошлаган. Қадимги қорихоналар вақтлар ўтиши билан шикастланиб, зилзилаларда қулаб, вайрон бўлиб, янгилари бунёд этилган. Кўқон мулкида вужудга келиб, фаолият юритган 30 тага яқин қорихона бўлган. Уларнинг номлари маълум бўлса-да лекин аниқ маълумотлар берадиган ҳужжатлар архив фондларида тўла сақланиб қолмаган. Манбаларни сақланиб қолган айрим қорихоналар ҳақида имконият даражасида батафсил маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Ҳижрий 1279 (милодий 1862) йили Кўқон шаҳрининг Бойбўта маҳалласида Ҳамрокул эшон Жаркенбой ўғли қорихона қурдирган. У ўқувчиларни қорихонада истиқомат қилиб ўқиши учун барча зарур шароитларни яратиб берган эди. Қорибоши – қориларнинг ўқитувчиси ва ўқувчиларни маблағ билан таъминлаб туриш учун Ҳамрокул эшон ўзининг хусусий мулкидан қорихона эҳтиёжини қоплайдиган миқдорда экин экиладиган ер участкаси вақф қилиб берган. Вақф ерининг миқдори ҳужжатда кўрсатилмаган. Вақфномада қуйидаги маълумот берилган: “Кўқон шаҳрининг Бойбўта маҳалласида бир қорихона бор, у ғарб, жануб ва шимол томондан Ҳамрокул эшон ўғли мулки, шарқда катта ариқ билан, жануб ва шимолда Ҳамрокул мулки, шарқда кўча билан чегарадош”²⁴.

Ҳамрокул эшон Жаркенбой ўғли вақфномада кўрсатилган сугориладиган ерининг бир қисмини ўзини номидаги қорихонага вақф қилиб берган. Шунингдек, қорихонага вақфномада кўрсатилган ҳовли жойини ҳам вақф қилиб берган. Бу жойга Ҳамрокул эшон вафот этганидан кейин ўзи, авлодлари ва бошқа мусулмонларни кўмишни васият қилган.

Вақфномада вақф мулки эҳсон қилувчининг шартига кўра қорихона вақф мулкни бошқаришга мутавалли қилиб, мулк вақф қилувчининг ўзи тайинланган, вафотидан кейин эса унинг авлоди-

²⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34538-й., 1-в.

дан мутавалли тайинлаш белгилаб кўйилган⁹⁵. Мутавалли вақф ери-ни ижарага бериб, тушган даромаддан қорихона биносини таъмир-лаб турган, қорибошига мойна ва ўқувчиларга нафақа (стипендия) бериб, қорихона фаолиятини юритган.

Марғилон вилояти хокими, Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек Қўқон шахрининг Қадамжой маҳалласида энг йи-рик қорихоналардан бирини бунёд этган. Қорихона қошида 67 та ўқувчилар истиқомат қиладиган хужралар ва битта мактабхона курдирган. Хижрий 1283 (милодий 1866) йили қуриб биткизилган қорихонага Худоёрхон иштирокида Султон Муродбек хужжатда кўр-сатилган ҳар хил мулкларни ўзининг шахсий мулкидан қорихонага вақф қилиб берганлигини айтган⁹⁶.

Саид Муллабек Султон Муродбек ўглининг Фаргона вилоя-ти бошқармаси ер-солиқ бўлими бошлиғига ёзилган аризасида қорихона ҳақида қуйидаги маълумотлар келтирилган. Қорихона Қўқон шахрининг Чимлик Азизлар ва Қадамжой деган маҳалласида қурилган. У Ўрдадаги Хонарик сувидан фойдаланади. Қорихона мутаваллилари қўқонлик Саид Мурод Махзум Аъло Хўжа эшон ўгли, Абдулахад Махзум Мулла Абдуқаюм ўгли, хўжа ўгли Мулла Ғози Уста Муҳаммад Шариф ўгли бўлган. Қуйидаги вақф мулклар қорихонага қарашли бўлган.

1. Қўқон шаҳридаги сарой (закоатхона), унинг ғарб томонида жойлашган мактабга тегишли 20 та дўкон, саройнинг жануб томо-нидаги қорихонага тегишли 18 та дўкон.

2. Қўрғон Мерган деган жойдаги Шолипоя.

3. Ганжиравон деган жойдаги Шолипоя.

4. Нау Баҳор деган жойдаги ер участкаси.

5. Султонобод деган жойдаги ер участкаси.

6. Бекобод деган жойдаги ер участкаси⁹⁷.

Бу қужжатда вақф мулки ҳисобланган дўконларнинг даромади, вақф ерлари миқдори кўрсатилмаган. 1892 йил 1-декабрдаги Қўқон уезди бошлиғининг Фаргона вилояти бошқармаси ер-солиқ бўлин-масига ёзган рапортида нисбатан аниқ маълумотлар берилган.

Қўқон уезди бошлиғининг рапортида Султон Муродбек қорихонаси қуйидаги вақф мулклари даромади ҳисобидан фаолият юритаётганлиги қайд қилинган.

⁹⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34538-й., 1-в.

⁹⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34538-й., 20-в.

⁹⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34466-й., 24-в.

1. Ганжиравон қишлоғидаги 6 чакса шоли экиладиган шолипоя.
2. Ганжиравон волостининг Жида қишлоғидаги шундай шолипоя.
3. Ганжиравон қишлоғидаги 5 таноб экин экиладиган ер участкаси.
4. Қайнар волостининг Қурбон Мерган қишлоғидаги 6 чарак уруг экиладиган шоли поя.
5. Қўқон шаҳридаги закот сарой 36 та дўконлар билан.
6. Марғилон уездининг Янги Чекли, Тўнқайма ва Каллачиқди қишлоқларидаги 2000 таноб ер участкаси⁹⁸.

Султон Муродбек қорихонасининг мутаваллисини сайлашга бағишланган 1894 йил 19 январь, 9 февралдаги ҳужжатда қорихонага тегишли юқоридагиларга қўшимча янги маълумотлар келтирилган. Бу ҳужжатда ёзилишича, “Қўқон уезидаги Қурган Мерган Ганжиравон қишлоқларидаги 50 таноб, Султонобод, Бекобод қишлоқларидаги, тахминан, 200 таноб вақф ерларидан, Қўқон шаҳридаги катта бозордаги ҳозирда закот бошқармаси жойлашган битта сарой, унинг ёнидаги 37 та дўкондан даромад олинади. Мутавалли Султон Муродбек авлодларидан бўлиши керак.

Йиллик вақф даромади 773 тиллага етади. Бу даромад вақфномага асосан, олдин дўконни тамирлашига сарфланади, кейин даромадни 1\10 қисми мутаввалига ажратилган, қолгани 18 қисмга бўлиниб, 2\18 қисми қорибошига, 1\18 қисми 2 та фаррошга ва битта сартарошга, 15\18 қисми ўқувчиларга бўлиб берилган⁹⁹. Шу ҳужжатда кўрсатилишича, қорихонада 80 нафар ўқувчилар ўқишган уларга катта қорйбоши сабоқ берган. Қорихонанинг вақф мулклари ва даромади кўп бўлганлиги учун 4 нафар мутаввали хизмат қилган¹⁰⁰. Юқорида келтирилган ҳужжатдан парчада Султон Муродбек қорихонасининг йиллик вақф даромади 773 тиллани ташкил қилиши кўрсатиб ўтилган. Ўша даврларда Туркистонда бир тилла 4, 4,5 рубльга тенг бўлган. XIX асрнинг 80–90-йилларида бир тиллага ўртача битта қўй берган. Бу далиллар қорихонанинг сарф харажатлари ҳам шунга яраша вақф даромадлари ҳам кўп бўлганлигини кўрсатади. Султон Муродбек қорихонаси вақф мулклари тўғрисидаги манбалардаги маълумотлар бир-биридан қисман фарқ қилади, айниқса, Марғилон уезидаги Султонобод ва Бекобод

⁹⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34466-й., 30-в.

⁹⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 13532-й., 3-в.

¹⁰⁰ Ўша жойда.

1-БОБ. Қўқон мулкининг мадраса, қорихона ва мактаблари

қишлоқларидаги вақф ерлари 200 таноб Марғилон уездининг янги чекли Тўнқайма ва Каллачиқди қишлоқларидаги вақф ерлар 2000 таноб деб кўрсатилгани ўқувчида шубҳа уйғотиши мумкин. Бу далиллар ҳар хил қишлоқларда эканлигини ҳисобга олиб манбалардаги рақамларга шубҳа қилмасдан, ишонса бўлади. Хулоса қилиб айтиш керакки, Қўқон шаҳрида Султон Муродбек қорихонаси энг катта қорихона бўлган. Унинг қорилар яшаши мўлжалланган 67 та хужрасида 80 нафар ва ундан ҳам кўпроқ ўқувчилар ўқиши мумкин эди. Битта хужрада 2 нафар талаба яшаши мумкинлигини ҳисобга олинса, қорихонада 134 нафар муллалар ўқиши мумкин бўлади. Қорихона шунча кўп бола ўқишига мўлжалланган катта ўқув юрти эди. Султон Муродбек Қўқон хонлигидаги Худоёрхондан кейинги энг бой, йирик мулкдорлардан бири бўлган. Шунинг учун у йирик қорихона қурдириб, унга катта миқдордаги мулкни вақф қилиб берган. Вақф мулкидан келган даромад қорихона эҳтиёжини тўла қоплаган. Қорихона моддий базасининг мустаҳкамлиги, қорибоши, мутаваллилар моятаси, ўқувчилар нафақаси вақф даромадидан юқори даражада берилганлиги каби омиллар ўқув ишларини яхши йўлга қўйишга ҳамда юқори малакали мутахассислар етиштиришга хизмат қилган.

Ҳижрий 1292 (милодий 1875) йилда хон саройининг амалдорларидан бири Хол Назар Парвоначи Қўқон шаҳрининг Исфара Дарвоза маҳалласида Худоёрхон таклифи билан қорихона бунёд этган. Қорихона биносидан ташқари 3 та хужра, битта дархона, битта мактабхона ҳам қурилган эди. Қорихонада 13 нафар ўғил болалар қорибошидан сабоқ олган. Булардан ташқари 2 нафар қориларга қорихона хужраларидан ўрин берган эди. Улар ўқувчиларга Қуръонни ёдлашга ёрдамлашишарди ва ўзлари ҳам Қуръонни ўқишар эди.

Хол Назар Парвоначи қорихона ободончилигини таъминлаш ва ўқув ишларини яхши йўлга қўйиш учун қорихонани қуриб битказганидан кейин унга ҳижрий 1292 йили Булоқбоши қишлоғидаги Чим Кудук деган жойда 4 та ер участкаси ва Қора Янтоқ деган жойда яна 4 та ер участкасини вақф қилиб берган. Бундан ташқари ҳижрий 1292 йили Хол Назар Парвоначи ўзининг номидаги қорихонага 200 тилло пул ҳам вақф қилиб берган. Қорихона моддий жиҳатдан яхши таъминланган.

Бу мулкларни қорихонага вақф қилиб ҳаля қилинганлиги ҳақида Хол Назар парвоначи маҳаллий қозинга вақфнома туздирган.

Вақфномага қозидан ташқари Пулатхон ва Насриддинхон ҳижрий 1292 йил ёзилган муҳрларини босиб, унинг қонуний эканлигини тасдиқлаган¹⁰¹.

Қўқон мулкида хонликнинг пойтахти Қўқон шаҳри мусулмон диний ташкилотлар маркази бўлганлиги, юқори малакали билимдон рухонийлар, дин арбоблари кўп бўлганлиги учун халқ орасида ислом динига эътиқод кучли бўлган. Шу туфайли мусулмончиликка, ислом дини қонда тартибларига, урф-одат ва маросимларни ўтказилишига эҳтиёж баланд бўлган. Бу диний маросимлар фуқаролар иштирокида ўтган. Қорилар ўлим билан боғлиқ диний маросимларни мусулмонлар ташкил қилган худойи, маърака, эҳсонларни ўтказишда, Рамазон ойида кечалари, хуфтон намозидан кейин масжидларда ўтказиладиган таровиҳ намозида 30 пора Қуръон ўқигани бошқа урф-одат ва маросимларни амалга оширишда қорилар Қуръон оятларини кироат билан ўқишган. Шунинг учун қориларга талаб кўп бўлган. Қорилар тайёрлайдиган мактаблар – қорихоналар мусулмон мамлакатларида, жумладан, Ўрта Осиёда кўп бўлган. Қорихоналар одатда масжид, мадрасалар, мазорлар ёнида ташкил қилинган. Қорихонага эски мактабни битирган, 10 ёшдан катта болалар қабул қилинган, қорибоши – қорихона ўқитувчиси ўқувчиларга Қуръонни ёдлатиш билан бирга оятларни тажвид қондаларига риоя қилган ҳолда, ўзига хос оҳангда ўқишни ҳам ўргатган. Қорихонада болалар 4–5 йил ўқиган. Қорихонани битирган қорилар масжид, мадарасаларда, қори, мазорларда шайх лавозимида хизмат қилган.

Қўқон мулкида, бошқа бекликларда бўлганидек, барча ёш болалар мактабга жалб қилинган. “Илм ўрганиш ҳар бир мўмин мусулмон учун фарздир” Ҳадисига амал қилиб, дин пешволари ота-оналардан болаларини мактабда ўқитишни талаб қилганлар, масжидлар қошида мактаблар очиб, ёшларни ўқитганлар, имконияти бор мулкдорларга мактаб очиб болаларни ўқитиш савоб иш, деб ташвиқот қилгаялар. Халқ орасида эса мусулмон рухонийларининг обрўси баланд ва таъсири кучли эди. Шу сабабли Қўқон хонлигида, жумладан, Қўқон беклигида мактаб, қорихона, мадрасалар кўп бўлган.

1878 йил февралда Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгач, бу ҳудудда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида мусулмон рухонийларига қарши зимдан кураш бошлади. Туркистондаги рус маъмурларининг нуқтан назари бўйича мустамлақачиларга

¹⁰¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., I-р., 34384-й., 10, 30-в.

қарши турган асосий кучлардан бири мусулмон руҳонийлари эди. Туркистон генерал-губернатори мусулмон диний ташкилотлари фаолиятини қатъий назорат қилиш чора-тадбирларини кўрган. 1880 йил 14 февралда Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман вилоят ҳарбий губернаторларига, жумладан, Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ҳам махсус фармойиш юбориб, уезд бошлиқларидан ҳар йили 1 январга қадар Туркистон ўлкаси ўқув юртлири бошқармасига шаҳар ва уезддаги ислом ўқув юртлири — мактаб, қорихона, мадрасалар ҳақида маълумот жўнатишни талаб қилган¹⁰².

Мазкур топшириққа биноан, Қўқон хонлиги ҳудудидаги мактаблар, қорихоналар, мадрасалар рўйхатга олинган ва бу маълумотлар Туркистон ўлкаси ўқув юртлири бошқармасига ва нусхаси ахборот учун Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилган. Бу ҳужжатлар юқорида номлари тилга олинган ташкилотлар архив фондларида сақланган. Ушбу ҳужжатларнинг муҳимлиги шундаки, Қўқон хонлиги даврида хонлиқдаги ўқув юртлири рўйхатга олинмаган. Қўқон хонлари архивида фақат айрим мадрасалар вақф мулкларини хирож ва танобона солиқларидан озод қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар сақланиб қолган. Шунинг хисобга олганда, Фарғона вилояти уезд бошлиқлари тайёрлаган мактаб, қорихона, мадрасалар рўйхатлари Қўқон хонлиги маданиятини, ундаги мактаб, қорихона, мадрасалар ролини ёритишда муҳим манба хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг И-19-рақамли Фарғона вилояти бошқармаси архив фондида сақланаётган Қўқон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган “Қўқон уездининг мактаблар тўғрисида ахборот”ида 1888 йилда уездда мавжуд бўлган мактаб ва мадрасалар ҳақида маълумот берилган. Жадвалда мактабларнинг манзили, ўқитувчи ва ўқувчилар сони, ўқув юртининг вақф мулки миқдори, ундан келадиган даромадлар, ўқув юртига жамоат томонидан берилган ёрдам миқдори, ота-оналарнинг фарзандларини ўқитиш учун тўлаган тўлов ҳақи миқдори ва бошқа зарур изоҳлар келтирилган. Қўқон уезди ўқув юртлири ҳақидаги ахборотда мактаб ва мадрасалар номи, ташкил қилинган йили кўрсатилмаган. Андижон, Наманган ўқув юртлири жадвалида уларнинг номи ва ташкил қилинган йили берилган. Жадвалдаги маълумотларнинг гувоҳлик беришича, Андижон, Намангандаги дастлабки ислом ўқув юрт-

¹⁰² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 15–16-в.

лари XIII асрда ташкил бўлган. Шундан келиб чиқилса, Кўқон шаҳри ва унинг атрофидаги кишлоқлардаги мактаб ва мадрасалар ҳам XIII–XIX асрларда бунёд этилган бўлиши мумкин. Аслида, мусулмон мактаб ва мадрасалари Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши билан – VIII асрдан бошлаб пайдо бўла бошлаган. Лекин бу дастлабки ўқув юрглари рус маъмурлари томонидан рўйхатга олинган даврда, яъни XIX асрнинг 80-йилларигача етиб келмай, бузилиб кетган бўлиши мумкин.

Шу ўринда “1888 йилда тузилган рўйхатдаги мактаб мадрасаларнинг барчаси Кўқон хонлиги даврида ташкил қилинганми ёки уларнинг ичида хонлик тугатилганидан кейин, 1876–1888 йилларда бунёд этилганлари ҳам борми?” деган савол туғилиши табиий. Юқорида айтилганидек, империя ҳукумати ва унинг Туркистондаги маъмурлари ислом диний ташкилотларига умуман қарши бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу даврда мактаб ва мадрасалар ташкил қилинган бўлса ҳам, улар жуда чекланган даражада бўлган. Демак, жадвалда кўрсатилган мактабларнинг асосий қисми Кўқон хонлиги даврида ташкил қилинган.

Кўқон уезди бошлиғининг ахборотида 1888 йилда Кўқон шаҳри ва уездида 51 мадраса, 260 та мактаб фаолият олиб борганлиги қайд этилган¹⁰³. Андижон ва Наманган уездлари рўйхатларидаги мактабларнинг асосий қисми, яъни учдан икки қисми XIX аср Кўқон хонлиги даврига тўғри келганлигини ҳисобга олиб, Кўқон уездидаги мактабларнинг ҳам, тахминан, учдан икки қисми шу даврда ташкил қилинган, учдан бир қисми ундан олдин, тахминан, XVI–XVIII асрларда бунёд этилган деб ишонч билан айтиш мумкин. Бу маълумотлардан Кўқон мулки мактаблари тарихини ўрганишда фойдаланса бўлади, деб ҳисоблаймиз. Рўйхатда 260 та мактабда 262 нафар ўқитувчи дарс бераётгани, 3096 нафар ўқувчи таълим олаётгани кўрсатилган.

Кўқон шаҳри атрофидаги Бачқир участкасининг Найман волости Али-Мерган кишлоғидаги мактабда 8 нафар бола ўқиган, 2 нафар ўқитувчи уларга навбатма-навбат дарс берган¹⁰⁴. Кўқон шаҳри Маргилон аминлигининг Навбахор маҳалласидаги мактабда 21 нафар бола ўқиган, 2 нафар ўқитувчи сабоқ берган. Мактабларда, одатда бир нафар домудла дарс берган. Мактабларнинг қўлчилигида ўқувчилар сони 4–5 нафардан 20 нафаргача бўлган. Масалан,

¹⁰³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 4-27-в.

¹⁰⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 18-в.

1-БОБ. Қўқон мулкининг мадраса, қорихона ва мактаблари

Қўқон шаҳри атрофидаги Бачкир участкасининг Қилчок волости Қияли, Турк, Тантиқ қишлоқларидаги мактабларда 4 нафардан бола ўқиган. Қум, Тумор қишлоқлари мактабларида 5 нафардан ўқувчи, Шўр, Абдусамат қишлоқлари мактабларида 6 нафардан, Капа қишлоғидаги мактабда 7 нафар, Катта Каламуш қишлоғидаги мактабда 8 нафар. Яшиқ, Бойвачча қишлоқларидаги мактабларда 10 нафардан бола ўқиган¹⁰⁵.

Ултарма волостининг Жўйрак қишлоғидаги мактабда 13 нафар, Оқ Чангал қишлоғидаги мактабда 15 нафар, Хитой, Чангарлик, Хўжа, Бекбачча қишлоқларидаги мактабларда 20 нафардан бола сабоқ олган¹⁰⁶. 21—40 нафар ва ундан ортиқ ўқувчилар ўқиган мактаблар кам бўлган. Улар Қўқон уезди мактаблари ичида фақат 28 тани ташкил қилган. Масалан, Ултарма волостининг Қўштегирмон қишлоғидаги мактабда 30 нафар ўқувчига 1 нафар ўқитувчи дарс берган. Риштон волостининг Риштон қишлоғидаги 2 та мактабда ва Тўда қишлоғидаги мактабда 30 нафардан бола ўқиган, Каптут қишлоғидаги мактабда эса 32 нафар ўқувчи таҳсил олган¹⁰⁷.

Исфара волостининг Чилғози, Сур қишлоқлари мактабларида 40 нафардан, Вўрук, Катта Чорку қишлоқлари мактабларида эса 41 нафардан бола ўқиган ва 1 нафардан ўқитувчи дарс берган¹⁰⁸.

Вақф мулкига эга мактаблар вақф даромадидан фойдаланиб ўз фаолиятини юритган, уларда маҳалла жамоаси, мактаб ўқувчиларининг ота-оналари ёрдамига деярли зарурат бўлмаган. Вақф мулки йўқ мактаблар эса сарф-харажатларни маҳалла жамоасининг моддий ёрдами, эҳсон қилиб берилган маблағлар, ота-оналар болаларини ўқитиш учун тўлаган маблағлар ҳисобига қоплаган. Мактаб жойлашган маҳалла жамоаси уни таъмирлаш, жиҳозлаш ишларига ёрдам қилган. Маҳалла аҳли мактабга кўрсатадиган ёрдамнинг ота-оналар болаларини ўқитгани учун тўлайдиган меҳнат ҳақининг қатъий меъёри бўлмаган. Ҳар ким имкониятига қараб пул ёки ғалла берган. Масалан, Ултарма волостининг Олчин қишлоғидаги мактаб домулласига болаларини ўқитгани учун ҳар ким толганини берган, Мозор қишлоғидаги мактаб домулласига эса ота-оналар ҳар бир бола учун бир йилда 2 чакса ғалла, Таудак қишлоғидаги мактабга 3 чаксадан, Хитой қишлоғидаги мактабга

¹⁰⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 14-в.

¹⁰⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 17-в.

¹⁰⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 20-в.

¹⁰⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 22-в.

■ Кўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

1 чаксадан, Чангармек қишлоғидаги мактабга 2 чаксадан, Хўжа қишлоғидаги мактабга 3 чаксадан, Шўр қишлоғидаги мактабга 3 чаксадан ғалла берганлар¹⁰⁹.

Кўқон уездининг Сўх волости Равот, Сариканда қишлоқлари мактабларининг вақф мулки бўлмаган, ота-оналарнинг ҳар бири болаларини ўқитгани учун ўқитувчига 4 чаксадан буғдой берган¹¹⁰. Бешариқ волостининг 5 та мактаби, Маҳрам волостининг 7 та мактабининг вақф даромади йўқлиги учун ота-оналар ўқитувчиларга 1–1,5 пуддан буғдой берган¹¹¹.

Ота-окалар домуллага болаларини ўқитганлиги учун меҳнат ҳақини пул билан ҳам тўлашган. Масалан, Риштон волостининг Бурбалиқ қишлоғидаги мактаб домулласига ота-оналар ҳар бир ўқувчи учун 1 рубльдан, шу қишлоқдаги иккинчи мактабга эса 80 копеекдан, Пандигон, Риштон қишлоқларидаги мактабларга 50 копеекдан, Пандигон, Оқ-Ир қишлоқларидаги мактабларга 60 копеекдан тўлаганлар¹¹².

Мактабларга маҳалла аҳли ҳам пул ёки ғалла билан ёрдам қилган. Риштон волостининг Жиганобод, Авазбек қишлоқларидаги мактабларга қишлоқ жамоаси ҳар бирига 20 рубльдан, Пандигон қишлоғидаги мактабга 14 рубль, Кашкарят қишлоғидаги мактабга 15 рубль 20 копеек, Якка Қайроғоч қишлоғидаги мактабга 16 рубль ва Дутор қишлоғидаги мактабга 7 чорак ғалла билан ёрдам қилган¹¹³. Ултарма волости Сочқан қишлоғидаги мактабга қишлоқ жамоаси 10 чорак ғалла, Санам, Собиржон қишлоқларидаги мактабларга бир йилда 24 рубльдан, Шилдир, Чанкент қишлоқларидаги мактабларга 20 рубльдан пул йиғиб берган¹¹⁴.

Одатда, масжидлар қошида ҳам мактаблар бўлган. Бу мактабларда кўп ҳолларда болаларга масжид имоми ёки муаззини таълим берган. Улар масжид вақфи даромадидан ҳақ олганлари учун мактабдан ҳақ олмаганлар. Масалан, Янгиқўрғон волостининг Тол, Шейхон, Хонобод, Бардон қишлоқларидаги мактабларда ўқитувчи имом бўлган ва ота-оналардан ҳақ олмасдан болаларни бепул ўқитган¹¹⁵.

¹⁰⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 20-в.

¹¹⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 18–19-в.

¹¹¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 24–25-в.

¹¹² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 22–23-в.

¹¹³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 23-в.

¹¹⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 16–17-в.

¹¹⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 21–22-в.

1-БОБ. Қўқон мулкининг мадраса, қорихона ва мактаблари

Диний ташкилотларга – масжид, мадраса, қорихона, хонакоҳ, даҳма, шу жумладан, мактабларга ҳам катта ер эгалари, тадбиркорлар, ўзига тўқ хўжаликлар ихтиёрий равишда эҳсон қилиб, пул, ғалла берган. Ислом динида эҳсон қилиш савоб иш ҳисобланган. Қуръони Каримнинг Бақара, Оли Имрон, Нисо ва бошқа сураларида эҳсон, садақа қилган инсон жаннати бўлади, деган фикр аниқ айтилган. Қуръонда яна Сизлар Аллоҳга эҳсон қилсангиз, у Сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур, деб кўрсатиб ўтилган¹¹⁶. Шунинг учун диний ташкилотларга эҳсон қилиш ўзбекларда кенг тарқалган. Вақф мулкя йўқ мактабларга мол-мулкя зиёда бўлган кишилар ўз ихтиёрлари билан бойлигининг бир қисмини эҳсон қилиб берган. Вақф даромади йўқ мактаблар мана шу эҳсон пули ҳисобидан барча харажатларини – ўқитувчига ҳақ тўлаш, мактаб биносини таъмирлашни қоплаган. Жамоанинг мактабга ёрдам беришига, ота-оналарнинг домуллага ҳақ тўлашига зарурат қолмаган. Масалан, Қўқон шаҳри Катағон аминлигининг Сари Ботир, Худойкул Баҳодир, Саидқулбек, Мулла Бошман, Ислом Мирза, Ўтаб Бақовул, Азим Қушбеги, Ҳайдарқул Сўфи, Шайтон, Ҳасабоб бола, Мулла Худоев. Исфарагузар маҳаллаларидаги, Хўжанд аминлигининг Бешарик, Уста Бозор, Рискулбек, Ҳайдарбек, Бойбачча, Бахмалбоф, Бойбута, Миртасир, Ҳазиячлик, Қуртабой, Ханак, Халча кишлок, Давран, Парпошабоф маҳаллаларидаги мактабларни жиҳозлаш, таъмирлаш учун харажатлар, домуллага болаларни ўқитганлиги учун ҳақ бериш мактабга эҳсон қилинган вақф мулклари даромади ҳисобидан амалга оширилган¹¹⁷.

Аравон волостининг Аравон, Қашқар, Минглар, Барзанчи, Янги, Розияхлик, Чадлик, Пикарон кишлокларидаги вақф даромади йўқ мактаблар харажатлари ихтиёрий қилинган эҳсонлар ҳисобидан тўланган: жамоалар ҳам ёрдам кўрсатмаган, ота-оналар ҳам болаларини ўқитгани учун домуллага ҳақ бермаган.

Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу далиллар мактабларни билим, тарбия ўчоғи сифатида ўзбек халқи доимо кўллаб-қувватлаб келганидан гувоҳлик беради. Ҳар бир муслим ва муслима илмли бўлиши шарт, деган қоидадан келиб чиқиб, муслимон руҳонийлари халқ орасида мактаб ва мадрасаларни кучайтириш, уларга кўмак, мадад бериш тўғрисида даъват қилишлари туфай-

¹¹⁶ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т.: Тошкент ислом унiversитети нашриёти, 2001. –Б. 2-46.

¹¹⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 16-18-в.

ли мулкдорлар, бой-бадавлат инсонлар мактаблар бунёд этдилар, мавжудларига моддий ёрдам бердилар. Мактабларга эҳсон қилиб қўллаб-қувватлаш кенг тус олди. Эҳсон қилиш савоб иш ҳисобланиб, диний эътиқодга кўра, бу иш учун худонинг марҳаматига сазовор бўлинади. Шунинг учун Қўқон хонлигининг Қўқон мулкида, яъни Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги қишлоқларда бой-бадавлат инсонлар кўмаги билан мактаблар гуриллаб ўсди. Шаҳарнинг барча маҳаллаларида, ҳар бир қишлоқда биттадан, айрим каттароқ маҳалла, қишлоқларда 4–6 тадан мактаблар фаолият юритган. Мавжуд мактабларнинг учдан бир қисмида вақф мулки бор эди. Вақф мулки йўқ мактаблар саховатли бой-бадавлат инсонлар эҳсон қилиб берган маблағлар, маҳалла, қишлоқлар жамоасининг моддий ёрдами ва мактаб ўқувчилари ота-оналарининг болаларини ўқитганлиги учун домуллага берган меҳнат ҳақи ҳисобига ўз фаолиятларини юритган.

Қўқон уезди бошлигининг ахборотидаги муҳим маълумотлардан бири мактабларнинг вақф мулклари ҳақидаги хабаридир. Ахборотда келтирилган 260 та мактабдан фақат 73 та мактабда вақф мулклари бўлган. Қолган мактабларда вақф мулки бўлмаган. Вақф мулкидан тушган даромад мактабни моддий томондан қўллаб-қувватлаб, ўқув-тарбиявий, хўжалик ишларини яхшилашга имкон берган. Шунинг ҳисобга олиб, архивда сақланаётган ахборотдан Қўқон уездидаги вақф мулки мавжуд мактабларни ажратиб, уларнинг алоҳида рўйхатини туздик. Бу рўйхатни қуйида келтирамиз ва таҳлил қиламиз.

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, шаҳар ва қишлоқ мактабларининг вақф мулклари мадрасалариникига нисбатан жуда кам бўлган. Одатда, бир-ўн таноб ер вақф қилинган. Айрим ҳоллардагина бир неча ўн таноб ер вақф қилиб берилган. Бунинг сабаби маълум. Мадрасанинг сарф-харажатлари кўп, мактабларники кам бўлган. Мактабларга хилма-хил даромад келтирадиган мулкларни шаҳар ва қишлоқ мулкдорлари вақф қилиб берган. Асосан, экин экиладиган, суғориладиган ерлар вақф қилинган. Шу билан бирга, шолчи экиладиган майдонлар, боғлар, савдо-саноат корхоналаридан карвонсарой, бозор, дўкон, ҳаммомлар, ҳатто тилла ва рубль пуллар ҳам мактабларга вақф этиб таъсис қилинган.

1-БОБ. Қўқон мулкининг мадраса, қорихона ва мактаблари

1.1-жадвал

XIX аср ва ундан олдинги даврда Қўқон хонлигида вақф мулклари бор мактаблар рўйхати

№	Мактаб хайиш уезди, шаҳар, қишлоқда бўлган михалласи	Мактаблар сони	Ўқувчи сони	Ўқувчи сони	Мактабнинг вақф мулки мадори	Вақф мулкидан тушган даромад
1	Қўқон шаҳри, Қатагон аминлиги, Исфаргазуар михалласи	1	1	15	400 таноб ер	38 рубль.
2	Қўқон шаҳри, Қатагон аминлиги, Бешариқ михалласи	1	1	30	1 та савдо саройи	57 р.
3	Шаҳар атрофи участкаси, Қайнар волости, Қайнар қишлоғи	1	1	10	2 таноб ер	2 р. 80 копеек
4	Шу волость, Қумбосети қишлоғи	1	1	10	Шоли экин майдони	6 р. 40 к.
5	Шу волость, Илёс қишлоғи	1	1	10	Шоли экин майдони	3 р. 20 к.
6	Ганжиравон волости, Катта Ганжиравон қишлоғи	1	1	11	2,5 таноб шоли экин майдони	8 р.
7	Шу волость, Тулабой қишлоғи	1	1	9	30 тилла ўстириш учун берилган	22 р. 80 к.
8	Бачқар участкаси, Сўх волости, Тул қишлоғи	1	1	10	3 таноб ер	Маълум эмас
9	Шу волость, Разини қишлоғи	1	1	13	4 таноб ер	Маълум эмас
10	Шу волость, Хўштар қишлоғи	1	1	22	8 таноб ер	30 р. 40 к.
11	Шу волость, Қўзилқия қишлоғи	1	1	10	19 таноб ер	15 чорак ғалла
12	Шу волость, Юкори Қўрғон қишлоғи қишлоғи	1	1	26	20 таноб ер, Сўхдаги бозор	10 чорак ғалла ва 30 р.

1.1-жадвалнинг давоми

Ўқув хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

13	Найман волости, Найман қишлоғи	1	1	20	3 таноб ер	7 чорак гуруч
14	Шу волость, Жау қишлоғи	1	1	8	4таноб ер	15 р. 20 к.
15	Шу волость, Қўнғирот Поён қишлоғи	1	1	7	3 таноб ер	20 пуд галла
16	Шу волость, Қўнғирот Мана қишлоғи	1	1	7	4 таноб ер	35 пуд галла
17	Шу волость, Қўнғирот Чумбағиш қишлоғи	1	1	6	3 таноб ер	25 пуд галла
18	Шу волость, Али Мерган қишлоғи	1	2	8	4 таноб ер	25 пуд галла, 15 р. 20 к.
19	Шу волость, Окқўрғон қишлоғи	4	4	36	4 таноб ер	145 пуд галла
20	Шу волость, Тепакўрғон қишлоғи	2	2	35	8 таноб ер	26 пуд галла
21	Шу волость, Қангли қишлоғи	2	2	15	8 таноб ер	40 пуд галла
22	Шу волость, Машат қишлоғи	1	1	28	1таноб ер	10 пуд галла
23	Шу волость, Нон эмас қишлоғи	1	1	20	2таноб ер	20 пуд галла
24	Шу волость, Кутучай қишлоғи	1	1	10	4 таноб ер	26 пуд галла
25	Шу волость, Пртак қишлоғи	2	2	30	10 таноб ер	50 пуд гуруч, 25 пуд галла
26	Шу волость, Усмонбек қишлоғи	1	1	5	6 таноб ер	40 пуд галла
27	Шу волость, Чўзма қишлоғи	1	1	10	3таноб ер	11р. 40 к.
28	Шу волость Пртак-Боботбек қишлоғи	2	2	20	3таноб ер	19 р.
29	Шу волость, Бубайда қишлоғи	2	2	20	Доний ҳада қилувчиси бор, 8таноб ер	8 р. Маълум эмас
30	Ултарма волости, Қўптеғирмон қишлоғи	1	1	30	12таноб ер	Маълум эмас
31	Шу волость, Ўрта қишлоғи	1	1	20	2 та дўкон	Маълум эмас
32	Шу волость, Жуйрак қишлоғи	1	1	13	4 таноб ер	Маълум эмас
33	Шу волость, Қогот қишлоғи	1	1	20	2 таноб ер	Маълум эмас

1.1-жадвалнинг давоми

1-БОб, Ўқув мулкнинг мадраса, қорихона ва мактаблари

34	Шу волость, Оқ чангал қишлоғи	1	1	15	5 таноб ер	Маълум эмас
35	Шу волость, Бекбўяча қишлоғи	1	1	20	4 таноб ер	Маълум эмас
36	Задан волости, Қайқар қишлоғи	1	1	10	Қорихона даромалидан	19 р.
37	Шу волость, Амиробод қишлоғи	1	1	10	Қорихона даромалидан	38 р.
38	Шу волость, Задан қишлоғи	1	1	25	Ер майдони	15 р. 20 к.
39	Шу волость, Задан қишлоғи	1	1	15	Ер майдони	11 р. 40 к.
40	Шу волость, Бешкапа қишлоғи	1	1	20	Ер майдони	9 р. 50 к.
41	Янгиқўрғон волости, Янгиқўрғон қишлоғи	1	1	10	1 таноб ер 4 та дўкон	21 р. 80 к.
42	Шу волость, Янгиқўрғон қишлоғи	1	1	15	5 таноб ер	Маълум эмас
43	Шу волость, Янгиқўрғон қишлоғи	1	1	20	5 таноб ер	Маълум эмас
44	Шу волость, Янгиқўрғон қишлоғи	1	1	15	4 таноб ер	Маълум эмас
45	Шу волость, Камар қишлоғи	1	1	16	Масжид вақфидан фойдаланади	22 р 80 к
46	Шу волость, Шўр қишлоғи	1	1	20	2таноб ер	Маълум эмас
47	Шу волость, Бекобод қишлоғи	1	1	26	5таноб ер	Маълум эмас
48	Шу волость, Бачқир қишлоғи	1	1	28	8 таноб ер ва 20 тилла	Маълум эмас
49	Шу волость, Октепа қишлоғи	1	1	15	2 таноб ер	Маълум эмас
50	Риштон волости, Пандигон қишлоғи	1	1	22	8 таноб ер	Маълум эмас
51	Шу волость, Пандигон қишлоғи	1	1	12	6 таноб ер	Маълум эмас
52	Шу волость, Пандигон қишлоғи	1	1	18	4 таноб ер	Маълум эмас
53	Шу волость, Риштон қишлоғи	1	1	18	Ўқитувчи дахма даромалидан фойдаланади	

1.1-жадвалнинг давоми

54	Шу волость, Раштон кishлoғи	1	1	30	5 тaнoб ер	Маълум эмас
55	Шу волость, Раштон кishлoғи	1	1	15	1 тaнoб ер	Маълум эмас
56	Кенaгac волoсти, Катта Кенaгac кishлoғи	1	1	30	5 тaнoб ер	5 чoрaк гaллa
57	Шу волость, Катта Кенaгac кishлoғи	1	1	20	4 тaнoб ер	4 чoрaк гaллa
58	Шу волость, Катта Кенaгac кishлoғи	1	1	18	3 тaнoб ер	3 чoрaк гaллa
59	Шу волость, Кичик Кенaгac кishлoғи	1	1	10	2 тaнoб ер	3 чoрaк гaллa
60	Шу волость, Чўлoқ Қoрaқўм кishлoғи	1	1	10	6 тaнoб ер	6 чoрaк гaллa
61	Шу волость, Кичик Қўштeпa кishлoғи	1	1	10	1 тaнoб ер	3 чoрaк гaллa
62	Шу волость, Янги кishлoғи	1	1	12	1 тaнoб ер	2 чoрaк гaллa
63	Шу волость, Aлмyрoд кishлoғи	1	1	12	2 тaнoб ер	4 чoрaк гaллa
64	Шу волость, Хўжaхoлeтўжa кishлoғи	1	1	20	3 тaнoб ер	7 чoрaк гaллa
65	Шу волость, Кўрбoғи Қaпқaр кishлoғи	1	1	20	4 тaнoб ер	4 чoрaк гaллa
66	Шу волость, Бeрaқи Қaшқaр кishлoғи	1	1	12	2 тaнoб ер	3 чoрaк гaллa
67	Қoнбoлoм yчacткacь, Қyдaш волoсти, Қyдaш кishлoғи	1	1	6	4 тaнoб ер	12 p
68	Жaғжaғ волoсти, Тaғл кishлoғи	1	1	9	70 тaнoб ер	100 p
69	Қoнбoлoм волoсти, Қoнбoлoм кishлoғи, Қўнқaзнли мaхaллacи	1	1	20	10 тaнoб ер вa 2 тa дyкoн	38 p
70	Қoнбoлoм волoсти Қўнқaзнли мaхaллacи	1	1	40	711 pyбль, 6 тaнoб ер	108 p
71	Қoнбoлoм волoсти Дyлaдoн мaхaллacи	1	1	30	3 ¼ тaнoб бoғ 228 pyбль вaқф гyлн бoғ.	38 p
72	Иcфepa волoсти, Қyлқaн кishлoғи	1	1	30	130 pyбль вaқф пyли бoғ	24 p
73	Шу волость, Вoрyқ кishлoғи	1	1	41	3 тaнoб ер вaқф бoғи	19 p

Кўпчилик мактабларнинг вақф мулки сугориладиган экин ерларидан иборат бўлган. Бу ерлар деҳқонларга ижарага берилган. Ижара ҳақи, одатда, етиштирилган ҳосилнинг бешдан икки қисмини ташкил этган. Деҳқон мактабга ижара ҳақини, асосан, етиштирган маҳсулотидан берган. Масалан, шаҳар четидаги Найман волостининг Найман қишлоғидаги мактабнинг 3 таноб вақф ери бўлган. Мактаб бу вақф мулкидан етти чорак шולי даромад қилган. Шу волостининг Жау қишлоғидаги мактаб 4 таноб вақф еридан 15 рубль 20 копеек даромад қилган. Қўнғирот Поён қишлоғидаги мактаб 3 таноб вақф еридан 20 пуд ғалла даромад қилган. Қўнғирот Мана қишлоғидаги мактаб 4 таноб еридан 25 пуд ғалла даромад қилган. Қўнғирот Чумбағнип қишлоғидаги мактаб 3 таноб вақф еридан 25 пуд ғалла даромад олган, Али Мерган қишлоғидаги мактаб 4 таноб вақф еридан 25 пуд ғалла ва 15 рубль 20 копеек даромад олган, Окқўрғон қишлоғидаги 4 та мактаб 20 таноб еридан 145 пуд ғалла даромад қилган¹¹⁸. Айрим мактабларнинг вақф мулки нисбатан катта бўлган. Масалан, шаҳарнинг Конибодом участкаси Жанжал волостининг Таул қишлоғидаги мактабда 9 ўқувчига бир нафар домулла дарс берган. Мактабнинг 70 таноб вақф ери бўлган. Мактаб вақф мулкидан ҳар йили ўртача 100 рубль даромад олган¹¹⁹.

Шаҳарнинг Бачқир участкаси Сўх волостининг Юқори Қўрғон маҳалласидаги мактабнинг ҳам нисбатан катта вақф мулки бўлган. Мактабга шаҳардаги тadbиркорлардан бири 20 таноб ер ва Сўх бозорини вақф қилиб берган. Вақф мулкидан 10 чорак ғалла ва 30 рубль пул даромад қилинган. Мактабда 26 нафар ўқувчига бир нафар домулла дарс берган.

Қўқон шаҳрининг Қатагон аминлиги Бешарик маҳалласидаги мактабнинг вақф мулки карвонсаройдан иборат бўлган. Бу вақф мулки ижарага берилиб, йилда 57 рубль даромад қилинган. Бу мактаб Қатагон аминлигидаги барча вақф мулки бор мактаблар орасида энг кўп даромад олган мактабдир¹²⁰.

Қўқон уездининг Конибодом волости Конибодом қишлоғининг Қўйқазили маҳалласидаги мактаб нисбатан катта бўлган, унда 40 нафар ўқувчи ўқиган, уларга бир нафар домулла дарс берган. Бу мактабнинг бошқа мактабларга нисбатан вақф мулки катта бўлган. Мактабнинг 6 таноб ери, 3 таноб боғи ва 711 рубль вақф пули бўлган. Бу вақф мулкила-

¹¹⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 18-19-в.

¹¹⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 24-25-в.

¹²⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 11-12-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

ридан 1888 йилда 106 рубль даромад қилган. Бу даромаддан 20 рубль мактабни таъмирлашга, 36 рубль ўқувчиларга бўлиб берилган¹²¹.

Шаҳар атрофидаги Ганжиравон волостининг Ганжиравон қишлоғидаги кичкина бир мактабда 11 нафар ўқувчи ўқиган ва бир нафар домумла дарс берган. Мактаб қурилиб ишга тушганда, уни курган тadbиркор 2,5 таноб шoли экиладиган майдонни вақф қилиб берган. Вақф мулкидан ҳар йили ўртача 8 рубль даромад қилинган ва мактаб харажатлари учун сарфланган¹²².

Мактабларга вақф мулки қилиб дўконлар ҳам васият қилинган. Шаҳар атрофидаги Ултарма волостининг Ўрта қишлоғидаги мактабнинг 2 та вақф дўкони бўлган. Дўконлар яхши даромад келтирган. Дўконлар ижарага берилган. Вақф мулкидан тушган даромад мактаб эҳтиёжи учун сарфланган¹²³.

Мактаб, мадрасаларга тилла пул вақф қилиш ҳам урф бўлган. Янгиқўрғон волостининг Бачқир қишлоғида 2 та мактаб бўлган. Бу иккала мактабда 28 нафар ўқувчи ўқиган, уларни 2 нафар домумла ўқитган. Иккала мактабнинг 8 таноб ери ва 20 тилла пули бўлган. Ер вақфкор деҳқонларга ижарага берилган, пулни ўстириш мақсадида фойз ҳисобида фойда олиш шarti билан тadbиркорларга қарзга берилган. Ер ва тилладан келган даромад ўқитувчини маош билан таъминлаш ва мактаб биносини таъмирлашга ишлатилган¹²⁴.

Шаҳар четидаги Ганжиравон волости Тулабой қишлоғидаги мактабда 9 нафар ўқувчи ўқиган. Бир нафар домумла дарс берган. Мактаб қурилганидан сўнг қишлоқ тadbиркорларидан бири 30 тилла эҳсон қилган. Мактаб тиллани кўпайтириб фойдаланиш учун тadbиркорларга қарзга берган. Ҳар йили ўртача 22 рубль даромад қилган ва мактаб харажатлари учун ишлатган¹²⁵.

Юқорида келтирилган Қўқон уезди бошлиғи ҳужжатидаги далиллардан маълум бўладики, Қўқон хонлигининг Қўқон мулки мактабларида ўқув, тарбия ишларини яхши йўлга қўйишда вақф мулки ва даромадининг ўрни катта бўлган. Вақф даромади мактабнинг моддий базаси ҳисобланган. Вақф мулки бор мактабларда мактаб ўқитувчисининг маоши, мактаб биносини таъмирлаш ишлари вақф даромади ҳисобидан амалга оширилган.

¹²¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 25-26-в.

¹²² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 15-16-в.

¹²³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 20-21-в.

¹²⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 21-22-в.

¹²⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 15-16-в.

Мактабларда ўқитувчига болаларни ўқитгани учун ҳақ тўлаш тартиби ҳар хил бўлган. Мактаб ўқитувчисига ҳақ тўлашнинг қатъий белгиланган меъёри бўлмаган. Ўқитувчи маошсиз ҳам қолмаган. Масжид қошидаги мактабларда имом масжид вақфи даромадидан ҳақ олиб, болаларни бепул ўқитган. Ўқитувчига ота-оналар имконият даражасида ғалла, пул совға қилган. Вақф даромадидан, маҳалла жамоаси, тадбиркорлар эҳсонидан мактаб ўқитувчисига маош берилган.

Мактабларнинг моддий томондан қўллаб-қувватланиши натижасида ўқув ишлари, болаларга билим ва тарбия бериш яхши йўлга қўйилган эди. Хонликнинг барча ёшлари мактабда чуқур билим олиши, ёппасига саводхон бўлиши, уларнинг бир қисми мадрасаларда ўқиб, диний ва дунёвий илм асосларини эгаллаши Қўқон хонлиги маданий ҳаётининг юксалишига катта имконият яратган ва муҳим ҳисса қўшган.

Мактаблар Қўқон хонлиги аҳолисининг маънавий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган. Уларда ёшларнинг саводини чиқариш билан бирга маънавий-ахлоқий тарбиясига ҳам катта эътибор қаратилган. Мактабларнинг ўқув дастури буни яққол акс этиради.

Мактабда ўқиш даставвал “Калима-и-шаҳодат”ни ёд олишдан бошланган. Сўнг араб алифбосини ёд олишга ўтилган. Мактабларда ўқиладиган дастлабки китоб “Ҳафтияк” бўлган. “Ҳафтияк” Куръови Каримнинг еттидан бир қисми деган маънони билдирган. Шундан кейин форс тилида ёзилган “Чор китоб”ни ўқиш бошланган. Китоблар ёдлаб ўқилган. Бу китоблар ўқувчиларни ислом дини асослари билан таништирган. “Ҳафтияк”, “Чор китоб” ўқиб ўзлаштирилганидан сўнг ўқувчиларга ёзиш ўргатилган. Дастлаб алоҳида арабча ҳарфлар ёзиш, кейинчалик сўзлар, ғаллар ёзиш ўргатилган.

Ўқувчиларга бадий асарларни ўқиш ҳам ўргатилган. Улар Сўфи Оллоёр, Хўжа Ҳофиз, Фузулий, Навоий, Бедил каби классик адабиёт намоянадалари асарларини ўқиганлар. Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-оҷизин” асарида ўқувчиларга ўзгалар кўнглини оғритмаслик, мол-давлатга ружу қўймаслик, такаббур ва зўравон бўлмаслик каби одоб-ахлоқ қондалари тушунтирилган. Бедил асарларида камтарлик, сахийлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик каби яхши фазилатлар тарғиб этилган ва ёмон хулқлар қораланган. Яна мактабларда Саъдий Шерозийнинг “Раҳимо” китоби, Қори Низомиддин ибн Мулла Ҳусайннинг “Илми ахлоқ” асари дарслик сифатида ўқитилган. Бу китобларда инсондаги барча яхши ва ёмон хулқлар кўрсатилиб, яхши хулқларга амал қилишга, ёмонларидан қайтишга

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

даъват этилади. Муаллимлар ўқувчиларга одоб-ахлоқ нормаларини тушунтирган, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, ёш улуғлар билан учрашганда салом бериш, ота-оналарга уй ишларида ёрдам бериш зарурлигини ўргатган.

Мактабларнинг ўқув дастурига киритилган дарсликларнинг асосий қисми ислом дини асосларини ўргатишга ва ахлоқий тарбия беришга қаратилган китоблар бўлган. Мактаблар ёшларни юксак маънавиятга, тарбияли, одоб-ахлоқли инсонлар қилиб етиштирган.

2-БОБ. МАРҒИЛОН ВИЛОЯТИ ИСЛОМ ҲАҚИДА ЮРТЛАРИ

2.1-§. Марғилон вилояти мадрасалари

Қўқон хонлигининг Марғилон вилояти қадимдан суви сероб, ерлари маҳсулдор, иқтисоди ва маданияти ривожланган ўлкалардан бири бўлган. Марғилон шахри ва унинг атрофидаги қишлоқлар 2000 йиллик тарихга эга. Бу йилларда Марғилоннинг ривожланиш, тушкунликка учраган давлари бўлган. Араблар Ўрта Осиёни, жумладан, Марғилон вилоятини босиб олиб, ислом тарқалганидан кейин тараққиётнинг янги даври бошланди. Марғилон вилоятида исломни тарқатиш мақсадида араб саркардалари, ҳокимлари масжид, мактаб, қорихона, мадрасалар бунёд этган. Марғилон вилоятидаги мактаб, мадрасаларда ўқиб, халққа хизмат қилиб танилган машҳур уламою фузалолар, Марғилоний нисбаси билан ижод қилган олим, адиб ва шоирлар кўп бўлган.

Марғилон вилояти мадрасалар сони жиҳатидан Қўқон хонлигида Наманган ва Қўқон вилоятларидан кейин учинчи ўринда бўлган. 1887 йилда Марғилон уезди бўйича 49 та мадраса мутаваллиларни вақфномаларни текшириш учун Фарғона вилояти бошқармасига топширган¹²⁶.

Марғилон уездининг эски Марғилон шаҳрида 34 та қишлоқларида 8 та мадраса чор маъмурияти томонидан рўйхатга олинган¹²⁷. 1888 йилдаги маълумотга кўра, 34 та мадрасада 60 нафар мударрис 912 нафар муллабаччага сабоқ берган. Ўртача битта мадрасада 27 нафар талаба ўқиган. 8 та қишлоқ мадрасаларида 16 нафар мударрис 468 нафар муллабаччаларга дарс берган¹²⁸. 1886 йилда Марғилон уездидаги 42 та мадрасада 76 нафар мударрис 1480 талабага сабоқ берган.

¹²⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33446-й., 4-в.

¹²⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 27-в.

¹²⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 63-69-в.

Мадраса, қорихона, масжид, мактабларни марғилонлик бойлар, савдогарлар, тadbиркорлар бунёд этган. Марғилонлик тарихчилар ўз асарларида Кўкун хонлиги даврида Марғилон вилоятида юз берган тарихий воқеалар қатори саховатпеша мулкдорларимиз мактабу мадрасалар, масжиду қорихоналар қургани ҳақида ҳам ёзиб қолдирганлар. Муҳаммад Азиз Марғилоний воқеаларнинг бевосита иштирокчиларидан эшитганлари ва ўзи кўрганлари асосида битган “Тарихи Азийий” асарининг “Эски Марғилон шаҳрида бўлмиш маъруфу машхур аҳли тужжорлар “номли бобида мадраса, масжид, қорихона, мактаблар барпо этган марғилонлик саховатли кишилар ҳақида алоҳида тўхталади. Масалан, муаллиф шундай деб ёзди: “Биринчи – Исмоил махзум, лакаби Карнай махзум, кўп саховатли, ҳурматли киши, кўп масжидлар, мадраса ва авқофлар (вақфлар) қилган. Қорихона ва мактабхоналар бино қилган. Катта бозордаги Хиштин мадрасани ҳам шу худо раҳмати бино этиб, ёнига ҳаммом солиб, унга (мадрасага) вақф қилган. Ўзи ҳам, отаси ҳам яхши одам эдилар...”

Учинчиси – Мир Салимбой, катта савдогар киши эди. Қози гузар маҳалласига бир яхши ва катта мадраса бино қилган киши эди.

Тўртинчи – Муҳаммад Каримбек отлиг савдогар одам бор эди. Тошлоқ маҳалласида бир яхши гиштин мадраса бино қилиб кетди.

Бешинчи – Эски Марғилонда ҳожин Аҳмаджонбойбачча. Бу киши ҳам чанд адад масжидлар бино қилди.

Олтинчи – Мулло Охунжонбой ҳожин. Марҳум Исмоил махзумнинг ўғли. Охири умрларида кўп вақфлар тайин этибди...

Яна эски Марғилонда Маржонқизбой отлиқ катта аҳли тужжор маъруф киши бор экан. Ўз асрида кўп яхши ширжоатпеша, садақан жория ишларига савийлик ва масжиду мадраса бино қилган одам экан¹²⁰.

Мадрасада талабалар яшаш учун ҳужралар, мударрис талабалар билан машвудот олиб бориши учун дарсхоналар, кутубхоналар, намоз ўқиш учун масжид, хонақоҳ ва бошқа ёрдамчи бинолар бўлган. Мадрасанинг асосий ходими мударрис бўлган. Кўкун хонлигининг Марғилон вилояти мадрасалари номи ва сони, мадрасаларда хонлик даврида ишлаган мударрислар исми шарифлари, ўқиган талабалар сони тўғрисида аниқ маълумотлар, архив ҳужжатлари бизга маълум эмас. Лекин Кўкун хонлигини Россия империяси босиб олганидан

¹²⁰ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азийий. –Т.: Маънавият, 1999. –Б.87-89.

кейин, Туркистондаги рус маъмурияти томонидан хонлик ҳудудида тўзилган Фарғона вилояти халқ маорифи ҳолати тўғрисидаги ҳужжатлардан фойдаланиб, хонлик давридаги ўқув юртлири тарихини тиклаб олиш мумкин. Марғилон уезди мадрасалари мударрислари рўйхати ва мадрасалар талабалари сони ҳақида жадвал Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлири 3-инспектори В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йилида Фарғона вилояти ва 1893 йилда Туркистон ўлкаси мадрасалар ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларига илова қилинган¹³⁰. Кўкон хонлиги тугатилган 1876 йилдан мударрислар рўйхати ва талабалар сони, мадрасалар тўғрисидаги маълумотлар тайёрланган 1892–1893 йилгача 16–17 йил ўтган. Мударрисларнинг мадрасаларда узоқ йиллар ишлагани эса шубҳасиздир.

Шайх-ул-ислом мадрасасининг 1 та дархонаси, 13 та ҳужраси бўлган. Мадрасада 7 нафар талабага мударрислар Мулла Абдурахмонхўжа ва Сўфихўжа таълим сабоқ берганлар. Мударрисларнинг бири асосий ўқитувчи, иккинчиси унинг ёрдамчиси бўлса керак. Шунингдек, Наливкиннинг 1893 йилдаги Туркистон ўлкаси мусулмон мадрасалари ҳолати ҳақида ҳисоботида Туркистон ўлкаси, жумладан, Марғилон уезди мадрасаларининг мударрислари ва талабалари сони тўғрисидаги жадвал илова қилинган¹³¹.

1790 йилда Абдувахоббой қурдирган Қаландархона мадрасаси Марғилон шаҳридаги энг катта мадраса эди. Унинг 36 та ҳужраси ва 3 та дархонаси бўлган. 1893 йилда мадрасада 67 нафар мулла-бачча сабоқ олган. Қаландархона мадрасасида мударрислар Қори Домулла, Мулла Охунжон, Мулла Охунзиё талабаларга дарс берганлар. Домулла Муҳаммад Розик мадрасасида мударрислар Мулла Абдуяқодир, Мулла Тўхтаназар, Мулла Сўфи махзум талабаларга таълим-тарбия берган. Ҳазрати Домулла мадрасасининг 19 та ҳужраси, 2 та дархонаси бор эди. Мадрасада мударрислардан Мулла Азиз халифа, Мулла Мирзахўжалар 35 нафар талабага дарс берганлар. Ёр оталиқ мадрасаси Умархон (1809–1822) даврида бунёд этилган, 1 та дархонаси, 8 та ҳужраси бўлган. Мадраса кичик бўлгани учун 15 нафар талаба ўқиган. Мадрасада мударрис Мулла Мирза Райим талабаларга сабоқ берган. Богиншмоёл мадрасасининг 13 та ҳужраси ва 2 та дархонаси бўлган. 25 нафар талабага мударрислар Муҳаммаджон ва Муҳаммад Мусо сабоқ берганлар. Қозикалон мадрасасида 12 ҳужра ва 2 та дархона мавжуд эди. Мадраса мударрис-

¹³⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 54–55, 63–66-в.

¹³¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 54–55, 63–66-в.

ларидан Мулла Исо Охун, Мулла Абдужалил, Мулла Абдукосим, Саидалихўжа талабаларга таълим-тарбия берганлар. В.П.Наливкин маълумотига кўра, Кўкмозор мадрасаси Амир Темур (1336–1405) даврида бунёд этилган. Мадраса 16 та хужра ва битта дарсхонадан иборат бўлган. 1893 йилда мадрасада 30 нафар талаба мударрислар Мирза Райим ва Домулла Қосимохундан сабоқ олган. Домулла Турсун Мухаммад мадрасаси 1790 йилда бунёд этилган. Мадраса 16 та хужра ва битта дарсхонадан ташкил топган. Унда 33 нафар муллабачча ўқиган. Мадрасада мударрис Ҳамидхўжа махзум талабаларга дунёвий ва исломий илмларни ўргатган. Кунжак мадрасасида 13 та хужра, битта дарсхона бўлган. 20 нафар талабаларга мударрислар Мулла Ҳасанбой ва Мулла Ибниямин таълим берган. Оқ мадраса 1885 йилда бунёд этилган. Мадрасанинг 21 та хужраси, битта дарсхонаси бўлган, 30 нафар талаба мударрислардан сабоқ олган. Касакерон мадрасасининг 13 та хужраси, битта дарсхонаси бор эди. 6 нафар талабага мударрислар Орифхўжа ва Насриддинхўжа сабоқ берган. Боқи Мухаммад мадрасасининг 14 та хужраси ва битта дарсхонаси мавжуд бўлган, мударрис Абдурахмон 30 нафар талабаларга таълим-тарбия берган. 1870 йилда бунёд этилган Аҳмад хожи мадрасасининг 12 та хужраси, битта дарсхонаси бўлиб, 30 нафар талабасига мударрис Мулла Аҳмад домулла дарс берган. Хусанхўжа эшон мадрасаси 8 та хужрадан ва битта дарсхонадан иборат эди. Мадрасада 6 нафар муллабаччага мударрис Савд Аҳмадхўжа сабоқ берган. 1821 йилда Райим Кучакбой Узунҳовуз мадрасасини бунёд этган. Мадрасанинг 15 та хужраси, битта дарсхонаси бўлган. Унинг 12 нафар талабасига мударрис Мулла Абдумалик таълим-тарбия берган. 1790 йили Мулла Эрбобо барпо этган Ички мадрасанинг 14 та хужраси ва битта дарсхонаси бор эди. Мадрасанинг 15 нафар талабаларига мударрис Ҳожимухаммад Обид дарс берган. Муштар ая мадрасасининг 12 та хужраси ва битта дарсхонаси бўлган. Мадрасада 25 нафар муллабачча ўқиган. Талабаларга мударрис Мулла Мухаммад Юсуф билим берган. Мадалихон (1822–1842) даврида Мухаммад Шарифбой томонидан қурилган Хўжа Эгиз мадрасасининг 7 та хужраси ва битта дарсхонаси бўлиб, 12 нафар муллабаччасига мударрис Мулла Юсуфалихўжа таълим-тарбия берган.

Марғилон уезди қишлоқларида ҳам айрим нисбатан катта мадрасалар мавжуд эди. Масалан, Асака қишлоғидаги Худоёрхон бунёд этган мадрасанинг 22 та хужраси ва иккита дарсхонаси бўлган. Мадрасанинг 40 нафар талабасига мударрис Мулла Соҳиб Назар

сабоқ берган. 1846 йилда Шаҳрихон қишлоғида Холмат Додхоҳ бунёд этган мадрасанинг 22 та хужраси ва битта дарсхонаси бўлган. Унда 60 нафар муллабачча сабоқ олган. Талабаларга мударрислардан Мулла Абдулҳакимхўжа ва Мулла Муҳаммад таълим-тарбия берган. Қува шаҳрида иккита мадраса бўлган. Биринчиси XVIII аср охирида бунёд этилган ва унга Мадалихон ҳам вақф мулки эҳсон қилган. Наливкин уни Мадалихон мадрасаси деб номлаган. Мадрасанинг 10 та хужраси ва битта дарсхонаси бўлган. Унда 40 нафар талабаларга мударрислар Мулла Ризакул аълам, Мулла Ёқуб ва Мулла Ғози сабоқ берган. Қувадаги иккинчи мадрасани 1846 йилда Мир Шаҳобиддинхўжа қурдирган. Унинг 6 та хужраси, битта дарсхонаси бор эди. Мадрасанинг 15 нафар талабаларига мударрис Мулла Орифоҳун таълим-тарбия берган. Чимён қишлоғида 1830 йилда Абдулқодир қози барпо этган мадрасанинг 12 та хужраси, битта дарсхонаси бўлган. Унинг 15 нафар талабасига мударрис Мулла Мамадали сабоқ берган. Аравон қишлоғидаги мадрасанинг 10 та хужраси, битта дарсхонаси бўлган. Мадрасани 1870 йилда Абдулқосим парвоначи бунёд этган. Мадрасанинг 15 нафар талабасига мударрис Мулла Одил таълим берган. 1840 йили Қуйв Учқўрғон қишлоғида барпо этилган мадрасанинг 16 та хужраси, битта дарсхонаси бўлган. Мадрасада 15 нафар талаба ўқиган. Талабаларга мударрис Муҳаммаджон маҳзум дарс берган¹³².

Мадрасаларнинг моддий асоси – вақф мулклари, улардан тушган даромад ҳисобланган. Мадраса қурдирган саховатли мулкдорлар, тadbиркорлар улардан узок йиллар фойдаланиш, жорий таъмирлаш, хизматчилар ва талабаларни моддий рағбатлантириш учун, умуман, мадраса фаолиятини доимий юритиш мақсадида керакли миқдорда вақф мулки эҳсон қилганлар. Мадрасага доимий фойда келтирадиган мулклар – ер, дўкон, каппон, қарвонсарой, ҳаммом, тегирмон, обжувоз, бинолар, пул маблағлари вақф қилиб берилган.

Қўкон хонлиги ҳудудида XIX асргача етиб келган энг қадимги мадраса Марғилон шаҳридаги Подшо Искандар мадрасасидир. Мадрасанинг дастлабки асл нусха вақфномаси эскириб, йиртилиб кетгани сабабли хижрий 1290 (милодий 1874) йили Худоёрхон буйруғи билан эскиси асосида янги вақфнома тайёрланган. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган бу вақфномада кўрсатилишича, Подшо Искандар мадрасаси ва масжидини 826 хижрий (милодий 1422) йилда ўша даврдаги мамлакат ҳукмдори

¹³² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 54-55, 64-65-в.

Мухаммад Шайх Али Ашир Хизр Вали ўгли курдирган¹³³. Вақт ўтгани билан мадраса ва масжид эскириб шикастланган, вақфномалар ҳам чириб, бир қисми укаланиб йўқолган эди. Олимхон Норбўта ўғли (1798–1809) руҳсати билан мадраса биричи таъсисчиси вақф қилиб берган вақф мулклари даромади ҳисобига қайта қурилган ва Подшо Искандар Нав деб номланган эди. 1898 йилда Подшо Искандар Нав мадрасаси фаолият олиб борган. У Эски Марғилон шаҳрининг Подшо Искандар маҳалласида жойлашган бўлиб, 31 та хужра, дарсхона, ёзги ва кишки масжиддан иборат бўлган. Подшо Искандар Нав мадрасасида мударрислар Бузрукхўжа қози, Мулла Мухаммад Райим, Домулла Абдулқано, Мулла Мухаммад Қобил, Домулла Раҳматилла аълам ишлаган. 1893 йилдаги маълумотга кўра, мадрасада 80 нафар талаба ўқиган. Исмоил махзум мадрасасида мударрис Мулла Мухаммадамин хожи дарс берган. Исмоил махзум мадрасаси нисбатан катта: 2 та дарсхонаси ва 17 та хужраси бўлган. 1893 йилда мадрасада 29 нафар муллабачча ўқиган.

Хижрий 1290 (милодий 1874) йили Худоёрхон топшириғи билан дастлабки вақфнома парчалари асосида Султон Муродбек ва руҳонийлардан тузилган ҳайъат раҳбарлигида янги вақфнома қайта тайёрланган. Бу ҳужжатда дастлабки вақфномадаги вақф мулкларидан ташқари Подшо Искандар мадрасасига вақф қилиб берилган ерлар ҳам киритилган эди.

Подшо Искандар Нав (янги) мадрасасининг янги вақфномасида мадрасага қуйидаги қишлоқлар ва қишлоқлардаги ерлар тегишли бўлгани қайд этилган: 1) Оқтепа қишлоғи; 2) Абу Барака қишлоғи; 3) Работ-Амак деган жой; 4) Ўқчи деган жой; 5) Кува қишлоғидаги Чирмов ариғидан сугориладиган ер; 6) Балчик кўл деган жойдаги ер; 7) Қўқонқишлоқдаги 3 та ер участкаси¹³⁴. Биринчи тўртта қишлоқлардаги ерларни Подшо Искандар мадрасасини курдирган ҳукмдор вақф қилиб берган, қолган 3 тасини эса бошқа мулкдорлар вақф қилган.

Подшо Искандар Нав мадрасасининг вақфномасида кўрсатилган 1-, 3-рақамли Оқтепа ва Работ-Амак ерлари Марғилон уездининг Аввал, 2-, 4-рақамли Абу Барака ва Ўқчи ерлари Файзиобод, 5-рақамли Кува қишлоғидаги ва Кува кўлидаги ерлар Яққатут, Эрақамли ва Қўқонқишлоқдаги ерлар Қўқонқишлоқ волостида жойлашган эди.

¹³³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34737-й., 79-п.

¹³⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34737-й., 78-в.

Бу ерлар мадрасага вақф қилиб берилган вақтда одамлар яшамай-диган, экиладиган ерлар бўлган. Йиллар, асрлар ўтиши билан ижрачилар айрим вақф ерларда уй-жой қуриб яшай бошлаганлар. Масалан, 1422 йили Ўқчидаги ерлар Подшо Искандар мадрасасига вақф қилиб берилганида, ижрачилар бу ерда яшамай, ўз кишлогидан келиб экин экиб, ҳосилни йиғиб олиб кишлогига қайтганлар. Кейинчалик хирож ва таноб солиғи тўлаб турилганидан манфаатдор мадраса мутаваллиси деҳқонларнинг уй-жой қуриб яшашига қаршилик кўрсатмаган. Натижада XVIII аср охирида Ўқчидаги вақф ерларида 45 хўжалик яшайдиган қишлоқ вужудга келган¹³⁵.

Фаргона вилояти бошқармаси умумий мажлисининг 1899 йил 29 июлдаги журнали (баённомаси) маълумотларига қараганда, Подшо Искандар Нав мадрасаси ёзги ва қишки масжидлари билан Эски Марғилон шаҳрининг Подшо Искандар маҳалласида фаолият кўрсатган. Мадрасанинг талабалар яшайдиган 31 та хужраси бўлган¹³⁶.

Подшо Искандар Нав мадрасаси Қўқон хонлиги Марғилон вилоятининг энг машҳур ва қадимий аъёналарга эга мадрасаси эди. Шунинг учун Худоёрхон вақф қилиб берган мулклар қуйидагилардан иборат бўлган: 1) Октепа қишлоғида 378 десятина 2000 саржин ер, Шакар қишлоғида 285 десятина 180 саржин ер, Янгисой ва Қашкар қишлоқларида 238 десятина 1200 саржин ер; 2) Ваҳум қишлоғида 422 десятина 1200 саржин ер; 3) Қуйи Учқўрғон қишлоғида 88 десятина 532 саржин ер; 4) Ўқчи қишлоғида 250 десятина 810 саржин ер; 5) Хўжабек қишлоғида 14 десятина 2260 саржин ер; 6) Хўжаарик қишлоғида 29 десятина 528 саржин ер; 7) Навкент қишлоғида 7 десятина 1000 саржин ер участкаси¹³⁷.

Бу ерлар Худоёрхонга қадар ҳам Подшо Искандар мадрасасининг вақф мулки бўлган. Уларнинг Худоёрхон томонидан қайта вақф қилиб берилишига сабаб: 1873 йилда мадрасанинг вақф мулклари бўйича низоларнинг олдини олиш мақсадида Худоёрхон буйруғи билан 1422 йилда тузилган ва эскириб, чириб битган вақфнома асосида янги вақфнома тузилган. Туркистондаги рус маъмурлари тайёрлаган хужжатларда, бу ерлар мадрасага бошқа шахслар томонидан вақф қилиб берилганига қарамай, 1873 йилда тайёрланган вақфномага асосланиб, Худоёрхон вақф қилиб берган

¹³⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34737-й., 79-в.

¹³⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34737-й., 79-в.

¹³⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34737-й., 65-66-в.

дея қайд этилган. Худди шу йили Худоёрхон Подшо Искандар Нав мадрасасининг Оқтепа, Ўқчи, Абу Барака, Работ-Амак, Кува, Якка-тут кишлоқларидаги вақф ерларини барча солиқлардан озод қилиб, бу ҳақда тузилган иноятномага кичик муҳрини босиб берган¹³⁸.

Марғилон шаҳрида қадимдан мадрасалар кўп бўлган. Россия империяси Кўқон хонлигини босиб олиб, ислом ўқув юртларининг рўйхатини олган XIX асрнинг 80-йилларига қадар кўплари эскириб, шикастланиб, бузилиб кетган. Қадимги мадрасалар тўғрисида, Подшо Искандар мадрасасини ҳисобга олмаганда, архив ҳужжатларида сақланиб қолган маълумотлар XVIII асрга тегишлидир.

Эски Марғилон полицеймейстерининг 1907 йил 21 июнда Фарғова вилояти бошқармасига юборган Эски Марғилон шаҳри Қаландархона даҳасидаги вақф мулки бор ташкилотлар рўйхатида 10 та мадраса тўғрисида маълумот берилган. Шулардан Домулла Турсун Мухаммад Охунд, Шоиброҳим хожи, Шарифбой мадрасалари XVIII асрда бунёд этилган эди. Номии биринчи тилга олинган мадраса 1781 йилда барпо этилган ва уни қурдирган Домулла Турсун Мухаммад Охунд унга 2245 ½ таноб ерни вақф қилиб берган. 1906 йили мадраса вақф мулкидан 400 рубль даромад олган. Шоиброҳим хожи мадрасаси ҳам 1781 йилда қурилган ва мадраса бунёдкори унга 11 таноб ер, 9 та дўкон, бир карвонсаройнинг 1/3 қисмини вақф қилиб берган. Бу мулкларни мутавалли ижарага бериб фойдаланган. 1906 йили мадраса вақф мулкидан 550 рубль даромад олган. Бу ўша даврда катта қимматга эга бўлган даромад эди. Шарифбой мадрасаси 1787 йилда қурилган бўлиб, унинг вақф мулки 25 таноб ер ва 600 рубль пулдан иборат эди. Мадраса мутаваллиси вақф мулкини ижарага бериб, 1904 йилда 110 рубль даромад олган.

Туркистон ўлкасида, жумладан, Марғилон уездида XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг биринчи ўн йиллигида пулнинг қадри баланд бўлган. МДАда сақланган маълумотларга қараганда, 1883 йил январида Марғилон уездида 1 пуд бугдой 70 копеек, 1 пуд бугдой уни 80 копеек, 1 пуд арпа 70 копеек, 1 пуд жўхори 45 копеек, 1 пуд мол гўшти 1 рубль 83 копеек, 1 пуд кўй гўшти 2 рубль 48 копеек, 1 пуд мол ёғи 3 рубль 90 копеек, 1 пуд кўй ёғи 6 рубль 15 копеек, ўртача кўй 11,5 рубль, ўртача сигир 11,5 рубль, ўртача эчки 4 рубль бўлган¹³⁹. Марғилон уезди бўйича 1896–1898 йиллардаги қорамол, кўй, эчкиларнинг бозордаги ўртача нархи ҳақида уезд бошлиғи ах-

¹³⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33446-й., 65–66-в.

¹³⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 28465-й., 11–14-в.

борот берган. Бу ҳужжатдаги маълумотга қараганда, боқиб семиртирилган думбали қўй 11,5 рубль, боқиб семиртирилмаган думбали қўй 6 рубль 25 копеек, думбасиз қўй 2 рубль 80 копеек, эчки 4 рубль 40 копеек, маҳаллий зотли 1 ёшгача бўлган бузук 3 рубль 73 копеек, маҳаллий зотли сигир 11 рубль 75 копеек бўлган¹⁴⁰. Марғилон уезди бўйича ғалланинг бозордаги нархи, 1900 йил сентябрга берилган маълумотга қараганда, 1 пуд қайроки бугдой уни 1 рубль 21 копеек, 1 пуд суғориладиган ердаги бугдой уни 1 рубль 10 копеек, 1 пуд гуруч 1 рубль 87 копеек, 1 пуд арпа 66 копеек ва 1 пуд жўхори 77 копеек бўлган. 1902 йил 21 июнда Марғилон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган рапортида берилган маълумотга қараганда, Эски Марғилон шаҳрида 1901 йил ноябрда 9 пуд қайроқ бугдой уни 14 рубль 76 копеек, суғориладиган ердаги бугдой уни 12 рубль 96 копеек бўлган¹⁴¹.

1883–1900 йиллардаги ғалла ва чорва ҳайвонлари нарх-наволарини таҳлил қилиш кўрсатадики, шу даврда нархлар деярли ўзгармаган ёки кам ўзгарган. 1883 йили сигир 11,5 рубль бўлган бўлса, 1898 йилда 11,75 рубль, яъни нархи деярли ўзгармаган. 1883 йилда қўйнинг нархи 11,5 рубль, яъни сигирнинг нархи билан тенг кўрсатилган. Демак, боқиб семиртирилган думбали қўйнинг нархи кўрсатилган бўлса керак. 1898 йилда ана шундай қўйнинг нархи 11,5 рубль бўлган, боқиб семиртирилмаган думбали қўй 6 рубль 25 копеек, думбасиз қўй 2,8 рубль бўлган, Демак, қўйнинг уччала турининг ўртача нархи 6,8 рубльга тўғри келади. 1883 йилда 1 пуд бугдой 70 копеек, 1 пуд бугдой уни 80 копеек, арпа 70 копеек, жўхори 45 копеек бўлган бўлса, 1898 йилда бугдой уни ўртача 1,15 рубль, 1 пуд арпа 66 копеек, 1 пуд жўхори 77 копеек бўлган, яъни ғалла қимматроқ эди. Умуман олганда, Марғилонда ва Туркистоннинг бошқа жойларида бўлганидек, озиқ-овқат маҳсулотлари арзон, пулнинг, яъни рубльнинг қиммати юқори бўлган ва маҳсулотларнинг нархи деярли баландламаган, бир хилда турган.

Кува-Фарғона водийсидаги қадимги шаҳарлардан бири ҳисобланади. Архив ҳужжатларида ўз аксини топган Кувадаги қадимги мадраса, тахминан, XVIII асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Мадраса санасини бундай тахмин қилишимизга асос қўйидагичадир. Қўқон хонлиги Россия империяси босиб олганидан кейин, Кува мадрасаси вақф ерларини тортиб олиш мақсадида

¹⁴⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 14300-й., 16–17-в.

¹⁴¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 15233-й., 5-в.

унинг вақфномасини ва вақф ерларини ер-солиқ комиссари, подполковник Янцин текширган. Текшириш натижаси бўйича ёзилган ахборотномада кўрсатилишича, мадрасага Муҳаммад Алихон вақф қилиб берган ерга тузилган вақфнома таржимасида Муҳаммад Алихон мадрасаси деб нотўғри номланган, вақфномада мадраса номи кўрсатилмаган. Шу сабабли Янцин маҳаллий аҳолидан мадраса қачон қурилганини сўраб суриштиради. Қишлоқ аҳолисининг берган маълумотига қараганда, Умархон хукмронлигига қадар (Демак, Норбўтабий (1763–1798 йиллар), Олимхон (1798–1809 йиллар) даврларида) маҳаллий аҳоли томонидан масжид ва унинг қошида мадраса бунёд этилган. Шу маълумотларга қараганда, мадраса XVIII асрнинг иккинчи ярмида маҳаллий ўзига тўқ, бадавлат тadbиркорлардан бири томонидан барпо этилган.

Ҳижрий 1240 (милодий 1824) йили Саид Муҳаммад Алихон Кувадаги мадрасага, тахминан, 250 кеш ер участкасини эҳсон қилиб, вақфнома туздирган эди. 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом “асосида вақфномалар текширилганда, Кувадаги мадраса вақфномаси Фарғона вилояти Марғилон уездининг ер-солиқ комиссари Янцин томонидан текширилган 1898 йилда мадраса мавжуд эди. У Кува кишлоғининг Гурунчфуруш даҳасида фаолият олиб борган. Мадраса барча кишлоқ мадрасалари каби нисбатан кичик: 12 та хужра ва битта дархонадан иборат эди. Янцин берган маълумотга кўра, унда кишда 28 нафар, ёзда 6–10 нафар талабалар ўқиган. Мадраса билан бирга жоме масжиди ҳам бўлган. Масжид қошида мактаб бўлиб, унда 20 нафарга яқин болаларга масжид имоми сабоқ берган. Мадраса ва масжиднинг Марғилон уезди Кува волостининг Найман-Толмозор даҳасида 1/10 десятина 600 саржин Мадалихон вақф қилиб берган ери бўлган. Мадраса мутаваллиси ерни чоракорларга хосилнинг 2/5 қисмини тўлаш шarti билан ижарага берган¹⁴².

Эски Марғилон шаҳри Тошмозор даҳасининг Кўкмозор маҳалласидаги мадраса ва унинг қошидаги корихона 1807 йилда бунёд этилган. Шу йили унга Назарбой уста Ашурмуҳаммад, кейин Худоёрхоннинг укаси Султон Муродбек экиладиган ерларни вақф қилиб берганлар. Марғилон уезди Яккатут волости Тўрабод кишлоғида мадрасанинг 4 та ер участкасида жами 323 десятина 2400 саржин вақф ери бўлган¹⁴³.

¹⁴² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34756-й., 4–5-в.

¹⁴³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33446-й., 69-в.

Ҳасанхўжа Эшон 1826 йилда Марғилон шаҳри Қаландархона даҳасида ўз номида мадраса қурдириб, унга 969 таноб ерни вақф қилиб берган. Бу мадраса 1906 йили вақф еридан 395 рубль даромад қилган.

Домулла Абдурахим қози аскар номидан маълум бўлиб турибдики, ўз замонасининг машҳур кишиларидан бўлган. У Саид Муҳаммад Алихон саройида қози аскар лавозимида хизмат қилган. Қози аскар хон армиясидаги қонун-қоидаларни бузганларнинг иштини кўриб чиққан ва хон тасарруфидаги ўлим жазосидан бошқа жазолар беришга вақолати бўлган. Домулла Абдурахим қози аскар Марғилон шаҳри Қаландархона даҳаси Кунжак маҳалласида ўзининг номидаги мадрасани қурдириб, фаолиятини кам-кўстез олиб бориш учун унга хижрий 1245 (милодий 1829) йили экиладиган ва экилмайдиغان 1062 десятина 1590 саржин ерни вақф қилиб берган. Бу ҳақда вақфнома тузилиб, у 11 нафар қози, аълам, муфтийлар муҳрлари ва Саид Муҳаммад Алихон муҳри билан тасдиқланган¹⁴⁴. Вақфномада кўрсатилган мадрасанинг вақф ери Фарғона вилояти Марғилон уезди ер-солиқ комиссарлари Иванов, Митрофановлар текширган вақтда, яъни 1896 йилда Марғилон уездининг Ёзёвон волости Жуй Бозор қишлоқ жамоасининг Янги Ариқ қишлоғида жойлашган. Мадраса мутаваллиси вақф ерини вақфкор дехқонларга ижарага бериб фойдаланган. Дастлаб ижарачилар ўз уйларида яшаб, баҳор келиши билан ижарага олган вақф ерига келиб ерни ҳайдаб, экин экиб, парвариш қилиб, ҳосилни йнгиб уйига қайтиб кетганлар. Вақт ўтиши билан дехқончилик қилишга қулай бўлиши учун ижарага олган ерига кўчиб келиб, турар жой қуриб олганлар. Домулла Абдурахим қози аскар мадрасаси ҳақидаги юқорида келтирилган маълумотлар Фарғона волости бошқармасининг 1896 йил 31 октябрдаги умумий йнгилишида ер-солиқ комиссари ва комиссиясининг мадраса вақфномасини текшириб чиққани тўғрисидаги баённомалари, хулосаларини эшитганлиги ҳақидаги журналидан олинган. Эски Марғилон полицеймейстрининг 1907 йилда Фарғона вилояти бошқармасига юборган шаҳардаги вақф мулки бор диний ташкилот, жумладан, мадрасалар рўйхатида Домулла Абдурахим қози аскар мадрасаси тўғрисида ҳам маълумот бор. Бу ҳужжатда мадрасага вақф 1827 йилда таъсис этилган деб кўрсатилган. Вақфнома ва Фарғона вилояти бошқармаси журналида эса мадрасага вақф мулки 1829 йилда таъсис этилгани қайд қилинган. Бундан ташқари, вақф мулки миқдори мадрасалар рўйхатида 500 таноб деб кўрсатилган¹⁴⁵.

¹⁴⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34756-ф., 3-в.

¹⁴⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-ф., 25–26-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Ҳижрий 1251 (милодий 1835) йилда Мухаммадсолих юзбоши Бадалбоев Марғилон шаҳрининг Каллахур маҳалласида мадраса бунёд этган. Мадраса ишларини юритиш учун унга Марғилон вилояти Ёзёвон туманидаги Иштирхон қишлоғидан 11 таноб ер участкаси ва 2 та қўрғонча вақф қилиб берилган¹⁴⁶.

Ҳижрий 1251 (милодий 1835) йили Боқи Мухаммадбой ҳалол меҳнат билан топган пулига Марғилон шаҳрининг Гур-Аввал маҳалласида мадраса қурдирган. Ўз номидаги мадрасага Боқи Мухаммад 2 та ер участкаси ва девор билан ўралган боғни вақф қилиб берган. Бу вақф қилинган мулк Марғилон вилоятининг Қумлик деган жойида, Қақир ариғи атрофида жойлашган эди.

Саид Мухаммад Алихон фармойиши билан вақф мутаваллиси этиб вақф қилувчининг ўзи – Боқи Мухаммадбой тайинланган. У бу лавозимни ўз ўгли Мухаммадга топширган, унинг вафотидан кейин авлодларининг мутавалли бўлиши белгиланган. Вақфномада вақф мулкидан олинган даромадни қуйидагича сарфлаш: 1/20 қисмини мутавалли фойдаланиши, қолганидан мадраса биносини таъмирлашга ишлатилиши, бундан қолганининг 1/3 қисми мударрисга, қолгани талабаларга берилиши шарт қилиб қўйилган. Вақф ерлари мутаваллига топширилган. вақфномада мутаваллининг вақф мулкни сотиши, гаровга қўйиши, бировга бериши ёки бошқа мақсадларда ишлатиши таъқиқланган. Мадрасанинг вақфномаси 8 нафар қози, аълам, муфтийлар мухри билан тасдиқланган¹⁴⁷.

Ҳижрий 1262 (милодий 1845) йилда Содикбой Холдорбоев Марғилон шаҳрининг Боғишамол маҳалласида ўзининг номида мадраса қурдирган. Мадраса фаолиятини юритиш учун Содикбой унга Шаҳрихон қишлоғидаги Бўстон ариғидан суғориладиган еридан, тахминан, 180 таноб ажратиб, вақф қилиб берган. Мадраса фойдасига унинг жануб томонидаги 12 та дўкон ҳам вақф қилинган¹⁴⁸. Бошқа бир ҳужжагда берилган маълумотга қараганда, Эски Марғилон шаҳридаги Содикбой Холдорбоев мадрасасининг Марғилон уезди Сегаза волостининг Дўрман қишлоқ жамоаси Қирбош Хидир Шо даҳасида 31 десятина 1340 саржиндан иборат битта ер участкаси бўлган¹⁴⁹.

Содикбой Холдорбоев ўз номидаги мадрасага вақф мулки эҳсон қилгани тўғрисида маҳаллий қозига вақфнома туздирган.

¹⁴⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34720-й., 1–3-в.

¹⁴⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34767-й., 1–2-в.

¹⁴⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34730-й., 6-в.

¹⁴⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34730-й., 16-в.

Вақфномани қозилар ва Худоёрхон ҳижрий 1262 йилдаги муҳри билан тасдиқлаган. Вақфнома шартига асосан, эҳсон қилувчининг ўғли Муҳаммадризо мутавалли қилиб тайинланган, унинг вафотидан кейин авлодидан муносиби тайинланиши шарт бўлган. Вақф даромади даставвал мадрасани таъмирлашга, кейин мутавалли фойдасига 1/10 қисми ажратилиб, қолганини 4 қисмга бўлиб, унинг бир қисми мударрисга ва уч қисмининг мадраса талабаларига бўлиб берилиши шарт қилиб қўйилган. Мадраса мутаваллиси вақф мулкни чоракорларга ижарага берган, даромаддан вақфнома шартларига биноан фойдаланган.

Ҳасанхўжа қозикалон ҳижрий 1262 (милодий 1845) йилда Марғилон шаҳрида мадраса қурдирган. Мадраса бунёд этиш катта харажат талаб қилган. Шунинг учун, одатда, мадрасаларни хон, хон авлодлари, сарой хизматчилари барпо этганлар. Ҳасанхўжа қозикалон исмидан кўриниб турибдики, у хон саройидаги ҳукмдорлар томонидан тайинланадиган катта амалдор бўлган. У маҳаллий қозилар фаолиятини назорат қилган, хонлик миқёсидаги муҳим жиноий ва фуқаролик ишларини шариат асосида олиб борган. У катта моддий имкониятга эга бўлиб, ҳижрий 1262 йили ўзи қурдирган ва ўз номини берган мадрасага Иштирхон қишлоғидаги 14 та ер участкаси ва 100 дона диний китобларни вақф қилган ва вақфнома туздирган¹⁵⁰.

Ҳижрий 1264 (милодий 1847) йили Мулла Охунжон Марғилон шаҳри Маишҳад қисми Кулябардор маҳалласида мадраса ва масжид қурдирган. Мадрасанинг фаолият юритиши учун 3 та ер участкаси ва 1 та дўконни вақф қилган. Вақфномада вақф даромадини қуйидагича бўлиш шarti белгиланган эди: даставвал мадраса ва масжид биноларини таъмирлашга ишлатиш, қолган маблағнинг 1/10 қисми мутаваллига ажратилади, кейин қолган маблағ 4 қисмга бўлиб, 1 қисмини мударрисга, 2 қисмини мадраса муллаларига тенг тақсимлаш, 1 қисмини 4 қисмга бўлиб, 3 қисмини масжид имомига ва 1 қисмини муаззинга бериш белгиланган. Вақфномада мадраса мутаваллиси қилиб вақф васият қилувчининг ўғли Мулла Ҳасанхон тайинланган.

Ҳижрий 1272 (милодий 1855) йилда Мир Шаҳобиддинхўжа Эшон Мир Абдул Файзхўжа Марғилон уездининг Кува қишлоғида Работ (карвон йўлларидаги карвонсарой), мадраса, масжид қурдирган. Мадраса ўқув хонаси, 6 та хужра ва масжиддан иборат бўлган. Мадрасада

¹⁵⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34730-й., 16-в.

14 нафар талаба ўқиган. Вақфномада кўрсатилишича, мадрасага Кува қишлоғида 18 десятина 1680 саржин миқдоридagi 2 та ер участкаси, Марғилон уездининг Кува волости Кавалдош қишлоғида 16 десятина 1200 саржин миқдоридagi 1 та ер участкаси вақф қилиб берилган. Мир Шаҳобиддинхўжа эшон мадраса ва масжидга 6 та ер участкаси вақф қилган. Вақф қилувчининг толшириғи бўйича вақф ерлардан тушган даромад куйидагича бўлиниши белгиланган: дастлаб работ, мадраса, масжидни таъмирлаш учун керакли миқдорда маблағ ишлатилади. Қолган даромаднинг 1/10 қисми мутаваллига, қолганини ярни му-даррисга ва қолган ярмини 6 қисмга бўлиб, 1 қисми масжид имоми-га, 1 қисми муаззинга ва 4 қисмини мадраса муллаларига ажратилган. Вақфларни бошқаришни вақф васият қилувчининг ҳаётлик вақтида унинг ўзи, унинг вафотидан кейин васият қилувчининг авлодларидан бири амалга ошириши керак эди¹⁵¹. Вақфнома 10 нафар қози, аълам, муфтийлар ва Маллахон, Худоёрхон мухрлари билан тасдиқланган.

Худоёрхон 3 та мадраса курдирган, шулардан бири Марғилон вилоятининг Шообод (Асака) қишлоғида ҳижрий 1291 (милодий 1874) йилда хом ғишдан қурилган бўлиб, 20 та хужра, битта дарс-хона, кутубхона, хонақоҳ, битта катта айвон, битта кичик панжа-рали айвондан иборат бўлган¹⁵². Худоёрхон ўз номидаги мадрасага ҳижрий 1291 йилда Шўр-Лангар деган жойдаги 2 та ер участкаси, Фақиробод деган жойда (Кулланинг ёнида)ги битта ер участкаси ва Шообод қишлоғидagi 42 та дўконни вақф қилиб берган¹⁵³.

Худоёрхон мадрасасининг вақфномаси маҳаллий қози томони-дан хон ишпирокида ҳижрий 1291 йил рамазон ойида тузилган эди. Вақфнома шартига кўра, мутавалли хон ёки у вакил қилган шахс то-монидан тайинланган. Вақфномада кўрсатиб ўтилганки, хайр-эҳсон қилинган вақф мулкани Аллоҳга васият қилинган мулк сифатида сотиш, совға қилиш, маҳр қилиб тайинлаш, алмаштириш манъ эти-лади. Вақфнома Худоёрхоннинг иккита мухри ва қози, аълам, муф-тийларнинг 17 та мухри билан тасдиқланган.

Ҳижрий 1291 (милодий 1874) йилда марғилонлик Аҳмад Бобо қозикалон Муҳаммад Ашур ўғли Марғилон шахрининг Гўр-Аввал маҳалласида мадраса, қорихона ва масжид курдириб, кўпчилик фойдаланиши учун руҳонийлар бошчилигидаги маҳалла аҳлига эҳсон қилган. Мадраса, қорихона, масжид фаолиятини юритиш,

¹⁵¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34713-й., 2-3-в.

¹⁵² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34709-й., 3-в.

¹⁵³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34709-й., 48-49-в.

уларнинг ходимлари, талабалари нафақа олиб туриши учун Аҳмад Бобо қозикалон ва унинг авлодлари 6 та ер участкаси, 18 та дўкон, 1 та қарвонсаройни вақф қилиб берганлар.

1888 йилдаги Марғилон уезди мактабларнинг рўйхатида қишлоқларда 8 та мадраса ҳисобга олинган. Бу ҳужжатда мактаб ва мадрасалар ҳақида, ўқитувчилар ва ўқувчилар сони, вақф мулки нималардан иборат эканлиги, вақф даромади, ўқув юртига жамоанинг ёрдами, фарзандларини ўқитгани учун ота-оналар берган ҳақ ва низоҳлар берилган, мактаб ва мадрасаларнинг ташкил бўлган вақти кўрсатилмаган. Қишлоқ мадрасаларининг асосий қисми Кўкон хонлиги даврида бунёд этилган. Масала, Яқкатут волости Ҳазрати Мағиз Жабал қишлоғида 1 та мадраса бўлган. Унда 2 нафар мударрис 94 нафар муллабаччага дарс берган. Мадрасанинг 1888 йилдаги даромади 75 рубльни ташкил қилган. Ёзёвон волостининг Иштирхон қишлоғида кичкина бир мадраса бўлиб, унинг 4,5 таноб ердан 16 рубль даромади бўлган. Мадрасада 10 нафар муллабаччага бир мударрис сабоқ берган. Ўқил эрта баҳордан бошлашиб, 6 ой ўқиб, кейин талабалар уйларига бориб, ота-онасининг деҳқончилик ишларига ёрдамлашар эди¹⁵⁴. Чимён волостининг Чимён қишлоғидаги мадрасанинг 30 нафар талабаси ва бир нафар мударриси бўлган. Мадраса мутаваллиси бир йилда 1000 таноб суғориладиган ердан 270 рубль даромад олган. Вақф даромадининг ўндан бир қисмини ўзи олган, қолгани мадраса биносини таъмирлаш, хизматчилар маоши, талабалар нафақаси учун ишлатган. Асака волостининг Юқори Асака қишлоғидаги мадрасада 50 нафар муллабачча ўқиган, уларга 3 нафар мударрис дарс берган. Мадрасанинг 550 таноб ери ва 29 та дўқонидан йилда 300 рубль даромад олинган. Шаҳрихон волостининг Юқори Шаҳрихон қишлоғидаги мадрасада 167 нафар муллабаччага 3 нафар мударрис таълим-тарбия берган. Мадрасанинг 1300 таноб ери, Шаҳрихон бозорида 30 та дўқони бўлиб, ҳар йили 820 рубль даромад қилган. Аравон волостининг Аравон қишлоғидаги мадрасанинг 74 таноб ери, 2 та қарвонсаройи ва 10 та дўқони бўлган. бу вақф мулкларидан 1888 йилда 80 рубль даромад олинган. Мадрасада 50 нафар талабага 2 нафар мударрис сабоқ берган. Кува волостининг Кува қишлоғидаги 2 та мадрасада 77 нафар муллабаччага 4 нафар мударрис таълим берган. Мадрасанинг 720 таноб ери ва 14 та дўқони бўлган, улардан 1888 йилда 160 рубль даромад қилинган¹⁵⁵.

¹⁵⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 64-в.

¹⁵⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 69-в.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Марғилон шаҳридаги деярли барча мадрасалар, айрим қишлоқ мадрасалари ҳам моддий жиҳатдан яхши таъминланган. Вақф мулкларидан тушган даромад, XIX асрнинг иккинчи ярмида рубльнинг қиммати юқори бўлганлигини ҳисобга олганда, мадраса сарф-харажатини тўла қоплаган.

Мактабларда ёшларга бошланғич таълим берилган бўлса, мадрасаларда олий таълим берилган. Мадрасаларда ўқитилган фанлар ўрта асрлар даражасида бўлган, замонавий фанлар, аниқ фанлар, техника фанлари деярли ўтилмаган. Асосан, илоҳиёт соҳасидаги китоблар ўрганилган. Мадрасада ўқиш 15–20 йил давом этган. Шу даврда талабаларга 130 дан ортиқ фанлар ва асарлар ўқитилган. Талабалар Қуръон, унинг қироати, Ҳадислар тўпламларини, фикҳга оид китобларни, пайғамбарлар тарихи, ислом ақоидини ўқиб ўрганганлар. Мадрасада диний билимлар билан бирга айрим дунёвий билимлар ҳам ўқитилган. Масалан, талабаларга риёзиёт (математика), нуҷум (астрономия), география, фалсафа, тарих, араб, форс тиллари, ҳуснихат, шарқ мумтоз адабиёти вакилларининг асарлари ўргатилган.

Талабалар мадрасаларни битириб, масжидларда имом, хатиб, қозихоналарда қози, аълам, муфти, вилоят ҳокими девонхонасида мирза ва бошқа лавозимларда ишлаганлар. Мадрасани битирган талабалар орасидан шоир ва ёзувчилар етишиб чиққан. Мадрасаларда тайёрланган мутахассислар, махсус билим ва тажрибани эгаллаган ёшлар ўз касб-корини юксалтирган, иш сифатини яхшилаган. Мактаб, қорихоналарни битириб, мадрасаларга кириб ўқиган ёшлар жамият тараққиётига, халқ маданияти, маънавиятининг ўсишига катта таъсир кўрсатган. Анъанавий ўқув юртлиари Қўқон хонлигининг қучайишида, равнақ топишида муҳим аҳамият касб этган.

Қўқон хонлиги Ўрта Осиёда Бухоро хонлигидан кейинги ислом дини маркази ҳисобланган. Хонликда, жумладав, Марғилон вилоятида диний билимларнинг халқ орасида тарқалишига кўмаклашувчи қорихона, мактаб ва мадрасалар кўп бўлган. Ўрта Осиёда мадрасаларни битирган муллалар малакасини ошириб, янада чуқур билимга эга бўлиш учун Бухорои шариф ёки Қўқон хонлиги пойтахти Қўқон шаҳарлари мадрасаларида ўқиганлар. Қўқон хонлиги мадрасаларида катта салоҳиятли, иқтидорли мударрислар талабаларга таълим-тарбия берган, уларда юқори малакали мутахассислар – мударрислар, мактаб домулалари, қорибошилар ва бошқа кадрлар етишти-

рилган. Улар қорихона, мактабларда ўқитган ёшлар чуқур диний билимга эга бўлганлар. Мактаб, қорихоналарни муваффақиятли битирган истеъдодли ёшлар мадрасаларга ўқишга кириб, билим олишни давом эттирган.

2.2-§. Қорихона ва мактаблар

Диний маросимларни ўтказишда Қуръонни тўла ёд билган қориларнинг ўз ўрни бор. Айрим диний маросимларни ўтказишда, масалан, рамазон ойи таровихида – қўшимча намоз, бўлиб-бўлиб 30 пора Қуръон тўла хатм қилинган. Инсон вафот этганидан кейин ҳам 30 пора Қуръон ўқилиб, эҳсон ўтказиш одат бўлиб қолган. Шу каби маросимларни амалга ошириш вазифасини қорилар бажарган. Қуръонни тўла ёд биладиган қорилар амалда зарур бўлгани учун ҳам уларни тайёрлайдиган қорихоналар вужудга келган. Мактаб, мадрасалар сингари қорихоналар ҳам Ўрта Осиёда ислом дини кириб келганидан кейин пайдо бўлган. Қўқон хонлиги даврида ва ундан олдин ҳам Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида қорихоналар бўлган. Лекин энг қадимги қорихоналар ҳақида архивларда ҳужжатлар, ёзма манбалар сақланиб қолмаган.

Наманган вилоятидаги Чодак қишлоғида XVI асрда, яъни 1578 йилда мадраса, Наманган шаҳрининг Хапала ҳожв маҳалласида 1593 йилда қурилган қорихона мавжуд бўлган. Уларнинг XIX асрда ҳам фаолият кўрсатгани ҳақида Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжат гувоҳлик беради¹⁵⁶.

Қўқон хонлиги Марғилон вилояти қорихоналари, мактаблари ҳақида архив ҳужжатлари мадрасаларникига нисбатан кам сақланган. Шунинг учун қорихоналар ҳақида мадрасалар каби кенг маълумот беришнинг иложи йўқ. Аслида, Марғилон вилоятида Қўқон хонлигининг бошқа вилоятларига нисбатан, Наманган вилоятидан ташқари, қорихоналар кўп бўлган. Туркистон генерал-губернаторининг буйруғи билан 1887 йилда вақф мулки бор мусулмон ташкилотлари, жумладан, қорихоналар ҳам вақфномаларини вилоят бошқармасига топширган. Шу рўйхатга қараганда, вақф мулки бор ва вақфномалар топширган қорихоналар Марғилон уездида 45 та, Қўқон уездида 35 та, Наманган уездида 60 та, Андижон уездида 19 та, Ўш уездида 16 та бўлган¹⁵⁷. Шундан келиб чиқиб тахмин қилиш

¹⁵⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 148-в.

¹⁵⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33476-й., 4-в.

мумкинчи, Марғилон вилоятида ҳам Наманган шаҳрида XVI асрда вужудга келган қорихонадек қорилар тайёрлайдиган ўқув юрталари мавжуд бўлгани аниқ. Лекин бу ҳақдаги ҳужжатлар архивда сақланмагани учун мазкур тахминни тасдиқлаш имкони йўқ.

Император Николай I томонидан 1886 йилда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га биноан тайёрланган “Туркистон ўлкасининг ер-солиқ тизими тўғрисидаги Қойдалар”нинг 6-моддасига асосан вилоят бошқармаларига, жумладан, Фарғона вилояти бошқармасига ҳам, барча вақф мулклари бор диний ташкилотлар – масжид, мадраса, қорихона ва бошқа диний ташкилотлар вақфномаларни текшириш учун топширган. Марғилон уездидаги вақф мулки бор қорихона ва бошқа диний ташкилотларнинг вақфномалари рўйхати Марказий давлат архивида сақланаётган И-19 рақамли Фарғона вилояти бошқармаси архив фондида сақланиб қолган. Бу фонддаги маълумотларга кўра, Марғилон уезди 1887 йилда 25 та қорихона вақфномаларини топширган. Бу қорихоналар қуйидагилар: Абдумажидбой қорихонаси, Абдуллаҳўжа Эшон мазори қошидаги қорихона, Азимхўжа Эшон қорихонаси, Офтоб Пошша ойим қорихонаси, Аҳмадбойвачча ва Муҳаммадиёрбой қорихонаси, Бобохўжа Шайх-ул-ислом қорихонаси, Бадалбой қорихонаси, Ғойибназар суфи қорихонаси, Долибой қорихонаси, Домулла Аҳмад қорихонаси, Эшмуҳаммад ҳожи қорихонаси, Қўнжак маҳалласидаги қорихона, Мулла Тохир Охунд маҳалласидаги масжид қошидаги қорихона, Муҳаммадқаримбой қорихонаси, Муҳаммад Иброҳимбой қорихонаси, Муҳаммадқулбек қорихонаси, Муҳаммадқул Халфа қорихонаси, Муҳаммад Умар ҳожи қорихонаси, Сафил Тўда маҳалласи қорихонаси, Султон Муродбек қорихонаси, Тўхтасинбой қорихонаси, Улутбек қорихонаси, Улуғхон Тўра қорихонаси, Уста Азимбой қорихонаси, Ҳазрат Бобо Оҳангар қорихонаси, Ҳазрат Мазори Шайх қорихонаси, Чор четнор маҳалласи масжиди қошидаги қорихона, Тўйчи маҳалласидаги қорихона, Мулла Салим Бобо ҳожи қорихонаси, Бешкала қишлоғидаги қорихона, Қипчокқўрғон қишлоғидаги қорихона, Мулла Зоқир қори қорихонаси, Ҳожибой қорихонаси, Мир Ниёз Эшон қорихонаси, Қўкон маҳалласи қорихонаси, Собир ҳожи масжиди қошидаги қорихона, Домулла Муҳаммад Розик Эшон қабри қошидаги қорихона¹⁵⁸.

Вақф мулки бор қорихоналардан 11 тасининг 21 та вақфномасида хонлар муҳри босилган. Айрим қорихоналарнинг 6

¹⁵⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-й., 23–24-в.

тагача вақфномаси бўлган. Давлат ва халқ учун хизмат қилган, фойдаси теккан инсонлар бунёд этган қорихоналар вақфномаларига хонлар ўз мухрини босганлар ва вақф мулкларини солиқдан озод қилганлар. Масалан, Султон Муродбек, Бобохўжа Шайх-ул-ислом, Азимхўжа Эшон, Мир Ниёз Эшон, Ҳазрат Бобо Оҳангарлар барпо этган қорихоналар вақфномаларига хонлар мухри қўйилган¹⁵⁹.

Султон Муродбек – Марғилон вилояти ҳокими, Худоёрхоннинг укаси; Бобохўжа Шайх-ул-ислом хон саройида диний ишларни бошқарган амалдор бўлган. Эшонлар – ўз даврининг зиёли кишилари, кўпчилиги илоҳиёт илмининг арбобларига берилган ҳазрат унвонига эга бўлиб, халқ орасида катта иззат-ҳурматга сазовор бўлган машҳур инсонлар. Вақфномаларида хонлар мухри бор бошқа қорихоналарни қурдирган шахсларнинг ҳам ўз хизмати билан халқ орасида юксак ҳурматга эришган тadbиркор инсонлар бўлгани, шубҳасиз.

Туркистон ўлкаси рус маъмурлари мусулмон диний ташкилотларини, жумладан, ислом ўқув юртларининг вақф мулки миқдорини, даромадини назорат қилиб, моддий жиҳатдан кучайиб кетганининг олдини олиш мақсадида 1880 йиллар бошида Туркистон генерал-губернатори вилоят бошқармаларига ҳар йили 1 январга мактаб, қорихона, мадрасалар рўйхатини ва улар ҳақида батафсил маълумот беришни буюрган. Шу топшириққа биноан Фарғона вилояти бошқармаси Марғилон уезди бошлиғидан уезддаги, Эски Марғилон полицеймейстеридан Эски Марғилон шаҳридаги вақф мулки бор ислом ўқув юртлири вақфи қачон таъсис қилингани, вақфномаси бор-йўқлиги, вақф мулки нимадан иборат экани, ундан келадиган йиллик даромад тўғрисида маълумот тайёрлаб, Тошкентга – ўқув юртлири бошқармасига, бир нусхасини вилоят бошқармасига юборишни талаб қилган. Марказий давлат архивида Эски Марғилон полицеймейстери 1907 йил 21 июнда вилоят бошқармасига юборган Эски Марғилон шаҳридаги вақф мулки бор мадраса, қорихона ва бошқа вақф ташкилотлари рўйхати сақланиб қолган. Бу ҳужжатдаги маълумотларга қараганда, Эски Марғилондаги Маткаримбой қорихонаси 1856 йилда ташкил бўлган, уни бунёд этган Маткаримбой 115 таноб ерни вақф қилиб берган. Қорихона мутаваллиси Қирғизбой хўжа Маткаримбоев ерни юкарага бериб, 1906 йилда 150 рубль даромад қилган. Вақф еридан олинган даромадди мутавалли вақфнома топшириғи бўйича сарфлаган. Одатда, мутавалли вақф да-

¹⁵⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-й., 23-в.

ромадининг 1/10 қисмини ўзи олиб, қолганини қорихона биносини таъмирлашга сарфлаган, ундан ортганини қорибоши ва қориларга бўлиб берган¹⁶⁰.

Бобохўжа Шайх-ул-ислом Марғилон шаҳрида қорихона бунёд этган. Бу қорихонага 1) хижрий 1277 (милодий 1860) йилда Домулла Бобохон хўжа қози аскар, Қози Мир Абдулқуддус ҳожи Лаган қишлоғидаги Янгиариқ деган жойдан, тахминан, 80 кеш ер участкасини вақф қилиб берган; 2) хижрий 1280 (милодий 1863) йилда қорихонага Бобохон хўжа Яхъё Ҳожи Лаган қишлоғини эҳсон қилган; 3) хижрий 1281 (милодий 1865) йилда Бобохон Шайх-ул-ислом ўзининг номидаги қорихонага Марғилон шаҳри бозоридаги иккита – бири сут растасида, бири пўстин растасида жойлашган дўқонни вақф қилиб васият қилган; 4) хижрий 1284 (милодий 1867) йилда мутавалли Мулла Ғиёсиддин хўжа қорихонага вақф қилиб берилган 34 тиллага Ашрбаз қишлоғидан битта ер участкасини қорихонага вақф қилиб сотиб олган; 5) хижрий 1289 (милодий 1872) йилда Бобохон Шайх-ул-ислом ва унинг рафиқаси Фазилат Пошша Аввал волости, Лаган қишлоғидаги Қақир дачасидан 38 десятинасини ва Найман волости Айрибозор қишлоқ жамоасининг Айрибозор дачасидан 2 десятина 1100 саржин ерни вақф қилиб беришган. Булардан ташқари, қорихонага 3 нафар фуқаро 7 адад Куръон эҳсон қилиб берган¹⁶¹. Қорихона вақфномаси 14 нафар қози, аълам, муфтийлар ва Худоёрхон мухри билан тасдиқланган. Қорихона вақфномасида вақф даромадини бинони таъмирлашга, қолганини 2 қисмга бўлиб, бир қисмини қорибошига, яна бир қимини эса қориларга бериш шарти белгиланган¹⁶².

Мадумар хожи қорихонаси 1871 йилда ташкил бўлган ва 72 ½ таноб ер, битта дўқон вақф қилиб берилган. Одатда, вақф мулки ҳада қилган одам мутавалли бўлади ва вафотидан кейин унинг авлодидан мутавалли тайинланади. Вақфномадаги кўрсатмага биноан, 1898 йилда Мадумар хожи вафотидан кейин унинг авлодидан хожи Охунд Мадумархожиев мутавалли этиб тайинланган. 1896 йилда вақф ери ва дўқон ижарага берилиб, 160 рубль даромад қилинган¹⁶³. 1871 йилда Марғилон шаҳрида бунёд этилган Улугбек қози қорихонасининг 15 таноб ери ва 140 рубль пули ижарага бери-

¹⁶⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 27-в.

¹⁶¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34729-й., 32-в.

¹⁶² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 4-в.

¹⁶³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 27-в.

либ, 55 рубль даромад қилинган. 1871 йилда барпо этилган Долибек халфа қорихонасининг 13 таноб ери ва 60 тилла пули бўлган. Қорихона мутаваллиси Мулла Абдулла Мулла Аҳадалиев 1906 йилда ерни ижарачи-чорикорларга, тиллани фоиз ҳисобидан ижарага бериб, 140 рубль даромад қилган. Қўқон хонлиги даврида Марғилон шаҳрида қурилган Шайх-ул-ислом қорихонаси 1872 йилда бунёд этилган. Шайх-ул-ислом унга 92 таноб ерни вақф қилиб берган. Вақф ери миқдори кўп бўлишига қарамай, кам ҳосил берадиган ер бўлгани учун 1906 йилда қорихона 42 рубль даромад олган. 1872 йилда қурилган Исмоил Махзум қорихонасининг 1 ½ таноб ери ва 2 та дўкони бўлган. Қорихона мутаваллиси Саъдулла қори Мулла Файзиев вақф мулкларини ижарага бериб фойдаланган. Жумладан, 1906 йилда вақф мулкидан тушган даромад 210 рубльни ташкил қилган. Йилда бир марта олинадиган ҳосилдан ташқари узлуксиз даромад келтириб турадиган дўконлари бўлгани, айниқса, уларнинг гавжум ерда жойлашганидан савдо кўп бўлгани боис Исмоил Махзум қорихонасининг йиллик даромади 210 рубльни ташкил этган¹⁶⁴.

Марғилон шаҳридаги Қўқон хонлиги даврида қурилган охириги қорихоналардан бири – Тўхтасинбой қорихонаси ҳисобланади. Ҳижрий 1290 (1874 милодий) йилда Марғилон шаҳрининг ўрғаҳол тадбиркори Тўхтасинбой хўжа Иброҳимов ўзи қурдирган қорихонага битта ер участкаси ва 10 тилла пул вақф қилиб бериш нияти борлигини маҳаллий қозиларга бориб айтган. Марғилон шаҳрининг Жўй Алмаан маҳалласидаги Тўхтасинбой қорихонасининг вақфномасини қозилар Мулла Юсуф аълам ва Муҳаммад Боболар тайёрлаб, ўз мухрларини босганлар¹⁶⁵. Шундан кейин бу вақфнома қонуний кучга эга бўлган. Вақфномада мутавалли вақф таъсис этувчининг ўзи, унинг вафотидан кейин эса авлодлари бўлиши белгиланган эди. Вақфномада Тўхтасинбой вақф қилиб берган ердан ва 10 тилла пулдан тушган даромаддан фойдаланиш тартиби қуйидагича белгиланган: мутаваллига вақф даромадини 1/10 қисмини ажратиб, қолганини иккига бўлиб, бир қисми қорибошига, иккинчи қисми қорихонада ўқиётган ўқувчиларга берилган¹⁶⁶. Мутавалли қорихона вақф мулкни ижарага берган ва ҳар йили тушган даромадини вақфнома кўрсатмасига асосан қорихона хизматчилари ва ўқувчиларга бўлиб берган.

¹⁶⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 29-в.

¹⁶⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34707-й., 5-в.

¹⁶⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34707-й., 5-в.

Султон Муродбек Марғилон вилоятининг ҳокими бўлиб турган даврида шаҳар марказида қорихона қурдириб, вақф мулки билан таъминлаган эди. Вақфномага Худоёрхон муҳри босилган бўлиб, муҳрда 1279 ҳижрий йили кўйилган эди. Демак, қорихона Султон Муродбек томонидан 1279 йилда ёки бир-икки йил олдин бунёд этилган бўлиши керак. Ҳижрий 1285 йилида Султон Муродбек қорихонаси ва масжидга ўзига тўқ мусулмонлар кўчмас мулклар қатори 4 та: Аввал, Мингтепа, Қорақитчи ва Ангор деган жойлардаги ер участкаларини вақф қилиб берганлар. Кейинчалик Қорақитчидаги ер участкаси даромад бермагани учун сотилган. Аввал волости Чаканачаб кишлоғидаги 69 десятина, Файзобод волости Ангор кишлоғидаги 6 десятина 800 саржин, Давқаророл кишлоғидаги 8 десятина 600 саржин экиладиган ерни деҳқонларга ижарага бериб фойдаланилган. Вақф ерларидан тушган даромад вақфномадаги кўрсатмага асосан, қорихона ходимлари ва ўқувчиларга бўлиб берилган. Биз юқорида рус маъмурлари, жумладан, ер-солик комиссарлари ер ўлчовчилар ёрдамида аниқланган мадраса қорихоналар вақф ерлари миқдори, даромади ҳақидаги маълумотларни келтирдик. Бу маълумотлар Кўкон хонлиги даврида ҳам шундай бўлганлиги, шубҳасиз. Шунинг учун биз Кўкон хонлиги давридаги мадраса, қорихоналар вақф ерлари, даромади ҳақида рус маъмурлари аниқлаган маълумотлардан фойдаландик.

Туркистон ўлкаси генерал-губернаторининг 1880 йилдаги фармойишига асосан, барча уезд бошлиқлари сингари Марғилон уезди бошлиғи ҳам ҳар йили Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига ислом ўқув юртлари тўғрисида маълумот жўнатиб турган. Шу маълумотнома нусхаси Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ҳам юборилган. Фарғона вилояти бошқармаси архив фондида Марғилон уезди бошлиғининг 1890 йил 7 майда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган ахборотида 1888 йилда Марғилон уездида 42 та мадраса ва 297 та мактаб бўлгани кайд этилган. Унда яна ўқув юрти қайси уезд, шаҳар, кишлоқда жойлашгани, мадраса ва мактаблар сони, улардаги ўқитувчи ва ўқувчилар сони, ҳар бир ўқув юртининг вақф мулки, ундан келадиган даромад, ўқув юртига жамоа берган ёрдам, ўқувчини ўқитганлиги учун қанча ҳақ тўлангани тўғрисида маълумотлар берилган.

Шунини айтиш керакки, Марғилон уезди ислом ўқув юртлари тўғрисидаги маълумотлар Андижон, Наманган ўқув юртлари тўғрисидаги ахборотлардан қисман фарқ қилади. Марғилон уезди

бошлигининг маълумотномасида мактаб ва мадрасаларнинг ташкил қилинган йили, ким ташкил қилгани, яъни мактаб ва мадраса номи кўрсатилмаган. Қишлоқнинг номи ва шу қишлоқда нечта – 1 ёки 2, 3 та мактаб борлиги айtilган. Мактабнинг ташкил қилинган санаси ёзилмагани сабабли у ёки бу мактаб қайси асрда бунёд этилганлигини аниқлаш имконияти йўқ. Аядижон ва Наманган уезди ўқув юртлиари рўйхатидаги ташкил қилинган йили кўрсатилган мактаблар XVI–XIX асрларга оид эканлигига асосланиб, Марғилон уезди ўқув юртлиари рўйхатидаги мактаблар ҳам ана шу даврда, яъни Қўқон хонлиги даврида бунёд этилган дейиш мумкин.

Марғилон вилояти ҳудудида Қўқон хонлиги ва ундан олдинги даврларда ҳам мактаблар бўлганини тасдиқловчи бошқа далиллар ҳам мавжуд. Жумладан, Эски Марғилон шаҳрида XIV асрда бунёд этилган Подшо Искандар мадрасаси XIX асрда ҳам фаолият олиб борган. Чунки мадрасага талабалар мактаб таҳсилни битиргач қабул қилинган. Ишонч билан айтиш мумкинки, Марғилон уездининг 1888 йилдаги ислом ўқув юртлиари рўйхатидаги мактаблари, асосан, Қўқон хонлиги ва ундан олдинги даврларда бунёд этилган. Фақат 3–4 фойизи Қўқон хонлиги тугатилганидан кейин, 1876–1888 йилларда барпо этилган бўлиши мумкин.

Қўқон хонлигининг Марғилон вилоятидаги мактабларни шаҳар ва қишлоқ мактабларига бўлиш мумкин. Шаҳар мактаблари қишлоқ мактабларидан қисман фарқ қилган. Шаҳар мактабларини, асосан, моддий томондан бақувват тадбиркор табақа вақиллари қурдирган. Бинолар кўп ҳолларда пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, кенг, ёруғ, яхши жиҳозланган бўлган. Шаҳар мактабларида мадрасаларда ўқиган, юқори малакали ўқитувчилар – домуллалар болаларга сабоқ берган. Шаҳар мактаблари қишлоқ мактабларига нисбатан вақф мулки билан яхшироқ таъминланган эди. 91 та шаҳар мактабидан 26 тасининг, яъни 28,5 фойзининг вақф мулки бўлган. 208 та қишлоқ мактабидан 9 тасининг, яъни фақат 3 фойизининг вақф мулки бўлган, холос. Вақф мулки бор мактабнинг биноси вақтида таъмирланган, шаронти яхши бўлган, хизматчиларни, домулласи етарли миқдорда маош олган, дарс сифати юқори бўлган, ўқувчилари қишлоқ мактаблари ўқувчиларига нисбатан чуқурроқ билим олган.

Марғилон вилоятининг Марғилон шаҳрида 88 та мактаб бўлган. Уларнинг 70 таси ўғил болалар, 18 таси кизлар мактаби

эди. Қизларни отин ойилар, асосан, ўзларининг уйларида ўқитган. Қизлар мактабларида ҳам ўғил болалар мактабларида ўқитиладиган дарслар ўтилган.

Барча шаҳар ўғил болалар мактабларида домулла маҳалла масжидининг имоми ёки сўфиси бўлган. Улар масжиддан мояна олганлари сабабли болаларни ўқитгани учун мактабдан алоҳида йиллик меҳнат ҳақи олмаган. Отин ойилар, имом ва сўфилардан фарқли ўлароқ, йиллик меҳнат ҳақи олганлар. Бироқ мавжуд одатга кўра ўқувчиларнинг ота-оналари домулла ва отин ойиларга икки хил — маҳсулот ёки пул билан совға қилишган. Ота-оналар фарзандларини биринчи бор мактабга ўқишга олиб келганларида ҳамда йил давомида ҳар пайшанба домуллага “пайшанбалик” совға қилган¹⁶⁷. Ота-она боласини биринчи бор ўқишга олиб келганида имкониятига қараб домуллага тўн ёки яхтак берган, “пайшанбалик” эса кўпроқ масаллик ёки бир-иккита ёпган нондан иборат бўлган.

Мактабда болалар бир китобни тугатиб, иккинчи китобни ўқишга ўтганда, ота-оналар имкониятига қараб домуллага 5–20 копеек миқдорда совға берган. Бу совға вақф мулки бор-йўқлигидан қатъи назар барча мактабларда, жумладан, қизлар мактабларида ҳам берилган.

Шаҳардаги вақф мулкига эга 26 та мактабда бир тўловнинг мазкур тури бир йилда бир ўқувчига ўртача 61 копеекни ташкил қилган. Домулла вақф мулки даромадидан ҳар бир ўқувчи учун 85 копеекдан нафақа олган. Домулла болаларни ўқитгани учун ота-оналардан ҳамда вақф даромадидан ўртача бир йилда бир ўқувчи учун 1 рубль 46 копеек меҳнат ҳақи олган. Вақф мулки йўқ мактаб домулллари ҳар бир ўқувчи учун йилига ўртача 1 рубль 4 копеек, қизлар мактабларида эса отин ойилар 1 рубль 11 копеекдан олганлар¹⁶⁸.

Қишлоқ мактаблари моддий жиҳатдан кам таъминланган, вақф мулки бор мактаблар оз бўлган. Бунинг асосий сабаби қишлоқларда шаҳарга нисбатан мактаб қуриб, вақф мулки ҳадя қиладиган бойбадавлат, тадбиркор инсонлар кам бўлган. Бу қишлоқларнинг ўзига хос бир томони бўлган. Юқорида таъкидланганидек, 7 та қишлоқдаги 9 та мактабнинг вақф мулки бўлган, холос. Марғилон уезди қишлоқларидаги вақф мулки бор мактаблар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

¹⁶⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 63–64-в.

¹⁶⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 64–66-в.

Марғилон уезди қишлоқларида вақф мулки бор мактаблар
1888 йилдаги маълумот¹⁶⁹

№	Қишлоқ номи	Мактаб сони	Домулла сони	Ўқувчи сони	Вақф мулки миқдори	Изоҳ
1	Файзобод волости Қорақалтак	1	1	10	4 таноб ер	Мактаб вақф ерини ижарага бериб, 19 рубль даромад қилган
2	Лаягар	1	1	14	4 таноб ер	ижарага бериб, 26 рубль 60 кодеек даромад қилган
3	Чимён волости Миндон	1	1	15	100 тилла пул	фойзга бериб, 20 тилла фойда қилган
4	Шарихон волости Кийикбой	1	1	12	4 таноб ер	ижарага бериб, 22 рубль даромад қилган
5	Чек Насриддинбек	2	2	17	14 таноб ер	ижарага бериб, 14 рубль даромад қилган
6	Ўрта Шаҳрихон	1	1	16	300 таноб ер	ижарага бериб, 280 рубль даромад қилган
7	Қорақалтак	2	2	30	4 таноб ер	ижарага бериб 4 рубль даромад қилган

Вақф мулки бор мактабларда домулла болаларни ўқитгани учун, одатда, вақф даромадидан мойна олган. Фақат вақф даромади оз, мактаб биносини таъмирлаш ва бошқа харажатлардан ортмаган тақдирдагина ота-оналар домуллага меҳнат ҳақи тўлаган. Марғилон уездидаги вақф мулки бор мактаблар орасида шундай мактаблар сирасига Файзобод волостининг Қорақалтак ва Шаҳрихон волостининг Қорақалтак қишлоғидаги мактаблар кирган. Бу мактабларнинг вақф

¹⁶⁹ Жадваллар Марғилон уездининг 1888 йил мактаблар рўйхатидаги маълумотлар асосида тузилган.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

даромади анча кам бўлган. Файзобод волости Қоракалтак қишлоғи мактабида 10 нафар ўқувчига бир нафар домулла дарс берган ва 4 таноб вақф еридан 19 рубль даромад қилган. Бу даромад мактаб харажатларидан ортмагани учун ота-оналар домуллага бир йилда 11 рубль пул йиғиб берган¹⁷⁰. Шахрихон волостининг Қоракалтак қишлоғидаги 2 та мактабда 30 нафар болаларга 2 нафар домулла сабоқ берган ва 4 таноб вақф еридан 4 рубль даромад олган. Мактаблар даромади жуда оз бўлганлиги сабабли ота-оналар домуллага болаларни ўқитганлиги учун бир йилда ҳар бир ўқувчига 1 рубль 20 копеекдан пул берган¹⁷¹.

Чимён волости Чимён қишлоғида 1888 йилда 1 та мадраса ва 6 та мактаб фаолият олиб борган. Мадрасанинг 1000 таноб экин экиладиган вақф ери бўлиб, ижарадан бир йилда 270 рубль даромад қилган. 6 та мактабда 6 нафар домулла 70 нафар ўқувчига сабоқ берган ва мадраса вақф даромадидан йиллик меҳнат ҳақи билан таъминланган [2.66].

Қишлоқ мактабларида ҳам одатга кўра ота-оналар фарзандини биринчи маротаба ўқишга олиб келганларидаги ва йил давомидаги “пайшанбалик” совғалардан ташқари бир китобни тугатиб иккинчисига ўтилганда ҳам пул йиғиб берганлар. Масалан, Ёзёвон волостининг 13 та ўғил ва 2 та қиз болалар мактабларида ўқувчилар бир китобни тугатиб иккинчисини бошлаганида ота-оналар домуллага 5–10 ва 15 копеекдан йиғиб берганлар. 2-жадвалда Ёзёвон волостидаги қишлоқ мактабларида домулланинг йиллик мойнаси кўрсатилган.

2.2-жадвал

1888 йилда Марғилон уезди Ёзёвон волости қишлоқларидаги мактаб домуллаларининг йиллик меҳнат ҳақи

№	Қишлоқ номи	Мактаб сони	Домул-ла сони	Ўқув-чалар сони	Ўқувчиларни ўқитгани учун ота-оналарнинг тўлови миқдори	
					Рубль	копеек
1	Гандундан	2	2	20	7	60
2	Хамрак	1	1	15	8	10
3	Қорасоқол	1	1	11	7	
4	Варзак	1	1	30	18	
5	Арабмозор	2	2	30	18	90

¹⁷⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 65-в.

¹⁷¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 65-в.

2-БОБ. Марғилон вилояти ислом ўқув юртлири

2.2-жадвалнинг давоми

6	Қоратела	1	1	25	16	50
7	Ёзёвон	1	1	20	7	
8	Қўрғонча	1	1	10	8	
9	Жўй бозор	1	1	15	6	90
10	Пыникан	1	1	13	7	50
11	Шомирза қишлоғидаги қизлар мактаби	2	2	15	10	59

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ота-оналарнинг тўлов миқдори қатъий белгиланмаган: ҳар қим имкониятидан келиб чиқиб, ўзига тўқ оила кўпроқ, камбағал оила озроқ ҳақ тўлаган. Шу сабабли ҳар бир болани ўқитгани учун домуллага тўланган ҳақ Ёзёвон волости қишлоқларида ҳар хил бўлган. Масалан, Қўрғонча қишлоғи мактабида ўртача бир ўқувчига бир йилда 80 копеек тўланган бўлса, бу кўрсаткич Арабмозордаги мактабда 63 копеек, Гандундандаги мактабда 38 копеек ва Шомирза қишлоғидаги қизлар мактабида 70 копеекка тўғри келган¹⁷². Худди шундай ҳол Аввал волости қишлоқларида ҳам кузатилади (3-жадвал).

2.3-жадвал

1888 йилда Марғилон уезди Аввал волости қишлоқларидаги мактаб домуллаларининг йиллик меҳнат ҳақи

№	Қишлоқ номи	Мактаб сони	Домулла сони	Ўқувчилар сони	Ўқувчиларнинг ўқитилганлиги учун ота-оналарнинг тўлови миқдори	
					Рубль	Копеек
1	Аввал	5	5	34	54	40
2	Лаган	2	2	50	80	
3	Қўйи Учқўрғон	1	1	20	16	
4	Юқори Учқўрғон	4	4	25	40	
5	Муян	2	2	22	35	20
6	Қўшқарчи	1	1	14	22	40
7	Бешбола	2	2	18	28	80
8	Жўйдам	2	2	20	32	

¹⁷² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 64-в.

Жадвалдаги маълумотлар шундан далолат берадики, Аввал волостининг 8 та қишлоғидаги 19 та мактабда 19 нафар домумла 203 ўқувчига сабоқ берган. Ота-оналар фарзандларини ўқитгани учун жами 309 рубль йиғиб берган. Ҳисоблаб чиксак, бир нафар болани ўқитиш учун ота-оналар тўлови бир йилда ўртача 1 рубль 52 копеекка тўғри келади. Бу кўрсаткич қишлоқларда бир-биридан фарқланган: Аввал қишлоғида ўртача 1 рубль 59 копеек, Лаганда – 1.60 рубль, Қуйи Учқўрғонда – 1,25, Юкори Учқўрғонда – 1.60, Муянда – 1,59, Қўшқарчида – 1,59, Бешболада – 1,55, Жўйдамда – 1,60 рубль ҳақ олинган. Демак, 1888 йилда Аввал волостининг 8 та қишлоғидаги мактабларда домумлага ота-оналар тўлови ҳисобига тегадиган йиллик меҳнат ҳақи ўртача 16 рубль 60 копеекни ташкил қилган¹⁷³.

Марғилон уездининг Ичкилик волостида 3 та қишлоқ бўлган. Бу қишлоқларда қадимдан домумлага болани ўқитганлиги учун бир йилда 1 рубль бериш одат бўлган. 1888 йилда Жулга қишлоғидаги мактабда 8 нафар ўқувчига бир нафар домумла дарс берган. Ота-оналар домумлага бир болани ўқитгани учун бир йилда 1 рубльдан тўлаб, 8 нафар бола учун 8 рубль йиғиб берган. Шунингдек, Хўжа Арик қишлоғидаги 6 та мактабда 6 нафар домумла 60 нафар ўқувчига сабоқ бергани учун ота-оналар 60 рубль тўлаган. Кўкжар қишлоғида эса 7 нафар домумла 70 нафар болага сабоқ бергани учун 70 рубль тўлаб берилган¹⁷⁴.

Худди шунингдек, Кува волостидаги 6 та қишлоқда ҳам домумлага ота-оналар фарзандини ўқитгани учун йилига бир рубль бериш одат бўлган. Кува, Сойкелди, Султонобод, Бекобод, Толмозор, Мирза қишлоқларидаги 7 та мактабда 7 нафар домумла 1888 йилда 104 ўқувчига таълим-тарбия берган ва 104 рубль меҳнат ҳақи олган¹⁷⁵.

Аравон волостининг Аравон қишлоғидаги 6 та мактабда 6 нафар домумла 50 нафар ўқувчига, Тепакўрғонда 1 та мактабда 1 нафар домумла 20 нафар болага сабоқ берган. Ота-оналар домумлага фарзандларини ўқитгани учун топганини берган. Айримлари пул, бошқалари галла, айрим ҳолларда эски, кийилган тўнни ҳам совға қилиб берганлар. Аравон волости тоғли ҳудуд бўлгани учун бу қишлоқлар аҳолиси моддий жиҳатдан нисбатан оғир ҳолатда бўлса керак, шу сабабли кўпчилик қишлоқлардагидек домумлага пул эмас, хар ким топганини берган.

¹⁷³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 65-в.

¹⁷⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 67-в.

¹⁷⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 69-в.

Айрим волостларда, ғаллакор ҳудудлар бўлса керак, домулланинг болаларни ўқитгани учун ота-оналар ғалла билан ҳисоб-китоб қилганлар. Масалан, Қўқонқишлоқ волостининг 6 та қишлоғидаги 11 та мактабда 11 нафар домулла 74 нафар болага таълим-тарбия берган. Суфан қишлоғида битта мактаб бўлган, унда 11 нафар ўқувчига бир нафар домулла дарс берган. Ота-оналар бир нафар болани ўқитгани учун домуллага бир йилда бир пуд ғалла берган.

Калача қишлоғидаги мактабнинг 7 нафар, Чермак қишлоғидаги мактабнинг 10 нафар боласига бир нафардан ўқитувчи дарс берган. Ҳар иккала қишлоқдаги ўқувчиларнинг ота-оналари домуллага бир йилда бир бола учун 1 пуд 10 фунт¹⁷⁶ ғалла берган. Валик қишлоғида 3 нафар домулла 18 нафар болага дарс берган, ота-оналар ҳар бир фарзанди учун домуллага бир йилда 1 пуд 20 фунт; Катта Қишлоқдаги 8 нафар ўқувчига дарс берган домулла бир йилда бир бола учун 2 пуд; Хонободдаги 4 та мактабда 20 нафар ўқувчига дарс берган 4 нафар домуллага бир бола учун 2 пуд 5 фунт ғалла берилган¹⁷⁷.

Кулла волости ғаллакор ҳудудда жойлашгани, аҳоли ғалла етиштириш билан шуғуллангани сабабли ўқувчиларнинг ота-оналари домуллага болаларни ўқитгани учун ғалла берганлар. Қўқонқишлоқ волостидаги қишлоқлар аҳолисидан фарқли ўларок, Кулланинг ҳар бир қишлоғи аҳолиси домулланинг меҳнат ҳақини қатъий бир миқдордаги ғалла билан тўламаган. Кулла волости Кулла, Саидобод, Бешкал ва Қорақўрғон қишлоқларидаги 6 та мактабда 71 нафар болага 6 нафар домулла дарс берган. Ота-оналар домуллага болаларини ўқитгани учун ҳар ким имкониятига қараб, ким бошқа қишлоқларда тўлаганига нисбатан кўпроқ, кимдир озроқ ғалла берган¹⁷⁸. Домуллага қатъий бир миқдорда пул ёки ғалла бериш қондаси бўлмаган, ҳар ким топганини берган. Бошқаларга нисбатан оз ғалла берган ўқувчининг ота-онасидан домулла норози бўлмаган, эътироз билдирмаган. Ўша даврларда одат шундай бўлган. Домулланинг меҳнат ҳақи бир меъёردа бўлмаган.

Марғилон уезди мактабларидаги таълим-тарбиянинг ўзига хос яна бир томони шундаки, юкорида ёзганимиздек, шаҳар мактабларининг барчаси ва қишлоқдагиларининг кўпчилигида мактаб жойлашган маҳалла масжиди имоми ёки сўфиси ўқувчиларга дарс

¹⁷⁶ Фунт — кадоқ, 409,5 граммга тенг.

¹⁷⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 65—67-в.

¹⁷⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 69—70-в.

берган. Ёзёвон волостининг 9 та қишлоғидаги 12 та мактабнинг барчасида, Қўқонқишлоқ волостининг 6 та қишлоғидаги 11 та мактабда масжид имомлари муаллимлик қилган ва болаларни ўқитгани учун ҳақ олган¹⁷⁹.

Марғилон вилояти мактабларини Қўқон хонлигидаги бошқа мактаблар сингари ўртаҳол мулкдорлар, тадбиркорлар қурдириб берган. Айрим ҳолларда масжид, мадраса бунёд этган хоннинг амалдорлари, тадбиркорлар, заминдорлар улар қошида мактабхоналар ҳам қурдирган. Барча шаҳар маҳаллаларида, ҳамма қишлоқларда мактаблар барпо этилган ва мўмин-мусулмонларга фарзандларини ўқитиш учун эҳсон қилиб берилган. Бу мактабларнинг қачон қурилгани кўрсатилмаган. Марғилон уездида 1888 йилда мавжуд 297 та мактабнинг асосий қисми XVI аср – 1875 йилларда, яъни Қўқон хонлиги ва ундан олдинги даврда барпо этилганига шубҳа йўқ. Ҳар бир қишлоқда, шаҳар маҳалласида масжид ва мактаб бўлган. Масжид имом-хатиблари қавмларига жума намозларидаги ваъзаларида Қуръон ва Ҳадислар ғояларини, мазмун-моҳиятини, жумладан, ҳар бир мусулмон ва муслима учун илм ўрганиш фарз, бешикдан то қабргача илм излаш суннатлигини шарҳлаб, ота-оналар ўз фарзандларини мактабда ўқитиши, илмли қилиши шарт деб тушунтирганлар.

Ислом дини арбоблари қадимдан аҳоли орасида болаларга билим бериш, мактабларда ўқитиш шарт эканлигини ташвиқот қилиб борганлари учун мусулмон оилаларида болаларини ўқитиш одатга айланиб қолган. Ота-оналар ўз фарзандини, албатта, мактабда ўқитиб, саводли қилиш, ислом дини асосларини ўргатиб қўйишни ўзининг бурчи деб ҳисоблаган. Қўқон хонининг шариат қонуи-қоидалари бажарилишини назорат қилувчи хизматчиси – раис маҳаллаларда, қишлоқларда ота-оналар фарзандларини ўқитишини ҳам назорат қилиб борган. Хон саройидаги Шайх-ул-ислом Қуръоннинг мусулмонлар илм ўрганиши, илмли бўлиши тўғрисидаги кўрсатмасини бажариш учун имом-хатиблардан масжидларда ва халқ орасида ота-оналарга болаларини мактабда ўқитиш зарур эканлигини тушунтириб боришни талаб қилган. Қўқон хонлигининг сиёсий-ижтимоий, маданий-маънавий шароитида мусулмонларнинг ислом динига эътиқоди баланд бўлган. Улар Қуръон ва Ҳадислар кўрсатмаларини, шариат қонун-қоидаларини, жумладан, фарзандларни илмли, саводли қилиш тўғрисидаги талабини ҳам сўзсиз бажарганлар. Маҳалла,

¹⁷⁹ ЎЗР МДА. И-19-ф., 1-р., 12554-й., 66–67-в.

2-БОБ. Марғилон вилояти ислом ўқув юртлари

қишлоқлардаги барча оилалар фарзандларини мактабга ўқишга бергани учун хонлик вилоятларида мактаблар сон кўп бўлган. Келтирилган маълумотлар совет органлари томонидан октябрь тўнгаришига қадар ўзбек халқининг атиги икки фоизигина саводли бўлган қабилидаги даъволари асоссиз эканлигининг далилидир.

3-БОБ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МАДРАСА, ҚОРИХОНА ВА МАКТАБЛАРИ

3.1-§. Андижон вилояти мадрасалари

Ўзбек халқи қадимдан саводхон халқ бўлган. Буни Андижон мактаб, қорихона ва мадрасалари тўғрисида келтирилган архив маълумотлари ишончли тасдиқлайди. Андижон вилоятида XV–XVI асрларда мадраса, мактаблар бўлганлиги хақида хужжатлар мавжуд. 1586 йилда Балиқчиннинг Гуровон қишлоғида Хўжа Назир Оталик мактаби фаолият юритганлигидан, ҳижрий 994 (милодий 1585–1586) йилда Абдуллахон II Избоскан қишлоғида Оқ мазор мадрасасини бунёд этганлигидан хужжатлар гувоҳлик беради.

Ўқув юрлари рўйхатида кўрсатилишича, 1826–1873 йиллар ичида Қўқон хонлигининг Андижон вилоятида 26 та мадраса барпо этилган. Шулардан 16 та мадраса Андижон шаҳрида, қолганлари йирик қишлоқларда барпо этилган. Хонлик даврида қуйидаги мадрасалар қурилган ва фаолият кўрсатган: Абдурахмон Офтобачи, Абдуҳолиқбой, Азимхўжа Мирзахўжа Эшоннов, Бердихўжабек, Боқибой, Жоме, Зулфиқорбек, Зуннунбек, Исо Додхоҳ, Мулла Абду-саттор, Мулла Олимқул, Мусулмонқул, Мухаммад Раҳим, Мухаммад Холик, Насриддинбек, Оқ масжид, Тағшигин, Тоғайхўжа, Чувама, Чуқур масжид, Ўринбой, Кўкон қишлоқ, Холбек Кушбеги¹⁸⁰.

Бу мадрасалар ўрта ва олий ўқув юрти даражасида бўлган. Улар давлат ва диний ташкилотлар учун кадрлар тайёрлаган. Андижондаги мадрасалар Бухоро, Қўқондагиларга нисбатан кичик бўлган. Талабалар сони кўпчилик мадрасаларда 20 нафар атрофида бўлиб, даромадлари 50–200 рубльдан ортамаган. Даромади оз мадрасаларда битта мударрис дарс берган. Қўқон хонлигининг катта амалдорлари – Исо Додхоҳ, Холбек Кушбеги, Маҳмуд Дастурхончи, Мусулмонқул, Насриддинбек, Абдурахмон Офтобачи Андижонда қурдирган мадрасаларда вақф мулки, даромади, талабалари ва мударрислари кўп бўлган.

¹⁸⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34239-й., 3–6, 13-в.

Андижон уезди бошлиғининг 1887 йилдаги ўқув юртлари рўйхатида уезддаги мадрасалар тўла ҳисобга олинмаган. Хужжатлар гувоҳлик беришга Андижон шаҳар ва қишлоқларида 40 тадан ортиқ, 50 тага яқин мадрасалар бўлган. Фарғона вилояти уездлари бўйича “Туркистон ўлкасида ер-солик тизимини жорий қилиш Қоидалари”нинг 6 моддасига асосан, Фарғона вилояти бошқармасига вақф хужжатларини топширган вақф ташкилотлари рўйхати (1887–1895 йил) номли архив хужжатида Андижон уездида 41 та мадраса ҳисобга олинган. Бу хужжат ўта муҳим бўлганлиги ва мадрасалар сони тўғрисида нисбатан тўла маълумот берганлиги учун уни тўлалигича келтираемиз. Андижон шаҳри мадрасалари: 1. Абдурахмон парвоначи. 2. Абдуҳолиқ бой. 3. Бобо Саъиддин мазори ёнида. 4. Боқи Муҳаммадбой. 5. Берди хўжа. 6. Домулла Абдусаттор Охунд. 7. Домулла Муҳаммад Раҳим аълам (Чунтак). 8. Девонабой. 9. Зулфиҳорбек. 10. Исабек Меҳтор. 11. Иса Додхоҳ. 12. Қамбарбий. 13. Маҳмуд Дастурхончи. 14. Мир Мўминбой. 15. Мулла Ашур Муҳаммад Халфа. 16. Мулла Муҳаммад Раджаб. 17. Мулла Салоҳиддин. 18. Хўжа Тўра маҳалласи. 19. Насриддинбек. 20. Пойдевор. 21. Раҳмонкулбий. 22. Собир Хўжа Тўра маҳалласи. 23. Тоғай Хўжа. 24. Чуқур Масжид. 25. Яркинбой. 26. Оқ-Булоқ қишлоғи мадрасаси. 27. Ойим қишлоқдаги Мулла Абдусаттор Охунд мадрасаси. 28. Балиқчи қишлоғидаги Хожи Розикбой мадрасаси. 29. Қайрма деган жойдаги мадраса ва жоме масжиди. 30. Қорасу мадрасаси. 31. Қорасувдаги Али Қули мадрасаси. 32. Қўқон-Қишлоқ қишлоғидаги Муҳаммад Раҳим мадрасаси. 33. Сузак қишлоғидаги Хотамкул Додхоҳ мадрасаси. 34. Ўзган қишлоғидаги Араббой Тўра мадрасаси. 35. Хайробод қишлоғидаги Тоғайбой Хўжа мадрасаси. 36. Ҳакан қишлоғининг Маҳмудалибой маҳалласидаги мадраса. 37. Хортум қишлоғидаги мадраса. 38. Хўжаобод қишлоғидаги катта масжид ёнидаги мадраса. 39. Хўжаобод қишлоғидаги Домулла Муҳаммад Тоҳир Махзум мадрасаси. 40. Янги Қишлоқ қишлоғидаги Мусулмонкул мингбоши мадрасаси. 41. Чинобод қишлоғидаги Эски Марғилон шаҳри фуқароси Муҳаммад Мусо Охунд мадрасаси¹⁸¹.

Бу Андижон уезди мадрасалари рўйхатида қайд қилинган 10 ва 11 рақамлар билан белгиланган Исабек Меҳтор ва Иса Додхоҳ мадрасаларини битта мадраса, 18 ва 40 рақамлар билан кўрсатилган Мусулмонкул мадрасалари битта мадраса эканлигини ҳисобга олсак рўйхатда 41 та эмас 39 та мадраса бўлганлигини аниқлаймиз. Мазкур рўйхат айрим

¹⁸¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-й., 1-8-в.

камчиликларига қарамай Андижон шаҳрида 24 та, қишлоқларида 15 та мадраса мавжудлигини исботловчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. Рўйхатда айрим мадрасалар номни аниқ берилмаган. Мадрасалар номидан ташқари бошқа маълумот берилмаган. Шунга қарамай Андижон уезди мадрасалари сони тўғрисида 1895 йилдан илгариги мадрасалар рўйхатига нисбатан тўлароқ маълумот беради. Шунингдек, Андижон шаҳридаги, қишлоқларидаги мадрасалар номини кўрсатади.

Андижон уезди мадрасалари рўйхатидаги 39 та мадрасаларининг деярли асосий қисми, шубҳасиз, Қўқон хонлиги даврида ташкил бўлган. Фақат айрим мадрасалар Қўқон хонлиги тугатилгандан кейин бунёд этилган. Мир Мўминбой хижрий 1303 (милодий 1886) йилда барпо этилган¹⁸².

Рўйхатда кўрсатилган Андижондаги 39 та мадраса ҳам тўла эмас. Бу рўйхатда В.П.Наливкин рўйхатларидаги бир катор мадрасалар ҳисобга олинмаган. 1887–1895 йилларда рўйхатга олинган Андижон мадрасалари орасида В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили тузилган мадрасалар рўйхатидаги Холбек Қушбеги, Оқ Масжид, Қувватбек бий мадрасалари, 1893 йилдаги мадрасалар рўйхатига киритилган Маҳмудалибой, Чувама, Тош Кичик қишлоқлари мадрасалари ҳисобга олинмаган. Бундан ташқари Фарғона вилояти бошқармасига вақф ҳужжатларини текшириш учун топширмаган ва кейинги йилларда янги қурилган, 1887–1895 йилларда тузилган рўйхатга ёзилмаган мадрасалар бўлиши мумкин. Масалан Луғумбек қишлоғида Абдуллахон томонидан 1585–1586 йилларда бунёд этилган Оқ Мозор мадрасаси Фарғона вилояти бошқармасига ҳужжатларини топширмаган ва натижада мадрасалар рўйхатига киритилмаган. Бу далилларга асосланиб хулоса қилиш жоизки, XIX аср охирида Андижон уездида, шунингдек, Қўқон хонлигида ҳам 50 та агрофида мадрасалар бўлган.

Фарғона вилояти бошқармасига вақф ҳужжатларини топширган вақф ташкилотлари рўйхатидаги 39 та мадрасалар номлари берилган, холос. Андижон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти бошқармасига жўнатган “1887 йилдаги Фарғона вилояти Андижон уезди ўқув юртлиари рўйхатида 27 та мадрасалар тўғрисида уларни номидан ташқари айрим қўшимча маълумотлар берилган. Бу ҳужжатда 27 та мадрасанинг ташкил бўлган йили, ўқитувчилар, талабалар сони, ҳар бир мадрасанинг 1887 йилдаги харажати, қайси шаҳарда, қишлоқда жойлашганлиги кўрсатилган. В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили тайёр-

¹⁸² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34186-й., 3–5-в.

ланган Фарғона вилояти мадрасалари рўйхатида Андижон шаҳри ва қишлоқларидаги 24 та мадраса ҳисобга олинган. Бу ҳужжатда ҳар бир мадрасанинг ташкил бўлган йили, дарсхонаси, ҳужралари сони, вақф мулклари, мударрислар, мутаваллилар сони, уларнинг йиллик маоши, талабалар нафақаси каби маълумотлар берилган. Шунинг учун биз тадқиқотда бу ҳужжатларга кўпроқ мурожаат қилганмиз.

Шу кунга қадар олиб борган тадқиқотларимиз Андижон шаҳрида 1808 йилда барпо этилган Раҳмонқулибий мадрасаси ҳужжатлар билан тасдиқланган энг кўҳна мадраса, деган ҳулосага олиб келган эди. Бироқ Андижон вилоятида 1585–1586 йилларда бунёд этилган Оқ мазор мадрасаси тўғрисидаги архив ҳужжатларининг топилиши илгариги фикримизни ўзгартирди ва катта янгилик бўлди. Бу янги топилган ҳужжат Андижон мадрасалари биз ўйлагандан кўра қадимийроқ эканини исботлайди. Ушбу мадраса тўғрисидаги ноёб ҳужжатлар ва улардаги қимматли маълумотлар ҳақида батафсил тўхталмоқчимиз.

Оқ мазор мадрасаси Андижон вилоятининг Луғумбек қишлоғида 1585–1586 йилларда Абдуллаҳон II томонидан бунёд этилган. Луғумбекда ўтган машҳур инсонлардан бири Ҳазрат Саййид Қутбиддин Аҳмад шайх бўлган. Луғумбекда унинг Оқ мазор номли мазори, даҳмаси мавжуд. Улуғ шайхнинг руҳини шод қилиш учун унинг мазорида хон, бадавлат, саҳий инсонлар масжид, мадраса, қорихона барпо этганлар. Жумладан, Оқ мазор мадрасаси ҳам Ҳазрат Қутбиддин Аҳмадга бағишлаб унинг мазорида қурилган.

Ўрта Осиёда, хусусан, Фарғона vodiysida диний илмлар соҳасида шуҳрат қозонган кишилар кўп бўлган. Луғумбек қишлоғида XV–XVI асрларда яшаб ўтган Қутбиддин Аҳмад ҳам шундай кишилардан бўлиб, у улуг Шайх деган унвонга эришган. У ўз даврининг улуг алломаларидан бўлганлиги учун вафотидан сўнг мазор, мақбара қурилган. Хонлар унга бағишлаб ёзиб қолдирган ёрлиқларида Қутбиддин Аҳмадни ҳазрат, улуг шайх деб эъзозлаганлар. Шайх – диний илмлар билимдонларига бериладиган унвон. Шулардан кўринадики, Қутбиддин Аҳмад замонасининг юкори мақомдаги мусулмон руҳонийлари вақили бўлиб, халқ орасида катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Қутбиддин Аҳмаднинг ҳурматини ўрнига қўйиш ва мазорини обод қилиш учун хонлар, йирик мулкдорлар масжид, мадраса, қорихона ва бошқа маданий ўчоқларни бунёд этганлар. Мазор ва ундаги вақф ташкилотларини, хизматчилар (ҳазратнинг авлодлари)ни моддий томондан таъминлаш, ишларини юритиш учун катта миқдорда мулклар, асосан, экин экиладиган ер-

лар вақф қилинган. Мозорнинг вақф ерларини солиқдан озод қилиш тўғрисида ҳижрий 1016 (милодий 1607) йилда Абдулмажид Султон Баходир томонидан берилган иноятнома (ёрлик) Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда. Мазкур ҳужжатда шундай дейилган: “Барчанинг маълумоти учун эълон қилинадикки, улуг Шайх Кутбиддин Аҳмад авлодига олдинги йиллар намунаси бўйича Зурзумнинг ғалла экиладиган ерлари ариқлари билан мулк қилиб бириктирилади ва барча амалдорларга амр қилинадикки, уларга зарар-зиён етказилмасин, бирор нарсада ташвишлантирилмасин. Работак ерлари барча сугориладиган ариқлари билан авлодий мулк қилиб беришга амр қилинади”¹⁸³. Бу ҳужжатдан кўриниб турибдики, мазор 1607 йилдан илгарироқ вақф мулкларига эга бўлган ва аввалги хонлар томовидан ҳам солиқдан озод қилинган. Зурзум ва Работак ерлари мазорнинг вақф мулки бўлган. Россия империяси Кўқон хонлигини босиб олганидан кейин хазрат Кутбиддин Аҳмад мозоридаги диний ташкилотларга қарашли вақф ерлари рус маъмурлари томонидан 1894 йилда ўлчаниб, 882 десятина (бир десятина 1,09 гектарга тенг – И.А.) экани аниқланган¹⁸⁴. Оқ мазор руслар босиб олганига қадар беш аср давомида мусулмонларнинг маълум ва машхур, табаррук зиёратгоҳи бўлган.

Бу муқаддас зиёратгоҳда Кутбиддин Аҳмад мақбарасидан ташқари, масжид, мадраса, қорихона ҳам бўлган. Қуйида Оқ мазордаги мадраса тўғрисида тўхталамиз.

Россия империясининг Туркистондаги маъмурлари марказнинг топшириғи билан диний ташкилотларга тегишли вақф мулкларини тортиб олишни, диний ташкилотлар тасарруфидан чиқариб давлат мулкига айлантиришни, вақф ерларидан олинадиган солиқни давлат хазинасига туширишни мақсад қилган эди. Шу мақсадда вақф мулклари доимо назорат қилиб борилган. Туркистон генерал-губернаторининг талабидан келиб чиқиб, Фарғона вилояти бошқармаси 1906 йил 28 октябрда барча уезд бошликлари ва полицеймейстрларга фармойиш юбориб, уездлар ҳузуридаги вақф ташкилотлари ва уларнинг вақф мулклари ҳақида маълумот беришни талаб қилган. Вилоят бошқармаси ушбу вақф қачон таъсис қилингани, қандай ҳужжатлари борлиги, ҳужжатлар вилоят бошқармасига топширилган-топширилмагани, вақф мулклари нималардан иборат экани, йилда қанча даромад келтириши, мутаваллиси кимлиги, қачон ва

¹⁸³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34261-й., 5-в.

¹⁸⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34261-й., 25-в.

ким томонидан тайинланганлиги ҳақидаги маълумотларни жўна-тишни сўраган¹⁸⁵.

Ҳар бир уезд бошлиғи вилоят бошқармаси сўраган маълумотлар-ни жадвал шаклидаги ҳужжатда юборган. Андижон уезди бошлиғи 1907 йил 21 апрелда Андижон шаҳри ва унинг уезди бўйича қора вақф ва оқ вақфлар тўғрисида маълумотлар жўнатган. Жадвалда ҳар бир масжид, мадраса, қорихона, мазор ва бошқа диний ташкилот-лар ҳақида бошқарма сўраган маълумотларни, жумладан, Оқ мазор мадрасаси ҳақида ҳам маълумотларни баён этган. Жадвалда Оқ мазор мадрасаси ва бошқа вақф ташкилотларининг вақф мулки таъсис этилган йил, вақф ҳужжатлари бор-йўқлиги, вақф мулкидан келадиган даромад ва бошқа маълумотлар берилган. Бу маълумотлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, вақф мулки таъсис этилган йил, одат-да, вақф ташкилот бунёд этилган йилга тўғри келади. Шундан келиб чиқиб, Оқ мазор мадрасаси унга вақф мулки таъсис этилган ҳижрий 994 (милодий 1585–1586) йилда ташкил бўлган, деб ҳисоблаш мум-кин. Қуйидаги жадвалда Оқ мазор мадрасасига тегишли маълумотлар келтирилган. Ҳужжат аслида қандай бўлса шундайлигича берилди.

Сведения об ак вақфах (обеленных) по гор. Андижану и его уезду¹⁸⁶

Место нахож-дений названия вақфа	Когда и кем учреж-ден вақф	Имеет ли доку-мент	Были ли документы представ-лены в областное правление	Какой имеет вақф-ное иму-щество	Какой прино-сить ежегод-ный доход	Кто мута-валли, кем утверж-ден и когда
Ак вақф мадрасе Ак-мазар	Абдулла-ханом 994 г. хидж-ри	имеет	представ-лен	4400 тана-бов земли	400 руб.	Азиз Ходжа Мирза Ход-жаев, в 1836 г.

Начальник уезда полковник подпись

Секретарь подпись

Письмоводитель подпись^{187}*

Жадвалдаги маълумотлар жуда қисқа, ихчам, изоҳсиз ёзилган. Шунинг учун бу маълумотларга изоҳ бериб ўтамиз. Жадвалнинг биринчи устунидаги “Вақф номи ва жойлашган ўрни” деган саволга

¹⁸⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 4-в.

¹⁸⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 190–191 в.

¹⁸⁷ Имзоларин ўқиб бўлмади.

“Оқ мазор мадрасасининг оқ вақфи” деб жавоб ёзилган (хон томонидан иноятнома берилиб, солиқдан озод қилинган вақфлар оқ вақф, солиқдан озод қилинмаганлари қора вақф деб юритилган -- И.А.), “Оқ мазор-мадраса” деганда айни пайтда Ҳазрат Қутбиддин Аҳмад мазори, даҳмаси жойлашган жой назарда тутилади, мазор Оқ мазор деб номланган, шунга кўра у ердаги мадраса номи жой номи билан боғлиқ ҳолда Оқ мазор мадрасаси деб номланган. Ўз даврида шундай номланганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Одатда, қишлоқларда жойлашган мадраса, масжидлар шу қишлоқ номи билан аталган. Демак, жадвалнинг биринчи устундаги маълумотларни қисқача “Оқ мазордаги мадрасанинг оқ вақфи” деб тушуниш керак.

Жадвалнинг иккинчи устундаги “Вақфни ким ва қачон таъсис қилган” деган саволга “Ҳижрий 994 йили Абдуллахон томонидан” деб жавоб ёзилган. 994 ҳижрий йил 1585–1586 милодий йилларга тўғри келади. Демак, Абдуллахон мадрасани 1585–1586 йиллар орасида қурдирган экан. Абдуллахон деганда, Шайбонийлар сулоласига мансуб 1534–1598 йилларда яшаб фаолият юритган Бухоро хони Абдуллахон II тўғрисида гап бормокда. У 1557–1598 йилларда Бухорода ҳукмронлик қилган. Абдуллахон Бухоро хонлигида марказий ҳокимиятни мустақкамлади, Фарғона водийсини, Тошкент, Сайрам, Туркистон, Балх, Хоразм ва бошқа жойларни босиб олди. У Бухоро хонлигини кенгайтириш билан бирга, иқтисодиёт ва маданият ривожига, илм-фан, адабиёт тараққийсига ҳам катта эътибор берди. Хонликда кўплаб мадраса, мактаб, қорихоналар қурдирди. Абдуллахон, шу жумладан, ҳижрий 994 йили Андижон вилояти Луғумбек қишлоғидаги Ҳазрат Қутбиддин Аҳмаднинг мазорида ҳам мадраса қурдирган эди.

Учинчи устундаги “Ҳужжати борми?” деган саволга “Бор” деб жавоб ёзилган. Бу ўринда гап Оқ мазор мадрасасининг вақф ҳужжатлари тўғрисида бормокда. Одатда, ҳар бир мадрасанинг вақф мулкига тузилган вақфномаси ҳамда ушбу вақф мулки хон томонидан солиқдан озод қилинган бўлса, бу ҳақда хоннинг иноятнома-ёрлиғи бўлган. 3-устунда ана шу ҳужжатлар бор-йўқлиги хақида сўралмокда. Берилган жавобдан маълум бўладики, Оқ мазор мадрасасининг вақфномаси ва хон томонидан берилган иноятномаси бўлган. Вақф ҳужжати бор деганда, асосан, вақфнома борлиги назарда тутилади. Иноятнома ҳамма мадрасаларда ҳам бўлавермайди. Юқорида айтганимиздек, қора вақфли мадрасаларда иноятнома бўлмаган. Оқ мазор мадрасасининг вақф ерлари оқ вақф ҳисобланган.

Бу ҳақда 1-устунда айтиб ўтилган. Демак, Оқ мазор мадрасасига қаршли вақф мулкнинг солиқдан озод қилингани тўғрисида хон иноятномаси бўлганлиги, шубҳасиз.

Жадвалнинг 3-устунидаги ихчам маълумотдан аниқ бўладики, мадрасанинг вақфномаси ҳам, иноятномаси ҳам бўлган.

Тўртинчи устундаги “Вилоят бошқармасига хужжатлар топширилганми?” саволига “Топширилган” деган жавобдан маълум бўладики, мадрасанинг вақфнома ва иноятнома хужжатлари Фарғона вилояти бошқармасига тақдим этилган. Россия императори 1886 йилда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”нинг 267-моддасида Фарғона вилояти бошқармасига вақф хужжатларини текшириш вазифаси топширилган эди¹⁸⁸. Бундан мақсад вақф ташкилотлари тасарруфидаги вақф ерларини Россия давлати ихтиёрига ўтказиш бўлган. 1886 йил охирида Россия ҳукумати тасдиқлаган “Туркистон ўлкасида ер-солиқ тизимини жорий қилиш Қондалари”да вақф ташкилотлари вақф ҳуқуқини тасдиқловчи хужжатларини қондалар эълон қилинган кундан кейин 6 ойдан кечикмай вилоят бошқармаларига топшириши кераклиги кўрсатилган эди. Шу муддатдан кечикиб топширилган вақф хужжатлари ноқонуний ҳисобланади, дейилган. Мазкур қондаларга асосан Оқ мазор мадрасаси вақф хужжатлари ҳам Фарғона вилояти бошқармасига текшириш учун топширилган.

Бешинчи устундаги “Қандай вақф мулклари бор” саволига “4400 таноб ер” деб жавоб қилинган. Оқ мазор мадрасаси вақф мулклари ҳақида унинг вақфномасида маълумотлар берилгани аниқ. Лекин мадрасанинг вақфномаси архивдан топилмаган. Шунинг учун вақфномада вақф мулклари қандай баён этилганлиги тўғрисида аниқ фикр билдира олмаймиз. Одатда, вақфномада вақф ер участкаларини кўрсатишда уларнинг қайси манзилда жойлашгани ва чегаралари белгиланади. Вилоят бошқармаси топшириғи билан ер-солиқ комиссари вақфнома, хон иноятномасини тадқиқ қилади, ҳаққоний ёки қалбаки, ноқонуний эканини аниқлайди. Комиссар вақфномани текшириш жараёнида ер ўлчовчилар ёрдамида ер участкалари миқдорини аниқлайди. Оқ мазор мадрасаси вақф ерлари миқдори ҳам шундай аниқланган бўлиши мумкин.

Олтинчи устундаги “Бир йилда қанча даромад келтиради?” саволига “400 рубль” деб жавоб берилган. Мадраса мутаваллиси вақф

¹⁸⁸ Положения об управлении Туркестанского края. Том II, часть 2. — Санкт-Петербург, 1886 г. — С. 33.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

ерларини чорикорларга – вақфкорларга ижарага бериб фойдаланган. Одатда, ижарачилар вақф ерларида галла экишган. Улар етиштирилган ҳосилнинг бешдан бир қисмини мадрасага бериш шарти билан вақф ерларини ижарага олганлар. Кузда, ҳосил йиғиб олинганда мутаваллининг ижарачилардан олган галла маҳсулоти, вақф даромади 400 рубльни ташкил қилган. Жадвалдаги маълумотлар 1906 йилга тегишли эканини ҳисобга олсак, у даврда пулнинг қадри анча баланд бўлган. Ҳақ замонларда бир пуд, яъни 16 кг бугдой 70 копеек бўлган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мадрасанинг йиллик даромади унинг барча харажатларини ва бинони таъмирлаб туришни коплаган. Шу сабабли мадраса асрлар давомида шикастланмай фаолят юритиб келган. Мадрасанинг моддий таъминоти 1906 йилда қандай бўлса, Қўқон хонлиги даврида ҳам тахминан шундай бўлган.

Еттинчи устунда “Мутаваллиси ким, қачон ва ким томонидан тасдиқланган?” деган саволга “Азиз Хўжа Мирза Хўжаев, 1886 йилда” деб жавоб ёзилган. Мутавалли, одатда, мадраса жамоаси томонидан сайланиб, мадрасанинг молиявий, хўжалик ишларини юритган. Вақфномада унга белгиланган вазифаларни тўла бажарган ва вақфнома асосида иш олиб борган.

Жадвалдаги маълумотларга асосланган ҳолда хулоса қилиб айтиш мумкинки, энг қимматли маълумот вақф мулкани ким ва қачон таъсис этганлиги ҳақидаги маълумот ҳисобланади. Хўжатдаги “Абдуллахон, ҳижрий 994 йилда” деб берилган жавобдан мадрасага Бухоро хони Абдуллахон (1557–1598) томонидан ҳижрий 994 (милодий 1585–1586) йилда вақф мулки эҳсон қилинганлиги маълум бўлади. Одатда, вақф ташкилоти куриб битказилган йили унинг фаолиятини юритиш учун мулк вақф белгиланишини эътиборга олсак, Оқ мазор мадрасаси ҳижрий 994 йилда бунёд этилган, деб ҳисоблаш мумкин. Мадраса Оқ мазорда, яъни Қутбиддин Аҳмад шайх мазорида бунёд этилгани ва мадрасанинг вақф мулки оқ вақф, яъни солиқлардан озод қилинган вақф мулки эканлиги кўрсатилган. Жадвалдаги маълумот Оқ мазор мадрасасининг вақф ҳужжатлари – вақфнома ва вақф мулкани солиқдан озод қилиш тўғрисидаги хоннинг ижозатномаси борлигидан далолат беради. Бу ҳужжатларнинг Фарғона вилояти бошқармасига топширилганлиги эса бошқарма ва унинг қарамоғидаги ер-солиқ комиссияси ва ер-солиқ комиссари томонидан вақф ҳужжатлари текширилгани ва қонуний эканини тасдиқлайди. Мадрасанинг 4400 таноб вақф ери борлиги, бир йилда

400 рубль даромад келтириши мадраса эҳтиёжларини тўла қоплаш имконияти борлигидан дарак беради. Мадраса мутаваллиси Азиз Хўжа Мирза Хўжаев 1886 йилда тайинланган ва ҳужжат тузилган 1907 йилда ҳам ишлаган.

Оқ мазор мадрасасига оид бошқа ҳужжатлар ҳам мавжуд. Ҳижрий 1282 (милодий 1865) йили Худоёрхоннинг ииоятномасида вақф мулки Саййид Қутбиддин Аҳмад мазорига ва ундаги масжид, мадраса, қорихоналарни таъмирлаш учун вақф қилинганлиги қайд этилган. Вақф даромади масжид, мадраса, қорихона эҳтиёжи ва шайх авлодларига сарфланиши белгиланган.

Қутбиддин Аҳмад мазори ва вақф ташкилотларига тегишли вақф ҳужжатларини 1894 йил апрелда ер-солиқ комиссари подполковник Вангородский текширган. Бу жараёнда вақф мулкига алоқадор ва вақф ҳужжатларида ёритилмаган масалаларни аниқлаш мақсадида мутавалли билан суҳбатлашган, у берган маълумотлар ёзиб олинган ва архивда сақланган.

Оқ мазор мазорининг мутаваллиси Андижон ер-солиқ комиссарига берган маълумотларга қараганда, мадраса чекка қишлоқда бўлгани учун кичик, 6 та ҳужраси, битта дарсхонаси мавжуд эди. Мадрасада 1894 йилда 22–23 нафар талаба ўқиган. Мутавалли вақф даромадидан фойдаланиш тартиби тўғрисида батафсил маълумот берган. Мутавалли маълумотига кўра, 1892 йилда Саййид Қутбиддин Аҳмад мазори ва мазордаги мадраса, масжид, қорихона ташкилотларининг вақф даромади 556 рубльни ташкил қилган. Вақф даромадининг бир қисми – 55 рубльни мутаваллининг ўзи олган, 60 рубль мадрасани таъмирлашга ажратилган, 110 рубль мударрисга берилган, 110 рубль имом, муаззин, сартарош, фаррошга туланган, қолган 220 рубль талабаларга бўлиб берилган.

Ҳужжатлар 1585–1586 йиллар орасида вужудга келган Оқ мазор мадрасасининг 1907 йилгача фаолият юритганини тасдиқлайди. Вақф мулки оқ вақф бўлганлиги ҳамда ҳар йили яхши даромад келтириб тургани учун мадраса ўқув-тарбиявий иши 1917 йилгача давом этган, унинг совет давридаги ҳолати тўғрисида маълумотга эга эмасмиз. Ҳозирда мазкур мадрасанинг ўзи сақланиб қолмаган. Совет режими йиллари, динга қарши кураш замонида кўплаб масжид, мадрасалар қаторида Оқ мазор мадрасаси ҳам йўқ қилиб юборилган.

Андижондаги ҳозиргача маълум бўлган энг қадимги мадрасалардан яна бири Раҳмонқулбий мадрасаси ҳисобланади. Бу мадраса ўз замонасининг юқори лавозимдаги амалдорларидан, катта ер эгала-

ридан бири Раҳмонқулбий томонидан ҳижрий 1223 – милодий 1808 йилда қурилган. Мадрасага Ҳакан даҳасининг Холикбек Қушбеги кишлоғида 407 десятина ва Майғирнинг Сари-Бош кишлоғида 207 десятина суғориладиган ер ва Андижон шаҳри бозоридаги қарвонсаройни вақф қилиб берган¹⁸⁹.

Раҳмонқулбий Нодирабегим отаси эди. Нодирабегим отаси Андижон ҳокими бўлган. У минг қабиласидан, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси эди. Олимхон (1798–1809) Норбўтабий ўғли даврида Қўқон ерлари кенгайди. Оҳангарон воҳаси Тошкент, Чимкент, Туркистон хонликка қўшиб олинган. Қўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги йирик хонликка айланган. Олимхон даврида Фарғона расман Қўқон хонлиги деб эълон қилинади ва Олимбек “Хон” унвонини олади. Олимхон 1798–1809 йилларда Қўқон ҳукмдори бўлган даврда укаси Умархонни Марғилон ҳокими тоғаси Раҳмонқулбийни Андижон ҳокими қилиб тайинлаган эди. 1808 йили Олимхон Умархонни тоғаси Раҳмонқулбийни қизи Нодирага уйлантиради. Нодирабегим ҳам отаси Раҳмонқулбийни анъанасини давом эттириб, Қўқон шаҳрида Чалпак ва Моҳлар Ойим номли мадрасалар қурдирган.

Вақфномада мадрасанинг жойлашиши қуйидагича баён этилган. “Раҳмонқулбий Имомқулбий Андижоннинг Олайлик томонида мадраса қурдирди. У ғарбда йўл билан, шарқда эски қалъа хандаги билан, жанубда кўча, шимолда ҳам кўча билан чегараланган. Унинг ғарб томонида азизлар қўқнорихонаси – мазори бор, ғарбда эса Мавлоно Шоҳасан мазори бор”. Олайлик даҳаси ҳозирги Андижон вилояти ҳокимлиги майдони, Чоргузар, Пиён бозор, Такавой гузар атрофларини ўз ичига олади. Демак, мадраса шу ҳудудларда бунёд этилган.

Мадрасанинг вақфномасида (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда) 27 та муҳр бор. Жумладан, Қўқон хони Мадалихон муҳри, ҳижрий 1227 йил белгиланган, Сўфи Аълам муҳри, ҳижрий 1230 йил ёзилган, Муҳаммад Шариф қози муҳри ва бошқалар. Вақфномадан ташқари мадрасанинг вақф мулкларини хирож ва таноб солиқларидан озод қилинганлиги тўғрисидаги Худодёрхоннинг иноятномаси ҳам бўлган.

Вақфномада мутавалли тайинлаш ва вақф мулки даромадини тақсимлаш тартиби қуйидагича белгиланган. Вақфномада мутавалли лавозимига мударрис тайинлансин, дейилган. Мутавалли ҳар йили тушган даромадни олдин мадраса биносини таъмирлаш-

¹⁸⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34183-й., 17-в.

га, бошқа эхтиёжларга сарфлаб, қолган қисмини 24 қисмга бўлган. Улардан 12 қисмини мударрисга, 10 қисмини талабаларга, қолган 2 қисмини 9 қисмга бўлиб, улардан 3 қисмини мадраса масжидининг имомига, 2 қисмини муаззинга, 1 қисмини тарғиботчига, яъни хатибга, 1 қисмини қоровулга, 2 қисмини сартарошта бериш вақфномада белгиланган эди¹⁹⁰.

XIX асрнинг 80-йилларида мадрасанинг мударриси ва мутаваллиси Субҳонқулбек Имомқулбий бўлган. Мадраса ўз даврининг университети ҳисобланган. Унда кўплаб талабаларга диний ва дунёвий билимлар ўргатилган.

Раҳмонқулбий мадрасасида ҳар йили ўртача 50–60 нафар талаба ўқиган. Уни битирганлар Андижондаги жамоат ва давлат идоралари ишлари юритишда хизмат қилган. Улар мадраса ва мактабларда ёшларни илмий, билимли қилишда, масжидларда аҳолини одобли, ахлоқли қилиб тарбиялашда катта аҳамият касб этган.

Андижон илаҳидаги ўртача мадрасалардан яна бири Зулфиқорбек мадрасаси ҳисобланган. Бу мадраса хом гиштдан қурилган бўлиб, 10 та ҳужраси бўлган. Мадрасанинг вақфномасида Зулфиқорбек Қоровул-беги ўзининг мулкидан камбағаллар, болалар, ўқувчиларга нафи, фойдаси тегсин деб мадраса қурдирган ва унинг фаолиятини қўллаб қуватлаш учун вақф таъсис этган, дейилган. Вақфнома тузилган йили ва ойи кўрсатилмаган. Вақфномага Шералихон муҳри билан бирга 11 нафар қози, аълам, муфтийлар мухрлари босилган¹⁹¹. Муҳаммад Ашраф қози, Мулла Бобо Амин муфтий ва Сўфи Муҳаммад аълам мухрларида 1230 ҳижрий йил ёзилган. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Зулфиқорбек мадрасаси ҳижрий 1230 (милодий 1814–1815) йилдан 5–10 йил кейин қурилган ва вақфнома расмийлаштирилган. Вақфномада мадрасага вақф мулки васият қилувчининг ўзи мутавалли бўлиши, унинг вафотидан кейин мударриснинг бу лавозимга тайинлаши таъкидланган. Мадрасани таъмирлаб туриш, хизматчиларнинг маоши, талабаларни нафақа билан таъминламоқ учун нисбатан катта ер участкалари вақф қилиб берилган. Вақфномада мадрасага вақф қилиб берилган ер участкаси жойлашган қишлоқ номи кўрсатилиб, бу қишлоқ чегаралари, яъни шимол, шарқ, ғарб, жануб томонлари қишлоқнинг ерлари, нималар – кўча, ариқ билан чегарадош эканлиги, ер участка-

¹⁹⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 3-в.

¹⁹¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34196-й., 3–4 в.

сининг миқдори ҳужжатда “кеш”, ер майдони ўлчови аслида кўш¹⁹² билан кўрсатилган. Россия империяси ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин, 1986 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га асосан вақфномалар текширилиб вақф ерлари миқдори десятина, квадрат сажень-саржин узунлик ўлчови билан белгиланган. Вақфномани 1891 йили текширган ер-солиқ комиссари вақф ери жойлашган кишлоқни текширилган йилдаги маъмурий-худудий бўлинишга мувофиқ қайси уезд, волост ва дачада жойлашганлиги ва ер участкаси неча десятина, саржин эканлигини кўрсатган. Шунга биноан мадрасага вақф қилиб берилган 7 та ер участкасининг биринчиси Андижон уездининг Ёрбоши волости, Окёр дачасида жойлашган бўлиб, ер миқдори 13 десятина 1140 саржиндан иборат бўлган. Иккинчиси Олтинкўл волостининг Миробот дачасида 2 десятина 2100 саржин, учинчи ва бешинчи участкалар Олтинкўл волостининг Орс дачасида 7 десятина 955 саржин, тўртинчи участка Андижон шаҳрида бўлган. Олтинчи участка Ёрбоши волости, Тўнғиз Тўсар дачасида 4 десятина 1631 саржин, еттинчи ер участкаси Ёрбоши волости Қорасу дачасида 3 десятина 144 саржин бўлган, 2400 квадрат саржин 1 десятинага тенглигини ҳисобга олиб¹⁹³ барча ер участкалари миқдорини жамласак, мадрасанинг 31 десятина 1130 саржин вақф ери бўлганлиги маълум бўлади.

Бу ер участкалари Кўқон хонлиги даврида вақфкор деҳқонларга ижарага берилган. Мутавалли деҳқонлардан ижара ҳақини, одатда ердан олинган ҳосилни, тахминан, бешдан бир қисмини мадраса ихтиёрига олган ва вақфномага биноан ходимларга, талабаларга бўлиб бериб, ўқув-тарбиявий ишларни юргизган. Вақфномада вақф даромадини бўлиш тартиби аниқ белгилаб берилган. Вақф ерларидан олинган даромад мадрасани таъмирлашга, кийгиз, ёритиш учун чироқ, шам олишга ажратилган. қолган қисми 10 бўлакка бўлиниб, ундан бир бўлаги мутаваллига, 3 бўлаги мадраса мударрисига, бир бўлаги мадраса имомига, бир бўлагини 3 қисмга ажратиб, уларни бир қисмдан муаззинга, сартарошга ва фаррошга бериш белгиланган. Қолган 4 бўлагини 10 қисмга бўлиб ҳар бир хужрага тенг бўлиб бериш буюрилган. Мадрасада йилнинг ярмидан оз яшаган талабалар

¹⁹² *Кўш ер ўлчови бирлиги – иккита кўш ҳўкизга омончи тиркаб бир кунда ҳайдалган экин ери майдони назарда тутилади. Кўқон хонлигини Россия империяси босиб олганидан кейин ёзилган ҳужжатда кўш ҳўкиз бир кунда 4 десятина ер ҳайдайди, дейилган. ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34199-й., 9-л.

¹⁹³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34196-й., 13-в.

3-БОБ. Андижон вилояти мадраса, қорихона ва мактаблари

вақф даромадидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган, 7–8 ойдан кам яшамаганлар бу ҳуқуқдан фойдаланади деб вақфномада кўрсатиб ўтилган¹⁹⁴.

Худоёрхоннинг йирик амалдорларидан бири Исабек Қушбеги (вақфномада лавозими шундай кўрсатилган) ҳижрий 1241 (милодий 1825) йили Андижон шаҳрида мадраса бунёд этган. Вақфномада кўрсатилишича, мадраса шаҳарнинг Олойлик томонида Сарбозорнинг шарқида жойлашган. Мадраса пишиқ ғиштдан қурилган бўлиб, 20 та ҳужрадан ташкил топган¹⁹⁵.

Исабек Қўқон хонлиги даврида хон саройида қушбеги, яъни хон вазири лавозимида хизмат қилган, атоқли, нуфузли амалдорлардан бири бўлган. Қўқон хонлигини руслар босиб олганидан кейин мадрасани Иса Додхоҳ мадрасаси, Исабек мадрасага вақф қилиб берган, Хортум қишлоғидаги ерларни “Иса Додхоҳ” дачаси деб номлашган. Демак, Исабек Қўқон хонлигининг охириги йилларида Шералихон саройида додхоҳ лавозимида хизмат қилган. Исабек йирик амалдор бўлиш билан бирга катта ер, бойлик эгаси ҳам бўлган. Шунинг учун Исабек нисбаган катта мадраса барпо этиб, унга жуда катта миқдорда вақф мулки эҳсон қилган. Мадрасага 8 та вақфнома билан вақф мулкларни таъсис этилган. Бу вақфномалар бир-бирига қийиланиб ёпиштирилган. Биринчи вақфномага Шер Алихон муҳри босилган. Қолганларига хон муҳри босилмаган. Шунинг учун хон муҳри бор ҳижрий 1258 (милодий 1842) йили тузилган вақфнома ер-солиқ комиссари подполковник Янцен томонидан текширилган ва қандай мулклар мадрасага вақф қилинганлиги аниқ баён этилган¹⁹⁶.

Исабек қушбеги ҳижрий 1258 (милодий 1842) йили ўзининг шахсий мулкидан ўзи қурдирган мадраса фаолиятини юритиш, ободончилигини таъминлаш учун катта миқдорда вақф мулки ва сийят қилган ва вақфнома тайёрлатган. Вақфномада кўрсатилишича, қуйидаги мулклар мадрасага эҳсон қилинган: 1. Хортум қишлоғидаги ер участкаси; 2. Асака ёнидаги Капчигаё деган жойдаги ер участкаси; 3. Ўша жойдаги ер участкаси; 4. Ўша жойдаги ер участкаси; 5. Ўша жойдаги ер участкаси; 6. Карвон сарой Андижонда; 7. Карвонсарой Марғилон шаҳрида; 8. 17 та дўқон Андижон шаҳрида мадрасанинг ғарб томонида; 9. 17 та дўқон Андижон бозорида; 10. 11 дўқон Андижон бозорида; 11. Ер участкаси Андижон

¹⁹⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34196-й., 4-в.

¹⁹⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34203-й., 4-в.

¹⁹⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34203-й., 5-в.

шаҳрида; . 12 . 9 та дўкон ўша бозорда; 13. Узун айвон 12 та устунли; 14. 4 та дўкон Андижон бозорида қатиқ савдогарлари растаси қаторида; 15. Ер участкаси Андижон шаҳрида; 16. Ҳаммом Андижон шаҳрида; 17. Карвонсарой Андижон шаҳри бозорида; 18. Тегирмон Андижон шаҳрида; 19. Тегирмон Андижон шаҳрида Содик Девонбеги маҳалласида; 20. Обжувоз Андижон шаҳридаги сойда; 21. Обжувоз ўша сойда¹⁹⁷.

Вақфномани текшириш унда кўрсатилган ер участкаларини ўлчаш натижасида Исабек вақф қилиб берган Хортум қишлоғидаги ер участкаси 314 десятина, Хирабек дачаси Ёр Боши волостидаги ер участкаси 16 десятина 1500 саржин эканлиги аниқланган¹⁹⁸. Асака волостидаги учта ер участкаси текширилиб улгурмаганлиги учун ер майдони миқдори кўрсатилмаган. Шер Алихон мухри босилган вақфномага яна 34 нафар қози, аълам, муфтийлар мухрлари босилган эди. Исабек Додхоҳ вақф мулкини мадрасага эҳсон қилиш билан бирга қўидаги шартларни белгилаб қўйган. Мадрасада иккита мударрис Мулла Мухаммадамин Мулла Абдухалиқов ва Мулла Мухаммад Раҳим Мулла Бобоназаров, улар вафотидан кейин бу лавозимга билими ва феъл атвори бўйича арзийдиган кишилар тайинланиши кўрсатиб ўтилган. Мадраса мударрислари мадраса мутаваллилари бўлиши кераклиги уқтирилган. Мадраса вақфи даромадини қўидагича бўлиш қайд қилинган: мутавалли даромадни ўндан бир қисмини олганидан кейин, мадрасани таъмирлашга ишлатилган, қолганидан учдан бир қисмини мадраса мударрислари олиб, қолган икки қисмини саккиз қисмга бўлиб, унинг бир қисмини иккига бўлиб, бир қисмини имомга, бошқасини 4 қисмга бўлиб, икки қисмини муаззинга, бир қисмини фаррошга, бир қисмини сартарошга бериш кераклиги айтиб ўтилган. Қолган етти қисмини талабаларга олай, ўрта ва қўйя даражалар бўйича бўлиб бериш буюрилган. Тегирмон ва обжувозлар даромадини ўндан бир қисмини мутавалли фойдаланганидан кейин биринчисининг даромадини мударрисларга, иккинчисининг даромадини талабаларга даржалари бўйича бўлиб бериши кўрсатилган¹⁹⁹.

Исабек Додхоҳ мадрасаси Қўқон хонлиги даврида саккизта вақфнома бўйича вақф қилинган мулклардан тўла фойдаланган. Ислом ўқув юрлари инспектори В.П.Наливкин 1891–1892 ўқув

¹⁹⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34203-й., 5-в.

¹⁹⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34203-й., 46-в.

¹⁹⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34203-й., 5-в.

йили Фарғона вилояти мадрасаларини таърифлаган вақтда Қўқон хонлигини, жумладан Андижонни босиб олиш жараёнида нобуд бўлган айрим савдо-саноат мулкларини ҳисобга олмаганда, мадраса вақф даромади катта миқдорда бўлган. В.П.Наливкинининг маълумотига қараганда Иса Додхоҳ мадрасасида 1891–1891 ўқув йилида 50 нафар талаба ўқиган. Мадрасанинг вақф мулклари даромади кўп бўлганлиги учун 8 нафар мударрис талабаларга сабоқ берган, 4 нафар мутавалли мадрасада хизмат қилган. Мадрасанинг йиллик даромади 1500 рубль бўлган²⁰⁰. Мадрасада мударрислар ва бошқа ходимлар сонининг кўпчилиги мадрасада ўқув-тарбиявий ишларни яхшилашга шароит яратиб берган.

Андижон шаҳридаги энг катта мадрасалардан бири Холбек Қушбеги мадрасаси бўлган. Унинг асосчиси Холбек Қушбеги Қўқон хони Худоёрхоннинг саройида қушбеги лавозимида ишлаган, яъни хоннинг вазири бўлган. Мадраса шаҳарнинг Қоримулла маҳалласида, 1831 йилда қурилган. Мадрасанинг 34 та ҳужраси ва 2 та дарсхонаси бўлган. Холбек мадрасага вақф қилиб 66 десятина ер, 5 та савдо дўкони, 1 та карвонсарой таъсис қилинган. Мадрасада 130 нафар талабага 11 нафар мударрис дарс берган²⁰¹.

Худоёрхон саройида дастурхончи лавозимида хизмат қилган Маҳмуд Дастурхончи ўз даврининг бадавлат ва сахий амалдорларидан бўлган. У хон саройида хон ва сарой аҳлирига бериладиган овқатларни тайёрлаш ва меҳмон кутиш ишларини амалга оширган. Маҳмуд Дастурхончи саройдаги хизматлари учун Худоёрхон томонидан инъом этилган катта мулкка сазовор бўлган. Хизматларига хон совға қилган катта ер участкасини ижарага бериб, катта миқдорда даромад олиб турган. Маҳмуд Дастурхончи катта бойликка эга бўлганлиги сабабли Қўқон хонлигининг Қўқон, Андижон шаҳарларида ва Наманган вилоятида учта мадраса, бир неча масжид, қорихона, мактаблар бунёд этган. Қурдирган мадрасалари хонлик марказидан ташқаридаги, вилоятлардаги мадрасалар ичида nisбатан катта ва ҳашаматли, пухта, пишиқ бўлган.

Маҳмуд Дастурхончи ҳижрий 1255 (милодий 1839) йил жумодус-соний ойида Андижон шаҳрининг Нодир Оталиқ маҳалласида, Қирлиқ томонда мадраса қурдириб битказган. Иншоот пишиқ гиштдан, битта дарсхона, 25 та ҳужра, китобхонадан иборат

²⁰⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 4 5-в.

²⁰¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 22919-й., 31-в.

бўлган²⁰². Мадраса қурилиб тайёр бўлганидан кейин унга вақф мулки таъсис этиш мақсадида маҳаллий қози олдига борган ва ниятини айтган. Қози гувоҳлар иштирокида мадрасанинг вақфномасини тайёрлаб, мухрини босиб, қонуний қилиб берган.

Вақфномада кўрсатилишича, мадрасага 4 та ер участкаси, жумладан, Вуркал ва Чортак деган жойдаги бир ер участкаси, Шо Котиба деган ердаги ер участкаси, Асакадаги мевали ва бошқа дарахтлардан ва узум боғдан иборат ер участкаси ва ўша жойда, қаландархона олдидаги ер участкаси ва булардан ташқари мадрасанинг шимол томонидаги иккита тегирмон вақф қилиб берилган²⁰³.

Мадраса билан бир вақтда Маҳмуд Дастурхончи хижрий 1255 (милодий 1839) йили Андижон шаҳрининг Элайлик маҳалласида Оқ масжид деб номланган масжид ҳам қурдирган. Масжидга Андижон вилоятининг Шаҳрихон қишлоғининг Қуштөпа деган жойидаги, Шаҳрихонсойдан ва Ўш қишлоғи сувидан сув ичадиган битта ер участкасини вақф қилиб берган²⁰⁴.

Мадраса вақфномасида Шералихон мухри ва ундан ташқари 16 нафар қози, аълам, муфтийлар мухри босилиб тасдиқланган. Шунинг учун Маҳмуд Дастурхончи мадраса ва масжиди вақфномалари ва уларда кўрсатилган ер участкалари ер-солиқ комиссарлари томонидан текширилган. Мадрасага тегишли ер участкалари Андижон, Марғилон ва Ўш уездларида бўлган.

Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси ва масжиди вақф ерлари Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олганидан кейин текширилган. Мадрасанинг Андижон уездига тегишли вақф ерларини 1893 йил октябрь ойида солиқ инспектори Островский текширган. Мадраса вақфномасида кўрсатилган Чортак ва Вуркал деган жойдаги вақф ер участкаси текширилган 1893 йилда Андижон уезди, Бозор Қўрғон волости, 4-аул жамоасининг Чортак дачасида жойлашган эди. Чортак дачасидаги вақф ерни 20 нафар чоракорлар ижарага олиб фойдаланган. Ижарачилар мадрасага ҳар йили ердан олинган ҳосилни бешдан бир қисмини тўлаган²⁰⁵. Мадрасанинг Чортак дачасидаги вақф ери миқдори кўрсатилмаган.

Солиқ инспектори Островский текшириш натижасида вақф ери ижарачиларга муддатсиз ижарага берилганлигини, отадан болага

²⁰² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 5-в.

²⁰³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 5-в.

²⁰⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 6-в.

²⁰⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 20-в.

мерос бўлиб ўтганлигини аниқлаб, вақф ерини аҳоли жойлашган ер, деб ҳисоблаган. Бундан ташқари вақфномада хон муҳри бор, лекин вақф мулки солиқдан озод қилинган, деган фикр ёзилмаган деб, вақф даромади мадрасага эмас давлат хазинасига топширилади, деган қарор чиқарган. Бундай қарордан мадраса мутаваллиси норози бўлган.

1893 йил 30 октябрда солиқ инспектори Островский мутаваллига ўз қарорини маълум қилганида мутавалли эътироз билдирган. Мадраса мутаваллиси Хўжажон Қори Искандар Хўжа инспекторга тушунтириб айтганки, хонлик даврида вақфномага хон муҳрининг қўйилиши вақф мулкяни солиқдан озод қилинганлигини билдирган ва мусулмонлар ҳукмронлиги вақтида хон хазинасига солиқ тўланмаган. Шунга кўра, мутавалли инспекторнинг эълон қилган қарори билан рози эмаслигини билдирган. Шунингдек, юқорида айтган тушунтиришини ҳисобга олишни. Чортоқ вақф ерини солиқдан озод қилишни, вақф ҳуқуқини тан олишни ялтимос қилган²⁰⁶. Мутаваллининг даъволарини, тушунтиришларини инobatга олмаган. Фаргона вилояти бошқармаси, Туркистон генерал-губернатори Андижон уезди солиқ инспектори қарорини маъқуллаган. Россия империяси ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари вақф ерларини давлат ерига айлантиришни мақсад қилган эди. Шунинг учун асосиз бахоналар билан Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси вақф ерларидан олинадиган ижара ҳақини, вақф даромадини давлат хазинасига туширган. Мадрасанинг фақат Андижон уездидаги вақф ерларигина эмас, бошқа жойлардаги вақф ерларига ҳам шундай муносабатда бўлинган, яъни вақф даромадидан маҳрум қилинган.

Маҳмуд Дастурхончи мадрасасининг вақфномаси 3–4-моддада кўрсатилган Асака қишлоғидаги вақф ерлари вақфнома текширилган 1893 йилда Марғилон уезди, Асака волости, Қора Санг Қанди дачасида жойлашган эди. Вақфнома 2-моддада кўрсатилган Шо Котиба деган жойдаги вақф ер участкаси вақфнома текширилган вақтда Андижон уезди, Жалақудук волости, Ургут қишлоқ жамоасининг Ургут дачаси илгарги Ўш уездида деб ажратилган ва режа тузилган.

Қора Санг Қанди дачасидаги вақф ер аҳоли яшайдиганми ёки яшамайдиганми, амалда бу вақф ерларга кимлар эгаллик қилади ва қандай шарт билан ижарага бермаганлигини аниқлаш керак бўлган. Бу вазифани аниқлаш ер-солиқ комиссари, подполковник Дановс-

²⁰⁶ Ўш МДА, Н-19-қ., 1-р., 3-190-й., 21-в.

кийга топширилган. Бу топшириқни бажариш мақсадида Доновский Қора Санг Қанд кишлоғидаги аҳолидан 24 нафар ижарачилар, маҳаллий кишилар билан суҳбатлашган. Мадраса вақфномаси 4-моддасида кўрсатилган ер участкаси от аравалар, одамлар юрадиган йўлга айлантирилгани аниқланган. Суҳбат натижасида аниқланганки, 60 йиллар муқаддам бу ерлар маҳаллий аҳоли авлодларига бўлиб берилган. Йилда мадрасага ҳар бир таноб беда ва ковундан бир сўм, ғалла, пахта каби экинлардан ҳосилни бешдан икки қисмини тўлаш шарти белгиланган²⁰⁷. Бу ерни сотиш ва бировга бериш таъқиқланган. Вақф ерининг бошқарувчилари тарқатиб берган, лекин биронта ижарачидан вақф ерни олиб бошқа одамга берганлиги аниқланмаган. Фақат ижарага олган ерини ишлашдан бош тортса, вақф ерни олиб бошқа одамга берган.

Суҳбатлашилган 24 нафар ижарачидан 14 кишини ижарага олган вақф еридан ташқари Қора Санг Қанди дачасида ўзларининг хусусий ерлари ҳам бўлган ва қолган 8 нафар кишиларнинг ҳам ўз шахсий ерлари Марғилон ва Андижон уездларида бўлган.

Маҳмуд Дастурхончининг, мадраса масжидининг мутаваллиси берган маълумотига кўра, Қора Санг Қанди дачасидаги вақф ерларини 60 йиллар муқаддам Маҳмуд Дастурхончи топшириғи билан мутавалли сотиб олган ва ўзининг номидаги мадрасага вақф қилиб берган, уни ҳеч кимга чек қилиб бермаган. Вақф маҳкамаси мадраса вақф қилувчи берган ҳуқуққа асосан мутавалли орқали вақф мулкни ҳар кимларга, ҳар хил муддатга, ижара ҳуқуқи билан ва ижарачининг меҳнатчанлигига қараб озми-кўпми узоқроқ муддатга белгиланган. Мутавалли айрим ижарачилар вақф ерларини олиб бошқа одамларга ижарага берганлигини кози ҳужжатига асосан исботлаб берган.

Комиссар ижарачиларни Маҳмуд Дастурхончи бу ерларни чек қилиб берган, деган фикрини асоссиз деб ҳисоблаган, бу ерлар мадраса ва масжидга вақф қилиб берилган ва вақф маҳкамаси вақф ерини ўзи хоҳлаганича фойдаланаётганини қайд қилган. Қори Санг Қанди дачаси ажратилиб, алоҳида режа тузилган, бу вақф ери аҳоли яшамайдиган ер деган хулосага келинган.

Комиссар Дановский вақфномада кўрсатилган Шо Котиба деган жойдаги ер участкасини текширганида Ургут кишлоғида жойлашганлиги аниқланган. Бу вақф ерини ҳам аҳоли яшамайдиган ва амалда вақф маҳкамаси мадраса ихтиёридаги вақф ер деб ҳисоблаган.

²⁰⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 87-в.

Лекин ер-солиқ комиссияси ва унинг қарорига асосланиб Фарғона вилояти бошқармаси ҳар иккала дачадаги вақф ерларининг ижарачилари доимий ва авлоддан авлодга фойдаланади, ерларни аҳоли яшайдиган ер деб ҳисоблаган ва вақф даромадини давлат хазинасига тушириш тўғрисида қарор қабул қилган.

Марғилон ва Андижон вилоятлари ер-солиқ комиссарлари Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси вақфномаси ва унда кўрсатилган вақф ерларини ер ўлчовчилар ёрдамида ўлчаб улар миқдорини аниқлаш имкониятига эга бўлган. 1897 йил 8 майдаги Фарғона вилояти бошқармасининг умумий йиғилиши баённомасидаги маълумотга кўра Марғилон уезди, Асака волости, Қора Санг Қанди дачасида 147 десятина 700 саржин, Андижон уезди, Жалақудук волости, Ургут дачасидаги вақф ер 237 десятина 2000 саржин эканлиги аниқланган²⁰⁸. Жами 355 десятина 300 саржин бўлган.

Қора Санг Қанди ва Ургут дачаларидаги вақф ер участкалари Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси вақф ерларининг бир қисми ҳисобланади. Андижон уездининг Чортақ дачасидаги мадрасанинг вақф ер участкаси миқдори кўрсатилмаган ва вақф қилинган ер участкасини давлат тортиб олиб кўчага айлантирган.

Маҳмуд Дастурхончи бунёд этган Оқ масжид деб номланган масжид вақфномасида хон муҳри бўлмаганлиги учун унинг вақфномаси ва вақф ер участкаси текширилмаган. Натижада масжид вақф ери Туркистонни, уни Фарғона вилоятининг маъмурий-худудий бўлиниши бўйича қайси жойда жойлашганлиги, ер миқдори аниқланмаган. Хон муҳри бўлмаган бундай вақфномалар ноқонуний ҳисобланган.

Маҳмуд Дастурхончи мадрасаси вақфномасида кўрсатилишича, вақф эҳсон қилувчи ўзини мадрасага мутавалли қилган, вафотидан кейин бу лавозимни ўзининг авлодига васият қилган. Вақф эҳсон қилувчи шартига биноан вақф даромади мутаваллига ўндан бир қисми берилгандан кейин қолгани 4 қисмга бўлинган. Шундан бир қисми мударрисга, бошқа бир қисмини иккига бўлиб, бир бўлагини имомга, унинг ўзи хатиб ва мактаб ўқитувчиси ва иккинчи бўлагини мактаб ўқувчиларига бўлиб берилган. Вақф даромадини иккинчи ярмини 8 қисмга бўлиб, 7 қисмини мадраса талабаларига ва саккизинчи қисмини учга бўлиб муаззинга, фаррошга ва сартарошга бериш буюрилган²⁰⁹.

²⁰⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 89-в.

²⁰⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34190-й., 5-в.

Махмуд Дастурхончи мадрасаси қошида мактабдан ташқари масжид ҳам бўлган бўлиши мумкин. Чунки мадраса талабалари, ходимлари кўп бўлган. Уларни беш вақт намоз ўқиши учун масжид зарур бўлган.

Туркистон ўлкаси ислом ўқув юртлири инспектори В.П.Наливкиннинг 1891—1892 ўқув йилида Фарғона вилояти мадрасалари аҳволи ҳақидаги маълумотномасида Махмуд Дастурхончи Андижон шаҳрида бунёд этган Оқ масжид мадрасаси тўғрисида кўшимча маълумотлар берилган. Бу маълумотлар тўпланган 1893 йилда мадрасанинг вақф мулки тўла мадраса тасарруфида бўлган ва вақф даромадидан тўла фойдаланган. Хужжатда кўрсатилишича, мадрасанинг 1850 десятина вақф ери бўлган ва бу ерлардан 1000 рубль ижара ҳақи олган²¹⁰. Бу даврда пулнинг қадри юқори бўлган. 1 пуд пахта 1 рубль 80 копеек турган, 1 пуд гуруч ~ 80 копеек, 1 пуд бугдой 40 копеек, 1 пуд арпа 30 копеек бўлган²¹¹. Демак, 1000 рубльга 40 минг тонна бугдой берган.

Мадрасанинг вақф даромади кўп бўлганлиги учун мадраса фаолияти ҳам яхши йўлга қўйилган эди. 1891—1892 ўқув йили мадрасада 60 нафар талаба ўқиган. Уларга 6 нафар мударрис сабоқ берган. Мадрасанинг вақф ерлари кўп бўлганлиги учун 2 нафар мутавалли хизмат қилган. Мударрислар сони кўп бўлганлиги талабаларга чуқур билим берилишига имконият берган. 6 нафар мударрисларга бир йилда 200 рубль маош, талабаларга олий даражалигига 12 рубль, ўрта даражалигига 6 рубль ва қуйи даражалигига 3 рубль нафақа берилган. Пул қадри юқорилигини ҳисобга олганда мадраса ўқитувчи ва ўқувчилари моддий томондан яхши таъминланган эди. Мадрасада мударрислар Абдусаттор Махзум, Насриддин Охун, Мулла Нишон Охун, Мулла Исмоил, Муҳаммад Амин Махзумлар дарс берган²¹². Қўқон хонлиги тугатилганидан кейин 15 йил ўтган. Бу нисбатан қисқа вақт ичида мадраса фаолиятида катта ўзгариш содир бўлган эмас. Қўқон хонлиги даврида ҳам мадрасада аҳвол, тахминан, шундай бўяган. Мударрислар, талабалар сонидан катта ўзгариш бўлмаган. Юқорида номи тилга олинган мударрислар Қўқон хонлиги тугатилмасдан олдин мадрасада хизмат қилган бўлиши мумкин. Қўқон хонлиги замонида Махмуд Дастурхончининг мадрасаси фаолиятида руслар босиб олганидан кейинги даврдигидан

²¹⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 56-в.

²¹¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 56-в.

²¹² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 328-й., 56-в.

яхши бўлган бўлса-бўлганки, ёмон бўлмаган. Чунки, Қўқон хони мадрасани қўллаб-қувватлаган, вақф мулкларини солиқдан озод қилган. Туркистон генерал-губернаторлиги марказнинг кўрсатмаси билан исломий ташкилотларни, жумладан, мадрасалар фаолиятини чеклашга ҳаракат қилган. 1897 йил майда Фаргона вилояти бошқармаси Оқ масжид мадрасаси вақф ерларини мусодара қилган. Мадраса фақат 2 та тегирмони билан қолиб, моддий жиҳатдан жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Кўпчилик йирик мадрасаларнинг аҳволи ҳам шундай бўлган.

Андижондаги ҳашаматли мадрасалардан бири Мусулмонкул мадрасаси бўлган. У Шералихон, Худоёрхон ҳукмронлиги давридаги хон саройида етакчи амалдорлардан эди. У ўта ишбилармон, талбиркор инсон бўлган. Шералихон даврида мингбоши лавозимига эришган. Мусулмонкул 13 ёшли Худоёрхонга кизини никоҳлаб бериб, Муродхонни фитначи сифатида катл эттириб, куёвини хон деб элон қилган. У хон саройида мингбоши ва оталик лавозимларида бўлган ва Худоёрхоннинг ёшлигидан фойдаланиб ҳокимиятни эгаллаб олган. У жуда катта бойликка эга бўлган. У Андижонда савлатли мадраса бунёд этган ва унга катта миқдорда вақф мулки эҳсон қилган.

Мусулмонкул ўзининг номидаги мадрасага 4 та вақфнома бўйича вақф мулклари таъсис этган. 1-вақфнома Майгир волостининг Чувама қишлоғидаги ерларини, 2-вақфномада ўша қишлоқнинг Бойсақол деган жойидаги ерларини, 3–4-вақфномаларда Ёрбоши волостининг Найман деган жойидаги ерларини мадрасага вақф қилиб берган. Мана шу вақфномалардан бирини мисол тариқасида баён этамиз.

Ҳижрий 1282 (милодий 1845) йили зулҳижжа ойида Мусулмонкул мингбоши билан ўзига тегишли Сирдарё шаҳобчасидан ва Бобоғози аригидан суғориладиган Ёрбоши волости Найман қишлоғидаги ерларни ўзининг номидаги мадрасага вақф қилиб берган. Вақфнома Андижон шаҳри қозихонаси қозиси, аълам, муфтийлари томонидан ҳижрий 1261 (милодий 1845) йили зулҳижжа ойида тузилган. Вақфномага Худоёрхон ва 11 нафар қозилар мухрларини босиб уни тасдиқлашган. Вақфномада мадрасага вақф қилиб берилган ерлар чегараси белгиланган.

Мадрасага унинг фаолиятини юритиш учун 1845 йили вақф ерлар эҳсон қилинган экан. Демак, ўша йили мадраса қуриб битказилган, иш юритиш имконияти бўлган экан. Вақфномада мадрасани қуйидагича таърифлаган; “Мадраса Андижоннинг Абушка

махалласида, катта сой бўйида, хом гиштдан, 23 та хужраси, битта дарсхонаси, дарвоза устида битта хонаси ва айвон билан бунёд этилган. Ғарбда мадраса қурувчисининг ери билан, қисман катта сой билан, шимол ва ғарбда йўл билан ва марҳум Хушбўта Баходир ери билан ва жанубда ҳам унинг ери билан чегарадош ²¹³.

Бу маълумотлардан кўринадики, мадраса девор билан ўралган ва қириладиган, очилиб ёпиладиган дарвозаси бўлиб, унинг устида битта хона ҳам қурилган. Одатда, бу бино тагида ўймакор дарвоза олдида икки тарафида одамлар ўтириб гаплашгани, дам олгани тупроқдан тўртбурчак шаклида кўтариб қурилган суначалар бўлган. Мадраса масжидлари ҳовлисига киришга мўлжалланган дарвозалар асосан безалган, ўймакор дарвозалар бўлган. Хонақоҳда мадраса ходимлари, талабалар намоз ўқиган. Хонақоҳ ўзи асосан, зикр тушишга мўлжалланган, лекин беш вақт намоз ўқиса ҳам мумкин бўлган.

Мадраса таркибида айвон бўлганлиги жума ва ҳайит намозларда агрофдаги хонадонларнинг намоз ўқийдиган ёшдаги эркаклар намозга кириб одам кўпайиб кетганда намоз ўқишга мўлжалланган бўлиши мумкин. Дарвоза устида қурилган хужрадан мадрасада талабалар кўпайиб, хужралар етмай қолса фойдаланилган.

Вақфномада Мусулмонқул мингбоши томонидан мадрасага вақф қилинган экин ерларни бошқариш ва даромадлардан фойдаланиш шартлари белгиланган. Вақфни бошқарадиган мутавалли вақфни эҳсон қилувчининг ўзи, уни вафотидан кейин унинг авлодидан қимдир бўлгани шарт қилиб кўрсатилган. Вақф даромадини ўндан бир қисмини мутавалли олиши, кейин зарурият бўлганда мадрасани таъмирлашни амалга ошириш, кейин уч қисми мударрисга ва б қисмдан бир қисмини иккига бўлиб, бир қисмини имомга, бошқа қисмини муаззинга, хизматкорлар (фаррош, сартарош)га ва қолган беш қисмини мадраса талабалари ўртасида олмай, ўрта ва қуйи даражалар бўйича бўлиб бериш белгиланган.

Вақфнома мазмунидан кўришиб турибдики, унда мадрасага вақф қилинган ерлар миқдори кўрсатилмаган, фақат бу ер чегараси белгиланган, қайси ариқдан сугорилиши кўрсатиб ўтилган. Вақфномадаги мана шу маълумотларга асосланиб, ер-солиқ комиссарлари вақфномани текшириш, унда белгиланган ерларни ўлчаш орқали ҳар бир вақфномада мадрасага вақф қилинган ерларнинг миқдорини аниқлаган. Бизнинг тадқиқотимизда Қўқон хонлиги даврида ташкил бўлган, фаолият юритган мадрасалар вақф ерлари

²¹³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34221-й., 11-в.

миқдорини асосан, Туркистон рус маъмурлари, жумладан, ер-солиқ комиссарлари ер ўлчовчилар ёрдамида ислом ўқув юртлари вақф ерларини ўлчаб миқдори ҳақида берган маълумотларидан фойдаланамиз. Бу маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Улар ёрдамида мадрасаларни моддий аҳолини аниқлаш имконияти бўлади. Вақф мулки даромади кўп мадрасаларда ўқув-тарбиявий ишлар ҳам яхши йўлга қўйилганлигидан гувоҳлик беради.

Наливкиннинг Фарғона вилояти мадрасаларининг 1891–1892 ўқув йили бўйича ҳисоботидаги маълумотларига қараганда Мусулмонкул мадрасаси 1836 йилда қурилган, мадрасанинг 24 та хужраси ва 1 та дарсхонаси бўлган²¹⁴.

Мусулмонкул Мянғбошиев 1845–1847 йилларда мадрасага Андижон уезди, Ёрбоши волости Найман дачасида 925 десятина 392 саржин экин ер вақф қилган ва буларга 3705 рубль 78 копеек солиқ ҳисоблаган. Майгир волости Бойсоқол дачасида 1184 десятина 1700 саржин ер вақф қилиб берган ва бу ерларга 599 рубль 57 копеек солиқ ҳисоблаган. Яна Майгир волостининг Қора Ёнтоқ дачасидаги 235 десятина 1728 саржин суғориладиган ерини вақф қилган ва буларга 863 рубль 88 копеек солиқ ҳисобланган²¹⁵. Мусулмонкул ўзининг номидаги мадрасага жами 1345 десятина 480 саржин экин ери вақф қилиб берган. Бу ерлардан ташқари мадрасага 70 та дўкон ва 1 та тегирмон ҳам вақф қилган. Мадраса мутаваллиси вақф мулкларини ерсиз, кам ерли дехқонларга ва тадбиркорларга ижарага берган. Вақф ерларидан олинadиган ер-солиқ комиссари ҳисоблаган солиқлар сўммасига қараганда мадрасанинг вақф даромади нисбатан катта бўлган. Дўконларда ҳам даромад яхши бўлган.

Мадрасанинг вақф даромади яхши бўлганлиги учун мударрислар, талабалар сони ҳам юқори бўлган. Наливкиннинг 1893 йил бўйича Кўкөн хонлиги мадрасалари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида кўрсатилишинча, Мусулмонкул мадрасасида 6 нафар мударрис 90 нафар талабаларга сабоқ берган. Мадрасанинг вақф мулки ва даромади кўп бўлганлиги учун талабалар нафақаси ҳам юқори бўлган. Олий даражадаги талабаларни йиллик нафақаси 20 рубль, ўрта даражадаги талабалар нафақаси 10 рубльни, кўчи даражадаги талабалар нафақаси 5 рубльни ташкил қилган. Мударрислар мойнаси 600 рубльни, мутавалли мойнаси 200 рубльни ташкил қилган²¹⁶.

²¹⁴ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 44–45-в.

²¹⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33466-й., 51-в.

²¹⁶ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 45-в.

● Кўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Мадрасанинг вақф даромади катта бўлганлиги эвазига ундаги ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишлари яхши йўлга қўйилган эди.

Ҳижрий 1257 (милодий 1841) йили Мираҳмад Махзум Домулла Абдурашид Охундов ўзининг маблағига Андижон шаҳрининг Қозикалон маҳалласида Элайлик томонда мадраса қурдирган. Мадраса фаолиятини юритиш учун унга Ҳакан қишлоғида Работ аригидан суғориладиган 100 таноб атрофидаги ер участкасини, ўша қишлоқдаги Саркуй ариғи суви билан суғориладиган, тахминан, 20 таноб ер участкасини ва ўша қишлоқдаги Саркуй ариғи суви билан суғориладиган 3 таноб ер участкасини вақф қилиб берган. Вақфномага Худоёрхон ва 12 нафар қози, аълам, муфтийлар мухрларини босиб тасдиқлашган²¹⁷. Фарғона водийсида 6 таноб бир десятиана эканлигини ҳисобга олсак мадрасанинг вақф ерлари миқдори жами, тахминан, 123 таноб, яъни 20,5 десятиана экин экиладиган ери бўлган.

Кўқон хонлиги 1876 йили Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин, 1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”нинг 267-моддасида Фарғона вилояти бошқармасига вақфномаларни текшириш ҳуқуқи берилган ва бу вазифани бажариш, вақф ҳужжатларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, Фарғона вилояти бошқармасига топшириш ишлари учун махсус комиссия тузилади, дейилган. Низомдаги бу кўрсатма амалга оширилган. Андижон ер-солиқ комиссияси 1893 йилда ер-солиқ комиссарининг мадраса вақф мулкани текшириш натижаси ва хулосасини кўриб чиқиб, тасдиқлаган баённомасини Фарғона вилояти бошқармасига тасдиқлаш учун юборган. Бошқарманинг 1894 йил 4 ноябрдаги мажлисида мадраса вақф ерларини ер-солиқ комиссари томонидан текшириш натижаларини кўриб чиқиб тасдиқлаган. Ер-солиқ комиссарининг мадраса вақф ерларини текшириши натижасида Андижон уезди, 2-Ҳакан волости Ҳакан қишлоқ жамоасидаги Работ дачаси ери миқдори 14 десятиана 1608 саржин, иккинчи участка Андижон уезди, Ҳакан волости, 1-Ҳакан қишлоқ жамоасининг Сари-қуй дачасида 3 десятиана 864 саржин ва учинчи участка Андижон уезди, Ҳакан волости, 2-Ҳакан қишлоқ жамоасидаги Дархон дачасида 900 саржин эканлиги аниқланган. Мадраса вақфномасини ва вақф ер участкаларини текшириш ва ерларни ўлчаш натижасида жами вақф ери участкалари майдони 18 десятиана 972 саржин эканлиги маълум бўлади²¹⁸.

²¹⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34193-й., 2-в.

²¹⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34193-й., 13-в.

Вақфномада мадраса номи кўрсатилмаган. Лекин Фарғона вилояти бошқармаси ҳужжатларида мадрасанинг номи бериледи ва Файдивар (рус тилидаги ҳужжатларда шундай ёзилган, аслида пойдевор бўлса керак) мадрасаси деб кўрсатилади.

Вақфномада мадраса мутаваллиси вақф васият қилувчининг ўзи бўлиши ва унинг вафотидан кейин бу лавозимга унинг авлодидан тайинланиши таъкидланган. Вақф ерларидан тушган даромад куйидагича тақсимланган: даромадни мутаваллига бериладиган ўндан бир қисмидан ташқариси мадраса биносини таъмирлашга, бу сарф-харажатлардан қолганини 18 қисмга бўлиб, ундан 5 қисмини мударрис фойдасига, 10 қисмини мадраса талабаларига, бир қисмини мадрасанинг жанубий-ғарбий бурчагидаги масжид имоми фойдасига, қолган икки қисмини уч қисмга бўлиб муаззин, фаррош, сартарош фойдасига ажратиш белгиланган. Шунингдек, вақф ерлари бир кишига 3 йилдан ортиқ муддатга ижарага бериш мумкин эмас деб кўрсатиб ўтилган²¹⁹. Мутавалли мадраса вақф мулкларини ери кам деҳқонларга – вақфкорларга ижарага берган. Вақф даромадини вақфномада белгиланган шартга кўра хизматчиларга ва талабаларга бўлиб бериб, мадрасада ўқув-тарбиявий ишларни олиб борган.

Кўкон хони Худоёрхон саройининг амалдорларидан бири Қулназар Додхоҳ Одинабоев ҳижрий 1266 (милодий 1850) йили рамазон ойида Андижон шаҳридаги Ҳазрат Бобо Саъиддин мазори майдонида мадраса бунёд этиб, битирган эди. Ҳижрий 1266 йил рамазон ойининг биринчи ярмида маҳаллий қозига келиб, Ҳазрат Бобо Саъиддин мазорининг шимол томонида, Бурхон Шо ариғи сувидан суғориладиган ер участкасини, Хунду қишлоғи томонидаги Мадалихон боғи ёнидаги ер участкаси ва Андижон шаҳри бозоридаги қарвонсаройни Ҳазрат Бобо Саъиддин мазори майдонидаги мадрасага вақф қилиб бермоқчи эканлигини билдиради. Қози ҳижрий 1266 йили рамазон ойининг биринчи ярмида мадрасага эҳсон қилинган вақф мулкларини мадрасага вақфнома тузиб қонунлаштириб берган. Вақфномани Худоёрхон ва яна 11 нафар қози, аълам, муфтийлар муҳрларини босиб тасдиқлаган²²⁰. Вақфномада мадрасага вақф қилинган ер участкалари миқдори кўрсатилмаган. Бу вақф ерлари миқдорини бошқа ҳужжатлар ёрдамида аниқладик.

Россия империяси Кўкон хонлигини, жумладан, Андижон вилоятини 1876 йилда босиб олганидан кейин вақф ерларини мусулмон

²¹⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34193-й., 3-в.

²²⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34222-й., 4-в.

диний ташкилотларидан тортиб олиш мақсадида Россия ҳукумати топшириги билан Туркистон генерал-губернатори амир, хонлар мухри бўлмаган вақфномаларни ноқонуний деб вақф ерларидан келадиган даромадни давлат хазинасига туширган. Амир, хонлар мухри босилган вақфномаларни қонуний деб уларни ҳақиқий эканлигини текширган. Шарият қондаси бўйича вақфномани қози тузиб мухрини босганидан кейин қонуний ҳисобланишини, амир ёки хоннинг мухри шарт эмаслигини яхши билган ҳолда вақф ерларини давлат тасарруфига ўтказиш мақсадида хонлар мухри бор вақфномалар қонуний ҳисобланади, деган қондани атайин жорий қилган. Шу қондадан келиб чиқиб, Қулназар Додхоҳ қурдирган мадрасанинг биринчи вақфномасида Худоёрхон мухри бор эди, уни текширган, иккинчи вақфномада хон мухри бўлмаганлиги учун ноқонуний деб текширилмаган.

Ҳижрий 1266 (милодий 1850) йили рамазон ойида Қулназар Додхоҳ мадрасага вақф қилган мулкларга тузилган вақфномада Худоёрхон мухри бўлганлиги учун 1893 йилда Андижон ер-солиқ комиссари вақфномани текширган. Текшириш натижасини Андижон ер-солиқ комиссияси кўриб чиқиб тасдиқлаган. Комиссиянинг 1893 йил 28 апрелдаги баённомасини кўриб чиқиб, тасдиқлаш учун Фарғона вилояти бошқармасига юборилган. Фарғона вилояти бошқармасининг Андижон ер-солиқ комиссари ва комиссиясининг Ҳазрат Бобо Саъиддин мазори майдонидаги мадраса иккита вақфномасининг текшириш натижаси муҳокамасига бағишланган 1894 йил 19 июлдаги баённомасида бу масала кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинган. Бу ҳужжатда мадрасанинг вақф ерлари миқдори кўрсатилган. Андижон ер-солиқ комиссари вақфномада кўрсатилган вақф ерларини текшириб, Андижон уезди, Олтинқўл волости, Ҳиндумозор қишлоқ жамоаси, Хон-боғ қишлоғидаги вақф ери майдони 43 десятина 2095 саржин эканлигини аниқлаган. Бу дачанинг ер солиғи 78 рубль 62 копеек деб белгиланган. Мадраса вақф ерини хирож ва таноб солиқларидан озод қилиш тўғрисида хоннинг илотномаси йўқлигини баҳона қилиб, Фарғона вилояти бошқармаси 1894 йил 19 июлдаги қароридан мадраса вақф еридан келадиган ер солиғи давлат хазинасига тушади, деб кўрсатилган, мадрасани вақф даромадидан маҳрум қилган.

Ҳижрий 1266 йил рамазон ойида тузилган мадрасанинг вақфномасида қайд қилинган вақф мулкларидан, яъни иккита ер участкаси ва қарвон саройдан тушган даромадни Қўқон хонлиги

даврида, яъни бу мулклар мадрасага вақф қилиб, эҳсон қилинган 1850 йилдан то хонлик тугатилиб, мадрасанинг вақф ерлари давлат тасарруфига ўтказилгунга қадар мадраса мутаваллиси вақфни дехқонларга ижарага бериб, даромадини мадраса эҳтиёжига тўла ишлаб берган. Вақфномада вақф мулки васият қилувчи мадрасанинг вақф даромадини фойдаланишининг қуйидаги тартиби белгилаб қўйилган: вақф даромади 10 қисмга бўлиниб, бир қисми мутаваллига берилиши ва қолгани мадрасани таъмирлашга ишлатилиши васият қилинган. Мободо мадраса таъмирланмаса, вақф даромадини қолган 9 қисми уч қисмга бўлиниб, бир қисми мударрисга, бошқа яна бир қисми талабаларга, учинчи қисми ўз навбатида, яна уч қисмга бўлиниб, бир қисми имомга, иккинчи қисми мадрасани гарб томонида васият қилувчи томонидан қурилиши мўлжалланган мактаб ўқитувчиси ихтиёрига топшириш ва учинчи қисмини яна уч қисмга бўлиб, икки қисми мактаб ўқувчиларига топширилиб, қолган бир қисми яна уч қисмга бўлиниб, муаззинга, фаррошга, сартарошга берилиши вақфни эҳсон қилувчи томонидан шарт қилиб қўйилган²²¹.

Вақфномада яна мадраса мутаваллиси вақф мулкни эҳсон қилувчининг авлодидан бўлиши ва вақф мулкни ижарага бир кишига 3 йилдан ортиқ муддатга бермаслиги ўқтириб ўтилган.

Андижон шаҳридаги Ҳазрат Бобо Саъиддин мазори майдо-нида қурилган мадрасага ҳижрий 1288 (милодий 1872) йили сафар ойининг 6-куни Шо Абдурахим Халифа Мирмухаммад Шо Мирниёз Шо ўғли маҳалла қозисига келиб, Қўқон-қишлоқ қишлоғида жойлашган Тош-Бичин ариғи сувидан сугориладиган иккита ер участкасини вақф қилишини билдирган²²². Қози ўша кун вақфнома расмийлаштириб берган. Вақфномада вақф ерларининг миқдори кўрсатилмаган. Вақфномада хон муҳри бўлмаганлиги, фақат қози, муфтийлар муҳри бўлганлиги учун Андижон ер-солиқ комиссари бу вақфномани текширмаган, вақф ерларини ўлчамаган. Натижада ҳижрий 1288 йил сафар ойида Шо Абдурахим Халифа эҳсон қилган вақф ерлари миқдори аниқланмаган. Лекин вақф ерлар миқдори ҳижрий 1266 йили Қулназар Додхоҳ мадрасага вақф қилиб берган ерлар миқдоридан камроқ бўлиши мумкин.

Вақфномада кўрсатилгани, мадраса мутаваллиси вақф эҳсон қилувчининг авлодидан бўлиши керак. Вақф даромади 10 қисмга

²²¹ Ў.И. МДА, И-19-ф., 1-р., 34222-й., 18-в.

²²² Ў.И. МДА, И-19-ф., 1-р., 34222-й., 4-в.

бўлиниб, бир қисми мутаваалли фойдасига, қолган 9 қисми мадраса талабаларига ўтганлар руҳига Қуръон сураларидан ўқини учун берилиши қайд қилинган²²¹.

Анджонлик катта ер эгаси, моҳир тадбиркор Бердихўжабек Ризакулбеков Анджон шаҳрида, Сайдан туман томонда шишиқ гиштдан мадраса қурдирган. Мадраса 10 та хужра ва битта дарсхонадан иборат бўлган. Мадраса ходимлари ва талабалари беш вақт номоз ўқишини ҳисобга олиб, Бердихўжабек мадраса қошида масжид ҳам қурдирган.

Бердихўжабекнинг имкониятлари нисбатан катта бўлган. У ўзининг номидаги мадрасага экин экиладиган ер участкалари, тегиримон ва дўқонлар вақф қилиб берган. Ёшлар мадраса хужраларида истиқомат қилиб, ислом дини асосларини, шарият қонуноқондаларини ўқиб, ўзлаштириб етук мутахассис бўлиб етишини, жамиятга сиққидилдан хизмат қилишини орзу қилиб мадрасани Бердихўжабек ўзининг ҳусусий ерларидан Синграбоддиги Абушкариндан сугориладиган иккита ер участкасини, Бўлақора, Избоскан қишлоқларидagi ер участкасини, Тош Кичик деган жойдаги ўша ердаги ариқдан сугориладиган битта ер участкасини эҳсон қилиб берган. Бу ерлардан ташқари Синграбодда ўша жойдаги ариқда жойлашган тегиримонни ва Қўқон-Қишлоқ бозоридagi 1 ўнг растасида ўрнашган тўртта дўқонни ҳам мадрасага вақф қилиб берган.

Бердихўжабек мадрасасга ҳаёти қилган мулкларни қонуний қилиб қўйиш мақсадида маҳаллий қозига бориб, вақфнома ёздирган. Қозини вақфномаши хажрий 1278 (миждий 1861–1862) йили рабитул-аввал ойида тайёрлаб муҳрини босиб қонуний қилиб берган. Вақфномага Худойерхон ва Шомуродхонлар ҳам муҳрларини босиб тасдиқлиб берган эди²²². Одатда, мадраса битказиятидан кейин вақфнома тузилиб расмийлаштирилган. Шундан кейин чиқиб айтиш мумкинки, Бердихўжабек мадрасаси хажрий 1278 (миждий 1861–1862) йилда бунёд этилган.

Вақфномада хонлар муҳри бўлганлиги учун бу вақфномани Фарғона вилояти болиқармаси Анджон уезди ер-солиқ комиссияси ва комиссарига бериб текширтирилган. 1894 йилда Анджон шаҳридаги Бердихўжабек мадрасани вақфномасини Анджон уезди ер-солиқ комиссари капитан Ваширодекий текшириб вақфномани асл нусха, қонуний эканлигини, хонлар муҳрлари борлигини, мадраса ва масжид бутун, пухта, яхши ҳолатда эканлиги қайд этилган.

²²¹ Ў.Н. МДА, И-19-ф., 1-р., 34222-й., 9-р.

²²² Ў.Н. МДА, И-19-ф., 1-р., 34195-й., 3-р.

Вақф ер участкаси Бердихўжабек мадрасаси тасарруфида эканлиги, аҳоли яшамайдиган жойлар эканлиги, барча вақф даромади мадрасага қилинганлиги билдирилган. Вақфномада белгиланган ер участкалари текширилганда “Тошולי Кичик жой”даги ер участкаси мутавалли томонидан сотилганлиги, мадраса вақф мулклари таркибида бўлмаганлиги аниқланган. Фаргона вилояти ташкил қилинганидан кейин таъмирлий-худудий бўлинишда ўзгаришлар бўлган. Қўқон хоплигидаги Бўтақора, Избоскан қишлоқларидаги вақф ери чоризм دائирида Андижон уездининг Мойли-Избоскан волоести, биринчи Избоскан қишлоқ жамоаси, Миён дачасида 27 десятина 290 саржини ташкил қилганлиги аниқланган. Қўқон қишлоқ волоести, Сантработ дачасидаги иккита ер участкаси микдори 29 десятина 1290 саржин эканлиги равишан бўлган²²⁵. Хижрий 1278 йил Рабиъул-аввал ойида тузилган Бердихўжабек мадрасасининг вақфномасида кўрсатилишича, вақф мулкларининг мутаваллиси вақфни эҳсон қилувчиси: Узи бўлиши ва унинг нафотида ва кейин унинг аилоидан инқоли, муътабар бир киши бўлиши айтиб ўтилган. Вақфномада вақф даромадини бўлиш шартлари қуйидагига белгиланган: даромадга ўн дан бир қисмини мутаваллига ажратиб, қолган қисмидан мадраса ва масжидга таъмирланга ишлагини белгиланган. Қолган қисмининг учдан бири мадраса мударрисига, вақф даромадининг қолган қисми имом, муъззин, фаррон, сартарон ва мадраса талабалари орасида учта даража: олий, ўрта, қуйи даража бўйича бўлишини лозим бўлган. Имом бир меъёр олий даража бўйича олиши, муъззим битта қуйи даража, шунишдек, фаррон ва сартаронлар ҳам битта қуйи даража вақф даромади олиши, талабалар эса даражасига қараб олиши белгиланган²²⁶. Маълумки, мадраса талабалари уч даражага бўлинган: олий (аъло) ўрта (аъсар) қуйи (адно) даражага бўлинган. Қуйи даражадаги талабалар бир меъёр пафақа (стивелдия) олган бўлса, ўрта даражадаги талабалар унга ишебатан икки баробар қўн олган, яъни икки меъёр олган. Олий даража талабалари ўрта даража талабаларига ишебатан икки баробар қўн олган, яъни 4 меъёр олган.

Бу вақф ерларини ва тегиримон, дўконларини мутавалли ижарата бериб, вақф даромадини вақфномада белгиланган тартиб бўйича мадраса ходимлари ва талабаларга бўлиб берган ва мадраса, масжид бинчаларини таъмирланга ишлаган. Намунада Бердихўжабек мадрасасида талабалар орасида ўқув-тарбиянинг ишлар яхши йўлга қўйилган эди.

²²⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34195-п., 13–14-а.

²²⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34195-п., 3-4-а.

Хижрий 1292 (милодий 1875) йили Тўраҳон Тўра Саид Собир ўгли, Хон Тўра Шобимхон Хўжа Андижон шаҳридаги Собирхон Тўра мадрасаси ва масжидига Дардақ қишлоғидаги иккита ер участкасини ва Хонобод қишлоғидаги битта ер участкасини вақф қилиб берган. Собирхон Тўра мадрасаси ва масжиди қачон ташкил бўлганлиги аниқ эмас, Лекин ташкил қилинганидан кейин одат бўйича уларга вақф мулк ваъсис этганлигига шубҳа йўқ. Бунга қуйидаги маълумот ҳам гувоҳлик беради. Мадраса ва масжид хужжатлари орасида уларнинг вақф мулкларини солиқдан озод қилиш тўғрисида Худоёрхон хижрий 1283 (милодий 1866) йили берган иноятномаси ҳам сақланган. Бу иноятнома Собирхон Тўра мадраса ва масжидни қуриб битириб вақф мулки эҳсон қилганда берилган²²⁷. Демак, бу маълумотномага асосланиб айтиш мумкинки, Собирхон Тўра мадрасаси хижрий 1283 (милодий 1866) йилда бунёд этилган.

Тўраҳон Тўра Саид Собир ўгли, Хон Тўра Шобимхон Тўраларнинг мадраса ва масжидига Аллоҳ йўлида қўшимча вақф ерлари ҳаля қилишдан мақсади савоб иш қилиш, Аллоҳни раҳматига эришиш ва шунинг билан бирга мадраса ва масжид ходимларини маош билан, талабаларни нафақа билан таъминлаш орқали ўқув-тарбиявий ишларни янада яхшилаш, сифатини янада юқори даражага кўтариш бўлган. Улар мадраса ва масжидга эҳсон қилган вақф ерларига тузилган вақфномага 16 нафар қози, аълам, муфтийлар мухрларини босиб тасдиқлаган. Қўшимча вақф қилинган ерларни солиқлардан озод қилиш тўғрисида Худоёрхон хижрий 1292 йили иккинчи марта ба берган иноятномаси ҳам бўлган. Бу иноятнома туфайли давлат солиқ олмаган. Мадраса ва масжиднинг 2 та вақфномаси, 2 та иноятномасини 1887 йил 22 июнда текшириш учун Фарғона вилояти бошқармасига мутавалли Тўраҳон Собирхон Тўра топширган.

Мутавалли мадраса, масжиднинг вақф мулкларини ижарага берган. Вақф даромади вақфнома шартига кўра аввал мадраса, масжид биноларини таъмирлашга қолганидан ярмини мударрисга, ярмини хужраларга, 2 та хужраси маблағини ажратиб, уни 3 қисмга бўлиб, 2 қисмини имомга, 1 қисмини муаззинга бўлиб берилган. Мадраса ва масжидни вақф мулклари улар фаолиятини тўхтовсиз юритишга, сифатли олиб боришга имконият берган.

Андижон шаҳрининг тадбиркор инсонларидан бўлган Солоҳиддин Махзум Мулла Хошмал Халфа ўгли хижрий 1287 (милодий 1870) йили Андижон шаҳрининг Бобо Таваккал маҳалласида мадраса қурдирган.

²²⁷ ЎЗР МДА. И-19-ф., 1-р., 34244-й., 5-в.

Вақфномада кўрсатилишича, Хошмал Халфа ўғли ўзининг шахсий мулкига ўзининг Бобо Таваккал маҳалласида айвон ва номоз ўқиш, жаҳр²²⁸ адо этмоқ учун хонақоҳ қурган. Шундан кейин ўша жойда дарсхона ва хужралар қуриб, мадраса барпо этган. Дарсхона маъруза ўқиш учун, хужралар ўқишни хоҳлаганлар истиқомат қилини учун барпо этилган эди. Бу муассасаларнинг харажатларини, талаб ва эҳтиёжларини қоллаш учун Мулла Солоҳиддин Махзум Андижон вилоятининг Хайробод деган жойида шодилоя ер участкасини вақф қилиб берган. Вақф қилинган ер участкасининг жануб томонидан Ганд номли ариқ оққан. Шалишоя шу ариқдан сув ичган.

Вақфномада Худоёрхонни, Қозикалон Асрорқулни, аълам Абдул Қосим хўжавининг муҳрлари босилган эди. Вақф мулкни мутаваллиси вақф эҳсон қилувчининг авлодидан бўлиши, мударрис лавозимини бажарувчи мабодо авлодда шунга муносиб одам бўлса, вақф эҳсон қилувчининг авлодидан тайинлаш, васият қилинган.

Вақф мулки эҳсон қилувчининг шартига кўра вақф даромадидан ўндан бир қисми мутаваллига ажратилганидан кейин мадраса биносини таъмирлашга ишлатилиб қолгани уч қисмга бўлинган, шундан бир қисми хонақоҳга ва жаҳр адо этувчиларни меҳмон қилишга, иккинчи қисми мударрисга ва учинчи қисми мадраса талабаларига ютуқларига яраша бўлиниши шарт қилиб кўйилган²²⁹.

Мутавалли вақфномада белгиланган вақф даромадини бўлиш тартибини тўла амалга оширган. Дарсхона, хужраларни вақтида таъмирлаб туриши мадраса фаолиятини тўхтовсиз олиб бориши учун имконият яратган. Мударрисни маош, талабаларига нафақа билан таъминлаб мадрасада ўқув-тарбиявий ишга талаб даражасида олиб боришга зарур шароит яратиб берган.

Маҳмудалибой XIX асрда Андижон вилоятида яшаб меҳнат қилган таниқли тадбиркорлардан, бадавлат инсонлардан бири бўлган. У Ҳаканни Дархон маҳалласида истиқомат қилган. Маҳмудалибой дастлаб ўзи яшаган қишлоқда кейин Андижон шаҳрининг марказида Жоме мадрасаси ва масжидини бунёд этган.

1894 йил 12 июлда Фарғона вилояти бошқармаси умумий йиғилишида Маҳмудалибой мадрасаси вақфномаси ва уни Андижон ер-солиқ комиссари томонидан текшириши натижалари кўриб чиқилган. Баённомада кўрсатилишича, мадрасани Андижон уезди,

²²⁸ Жаҳр дарвешларнинг, бошқа одамларнинг Аллоҳ исмининг баланд овоз ва турли харажатлар билан такрорлаб зикр тушиши.

²²⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34225-й., 20-в.

Ойим волости, Дардак кишлок жамоасининг Дардак дачасида 4 десятина 1200 саржин битта ер участкаси, ўша кишлок жамоасининг Қирлик дачасида 78 десятина 1060 саржин учта ер участкаси ва ўша кишлок жамоасининг Қўш-Тепа дачасида 17 десятина 1880 саржин битта ер участкаси бўлганлиги қайд қилинган²³⁰.

Маҳмудалибой мадрасаси Андижон шахрининг Маҳмудалибой маҳалласида бунёд этилган. Мадраса куриб битказилганидан кейин хижрий 1290 (милодий 1873) йили Маҳмудалибой Андижон қозисига келиб мадрасага Дардах, Қори Қишлоқ ва Қўш-Тепадаги 8 та ер участкасини вақф қилиб беришини билдирган ва вақфнома туздирган. Вақфномага Асрорқул қози хижрий 1283 йил ёзилган мухрини, Эшонжон муфтий хижрий 1290 йил ёзилган мухрини, Абдулқосим аълам мухрини босиб тасдиқлаб берган. Вақфномага Андижон ҳокямя Насриддинбек ҳам мухрини босган эди. Вақфномада қайд қилинганидек мадраса мутаваллиси вақф васият қилувчининг ўзи бўлиши белгиланган эди. Фарғона вилояти бошқармасига мадраса мутаваллиси Маҳмудалибойбачча Холмирзабоев 1887 йил 30 июнда вақфномани топширганлиги хужжатда қайд этилган. Мутавалли вақф ерларни вақфкор деҳқонларга ижарага бериб, вақф даромадидан вақфномада кўрсатилишича, мутаваллига ажратиладиган ўндан бир қисмидан ташқарисивни — уч қисмини мударрисга, ўндан беш қисмини мадраса хужраларида яшовчи талабаларга ва бир қисмини фаррошга топширган²³¹. Мутавалли вақф даромадидан мадраса хизматчилари, талабаларини моддий жиҳатдан таъминлаб ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишларини ташкил қилган.

Андижон шахри Авушка маҳалласида 1873 йил қурилган Абдурахмон Офтобачи мадрасасининг 2 та дархонаси, 24 та хужраси, масжиди бўлган. 1887 йилда мадрасада 83 нафар талаба ўқиган, 7 нафар мударрис таълим берган. Абдурахмон Офтобачи Мусулмонқул мингбошининг ўғли Худоёрхон саройида офтобачи лавозимида хизмат қилган даврида хон унинг хизмати эвазига Андижон вилоятининг Олтинқул кишлоғидан 12 минг таноб ер берган. Бу ерлар Офтобачичек деб номланиб, Улуғнор ариғидан суғорилган. Бу ерларни Абдурахмон Офтобачи ўзи қурдирган мадрасага вақф қилиб берган. Вақфномага Худоёрхон мухри босилган эди. Бу ер мадрасага ҳар йили 20 минг сўмдан даромад берган²³². Абдурахмон

²³⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34387-й., 14-15-в.

²³¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34387-й., 5-в.

²³² ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 1151-й., 276-в.

Офтобачи отаси сингари мингбоши ҳам бўлган. У Қўқон хонлиги қўшинларининг бир қисмига кўмондонлик қилган ва 1875–1876 йилларда хонликка бостириб кирган чор ҳукумати армиясига қарши курашган.

Биз юқорида Андижон шаҳрида қурилган ва фаолият кўрсатган мадрасалар ҳақида тўхталдик. Андижон вилоятининг қишлоқларида бунёд этилган мадрасалар нисбатан кичик бўлган. Вақф мулкларидан тушадиган даромад ҳам талаба, мударрислар сони ҳам оз бўлган.

Вилоятнинг саҳий бадавлат мулкдорларидан бўлган Боқибой (хужжатларда тўлиқроқ Боқи Мухаммадбой Одилбой (Одилбоев) деб ҳам ёзилган) Андижонда мадраса қурдирган. Ҳижрий 1291 (милодий 1874) йили Боқибой Андижон шаҳри қозисига ёздирган вақфномада мадраса Андижон шаҳри бозорида пиддик гиштдан қурилганлиги, уни 22 та хужраси, 1 та дарсхонаси, хонақоси бўлганлиги қайд қилинган²³³.

В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили Боқибой мадрасасини текшириб, ҳисоботида берган маълумотларга кўра мадраса 1871 йилда бунёд этилган, 1 та дарсхонаси, 20 та хужраси бўлган. Уша ўқув йили мадрасада 40 нафар талабалар ўқиган ва 1 мударрис уларга дарс берган. Наливкиннинг ёзишича, мадрасани 5 та дўкони, 1 та ҳаммоми бўлиб йиллик вақф даромади 760 рубльни ташкил қилган. Вақф даромадидан мударрисга бир йилда 228 рубль, ҳар бир хужрага 19 рубль ажратилган²³⁴.

Мадрасанинг ташкил қилинган йили масаласига келсак, вақфномаларда одатда мадрасанинг барпо этилган йили кўрсатилмайди, вақф мулки васият қилинган сана ёзилади. Одатда, мадраса қуриб битирилган йили вақф мулки таъсис этилиб, вақфнома тузилган. Шу одатга риоя қилсак, мадраса 1874 йилда қурилган бўлади. Лекин Наливкин мадрасани 1871 йилда бунёд этилган, деб кўрсатган. Мадраса олдинроқ қурилиб, вақф мулки кечроқ васият қилинган бўлса мадрасанинг қурилган йили тўғрисидаги Наливкин берган маълумот, яъни 1871 йил тўғри бўлиб чиқади. Архив хужжатларида мадрасанинг қурилган йили тўғрисида бошқа маълумот учратмадик. Мадрасанинг бунёд этилган санаси масаласида Наливкин берган маълумотни ҳақиқий деб қабул қилиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Боқибой мадрасасининг хужралари сонига келсак, Наливкин 20 та хужраси бор деб кўрсатган. Мадрасанинг ҳижрий 1291 йили

²³³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34247-й., 3-в.

²³⁴ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 44-в.

● Қўқоя хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

мадраса бунёдкори Боқибой иштирокида ёзилган вақфномада мадрасанинг 22 та ҳужраси борлиги қайд этилган. Бизнинг фикримизча вақфномада берилган маълумот ҳақиқатга яқин, чунки мадрасанинг 22 та ҳужраси борлиги қози томонидан мадрасани қурдирган шахс айтган, гувоҳлар тасдиқлаган маълумотлар асосида ёзилган.

Мадрасанинг вақф мулклари тўғрисида аниқ маълумотлар вақфномада ва унинг асосида Россия империяси Қўқоя хонлигини босиб олгандан кейин вақфномани ер-солиқ комиссари, комиссияси ва бошқа таъкилотлар томонидан текшириш туфайли ёзилган ҳужжатларда баён этилган. Асосий ҳужжат вақфноманинг гувоҳлик беришича, Боқибой ўзининг номидаги мадрасага шахсий мулкидан Булоқбоши қишлоғининг Қора-Гадоё деган жойидаги ариқдан суғориладиган ер участкасини вақф қилиб берган. Бундан ташқари яна Андижон бозоридаги пишик ғиштдан қурилган карвонсаройни ҳам мадрасага вақф қилиб берган эди. Карвонсарой девор билан ўралган бўлиб, айвонли мустаҳкам дарвозаси бўлган. Бу сарой пишик ғиштдан тикланган 18 та хона-ҳужралардан, карвонлар от-туялари жойлашадиган айвонлардан иборат эди. Карвонсарой ҳужраларида карвон билан бирга келган, бозорга узоқ юртлардан мол олиб келган савдогарлар жойлашар эди. Шунинг учун хоналар полос, кўрпа, тўшаклар билан, қишда сандаллар билан жиҳозланган ва чироклар билан ёритилган эди. Хонани ўзи ҳам чиройли қилиб безалган, шипларидаги вассажуфларга ҳар хил қизил, сарик, хаворанг бўёқлар билан пардоз берилган эди. Сарой майдонига чиройли ғиштлар ётқизилган эди²⁵⁵. Карвонсарой билан бирга мадрасага 4 та дўкон Андижон бозорининг туз растаси қаторида ва Андижон бозорида жойлашган битта ҳаммом вақф қилиб берилган эди²⁵⁶.

Боқибой мадрасаси вақфномасида Худоёрхон муҳри бўлган. Мадраса вақф мулкларини хирож ва таноб солиқларидан озод қилинганлигини тасдиқловчи Худоёрхон июятнома ёзиб, муҳрини босиб берган. Вақфномада хон муҳри бўлганлиги учун уни Ўш ер-солиқ комиссари 1894 йили текширган ва вақф ер участкаси миқдорини ўлчаган. Мадрасанинг вақф ери майдони 8 десятина 240 сарҳян эканлиги аниқланган²⁵⁷.

Мавзудан четга чиқиш бўлса ҳам айтиб ўтиш керакки, комиссар вақфнома сатрлари орасига қўшимчалар ёзиб қўйилганлигини

²⁵⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34247-й., 3-в.

²⁵⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34247-й., 25-в.

²⁵⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34247-й., 25-в.

бахона килиб, вақфномани қалбаки деб баҳолаган. Шунинг учун иноятнома вақф ер участкасини солиқлардан озод қилганлигига қарамай мадрасани вақф еридан оладиган ижара ҳақидан махрум қилган, бу ердан давлат ер солиғи 16 рубль 38 копеек олишга қарор қилинган. Комиссарнинг хулосаси, Фарғона вилояти бошқармаси умумий йиғилишининг қарори Туркистон генерал-губернатори томонидан тасдиқланган Аслида вақфнома қози, аъламлар ва Худоёрхон томонидан тасдиқланган эди. Демак, вақфнома қалбаки эмас, қонуний бўлган. Чор Россиясининг Туркистондаги рус маъмурлари мадраса ва бошқа мусулмон диний ташкилотлари вақф ерларини ҳар хил баҳоналар билан тортиб олган, уларга ер солиғи солиб давлат хазинасини тўлдиришга ҳаракат қилган.

Кўкон хонлари ва уларнинг авлодларига масжид, мадраса ва бошқа диний ташкилотларни Худо йўлида қурдириш ва уларга вақф мулклари инъом этиш одат бўлган. Шу анъанави давом эттириб Андижон вилоятининг ҳокими, Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек ҳам хижрий 1288 (милодий 1871) йили рамазон ойида жоме масжиди ва мадраса қурдириб битказиб, уларга мулк вақф килиб, вақфнома туздирган эди. Мадраса 23 та хужралар ва битта дарсхонадан, масжид, хонақоҳ ва айвондан иборат эди. Бу иншоотлар пишиқ гишгдан, Андижон шаҳрининг янги Ўрда²³⁸ ёнида бунёд этилган эди. Уларнинг шарқ ва қисман жануб томони йўл билан ғарб, шимол ва қисман жануб томони Ўрда билан чегараланган.

Насриддинбек ўзи бунёд этган масжид ва мадраса эҳтиёжини тўла қондириш, камчиликсиз фаолият юритишнинг таъминлаш мақсадида Балиқчининг Насриддинобод қишлоғидаги катта миқдордаги ўзига тегишли ерни вақф қилиб берган. Бу ерларнинг бир қисmini катта Чинобод ариғидан ариқ чиқариб суғорган. 1896 йил январь ойида Фарғона вилояти ер-солиқ комиссари подполковник Янцин томонидан вақфнома ва унда кўрсатилган вақф ерлар текширилганида уларнинг миқдори аниқланган. Насриддинбек масжид ва мадрасага 868 десятина (десятина 1,09 гектарга тенг ер ўлчов бирлиги) 2183 саржин (2400 саржин бир десятинаяга тенг) суғориладиган, экин экиладиган ерни ва 668 десятина 1876 саржин лалми ерни жами 1537 десятина 1659 саржин ерни вақф қилиб берган²³⁹. Бу ерларда аҳоли яшаган ва вақф ерларидан фойдаланганлиги

²³⁸ Янги Ўрда Насриддинбек Андижон вилояти ҳокими килиб тайинланганда Худоёрхон томонидан бунёд этилган.

²³⁹ ЎЗР МДА, И 19-ф., 1-р, 34178-й., 25-в.

учун етиштирилган ҳосилни бешдан бир қисми миқдорида хирож солиғи ва таноб солиғи тўлаб турган. Таноб солиғи поллиз экннларидан, сабзавот ва мевалардан пул ҳисобида олинган.

Одатда вақф ташкилотининг мутаваллиси қим бўлиши вақфномада белгилаб қўйилган. Жоме масжиди ва мадрасаси мутаваллиси вақфномада вақф эҳсон қилувчи ёки у тайинлаган одам бўлади, деб кўрсатилган. Шарнат бўйича қурдирилган масжид, мадраса ва уларга вақф қилинган ерлар Аллоҳники ҳисобланган. Шу билан бирга вақф ташкилоти ва вақф мулклари мутаваллига топширилган. Мутавалли вақф ерларни шартнома асосида деҳқонларга ижарага берган. Кузда ҳосил йиғилганида ижара ҳақини деҳқонлардан йиғиб олиб вақфномада белгиланган тартибда сарфлаган.

Вақфномада вақф даромадини фойдаланиш тартиби куйидагича белгиланган эди: вақф даромади 10 қисмга бўлинган. Шундан 1 қисми биноларни таъмирлашга, масжид чироғига, ёритишга, полослар, четан тайёрлашга, рамазон вақтида Қуръон ўқишни ташкил қилишга, қолган 9 қисмини 10 қисмга бўлиб, 1 қисмини мутаваллига, 3 қисмини мударрисга, 1 қисмини тенг бўлиб, биринчи ярмини имом ва хатибга, бошқа ярмини 3 қисмга бўлиб муаззин, сартарош ва фаррошга, 6 қисмини мадрасанинг талабаларига бўлиб бериш белгиланган эди²⁴⁰.

Мутавалли вақф ерларидан тушган даромаддан ҳар йили масжид ва мадрасани таъмирлаб турган, мударрис, имом, муаззин ва бошқа хизматчиларга мояна, талабаларга нафақа (стипендия) берган.

Насриддинбек мадраса ва масжиди Кўқон хонлиги даврида фаолиятини яхши олиб борган. Вақф даромади бошқа мадраса, масжидларникидан анча кўп бўлган. Шунга кўра мадрасада талабалар, мударрислар ҳам кўп бўлган бўлиши керак. Мадраса ходимлари, талабалари моддий томондан қийналмасдан, мўл кўлчиликда яшаган. Шунинг учун мадрасада ўқув-тарбиявий ишлар ҳам яхши борган. Насриддинбек мадрасаси ва масжиди фаолияти яхши кетаётган бир вақтда 1875 йил бошида замонавий қурошлар билан қурошланган Россия армияси Андижонга ҳужум қилиб февраль ойи бошида уни босиб олган. Уруш жараёнида замбараклардан отилган ўқлар Насриддинбек қурдирган масжидга тегиб, бузиб ташлаган ва мадраса ҳам харобага айланган. Чор ҳукуматининг армияси Андижонни қўлга киритганидан кейин барча давлат бойликлари, жумладан, Насриддинбек мадраса, масжиди ҳам босқинчилар мулкига

²⁴⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34178-й., 2-в.

айланган. Чор маъмурлари шикастланган масжидни бузиб, жойини текислаб юборган. Мадрасани эса рус ҳарбийлари ва улар отлари турадиган жойга мослаштириб фойдаланилган²⁴¹.

Андижонни босиб олган чор ҳукумати армиясининг 16 Туркистон мунтазам баталиони мадраса биносини эгаллаб олганидан кейин Насриддинбек мадрасаси мутаваллиси янги мадраса барпо этиш режасини тузади. Масжид, мадрасанинг вақф даромади кўп бўлган ва янги мадраса қуришга бемалол етиши мумкин эди. Шуни ҳисобга олиб мутавалли Андижон уезди бошлиғига ҳарбийлар томонидан банд қилинган мадраса ўрнига янги мадраса қуришга рухсат сўраб мурожаат қилган. У ўз навбатида юқори идоралардан рухсат олиб янги мадраса қуришга ижозат берган. Мутавалли мадраса бунёд этишга рухсат олганидан кейин Андижон шахрининг Чувалачи маҳалласидан мадраса қуриш мумкин бўладиган, ёнида масжиди ҳам бор ерни сотиб олган. 1877 йили мадрасани қуришни бошлаб, 1878 йили қурилишини битказишга эришган. Масжид қурилмаган. Мадраса ходимлари ва талабалари беш вақт намозни мадраса ёнидаги Махсудбек масжидида ўқиши мўлжалланган. Шундай қилиб, Насриддинбек номида янги мадраса ҳам вужудга келган.

Масжид ва мадрасанинг вақф ерлари мусодара қилинган, давлат ихтиёрига ўтказилган. 1897 йил 21 февралда мадраса талабалари ва ходимлари Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига Насриддинбек мадрасаси вақф ерларидан даромад олиш ҳуқуқини қайтариб беришни сўраб мурожаат қилган. Арзномада Андижон шаҳридаги Насриддинбек мадрасаси вақф даромадидан фойдаланувчиларга ва талабаларга хабар қиладиларки, илгариги вақтда ҳам, Россия давлатига қўшилганидан кейин ҳам 1895 йилга қадар бизнинг мадрасамизни вақф даромади бизга тушар эди, 1896 йилда эса хазинада ушлаб қолди, дейилган²⁴². Бу аризани Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Туркистон генерал-губернаторига юборган. 1897 йил 16 майда Туркистон генерал-губернатори девонхонаси Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган хатида ўлканинг Бош бошлиғининг буйруғига асосан, Саид Насриддинбек талабалари Насриддинбек кишлоғи ерларига даъвоси инобатсиз қолдирилганини ва бу ерлар бошқа кишлоқ аҳолиси сингари давлат ер солиғи тўлаши лозим бўлган деб ҳисобланганлигини хабар қилишини сўраган²⁴³. Бу хат

²⁴¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34178-й., 45-в.

²⁴² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34178-й., 54-в.

²⁴³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34178-й., 59-в.

21 майда Фарғона вилояти бошқармасига келиб тушган ва генерал-губернатор топшириғи ижро этилган.

1883 йил июнда Насриддинбек мадрасасининг муллалари Туркистон генерал-губернаторига ариза ёзиб мадрасани қайтариб беришни талаб қилган. Бу аризани Фарғона вилояти ҳарбий губернатори 14 июнда мадраса ҳақида кўшимча маълумотлар беришни сўраб Андижон уезди бошлиғига юборган. У ўз навбатида 1883 йил 11 июлда Фарғона вилояти бошқармасига қуйидаги жавобни йўллаган: “Аризада номи тилга олинган мадраса ҳақиқатда Ўрдада (Андижон шаҳри) мавжуд ва ҳарбий қўшинлар яшайдиган жойга мослаштирилган.

Генерал-губернатор жаноблари Андижонда бўлган маҳалда муллалар унга мадрасани қайтариб бериш тўғрисида мурожаат қилмаган, фақат масжид қуришга рухсат сўраган ва у жаноби олийлари шахсан Ўрданинг ва рус черковининг орқасидаги харобазордан масжид учун жой ажратишни ва 16-Туркистон мунтазам баталионига тегишли бинолар билан чегаралашни марҳамат қилган. Генерал-губернатор белгилаб берган жой мен томонимдан шаҳар аҳолисининг вақилига ажратиб берилди”²⁴⁴. Хужжатда тилга олинган Туркистон генерал-губернатори генерал Черняев бўлган. У 1882 йили Андижонда бўлган. Ҳатда кўтарилган бу масала Туркистон генерал-губернатори томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинади ва Насриддинбек қурдирган мадраса уламоларга қайтариб берилади.

Масжид ва мадрасанинг вақф даромади катта бўлган. Шунга яраша мадрасанинг ходимлари ҳам кўп бўлган. 1891–1892 ўқув йилида, В.П.Наливкиннинг маълумотига кўра, Насриддинбек мадрасасида қуйидаги 8 нафар мударрис талабаларга дарс берган: Мирза Қосим қози, Мирза Бобо Охун, Мулла Мансур, Мулла Шо Юнус, Дада Хўжа Эшон, Мулла Рўзибек, Мулла Мухаммад Якуб ва Мулла Ваҳоб. В.П.Наливкиннинг 1893 йил учун Туркистон ўлкаси мусулмон мадрасалари ҳолати ҳақидаги ҳисоботида кўрсатилишича, Насриддинбек мадрасасида 48 нафар талабалар 6 нафар мударрислардан сабоқ олган²⁴⁵.

Насриддинбек мадрасаси тўғрисида бу маълумотлар ёзилган 1891–1893 йилларда 2 та, Ўрдадаги ва Чувалачи маҳалласидаги мадрасалар мавжуд эди. Ҳар иккала мадраса ҳам Насриддинбек

²⁴⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 23265-й., 3-в.

²⁴⁵ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 65-в.

вақф қилган катта мулкнинг катта вақф даромадидан фойдаланиб фаолиятини юритган бўлиши мумкин. Юқорида келтирилган В.П.Наливкин хужжатларидаги маълумотлар қайси бирига тегишли деган савол тугилиши табиий. Янги мадраса хом ғишт, синик, қолган-қутган пишик ғиштлар ва лой билан енгил-елпи қилиб қурилган. Уни устига чеккароқда бўлганлиги учун мадрасанинг иши унча яхши юритилмаган. Шунинг учун бўлса керак мадраса мутаваллиси шаҳар марказида, бозор ёнида янги мадраса қуришга рухсат сўраб Андижон уезди бошлиғига мурожаат қилган. Аммо уезд бошлиғи рухсат бермаган, мадраса қурилмаган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Насриддинбек номидаги янги мадраса чеккароқда, енгил-елпи, кичикроқ бўлганлиги учун 50 нафарга яқин талабалар ўқиган, 8 нафар мударрислар ишлаган бўлиши мумкин эмас. В.П.Наливкин хужжатларида келтирилган маълумотлар Насриддинбек узи қурдирган мадрасага тегишли деб ҳисоблаймиз. 1896 йилдан бошлаб бу мадрасалар вақф даромадидан махрум бўлгандан кейин бу мадрасалар моддий томондан қийналиб ўз фаолиятини тўхтатган бўлиши керак. Уларнинг кейинги йиллардаги фаолияти тўғрисида бизда ҳозирча маълумотлар йўқ.

Насриддинбек Қўқон хонлиги Андижон вилояти ҳокими этиб тайинланиши муносабати билан отаси Худоёрхон шаҳар марказида Ўрда қурдирган. Бу жой илгари кенг, очик майдон, ҳайитларда ҳайитнамоз ўқилган жой бўлган. Ўрда Андижон ҳокими Насриддинбекни қароргоҳи, доимий ишлайдиган, яшайдиган жойи бўлган. Ўрда дарвозаси ёнида ҳокимнинг хавфсизлигини таъминлайдиган, назорат қилиб турадиган соқчилар бўлган.

Насриддинбек масжид ва мадрасасига вақф қилиб берилган Насриддинобод қишлоғидаги 1537 десятина 1659 кв. саржин ерлардан олинадиган ер солиғи 3399 рубль 37 копеек ҳисобланган эди²⁴⁶. Давлат ер солиғи умумий даромадни 10 фоизи миқдорда ўрнатилганлигини ҳисобга олсак, Андижондаги Насриддинбек масжид ва мадрасасининг йиллик даромади жуда катта бўлганлиги маълум бўлади. Андижонда бундай катта мулкка ва даромадга эга бўлган бошқа мадраса бўлмаган. Туркистон ўлкасининг халқ ўқув юрлари 3-инспектори В.П.Наливкиннинг 1894 йил 31 августда Туркистон ўлкаси ўқув юрлари бош инспекторига ёзган рапортида бошқа бинолар қаторида Насриддинбек мадрасаси ҳам бузиб ташланганлигини ва у жой шаҳарнинг руслар яшайдиган қисмидан эски

шаҳар бозорига ўтадиган кўчага қўшилганлигини хабар қилган²⁴⁷. Лекин Насриддинбек мадрасаси қачон бузилганлиги айтилмаган. Бу далилга асосланиб айтиш мумкинки, Насриддинбек қурдирган мадраса 1894 йилгача янги шаҳардан эски шаҳар бозорига ўтадиган кўча қурилиши муносабати билан бу йўлга тушиб қолганлиги учун бузиб ташланган.

Россия империяси ҳукумати масжид, мадрасалар фаолият юриштишига қарши эди. Ҳар хил баҳоналар билан масжид ва мадрасаларни йўқ қилишга ҳаракат қилган. Насриддинбек мадрасасасини бузиб ташлашга Андижон шаҳри режасини қайта тузиш, янги кўча ўтказиш баҳона бўлган.

Маҳмудалибой мадрасаси тарихи Насриддинбек мадрасаси тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун китобнинг ҳудудий чегарасидан чиқиб кетишимизга қарамай бу мадраса ҳақида тўхталиб ўтишни бурчимиз деб ҳисобладик.

Андижоннинг машҳур бойларидан бири Ҳакан қишлоғида яшовчи Маҳмудалибой Холмирзаев 1882 йилнинг бошларида Андижон шаҳрида эски ўрда ёнида ўзига тегишли ерда ўзининг ҳисобидан пишиқ гиштдан 25 хужрали мадраса қуришни ният қилган. Унга Ўш уезди Жалақудук волости Сўфи қишлоқдаги 3000 таноб ва ўша волостдаги Қораёнғоқ қишлоғидаги 700 таноб ерини вақф қилиб беришга рухсат сўраб Андижон уезди бошлиғига мурожаат қилган. Холмирзабоевнинг Андижон шаҳрида мадраса қуришга рухсат сўраб арзнома билан илтимос қилганлиги ҳақида Андижон уезди бошлиғи махсус хат билан 1882 йилда 27 июлда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори лавозимини вақтинча бажарувчисига хабар берган²⁴⁸. Бу ҳақда унинг рухсатини сўраган.

Шу орада 1882 йили В.К.Кауфман ўрнига унинг вафотидан кейин Туркистон генерал-губернатори лавозимига янги тайинланган генерал-лейтенант Черняев уезд аҳволи, ташкилотларни иши билан танишгани ва аҳоли билан учрашгани Андижонга ташриф буюрган эди. Шаҳар аҳолиси билан учрашув жараёнида Андижон уламолари ўрдада Насриддинбек қурдирган масжид Андижонни рус армияси босиб олиши вақтида масжидга замбаракдан ўқ тегиб қаттиқ шикастланганлигини, шу сабабли шаҳар руслар қўлига ўтганда масжидни бутунлай бузиб, ерини текислаб қўйганлигини айтиб, шу масжид ўрнида масжид қуриб олишга рухсат сўраган. Черняев

²⁴⁷ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 373-й., 45-46-в.

²⁴⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 23030-й., 1-в.

ўрданинг орқа томонидаги бўш ётган ерни ажратиб беришни уезд бошлиғига буюрган. Генерал-губернаторнинг шу оғзаки буюругига асосан уезд раҳбари ер ажратиб берган ва масжид қуришга рухсат берган. Андижон шаҳри уламолари Маҳмудалибойга Насриддинбек қурдирган масжид ўрнида янги масжид қуришни илтимос қилиб мурожаат қилдилар. Маҳмудалибойни азалдан шаҳарда хашаматли жоме масжид ва мадраса қуриш нияти бор эди. Уламоларнинг масжид қуриш тўғрисидаги таклифи Маҳмудалибой кўнглидагидек иш бўлди. Шу боис шаҳар ўрдаси ёнида эски масжид ўрнида масжид ва кейинроқ унинг ёнида мадраса қуришни бошлаган.

1887 йил 5 сентябрдаги Андижон уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига ёзган рапортида Маҳмудалибой Андижон шаҳридаги жоме масжиди ўрнида шундай масжид, хужралари билан қурганлиги қайд қилинади. Шунингдек, масжиднинг улканлиги, пишиқ гиштдан қурилганлиги, унинг асосли бажарилгани, пардозлаш ишлари олиб борилаётгани, энг ками 100 минг рубль сарфланганлиги, масжид ёнида дўқонлар солинаётганлиги кўрсатиб ўтилади²⁴⁹.

1901 йил 16 мартда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Туркистон генерал-губернаторига жўнатган рапортида шундай дейилган: “Собиқ генерал-губернатор, генерал-лейтенант Черняев томонидан, Андижонда бўлганида, берилган оғзаки рухсатномага асосан бозорда, илгари хонлик вақтида бўлган масжид ва мадраса ўрнида янги жоме масжиди ва мадраса бунёд этилган. 1885 йилда масжид энди битган вақтда, мадраса қурилиши яна давом этаётганида, бу қурилишларни бунёдқори Андижон шаҳрида яшовчи, сорт Маҳмудалибой Холмирзабоев қурилайётган масжид ва мадраса фойдасига вақф ташкил қилиш масаласида жаноб вилоят ҳарбий губернаторига Туркистон генерал-губернаторига илтимос қилиш тўғрисида мурожаат қилган”²⁵⁰.

Бу ҳужжат Маҳмудалибой бунёд этаётган масжид ва мадраса қурилиши 1882 йилда бошланганлиги, 1885 йилга келиб масжид қурилиши асосан битганлиги, мадраса қурилиши эса давом этаётганлигидан гувоҳлик беради. Шу муносабат билан масжид ва мадрасага вақф мулки таъсис қилишга ҳаракат бошланганлигини кўрсатади. 1886 йилдаги Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низомга асосан, масжид, мадраса қуриш, уларга вақф мулки таъсис

²⁴⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 23030-й., 45-в.

²⁵⁰ ЎЗР МДА, И-1-ф., 12-р., 325-й., 2-в.

қилиш фақат Туркистон генерал-губернатори рухсати билан ҳал қилинар эди. Чор ҳукумати Туркистон мусулмон руҳонийларини моддий, маънавий, ташкилий жиҳатдан кучайиб кетишини олдини олиш мақсадида мана шундай чеклашларни жорий қилган эди.

1887 йил 13 ноябрда Фарғона вилояти ҳарбий губернатори вазифасини бажарувчи Туркистон генерал-губернаторига андижонлик Маҳмудалибой Холмирзабоев Андижон шаҳридаги жоме масжиди ўрнида шундай масжид қурганлигини ва бу камчиликларни тўғриланаётган масжидга ўзининг кўчмас мулкидан вақф таъсис қилишга рухсат сўраб илтимос қилганлигини хабар қилган. Хатга илова қилиб, Холмирзабоев арзномасини ва вақф баённомаси лойиҳасини жўнатган²⁵¹.

Туркистон генерал-губернатори вақф таъсис қилиш шартини аниқлаш учун Петербургда, Давлат Кенгашига мурожаат қилган эди. Бу масала бўйича ҳукумат қарорини кутиб, Маҳмудалибой илтимосини ҳал қилиш тўзилиб кетди. Бу ўртада 1889 йилда Маҳмудалибой жоме мадрасасини ҳам қуриб битказган. Шу муносабат билан 1889 йил 21 майда Андижон шаҳрининг барча аҳолиси Туркистон генерал-губернатори номига Маҳмудалибой Холмирзабоев ўзини ҳисобидан қуриб битказилган мадраса ва жоме масжиди фойдасига ўзининг мулкидан вақф таъсис этиш тўғрисидаги илтимосномасини ижобий ҳал қилишини сабрсизлик билан кутаяпмиз деган мазмунда ариза юборган. Шу орада 1888 йил 19 декабрда Давлат Кенгаши генерал-губернаторга айрим ҳолларда мусулмон диний ташкилотларига солиқдан озод қилмасдан вақф таъсис этиш тўғрисида қарори эълон қилинган. Шу қарорга асосланиб, 1889 йил 21 июнда Туркистон генерал-губернатори Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига қуйидаги жавоб хатини ёзган: “Сиз зоти олийларига, керакли фармойиш бериш учун маълум қиламанки, илова қилинаётган вақф мулклари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган Холмирзабоевни ўз мулкани вақф қилиш тўғрисидаги мурожаатномасига юқорида келтирилган Давлат Кенгаши фикри асосида қаршилигим йўқ”²⁵². Генерал-губернаторнинг бу ёзма буйруғи дарҳол Андижон уезд бошлиғига, Маҳмудалибойга, Андижон аҳолиси вакилларига хабар қилиш учун юборилган эди.

Маҳмудалибой ўзи қурдирган жоме масжид ва мадрасага вақф қилган ерлар миқдори тўғрисидаги ва Туркистон генерал-губер-

²⁵¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 23030-й., 46-в.

²⁵² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 23030-й., 59-в.

натари тасдиқлаган маълумотнома архивда сақланиб қолган. Биз жадвал шаклидаги маълумотномани аслида қандай бўлса шундай-лигича келтирамиз.

Ведомость о количестве земель, жертвуемых жителям Хаканской волости Махмудалибаем в вақф²⁵³

№	Местонахождение участков	Количество земель в танапах	Оброчная подать в год	Земский сбор
1	Участок в Ошском уезде земли в Джалал-Кудукской волости в кишлаке Суфи	750	477 р. 4 к.	166 р. 96 к.
2	Там же	535		
3	Там же в кишлаке Ургу	80	22 р. 22 к.	7 р. 88 к.
4	Там же	70	77 р. 4 к.	26 р. 96 к.
5	Там же в местности Карагун	50		
6	Там же в кишлаке Дон	130	51 р. 85 к.	18 р. 15 к.
7	Там же	70		
В Маргеланском уезде				
8	Участок в Маргеланском уезде в Ассакинской волости в кишлаке Кызыл-Аяк	15	8 р. 89 к.	3 р. 11 к.
9	<u>В гор. Андижане.</u> Участок в гор. Андижане на базаре пустопорожное место	2	Земли эти податью не обложены	
10	Участок в гор. Андижане под Карвансарам	2 ½		
11	Участок в квартале Худояр Казий на базаре гор. Андижана на котором находятся на весы и лавки мучного базара	1 ½	Этот участок податью не обложен	

Капитан подпись

Секретарь подпись

Письмоводитель подпись

Андижон шаҳри марказида, ўрда яқинида қурилган мадраса ва жоме масжидига улар фаолиятини юритиши учун Махмудалибой 1840 таноб экин ерини ва 2 та карвонсаройни вақф қилиб берган. Вақф ерлар асосий қисми 1285 танобни Ўш уездининг Сўфи кишлоғида бўлган. Махмудалибой Сўфи кишлоқдаги ерларни 58

²⁵³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 23030-й., 60-в.

нафар чорикорларга ижарага берган. Улар ерга ишлов бериб ҳосил олган ва ҳосилни бешдан икки қисмини Маҳмудалибойга ижара ҳақи сифатида берган. Бошқа ер участкалар эса чорикорларга ҳар хил шартлар билан ижарага берилган²⁵⁴. Барча ерлардан Маҳмудалибой давлатга солиқ тўлаб турган эди. Мана шу даромад келтирадиган ерларни мадраса ва жоме масжидга вақф қилиб берган. Бу ерлардан ташқари Андижон шаҳри бозоридаги бир неча ҳужралари ва отхонаси бор саройни мадраса ва масжидга эҳсон қилган. Бу катта даромад келтирадиган мулклар мадраса ва масжид эҳтиёжини асосан қоплаган.

Маҳмудалибой Сўфи қишлоқдаги ерини Андижон шаҳридаги мадраса ва масжидга вақф қилиб бергунга қадар, ери йўқ, кам ерли деҳқонларга ижарага бериб фойдаланган. Ижарачилар атрофдаги шаҳар ва қишлоқлардан келиб ерни ишлаб деҳқончилик қилишган. Ер сўғориладиган, унумдор бўлганлиги учун кўп ҳосил берган. Шунинг учун асосий ишларни бажарган, оғир меҳнатни қилган деҳқон етиштирилган ҳосилни бешдан уч қисмини олишга рози бўлган, икки қисмини ер эгаси Маҳмудалибойга берган, шундай шартга рози бўлган ижарачилар узок-узок қишлоқлардан келиб ишлашган. Ҳақ даврларда камбағаллар орасида ишсизлик кўп бўлган. Оила-ни, бола чакани боқиш учун Андижон шаҳридан, бошқа жойлардан айрим ишга мухтож одамлар Сўфи қишлоққа бориб ишлашга мажбур бўлган. Биз юқорида тилга олган 58 нафар чорикорлардан Муҳаммад Иброҳим Чекибоев маргилонлик, Уста Муҳаммад Саид Омонбоев қўқонлик, Қорахўжабой ўшлик, Муҳаммад Исоқ Исломов шаҳрихонлик, Муҳаммад Исо ҳаканлик, Мулла Ҳамид Охун дардоклик, Ахмадали Муҳаммад сўфиқишлоқлик бўлган. Бошқа ижарачилар ҳам ҳар жойлардан келиб деҳқончилик қилган одамлар бўлган. Ижарачи деҳқонлар асосан, буғдой, шоли, сабзавот ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирган. Бу ерларни Маҳмудалибой мадраса ва масжидга вақф қилиб берганидан кейин ҳам ўша ижарачилар вақф ерни ижарага олиб деҳқончиликни давом эттирган.

1902 йили июнь ойида Маҳмудалибой қариб қолганлигини ҳисобга олиб ва эҳтимол охиратни ўйлаб билиб-билмай қилган гуноҳларини ювиш, жаннати бўлиш мақсадида яна 34 та унинг ўзига тегишли кўчмас мулкни Андижон шаҳридаги жоме мадрасасига вақф қилишни руҳсат сўраб Фаргона вилояти ҳарбий губернаторига ва Туркистон генерал-губернаторига арзнома билан му-

²⁵⁴ ЎЗР МДА. И-19-қ), 1-р., 23030-я., 53-в.

рожаат қилган эди²⁵⁵. Хужжатда кўрсатилишича, бу вақф қилмоқчи бўлган мулклар қаторида Андижон нон бозорининг ғарб томонида жойлашган карвонсарой ва 3 та дўкон ер участкаси билан, пахта саройини ғарб томонида жойлашган карвонсарой ва 4 та дўконлари ер участкаси билан савдо саройи ер участкаси билан, Қирлик маҳалласидаги иккита ҳиндулар саройи ва 19 та дўконлар иккита ер участкаси билан, жоме мадрасаси асосий дарвозаси рўпарасидаги Хилямлик маҳалласидаги турар жой ва 8 та дўконлар ер участкаси билан, ўша маҳалладаги каппонни шимол томонидаги одамлар яшайдиган бино ер участкаси билан бўлган. Шаҳардаги бу мулклардан ташқари Ойим волостининг Дардак қишлоғида жойлашган 5 та ер участкасини ҳам жоме мадрасасига вақф қилиб беришни сўраган. Маҳмудалибой Дардак қишлоғидаги ерларини Ҳакан қишлоғининг Маҳмудалибой маҳалласида бунёд этган мадраса ва масжидга хижрий 1290 (милодий 1873) йили вақф қилиб берган эди. Лекин бу Ҳакандаги мадраса ва масжидни бошқа мулклари бўлганлигини ва Дардакдаги ерлар уларга ортиқча бўлганлигини ҳисобга олиб, бу ерларни сарф харажати катта жоме мадрасасига ўтказиб беришни генерал-губернатордан илтимос қилган.

Маҳмудалибойни бу янги илтимоси анча мураккаб бўлганлиги учун уни ҳал қилиш чўзилиб кетган. Шу сабабли 1903 йил 15 ноябрда Туркистон генерал-губернаторига қайта арзнома ёзиб, Андижон шаҳридаги жоме мадрасасига янги мулкларини вақф қилишни тезлаштириб беришни илтимос қилган. Ушбу арзномада генерал-губернаторга ўзи ҳақида шундай деб ёзади: “Мен қариб қолдим, мен 75 ёшдаман, мени ахволимдан сиз олпий жанобларини хабарингиз бор. Мени вафотимдан кейин меросхўр бўлиб қоладиган умр йўлдошим ва фарзандларим йўқ. Шунинг учун мен уйлайманки, мени вафотимдан кейин мулкларим бекор йўқолиб кетмасин, бирон бир ярамас одам кўлига тушиб қолмаслиги учун, мени мадрасам бор, унга мени ҳаётлигимда тезроқ вақф қилиб бериб тасдиқлаш ва мендан кейин ҳам мадрасам кун кўришини, яшашини хоҳлайман”²⁵⁶.

Маҳмудалибойнинг оилавий ҳаёти тўғрисида маълумотлар жуда кам сақланган. Маҳмудалибойнинг ота-онаси фарзанди сингарином чиқарган, бадавлат эмас. Ҳакан қишлоғида кўпчилик сингаридехқончилик билан шугулланган ўрта ҳол оила бўлган. У уйланганми ёки уйланмай ўзи ёлғиз ўтганми аниқ айтиш қийин. Уйланган

²⁵⁵ ЎзР МДА, И-1-ф., 12-р., 325-й., 32-в.

²⁵⁶ ЎзР МДА, И-1-ф., 12-р., 325-й., 15-в.

бўлса ҳам фарзанд кўрмаганидан кейин ажрашиб кетган бўлиши мумкин.

Махмудалибойнинг отаси Холмирзабек ўз замонасининг ўрта ер эгаларидан, ўрта ҳол кишиларидан бири бўлган. Холмирзабек Муҳаммад Солихбековни ислом динига эътиқоди баланд бўлган. Шу сабабли хижрий 1274 (милодий 1854) йили Андижон шаҳридаги ўзининг Ҳакан маҳалласида каттагина масжид қурдирган. Масжиднинг бир неча ҳужралари, айвони, хонақохи бўлган. Масжид қошида қорихонаси бўлиб, унда 1896 йил 25 апрелдаги Фарғона вилояти бошқармасининг Холмирзабек масжиди вақфномасини текшириб чиқишга бағишланган умумий йиғилиши баённомасидаги маълумотта қараганда бир нафар қорибоши 5 нафар ўқувчиларга сабоқ берган²⁵⁷. Уша қорибоши масжид имоми вазифасини ҳам бажарган бўлиши керак. Чунки хижрий 1274 йилда тузилган масжидни вақфномасида масжидга 4 та ер участкаси вақф қилинган. Бу мулклардан тушган вақф даромадининг ўндан бир қисми мутаваллига (мутавалли вақф қилувчининг ўзи бўлган), кейин масжидни таъмирлашга ишлатишга, қолганини 9 қисмга бўлиб, 7 қисминини вақф қилувчининг ота-оналари руҳига ҳар қуни Қуръоннинг маълум қисминини ўқийдиган қорига ва қолган 2 қисминини келажакда масжидга дўконлар ёки ер участкаси сотиб олиб вақф қилишга ажратилган эди²⁵⁸. Вақфномада масжид имоми, муаззини тўғрисида гап бормаган. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, масжид имоми вазифасини қорихона ўқитувчиси-қорибоши бажарган бўлиши мумкин.

Ҳижрий 1297 (милодий 1880) йили Махмудалибой Холмирзабой Хўжаев (фамилияси ҳужжатда шундай) ўзи бунёд этган масжид қошида мактаб ташкил этган. Мактабнинг моддий томондан таъминлаш учун Паян-Жалабек деган жойдаги ўзига қарашли ер участкасини вақф қилиб берган.

Махмудалибой мактабнинг вақфномасида хон муҳри бўлмаганлиги учун текширилмаган, махсус кўрсатмалар бўлганига қадар қолдирилган. Мактабнинг ер участкаси текширилмаганлиги учун неча десятина эканлиги аниқланмаган. Холмирзабек масжидининг вақфномасида хон муҳри бўлганлиги учун масжидга тегишли ер участкалари ер-солиқ комиссари томонидан текширилган. Масжидни вақфнома тузилгандан кейин сотиб олинган ер участкаси билан бирга 6 та ерли участкаси бўлган. Шулардан 3 та ер участкаси тек-

²⁵⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34320-й., 25-в.

²⁵⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34320-й., 6-в.

ширилганда 10 десятина 580 саржин эканлиги аниқланган²⁹⁹. Қолган 3 та ер участкаси текширилмаган ва ер миқдори аниқланмаган. Бу маълумотларга қараганда Холмирзабек масжидининг вақф ерлари 10 десятинадан ортиқ эканлиги маълум бўлади.

Маҳмудалибой отасидан кўра катта мулкка эга бўлган. Шунинг учун масжидлардан ташқари катта харажат талаб қиладиган мадраса ҳам қурдирган.

Маҳмудалибой ёшлигида отаси билан бирга дехқончилик билан машғул бўлиб дехқончилик сирларини яхши эгаллаган. У ёшлигидан ишбилармон, тadbиркор инсон бўлган. Маҳмудалибой имкони бўлиши билан Ўш вилоятининг Жалолқудуқ волости Сўфи ва бошқа қишлоқларидан, Ойим волостининг Дардоқ қишлоғидаги суғориладиган экин ерлар сотиб олиб, уларни ижарага бериб дехқончиликни ташкил қилган. Шаҳарда бир неча карвонсаройлар, савдо-саройлар, дўконлар, турар-жойлар ер участкалари билан сотиб олиб улар ишини юритгучи раҳбарлар тайинлаб фойдаланган.

Маҳмудалибой қишлоқлардаги экин ерларини бошқариш учун ҳар бир қишлоққа саркор тайинлаган. Улар чорикорларга шартнома асосида ерларни ижарага берган. Ҳосил йиғилганидан кейин саркор ижара ҳақини йиғиб олиб ер эгаси Маҳмудалибойга топширган. У ўз навбатида саркорга келишилган нарҳда меҳнат ҳақини берган.

1902 йил июнь ойида Маҳмудалибойнинг Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ва Туркистон генерал-губернаторига Андижон шаҳридаги ва Дардақ қишлоғидаги мулкларини Андижон шаҳридаги жоме мадрасасига вақф қилиб беришни руҳсат сўраб ёзган арзномасини Фарғона вилояти ҳарбий губернатори лавозимини вақтинча бажарувчи Наливкин кўриб чиққан. У Андижон уезди бошлиғи жоме мадрасасини йиллик даромади 5000 рубльни ташкил қилади деб берган маълумотига асосланиб, жоме мадрасаси етарли даражада даромад билан таъминланган деб ҳисоблаб, Маҳмудалибойга янги вақф мулки васият қилишига руҳсат беришга қарши чиққан. Лекин Туркистон генерал-губернатори бу хулосага қўшилмади. Туркистон генерал-губернатори Наливкин фикрига қўшилмаганлиги сабабини Туркистон генерал-губернатори девонхонаси маърузасида қуйидагича асослаган: “Биринчидан мадраса сарф харажатга етарли бўладиган нормани аниқламаган. Иккинчидан маҳаллий халқни Худо йўлида эҳсон қилиб ўзининг маънавий-диний эҳтиёжини қондириш мақсадини чеклаш мумкин деб

²⁹⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34320-й., 26-в.

ҳисобламаган. Чунки бундай чеклашлар маҳаллий халқ орасида ўз-ўзидан тушунарли бўлган норозилигига олиб келишини ҳисобга олган. Бунинг устига у ўз мулкини вақф қилиб солиқдан озод қилишни илтимос қилмаган²⁶⁰.

Маҳмудалибойни 1892–1893 йилда расман ўқув-тарбиявий ишларини бошлаган жоме мадрасаси 90-йилларда номи бутун Фарғона водийсига тарқалиб, машҳур бўлиб, унга кизикувчанларнинг унга кириб ўқишни хоҳловчиларнинг сони йилдан-йилга ортиб борди. Мадрасанинг 25 та хужрасидан ташқари мадраса ховлисига кўшимча хужралар қуришга, талабаларни жойлашга тўғри келди. Талабалар сони ортиши билан мадраса мударрислари, бошқа хизматчилар сони ҳам, харажатлар ҳам, ортиб борган. Шундан келиб чиқиб, Маҳмудалибой жоме мадрасасига кўшимча мулклар вақф қилишга қарор қилган ва бунга генерал-губернатордан ружсат сўраган эди.

1904 йил 4 апрелдаги Туркистон генерал-губернатори девонхонаси бўйича маърузада келтирилган Фарғона вилояти ҳарбий губернаторининг маълумотига кўра жоме мадрасасининг 104 та хужраларида 320 нафар талабалар ўқиётгани қайд қилинган. Губернатор мадрасанинг 3610 рубль йиллик даромади мадрасани, унинг ходимлари ва талабаларини таъминлашга етмайди деб ҳисоблаб Маҳмудалибой хайр-эҳсон қилмоқчи бўлган барча мулкларини жоме мадрасасига вақф қилишга қаршилиги йўқлигини билдирган²⁶¹.

Маҳмудалибойнинг жоме мадрасасига янги кўшимча мулклар вақф қилиш тўғрисидаги арзномаси генерал-губернатор томонидан қандай ҳал қилинганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар топилмаган. Лекин генерал-губернаторнинг мусулмонлар томонидан Худо йўлида эҳсон қилинаётган мулкларга нисбатан билдирилган ижобий фикрига қараганда Маҳмудалибой илтимоси тўла қондирилган бўлиши керак.

Мадрасалар ўқув ишлари тўғрисида маълумотлар ҳам кам сақланган. Андижон шаҳридаги жоме мадрасаси фаолияти ҳақида айрим маълумотлар мавжуд. 1900 йилда Туркистон генерал-губернатори Андижонга ташриф буюрган ва Маҳмудалибой жоме мадрасаси билан ҳам танишган. Сухбат чоғида мадрасанинг катта мударриси Мулла Холикберди Жиянсўфиев император номини билма-

²⁶⁰ ЎзР МДА, И-1-ф., 12-р., 325-й., 32-в.

²⁶¹ ЎзР МДА, И-1-ф., 12-р., 325-й., 32–33-в.

ганлигидан ва унга бағишланган хутба, дуо ўқимаганлигидан хабар топган ва газабланиб уни мадрасадан четлатган²⁶². Катта мударрис номоз якунлашишида дуо қилиб, Россия императори номига хутба ўқиши кераклигини билса ҳам атайин мустамлакачилар номига дуо қилмаган. Холикберди Жиянсўфиев ишдан бўшатиладиганидан кейин ўша йили ноябрь ойида мадрасанинг катта мударриси лавозимига Мулла Сойибохун Қурбон Алиев тайинланган эди. Кейинчалик Жиянсўфиев яна ўз лавозимига қайта тикланган. Лекин унинг рақиби Қурбон Алиев унга тухматлар қилиб, 1915 йил май ойида уни яна катта мударрис лавозимидан четлатишга ва учинчи мударрис лавозимини вақтинча бажарувчи этиб ўтказилишига эришган.

1917 йил февраль буржуа демократик инқилобидан кейин Холикберди фарзандлари Андижон мусулмон депутатлари советига отасини катта мударрис этиб тиклаш тўғрисида ариза беришган. Уч кишидан иборат комиссия тузилади. Комиссия 1917 йил 7 августда мадраса талабаларидан катта мударрис лавозимига Қурбон Алиев ёки Жиянсўфиевни ишлаштини хоҳлайсизларми, деб сўраганда улар бир овоздан Жиянсўфиев номзодини қўллаб-қувватлашган. Чор ҳукумати даврида ҳам, муваққат ҳукумати даврида ҳам мударрисни талабалар сайлашган ва мударрис ўқув юрти идораси томонидан тасдиқланган.

1917 йил 28 августда Андижон уезди шаҳар мусулмон жамоат ташкилотлари ва “Шўройи Исломия” мусулмон депутатлар советининг қўшма мажлисида ҳам шундай қарор қабул қилинди ва юқори ҳокимият идораларига юборишга келишилди²⁶³. 1917 йил 27 ноябрда Фарғона вилояти комиссари Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига Андижон мусулмон жамоат ташкилотлари Холикберди Жиянсўфиевни жоме мадрасаси катта мударриси лавозимини эгаллаш ҳуқуқига эга эканлигини маъқуллаганлигини хабар қилган. 1917 йил 16 декабрда Андижон жамоат ташкилотлари советига Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бош инспектори Вознесенскийнинг юборган телеграммасида Жиянсўфиев жоме мадрасаси катта мударриси қилиб тайинланганлигини билдирган²⁶⁴. Шундай қилиб, ҳақиқат эгилди, буқилди, лекин синмади. Илоҳиёт илмининг билимдони, ўз соҳасининг етук мутахассиси, чор маъмурларига бўйин эгмай талабалар ҳурматини қозонган Мулла Холикберди

²⁶² ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 1649-й., 70-в.

²⁶³ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 1649., 212-в.

²⁶⁴ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 1649., 224-в.

Жиянсўфиев 86 ёшда бўлишига қарамай Андижон шахрининг жоме мадрасаси катта мударриси лавозимига қайта тикланган. Бу мадраса 20-йилларда ҳам ўз фаолиятини давом эттирган ва кейин совет органлари томонидан ёпилган. Маҳмудалибой бунёд этган мадрасаси мударрислар ёшларга диний ва дунёвий фанларни ўргатган. Улар мадрасада умумбашарий, миллий кадриятларни ўзлаштириб комил инсон бўлиб етишиб чиққан ва халқимизни маънавий жиҳатдан тарбиялашда муҳим рол ўйнаган.

Биз юқорида Андижон шахрида қурилган ва фаолият кўрсатган мадрасалар ҳақида тўхталдик. Андижон вилоятининг қишлоқларида бунёд этилган мадрасалар нисбатан кичик бўлган. Уларни вақф мулклари, улардан тушган даромад ҳам, талабалар, мударрислар сони ҳам оз бўлган.

Андижон вилоятининг Балиқчи қишлоғида бунёд этилган мадраса бошқа қишлоқ мадрасаларига нисбатан қадимийроқ ҳисобланади. Мадрасани ҳижрий 1245 (милодий 1829) йилга тааллуқли архив ҳужжатида ёзилишича, Ҳожи Рўзибек Мулла Ўроқов қурдирган. Мадрасани қачон барпо этганлиги кўрсатилмаган. Ҳожи Рўзибек ўзининг номидаги мадрасани Балиқчи қишлоғи бозорида бир неча хужралар, битта дарсхона ва алоҳида мактабхона қўшиб қурдирган²⁶⁵. Одат бўйича Ҳожи Рўзибек мадрасага вақф мулклари таъсис этиб, вақфнома ҳам туздирган бўлиши мумкин. Лекин биз архивда Ҳожи Рўзибек туздирган мадрасаси вақфномасини учратмадик.

Мадрасага Ҳожи Рўзибекни яқин одамлари вақф мулки эҳсон қилган. Ҳасанбой Қора Имомқулбоев, Нодир Муҳаммадбой Абдуллабоев ва Мулла Ўроқ Охунд, Мулла Аваз Муҳаммадовлар ҳижрий 1245 (милодий 1829) йил Рабиъ-ус-соний ойида маҳаллий қозига келиб Ҳожи Рўзибек мадрасасига ер участкалари вақф қилиб бериш хоҳиши борлигини айтган. Қози ўша вақтда вақфнома ёзиб, муҳрини босиб, қонуний қилиб берган. Бу вақфнома архивда сақланиб қолган. Вақфномага 15 та қози, муфтий муҳрини босиб тасдиқлаган. 8 та муҳрини йили аниқланмаган. 1 та муҳрда ҳижрий 1245 йил ёзилган, яъни бу муҳр вақфнома ёзилган йили босилган, қолган йили ёзилган муҳрларда 1272, 1280, 1281 йиллар битилган. Демак, бу муҳрлар ичидан 1245 йилдан олдин тайёрланган муҳрлар бўлиши мумкин²⁶⁶.

²⁶⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34354-й., 1-в.

²⁶⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34354-й., 2-в.

Вақфномада кўрсатилишича, вақф мулки ўтказувчилар мадрасага 3 та ер участкасини эҳсон қилган. Мадраса мутаваллиси иккита ер участкаси сотиб олган. Биринчи ер участкаси Андижон вилоятининг Ялмуш деган жойида бўлган. Иккинчи ер участкаси Ялмуш маҳалласида эди. Учинчи ер участкаси Андижон вилоятининг Жиб деган ерида жойлашган. Тўртинчи ер участкаси Андижон вилоятининг Барнау деган жойида эди. Бешинчи ер участкаси вилоятнинг Қоравул деган ерида мавжуд бўлган. Биринчи ва учинчи участкалар мадраса мутаваллиси томонидан ҳокимият руҳсати билан вақф пулига сотиб олиниб, вақфга айлантирилган эди. Бу пулни ер сотиб олиш ва мадрасага вақф мулки қилиб қўйиш шарти билан мадраса асосчиси Ҳожи Рўзибек берган бўлиши мумкин. Мадрасага иккинчи участкани Нодир Муҳаммадбой эҳсон қилган, бешинчи участкани Домулла Ўроқ мадрасага вақф қилиб берган²⁶⁷.

Вақфномада кўрсатилишича, вақф мулкларининг мутаваллиси вақф таъсисчиларининг ихтиёрига кўра мадраса мударриси бўлиши белгиланган. У вақф даромадини вақфномада белгиланган тартибда мадраса ходимларига маош, талабаларга нафақа бериб, уларни моддий томондан таъминлаб, мадрасада ўқув-тарбиявий ишларини яхши йўлга қўйишга, мадраса биноларини вақтида тамирлаб туришга ҳаракат қилган.

Вақф мулки эҳсон қилувчиларнинг шартига кўра мадрасанинг вақф даромади аввал биноларни таъмирлашга ишлатилиб, мутаваллига даромадни қолган қисмидан ўндан бир қисми берилгандан ташқариси 3 қисмга бўлиниб, бир қисми имом ва муаззинга, имомга учдан икки қисми, муаззинга учдан бир қисми, бошқа қисми талабаларга ва учинчи қисми мударрисга берилган²⁶⁸.

Ҳидрий 1265 (милодий 1848) йили Қўқон хонлиги Андижон вилояти Сузак кишлоғида Ҳотамкул Додхоқ Дўстбаходиров Худо йўлида ўзининг шахсий мулкидан масжид ёнида мадраса қурдирди. Ҳотамкул Қўқон хони Худоёрхоннинг йирик амалдорларидан бири бўлган. Фарғона водийсида мингбошиларни одат бўйича Додхоқ деб ҳам аташган. Додхоқ хон саройидаги юқори лавозимлардан бири эди. Унинг вазифаси хонга келган аризаларни унга топшириш ва адресатга, ариза берганларга жавоб қайтариш бўлган. Вақфномада Ҳотамкулбек мадрасасининг катта ёки кичиклиги тўғрисида маълумот йўқ. Лекин у катта амал-

²⁶⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34354-й., 1-в.

²⁶⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34354-й., 5-в.

дор бўлганлиги учун мадрасани ҳам нисбатан катта ва ҳашаматли қилиб қурдирган бўлиши мумкин. Бунга мадрасага нисбатан катта миқдордаги ер участкасини вақф қилиб берганлиги ҳам гувоҳлик беради. Вақфномада Бўз-Ариқ деган жойдаги ерни мадрасага вақф қилиб эҳсон этилганлиги, бу вақф ер участкаси чегаралари, у мадраса жойлашган Сузак районида эканлиги айтиб ўтилган. Лекин вақф ернинг миқдори кўрсатилмаган.

1886 йилги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”га асосан, Туркистон генерал-губернаторлиги топшириғи билан Фарғона вилояти уездларида ер-соллиқ комиссиялари, комиссарлиги тузилиб, улар вақфномаларни текширишни бошлаган. 1897 йил 7 апрелда Фарғона вилояти бошқармаси Андижон ер-солиқ комиссияси Ҳотамкулбек мадрасаси вақфномасини кўриб чиқиб, қабул қилган қарорини муҳокама қилди. Мадрасанинг вақф ер участкаси, бу масала муҳокама қилинаётган вақтда, Андижон уезди, Жалолобод волости, Сузак қишлоқ жамоасининг Қизил-Ёр дачасини ташкил қилиб, 121 десятина 177 саржин эканлиги аниқланган²⁶⁹. Ҳижрий 1265 (милодий 1848–1849) йилда тузилган мадрасанинг вақфномасида Худоёрхонни ва 7 та қози, аълам, муфтийларнинг муҳри босилган. Хужжатларда мадраса вақф ерларини солиқдан озод қилиш тўғрисида Худоёрхон иноятнома берган деб кўрсатилади. Вақф ерларини ижарага олган деҳқонлар Қўқон хонлиги даврида мадраса мутаваллисига ижара ҳақи бериб турган. Вақфномага биноан мадраса мутаваллиси шу мадраса мударрисини бўлган. Вақф даромади мадраса хизматчилари ва талабалари ўртасида қуйидагича бўлинган: мутавалли вақф даромадининг ўндан бир қисмини олган, қолган даромаддан мадрасанинг зарур эҳтиёжи учун фойдаланилган, ундан қолганидан икки қисмини масжид имомига, бир қисмини масжидда беш вақт намоз вақтида Қуръон ўқийдиган қорига, икки қисмини мадраса мударрисига, қолган тўрт қисмини мадрасада яшовчи талабаларга олий, ўрта ва қуйи даражалари бўйича берилган.

Мадрасанинг вақф мулки, ундан тушган даромад мадраса фаолиятини узликсиз юритишда, ўқув жараёнини сифатли олиб боришда, давлат ва жамоат ишлари учун юқори малакали мутахассис кадрлар етиштириб беришда муҳим рол ўйнаган.

Андижон вилоятининг Хайробод қишлоғининг йирик мулкдори ҳисобланган Тоғайбой хўжа ҳижрий 1269 (милодий 1853) йил-

²⁶⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34194-й., 32-в.

да ўзининг номидаги мадрасага ўқув-тарбиявий ишларни узлуксиз олиб бориш, бинони таъмирлаб туриш мақсадида вақф мулки эҳсон қилган ва маҳаллий қозига вақфнома туздирган. Вақфномада қози, аълам ва муфтийлар мухрларидан ташқари Худоёрхон мухри ҳам бўлган. Тоғайбой хўжа мадрасага вақф қилиб берган экин экиладиган иккита ер участкасининг бири 50 таноб атрофида Қорашақ қишлоғида, иккинчиси, тахминан, 48 таноб Шувалзор қишлоғида бўлган. Бу вақф ерларини хирож ва танобона солиқларидан озод қилиш тўғрисида Худоёрхон иноятнома ёзиб берган²⁷⁰.

Тоғай хўжа мадрасаси қишлоқда бўлганлиги учун нисбатан кичик эди. Унинг 4 та хужраси, битта дархонаси бўлган. 1891–1892 ўқув йили мадрасада 20 нафар талаба ўқиган, уларга битта мударрис сабоқ берган. Ўша ўқув йили йиллик вақф даромади 570 рубль бўлган, мударрис 170 рубль маош, талабалар аъло даражалиги 24 рубль, авсот даражалиги 12 рубль ва адно даражалиги 6 рубль нафақа олган²⁷¹.

Тоғай хўжа мадрасасига хижрий 1271 (милодий 1855) йили Хайробод қишлоғининг бойларидан ҳисобланган Муҳаммад Раҳим Бобобоев ўзининг қишлоғидаги хусусий еридан 30 танобчани ажратиб берган. Бу жой илгари Урганчи деб номланган. Участқада шоли ва пахта экилган. Худоёрхон инобатнома берган ва бу вақф ерни солиқлардан озод қилган²⁷².

Мадрасага хижрий 1273 (милодий 1856) йили Бадалжон Биби Ишмухаммедова Хайробод қишлоғида Қорадарё бўйида битта ер участкасини вақф қилиб берган. Мутаваллининг берган кўрсатмасига қараганда бу вақф ерини дарё юғиб кетган²⁷³.

Ҳижрий 1275 (милодий 1858) йили Жон Биби Ишмухаммедова Хайробод қишлоғидаги беш таноб ерни мадрасага вақф қилиб берган. Вақфномада қозилар мухридан ташқари Худоёрхон мухри ҳам бўлган. Вақф ерига шоли ва пахта экилган. Худоёрхон иноятнома берган ва бу вақф ери солиқлардан озод қилинган эди²⁷⁴.

Тоғай хўжа мадрасаси мутаваллиси вақф ерларни ижарага берган ва олинган даромаддан фойдаланиб мадрасанинг ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишларини юритган.

²⁷⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34271-й., 3–4-в.

²⁷¹ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 46–47-в.

²⁷² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34271-й., 30-в.

²⁷³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34271-й., 31-в.

²⁷⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34271-й., 32-в.

Андижон вилоятининг Ўзган қишлоғи бойларидан бири Бойчукбой Абдурахмон ўғли ҳижрий 1271 – милодий 1855 йилда мадраса қурдирган. Мадраса нисбатан кичик – битта дарсхона ва 15 та ҳужраси бўлган²⁷⁵. Битта ҳужрада икки нафар муллабачча яшашини ҳисобга олсак, мадрасада 25–30 нафар ўқувчи таълим олган ва битта мударрис дарс берганлиги маълум бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Бойчукбой мадрасасининг вақфномаси нусхаси сақланган. Вақфномада кўрсатилганича, Бойчукбой ўзига тегишли хусусий мулкидан мадрасага битта карвонсарой ва 8 та ер участкасини вақф қилиб берган.

Андижон вилояти Қорасув қишлоғининг йирик мулкдорларидан бири Мулла Алимқул Эшиқоғаси Ҳасанбойбиев ҳижрий 1278 (милодий 1861) йили ўзининг қишлоғида пишпик ғиштдан мадраса қурдирган. Мадраса дарсхона, ҳужралар, хонақоҳ, айвондан иборат бўлган. Алимқул ҳижрий 1278 йил рабиъул-аввал ойида Андижон қозисига келиб ўзи қурдирган мадрасага вақф мулклари эҳсон қилиш нияти борлигини айтган ва вақфнома тайёрлатган. Вақфномада кўрсатилишича, Алимқул мадрасага Андижон шаҳри бозорида жойлашган 16 та ҳужрали карвонсарой, Андижон вилоятининг Полвон деган жойидаги 2 та ер участкасини ва Марғилон бозоридаги 5 та дўконни вақф қилиб берган эди. Алимқул Полвон деган жойдаги ер участкасини ҳижрий 1278 йили Сафар ойида Мулла Рўзибойбий Мулла Худойбердиев, Ниёз Баходир Дўст Муҳаммадсўфиев хўжа Назарбий Ниёз Сўфиев ва Рустам Боходир Шох Назарбоевлардан 170 тиллага сотиб олиб вақф қилиб берган эди²⁷⁶.

Вақфнома Муродхоннинг ҳижрий 1278 йил ёзилган муҳри, Саид Султон Муҳаммадхоннинг ҳижрий 1280 йил ёзилган муҳри, шунингдек, 35 нафар қози, аълам, муфтий муҳри босилиб тасдиқланган. Вақф эҳсон қилувчининг шартига кўра мадраса мутаваллиси Алимқулнинг ўзи бўлган, унинг вафотидан кейин авлодларидан каттаси тайинланиши белгиланган. Вақф даромади даставвал бинони таъмирлашга сарфланиб, қолганидан 5 жуфт хўкиз олиб ишта ишлаптиб, мутавалли ўзи учун даромадни ўндан бир қисмини олганидан кейин, қолганини 8 қисмга бўлиб, 2 қисмини мударрисга, 1 қисмини имомга, 1 қисмини муаззинга, ўқитувчига, сартарошга, фаррошга

²⁷⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 23264-й., 4-в.

²⁷⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34364-й., 1-в.

тўртдан бир бўйича ва 4 қисмини талабаларга бўлиб бериш васият қилинган эди²⁷⁷.

Вақфномада хонлар мухри бўлганлиги учун Фарғона вилояти бошқармаси Андижон ер-солиқ комиссияси ва комиссарига текширишга берган. Ер-солиқ комиссари вақфномани ва унда баён қилинган вақф ерларини текширган ва ер ўлчовчилар ёрдамида ўлчаган. Комиссарнинг текшириши натижасида Алимкул мадрасасининг вақф ери Андижон уезди, Кўрғонтепа волости, Кўтарма қишлоқ жамоасининг Шўр-тепа дачасида 265 десятина 620 саржив эканлиги аниқланган. Мутавалли мадраса вақф мулкларини ижарага бериб фойдаланган²⁷⁸.

Қорасув қишлоғидаги Мулла Алимкул мадрасасига ҳижрий 1281 (милодий 1864) йили жумад-ул-аввал ойида Қорасувдаги қарвонсарой отхонаси, 19 та хужраси билан, ҳаммом, каппон-нон бозори, мол бозори ва 112 та дўконларни вақф қилиб берган. Вақфнома тузилган. Вақфномага Саид Султон Муҳаммадхон ҳижрий 1284 йил ёзилган мухрини босиб тасдиқлаган²⁷⁹. Вақфномани текширган ер-солиқ комиссари бу мулкларни ҳам мадрасани бунёд этган Алимкул эҳсон қилган бўлса керак, деб тахмин қилган. Бизнинг фикримизча, ҳам шундай.

Вақф даромадидан фойдаланиш тартиби биринчи вақфноманикига жуда яқин бўлган. Вақфномада вақф эҳсон қилувчининг исми шарифи кўрсатилмаган.

Кўк хонлиги Андижон вилояти Хортум қишлоғида ўша қишлоқнинг йирик мулкдорларидан бири Муҳаммад Холиқбой мадраса қурдирган. Мадраса Хортум қишлоғидаги ёшларнинг ўқиб билим олишларига мўлжалланган эди. У хом ғишдан қурилган. Хужралари, дарсхоналари сони кўрсатилмаган. Мадраса қишлоқда бўлганлиги учун нисбатан кичик, 10–15 хужрали, 1 та дарсхонали бўлса керак.

Мадрасага Муҳаммад Холиқбой, Мулла Раҳимберди, Мулла Норкул, Ражаб Муҳаммадбой ва Тожи Бибилар вақф мулклари эҳсон қилинган. Мадрасага қуйидаги мулклар вақф қилиб берилган:

1. Хортум қишлоғида 1 та ер участкаси ва 1 та тегирмон;
2. Хортум қишлоғида 1 та ер участкаси;
3. Кўк Гумбаз деган жойда 1 та ер участкаси;

²⁷⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34364-й., 2-в.

²⁷⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34364-й., 23-в.

²⁷⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34337-й., 1-3-в.

4. Хортум қишлоғида 1 та ер участкаси;
5. Хортум қишлоғида 1 та ер участкаси;
6. Хортум қишлоғида 1 та ер участкаси;
7. Сўфя қишлоғида 1 та ер участкаси;
8. Хортум қишлоғида 2 та тегирмон²⁸⁰.

Мадраса мутаваллиси бу вақф мулкларини вақфкор дехконларга, тадбиркорларга ижарага берган. Мутавалли ижара ҳақини, вақф даромадини мадраса ходимлари, талабалари ўртасида бўлиб, ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишларини ташкил қилган. Вақфномада кўрсатилишича, мадрасанинг вақф даромади 12 қисмга бўлиниб 1/12 қисми мутаваллига, 1/12 қисми мадрасани таъмирлашга ёки вақф мулкни кўпайтиришга, 5/12 қисми мударрисга ва 5/12 қисми талабаларга бўлиб берилиши кайд қилинган.

Вақфномада мадраса қурилган ва унга вақф мулки ҳада қилинган йил кўрсатилмаган. Лекин вақфномага босилган қози, аълам, муфтийлар муҳрларида йил ёзилган. Домулла Асрорқул қози муҳрида хижрий 1283 йил. Муҳаммад Қосим муфтий муҳрида хижрий 1288 йил ёзилган. Вақфномага 6 та муҳр босилган. Пулатхон ҳам ўз муҳрини босган²⁸¹. Мана шу далилларга асосланиб, мадрасанинг тахминий қурилган йилини аниқлаш мумкин. Муҳаммад Қосим муфтий муҳридаги хижрий 1288 йил милодий 1871–1872 йилларга тўғри келади. Демак, мадраса шу йиллардан кейин барпо этилган экан. Пулатхон кўзғолони 1873–1876 йилларда бўлиб ўтган. Пулатхон Андижонда 1874–1875 йилларда бўлган. Мадраса, тахминан, шу йилларда қурилиб, вақфнома тузилиб, Пулатхон муҳрини босган бўлиши мумкин.

Одат бўйича, мадрасанинг ходимлари, талабалар мадрасанинг ерларида, тегирмонларида ўзлари ишлаб маҳсулот етиштирмаган. Мутавалли вақф мулкларини чорикорларга, тадбиркорларга ижарага берган. У вақф даромадини вақфномада белгиланган тартиб бўйича, мадраса ходимларига, талабаларга бўлиб бериб, мадрасада ўқув-тарбиявий, хўжалик ишлари ташкил қилган.

Энди Қўқон ховлиги давридаги Андижон мадрасаларининг фаолиятига тўхталамиз. Мадраса қурдирган шахслар вақф қилиб ажратган мулкни у ёки бу мадрасага тегишли эканлигини тасдиқловчи ҳуқуқий ҳужжат – вақфномани қозига туздирган. Мадрасалар хўжалик соҳасидаги фаолиятини вақфнома асосида ташкил қилган. Вақфнома устав вазифасини бажарган.

²⁸⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34319-й., 3-в.

²⁸¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34319-й., 2-в.

Мадраса, мактаб ва диний ташкилотларга экинч эрлари, боғлар, савдо дўконлари, карвонсаройлар, хаммом, тегиримонлар каби кўчмас мулклар вақф қилинган. Вақф мулки диний ташкилотта умрбод фойдаланиш учун берилган. Мулкни вақф қилган киши ҳам уни қайтариб олиши мумкин бўлмаган. Вақф қилинган мулкни мусодара қилиш, сотиш, гаровга қўйиш ман этилган.

Вақфномада вақф қилувчи томонидан мутавалли – вақф мулкни бошқарувчини тайинлаш, вақф мулки даромадини бўлиш тартиби белгилаб берилади. Вақфномада кўп ҳолларда мутавалли вақф қилувчининг ўзи ва кейин унинг авлодидан бўлиши шарт қилиб кўрсатилади. Айрим ҳолларда мутавалли лавозимига ҳалол, одил киши тайинлансин, деб васият қилинган. Мутавалли мадраса вақф мулкни ижарага берган, даромадни вақфномадаги кўрсатмага асосан бўлган. Мадрасанинг даромади ва вақфномада кўрсатилган жамғармаларнинг улушига қараб мадраса ходимлари ва талабаларга маблағ ажратилган. Вақф мулки ва даромади кўп бўлган мадрасалар талабаларининг нафақалари ҳам кўп бўлган. Мадрасанинг ҳар бир синфда талабалар 4–7 йил таҳсил олган. Талаба мадрасада қарийб 15–20 йил ўқиган.

Мадрасанинг асосий ходими унинг ўқитувчиси мударрис бўлган. Мадраса мударриси Қўқон хонлиги даврида хон ёки ҳоким томонидан тайинланган. Андижон мадрасасида билим олган мулла мударрис бўлиш учун Бухоро ёки Қўқон мадрасаларида қайта ўқиган, малакасини оширган. Чунки булар пойтахт мадрасалари бўлганлиги учун уларда илоҳиёт илмининг заковатли, тавиқли олимлари дарс берган. Мударрис мадрасада ўқитиладиган барча фанлардан бир ўзи талабаларга сабоқ берган. Шунинг учун у кўп йиллар ўқиган. Одатда, мударрис лавозимига тайинланган шахннинг ёши 40 дан кам бўлмаган. У мадрасанинг ўзига хос профессори бўлган.

Қўқон хонлиги даврида Андижон мадрасаларида кимлар мударрислик қилганлиги тўғрисида аниқ маълумотлар сақланмаган. 1891–1892 ўқув йили Туркистон ўлкаси ислом ўқув юртлари инспектори В.П.Наливкин Фарғона вилояти мадрасаларини текширган. У ўз хисоботида Фарғона вилояти, жумладан, Андижон уезди мадрасаларининг мударрислари рўйхатини келтирган. Шу ҳужжатга кўра, Холбек Қушбеги мадрасасида Домулла Саид Жалол, Сайфиддин Сўфи Охун, Мулла Ҳошим Охун, Мулла Мухаммад Мусо, Отабек Қози, Йўлдошхўжа, Мулла Нозир, Мулла Юнус Охунлар мудар-

рис бўлиб хизмат қилишган. Мусулмонқул мадрасасида Мулла Исо Охун, Мулла Муҳаммад Раим, Мулла Азиз, Мулла Мансур, Насриддинбек, Мулла Муҳаммад Ёқуб, Мулла Абдулвахоб талабаларга сабоқ берган. Исо Додхоҳ мадрасасида Мулла Обид Охун, Мулла Охун Бобо, Мулла Хусанбой, Мунаввар Аълам, Маҳмудхўжа Қози, Абдували Махсум, Мансуралли Махзум ва Оқ масжид мадрасасида Эшонхўжа Домулла, Абдусаттор Махсум, Насриддин Охун, Мулла Нишон Охун, Мулла Исмонл, Муҳаммад Олим Махзум мударрислик қилган²⁸².

Ёши улгайган сари мадраса мударрисларининг хурмати ортиб борганини, кўп йиллар ишлаганлигини ҳисобга олсак, юқорида номлари тилга олинган профессорларнинг кўплари хонлик даврида ҳам хизмат қилган бўлиши мумкин, деган хулосага келиш жоиздир.

Кўкон хонлигида мадрасаларни Шайх-ул-ислом ва Қозикалон назорат қилиб турган. Мадрасаларни бевосита бошқарадиган хон амаддорлари аъламиён ва мутаваллибоши бўлган. Аъламиён хон томонидан тайинланиб, хазинадан маош олган. У хонликдаги мадрасаларда ҳам ўқув, ҳам хўжалик ишларини бошқарган. Мутаваллибошини хон тайинлаган. У мадраса мутаваллиларини текширган ва мадрасалардан ҳақ олган.

Мадрасада араб ва форс тилларида ёзилган китоблар, дарсликлар ўқитилган. Дастлаб талабаларга “Аввали илм” китоби форс тилида ёдлатилган. Шундан кейин улар асосий курсларни ўрганишни бошлашган. Биринчи бўлиб араб тили грамматикаси, араб ҳарфи (морфология) ва наҳви (синтаксис), дарслари “Бидон”, “Кофия” китоблари асосида ўтилган. Талабалар мутолаа қилинадиган китобларни бемалол ўқишлари учун араб тилини мукаммал ўзлаштириб олганлар. Шундан сўнг шарият ақидаларини “Ҳидоя”, “Фикҳи Кайдоний”, “Мухтасари виқоя”, “Шарҳи Виқоя” каби китоблар асосида ўрганишган. “Шамсия” китоби асосида мантиқ илмини эгаллашган. Баъзи мадрасаларда талабалар тиббиёт, аруз илми, фалсафа, жуғрофия, арифметика, геометрия ва бошқа фанларни ҳам ўрганишган. Охири кўрсатилган фанлар мадрасани тугатиб, қози бўлиб ишлайдиган битирувчиларга ерни меросхўрларига бўлиб беришда, ерни ўлчашда, вақфномада вақф қилинган ер майдонини ва унинг чегараларини аниқ кўрсатиш ва бошқа ҳолларда керак бўладиган билимлар сифатида ўргатилган.

²⁸² ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 55-56-в.

Қўқон хонлиги даврида мадрасани битирганлар давлат ва диний ташкилотларда ишлаган. Мадрасани битирганлар масжидларга имом, хатиб қилиб тайинланган. Улар хонликнинг мирзахонасида мирзабоши, мирза лавозимларида хизмат қилишган. Мадрасани тугатганлар хон ва ҳокимларнинг шахсий котиби – мунши лавозимида ҳам ишлаган. Муншилар хон ва ҳокимларнинг мактуб ва фармонларини ёзганлар. Шунингдек, мадрасада ўқиганлар хонликнинг бошқа давлат идораларида ҳам ишлаганлар.

Россия империяси ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиб, ислом ўқув юрлари ҳуқуқларини, фаолиятини чеклаган эди. Совет ҳокимияти ислом динига қарши катъий кураш олиб борди, масжид, мадраса, қорихона, эски мактабларни вақф мулкларини мусодара қилди ва уларни бутунлай ёпиб, йўқ қилди. Совет ҳокимиятининг ислом динига қарши кураши ва ислом ўқув юрларини бутунлай тугатиб юбориши ўзбек халқининг миллий маданиятига ва маънавиятига катта зарар етказди.

3.2-§. Қорихона ва мактаблар

Мусулмон урф-одат, удум, маросимларини амалга оширишда қорилар катта ўрин тутган. Қорилар Қуръонни тўла ёдлаган, қироат билан, чиройли ўқийдиган мутахассис бўлган. Қорихонани битирган қориларнинг диний маросимларни, жумладан, инсон ўлими билан боғлиқ удумларни ўтказишда, Рўзада ўқиладиган таворих номозида 30 пора Қуръонни тиловат қилишда, мазор, даҳмаларда ўтганларнинг руҳига бағишлаб Қуръон ўқишда, масжидларда беш вақт намоз якунида, аҳоли хонадонларида эҳсон ўтказилганида, никоҳ, хатна тўйлар олдида ўтказиладиган хатмларда, қорихона, масжидларда ўтганларга бағишлаб уларни авлодлари буюртмаси билан Қуръон ўқишда ва бошқа диний тадбирларни амалга оширишда ўрни жуда муҳим бўлган. Бундай тадбирлар қориларсиз ўтказилмаган. Шунинг учун қориларга имом, мударрис, мутаваллиларга талаб катта эди. Шу сабабли қорилар тайёрлайдиган ўқув юрлари – қорихоналар ҳам кўп бўлган.

Туркистон ўлкаси ўқув юрлари бошқармасининг III ислом ўқув юрлари инспектори В.П.Наливкиннинг 1896 йилда берган маълумотиغا қараганда ўлкада 341 та қорихона ва далоилхона-

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

лар бўлган²⁸³. Далоилхонада ўқувчи болаларга арабча “Далоил ул-хайрот” номли китобни ўқитиб ёдлатган. Улар оз сонли бўлиб, ўлканинг фақат Фарғона вилоятида 1896 йилда 5 дон далоилхона фаолият юритган. Архив маълумотларига кўра 1892 йилда Фарғона вилоятида 252 та қорихона бўлган. Ҳақиқатда 1892 йилларда Андижонда 44 та қорихона бўлганлиги қайд этилган²⁸⁴.

Андижон шаҳри ва қишлоқлари бўйича 1887 йилда Фарғона вилояти бошқармасига вақф ҳужжатларини топширган қорихоналар, мадрасалар рўйхатида 19 та қорихона қайд қилинган. Бу қорихоналар қуйидагилар:

1. Аҳмадбек Баҳодурбоши қорихонаси.
2. Дониёрбек маҳалласидаги қорихона.
3. Эшон Домулла Ашурбек қорихонаси.
4. Қора Бура маҳалласидаги қорихона.
5. Муҳаммадёрбой қорихонаси.
6. Насриддинбек қорихонаси.
7. Норбўтабой қорихонаси.
8. Ҳайдарқори қорихонаси.
9. Ҳолиқ Бердибой қорихонаси.
10. Шолдирама маҳалласидаги қорихона.
11. Эски қалъанинг жануб томонидаги қорихона.
12. Ниёз Оғалиқ қорихонаси.
13. Сузак қишлоғидаги қорихона.
14. Тўрткўл қишлоғидаги Хушназар Оқсоқол қорихонаси.
15. Уч-тепа қишлоғидаги Девона Ҳожи қорихонаси.
16. Ҳазрат Аюб деган жойнинг Ҳазрат Аюб мазоридидаги қорихона.
17. Ҳазрат Аюб деган жойдаги Зокир Хўжа Эшон қорихонаси.
18. Ёрбоши қишлоғидаги қорихона²⁸⁵.

Бу рўйхатдаги қорихоналар тўла бўлмаганлиги аниқ. Айрим фаолиятини тўхтатган қорихоналар ва баъзи бир ишини юритаётган қорихоналар ҳам вақф ҳужжатларини топширмаган бўлиши мумкин. Шу сабабли Андижон уезди бўйича фақат 19 та қорихона рўйхатга олинган. Аслида эса Андижонда қорихоналар 19 тадан анча ортиқ бўлган. Бу фикримизни биз қуйида қорихоналарни таҳлил ва тафсил қилиб берганларимиз орасида Фарғона вилояти бошқармаси рўйхатида келтирилган қорихоналарда учрамайдиганларининг борлиги ҳам исботлайди.

Қорихоналар ҳам мадраса ва мактаблар каби Мовароуннаҳрга, жумладан, Андижонга ислом дини кириб келганидан кейин вужудга кела бошлаган. Лекин қадимги қорихоналар тўғрисида ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар жуда кам. Шундай нодир маълумотлардан бири Андижон вилоятида XVI асрда бунёд этилган қорихона ҳисобланади. Бу қўхна қорихона ҳақида маълумотлар

²⁸³ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 1065-й., 343-в.

²⁸⁴ ЎзР МДА, И-2412-ф., 1-р., 385-й., 37-в.

²⁸⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-й., 1-8-в.

жуда кам. Хужжатларда қорихона номи тилга олинади, лекин фаолияти ҳақида аниқ маълумотлар берилмаган. Бу қорихона Андижон вилояти Луғумбек кишлоғидаги улуғ шайх Саййид Қутбиддин Аҳмаднинг Оқ мазор деб номланган мазорида жойлашган. Бу мазорда Абдуллахон II хяжрий 994 (милодий 1585–1586) йилда ташкил қилинган Оқ мазор мадрасаси ҳам жойлашган. Шундан келиб чиқиб, биз қорихонани XVI асрда барпо этилган, дегая фикрга келганмиз.

Дастлаб бу Оқ мазордаги қорихона тўғрисида Ҳазрат Қутбиддин Аҳмад мазори ва ундаги вақф ташкилотлари вақф мулкани солиқдан озод қилиш ҳақидаги иноятномасида тилга олинган. Ҳазрат Қутбиддин Аҳмад фақат Андижондагина эмас ҳаттоки, Қўқон хонлигининг бошқа худудларига ҳам таникли ва машхур эди. Саййид Қутбиддин Аҳмад руҳини шод қилиш мақсадида унинг мухлислари мазорда масжид, қорихонани бунёд этган эдилар. Бу қорихона қачон, ким томонидан барпо этилгани ҳақида маълумот ҳозирча топилмаган. Бу қорихона ҳақида биринчи бор Худоёрхоннинг хяжрий 1282 (милодий 1865) йилдаги иноятномасида ҳазрат Қутбиддин Аҳмаднинг Оқ мазордаги мазорида жойлашган қорихона кўрсатиб ўтилади. Худоёрхон иноятномасида ёзиладикки, Зурзум ва Роботақ ариқлари атрофидаги ерлар Саййид Қутбиддин Аҳмадга ва масжид, мазор ва қорихонани, Қутбиддин Аҳмад авлодларини қўллаб-қувватлаш учун вақф мулки қилиб берилгани эътироф этилади. Иноятномада Худоёрхон ерлардан ҳеч қандай солиқ талаб қилмаслигини ва ижара ҳақини мутаваллига топширишни, у барча вақф даромадини масжид, мадраса, мазор ва бошқаларни таъмирлашга ишлатишни ва қолган маблағни илгариги тартиб бўйича Қутбиддин авлодларига беришни буюрган²⁸⁶. Бу хужжат Қутбиддин Аҳмаднинг Оқ мазордаги мазорида масжид, мадраса билан бирга қорихона ҳам бўлганлигини тасдиқлайди.

Қутбиддин Аҳмад мазорининг вақф ерлари Андижон ер-солиқ комиссари томонидан 1894 йили текширилган ва вақф ерлари миқдори 882 десятина 115 саржин эканлиги аниқланган²⁸⁷. Ер-солиқ комиссари мазорнинг вақф мулкани текширганидан сўнг мазор мутаваллиси билан суҳбатлашган. Мутавалли мазор ҳақида берган маълумотларни ер-солиқ комиссари ёзиб қолдирган ва архивда сақланган. Хужжатда шундай дейилган. “Оқ мазор мутавал-

²⁸⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34261-н., 23-в.

²⁸⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33466-н., 53-в.

лиснинг берган маълумотига кўра вақф даромадининг ўндан бир қисминни мутавалли олади, қолган қисми қорихона, масжид, мадраса фойдасига берилади ва қуйидагича бўлинади: тўртдан бир қисми мадраса фойдасига тушади, уни таъмирлашга ва имом, муаззин, фаррош, сартарош фойдасига ва қолгани 6 та хужрадаги ўқувчилар фойдасига топширилади, хўжалар (Қутбиддин авлодлари) даромаддан фойдаланмайди²⁸⁸. Бу хужжатда ҳам Ҳазрат Қутбиддин Аҳмад мазорига масжид, мадраса билан бирга қорихона фаолият юритгани қайд қилинган.

Одатда вақф ташкилоти (масжид, мадраса, қорихона, мактаб) бунёд этган шахс уни вақф мулки билан таъминлаган. Абдуллаҳон Оқ мазор мадрасасини қурдирган ва унга экин экиладиган ерни вақф қилиб берган. Қорихонани ҳам бунёд этган шахс одат бўйича вақф мулки эҳсон қилган бўлиши керак. Шундай бўлса мазорнинг вақф даромадидан қорибоши-ўқитувчи мойна, қорабаччалар нафақа олиб турган, ўқув-тарбиявий ишларни бажариб борган бўлади. Қорихона ташкил қилинган вақтдан бошлаб Қўқон ховлиги даврида ва руслар ховлики босиб олганидан кейин 1894 йилда мазорнинг вақф мулки текширилган вақтда қорихона бўлганлиги ва фаолият юритганлиги иккиланишга, шубҳага ўрин қолдирмайди.

Қорихонада ўқувчиларнинг ўқиши ўзига хос бўлган. Дарс бондоддан бошланган ва ўқувчилар қорибошининг олдига, дарсхонага йиғилишган. Қорибоши Қуръоннинг шу кунги ўқиладиган суранинг 2–3 оятини 5–10 мартаба ўқиб, қандай ўқиш кераклигини кўрсатиб берган. Шундан кейин ўқувчилар ўзлари ёдлашлари керак бўлган оятларни ёдлашни машқ қилишган. Қорибаччалар чамаси ярим соатлар ёдлашганидан кейин қорибоши дарсхонага кириб болалардан топшириқни қандай бажараётганини сўраб текшириб кўрган. Талаба мабодо топшириқни ёдлашда бирор сўзни нотўғри талаффуз қилса тўғрилаган, тўғри ёдлашига ёрдам қилган. Шундай қилиб, ҳар бир бола билан қорибоши алоҳида шуғулланган ва топшириқни тўғри ёдлаш бўйича маслаҳатлар берган.

Ўқувчилар қорибошидан маслаҳатларни олиб хужрасига чиқиб нонуштагача топширилган матнни ёдлашган. Нонушта қилиб олиб яна пешингача Қуръонни машғулот кунига белгиланган вазифасини ёдлашни давом эттирган. Пешин номозини ўқиб бўлиб тушлик қилинган. Кейин ўқувчилар бир соат дам олишган, ухлашган. Ўқувчилар дам олиб бўлиб асргача яна ўқишни давом эттиришган.

²⁸⁸ ЎЗР МДА. И-19-ф., 1-р., 34261-й., 17-в.

Аср намозни ўқиб шомгача дам олинган. Шом номозини ўқиб кечки овқатни қилиб яна хуфтонгача ўртада дам олиб Куръон оятларини ёдлашни давом эттиришган. Хуфтон номозини ўқиб болалар ухлаб дам олишган.

Кўриниб турибдики, қорихонада ўқиш жуда оғир бўлган. Бир кунда ёдланадиган 2–3 оятни, яъни ўртгача 8–12 та сўзни 500–1000 маротаба қайтаришган. Ҳар куни эрта бомдодда ўқувчилар хужрадан қорихона дарсхонасига – қорибоши олдига борганда фақат янги ёдланган 2–3 та оятларнигина эмас бутун суранинг ёдланган қисмини ўқиб берган. Болалар синовдан ўтганидан кейин янги дарс бошланган. Шу қонда бўйича 4–5 йил ичида 30 пора Куръонни болалар ёдлашган. Шундан кейин ўқувчиларни кироат билан ўқишга ўргатилган.

Андижон шаҳрида ҳижрий 1267 (милодий 1851) йил жумод-уссоний ойида Ҳазрат Хўжа Давлат Хўжа Умар Сўфи Оллоёр Сўфиев Ҳазрат Махдуми Аъзам ўгли мазорида уч хужрали қорихонани қурдирган. Қорихона фаолиятини юритиш учун унга Андижон вилоятининг Бекабод қишлоғидаги ўзига тегишли бўлган ер участкасини вақф қилиб бериш нияти борлигини маҳаллий қозига келиб маълум қилган. Қози Ҳазрат Хўжа Давлат Хўжа қорихонаси вақфномасини расмийлаштириб берган. Вақфномада Худоёрхоннинг 1262 ҳижрий йил ёзилган муҳри ва 5 нафар қози, муфтийлар муҳрлари босилган. Вақфномада кўрсатилишича, бу вақфни мутаваллиси қилиб вақфни васият қилувчи ўзини катта ўгли Домулла Ҳайдар Қорини тайинлаган, унинг вафотидан кейин бу лавозимни авлодларига васият қилган²⁸⁹.

Вақфномада қорихонага вақф қилинган ер миқдори кўрсатилмаган. Россия империяси ҳукумати Қўқон хонлигини босиб олганидан кейин вақф ерларини давлат тасарруфига ўтказиш, вақф даромадини давлат хазинасига тушириш мақсадида вилоятлардаги вақфномалар бўйича текшириш ўтказган. Ҳазрат Хўжа Давлат Хўжа қорихонаси вақфномаси Андижон ер-солиқ комиссари ва комиссияси томонидан 1893 йилда текширилиб, Андижон уезди Ёрбоши волости Бекабод қишлоқ жамоаси, Бекабод қишлоғидаги қорихонанинг вақф ер участкаси 4 десятина 93 саржин эканлиги ер ўлчовчилари томонидан аниқланган²⁹⁰.

Вақфномада қорихона қачон ва ким томонидан қурдирилганлиги кўрсатилмаган. Вақфномада қорихона номи ёзилмаган.

²⁸⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34181-й., 10-в.

²⁹⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р, 34181-й., 26-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Қорихонани Умар Сўфи Оллоёр Суфиев васият қилган ерлардан бошқа мулки бўлмаган. Бошқа ери бўлганида ер-солиқ комиссари текширган ва бу ҳақида ёзган булар эди. Аксинча ер-солиқ комиссари Умар Сўфи ҳада қилган ер участкасига тузилган вақфномадан бошқа ҳужжатлар йўқлигини қайд қилган. Демак, қорихонага фақат Умар Сўфи ер участкаси вақф қилиб берган ва вақфнома туздирган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, қорихонани Умар Суфи Оллоёр Сўфиев қурдирган бўлиши мумкин. Чунки, одат бўйича масжид, мадраса ва қорихона қурдирган шахснинг ўзи дастлаб бунёд этилган муассаса фаолиятини юритиш учун вақф мулки васият қилган ва вақфнома туздирган. Шундай бўлса, қорихона қурилган йили вақфнома тузилган йилга тенг, яъни ҳижрий 1267 (милодий 1851) йилда қурилган бўлади.

Моддий томондан имконияти бор аёллар ҳам қорихона бунёд этишган. Исо Дадхоҳнинг кизи Ойхон Биби Шо ҳижрий 1275 (милодий 1859) йили Андижон шахрининг Чуалчи томонидаги Динарбек маҳалласида 3 та ҳужрали қорихона қурдириб, унга ўзининг шахсий мулкидаги 6 та ер участкасини вақф қилиб берган. Вақфномада мутавалли қилиб қорихона ўқитувчиси қорибоши тайинланиши белгиланган. Вақф ерларидан келган даромадни қорихонани таъмирлаш харажатларига сарфлаб, қолган қисмини мутавалли фойдаланиши керак деб кўрсатилган. Вақфномани Худоёрхон ва 8 нафар қози, муфтилар мухрларини босиб тасдиқлашган²⁹¹.

Ҳижрий 1275 (милодий 1859) йил ражаб ойида Ойхон Биби ўзининг номидаги қорихонага Андижоннинг Чуалчи томонидаги, Яманбой Сўфи маҳалласидаги Ҳазинахона ариғидан суғориладиган ер участкасини вақф қилиб берган²⁹². Вақфномада вақф даромадидан фойдаланиш шарти биринчи вақфномада кўрсатилганидек, яъни таъмирлашга ва мутаваллига белгиланган.

Ҳижрий 1279 (милодий 1863) йил рамазон ойида Ойхон Биби Андижонда Ҳақимбой маҳалласидаги ер участкасини, мис қозон, мис ликоп ва 20 тилла пулни қорихонага вақф қилиб таъсис этган.

Вақфномада ер участкасидан олинадиган даромаддан дастлаб ўндан бир қисмини мутаваллига бериш, қолган қисмининг эса қорихонани таъмирлашга ишлатиш белгиланган. Идиш-товок ва сандиқдан қорихонада қорибоши фойдаланиши уқтирилган. 20 тилладан тушадиган фойданинг ярмини

²⁹¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р, 34201-й., 8-в.

²⁹² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р, 34201-й., 8-9-в.

қорихона ўқитувчиси, ярмини қорихона ўқувчиларига берилиши кўрсатилган²⁹³.

Ҳижрий 1282 (милодий 1865) йил жумод-ул-аввал ойида Ойхон Биби ўзининг номидаги қорихонага Андижон вилоятининг Орол-Бўта Қора қишлоғидаги ер участкасини вақф қилган.

Вақф даромадидан фойдаланишнинг қуйидаги шарти белгиланган. Ердан олинган даромаднинг дастлаб қорихонани таъмирлашга ишлатилиши кўрсатилган. Даромаднинг қолганини – ўндан бир қисми мутаваллига, ўндан бир қисми катта қорига ва учдан икки қисмини қорихона ўқувчиларига бериш белгиланган. Вақфнома икки нафар қози мухри билан тасдиқланган²⁹⁴.

Ҳижрий 1292 (милодий 1875) йили Ойхон Биби Исобек Дадхох кизи Андижоннинг Пойтуғ қишлоғидаги ўзига тегишли шолিপояни ўз номидаги қорихонага вақф қилиб берган. Вақфномада бу вақф ерининг мутаваллиси қилиб, мулла Сулаймон Хўжа Зокирхўжа Баракаҳўжаев тайинланганлиги, ундан кейин қорихона ўқитувчиси қим бўлса, ўша бўлади, деб кўрсатилган. Вақф даромадидан ўндан бир қисмини мутавалли, қолганини 3 га бўлиб, бир қисмини ўқитувчи, бир қисмини қорихона ўқувчиларига бериш ва қолганини қорихона эҳтиёжларига ишлатиш тайинланган²⁹⁵. Исо Додхоқнинг кизи Ойхон Биби Шо ўз номидаги қорихонага вақф қилиб берган мулкларни мутавалли ижарага берган ва вақф даромади ёрдамида қорихонада ўқув-тарбиявий ишларни мукамал олиб боришни ташкил қилган.

Андижон вилоятининг яна бир қорихонаси Ҳазрат Эшон Домулла Ашурбек мазоридида Андижон шаҳрининг Гумбаз маҳалласида жойлашган эди. Бу қорихонага тегишли хужжатларда қим ва қачон қурдирганлиги тўғрисида аниқ маълумот ёзилмаган. Архивда бу қорихонанинг битта вақфномаси сақланган. Ҳижрий 1287 (милодий 1871) йили Зулқайда ойида Мир Шохобаддин Хўжа Мир Абдулфайз Ҳожи маҳаллий қозига келиб, ўзининг Бекобод қишлоғидаги Қорасув ариғидан сув ичадиган ер участкасини Ҳазрат Эшон Домулла Ашурбек, бошқача яна Домулла Қанақай Охунд деб номланган мазор қошидаги, Андижон шаҳрининг Гумбаз маҳалласидаги қорихонага вақф қилиб беришини айтган. Қози вақфнома тайёрлаб, мухрини босиб, қонуний қилиб берган. Вақфномада вақф қилинган ер миқдори кўрсатилмаган, унинг чегаралари белгиланган.

²⁹³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р. 34201-й., 9-в.

²⁹⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р. 34201-й., 9-в.

²⁹⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р. 34201-й., 10–11-в.

• Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Андижон вилояти Бекобод қишлоғидаги қорихонанинг вақф ери мутаваллиси вақф эҳсон қилувчининг ўзи бўлган, унинг вафотидан кейин авлодидан бўлиши васият қилинган. Вақф ери даромадининг ўқдан бир қисми мутавалли фойдасига ажратилгандан ташқариси Қуръон ўқувчиларига эҳсон қилинган.

Вақфномага Худоёрхон ҳижрий 1280 йил ёзилган муҳриги, қози Мулла Асрорқул Мулла Рўзибоев, аълам Муҳаммад Алим Домулла Муҳаммад Мўминов, яна иккита қозилар муҳрларини босиб тасдиқлашган²⁹⁶.

Қорихонанинг Бекободдаги вақф ер участкаси Худоёрхоннинг ҳижрий 1289 (милодий 1872–1873) йилдаги Домулла Кунакай (хужжатда шундай) Охунд мазорига қарашли ер участкаларини солиқлардан озод қилиш тўғрисидаги иноятномасига асосан, таноб ва хирож солиқларидан озод қилинган. Худоёрхон берган иноятномада шундай дейилган: Барча бошлиқларга ва кимки бу вазифани бажарса маълум бўлсинки, Андижондаги Домулла Кунакай Охунд мазорининг куйидаги вақф ер участкалари мавжуд: Тош Мозор деган жойда 2 та участка, Бекободда 1 та участка, Хаузкендда 1 та участка ва Гумбаз маҳалласида 1 та участка. Бу вақф ер участкалари мен томонимдан солиқ ва мажбуриятлардан озод этилади²⁹⁷.

1289 йил иноятномада қайд этилган Бекободдаги вақф ер участкасидан бошқа ер участкалари Домулла Кунакай Охунд мазоридаги масжидга қарашли эканлигини тасдиқловчи хужжатлар сақланган. Бу хужжатда Бекободдаги вақф ер участкаси Қўқон хонлиги Россия империяси томонида босиб олиниб, Фарғона вилояти ташкил қилинганидан кейинги маъмурий-худудий бўлиниш бўйича Андижон уезди, Бекобод волости, Бекобод қишлоқ жамоаси, Ҳайдар ва Қорасув дачаларида жойлашган бўлган. Қорихонанинг Худоёрхон муҳри бор вақфномасини ва унда кўрсатилган вақф ер участкасини ер-солиқ комиссарининг текшириши натижасида Ҳайдар дачасидаги вақф ер участкаси 711 саржин ва Қорасу дачасидаги вақф ери участкаси 2 десятина 960 саржин эканлиги, қорихонанинг жами вақф ери миқдори 2 десятина 1671 саржин эканлиги аниқланган²⁹⁸. Қорихона мутаваллиси вақф ерини вақфкор деҳқонларга ижарага берган ва вақф даромадини ўқувчиларга нафақа қилиб бериб, ўқув-тарбиявий ишда давомат яхши бўлишини, чуқур билим олишини таъминлаган.

²⁹⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р. 34232-й., 3-в.

²⁹⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р. 34232-й., 6-в.

²⁹⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р. 34202-й., 25–26-в.

Аҳмадбек Боҳодирбоши Мусабек Додхоев Андижон шаҳрида Каландархона томонида сойга яқин жойда хужралари билан қорихона қурдирган. Аҳмадбек Боҳодирбоши қорихона эҳтиёжларини қондириш учун, қорихонанинг шимолий томонида жойлашган, илгари қалпон бўлган жойдаги ер участкасини ва Андижон вилоятининг Дагимол деган жойдаги ер участкасини вақф қилиб берган эди. Лекин бу ер участкалари кам даромад берганлиги учун бу ер участкаларини сотиб Андижон вилоятининг Чуқрак деган жойдаги, ўша жойдаги ариқдан суғориладиган ер участкасини олиб қорихонага вақф қилиб берган. Бу ерда саккиз чорак²⁹⁹ шולי экиб ҳосил олиш мумкин бўлган. Ҳижрий 1290 (милодий 1873–1874) йили муҳаррам ойининг 19 куни Аҳмадбек Боҳодирбоши Мусабек Додхоев Андижон шаҳрининг қозисига келиб юқорида қайд этилган шולי экиладиган ер участкасини ўзининг номидаги қорихонага вақф қилинганлиги ҳақида вақфнома тузиб беришини илтимос қилган. Ўша куни вақфнома тузиб, Андижон вилоятининг Чуқрак деган жойдаги ер участкаси Аҳмадбек Боҳодирбоши қорихонасига тегишли эканлигини қонунлаштириб берган. Аҳмадбек Боҳодирбоши қорихонасининг бунёд этилган йили кўсатилмаган. Қорихона вақфнома тузилган 1873–1874 йилларда ёки ундан бир неча йил олдин қурилган бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз.

Андижон вилоятининг Жалакудуқ қишлоғи худудида Аюб пайгамбарнинг сағанаси жойлашган. Бу муқаддас жойни атрофидаги шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси зиёрат қилган. Бу кўпчилик доимий қатнайдиغان обод зиёратгоҳ жой бўлган. Андижон вилоятининг бадавлат эшонларидан бири Зокирхўжа Эшон Андижон вилоятининг Кўҳна Сўзак деган жойдаги, ўша жойдаги ариқдан суғориладиган шолিপоя ер участкасини, Кўл деган жойдаги шולי экиладиган ер участкасини ва Оқ Орол деган жойдаги шолিপоя ер участкасини вақф қилиб берган. Бу ерлардан ташқари Муҳаммад Алимбой Сузак қишлоғида Кумушазизлар деган жойдаги шолипоя ер участкасини қорихонага ҳадя қилган.

Ҳижрий 1291 (милодий 1874–1875) йили ражаб ойида Зокирхўжа Эшон ва Муҳаммадалимбой билан бирга Андижон қозисига бориб, юқорида кўрсатилган ер участкаларини қорихонага вақф қилиш мақсади борлигини айтиб, вақфнома ёздирган. Вақфномага қози муҳрини босиб қонуний қилиб берган. Вақфномада 4 та ер участкасини қорихонага

²⁹⁹ *Чорак – Фарғона водийсида 5 пуд 13 қалокка тенг, оғирлик ўлчови, 1 пуд 16 кг га, 1 қалок 409 граммга тенг.

эхсон қиувчилар вақф мулкларининг мутаваллиси лавозимида Зокирхўжа Эшоннинг ўғли Мулла Саид Аҳмад тайинланган. Ундан кейин бу лавозимга Зокирхўжа авлодидан тайинланиши белгиланган. Вақф даромади мутаваллига ўндан бир қисми берилганидан кейин қолган қисми иккига бўлиниб, бир қисми қорибошига, ёшларни ўқитган ўқитувчига, иккинчи қисми қорихона биносини таъмирлашга ва ўқувчиларга, Қуръонни ёдлаётган болаларга берилиши тайинланган³⁰⁰. Мутавалли вақф ерларини ижарага бериб, қолган даромаддан вақфномада белгиланган шарт бўйича фойдаланиб, қорихонанинг ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишларини яхши юритиш имкониятига эга бўлган.

Авдижон шаҳрининг Қора Бура маҳалласида пишиқ гиштдан қурилган ва бир неча хужрали қорихона бўлган. Хужралар сони кўрсатилмаган. 4 та вақфнома билан 4 та ер участкаси қорихонага вақф қилинган. Қорихона вақф мулкларининг кўпчилиги, унинг харажатлари ортиклигидан далолат беради. Бу ҳолат қорихонада 5–6 та хужралар ва уларда истиқомат қиладиган ўқувчилар сони кўпчилигидая, яъни 10–15 нафар бўлганлигидан дарак беради. Қорихона ғарб томондан Қора Бура маҳалласидаги мадраса ва қисман Қора Бура мазори, жануб томондан қабристон, шарқ томондан йўл, шимол томондан эса ариқ билан чегараланган бўлган. Қорихонанинг қурилган йили, унинг бунёдкори вақфномада аниқ кўрсатилмаган. Қорихона 4 та вақфномасидан 2 тасида ҳижрий 1292 (милодий 1875) йили рабӣ-ус-соғи ойида Таулди қипчоқ уруғидан Алимбой Мулла Ишим Домуллаев ўзининг мулкидан 2 та ер участкасини қорихонага вақф қилиб берган. Қолган 2 та вақфномалар ҳижрий 1295 (милодий 1878) йили бошқа шахслар томонидан туздирилган. Алимбой ёздирган вақфномадан олдин тайёрланган вақфнома бўлмаган. Демак, дастлаб Алимбой қорихонага вақф мулки таъсис этган. Одат бўйича, қорихона қурдирган шахс унга вақф мулки эҳсон қилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Алимбой қорихона бунёдкори бўлган. Қорихона қурилган йилини аниқлашга вақфномадаги муҳрлар ёрдам бериши мумкин. Алимбой вақф қилган мулкка тузилган вақфномага 5 та босилган муҳрлардан 3 тасида энг юқори ҳижрий 1289 (милодий 1872) йил ёзилган. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, қорихонанинг 1872 йилдан кейин ва 1875 йилдан олдин қурилгани маълум бўлади.

Алимбой Мулла Ишим Домуллаев қорихона қуриб битказилганидан кейин унинг ишини юритиш учун ҳижрий 1292 (милодий

³⁰⁰ ЎзР МДА. И-19-ф., 1-р., 34242-й., 3-в.

1875) йили Андижон шаҳрининг Туалди деган жойида битта ер участкани эҳсон қилиб, маҳаллий қозига вақфнома туздирган.

Вақфномага Домулла Асрорқул кози, Мулла Эшонжон муфтий, Мулла Муҳаммад Ризамуфтий, Мулла Муҳаммад Қосим ва Аҳмад Муфтийлар мухрларини босиб, вақфномани қонуний қилиб, тасдиқлаб берган. Вақфномада қорихона вақф даромадининг 1/10 қисмини мутаваллига ажратиб, қолганини иккига бўлиб ярмини қорибошига, ярмини қорихонада истиқомат қилаётган ўқувчиларга бериш шарти белгилаб қўйилган.

Ҳижрий 1291 (милодий 1875) йили Алимбой Андижон вилоятининг “Танлаку-Тартар” деган жойидаги ер участкасини қорихонага вақф қилиб берган ва маҳаллий қозига вақфнома тайёрлатган³⁰¹. Мутавалли қорихона вақф ерларидан тушган даромаддан фойдаланиб, қорихона фаолиятини юритган.

Қўқон хонлигининг шаҳар ва қишлоқларидаги қорихоналар мактабга нисбатан кам ва ўқувчилари сони оз бўлган. Фақат Қўқон шаҳридаги айрим қорихоналар йирик бўлган ва бир неча ўнлаб ўқувчилар ўқиган. Бундай қорихоналар хонларга, ҳокимларга қарашли бўлган. Вилоятлардаги, жумладан, Андижон вилоятидаги қорихоналарда, одатда, 5–6 нафар ўқувчилар ўқиган. Мактаблар ҳар бир маҳаллада, кўпроқ маҳалла масжиди қошида бўлган. Мактаблар кўп ва бир хонали бўлгани учун ҳар бир мактабда 10 нафар атрофида ўқувчи ўқиган. 20–30 нафар ўқувчилар ўқийдиган мактаблар кам бўлган. Шариат қондаси, мусулмон руҳонийлари талаби бўйича, барча мусулмон ёшлари мактабда ўқиши шарт эди. Шунинг учун мактаблар кўп бўлган. Мактабларни ва қорихоналарни битирган айрим иқтидорли ёшлар мадрасаларга кириб ўқиб, ўз билимларини орттириб етук мутахассис кадр бўлиб етишиб чиққан.

VIII–XV асрларда Андижонда ҳам мактаб ва мадрасалар ташкил бўлганлигига, ёшлар илм, маънавият асосларини ўрганганлигига ишончимиз комил. Лекин, бу ҳақда аниқ манбалар ҳозиргача топилмаган. Яқин йилларга қадар XV–XVIII асрлардаги миллий маориф тарихига оид аниқ далиллар маълум бўлмаган. Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти 1980 йилда эълон қилган “Андижон тарихи” китобида XVI–XVIII асрлардаги мадрасалар, мактаблар ҳақида маълумот берилмаган. Бу факт ҳам китоб муаллифлари ихтиёрида Андижоннинг ўша даврдаги мадрасалари мактаблари тўғрисида манбалар бўлмаганлигидан далолат бе-

³⁰¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 30–45-в.

ради. Биз яқинда архивдан Андижон вилоятининг XVI–XVIII асрлардаги миллий маорифи тарихига оид ноёб ҳужжат топдик. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Фарғона вилояти бошқармаси архив фонди материалларини ўқиётиб, бир йиғмажилд ҳужжатлари орасида “Фарғона вилояти, Андижон уездининг 1887 йилдаги ўқув юртлари рўйхати” номли рус тилидаги кўлёзмага кўзимиз тушиб қолди. Ҳужжат қора сиёҳда, чиройли хуснихат билан ёзилган.

Рўйхатнинг охирида “аслига тўғри” деб Фарғона вилояти, Андижон уезди бошқармаси бошлиғининг котиби, “солиштирилди” деб бошқарманинг иш юритувчиси имзо қўйган. Андижон уезди бошлиғи 1889 йил 31 майда бу рўйхатнинг бир нусхасини Фарғона вилояти харбий губернаторига ва бошқа нусхасини Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига юборган. Ҳужжат тасдиқланган нусха бўлиб, ишончлилиги шубҳа туғдирмайди. Ушбу ҳужжатда пкки юзга яқин мактаблар ҳақда маълумот берилган. Ҳужжат нисбатан катта – 18 варақ бўлиб, у жадвал шаклида тузилган эди. Жадвалнинг графа (устун)ларида ҳар бир мактаб ва мадрасанинг номи, ўқувчилари ва ўқитувчилари сони, 1887 йилдаги вақф даромадининг миқдори, ўқув юрти жойлашган шаҳар, вилоят, қишлоқнинг номи билан бирга ташкил қилинган йили кўрсатилган эди. Ҳужжатнинг дастлабки 11 варағида фақат 1826–1886 йиллар орасида ташкил қилинган мактаб, мадрасалар кўрсатилган эди. Жадвалнинг 12-варағини очиб ўқиганимда “ўқув юртининг ташкил қилинган вақти” деган графада “1586 йил” рақамларига кўзим тушди. Дастлаб ишонмадим, хато ёзилганмикан, деган фикр ҳаёлимга келди. Бу мактабдан олдинги ва кейинги мактабларнинг йиллини қарасам 1636 йилда, 1781 йилда ва 1791 йилда барпо этилган мактаблар ҳам кўрсатилган. Шундан кейин бу рақамларни ҳақиқий эканлигига шубҳа қолмади. Шубҳа қилишга асос ҳам йўқ эди, чунки ҳужжат охирида “ушбу нусха кўчирилган асл нусха билан солиштирилди”, деб Андижон уезди бошқарма бошлиғининг иш юритувчиси имзо чеккан эди. Бу нодир ҳужжатнинг пайдо бўлиш тарихи тўғрисида батафсил тўхталамиз.

Чор ҳукумати Туркистонни босиб олганидан кейин ерли халқнинг маданияти, диний қадриятлари, урф-одатларини сиңчиклаб ўрганди. Жумладан, миллий маорифнинг аҳволини ҳам назорат қилиш, унинг фаолиятини чеклаш мақсадида Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига ислом ўқув юртлари сонини ҳар йили

ҳисобга олиб туриш вазифасини юклади. 1887 йилдаги Андижон уезди мактаб ва мадрасалар рўйхати олинган ҳужжат Андижон уезд бошлиғи томонидан 1887 йилда юқори идоралар сўрови асосида тайёрланган ва тегишли идорага юборилган бўлиши керак. Бу ҳужжатнинг нусхаси Фарғона вилояти бошқармасига 1889 йилда келиб тушган. Бу қуйидагича содир бўлган: 1889 йил 7 февралда Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Н. Остроумов Фарғона вилояти ҳарбий губернаторидан 1887 ва 1888 йилларда Андижон уезди ва вилоятнинг бошқа уездлари бўйича мактаблар ҳақида маълумотлар юборишни сўраган³⁰². Фарғона вилояти ҳарбий губернатори бу сўровга асосан, 1889 йил 22 февралда Андижон уезди бошлиғига 1887 ва 1888 йиллар бўйича уезддаги мактаблар ҳақида ўқув юртлари бошқармасига маълумот етказиб беришингизни ва нусхасини менга юборишингизни сўрайман, деб хат ёзган³⁰³. Андижон уезди бошқармасининг 1889 йил 31 майдаги Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган “Фарғона вилояти Андижон уездининг 1887 йилдаги ўқув юртлари рўйхати” илова қилинган хатда шу рўйхатнинг бир нусхасини Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига юборганлигини ва 1888 йилда ўқув юртлари таркибида ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини, шунинг учун ўша маълумотнинг ўзи қолганлигини хабар қилганлиги кўрсатиб ўтилган³⁰⁴. Архивда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборилган рўйхатнинг тасдиқланган нусхаси сақланиб қолган.

Андижон уезди ўқув юртлари рўйхатида XVI–XVIII асрларга оид 5 та мактаб кўрсатилган. Аслида, бу уч аср давомида ўнлаб-юзлаб мактаблар очилиб, фаолият кўрсатган бўлиши, шубҳасиз. Лекин, 5 та мактабдан бошқалари рўйхатга олинган вақтга қадар биноларининг бузилиши ва бошқа сабабларга кўра фаолиятини тўхтатган. Уларнинг ўрнига янги мактаблар қурилган. Рўйхатдаги маълумотларга қараганда XIX асрнинг биринчи ярмида 50 тага яқин мактаблар ташкил қилинган.

Ҳужжатнинг энг қадимги мактаблар тўғрисида маълумотлар берган қисмидан парча келтирамиз. Ҳужжат аслида қандай бўлса, шундайлигича берилди.

³⁰² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р, 12554-й., 1-в.

³⁰³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р, 12554-й., 2-в.

³⁰⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р, 12554-й., 2-в.

Список учебных заведений Андизанского уезда Ферганской области за 1887 год

№	Название учебных заведений	По какому уставу или положению существует учебное заведение и время основания его	Число		Расход на каждое учебное заведение За 1887 год	Здесь обозначается название места, в котором находится учебное заведение (в соответствующей графе)				
			Учащиеся	Учащиеся		Города	Посад	Местечки	Волости	Селения, деревни, села и пр.
119	Мектеб Нур Мирзабая	1781	1	М	Ж				Волости	Селения, деревни, села и пр.
120	Мектеб Суфийи Ата	1791	1			8			Балик-чинская	Сел. Баликчи
121	Мектеб Ходжа Назир Аталык	1586	1			9			Тоже	Тоже
122	Мектеб Бабаджан Халифа	1636	1			10			Тоже	Гуровон
151	Мектеб Шодман Ходжа	1796	1			9			Тоже	Урта Курган
						10			Нарынская	Сел.Койка

С подлинным верно: Секретарь, подпись.
Сверял: Письмоводитель, подпись³⁰³

³⁰³ УзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 24-47-в.

Юқоридаги архив хужжати далолат берадики, Хўжа Назир Оталик мактаби 1586 йилда Баликчи волостининг Гўровон қишлоғида қурилган. 1887 йилда мактабда битта домудла-ўқитувчи 10 нафар ўқувчига таълим берган.

Бу мактаб Абдуллахон II (1557–1598) даврида ташкил бўлган. Абдуллахон II марказлашган давлат ташкил қилганидан сўнг Мовароуннаҳрда маданият, фан, адабиёт, маорифни ривожлантиришга катта эътибор берган. 1588–1590 йилларда Абдуллахон мадрасаси, XVI асрнинг биринчи ярмида Тошкентда Барокхон мадрасаси қурилган. Бухорода Қулбобо, Кўжалдош мадрасаси 1574–1575 йилларда, Гавкушон, Фатхул्ला кушбеги, Миракон, Хожа Мухаммад Порсо мадрасалари XVI асрнинг иккинчи ярмида қурилган. Мадрасалар билан бир қаторда кўплаб мактаблар ҳам очилган. Шундай мактаблардан бири Баликчининг Гўровон қишлоғида ҳам бунёд этилган эди³⁰⁶.

Энди Андижон вилоятда 1586 йилда мактаб қурдирган Хўжа Назир Оталикқа келсак, номидан кўриниб турибдики, у ўз замонасининг зиёли, ўқимишли, билимдон кишиларидан бўлган. Оталик “ота ўрнида ота” деган маънога эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Отака, оталик атамасини Ҳофиз Таниш ал-Бухорий “Абдуллонома” асарида ҳам ишлатган. У шундай деб ёзган: “Абулхайрхон у султонзодаларни бениҳоят хуш кўриб, ортиқча севганидан, уларни илгари Шох Будоғ султоннинг отакаси, уйғур (қавми)дан бўлган Бойшайхга топширди, токи ўзини уларни ҳолидан хабардор қилувчи деб биллиб, ҳар бирини ҳурмат қилсин ва олий мартабали шаҳзодалар тарбиясида жонбозлик камарини ҳаводор белига боғлаб, (бир дақиқа ҳам) бепарволик қилмасин”.

Мактабнинг XVI аср охирида қурилиб, XIX аср охиригача бузилмай, машғулот олиб борилганлиги, унинг мустаҳкам, эҳтимол пишиқ гиштдан қурилганлигидан далолат беради. Мактабда 1 нафар домла 10 нафар ўқувчига дарс берганлиги, унинг биноси нисбатан кичик бўлганлигини кўрсатади. Мактаблар, одатда 10–20 ўқувчига мўлжалланиб, 1–2 хонали кичик бинодан иборат бўлган.

Хужжатда қайд этилган Бобожон халфа мактаби Андижон вилоятининг Ўрта Кўрғон қишлоғи (ҳозирги Баликчи тумани)да 1636

³⁰⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 40-в.

Йилда қурилган³⁰⁷. Ўша замонларда Фарғона водийси, жумладан, Андижон вилояти Бухоро хонлиги таркибига кирган. Андижондаги мактаб Аштархонийлар сулоласидан бўлган Имомқулихон (1611–1642) даврида қурилган. XVII асрда хонлик пойтахти Бухорода кўплаб мактаблардан ташқари Нодир Девонбеги, Абдулазизхон, Хиёбон, Жўйбори калон каби бир неча мадрасалар барпо қилинган. Хонликнинг чекка вилоятларида ҳам мактаблар қурилган эди. Андижоннинг Ўрта Қўрғон қишлоғидаги мактаб ҳам шулар жумласидан.

Мактабнинг асосчисига келсак, у халфа бўлган. Халфа, халифа-ўринбосар, муовин маъносини билдиради. Мактаб ўқувчилари орасида бошлиқ бўлиб тайинланган домлага кўмаклашадиган болани халфа дейилган. Домла йўқ вақтларида халфа болаларни ўқитган ва келажакда кўп ҳолларда мактабдор бўлган. Хунармандчилик устаноналарида ҳам устанинг ёрдамчиси халфа деб номланган. У устанинг шогирдларига бошчилик қилган ва иш ўргатган. Демак, Бобожон халфа ўқимипли ёки хунарманд бўлган. Бобожон мактаби ҳам Хўжа Назир Оталлик мактаби сингари пишиқ-пухта қилиб қурилган бўлиб, 1887 йилда ҳам дарс олиб борилган. Мактабда 9 ўқувчи домладан таълим олган.

XVIII асрда Фарғона водийсида катта ўзгаришлар содир бўлган. Фарғона мулки Бухоро хонлигидан ажралиб, мустақил Қўқон хонлиги ташкил қилинди. Қўқон хонлигига минглар қабиласидан чиққан Шохрухбий 1710 йилда асос солган. Унинг ўғли Мухаммад Раҳимбий (1721–1740) Хўжанд, Марғилон, Андижон шаҳарларини босиб олиб, хонликнинг ҳудудини кенгайтirdи. Норбўтабий Қўқонда хонлик қилган даврда (1769–1880) беқлар сепаратизми бостирияди, марказий ҳокимият бирмунча мустаҳкамланди. Савдо, хунармандчилик, деҳқончилик, сугориш ишлари, маданият анча ривожланди, кўплаб мактаблар, хаттоки, айрим мадрасалар бунёд қилинди. Андижон вилоятида ҳам бир неча мактаблар барпо этилган эди. Шулардан учтаси Фарғона вилояти, Андижон уезди ўқув юр்தларининг 1887 йилдаги рўйхатида қайд қилинган.

Хужжатда кўрсатилишича, Балиқчи волостида 1781 йилда Нур Мирзабой мактаби, 1791 йилда Сўфи Ота мактаби ташкил қилинган. Норин волостининг Қўйқа қишлоғида 1796 йилда Шодмон Хўжа мактабига асос солинди³⁰⁸. Бу мактаблар биноси ҳам мустаҳкам қилиб қурилган. Ўқув юр்தлари рўйхатга олинган йили Нур Мир-

³⁰⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 40-в.

³⁰⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 43-в.

забой мактабида 8 ўқувчи, Сўфи Ота мактабида 9 ўқувчи, Шодмон Хўжа мактабида 10 ўқувчи таҳсил олган. Мактабларда биттадан домла дарс берган.

Масжидлар қошидаги мактабларда ўғил болалар ўқитган, уларга имом ёки сўфи дарс берган. Кейинчалик айрим шахслар хусусий мактаб очиб, ўзлари ўқитадиган бўлдилар. Мактабдор домлалар, имом, сўфиларнинг саводли хотинлари (отинойилар) ўз уйларида мактаблар очиб, қизларни ўқитган.

Мактаб домласи болаларни ўқитгани учун қатъий тайинланган ойлик ёки йиллик ҳақ олмаган. Бироқ, Фарғона водийсида ўқувчининг ота-онаси, одат бўйича, ўз ихтиёри билан домлага совға-салом қилган. Ота-она болани биринчи маротаба мактабга олиб борганида домлага дастурхон килиб борган. Дастурхонда домлага бир қатор сарпо, нон, ширинликлар олиб келиш одат бўлган. Кейин йил давомида “Пайшанбалик” қилган.

Ўқувчи ҳар пайшанба кuni имкониятига қараб домлага ош харажатини ёки камбағал оиланинг боласи эса 1–2 та нон олиб келган.

Ўқувчилар бир китобни тугатиб, иккинчи китобни ўқишга ўтганида ҳар бир ота-она домлага имкониятига қараб шаҳарда пул, қишлоқда асосан ғалла берган. Айрим мактабларнинг вақф мулклари, экин ерлари, савдо дўконлари бўлган. Шунга қарамай, ота-оналар одатдагидай мактаб ўқитувчисига совға қилган. Бу одат чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмурлари томонидан ёзилган ҳужжатларда баён этилган. Марғилон уезди бошлиғининг 1888 йилда тузган ислом ўқув юртлари рўйхатида ҳам шундай ёзилган эди.

Бу ҳужжатда Кўқон-Қишлоқ волости мактаблари рўйхатини келтириб қуйидаги изоҳни ёзган: “Бу волостнинг барча 8 та мактабларида ўқитувчи бўлиб, маҳсулот ғалла билан ҳақ оладиган масжид имомлари ишлайди. Суфан қишлоғида бир бола учун 1 пуд ғалла, Қолача ва Чермак қишлоқларида 1 пуд 10 фунт, Волик қишлоғида 1 пуд 20 фунт, Катта Қишлоқ қишлоғида 2 пуд ва Хонобод қишлоғида 2 пуд 5 фунтдан тўлайди”³⁰⁹.

Биз юқорида ҳикоя қилган, Андижоннинг XVI–XVIII асрлардаги мактабларида ҳам Марғилон мактабларида XIX асрда баён қилинган одат бўлганлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, чунки бу одат мактаблар пайдо бўлганидан кейин бутун Туркистонда, жумладан, Фарғона водийсида вужудга келган қадимий удум эди.

³⁰⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 65–66-в.

● Кўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Мактабларда ўқиш араб ҳарфлари ва сўзларини ёзишни ўрганишдан бошланган. Ҳарфларни ўргангандан кейин Куръоннинг энгил суралари ва намоз ўргатилган. Мактабда одоб-ахлоқ дарси ҳам бўлган. XVIII асрда ижод қилган шоир Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” номли диний панд-насиҳатлар китоби ўрганилган. Шунингдек, Навоий, Ғузулий, Бедил асарларидан намуналар ҳам ўқилган.

Шундай қилиб, эски мактаб билим бериш билан бирга, ёшларга ёзиш-ўқишни ўргатган, саводли қилган. Руҳонийлар, имом, сўфи, домлалар мактабда одоб-ахлоқ намуналарини, жумладан, умум-башарий ахлоқ қонун-қоидаларини ёшларга ўргатган, уларнинг ҳаётига сиғдирган. Мактаб ёшларни ўқимишли, маданиятли қилиб тарбиялаган, маънавий қиёфасини шакллантирган. Мактаб ўзбек халқининг маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган.

Кўқон хонлиги XVIII асрда Бухоро амирлигидан ажралиб чиққанда фақат Фарғона водийси ҳудудини ўз ичига олган эди. XIX асрнинг биринчи ярмига келиб, Кўқон хонлигига Тошкент, Туркистон, Ўратепа. Хўжанд ва унинг атрофидаги туманлар ҳам қўшиб олинди. Натижада Кўқон хонлиги Ўрта Осиёдаги энг катта давлатлардан бирига айланди, сиёсий-иқтисодий қудрати мустаҳкамланди. Хонликда фан ва техника деярли тараққий этмаган бўлса ҳам маориф, адабиёт, архитектура ривожланди. Умархон, Мадалихон, Худодёрхон ҳукмронлиги Кўқон хонлигининг энг тараққий этган даври бўлди.

Кўқон хонлиги равақ топган, маданий жиҳатдан ривожланиб юксак даражага кўтарилган XIX асрда кўплаб мактаб ва мадрасалар юзага келди. Андижон уезди бошлигининг 1889 йилда Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган Андижон уезди ўқув юртарининг 1887 йилдаги рўйхатида 28 та мадраса, 169 та мактаб тўғрисида ахборот берилган³¹⁰. Бу ҳужжатда мактаблар ва мадрасалар сони тўла кўрсатилмаган. Рўйхатда кўрсатилган мадрасалардан ташқари Андижон шаҳрида 1808 йилда Раҳмонқулбий қурдирган мадраса борлиги аниқланди. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори ҳар йили чоп этадиган “Фарғона вилояти обзори”нинг 1904 йилга бағишланган жилдида Андижон уездида 1890 йилда 28 та мадраса ва 316 та мактаб фаолият кўрсатган³¹¹, деб қайд этилган. Ваҳоланки, 1887 йилда 169 та мактаб бўлса, 2 йилда 147 та мактаб қурилиши

³¹⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 29–47-в.

³¹¹ Обзор Ферганской области за 1904 год. Новый Мергелан, 1905. –С. 135.

3-БОБ. Андижон вилояти мадраса, қорихона ва мактаблари

ёки очилиши амалда мумкин эмас эди. Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, 1887 йилда мактаблар ва мадрасалар тўла рўйхатга олинмаган.

Андижон уезди ўқув юртларининг 1887 йил рўйхатидаги маълумотга кўра, мадраса ва мактабларнинг асосий қисми Қўқон хонлиги даврида ташкил қилинган. Чунончи, рўйхатдаги 28 мадрасадан 26 таси, 169 та мактабдан 115 таси хонлик даврида, яъни 1876 йилгача ташкил бўлган.

Хон ва унинг оила аъзолари, йирик амалдорлар, ҳокимлар бадавлат шахслар мадрасаларни ўз ҳисобидан қурдирган. Мадраса билан бирга одатда, талабалар намоз ўқиши учун масжид ҳам солинган. Мадраса қурдирган шахс унга доимий даромад келиб туриши учун мулк вақф қилган. Шарият талаби шундай бўлган. Мактабларни юқоридаги шахслардан ташқари аҳолининг ўрта ҳол табақалари ҳам қурдириш имкониятига эга бўлган.

Қўқон хонлигида, жумладан, Андижон вилоятида ҳам анъанавий мактаблар кўп бўлган. Бу мактаблар орасида вақф мулки борлари жуда оз эди. Вақф мулки бор мактаблар асосан, масжидлар қошида бунёд этилган эди. Масжид ходимлари – имом, муаззин ва бошқаларни мойна билан таъминлаш учун масжидларга вақф мулки васият қилиш одат бўлган. Мактаб учун алоҳида вақф мулки ҳада қилинмаган бўлса, масжиднинг вақф даромадидан масжид ва унинг ҳузурдаги мактаб биноси таъмирланган. Масжидда вақф мулки даромадидан маош олгани учун имом ёки муаззин мактабда меҳнат ҳақи олмасдан ўқувчиларга дарс берган. Айрим ҳолларда масжидга алоҳида ва мактабга алоҳида вақф мулки таъсис қилинган. Вақфномада, одатда, мактаб вақф мулки даромадидан бинони таъмирлаш ва ўқитувчига мойна беришда фойдаланиш шarti белгиланган.

Вақф мулки бор мактаблар сови ҳақида тўлиқ ва аниқ маълумот берувчи архив манбаси йўқ. Бу ҳақида нисбатан аниқроқ маълумот берадиган манба Туркистон ўлкасида ер-солиқ тизими тўғрисидаги қоидаларнинг 6-моддасига асосан, Фарғона вилояти Бошқармасига вақфномалари топширилган Андижон уезди бўйича вақф ташкилотлари рўйхати ҳисобланади. Бу рўйхатдаги маълумотга кўра 5 та мактаб вақфномаларини топширган:

1. Солих Хўжамберди масжиди қошидаги мактаб;
2. Мухаммад Ризабой масжиди қошидаги мактаб;
3. Юнусбой Ҳожи масжиди қошидаги мактаб;

4. Бўрибой масжиди қошидаги мактаб;

5. Балиқчи маҳалласидаги^{312*} мактаб³¹³;

Фарғона вилояти бошқармаси рўйхатидаги бу маълумотларни тўлиқ деб бўлмайди. Бу бўйича Марказий давлат архивида сақланаётган вақф мулки бор мактаблар вақфномалари гувоҳлик беради. Рўйхатдаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивининг Фарғона вилояти бошқармаси номи И-19 фондидаги мавжуд бошқа мактаблар вақф мулкларини ҳақидаги ҳужжатли материаллар тўлдиради.

1890 йил 5 мартда Фарғона вилояти бошқармаси умумий мажлисида 1887 йил 13 июнда мутавалли Тошмуҳаммад Кенжабоев топширган Майгир қишлоғидаги Қосимбой масжидининг 6 та вақфномасини ва масжид қошидаги мактабнинг 3 та вақфномасини муҳокама қилган. Ҳужжатдан масжид ва мактабни Қосимбой томонидан бунёд этганлиги маълум, лекин 9 та вақфномалардан биронтаси ҳам Қосимбой томонидан қозига туздирилмаган. Масжид ва мактабга ер, дўкон, қаби вақф мулкларини бошқа одамлар васият қилган. Масжидга дастлаб ҳижрий 1272 (милодий 1856) йилда Нормуҳаммадбой Ҳасанбой Майгир қишлоғидаги бир ер участкасини вақф қилиб берган ва маҳаллий қозига вақфнома тайёрлатган³¹⁴. Бу маълумотдан хулоса қилиш мумкинки, масжид унинг қошидаги мактаб 1856 йили қуриб битказилган ва улар фаолиятини юритиши учун вақф мулки таъсис этилган. Қосимбой масжиди қошидаги мактаб учун алоҳида вақф мулки ҳижрий 1277 (милодий 1861) йилда Шодмонбой Йўлчибой томонидан Майгир қишлоғидаги битта ер участкаси эҳсон қилинган ва маҳаллий қозига вақфнома туздирилган³¹⁵.

Мактабга иккинчи вақф мулкни ҳижрий 1280 (милодий 1863) йилда Бобокул Мерган Шаҳр Сўфи таъсис қилган. У Майгир

³¹² * Ҳужжатда “Школа квартала Балиқчи” деб ёзилган. Бизнингча, “квартал” сўзи ўрнида “қишлоқ” сўзи бўлиши лозим. Биринчидан, Андижонда Балиқчи маҳалласи бўлмаган. Иккинчидан, Балиқчи қишлоғининг Гўр Аввал маҳалласида XVI асрда бунёд этилган ва XX асрнинг биринчи чорағида ҳам фаолият олиб борган Андижондаги энг қадимги мактаблардан бирини бўлган. Фарғона вилояти бошқармаси рўйхатида тилга олинган Балиқчидаги мактаб ўша қадимги Балиқчи қишлоғидаги мактаб, деб тахмин қилиш мумкин.

³¹³ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 33275-й., ж., 5-7-в.

³¹⁴ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34376-й., 29-в.

³¹⁵ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34376-й., 30-в.

қишлоғида жойлашган битта ер участкасини, 4 та дўкон ва айвонни ҳадя қилган ва маҳаллий қозига вақфнома тайёрлатган. Вақфномага Имомқул қози ҳижрий 1276 йил ўйилган муҳрини босиб тасдиқлаб, қонуний қилиб берган. Кейинроқ Мулла Муҳаммад Қосим қози ҳам 1304 йили ўйилган муҳрини босиб вақфномани қайта тасдиқлаган. Вақфномада мактабнинг вақф мулкларидан тушган даромадни бўлиш тартиби белгилаб қўйилган. Вақф мулкини мутавалли Тош Муҳаммад Кенжабоев, даставвал, мактаб биносини тамирлашга ишлатиб, қолганини ўқитувчига болаларга сабоқ бергани учун меҳнат ҳақи сифатида бериш вақфномада белгилаб қўйилган³¹⁶.

Мактабга учинчи вақф мулкини ҳижрий 1283 (милодий 1868) йилда Рўзи Али Бобоқул мерган Майгир қишлоғидаги битта ер участкаси, уй ва битта дўконни вақф қилиб эҳсон қилиб берган³¹⁷ ва маҳаллий қозига вақфнома туздирган эди. Вақфномага қозилар муҳрини босиб, уни қонуний қилиб берган. Вақфномада мутаваллини тайинлаш тартиби ва вақф даромадларининг бўлиш шарти белгилаб қўйилган эди.

Ҳижрий 1281 (милодий 1864) йили Андижон вилоятининг Ўрта Қўргон деган жойидаги масжид ва унинг қошидаги мактабга бир авлоддан бўлса керак, 15 нафар одам ўша жойдан 6 та ер участкасини вақф қилиб берган ва маҳаллий қозига вақфнома туздирган³¹⁸. Вақф мулки эҳсон қилганлардан бири Мулла Абдулғофур масжид ва мактабнинг умрбод мутаваллиси этиб сайланган. Уни вафотидан кейин мутавалли лавозимига унинг авлодларидан сайланиши вақфномада белгилаб қўйилган. Демак, Мулла Абдулғофур шу авлоднинг энг муътабар одами бўлса керак.

Одатда, масжид ва мактаб қуриб битказилгандан кейин улар фаолиятини юритиш, масжид имоми, муаззин, фаррошга, мактаб домулласига мойна бериб туриш, биноларни таъмирлаб туриш учун вақф мулки таъсис этилган. Хулоса қилиш мумкинки, масжид ва мактаб ҳижрий 1281 йили бунёд этилган ва уларнинг бунёдкорлари вақф мулки таъсис этган 15 нафар инсонлар бўлган.

Масжид ва мактаб вақфлари даромади бир-бирини тўлдирадиган ҳар хил хўжалик ишлари учун эҳсон қилинган. Вақфномада кўрсатилган биринчи учта ер участкаси 12 нафар одамга тегишли бўлиб, улар вақф даромадидан масжидни тамирлашга фойдаланиб,

³¹⁶ ЎЗР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34376-й., 28-в.

³¹⁷ ЎЗР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34376-й., 30-в.

³¹⁸ ЎЗР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34376-й., 12-в.

қолган қисмини 10 улушга бўлиб, улардан 5/10 улушини имомга, 3/10 улушини муаззинга, 1/10 улушини масжидни ёритишга ва 1/10 улушини мутаваллига бериш шарти белгилаб қўйилган эди³¹⁹.

Бешинчи ер участкасини масжидга Уста Курбон вақф қилиб берган ва вақфномада вақф мулкани икки қисмга бўлиб, бир қисмини имомга, иккинчи қисмини масжидни ёритиш учун ажратишни шарт қилиб қўйган. Олтинчи ер участкасини масжидга Мулла Ҳакназар эҳсон қилиб берган ва вақфномада вақф даромадини имомга беришни ва унинг учун имом васият қилувчи руҳига бир йилда икки марта Куръонни тўла ўқиб бағишлаб қўйишни талаб қилган.

Вақфномадаги 4-ўринда қайд қилинган вақф ер участкаси Ўрта Кўрғон деган жойда жойлашган бўлиб, ер майдони кўрсатилмай унинг чегаралари белгиланган. Бу вақф ери ғарбда Ўринбой Ниёз Муҳаммедовнинг вақф мулки билан, жанубда захкаш ер билан, шимолда уста Рўзибой ери билан чегараланган. Шарқдаги чегараси кўрсатилмаган. Бу ер участкаси уста Рўзибойга тегишли бўлиб у бу ерни масжид қошидаги мактабга вақф қилиб берган. Вақфномада мактабнинг вақф мулки даромадини мактаб биносини таъмирлашга ва қолганини ўқитувчига бериш шарт қилиб белгиланган³²⁰.

Масжид ва унинг қошидаги мактаб Андижон вилоятининг Ўрта Кўрғон деган жойида жойлашган эди. Масжид Уста Рўзибой уйи билан чегарадош бўлган. Масжид ховлисида жойлашган мактаб шарқда кўча билан, жануб ва ғарбда масжид ховлиси билан чегараланган. Шимолдаги чегараси кўрсатилмаган. Масжид қошидаги мактабда масжид қавмлари фарзандлари ўқиган ва имом ёки муаззин болаларни, одатда, бепул ўқитган.

Андижон вилоятининг Пистамозор маҳалласида Ҳакан томонда мактабхона мавжуд эди. У ғарб, жануб, шимол томондан масжид билан, шарқ томони кўча билан чегараланган. Жун-Сарғуй ариғидан сугориладиган Пистамозор маҳалласидаги ер участкаси мактабга вақф қилиб берилган. Мактабнинг вақф ери ғарбда, шимол ва шарқда Саидбой Шермухаммадбоев ери билан, жанубда Отабек, Турсунбой, Раҳматилла Тўхтасинбоевлар ери билан чегараланган эди.

Ҳижрий 1285 (милодий 1868) йили Ражаб ойида Отабек, Турсунбой, Раҳматилла Тўхтасинбоевлар маҳаллий қозига келиб юқорида айтилган уларга тегишли ерни Юсуфалибой Максутбоев, Исабой

³¹⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34376-й., 13-в.

³²⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34376-й., 12-13-в.

Сулаймонбоев ва Мавлонбой Валибоевларга 20 тиллога сотганлигини ва улар ўз навбатида қозига бу ерни мактабхонага вақф қилиб бериш нияти борлигини маълум қилган ва вақфнома тайёрлаб беришини илтимос қилган. Қози вақфнома тайёрлаб Ҳакан қишлоғи Пистамозор маҳалласидаги ер участкасини мактабхонага вақф қилиб берганлигини қайд этиб, Асроркул Қози муҳрини босиб қонуний қилиб берган. Вақфномада вақф эҳсон қилувчиларнинг шартига кўра, вақф даромадидан ўқитувчи мактабхонада яшайди ва болаларни ўқитганлиги учун ёки имом бу вазифани ўз зиммасига олса фойдаланади³²¹, — дейилган.

Андижон шаҳрининг Юмалоқ Мозор маҳалласида Мулла Тўракул Ибрагимов қурдирган мактабхона фаолият юритган. Андижон ер-солиқ комиссияси 2-участка комиссарининг 1892 йил 5 майда Андижон ер-солиқ комиссиясига ёзган рапортида кўрсатилишича, Андижон шаҳрининг Юмалоқ мазор маҳалласидаги Мулла Тўракул Ибрагимов мактабхонаси 20 йил илгари, 1872 йилда қурилган бўлиб, Андижон шаҳри Юмалоқ мазор маҳалласидаги Ҳамроқулбек масжиди ёнида жойлашган. Вақф ерлари Оқ масжид қишлоқ жамоасида ва Ойим волости Тешик-Тош қишлоқ жамоасининг Тошбулоқ қишлоғида жойлашган. Бу вақф мулкларидан ташқари мактабхонага 4 та дўкон ва 300 та қўйлар тегишли эканлиги рапортда қайд этилган³²².

1896 йил 13 январдаги Фарғона вилояти бошқармасининг умумий йиғилиши журнали (баённомаси)да кўрсатилишича, Андижон шаҳри Юмалоқ мазор маҳалласидаги Мулла Тўракул Иброҳимовнинг мактабига тегишли вақф ери 2 десятина 1080 саржин бўлиб, у Оқ Масжид мазор дачасида жойлашганлиги таъкидланган³²³. Мутавалли бу вақф ерини ижарага бериб, ижара ҳақи хисобидан мактабнинг ўқув-тарбиявий ишларини юритган.

Андижон вилоятининг Пойтуғ қишлоғида хижрий 1290-йил (милодий 1873 й.)да масжид ва унинг қошида мактаб бунёд этилган эди. Масжид ва мактабни ўша қишлоқнинг зиёли, рухоний инсонларидан бири Абдусалимбой Бобо Салимов қурдирган. Мактабда масжид қавми фарзандлари ўқиган. Масжид имоми Абдусалимбой мактаб ўқувчиларига дарс берган. Масжид ва мактабнинг ўз алоҳида вақф мулки бўлган.

³²¹ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34376-й., 51-в.

³²² ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34229-й., 3-в.

³²³ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34229-й., ж., 5-в.

Ҳижрий 1290 йил жумод ус-соний ойида маҳаллий қозига Ашур Хўжа Сўфи Турди Шоҳожи келиб, Пойтуғ қишлоғидаги масжидга Пойтуғ қишлоғи бозоридаги дўконни вақф қилиб бериш нияти борлигини билдирган. Исахўжа қози Пойтуғ қишлоғидаги масжидга дўконнинг вақф мулки берилганлигини қайд этиб, масжид ва мактабга битта вақфнома тайёрлаб, унга мухрини босиб, қонуний қилиб, расмийлаштириб берган. Вақфномада бу вақф мулкани бошқариш мутавалли этиб тайинланган масжид имоми Абдусалимбой Бобо Салимовга юклаган. Вақф даромадини мутавалли даставвал масжидни таъмирлашга, масжид эҳтиёжлари учун сарфлаш ва колганини ўзи олиши белгиланган эди. Вақфномада шунингдек, ҳар бир имом лавозимига тайинланган киши вақф мулки эҳсон қилганинг руҳини тинчйтиш учун Куръон оятларидан ўқиб туриши буюрилган эди.

Ҳижрий 1290 йил жумод ус-соний ойида Муҳаммад Амин Сўфи Абдулла Сўфиев маҳаллий қозига келиб, унинг хусусий мулки ҳисобланган Пойтуғ қишлоғидаги ер участкасини Пойтуғ қишлоғидаги масжид қошидаги мактабга вақф қилиб бериш хоҳяши борлигини билдирган. Қози мактабга Пойтуғ қишлоғидаги ғарб, жануб ва шимол томондан захбур билан, шарқ томондан кўча билан чегараланган ер участкасини вақф қилиб берилганлигини вақфномада алоҳида қайд қилиб ўтган. Вақфномада вақф даромади мактаб домулласига болаларга сабоқ бериб, саводхон қилганлиги учун берилиши шарт қилиб қўйилган эди³²⁴.

Андижон вилояти Ҳакан қишлоғида ота-бола Маҳмуд Алибой ва Холмирзабойлар масжид ва унинг қошида мактаб курдириб руҳонийларга вақф қилиб берган. Масжиднинг алоҳида, мактабнинг алоҳида вақф мулки ва вақфномаси бўлган, бу вақфномалар 1887 йил 30 июнда “Туркистон ўлкаси ер-солиқ тизими тўғрисидаги қондалар”нинг 6-моддасига асосан, Фарғона вилояти бошқармасига топширилган. Масжид қошидаги мактаб вақфномасидаги маълумотга кўра, Маҳмуд Алибой мактабга Паён Жалабек деган жойдаги ер участкасини вақф қилиб берган ва маҳаллий қозига вақфнома тайёрлатган. Хужжатда яъни 1889 йил 12 декабрдаги Фарғона вилоят бошқармаси умумий йиғилиши журналида кўрсатилишича, вақфнома асл нусха бўлган, қалбаки ёки кучини йўқотганлиги тўғрисида кўрсатма йўқлиги таъкидланган.

Масжид қошида мактабдан ташқари қорихона ҳам мавжуд эди. Мактабда 4 та ўқувчи, қорихонада 5 та ўқувчи сабоқ олган.

³²⁴ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34362-й., ж., 2-в.

Хужжатда кўрсатилишича, масжидга унинг бунёдкорлари томонидан 6 та ер участкаси вақф қилинган эди. Россия империяси 1876 йили бу ерларни босиб олганидан кейин ҳар хил ишлар учун 3 та ер участкасини тортиб олган. Қолган 3 та ер участкаси текширилиб ерлар миқдори аниқланган. Олтинқўл волости Жалабек қишлоқ жамоаси Қирқ ариқ дачасидаги вақф ер участкаси 8 десятина 120 саржин, Ҳакан волости 2-Ҳакан қишлоқ жамоаси Рабод дачасидаги ер участкаси 1 десятина 48 саржин, Ҳакан волости 1-Ҳакан қишлоқ жамоаси Сари Куй дачасидаги ер участкаси 1 десятина 412 саржин эканлиги хужжатда қайд қилинган³²⁵.

Айрим мактабларнинг вақф мулклари бўлган ва ундан тушган даромад бинони таъмирлашга ва ўқитувчини таъмишлашга сарфланган. Вақф мулкани одатда, мактаб, масжид қурдирган шахс таъсис этган. “Фарғона вилояти Андижон уездининг 1887 йилдаги ўқув юрлари рўйхати”даги 169 та мактабдан 49 тасини вақф мулки бўлган ва ҳар йили маълум миқдорда даромад олган. 1887 йилдаги маълумотга кўра, Андижон шаҳридаги Оқ масжид мадрасаси қошидаги мактабнинг 96 рубль, Раҳимбой Хўжа мактабининг 25 рубль, Шарифбой мактабининг 28 рубль, Ҳақулбод мактабининг 45 рубль, Пойтуғ мактабининг 35 рубль, Учқўрғон мактабининг 45 рубль, Ниёзбек мактабининг 24 рубль, Норкулбой мактабининг 20 рубль, Кувондик Суфи мактабининг 15 рубль, Муҳиддиёр Хўжа мактабининг 10 рубль, Боймурод мактабининг 8 рубль даромади бўлган.

Одатда, кўпчилик масжидлар қошида мактаблар бўлган. Шундай мактаблардан бири Андижон шаҳри “Ғуза Бозор” маҳалласидаги Домулла Салим Бобо Охунд шайх козиқалон жоме масжиди қошидаги мактаб эди. Мактабни (хужжатларда мактабхона деб ёзилади) хонақоҳ билан бирга Домулла Салим Бобо Охунд Қози ўзининг шахсий мулкидан қурдирган. Бу ташкилотда болалар ўқитишни ташкил этиш учун унга ўзининг мулкидан Домулла Салим Бобо Қози маҳалласидаги ер участкасини ва Андижон вилоятининг Қорамулла деган жойдаги тегирмонини вақф қилиб берган.

Муҳаммад Содиқбой Болтабоев Ҳакан қишлоғидаги иккита ер участкасини Домулла Салим Бобо Қози мактабига вақф қилиб таъсис қилган. Мактабга Ҳакандаги яна бир ер участкаси вақф қилинган эди. Вақфномада бу тўртинчи ер участкасини ким вақф қилганлиги кўрсатилмаган. Мактаб қачон қурилгани ёзилмаган. Мактабнинг вақфномасига Саид Мадалихоннинг ҳижрий 1242 (ми-

³²⁵ ЎзР МДА, И-19-Ф., 1-р., 34320-й., ж., 26-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

лодий 1826—1827) йил ёзилган мухри, Қози Муҳаммад Наврўзнинг ҳижрий 1265 (милодий 1848—1849) йил ёзилган мухри, Қози Имон Курнинг ҳижрий 1263 (милодий 1846—1847) йил ёзилган мухри, Қози Валиқўжанинг ҳижрий 1262 (милодий 1845—1846) йил ёзилган мухри ва жами 24 нафар қози, аълам, муфтий мухрлари бо-сиб тасдиқланган. Вақфнома охирига ҳижрий 1265 (милодий 1848—1849) йил ёзиб қўйилган³²⁶. Демак, вақфнома ёзилган ҳижрий 1265 йили мактаб қуриб битказилган.

Домулла Салим Бобо Қози Калон маълумотига қараганда Ҳакан қишлоғидаги 2 та ер участкасини сотиб тегирмон олиб, олдинги мавжуд тегирмонга қўшиб фойдаланилган. Вақфномада Мадали-хон мухри бўлганлиги учун Андижон ер-солиқ комиссари мактаб вақфномасини ва унда кўрсатилган вақф ерларини 1893 йили тек-ширган. Мактабнинг 4 та вақф участкасидан 2 таси хон рухсати билан сотилиб ўрнига тегирмон олиниб вақф қилинганлиги учун мактабнинг яқинта ер участкаси қолган эди. Вақфнома текширил-ган 1893 йилда бу ер участкалари Андижон уезди, Ҳакан волости, 4-Ҳакан қишлоқ жамоасининг Қўъжи дачасида бўлиб, 12 десятина 972 саржинни ташкил қилганлиги аниқланган³²⁷.

Мутавалли вақф мулкларни ижарага берган. Вақф даромадини вақфномада белгиланган тартиб бўйича тақсимлаган. Имом, мактаб-дор ва мутавалли бир китпи бўлиши шарт қилинган эди. Мутавалли-га вақф даромадини ўндан бир қисми берилиб, қолгани биноларни таъмирлашга ишлатилиб, ўндан ортгани, 3 қисмга бўлиниб, ўндан бир қисмини мактабдорга, қолган икки қисмини 6 қисмга бўлиб, 1 қисмини муаззинга, бир қисмини Куръон ўқувчи қорига ва бир қисми мактаб ўқитувчиси — домўлага, қолган 3 қисми ўқувчиларга бўлиб берилиш шарти белгилаб қўйилган эди.

Хонақоҳда беш вақт номоз ўқилган ва каландарлар, эшон, сў-филар ва хаддан ташқари исломга берилган одамлар зикрга тушган. Масжид, хонақоҳда мискин, фақир, мусофир одамлар ҳам яшаган. Яқин атрофдаги ўзига тўқ хонадонлар озиқ-овқат чиқариб турган.

Вақф мулки бор мактаблардан яна бири Андижон шаҳри Оқилхон Тўра маҳалласи масжиди қошидаги Мулла Абдурахмон мактаби ҳисобланади. Ҳяжрий 1290 йил (милодий 1873 й.) жу-мод-ул-аввал ойида Мулла Абдурахмон мактабни қуриб битирган эди. Унга фаолиятини юритиш учун Андижон вилоятининг Қум

³²⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34205-й., 6-в.

³²⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34225-й., 15-в.

Арих деган жойидаги ер участкасини бешдан икки қисмини вақф қилиб берган ва вақфнома туздирган. Бу ер участкаси ўша жойидаги ариқдан суғорилган ва 3 чорак уруғлик экин мумкин бўлган. Бир чорак 5 пуд 13 қадоқ (қадоқ 409,5 грамм) эканлигини ҳисобга олсак 1 чорак 85 кг 330 грамм эканлиги маълум бўлади. 3 чорак³²⁸ эса деярли 256 килограмми ташкил этади. Демак, 256 кг уруғлик экиладиган анча катта экин ери мактабга вақф қилиб берилган экан. Бу суғориладиган ер бўлгани учун ҳосил ҳам мул бўлган.

Вақф қилувчи мутавалли лавозимига масжид қавмидан ким шу лавозимга лойиқ бўлса ўша кишини тайинланишини белгилаган. Вақф даромадидан мутавалли ўндан бир қисмини олганидан кейин қолгани мактабдор ўқитувчига берилиши шарт қилиб қўйилган³²⁹. Шу даромаддан фойдаланиб, мактабни зарур бўлганида таъмирлаб турилган. Бу қўрилган тadbирлар мактабда ўқув-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйишга ёрдам берган.

Масжид қурган тadbиркорларга унинг қошида мактабхона барпо этиш одат бўлган. Андижон шаҳрининг Фаласан маҳалласида Ҳожибой Бобоев масжид бунёд этган. Бу тadbиркор инсон масжид қошида мактабхона ҳам бунёд этган. Мулкдор Ҳожибой Бобоев масжид учун алоҳида мулк ва масжид қошидаги мактабхонага алоҳида мулк вақф қилган ва вақфнома туздирган. Бу вақфнома 1890 йил 23 февралда Фаргона вилояти бошқармаси умумий йиғилишида қўриб чиқилиб, Андижон ер-соляк комиссияси текшириш учун ер-солиқ комиссарига беришга қарор қилган. Фаргона вилояти бошқармаси умумий йиғилиши баённомасида кўрсатилишича, ҳижрий 1290-йил (милодий 1873 й.)даги вақфномага кўра, мулкдор Ҳожибой Бобоев ўзининг номидаги мактабхонага Фаласон маҳалласидаги экин экиладиган ер участкасини вақф қилиб берган³³⁰. Мактабхонага ажратилган экин ерини мутавалли вақфкор ижарачи деҳқонларга ижарага берган. Ижара ҳақи сифатида тушган вақф даромадини ўндан бир қисмини, одатда, мутавалли олган, қолган қисми мактабхона домулласига берилган.

Ҳижрий 1290-йили (милодий 1873 й.) Абилбой Мурод Сўфи Ҳолибеков ўгли Андижон шаҳрида Девонабой мадрасаси ёнида мактаб қурдирган. Мактаб ўз фаолиятини моддий томондан

³²⁸ Чорак 5 пуд 12 қадоққа (қадоқ 409,5 грамм)га тенг оғирлик ўлчови. ЎзР МДА, И-., 19-ф., 1-р., 24363-й., 98-в.

³²⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34234-й., 4-в.

³³⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34253-й., 22-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

қийналмаслиги учун унга 1,5 таноб ер вақф қилиб берилган. 1290 йил Жумод-ул-аввал ойининг 23 куни Абилбой қозига келиб ўзига қарашли Андижон вилоятининг Далварзин қишлоғидаги 1,5 таноб ер участкасини ўзи барпо этган мактабга эҳсон қилмоқчи эканлигини билдирган. Қози вақфнома расмийлаштириб берган. Вақфномага Домулла Асрорқул қози ҳижрий 1282 йил ёзилган муҳрини, Мулла Муҳаммад Риза муфтий ҳижрий 1289 йил ёзилган муҳрини, Мулла Эшонхўжа муфтий 1289 йил ёзилган муҳрини ва Абдул Қосим Аълам муҳрини босиб тасдиқлаган. Вақфга мутавалли вақф мулки эҳсон қилувчининг ўзи бўлган. Вафотидан кейин эса унинг авлодидан бўлиши буюрилган. Вақф қилувчининг шартли бўйича вақф даромадини ўндан бир қисми мутаваллига, кейин бинони таъмирлашга ишлатилиб қолган даромад ўқитувчига берилган²³¹. Абилбой Мурод Сўфи Ҳолибеков ўзининг номидаги мактабга васият қилган вақф мулки ва ўндан ундирилган даромад ўқув-тарбиявий ишларни талаб даражасида олиб боришда муҳим аҳамият касб этган.

Эски мактаблар, одатда, кичкина бўлиб, уларда ўқувчи болалар сови кам бўлган. 1887 йилда Андижон уездидаги 91 та мактабда бор йўти 6–10 нафардан бола ўқиган. 78 та мактабда 11 нафардан 30 нафаргача бола таълим олган. Ҳаққулободнинг Учқўрғон қишлоғида 1818 йилда очилган Учқўрғон мактабида 6 нафар ўқувчи, 1806 йилда бунёд этилган Балякчининг Дўнқайма қишлоғидаги Иброҳим саркар мактабида 8 нафар бола, 1816 йилда бунёд этилган ўша худуднинг Хўжаобод қишлоғидаги Хўжа Додхоҳ мактабида 10 нафар ўқувчи сабоқ олган. Ёрбошининг Бўтақора қишлоғида 1826 йилда очилган мулла Саъдулла мактабида 21 нафар бола, Тикмозор қишлоғидаги 1846 йилда барпо этилган Қодяркулбеги мактабида 28 нафар ўқувчи ўқиган. Бўтақорада хотин-қизлар мактаблари ҳам бўлган. Ҳожар биби мактабида 20 нафар қизлар таълим олган. Қизларни отинчалар ўқитган. Битта мактабда одатда, битта ўқитувчи дарс берган. Фақат айрим катта мактабларда иккита домулла фаолият юритган.

Мактабда ўқиш 5–6 йил давом этган. Болаларга араб алифбосида ўқиш, ёзиш ўргатилган, диний билимлар билан бирга ҳисоб, адабиёт ўқитилган. Мактабни битирган болаларнинг бир қисми ўқишни мадрасаларда давом эттирган.

Андижон вилояти Фарғона водийсидаги маданият ривожланган воҳа бўлган. Бу ерда мадрасаларни битирган теран билимли масжид имомлари, мактаб домлалари каби зиёлилар кўп бўлган. Биз таҳлил

²³¹ Ўз РМДА, И-19-ф., 1-р., 34188-й, 11-в.

қилаётган ҳужжатлар гувоҳлик берадики, XIX асрда Қўқон хонлигининг Андижон вилоятида мактаблар сони кескин кўпайган. Бу даврда мактаблардан ташқари қорихона ва мадрасалар ҳам бунёд этилган. Мадрасаларнинг вужудга келиши Андижон вилоятида маорифни ривожланишида туб бурилиш ясаган. Маориф энди фақат ёшларни саводхон қилиш билан чекланиб қолмай, давлат ва диний ташкилотларга юқори малакали кадрлар тайёрлаб чиқара бошлаган. Мадрасалар воҳа тараккиётида катта роль ўйнаган, маданиятни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган. Мадрасаларнинг битирувчилари зиёлилар сафини кенгайтирган. кўплаб шоирлар, адиблар, олимлар етишиб чиққан.

Мактаб, қорихона ва мадрасаларда исломнинг, унинг муқаддас Қуръон китобининг, Мухаммад пайгамбар Ҳадисларининг умуминсоний, миллий қадриятларини, юксак ғояларини ёшларга тарғиб қилган. Бугунги ҳаётда фақат эзгу амаллар қилиб ўзини поклашга, маънавиятини ўстиришга, комил инсон бўлиб етишишга даъват этган. ёшлар қалбига ва онгига умумбашарий ахлоқ нормаларини сингдирган.

Мактаб, қорихона ва мадраса муаллимлари ўқувчиларга одоб-ахлоқ дарсларида ёлғончиллик, фирибгарлик, ўғрилик, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилиш, кайф қиладиган ичимликлар ичиш, одам ўлдириш, ўзини-ўзи ўлдириш, кимор ўйнаш, зино, Қуръон ва Ҳадисларда тақиқланган бундай ишларни қилиш гуноҳ бўлади, деб тушунтирган. Бировга яхшилик қилиш, камбағалга, етим-есирга ёрдам бериш, ота-онани, катталарни ҳурмат, кичикларга шафқат қилиш исломда буюрилган, бу вазифаларни бажариш инсон учун савоб иш деб уқтирилган. Ислом ўқув юртлари ёшларни доимо яхши йўлга бошлаган, ёмон йўлдан қайтарган, одобли ва ахлокли қилиб тарбиялаган. Мактаб ва мадрасалар халқимиз, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга катта ҳисса қўшган.

4-БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИСЛОМ ҲУҚУВ ЮРТЛАРИ

4.1-§. Наманган вилояти мадрасалари

Қўқон конлигининг Наманган вилояти қадимдан маданият, илм-маърифат ривожланган ўлкалардан бири бўлган. Бунга қисман Наманганнинг тоғли ҳудудидаги Чодак қишлоғига ўқимишли, илмли, зиёли хўжаларни кўчиб келиб жойлашиб қолганлиги таъсир кўрсатган. Уларнинг Чодакка қачон, қайси жойдан кўчиб келганлиги тўғрисида бизда ҳозирча аниқ маълумотлар йўқ. Лекин тахмин қилиш мумкинки, улар ислом дини Фарғона водийсига кириб келганидан кейин ислом дини кенг тарқалган, диний илмлар ривожланган Бухородан X–XII асрларда кўчиб келган бўлиши мумкин. Хўжалар ўзларини чоҳорёрлар (Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (унинг Муҳаммад (с.а.в.) қизлари Фотимадан бўлган авлодларидан тапқариси)дан тарқалган деб ҳисоблайдилар. Улар ўзларини оқсуяқлар ҳисоблаб, асосан, диний илмлар билан шуғулланишган, ислом дини асосларини чуқур эгаллашган.

Улар орасида машҳур илоҳиётчилар, фақиҳлар етишиб чиққан ва ислом динини тарғиб, ташвиқ қилган. Чодак хўжалари таркибида ҳам диний илмларни чуқур эгаллаган, Қуръон ва Ҳадисларни мукаммал билган ва уларни ташвиқот қилувчилар кўп бўлган. Улар орасида билимли ва йирик тadbиркор, мулкдор инсонлар ҳам бўлган.

Ислом динига эътиқоди баланд мулкдор, бадавлат хўжалар масжид, мадрасалар бунёд этиб, ислом динини маҳаллий аҳоли ўртасида тарқатишга ўз ҳиссаларини кўшишган.

Ана шундай Чодак хўжаларидан бири Бака Охунд бўлган. У ўзининг қишлоғида мадраса қурдирган ва шу билан унинг номи тарихда муҳрланиб қолган. Бака Охунд номидан, унвонидан у ўқимишли, домулла киши, шу билан бирга ўз номида мадраса қурдириб, унга мулк эҳсон қилганлигини ҳисобга олсак у тadbиркор, замонасининг катта мулкка, бойликка эга бўлган одами бўлганлигидан далолат беради. Уни ислом динига эътиқоди баланд бўлган.

У Қуръони Каримда Аллоҳ томонидан берилган ноз-неъматларни эҳсон қилганларга Аллоҳ катта марҳаматлар ваъда қилганлигини яхши билган. Бака Охунд Чодакда 1202 йили мадраса қурдириб, унга вақф мулки таъсис этган³³². Бу воқеа мадрасалар тарихига янгилик киритди. Бу XIII аср бошида ташкил бўлган мадраса ҳақидаги ҳужжат топилгунга қадар биз XVI асрда бунёд этилган мадраса, қорихона, мактабларни ҳужжат билан тасдиқланган энг қадимги ўқув юртлари деб ҳисоблаган эдик. Энди фикримиз ўзгарди. Бу янги ҳужжатни топилиши Қўқон хонлиги ҳудудидаги барпо этилган мадрасалар узоқ замонлардан бери мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди. Бу Фарғона водийси мадрасалари тарихини қадимийлаштирган архив ҳужжати ва ундаги кўҳна Бака Охунд мадрасаси ҳақидаги ноёб, бебаҳо маълумотлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Туркистон генерал-губернатори П.К.Кауфманнинг топшириғи билан 1880 йилдан бошлаб Фарғона вилояти бошқармаси уезд бошлиқлари, жумладан, Наманган уезди бошлиғи зиммасига ҳар йили Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига уезддаги ислом ўқув юртлари рўйхатини жўнатиб туришни юклаган. Наманган уезди бошлиғи ҳар йили мадрасалар ва бошқа ўқув юртлари тўғрисида маълумот жўнатиб турган. Лекин бу рўйхатларда, жумладан, 1889 йилда рўйхатга олинган уезд, шаҳар ва кишлоқлардаги 42 та мадрасалар ичида Чодак кишлоғидаги биз юқорида тилга олган Бака Охунд мадрасаси рўйхатга олинмаган ва мавжуд мадрасалар рўйхатига киритилмаган.

1906 йил 28 октябрдаги Фарғона вилояти бошқармасининг топшириғига жавобан Наманган уезди бошлиғининг вақф мулки бор мусулмон диний ташкилотлар ҳақида берган маълумотда XVI асрдан олдин вужудга келган масжид, мадраса ва бошқа диний ташкилотлар вақф мулки ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу ҳужжатдаги маълумотларга қараганда Наманган вилоятининг Юқори Чодак кишлоғида 1202 йилда бунёд этилган Бака Охунд номли мадраса мавжудлиги ҳақида хабар берилган. Ҳужжат жадвал шаклида тузилган. Ҳужжатда саккиз юздан ортиқ диний ташкилотлар тўғрисида маълумот берилган. Бу Наманган уезди бўйича вақф ташкилотлар ҳақида ахборот деб номланган ҳужжатни 1907 йил 8 июнда Наманган уезди бошлиғи Фарғона вилояти бошқармасига махсус рапорт ёзиб юборган ва бу ҳужжатга имзо чеккан. Ҳужжат, жадвал графалари қўл билан, чиройли ёзувда, тушунарли қилиб

³³² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 260-в.

тўлдирилган³³³. Хужжат асл нусха, ишончли эканлигига шубҳа туғдирмайди. Мана шу жадвал шаклидаги хужжатни вақф таъсис этилган йил деб сўралган графасида 1202 йилда (700 йил муқаддам) деб ёзиб қўйилган. Мадрасага у қурилиб битказилганидан кейин унинг фаолиятини юритиш учун вақф мулки топширилган 1202 йил шубҳа туғдирмасин деб атайин 700 йил илгари сўзини қўшиб қўйган. 1202 йил мадраса қуриб битказилган йил ва унга мадраса асосчиси вақф мулки таъсис этилган йил, деб ҳисоблаймиз.

Мадрасага вақф мулки топширилган йил 1202 йил деб аниқ кўрсатилган. Одатда, вақфномага вақф мулки топширилган сана – ҳижрий йили, айрим ҳолларда ойи, кунни ҳам ёзилади. Хужжатдаги жадвалда мадрасага вақф мулки таъсис этилган йил тахмин қилиб ёзилмай, аниқ қилиб 1202 йил деб ёзилганлигидан билиш мумкинки, мадраса барпо этилиб, унга вақф мулк топширилган сана вақфномадан олинган. Хужжатда кўрсатилмишича, мадрасанинг вақфномаси бўлган ва у 1884 йили Фарғона вилояти бошқармасига топширилган. Бу маълумот мадраса бунёд этилган ва вақф мулки эҳсон қилинган йилни ҳаққоний эканлигини асослайдиган далил ҳисобланади.

1907 йилда тузилган Наманган уездидаги вақф ташкилотлари ҳақидаги ахборотномада 1202 йил ташкил бўлган Бака Охунд мадрасаси рўйхатга олиниб, Фарғона вилояти бошқармаси талаб қилган барча маълумотлар – вақф ташкилоти номи, вақф мулки топширилган йили, вақф мулки, унинг йиллик даромади, вақф ташкилоти жойлашган шаҳар ёки қишлоқ, мутавалли исми шарифи кабилар берилган. Хужжатда келтирилган маълумотга қараганда хужжат тайёрланган вақтда, яъни 1907 йилда 87 таноб экин ери бўлган ва бир йилда 170 рубль 50 копеек даромад қилган. Ўша даврда мутавалли лавозимида 1881 йилда мадраса жамоаси томонидан сайланган Мулла Йўлдош Мулла Ризаев бўлган³³⁴. У вақф ерларини камбағал, ерга муҳтож деҳқонларга ижарага, одатда, етиштирилган ҳосилнинг бешдан бир қисми ҳисобидан бериб, вақф даромадини мударрис, талабаларга бўлиб бериб, мадрасада ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилган. Фарғона водийси шаҳар ва қишлоқларида XIII асрдан кейин ҳам мадраса ва бошқа ўқув юртларини вужудга келиши давом этган.

Фарғона водийсини 1574 йилда Абдуллахон II босиб олган ва Бухоро хонлиги таркибига киритган. Бухоро ислом динининг марказларидан бири бўлган ва Макка, Мадина шаҳарлари қаторида

³³³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 198–292-в.

³³⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 260-в.

XIII асрда Бухорога ҳам “Шариф” деган унвон берилган ва “Бухоройи Шариф” деб аталган. Бухорода ислом диний ташкилотлари – масжид, мадраса, қорихона, мактаблар кўп бўлган. Фарғона Бухорога кўшиляганидан кейин Бухоро хонлари бу ерларда ҳам мадраса, қорихона ва мактабларни кўпайтиришга алоҳида эътибор берган. Бухоронинг таъсирида Фарғона шаҳарларида, жумладан Наманганда ҳам исломий ўқув юртлирининг сони ортиб борган.

Чодак (қишлоқ тарихидан лавҳалар) рисоласининг муаллифи Ўлмас Баҳромзода маълумотига кўра, Мовароуннахр дастлаб араблар, кейин мўғуллар истило этиляганидан сўнг Чодакда тасаввуф илми намояндалари кўпайган. Бу ерга Бухоро каби билим ва маданият марказларидан кўплаб ўқимишли, билимдон хўжалар мўғуллар зулмидан қочиб келган. Улар аҳоли орасида мусулмончилик илмини тарғиб қилган. Ҳозиргача Чодак қишлоғининг тўрт томонида тўрт нафар мусулмон динининг атоқли намояндаларининг макбаралари сақланган. Ўлмас Баҳромзода бу макбаралар тўғрисида манбалардан ва қишлоқ қарияларидан олган маълумотларига караганла бу улуг зотлар Чодакка IX–XII асрлар орасида келиб, жойлашиб қолганлар. Бу қадамсколар Шайх зинда Али лақабли Шайх Сулаймон Маҳжур, Хожа Муҳаммад Бобон Самосий, Бобо Юсуфи Ҳамадоний ва Исмоил Отоний мазорларидаги макбаралар ҳисобланади³³⁵. Чодакда мана шундай ислом дини арбобларининг фаолият олиб борганлиги, уларни кўплаб шогирдлари, мухлисларининг мавжудлиги бу ерда диний ишларни яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Чодак чекка қишлоқ бўлишига карамай ислом дини кучайган бўлганлиги учун бу ерда масжид, мадраса, қорихона, мактаблар мавжудлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. 1202 йилда бунёд этилган мадраса ҳам Чодак хўжалари томонидан ёки уларнинг ташаббуси билан, мулкдорларнинг ҳомийлиги, қишлоқ аҳолисининг фаол иштироки натижасида вужудга келган бўлиши мумкин.

Араблар VIII асрда Мовароуннахрни босиб олганидан кейин, унинг барча жойларида маҳаллий аҳоли орасида Ислом динини тарқатиш мақсадида масжид ва уларга имом, хатиблар тайёрлаш учун мадрасалар қурдирганлиги шубҳа туғдирмайди. Масжид ва бошқа диний ташкилотларни бошқарувчи раҳбар кадрлар, маҳаллий халқ орасида ислом динини ташвиқот қилишга чуқур билимли мутахассислар тайёрлаш учун мадрасалар зарур бўлган. Шу сабабли араблар босқинидан кейинги дастлабки асрларда кўплаб масжид,

³³⁵ Баҳромзода У. Чодак (Қишлоқ тарихидан лавҳалар). – Наманган, “Наманган” нашриёти, 2000. – Б.16–18.

мадраса, қорихона, мактаблар бунёд этилган бўлиши табиий, ҳаёт буни талаб этган. Лекин Ўзбекистон, жумладан, Фарғона водийси худудида VIII–XII асрларда ташкил этилган ва фаолият юритган мусулмон диний ўқув юртлари ҳақида ҳозирча архив ҳужжатлари топа олганимиз йўқ. Бу замонларда Фарғона водийсида масжид, мадрасалар бунёд этилганлиги шубҳасиз. Шунинг учун энг қадимги масжид, мадрасалар мавжудлиги ақс этган ҳужжатлар ҳам бўлиши шарт. Бундай ҳужжатлар келажақда топилиши мумкин.

Кўқон хонлиги худудида фаолият юритган архив ҳужжатлари асосида тасдиқланган энг қадимги мадраса милодий 1202 йилда Наманган худудидаги Чодак қишлоғида мавжуд бўлганлиги аниқланди. Бу ҳужжат ва ундаги маълумот ўта ноёб бўлганлиги учун у ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтишни лозим топдик.

Маълумки, Чодак хўжалари Кўқон хонлигини ташкил этишда муҳим рол ўйнаган. Улар Чодак қишлоғига араблар босқинидан кейин келиб жойлашиб қолган бўлиши керак. Уларнинг асосий мақсади атрофдаги шаҳар ва қишлоқларда ислом динини тарқатиш бўлган. Шу мақсадда ўзлари яшаган қишлоқда масжид, мактаб, қорихона, мадрасалар барпо этган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чодак қишлоғида 1202 йили мадраса қурилиб, вақф мулки эҳсон этилгани, бу жойда масжид, мактаб ва бошқа диний ташкилотлар бўлганлигини тақозо этади. Чунки масжидлар бўлганлиги учун уларга имомлар, мактабларга домулалар тайёрлаш учун мадраса бунёд этилган. Мактабларни битирган ўқувчилар мадрасага талаба бўлиб ўқишга киради. Мадрасани қурилганлиги, унинг фаолиятини юритиш учун вақф мулки таъсис этилганлиги мадраса атрофида масжидлар, мактаблар мавжуд бўлганлигидан дарак беради.

Энди Чодак қишлоғида 1202 йили бунёд этилган ва вақф мулки эҳсон этилган ҳужжатларга келсак, бу ҳужжат Фарғона вилояти бошқармасининг 1906 йил 28 октябрдаги Наманган уезди бошлиғига унинг худудидаги барча вақф ташкилотлари рўйхатини ва сўралган маълумотларни талаб қилиб ёзган циркулярига жавоб сифатида тайёрланган. Бу циркулярдаги топшириққа асосан, 1907 йили Наманган уезди бошлиғи Фарғона вилояти бошқармасига “Наманган уезди бўйича вақф ташкилотлари тўғрисида маълумотнома” номли ҳужжат юборган. Бу ҳужжат жадвал шаклида рус тилида қўлёзма сифатида тайёрланган. Наманган уездидаги барча вақф ташкилотлари рўйхати ва улардан сўралган вақф ҳақидаги маълумотлар ёзиб жўнатишган. Бу ҳужжатда 500 дан ортиқ вақф ташкилотлари келтирилган. Шулар ичида Чодак во-

лости юқори Чодак қишлоғининг 9 та вақф ташкилоти, жумладан, 1202 йилда ташкил қилинган мадраса ва унинг вақф мулки ҳақида маълумотлар берилган. Бу маълумотларни тўлиқ келтираемиз.

Хужжат рус тилида ёзилган, биз уни ўзбек тилига таржима қилиб баён этаемиз. Жадвалнинг биринчи графасида “тартиб рақами” деб сўралган. Бунга жавобан 504 рақами ёзилган. Бундан кейин “Вақф ташкилотларининг ва улар жойлашган жойларнинг номи” деб ёзилган устунда “Бақа Охунд мадрасаси Юқори Чодак қишлоғи” деб кўрсатилган.

Мадрасани қурдирган шахс, мадраса номидан кўриниб турганидек, Бақа Охунд бўлган. Хужжатда мадрасани 87 таноб ерини ким эҳсон қилганлиги тўғрисида маълумот берилмаган. Шу сабабли Бақа Охунд ўз номидаги мадрасага юқорида тилга олинган вақф мулкни вақф қилган деб тахмин қилиш мумкин. Мадраса қурдирган шахсни номига келсак жадвални иккинчи графасидаги “вақф ташкилотининг номи” дейилган сўровга русча “Медресе Бақа Охунд” деб жавоб қилинган. Мадраса бунёдкори номи Бақа Охунд деб аниқ ёзилган. Биз Боқи Охундмикин деб тахмин ҳам қилиб кўрдик. Хужжатни қайта-қайта ўқидик. Лекин рус тилидаги кўлёзма хужжатда “Бақа Охунд” деган сўз аниқ ёзилган. Натижада “Бақа Охунд” мадраса қурдирган шахснинг лақаби бўлса керак, деган хулосага келдик. Охунд деган сўзга келсак, бу охунд унвони мадрасада кўп йиллар ишлаб, хизмат кўрсатган мударрисларга бериладиган унвон. Демак, мадраса бунёд этган шахс – Бақа Охунд мадрасада мударрис бўлиб яшлаган экан.

Учинчи катакда “Бу вақфлар қачон таъсис этилган, хужжати борми, вилоят бошқармасига кўриб чиқиш учун бу хужжатлар топширилганми ва қачон” деб сўралган. Бу сўровномага асосан, хужжатда рус тилида “В 1202 году (700-л.вазад), вақфный документ представлен в областное правление в 1884 году” деб ёзилган. Ўзбекча таржима қилганда “1202 йилда (700 йил муқаддам), вақф хужжати вилоят бошқармасига 1884 йилда топширилган” деб жавоб қилинган.

Хужжатда Бақа Охунд номи мадрасага вақф мулки топширилган йил тахмин қилиб ёзилмай, аниқ 1202 йил деб кўрсатилган. Хужжатда мадрасани вақф хужжати – вақфномаси бор деб айтилган. Мадрасага вақф мулки топширилган йил вақфномадан олинганлигига шубҳа туғилмайди. Мадрасани ташкил бўлган ва унга вақф мулки эҳсон қилинган 1202 йил аниқ ва ишончли. Бақа Охунд мадрасасини текшириб, унга вақф ерини таъсис қилинган йилини XX аср бошида аниқлаб бу йилни қадимий, муҳим эканлигига эътибор

бериб, фақат йилнинг ўзини ёзсам хато ёзилганмикин деб шубҳа қилишмасин, деб 1202 йил ёнига қавс ичида (700 йил мукаддам) деган гапни қўшиб қўйган. Натижада мадрасага вақф ер васият қилинган ва мадраса қурилган 1202 йил шубҳа тугдирмайди.

Кейинги устунда “Вақф мулки нималардан иборат, бир йилда қанча даромад келтиради”, деб сўралган. Бу сўровга жавобан “87 таноб ердан иборат, бир йиллик даромади 170 рубль 50 копеек”, деб ёзган. Охири графада “Ким мутавалли бўлиб ишлайди, қайси вақтдан, кимни рухсати билан”, деб сўралган. Бу сўровга “Мулла Йўлдош Мулла Ризаев, 1881 йилдан, қавмлар сайлаган”, деб жавоб берган. Демак, Қўқон хонлиги Наманган вилоятининг Чодак қишлоғида Бақа Охунд номли мадраса фаолият юритган. Мадрасага унинг бунёдкори томонидан 1202 йили 87 таноб ер вақф қилиб берилган. Одатда, мадраса қуриб битказилган йили вақф мулки таъсис этилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мадраса 1202 йили бунёд этилган. Мадрасанинг йиллик даромади 170 рубль 50 копеекни ташкил қилган. Бу маълумот 1907 йилда берилганлигини ҳисобга олсак ўша йилларда пулнинг кадри жуда юқори бўлган. 4–5 рублга битта ўртача қўй берган. Мадраса даромади, қишлоқ мадрасалари нисбатан кичик бўлган, мадрасанинг йиллик харажатици қоплаган. Мадрасанинг мутаваллиси Мулла Йўлдош Мулла Ризаев бу лавозимга 1881 йилда сайланган бўлиб, хужжат ёзилган вақтда, 1907 йили ҳам ишлаган. Мадраса мутаваллиси мадраса талабалари, ходимларининг умумий мажлисида сайланган²⁰⁶.

Чодакда 1202 йилда мадраса бунёд этилганлиги, фаолият юритганлиги бу ерда мактаб, мадраса ва бошқа исломий ташкилотлар бўлганлигидан, иш юритганлигидан далолат беради. Мактабда ўқиб маълум даражада билимга эга бўлган ёшлар ўз илмини орттирган, касб, мутахасисликни эгаллаганлар мадрасага ўқишга кирган. Мадраса мударрис, мутавалли, ёрдамчи ходимлар, аҳоли намоз ўқиши учун масжид бўлганлиги шубҳасиз. Тўғри бу қадимги мактаб, масжидлар тўғрисида ҳозирча хужжатлар топилгани йўқ, лекин буларни бўлгани аниқ. Чодакда кейинги асрларда қурилган мадраса, масжидлар тўғрисида архив хужжатлари гувоҳлик беради.

Наманганда Абдуллахон II (1557–1598 йй.) даврида янги мадраса, қорихона ва мактаблар қурилган. Исҳоқхон Ибрагининг “Фарғона тарихи” асарида ёзилишича, Наманган Абдуллахон II замонида анча обод бўлган. Бу ерда у кўпгина сардобалар ва гумбазли бинолар қурдирган. Ибрат “Фарғона тарихи” асарида “Бухоро хонларидан

²⁰⁶ ЎЗР МДА. И-19-ф., 1-р., 33610-й., 260-в.

Абдуллахон бу Фарғона тарафларига келиб, ҳар ерга гоҳ сардобалар кавлаб, сакқойи муъминнингга чоҳларни тепасига гумбазлар қилиб, кўб халқга нафлик ишларни қилган хон экан. Ул киши бул Наманганни ерига келиб, алҳолда сардоба деган мадраса бордур, бир чуст ва бир аминлик маҳалладур, ул ерга тушуб дарҳол сардоба кавлатиб, неча кунлар туруб Наманганни обод қилган”³³⁷, деб ҳикоя қилади.

Ибрат асаридан олинган парчадан кўриниб турибдики, Абдуллахон Наманганга келганда Сардоба номли мадраса бўлган. Мадраса бўлганидан кейин, шубҳасиз, мактаблар ҳам бўлган. Одатда ёшлар мактабни битириб мадрасага ўқишга кирган. Лекин Наманганнинг у даврдаги мактаблари ҳақида ҳозирча бизнинг кўлимизда фактлар йўқ. Шунинг учун аниқ маълумотлар келтира олмаймиз. Лекин Наманган билан чегарадош Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги Гуровон қишлоғида XIX асрнинг охириги чорагига тааллуқли архив ҳужжатларида 1586 йилда бунёд этилган мактаб тўғрисида маълумот бор. Бу факт шундан далолат берадики, XVI асрда Фарғона вилоятида, унинг шаҳар ва қишлоқларида эски мактаблар бўлган ва масжидлар имомлари, сўфилари ёшларни ўқитиб саводхон қилган ва улар мадрасаларда ўз ўқишларини давом эттирган.

Шуни ҳам айтиш керакки, Наманганда Абдуллахон ва кейинги хонлар даврида мактаб, қорихона, мадрасалар ташкил қилиниб, Наманган маданияти ривожланган шаҳарга айланган. Бу ерда Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида ёзилишича, Наманган азият авлиёлар ва машойихлар, яъни ўқимчилик, олим, зиёли одамлар шаҳри бўлган.

Ибратнинг Наманганда Абдуллахон II замонида мадраса бўлганлиги тўғрисидаги маълумотининг ҳақиқий эканлигини тасдиқловчи XVI–XVIII асрларга оид 13 та мактаб, 7 та мадраса ва 2 та қорихона бўлганлиги ҳақида Ўзбекистан Республикаси Марказий давлат архивидан янги маълумотлар топдик. Бизга маълум тарихий адабиётларда Наманганда бу даврда мактаб ва мадрасалар мавжудлиги тўғрисида ёзилмаган. Совет даврида Ибратнинг “Тарихи Фарғона” асариинг кўлёмаси нашр қилинмаган. Ислом тарихига оид архив ҳужжатларини фойдаланиш ва тарихий асарлар ёзиш советларни динга қарши сиёсати туфайли ман этилган эди. Шу сабабли, совет даврида диний муассасалар – мадраса ва мактаблар тўғрисидаги архив ҳужжатларидан фойдаланилмаган, улар илмий муомалага киритилмаган. Фақат мустақиллик туфайли тарихчилар қадимги ва ўрта асрлар тарихини ҳолисона ёри-

³³⁷ Абу Тохирхўжа. Самария; Наршахий. Бухоро тарихи; Баёний. Шажааран Хоразмшохий; Ибрат. Фарғона тарихи. –Т.: “Камалак”, 1991. 325-бет.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

тиш имкониятига эга бўлдилар. Совет даврида чоп этилган “Ўзбекистон совет энциклопедияси” да ва мустақиллик йилларида чоп этилган “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” да Наманганда 1892 йилда бунёд этилган Ғойиб Назир мадрасаси ва 1912 йилда қурилган Мулла Қирғиз мадрасаси тўғрисида маълумот берган, холос. Ундан олдинги даврларда мактаб, мадрасалар бўлганлиги тўғрисида лом-мим дейилмаган. Демак, муаллифларда Намангандаги ўрта аср давридаги мактаб ва мадрасалар тўғрисида маълумотлар бўлмаган.

Юқорида Намангандаги XVI–XVIII асрларга оид мактаб, қорихона ва мадрасалар тўғрисидаги маълумотлар биз яқинда ЎзР МДАнинг Фарғона вилояти бошқармаси архив фондидан топган “Наманган уезди бўйича ўқув юртлари тўғрисидаги 1887 ва 1888 йилларга тегишли хабарнома” номли ҳужжатдан олинган. Бу ҳужжат Наманган уезди бошлиғи полковник Арванитакнинг 1889 йил бошларида Фарғона вилояти бошқармасига юборилган хабарноманинг тасдиқланган нусхаси. Ҳужжатнинг асл нусхаси Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасига юборилган. Архивда Наманган уезди ўқув юртларининг 1882, 1884, 1885 ва 1886 йилларга тегишли хабарномалари ҳам сақланган.

Бу ҳужжатлар жадвал шаклида тайёрланган бўлиб, уларда мактаб, мадрасаларнинг номи, ташкил қилинган йили, ўқитувчи ва ўқувчилар сони, ҳар бир ўқув юртига сарфланган маблағ, ўқув юртининг манзили: шаҳар, қишлоқ, волост номлари кўрсатилган. 1882 йил бўйича берилган хабарномада 17 мадраса ва 62 та мактаб бўйича маълумот берилган. 1887 ва 1888 йиллар бўйича хабарномада 42 та мадраса ва 296 та мактаб ҳақида маълумот берилган. Мадраса ва мактаблар сонидagi фарқнинг сабаби, бизнинг фикримизча, 1882 йилда улар тўла рўйхатга олинмаган, 1887 ва 1888 йилларда нисбатан тўла рўйхатга олинган бўлиши керак. Чунки қисқа вақт ичида, 5–6 йилда 25 та мадраса ва 134 та янги мактаб бунёд этилиши мумкин эмас. Бу фикрни 1887 ва 1888 йилларда мактаблар сонида ўзгариш бўлмаганлиги ҳам тасдиқлайди.

Бу иккита хабарномаларнинг асосий фарқи биринчисида ўқув юртларининг ташкил бўлган йили кўрсатилмаган, натижада бу ҳужжатнинг қимматини пастлатган. Охириги хабарномада мадраса, қорихона ва мактабларнинг бунёд этилган вақти кўрсатилган. Бу ҳужжатдан қайси мактаб, мадраса ва қорихона қайси асрда вужудга келганини аниқлаш имконияти бор. Шунинг учун тадқиқотимизга асосий манба сифатида “Наманган уезди бўйича ўқув юртлари

тўғрисидаги 1887 ва 1888 йилларга тегишли хабарнома³³⁹ни таянч қилиб олдик. Бу ҳужжат тарих фани учун жуда ноёб ва қимматли, яъни Наманган вилоятидаги XVI–XVIII асрларга оид мактаб, қорихона ва мадрасалар ҳақидаги маълумотларни беради.

Жадвалда берилган рақамлар, маълумотлар асл нусха билан бир хил эканлиги тасдиқланган. Наманган уезди бошлиғининг котиби ҳужжатни “Аслига тўғри” деб имзо чеккан, иш юритувчи эса матнни аслига солиштириб чиққанлигини кўрсатиб “Солиштирдим” деб имзо чекан. Ушбу ҳужжатнинг бу таркибий қисмлари уни ишончли манба эканлигидан далolat беради. Ҳужжат рус тилида, қўлда ёзилган ва 15 варақдан иборат. Унда ҳужжат тузилган 1889 йилда Наманган уездида мавжуд бўлган 42 та мадраса, 40 та қорихона ва 296 та мактаблар рўйхати берилган.

Бу ҳужжатнинг пайдо бўлиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади. Чор ҳукумати Туркистон руҳонийларидан – мусулмон диний ташкилотлари ходимларидан анча тўчиган. Чунки Туркистон босиб олинган дастлабки йилларда руҳонийлар, мадрасаларнинг мударрислари ва талабалари русларга қарши қўзғолонлар ташкил қилган. Шундан тегишли ҳулоса чиқариб, чор ҳукумати кўрсатмаси билан Туркистон генерал-губернатори К.П. Кауфман 1880 йилда вилоят ҳарбий губернаторларига ҳар йили Туркистон ўлкаси ўқув юртлири бошқармасига мусулмон ўқув юртлири ҳақида маълумот бериб туриши талаб этилган. Шу кўрсатмага биноан Фарғона вилояти ҳарбий губернатори бегона (рус бўлмаган) халқлар ўқув юртлири тўғрисида маълумот бериб турган. Бирок 1887 ва 1888 йилларда шундай маълумот бошқармага юборилмаган. Шу сабабли 1889 йил 7 февралда Туркистон ўлкаси ўқув юртлири бошқармаси Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига хат ёзиб, 1887 ва 1888 йиллари бўйича ўқув юртлири ҳақида маълумот юборишни талаб қилган³³⁹. Шундан келиб чиқиб, Фарғона вилояти ҳарбий губернатори Наманган уезди бошлиғига хат ёзиб, бу маълумотларни бошқармага ва нусхасини менга жўнатишингизни сўрайман, деган мазмунда хат ёзган. Шу хатга жавобан юқорида тилга олинган хабарномани тасдиқланган нусхаси Скобелевга, ҳарбий губернаторга 1889 йил бошида юборилган.

Архив ҳужжатиининг XVI–XVIII асрларга оид мадрасалар, қорихоналар ва мактаблар кўрсатилган қисмидан парча келтирамай. Архивда жадвал рус тилида бўлганлиги учун уни ўзбек тилига таржима қилмай, аслида қандай бўлса шундайлигича беришни маъқул топдик.

³³⁹ ЎЗР МДА, И-19-Ф., 1-р., 12554-й., 1-в.

Сведения об учебных заведениях по Наманганскому уезду за 1887 и 1888 года

№	Название учебного заведения	Год основания учебного заведения	В 1887 г число				В 1888 г число				Расход на каждое учебное заведение	Город	Сельский	Волости
			Учащих		Учащих		Учащих		Учащих					
			м	ж	м	ж	м	ж	м	ж				
Мдресе														
9	Дост Агалука	1683	1	10	1	10	65 руб.	г. Наманган Лаббайтогайской части						
11	Абдулла Ходжа Ишана	1727	1	60	1	60	162 руб.	г. Наманган Лаббайтогайской части						
14	Амритдам Номонил Ходжа Ишана	1788	1	30	1	30	264 руб. 60 коп.	г. Наманган Чукуркучиной части						
18	Азизхан Ишана	1788	2	30	2	40	388 руб.	г. Наманган Чукуркучиной части						
19	Имом Ходжа ишана	1798	1	6	1	6	—	г. Наманган Чукуркучиной части						
23	В Чадак на базаре	1578	1	19	1	19	54 руб.		Чадак	Чадакской				
28	Хан Ходжа Ишана	1798	2	40	2	30	120 руб.		Тюракуртан	Тюракуртанской				
Классы														
34	Хашвакт бая Данирова	174...	1	5	1	5	25 руб.		Китте Тюракуртан	Тюракуртанской				
39	В махалле Халала ходжа	1593	1	2	1	3	—		Касая	Касаяской				
Мактабы														
20	Мулла Шайхча Ишана	1798	1	7	1	17	Со сбора от учащих	г. Наманган Дерезинской части						

Кўчон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Жадвалнинг давоми

27	При мечети Мухамед Ибрагим Ишана	1787	1	30	1	30	Со сбора от учащих	г. Наманган Лаббайтогайской части					
33	Ишан Ашма	1793	1	25	1	25	Со сбора от учащих	г. Наманган Чукуркучиной части					
68	При мечети Урта махалли	1768	1	15	1	15			Гулторсаран	Чидакских			
132	При мечети ходжа Ишана	1787	1	20	1	29	12		Китта Таш-булак	Кирменкуртанская			
159	При мечети Агалужба	1788	1	20	1	21			Ирвадан	Ханабалская			
160	При мечети мулла Мирбади Ишана	1738	1	20	1	22			Ханабал	Ханабалская			
161	При мечети Дамулла Баба	1798	1	24	1	25			Гирван	Ханабалская			
261	При мечети Бузрук ходжа Шокайпаррера	1757	1	55	1	55			Херрети Шо	Тергаучинская			
262	Хусейнбала Кокан-баева	1787	1	9	1	10			Фарити	Тергаучинская			
267	Дарини Али ходжа Абдулла Ходжония	1787	1	20	1	20			Искабал	Тергаучинская			
269	Имак Кучабак Ирас Мужамедова	1788	1	23	1	30			Янги Курган	Янгикурганская			
270	Буталин-баз Суфияева	1758	1	30	1	25			Янги Курган	Янгикурганская			

Подлинное подписал: начальник Наманганского уезда полковник Арванитакис.
С подлинным верно: Секретарь подпись. Сверяль: Письмоводитель подпись¹³⁹.

4-БФ. Наманган вилояти ислом кўли юртлари

¹³⁹ УзР МДА. И-19-ф., 1-р., 12206-й., 145-160-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Наманган ҳудудида XVI–XVIII асрларга оид мактаб, қорихона ва мадрасалар бўлган. Бу ҳужжатга асосланиб, XVI асрдан илгари ислом ўқув юртлари бўлмаган деган хулоса чиқариш мумкин эмас. Ислом дини Фарғона водийсига VIII асрда кириб келганидан кейин бу диния маҳаллий халқ орасида ёйиш учун масжид, мадраса, қорихона ва мактаблар ташкил қилинган. Лекин қадимги ислом ўқув юртлари вақт ўтиши билан шикастланиб ёки зилзила ва бошқа табиий офатлар натижасида бузилиб йўқ бўлган. Биз келтирган жадвалга 1889 йилда Наманганда мавжуд бўлган ўқув юртлари киритилган. XVI асрдан аввалги Намангандаги ислом ўқув юртлари тўғрисида фақат Чодакда 1202 йилда бунёд этилган мадраса ҳақидаги аниқ маълумотлар топилган ҳолос.

Жадвалдаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, XVI асрга оид Чодак қишлоғида 1578 йилда бунёд этилган 1 та мадраса ва Косон қишлоғида Халала хўжа маҳалласида ташкил қилинган 1 та қорихона бўлганлиги ҳақида ҳужжат гувоҳлик беради. XVII асрда Наманган шаҳрида 1683 йилда қурилган Дўст Оғалиқ номи Мадраса фаолият кўрсатган. XVIII асрда Наманган вилоятида 5 та мадраса, 1 та қорихона ва 13 та мактаб қурилиб, фаолият кўрсатган. XVI–XVIII асрларда мадраса, қорихона ва мактаблар сони рўйхатга олинганидан кўра анча кўп бўлган, лекин рўйхатга олинган вақтгача етиб келмай ўз фаолиятини тўхтатган. XVI ва XVII асрларга оид мадрасалар бўлиб, мактабларни жадвалда йўқлиги шундан далолат беради. Аслида мадраса бўлган даврда мактаб бўлмаслиги мумкин эмас.

Жадвалда кўрсатилган Наманган уездининг энг қадимги мадрасаси 1578 йилда ташкил бўлган Чодак мадрасаси ҳисобланади. Бу мадраса ҳужжатда ёзилишича, Чодак қишлоғининг бозорида жойлашган³⁴⁰.

³⁴⁰ Чодак қишлоғи марказида – Чодак сойиининг кун ботарида, бозор ёнида 1578 йилда бунёд этилган мадраса 1887–1888 йилларда Наманган уезди маълумлари томонидан рўйхатга олинган ва фаолият олиб борганлиги қайд қилинган. Қўқон мадраса вақт ўтиши билан анча нураган, шикастланган бўлиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак Саиджалол мингбоши эски мадрасани бузиб, ўрнига 1905 йилда янги мадраса-масжид биносини бунёд этган. Бино мадраса шаклида, олди пештоқли эмас, аксинча масжид шаклида, олди айвонли қилиб қурилган. Масжиднинг намоз ўқиладиган хонасида намоз вақтидан ташқари вақтларда мударрис талабаларга дарс ўтган бўлиши мумкин. 2011 йил 17 июлда Саиджалол синглисининг ўғли

Одатда, мадраса курдирган шахс мадрасани таъмирлаш, ходимлари ва талабаларни маблағ билан таъминлаш мақсадида вақф мулки ҳам эҳсон қилган. Мадрасага таъсис этилган вақф мулки қози томонидан вақфнома билан расмийлаштирилган. Архивда Чодак мадрасасининг вақфномаси сақланмаган. Мадрасанинг вақф ерлари тўғрисидаги айрим хужжатлар мавжуд. Мадраса тарихига оид бу хужжатлар муҳим бўлганлиги учун улар ҳақида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Чодак мадрасаси ташкил қилинганида уни курдирган шахс ўз даврининг йирик ер эгаси бўлган. У ўзига қарашли Пнук қишлоғининг ерларини мадрасага вақф қилиб берган. Фарғона водийсидаги мадрасалар Чодакда бунёд этилгани бежиз эмас. Чодак қишлоғи қадимдан машҳур хўжалар жойлашган жой бўлган. Бухоро хонлигидан Фарғонани ажратиб олиб, Қўқон хонлигини ташкил қилишда Чодак хўжалари муҳим роль ўйнаган. 1709 йилда Фарғона мулкида Чодак хўжалари кўзғолон кўтариб Шоҳрухбийни хон қилиб кўтарган ва мустақил Қўқон хонлигини бунёд этган.

Бухорода жуйбор хўжалари катта мулкка эга бўлиб, хонга таъсири кучли бўлган бўлса, Қўқон хонлигида Чодак хўжалари шундай нуфузга, мартабага эга эдилар. Бу хўжалар орасида, шубҳасиз, йирик ер эгалари мавжуд бўлган. Чодак мадрасасини ким курдирганлиги маълум эмас, лекин йирик бой, Чодак хўжаларидан бири курдирган бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.

Ашт волости Пнук қишлоғининг ерлари Чодак мадрасасининг вақф мулки бўлган. Илгари бу ерлар Бухоро хонлиги тасарруфида бўлганида Бухоро хонлари, кейин Қўқон хонлари мадрасанинг мутаваллисига вақф ерларини ижарага бериб, ижара ҳақини йиғиб

92 ёшли Раҳматилло бобо билан суҳбатимда ҳозирги масжидни икки томонида хужралар бўлганлигини, уларни уруш ва ундан кейинги йилларда етимхона (детдом) қилиб фойдаланилганлигини айтиб берди. Биво атрофида хужралари бўлганлиги унинг мадраса-масжид сифатида бунёд этилганлигини тасдиқлайди.

Мадраса-масжид бунёд этилган кундан, то совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар мадрасада ўқув-тарбиявий ишларни узлуксиз давом эттирган бўлиши мумкин. Совет ҳокимияти ислом динига қарши, жумладан, мадрасаларга қарши кескин қураш олиб борган ва 20-йилларда мадраса-масжидлар фаолиятини тўхтатган. Ўша йилларда кўпчилик мадраса-масжидлар катори Чодак мадраса-масжиди тақдири ҳам шундай бўлган, шубҳасиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ислом динига, масжидларга, жумладан, Саъдаллол масжидига ҳам кенг эркинликлар берилди. Ҳозирда масжид яхши таъмирланган ва узлуксиз фаолият олиб бормоқда.

олишга рухсат бериб келган. 1858–1862 йилларда Қўқон хони Маллахон ҳам мадраса раҳбарларига шундай ёрлик берган. Лекин ундан кейин хонлик ҳукмдори бўлган Худоёрхон мадраса вақф ерларидан даромад олишга рухсат берувчи ёрлик бермаган. Худоёрхоннинг мадраса руҳонийларига ёрлик бермаганлиги сабаби, бизнинг фикримизча, Худоёрхоннинг Маллахонга салбий муносабати бўлган. Бу ака-укаларнинг, Шералихон фарзандларининг ўзаро муносабатларига қисқача изоҳ бериб ўтамиз.

12 ёшли Худоёрхон 1845 йили хон қилиб кўтарилди. У ёш бўлганлиги учун давлатни мингбоши Мусулмонкул вақтинча бошқарди. Худоёрхон Мусулмонкул назоратидан қутулиб, давлатни ўзи мустақил бошқара бошлаганидан сўнг, у ўзи хоҳлаганича иш тутди. У машаққатга берилиб, халқ тўғрисида ўйламай солиқни орттирди ва унинг аҳволини оғирлаштирди. Халқ орасида хондан норозилик кучайди, қўзғолонлар бошланди.

Ибратнинг “Фарғона тарихи” асарида ёзилишича, мамлакатнинг оғир ҳолатини англаган Маллахон Худоёрхонга қуйидаги мактубни йўллайди: “Мен хонлик қасдида эмасман, мамлакат истехкоми ва истиқболи, аммоки, сани бу тариқа ўйин-қулкига машғул бўлмоқнинг бизга ва фуқароларга катта зарардур, ишни билиб ва билганларни маслаҳати илан иш қилмоқнинг зарур, мундоғ бўлсанг, бизлар хароб, душманларга муҳтож бўлурмиз, мамлакат қўлдан кетар, бўлак подшоларга қулки бўлармиз”³⁴¹. Лекин Маллахоннинг маслаҳатига қулоқ солмаганидан кейин Худоёрхон ишларидан норози бўлган халққа Маллахон бош бўлиб, 1858 йил ҳокимиятни ўз қўлига олади. Худоёрхон Бухорога қочади. Маллахон ислохотлар ўтказиб мамлакатда тинчлик ўрнатди, мудофаани мустаҳкамлади. Маллахон ўзини қўллаб-қувватлаган Чодак руҳонийларига имтиёзлар берган. Мадрасанинг вақф ерларини солиқдан озод қилган.

1862 йил Маллахон ўлдирилган. 1863 йил Худоёрхон такрор Қўқон хони бўлганида мадраса, вақф мулкларини солиқдан озод қилмаган. У Маллахон васикасини тасдиқламаган. Чодак уламоларининг Маллахон билан бўлган илиқ муносабатлари, бизнинг фикримизча, Худоёрхоннинг мадраса вақф ерларидан тушадиган ижара ҳақини олишдан маҳрум қилганлигининг асосий сабаби бўлган.

Шариат қондаларига кўра диний ташкилотнинг вақф мулкини ҳукмдорлар тортиб олиши, мусодара қилиши мумкин эмас. Одат-

³⁴¹ Абу Тохирхўжа. Самария; Наршаҳий. Бухоро тарихи; Бағний. Шажаран Хоразмшоҳий; Ибрат. Фарғона тарихи. –Т.: Камалак, 1991. 300-бет.

га кўра вақф мулки муқаддас ҳисобланади, Аллохники дейилади. Худоёрхон мадрасага вақф ерларидан даромад олишга руҳсат бермаган, лекин вақф ерни мусодара қилмаган, давлат мулки деб эълон қилмаган. Пнук қишлоғидаги ерлар мадрасанинг вақф мулки ҳисобланган. Мадраса ўз фаолиятини давом эттирган. Шундан келиб чиқиб, Чодак мадрасаси мутаваллиси 1883 йилда Чуст уезди бошлиғига мадрасанинг вақф ерларидан фойдаланиш ва даромад олиш ҳуқуқини тиклашни илтимос қилади. Уезд бошлиғи бу ишни ҳал қилиб бериш учун 1884 йил 10 январда Фарғона вилояти бошқармасига жўнатади. Фарғона вилояти бошқармаси 1884 йил 29 январда Чуст уезди бошлиғига махсус хат йўллаб, унинг рапортига қуйидагича жавоб қилган:

“1884 йил 10 январдаги рапорт билан бирга топширилган ишни кўриш бўйича Чодак мадрасаси мутаваллисининг Пнук қишлоғи аҳолисига чек ер қилиб бериб қўйилган ерлардан мадрасани даромад олиш ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги оғзаки аризаси туфайли вужудга келган ишни кўриб чиқиш натижасида маълум бўлдики, тилга олинган қишлоқдан даромад олиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун мутавалли Маллахон томонидан 1860 ва 1862 йилларда берилган васикаларини топширди. Бу васикалар билан Маллахон мадрасага Пнук ерларидан даромад олиш ҳуқуқини берган, лекин бу ҳуқуқ тўғрисидаги хонликнинг кейинги ҳукмдорлар ҳужжатларини топширмаган. Аксинча, Ашт қозисининг рапортидан маълум бўладики, хонлик ҳукмдори Худоёрхон бу вақфни тугатган ва Пнук қишлоғидан даромад мадраса фойдасига ортиқча тушмаган.

Чодак мадрасасининг Пнук қишлоғидан даромад олиш ҳуқуқини охири қонуний Кўкон хонлигининг ҳукмдори олиб қўйганлигини ҳисобга олиб, унинг ишини рус маъмурияти қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, унинг устига биз Фарғонани босиб олгунга қадар шу ҳолатда бўлган ва Чуст уезди ташкил қилинганида Пнук қишлоғи деҳқонларидан олинаниган солиқ давлат хазинаси фойдасига ҳисобланган. Шунини ҳисобга олиб, вилоят бошқармаси Чодак мадрасаси фойдасига Пнук қишлоғидан даромад йиғиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги мутавалли илтимосини қондириши мумкин эмас, деб ҳисоблайди, чунки мутаваллининг вақфни тиклашга ҳеч қандай ҳуқуқий асослари йўқ.

Шунинг учун №107-рақамли рапорт билан топширилган Чуст уезди бошқармаси ишни қайтариш билан бирга вилоят бошқармаси сиз жаноб олийларига таклиф қиладики. Чодак мадрасаси мутавал-

● Қўқон қонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

лисига юқорида баён этилганларни хабар қилишингизни илтимос қиламан.

Вилоят бошқармаси раиси: имзо

Бўлинма бошлиғи: имзо

*Иш юристувчи: имзо*³⁴²

Чуст уездининг Пнук қишлоғи ерларидан давлат хазинасига солиқ олинаётганлиги муносабати билан бу ерлардан Чодак мадрасаси фойдасига даромад олиш мумкин эмаслиги мутаваллига хабар қилинган. Фаргона вилояти бошқармаси хатидан маълум бўладики, мадрасанинг Пнук қишлоғидаги вақф ерлари рус маъмурлари томонидан бу ерларни мадраса мутаваллисидан ижарага олиб фойдаланаётган деҳқонларга чек ер қилиб бириктириб берилган ва улар давлатга ер солиғи тўлайдиган бўлган. Шундан келиб чиқиб, мутавалли аризаси рад этилган. Рус маъмурлари шариат қоидалари билан ҳисоблашмай мадрасани вақф ерини мусодара қилиб, ижарачиларга чек ер қилиб берган. Бу ерлардан давлат хазинасига ер солиғи ундириб олган. Шундай қилиб, мадрасани Пнук қишлоғидаги вақф ерларидан ва ундан келадиган даромаддан маҳрум қилган.

Туркистон рус маъмурларининг маҳаллий халқ урф-одатлари, шариат қоида-қонушлари билан ҳисоблашмай, баҳона топиб, вақф ерларини давлат мулкига айлантириб, ер солиғи олишни жорий қилишда Чор ҳукумати аграр сиёсатидан келиб чиқиб иш тутган эди. Чор ҳукумати Туркистондаги ер-сув масалалари тўғрисидаги қарор ва қонуларида вақф ерларини давлат ерларига айлантириш ва бу ерлардан фойдаланувчилардан солиқ олиш йўлини тутган эди. Чор ҳукуматининг вақф ерларига нисбатан тутган йўли 1886 йил 12 июнда тасдиқланган “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом”да ўз аксини топган.

Юқорида келтирилган далиллар кўрсатдики, Чодак мадрасаси 1863 йилдан, Худоёрхон иккинчи маротаба тахтга ўтирганидан буён Пнук қишлоғидаги вақф ерларидан даромад олиш ҳуқуқидан ва руслар Намангани 1876 йилда босиб олганидан кейин вақф ерларидан ҳам ажралган эди. Мадрасада ерлардан тушадиган даромад бўлмаган. Лекин шунга қарамай, мадраса 1889 йили рус маъмурлари томонидан рўйхатга олинган йили ўз фаолиятини давом эттирган. Мадрасада 1888 йилда 19 нафар талабага бир мударрис сабоқ

³⁴² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 23506-й., 2-3-в.

берган. Мадрасанинг 54 рубль даромади бўлган³⁴³. Мадрасанинг эҳтимол ердан ташқари дўкон, тегиримов каби савдо-саноат корхоналардан вақф мулки бўлган бўлиши мумкин. Бу даромад шу каби вақф мулкларидан тушган бўлиши керак.

XIX асрнинг тўртинчи чораги (1878–1900 йиллар)да 54 рубльнинг киммати, нархи баянд бўлган. Ўша даврда товар маҳсулоти нарх-навоси деярли ўзгармаган ёки кам ўзгарган. Шунинг хисобга олиб XIX аср 70–90-йилларга тегишли Наманган бўйича айрим товарларнинг нархини келтирамиз.

Архив ҳужжатларидан бирида 1877 йилда Наманган уездида кўйнинг ўртача нархи 5 рубль, ҳукизниги 8 рубль, сигирниги 8 рубль, деб кўрсатилган³⁴⁴. 1883 йилдаги маълумотга кўра, Наманган уездида 1 пуд (16 кг) буғдой 70 копеек, ун 80 копеек, арпа 65 копеек, гуруч 1 рубль 10 копеек, жўхори 60 копеек, 1 пуд мол тўшти 1 рубль 80 копеек, кўй тўшти 2 рубль 20 копеек бўлган³⁴⁵.

Наманган уезди бошлиғининг 1899 йил 21 январда Фарғона вилояти харбий губернаторига ёзган ахборотида кўрсатилишича, чорва моллар савдогарларидан тушган маълумотларга кўра, охириги уч йилда, яъни 1896–1898 йилларда моллар нархи кўйидагича бўлган: маҳаллий соғин сигир 10 рубльдан 18 рубльгача, бир ёшли бузук 2 рубльдан 3 рубльгача; думбали кўй авлиё-ота зоти: бир ёшлиги 3 рубльдан 3 рубль 50 копеек, икки ёшлиги 4 рубльдан 4 рубль 50 копеек, уч ёшлиги 5 рубльдан 6 рубльгача, маҳаллий кирғиз зоти: бир ёшлиги 2 рубль 50 копеекдан 3 рубльгача, икки ёшлиги 3 рубль 50 копеекдан 4 рубльгача, уч ёшлиги 4 рубльдан 5 рубльгача, эчкилар: бир ёшлиги 1 рубль 50 копеекдан 2 рубльгача, икки ёшлиги 2 рубль 50 копеекдан 3 рубльгача³⁴⁶.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Чодак мадрасасининг 1888 йилдаги вақф мулкидан тушган даромади нисбатан оз бўлса ҳам анча қимматга эга бўлган. Мадраса талабалари ва мударрисларнинг сони, одатда, унинг умумий даромади миқдорига ҳам боғлиқ бўлган. Шу сабабли 1888 йилда мадрасада 19 нафар талаба ўқиган ва битта мударрис дарс берган.

Айрим маблағи кўп мадрасаларда талабалар сони ҳам, мударрислар сони ҳам кўп бўлган. 1788 йилда Наманган шахрининг

³⁴³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 145-в.

³⁴⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12560-й., 26–27-в.

³⁴⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 28456-й., 11–14-в.

³⁴⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 14300-й., 19-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

Чукуркўча қисмида бунёд этилган Азизхон Эшон мадрасасининг 1888 йилдаги даромади 388 рубль бўлган. Мадрасада ўша йили 40 нафар талаба ўқиган ва икки нафар мударрис уларга таълим берган. Тўрақўргон қашлогида 1798 йилда қурилган Хонхўжа эшон мадрасасининг даромади 1888 йилда 120 рубльни ташкил қилган. Мадрасада 1887 йилда 40 нафар талаба ўқиган ва уларга 2 нафар мударрис сабоқ берган. Наманган шаҳрининг Лаббайтоға қисмида 1727 йилда бунёд этилган Абдулла хўжа Эшон мадрасаси вақф мулкларидан 162 рубль даромад қилган. Мадрасада 60 нафар талаба ўқиган ва битта мударрис дарс олиб борган. Наманган шаҳрининг яна ўша Чукуркўча қисмида 1788 йилда фаолият кўрсата бошлаган Исмоил хўжа Эшон мадрасасининг 1888 йилдаги даромади 264 рубль 60 копеекни ташкил қилган. Мадрасада 30 нафар талаба таълим олган ва бир нафар мударрис уларни ўқитган. Даромади нисбатан оз бўлган, яъни 65 рубльни ташкил қилган, 1683 йилда очилган Дўст Оғалиқ мадрасасида 1888 йилда 10 нафар муллабачча ўқиган ва бир нафар мударрис уларга сабоқ берган. Наманган шаҳрининг Чуқур кўча даҳасидаги Имин хўжа Эшон мадрасасининг 1888 йилда даромади бўлмаган. Натижада мадрасада ўша йили бор йўғи 6 нафар муллабачча ўқиган ва уларга бир нафар мударрис дарс берган. Мадрасанинг даромади бўлмаганлиги учун тахмин қилиш мумкинки, талабалар нафақа олмасдан, ота-оналарининг ёрдамида ўқиган. Мударрис бўлса, мадрасадан ҳақ олмай талабаларни бепул ўқитган.

Энди Қўқон хонлиги Наманган вилоятида XIX асрда, аниқроғи, 1801–1876 йилларда Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олингувига қадар бунёд этилган, мадрасалар фаолияти тўғрисида тўхталамиз. 1887 йилда Наманган уездида Туркистон генерал-губернаторлиги Наманган уезди раҳбарлари томонидан рўйхатга олинган ўқув юртлари ичида 42 мадраса рўйхатга олинган³⁴⁷. Ташкил этилган йилларига қараганда барча мадрасалардан кўпчилиги 1801–1876 йилларда барпо этилган. Рўйхатдаги мадрасалардан 7 таси XVI–XVIII асрларда ташкил этилган, 31 таси 1801–1876 йилларда барпо қилинган. 2 та мадраса Қўқон хонлиги тугатилганидан кейин қурилган, 2 та мадрасани бунёд этилган йили аниқ эмас.

Ўқув юртлари рўйхатида 1887 йилда ҳар бир мадрасада қанча талаба ўқиганлиги, қанча мударрис уларга сабоқ берганлиги ва қанча вақф маблағи сарфланганлиги, мадраса манзили қайд қилинган. XIX асрда Қўқон хонлигида ташкил қилинган ва фаолият юритган 31 та

³⁴⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., I-р., 12206-й., 145–160-в.

мадрасадан 19 та мадрасанинг вақф мулки борлиги кўрсатилган ва 12 мадрасанинг вақф мулки бор ёки йўқлиги, мадраса харажатларига қанча вақф даромади сарфланганлиги кўрсатилмаган. Одатда, мадраса қурдирган шахс унга вақф мулки ҳам вақф қилган. Эҳтимол бу мадрасаларнинг вақф мулкини Туркистон генерал-губернаторлиги Наманган уезди маъмурлари тўғрисида олган, шу сабабли вақф даромади бўлмаган ва мадраса эҳтиёжига вақф маблағи сарфланмаган бўлиши мумкин.

Хужжатда 1887 йилда Наманган уездидаги ҳар бир мадраса биноти таъмирланишига, хизматчиларга меҳнат ҳақи, талабаларга нафақа учун вақф даромадидан қанча маблағ сарфланганлиги кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, ҳар бир мадрасанинг мударрис ва талабалари сони берилган. Ўқув юртлари рўйхатида келтирилган маълумотлар Наманган уездидаги мадрасалар мударрис ва талабалар сони Фарғона вилоятининг бошқа уездлари мадрасалари мударрис ва талабалари сонига нисбатан оз бўлганлигидан ва мадрасаларга вақф даромадидан кам маблағ сарфланганлигидан гувоҳлик беради.

Кўкон хонлигида фаолият юритган 31 мадрасадан 30 тасида 2 тадан 10 тагача, 12 тасида 11 тадан 20 тагача, 4 тасида 21 тадан 40 нафаргача, 5 тасида 41 нафардан 70 нафаргача талаба ўқиган. Барча мадрасаларнинг 3/2 қисмидан кўпроғида 2 нафардан 20 нафаргача талабалар мударрислардан сабоқ олган. Қолган 3/1 қисмидан камроқ мадрасаларда 21 нафардан кўп талабалар таълим-тарбия олган. Кўпчилик мадрасаларда талабаларнинг озлиги улар нисбатан кичик эканлигидан гувоҳлик беради.

Мадрасаларда талабалар ва мударрислар сонини айрим мисолларда аниқ кўриш мумкин. Наманган шахрининг Сардоба қисмида (дахасида) 1868 йилда бунёд этилган, Мулла Имом Ғози номли мадрасада бир нафар мударрис икки нафар муллаваччага дарс берган³⁴⁸. Наманган шахрининг Сардоба дахасида 1870 йилда ташкил этилган Комилбой Абдиев номли мадрасада 4 нафар талабага 1 нафар мударрис сабоқ берган.

Наманган вилоятининг Шоханд қишлоғида 1811 йилда барпо этилган Қаландар Девона номли мадрасада 6 нафар талаба 1 нафар мударрисдан таълим олган. Наманган вилояти Косон қишлоғида 1864 йилда ташкил қилинган Исмоил Хўжа Эшон номли мадрасада 1 нафар мударрис 7 нафар талабага сабоқ берган. Ўша Косон

³⁴⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 145–160-в.

қишлоғида 1838 йилда бунёд этилган Тошхўжа Эшон номли мадрасада 9 нафар талаба 1 нафар мударрисдан таълим олган. Наманган вилоятининг Чумбош қишлоғидаги 1858 йилда барпо этилган мадрасада 20 нафар талабага 1 нафар мударрис сабоқ берган. Наманган шаҳрининг Чукур кўча даҳасида 1808 йилда барпо этилган Савдкулбек номли мадрасада 25 нафар талабага 1 нафар мударрис дарс берган. Наманган шаҳрининг Чукур кўча даҳасида 1850 йилда ташкил қилинган Баҳодирхон Эшон номли мадрасада 1 нафар мударрис 30 нафар талабага сабоқ берган. Наманган шаҳрининг Лаббайтоға даҳасида 1855 йилда бунёд этилган Меҳмон Хўжа Эшон номли мадрасада 1 нафар мударрис 42 нафар талабага дарс берган. Наманган шаҳрининг Лаббайтоға даҳасида 1812 йилда барпо этилган Ҳазрат Мавлон номли мадрасада 1 нафар мударрис 70 нафар талабага сабоқ берган. Қўқон хонлигининг XIX асрда Наманган вилоятида ташкил бўлган 31 та мадрасадан фақат 2 тасидан бирида 2 нафар, иккинчисида 3 нафар мударрис талабаларга дарс берган. Булар қуйидаги мадрасалар: Наманган вилоятининг Косон қишлоғида 1858 йилда ташкил қилинган Аъзамбой номли мадрасада 55 нафар талабага 2 нафар мударрис сабоқ берган. Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида 1861 йилда барпо этилган Ҳазрат Мавлон номли мадрасада 20 нафар муллабаччага 3 нафар мударрис сабоқ берган³⁴⁹.

Юқорида келтирилган маълумотлар Наманган мадрасалари Қўқон хонлигининг бошқа вилоятлар мадрасаларига нисбатан кичик, мударрис ва талабалари кам бўлганлигидан далолат беради. Хужжатда ҳар бир ўқув юртига қилинган харажат миқдори кўрсатилган. Бу маълумотлар бир йилда мадрасага сарфланган маблағ бошқа вилоятлар мадрасаларига нисбатан кам бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Аслида ҳар бир мадрасанинг вақф мулки ва даромади бўлиши керак эди. Вақф даромадининг йўқлиги, мадраса эҳтиёжига маблағ сарфланмаганлигининг сабаби, бу мадрасалар вақф мулкани чор ҳукуматининг Туркистондаги маъмурияти тортиб олганлигида бўлиши мумкин. 12 та мадрасанинг вақф даромади бўлмаганлиги учун бу мадрасаларни сарфланган маблағи миқдори кўрсатилмаган.

Мадраса эҳтиёжи учун маблағ сарфлаган мадрасалардан 12 таси 12 рубльдан 80 рубльгача, 5 таси 120 рубльдан 178 рубльгача, 2 тасининг бири 212 рубль, 2-си 264 рубль сарфлаган. Бу далиллар ҳар бир мадраса учун бошқа вилоятларга нисбатан кам маблағ сарфланганлигини кўрсатади.

³⁴⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 146–147-в.

Хар бир мадраса учун сарфланган маблағ миқдорини ақс эттирувчи айрим мисоллар келтирамиз. Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасида 1871 йилда бунёд этилган Зокир Эшон номли мадрасасида 1 нафар мударрис 16 нафар талабага дарс берган ва 1887 йилда 36 рубль 50 копеек мадраса эҳтиёжи учун сарфланган. Наманган шаҳрининг Лаббайтоға даҳасида 1808 йилда ташкил қилинган Нейматжон Девонбеги номли мадрасада 15 нафар талабага 1 нафар мударрис сабоқ берган ва бир йилда мадраса эҳтиёжи учун 58 рубль сарфланган. Наманган шаҳрининг Чукур кўча даҳасида 1808 йилда барпо этилган Саидкулбек номли мадрасада 25 нафар талаба ўқиган, 1 нафар мударрис сабоқ берган ва мадрасада бир йилда 79 рубль сарфланган. Наманган шаҳри Лаббайтоға даҳасида 1855 йилда бунёд этилган Мехмонхўжа Эшон номли мадрасада 42 нафар талабага 1 нафар мударрис дарс берган ва бир йилда 120 рубль мадрасанинг эҳтиёжи учун сарфлаган. Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасида 1858 йилда ташкил этилган Сардоба мадрасасида 15 нафар талабаларга 1 нафар мударрис сабоқ берган ва мадрасага 178 рубль 50 копеек сарфлаган. Наманган шаҳрининг Чукур кўча даҳасида 1849 йилда бунёд этилган Мулла Муҳаммад Мусо Охун Мулла Давронбоев номли мадрасада 18 нафар талабага 1 нафар мударрис сабоқ берган ва мадрасага 258 рубль сарфлаган³⁵⁰. Бу далиллар мадрасаларга бошқа вилоятлар мадрасаларига нисбатан оз маблағ харажат қилинганлигидан гувоҳлик беради.

Кўкон хонлиги Наманган вилоятида имкониятв бор катта ер эгалари, бой савдогарлар, хоннинг бой амалдорлари, ислом динининг бой арбоблари мадраса қурдирган. Унинг фаолиятини юритиш, жиҳозлари учун, мударрис, мутавалли ва бошқа хизматчиларни иш ҳақи билан, талабаларни нафақа-стипендия билан таъминлаш, мадраса биносини таъмирлаб туриш учун мадрасага вақф мулки таъсис этилган. Мадраса қурдирган шахс козига вақфнома ёздириб, мадраса мулки даромадининг шу мадрасага тегишли эканлигини қонуялаштириб қўйган. Вақфномада вақф мулки даромадини мадраса хизматчилари, талабалари ўртасида бўлиш тартиби ҳам белгилаб қўйилган. Мадрасага даромад келтирадиган мулклар, ер участкалари, савдо-саноат мулклари, яъни дўконлар, тегиримон, ҳаммом ва бошқалар, айрим ҳолларда пуллар ҳам вақф қилиб берилган.

Наманган вилоятининг машҳур рухонийси, катта ер эгаларидан бири Муҳаммад Хўжа Эшон 1828 йилда Косов қишлоғида

³⁵⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 146-в.

мадраса қурдирган. Мадрасани таъмирлаб туриш, жиҳозлаш ва хизматчиларини иш хақи билан, талабаларни нафақа билан таъминлаш мақсадида 946 танобдан иборат вилоятнинг бир неча қишлоқларидаги ер участкаларини вақф қилиб берган.

1829 йилда Косон қишлоғида шу қишлоқнинг катта ер эгаларидан бири Хўжа Муҳаммад Розикбой мадраса қурдирган. Ўзининг номидаги мадраса фаолиятини юритиш, ўқув-тарбиявий ишларни яхши олиб бориш, таъмирлаш учун мадрасага нисбатан катта миқдорда ер таъсис этган³⁵¹.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Муҳаммад Розик Маллахўжаев мадрасасининг вақфномаси сақланган. Вақфномада мадрасанинг қурлган йили, уни бунёд этган шахс номи аниқ ёзилмаган. Аммо бу вақфномани араб алифбосида ёзилган қўлёзмасига унинг таржимони рус тилида: “Вақфные имущества принадлежащие медресе и мечети Ходжа Мухаммед Розика Касан” деб ёзиб қўйган. Ўзбекчага таржима қилсак “Хўжа Муҳаммад мадраса ва масжидига тегишли вақф мулклари. Косон” деган маъно чиқади. Шундан ва вақфноманинг умумий мазмунидан келиб чиқиб биз мадрасани Муҳаммад Розик Маллахўжаев Косон шаҳрида бунёд этган, деган тўхтамга келганмиз. Одатда, мадраса қуриб битказилган йилда унинг бунёдкори вақф мулки эҳсон қилган ва қозига бориб вақфнома туздирган. Вақфномада ҳижрий 1248 (милодий 1832) йил Зул-ҳижжа ойида, Муҳаммад Розик Маллахўжаев томонидан мадраса ва масжидга вақф мулки эҳсон қилганлиги қайд этилган.

Вақфнома бошида Аллоҳга ва унинг расули Муҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в), унинг оила аъзолари ва саҳобаларига ҳамду санолар айтилган. Шундан кейин Муҳаммад Розик мадраса ва масжидга вақф қилган ерлар санаб ўтилган. Бу Юқори Косон қишлоғидаги вақф қилинган ерлар қуйидагилар:

Шунуд деган жойда 13 таноб ер, ўша жойдаги ер участкасининг олтидан бир қисми, ўша жойдаги ер участкасининг, тахминан, 15 таноб ери, Юқори Косон қишлоғининг Пойқарон деган жойидаги 180 таноб ер, Пойқарон деган жойидаги 80 таноб ер, Юқори Косон қишлоғининг Пойқарон деган жойидаги 40 таноб ер участкаси мадрасага вақф қилинган. Бу мадраса бир неча ҳужралардан ташкил топган.

Мадраса шарқда жамоат кўчаси билан, шимолда ҳам шу кўча билан, гарбда Ниёз Муҳаммад Сўфи Бобо Жалилов боғи билан, жа-

³⁵¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 22506-й., 3-в.

нубда Мир Жалил Мир Наврўз Азизов боғи билан чегараланган. Вақфномадаги бу маълумотдан маълум бўладики, мадраса Юқори Косон қишлоғида бунёд этилган.

Вақф қилувчи барча вақф мулкларидан тушадиган даромаднинг фойдаланиш шартини куйидагича белгилаган: дастлаб вақф мулкни ва вақф ташкилоти – мадрасани ободонлаштириш учун, яъни солиб фойдаланишга тўшак, кўрпача ва хоналарни ёртишга чирок, шам олишга сарфлаш, шундан кейин ўндан бир қисмини мутавалли фойдасига, қолган қисмини 3 қисмга бўлиб учдан бир қисмини мударрисга, учдан икки қисмини талабаларга бериш шарт эканлиги кайд қилинган³⁵².

Шариат қондасига кўра вақф қилувчи ўз мулкидан эҳсон қилган мулкни мадраса мутаваллисига топширган. Вақф қилувчи юқоридаги мулкларни эҳсон қилганидан кейин ҳам ўзи қурдирган мадрасага яна янги ерларни вақф қилиб берган. Муҳаммад Розик Юқори Косон қишлоғининг Қушқулоқ деган жойидаги ўзига тегишли 250 таноб ерни мадрасага ҳадя қилган ва бу вақфномада ақс эгитрилган. Гаждар ариғининг юқори қисмидаги, тахминан, 15 таноб ерни ҳам вақф қилганлиги вақфномада кайд этилган. Демак, бу ер ҳам мадрасага эҳсон қилинган. Чоракам битта ер участкаси таҳорат хона учун ажратилган. Шундан кейин 3 та ер участкаси вақф қилинганлиги вақфномада кўрсатиб ўтилган. Бошқа ер участкалари сингари бу ерларни ҳам чегараси аниқ белгиланган. Лекин қайси ташкилотга вақф қилинганлиги, ер миқдори, ким вақф қилганлиги кўрсатилмаган. Тахмин қилиш мумкинки, бу ерларни ҳам Муҳаммад Розик мадрасага вақф қилган.

Муҳаммад Розик ўзи қурдирган масжидга ҳам вақф мулклари тортиқ қилган ва бу бўйича алоҳида вақфнома туздирган. Муҳаммад Розик ўзи барпо этган мадрасага “Юқори Косон” қишлоғидаги шахсий мулкидан 10 дан ортиқ ер участкаларини вақф қилиб берган. Вақфномада айрим ер участкаларининг вақф ери миқдори кўрсатилган, айримлариники кўрсатилмаган. Мадрасага вақф қилинган барча ерларнинг миқдори аниқ эмас.

Мадрасанинг вақф ерлари миқдори кўрсатилганларининг жамини қўшиб айтганда 593 таноб ҳисобланади. Наманган вилоятида XIX асрда 6 таноб бир десятина (1,09 гектар) эканлигини ҳисобга олсак, мадрасанинг маълум ерлари 98 десятинадан ортиқлиги, яъни мадрасанинг қишлоқда эканлигини инобатга олсак вақф ери нис-

³⁵² ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34900-й., 41–42-в.

батан кўплиги маълум бўлади. Бу ерларни мутавалли чорикорларга ижарага бериб, тушган даромад оркали мадраса эҳтиёжи тўла қондирилишига, ходимлар, талабалар моддий томондан яхши таъминланиб, улар дарс беришдан, сабоқ олишдан манфаатдорлиги орттирилиб, мадрасада ўқув-тарбиявий ишлар наъмунали олиб борилишига ҳаракат қилинган. Шу мақсадда вақф қилувчи вақф даромадининг фойдаланиш шартини белгилашда мударрисга вақф даромадининг учдан бир қисми берилди, аммо у, йилнинг кўп қисмини талабаларга илм бериш билан банд бўлиши шарт деб кўрсатиб ўтган. Барча кўрилган тadbирлар мадраса талабаларини чуқур билим олишига, етук мутахассис бўлиб чиқишига қаратилган эди.

Махмуд Дастурхончи Кўкон хонлигида 4 та мадраса қурдирган. Шулардан бири Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида бунёд этилган эди. Махмуд Дастурхончи Худоёрхон саройида хизмат қилиб катта бойлик ортирган эди. Куриб битказилган мадрасага вақф қилиб бериш ниятида хижрий 1254 (милодий 1838) йили Андижон вилоятининг Додхоҳ қишлоқ номи қишлоғидаги барча экиладиган ерларини Махмуд Дастурхончи Муҳаммад Ҳасанжонбоев, Мулла Имомназарбой оқсоқол, Мулла Курбон Муҳаммедовдан 400 тиллага сотиб олган. Бу ер шарқда Холбек Кушбеги Раҳмонқулбоев мулки, ғарбда Хўжа Дадхоҳ мулки, шимолда Сайхун (Сирдарё) дарёси ва жанубда Шаҳрихон ерлари билан чегараланган эди.

Махмуд Дастурхончи Чуст шаҳрида нисбатан йирик мадраса бунёд этган³⁵³. В.П.Наливкиннинг “1891–1892 ўқув йилидаги Фарғона вилояти мусулмон мадрасалари ҳолати тўғрисидаги маълумотлар” номи хужжатида кўрсатилвишича, бу мадраса 32 хужра ва 2 дарсхонадан иборат бўлган. Унинг таркибида масжид, айвон, хонақоҳ, ошхона бўлган. Мадраса Чуст шаҳридаги Ҳазрат Мавлон Лутфилла мазори ёнида жойлашган эди. Махмуд Дастурхончи ўзи барпо этган мадрасага Ҳазрат Мавлон номини берган. Бу машҳур мазорни Наманган вилоятининг Варзик тумани Суллам қишлоғида ва Кўкон вилоятининг Бувайда тумани Картан қишлоғида 1549 йили вақф қилинган ерлари бўлган³⁵⁴. Мадрасанинг мулки катта бўлган. Мадрасанинг вақф даромадидан мазор ҳам фойдаланган бўлиши мумкин. Мадраса вақфномасида “Мадраса мазор билан бир неча хужрадан иборат” деб ёзилган. Шундан кўринадики, мазор ҳам масжид, хонақоҳ ва бошқалар қатори мадраса билан бирга,

³⁵³ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 50–51-в.

³⁵⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34388-й., 1-в.

унинг таркибида бўлган бўлиши мумкин. Мадрасага Ҳазрат Мавлон номи берилганлиги ҳам шундан далолат берса керак. Ҳазрат Мавлон Лутфилла Ислом динининг Ўрта Осиёдаги машхур арбобларидан бири бўлган. Мозорни зиёрат қилгани кўплаб зиёратчилар келган ва мазор шайхига ҳадя, садақа бериб турган бўлиши мумкин. Одатда, шундай бўлган. Мадраса вақфномасида унинг қачон қурилганлиги айтиб ўтилмаган. В.П.Наливкянининг юқорида ном тилга олинган ҳужжатда Чуст шаҳридаги Ҳазрат Мавлон мадрасаси 1836 йилда ташкил қилинган, деб кўрсатилган. Маҳмуд Дастурхончи вақфномада ёзилишича, ҳижрий 1255 (милодий 1839) йилда мадрасага Додхоқ қишлоқни вақф қилиб берган. Маҳмуд Дастурхончи мадраса мутаваллиси ўзи бўлишини, кейин унинг авлодидан тайинланишини белгиланган. Вақфномада мадраса вақф даромадининг бўлиниши куйидагича белгиланган: мутавалли вақф даромадини ўндан бирдан фойдаланган. Қолган қисмига 3 қисмга бўлиб, 1 қисмини мударрисга, кейин қолганини 8 қисмга бўлиб, шундан 1 қисмини икки бўлакка бўлиб, шундан бир бўлагини имомга, иккинчи бўлагини муаззин, сартарош ва фаррошга, 7 қисмини мадраса талабаларига 3 та разрядлар бўйича бўлиб беришни эҳсон қилувчи талаб қилган³⁵⁵. Мутавалли вақф қилинган ерни ижарага бериб, топилган даромадни мударрис, талабалар ва бошқа ходимларга бўлиб бериб, мадрасада ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилган.

Наманган шаҳридаги машхур мадрасалардан бири Ҳазрат Муҳаммад Маъруфхўжа Эшон Шайх-ул-ислом мадрасаси бўлган. Мадраса Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласида пишик гиштдан қурилган, у 2 та дарсхонали, 22 та хужрали бўлган. Мадраса таркибида қишқи ва ёзги масжидлар, 10 та хужра, ўқувчилар Куръон ёдлайдиган қорихона, сўфий, қаландарлар зикр тушадиган хонақоҳ, Эшон Ҳазрат сағанаси устига қурилган бино, зиёратгоҳни зиёрат қилувчилар тавоф қиладиган зиёратхона, 2 та айвон бор эди. Мадрасада ва унинг таркибидаги диний ташкилотларда қуйидаги хизматчилар бўлган: Мутавалли, 2 нафар мударрис, имом, муаззин, қорибоши, фаррош, сартарош ва битта махсурахон (куръон ўқувчи қори). Шу хизматчилар мадраса, қорихона ва бошқа ташкилотлар фаолиятини самарали олиб боришни таъминлаганлар.

Мадрасада 1904 йил 1 июлдаги маълумотга қараганда 60 нафар талаба, қорихонада эса 20 нафар ўқувчи ўқиган³⁵⁶. Мадраса

³⁵⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34888-й., 3-в.

³⁵⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34868-й., 71-в.

ва қорихона талабалари сони тўғрисидаги маълумотлар 1900 йили мадрасанинг вақф ҳужжатларини текширган Наманган уезди ер-солиқ комиссари Вангородский томонидан аниқланган. Бу хабар мадраса тўғрисидаги барча маълумотлар қаторида Фарғона вилояти бошқармасининг 1904 йил 1 июлда мадраса вақф ҳужжатларини кўриб чиқишга бағишланган умумий йиғилиш баённомасида келтирилган. Шунга қарамай мадраса ва қорихонада талабалар сони Қўқон хонлиги даврида ҳам, тахминан, шунча бўлган десак адашмаган бўламиз. Буни шу билан ҳам исботлаш мумкинки, мадрасанинг 22 та ҳужраси, тахминан, 60 нафар талабага, қорихонанинг 10 та ҳужраси 20 нафар ўқувчига мўлжалланган.

Вақфномада мадраса, хонақоҳ ва бошқаларни Маъруфхон Тўра Шайх-ул-ислом Муҳаммад Зокир Хўжа Шайх-ул-исломов бунёд этган дейилган. Мадраса ва бошқа иншоотларнинг қурилган йили кўрсатилмаган. Мадрасага 12 та вақфномалар асосида вақф ерлар ва бошқа мулклар таъсис этилган: Биринчи навбатда, ҳижрий 1266 (милодий 1850) йили Шаҳобийдинхўжа Комилхўжаев мадрасага Когистон деган жойдаги 2 та ер участкасини вақф қилиб берган. Ҳижрий 1267 (милодий 1850) йили Комил Подшо мадрасага Қора Полвон қишлоғидаги боғини ва тегирмонини ҳадя қилган ва вақфнома туздирган. Когистон деган жой ҳам Қора Полвон қишлоғида жойлашган бўлган. Қора Полвон қишлоғидаги 3 та ер участкаси 22 десятина бўлган³⁵⁷. Одатда, мадраса ва унинг таркибидаги иншоотлар қурилганидан кейин, улар ишнини юритиш учун даромад келтирадиган мулклар вақф қилинган. Мутавалли бу мулкларни ижарага бериб, вақф даромадидан мадраса хизматчиларини таъминлаган ва вақф ташкилоти фаолиятини ташкил қилган. Шу фикрларга асосланиб айтиш мумкинки, мадраса 1850 йили, мадрасага даставвал мулк вақф қилинган йили бунёд этилган. Бу фикрни тасдиқлашга ёрдам берадиган яна бир маълумот бор. Вақфномани қонуний эканлигини тасдиқловчи муҳрлар орасида, энг аввалгиси, Меҳмонхўжа Қози Исомитдин муҳри бўлиб, унда ҳижрий 1259 йил ёзилган. Бу маълумотдан кўриниб турибдики, мадраса ва бошқа ташкилотлар ҳижрий 1259 (милодий 1843–1844) йилдан кейин қурилган.

Ҳижрий 1279 (милодий 1862) йили Қўқон хони Худоёрхон Наманган шаҳрининг Сардоба маҳалласидаги Ҳазрат Муҳаммад Маъруфхўжа Эшон Шайх-ул-ислом мадраса, хонақоҳ, қорихонасига, экин ерлари, узумзор, мева ва оддий дарахтзорларидан иборат бўлган

³⁵⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34868-й., 69-в.

Тошбулоқ қишлоғини, унинг экин ерлари даромадининг бешдан бир қисмини вақф қилган. Бу қишлоқ Қўқон хонлигини Россия империяси босиб олиб, Фаргона вилоятини ташкил қилганидан кейин, иккита – Катта Тошбулоқ ва Кичик Тошбулоқ дачаларига бўлинган. 1897 йил майда Наманган уезди ер-солиқ комиссари ҳар иккала дачаларидаги вақф ерларини текширган ва уларнинг миқдорини ер ўлчовчилар ёрдамида аниқлаган. Ер-солиқ ишлари кўрсатадики, Наманган уезди, Қирғиз-Қўрғон волости Катта Тошбулоқ дачасида 611 десятина 220 саржин вақф ер бўлган. Кичик Тошбулоқ дачасида 671 десятина 320 саржин вақф ери борлиги аниқланган³⁵⁸. Худоёрхон ҳижрий 1286 (милодий 1869) йилдаги иновятнома билан мадрасанинг вақф ерларини барча солиқлардан озод қилган. Демак, Худоёрхон мадрасага, унинг таркибидаги ташкилотларга Наманган вилоятининг Тошбулоқ қишлоғида 1282 десятина 540 саржин ерни эҳсон қилган. Мадраса ва бошқа ташкилотларнинг асосий бойлиги Худоёрхон вақф қилган экин ерлар бўлган. Бошқа айрим шахслар вақф қилган ерлар жуда оз миқдорда бўлган. Мадрасани бунёд этган Муҳаммад Маъруфхўжа Эшон Шайх-ул-ислом ҳижрий 1275 (милодий 1858) йили мадрасага Наманган шаҳри бозоридаги карвонсаройни вақф қилиб берган.

Худоёрхон мадраса, хонақоҳ, қорихонага вақф қилган ердан олинган даромад фойдаланиш шартини белгилаб берган. Тошбулоқ қишлоғи ерларидан тушадиган бешдан бир даромадни 10 қисмга бўлиб, 1 қисмини хонақоҳга – Нақшбандия ташкилоти бўйича зикр бажо келтиришга йиғилган сўфийлар учун овқат тайёрлашга, 1 қисмини иккита бўлиб, бир бўлагини мутаваллига, иккинчи бўлагини 4 улушга бўлиб, 1 улушини қорихона ўқитувчиси – қорибошига, қолган 3 улушини ўқувчиларга аъло, авсат ва адно разрядлари бўйича, 10 қисмининг уч қисмини мударрисга, 4 қисмини мадраса талабаларига аъло, авсат ва адно разрядлари бўйича, 10 қисмининг қолган 1 қисмини 6 улушга бўлиб, 2 улушини масжид имомига, 4 улушини қуръон ўқувчи қорига, муаззинга, сартарошга, фаррошга тенг, яъни бир улушдан бўлиб бериш буюрилган. Вақфномада белгиланган вақф даромадини бўлиш, мадрасани таъмирлаш амалга оширилганидан кейин бажарилиши кераклиги қайд қилинган³⁵⁹.

Вақфнома бошида мадраса ҳақида ва Тошбулоқ қишлоғи ҳақида умумий маълумот берилганидан кейин, Аллоҳ ва унинг пайғамбари

³⁵⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34868-й., 72-в.

³⁵⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34888-й., 3-в.

номига илиқ сўзлар ёзилган. Инсонларга гуноҳлардан қутилиш йўлини кўрсатган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин, дейилган ва гуноҳлардан қутилиш йўлидан бири Худо йўлида эҳсон қилиш ҳисобланади, деб кўрсатилган. Аллоҳнинг пайгамбари, унинг қариндош-уруғларига, сафдошларига саловотлар ва саломлар айтилган. Шундан кейин бандаларни Аллоҳдан миннатдорчилигини билдириши ва Худо йўлида эҳсонлар қилишни тўғрисида Қуръондан оятлар келтирилган. “Ҳаммага маълум бўлсинки, марҳаматли Аллоҳ хоҳласа ўзининг бандаларига шундай мурувват қиладики, ундай мурувватни ҳеч ким кўрмаган. Шу бандалар Аллоҳ топшириғи билан хайрли ишлар учун ўзининг бор мулкани эҳсон қилади. Подшоҳлар подшоҳи, марҳаматли султон, хоқон, хоқонлар ўғли, камбағаллар хомийси Худоёрхоннинг бошқариш даврида, ҳозирги кундаги хайр-саховати мисол бўлади” – дейилган вақфномада³⁶⁰.

Вақфномада мадрасанинг мударриси, имоми ва мутаваллиси лавозимида умрбод Эшон Маъруфхон Тўра Шайх-ул-ислом бўлиши белгиланган, унинг вафотидан кейин, у лавозимларни эгаллашга лойиқ қиши унинг авлодларидан топилмаса, бу лавозимларни унинг отаси Шайх-ул-ислом авлодидан лойиқлари эгаллаши лозим, деб кўрсатиб ўтилган.

Вақфнома бўйича имом, муаззин, фаррош ва саргарошни тайинлаш вазифаси Эшон Маъруфхон Тўрага юкланган. Унинг вафотидан кейин бу ҳуқуқни мадраса мударриси бажариши белгиланган. Зикрга тушадиган сўфийларга овқат тайёрлашни Эшон авлодлари бошқариши лозим бўлган. Вақфномани Саид Султон, Худоёрхон ва кўпгина қози, аълам, муфтийлар муҳрларини босиб қонуний эканлигини тасдиқлашган³⁶¹.

Наманган шаҳрининг Ниязбой маҳалласида мадраса ва масжид қурилган эди. Ҳижрий 1281 (милодий 1864) йили Ҳожи Мирсаид Афанди Мир Абдулла Шохов ўзининг хусусий мулкидан – Наманган шаҳрининг Ниязбой маҳалласидаги нон бозори (капшон) ни, кўп миқдордаги дўконлар ва узун айвон билан ва ўша жойдаги кичикроқ нон бозори (каппонча)ни юқорида тилга олинган мадраса ва масжидга вақф қилиб берган эди.

Вақфномада мадраса ва масжид ким ва қачон қурдиргани кўрсатилмаган. Одатда, мадраса, масжид қурдирган шахс унинг ишини юритиш учун вақф мулки таъсис этган. Шундан келиб чиқиб ай-

³⁶⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34868-й., 2-в.

³⁶¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34868-й., 3-4-в.

тиш мумкинки, вақф мулки эҳсон қилувчи Хожи Мирсаид Афанди мадраса, масжидни хижрий 1281 йилда битказиб, вақф мулки эҳсон қилган бўлиши мумкин. Мадраса ва масжид мутаваллиси вақф қилувчининг ўзи бўлиши ва кейин мударрис ва мадраса ҳужраларида яшовчи талабалар билан биргаликда адолатли ва арзийдиган одамни мутавалли лавозимига тайинлаши буюрилган. Вақф қилувчи томонидан вақф даромади 10 қисмга бўлиниб, шундан ўндан бир қисмини мутавалли фойдасига, 1,5 қисмини имомга, 0,5 қисмини муаззинга, 3 қисмини мударрисга ва қолган 4 қисмини мадраса талабаларига тенг бўлиб бериш васият қилинган. Эҳсон қилувчи шунингдек, вақфномада бошлиқлар, жамоат мутаваллилари вақф даромадидан ҳеч нарса олмаслигини, акс ҳолда бу улар учун харом бўлади, деб кўрсатиб ўтган. Қимдир вақф қилувчи шартини бузса ва вақф даромадидан бирор нарса олса ёки вақф мулкига зиён етказса, Аллоҳ ва одамлар қарғишига учрасин дейилган. Эҳсон қилинган вақф ҳақиқий ва мунтазам вақф бўлиши учун уни сотиш, совға қилиш, гаровга кўйиш, маҳрга бериш, мерос қилиш, хусусий мулкка айлантириш мумкин эмас дейилган³⁶².

Мутавалли вақф мулкидан тушган даромадни мадраса, масжид ходимлари ва талабаларга бўлиб бериб, уларни моддий томондан тъминлаб, мадрасада ўқув-тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйган.

Чор ҳукумати, унинг топшириғи билан Туркистон генерал-губернаторлиги Кўкон хонлигини босиб олганидан кейин дарҳол вақф мулкларини ҳисобга олишни бошлаган. Бундан кўзланган мақсад келажакда вақф мулкларини мусодара қилиб, давлат мулкига айлантириш ва бу ерлардан ер солиғи олиб, давлат хазинасини бойитиш бўлган.

Чор ҳукумати Туркистон руҳонийлари халқни Россия империясига қарши кўзғолонга чорлашдан қўриқиб, вақф мулкларини тўла давлат мулкига айлантира олмади. Фақат бу мақсадни қисман амалга оширган. Туркистон генерал-губернатори топшириғи билан Кўкон хонлиги босиб олиниши билан Наманган уезди бошлиғи 1876 йил июнь ойида диний ташкилотлар, жумладан, мадрасалар вақф мулкларини ҳисобга олиб, уларни Туркистон генерал-губернаторига юборган. Рўйхатга 475 тадан ортиқ диний ташкилотлар, жумладан, 25 та мадраса, уларнинг вақф мулклари ҳақидаги маълумотлар киритилган. 1876 йилда тузилган мадрасалар қаторида Эшон Мавлавий мадрасаси ҳақида маълумот берилган.

³⁶² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34861-й., 86–87-в.

1876 йил июнь ойида тайёрланган Наманган уезди вақф мулклар рўйхатида қайд қилинган Ҳазрат Мавлавий номли мадрасанинг қуйидаги вақф мулклари бўлган: Наманган шаҳрида карвонсарой, ҳаммом, мой жувоз, Наманган шаҳри бозорида дўконлар, айвонлар (сони кўрсатилмаган), Бешкапа қишлоғида 700 таноб ери бўлган. Бундан ташқари 7 та қишлоқда ер участкаси мавжуд эди³⁶³. Унинг экин ерларидан ташқари савдо-саноат корхоналари ҳам бўлган. Шу сабабдан ўзи қурдирган мадрасага катта миқдордаги ерлар билан бирга кўпгина савдо-саноат корхоналарини ҳам васият қилган.

Наманган мадрасаларини бунёд этиб, халқ фойдаланиши учун мутаваллиларга вақф қилиб топширган шахсларнинг айримлари ерлар билан бирга маълум миқдорда савдо-саноат мулкларини ҳам васият қилган. 1876 йилдаги рўйхатга олинган 25 та мадрасадан 6 тасида савдо-саноат мулклари бўлган. Энг кўп савдо-саноат мулкларини — 47 та дўконни Саядқулбек ўзи қурдирган мадрасага вақф қилиб берган. Ҳазрат Мавлавий ҳам ўзининг номидаги мадрасага катта даромад келтирадиган карвонсарой ва бошқа савдо-саноат мулкларини васият қилган. Бошқа мулкдорлар нисбатан оз миқдорда савдо-саноат мулклари ҳадя қилишган. Наманган шаҳридаги Шейр (хужжатда шундай, эҳтимол Шер бўлса керак) Ислом номли мадрасанинг кўп миқдордаги вақф ерлари билан бирга, 17 тилла пули, 1 та тегирмони ва 1 та дўкони ҳам бўлган. Наманган шаҳрида Оқ мазор номли мадрасанинг ерлари билан бирга, 4 та дўкони ва 1 та каплонни бўлган. Косон қишлоғидаги бойлардан бири Муҳаммад Хўжа Эшон ўзининг номидаги мадрасага ерлар билан бирга, 1 та дўкон ҳам эҳсон қилган. Наманган шаҳридаги эшонлардан бири Азиз Хўжа Эшон ўзининг номидаги мадрасага фақат 2 та дўкон, 1 та ҳаммомни вақф қилиб берган.

Айрим мадраса қурдирган мулкдорлар ўзлари номидаги ўқув юртлари фаолиятини юритиш учун тилла пул вақф қилган. Бундай вақф васият қилувчилар катта ер эгалари эмас, савдогарлар ёки бошқа соҳа вакили бўлса керак. Косон қишлоғининг йирик бойларидан бири Алимбой ўз қишлоғида мадраса қурдирган. Ўз номидаги мадрасага 400 тилла пул вақф қилиб берган. Терговчи қишлоғида фаолият юритган Абдурахмон Хўжа номли мадрасанинг 221 тилла вақф пули бўлган. Наманганлик Масалибой Наманган шаҳрида мадраса қурдириб, унга 25 тилла пул вақф қилиб берган³⁶⁴. Бу мадраса-

³⁶³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 22506-й., 9-в.

³⁶⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 22506-й., 3-20-в.

ларнинг қурилган йили кўрсатилмаган. Лекин юқорида тилга олинган барча мадрасалар 1876 йил июн ойида тузилган мадрасалар рўйхатида мавжудлигини ҳисобга олганда, улар Қўқон хонлиги даврида қурилганлиги аниқ бўлади. 1880 йилдаги маълумотга қараганда бир Қўқон тилласи 4—4,5 рубльга тўтри келган. 4—4,5 рубльга ўша вақтда Наманганда битта 3—4 ёшли думбали қўй берган. Бу маълумотларга қараганда юқоридаги мадрасаларнинг тилла пуллари анча қимматга эга бўлган. Мадрасалар мутаваллилари тилла пуллари тadbиркорларга келишпилган миқдорда (одатда, 1 йилда 10 фоизгача) фоиз тўлаш шарти билан бир йилга беришган. Тилла пулдан тушган бир йиллик вақф даромади эса, вақфномада кўрсатилган шартларга биноан мадраса ходимларига, талабаларга бўлиб берилган.

Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари 3-инспектори В.П.Наливкин 1891—1892 ўқув йилида Фарғона вилояти мусулмон мадрасалари аҳволи тўғрисидаги ахборотида Мавлавий номли мадраса ҳақида қўшимча маълумот берган. Бу маълумотга кўра Наманган шаҳрида Мавлавий Эшон томонидан 1812 йилда Ҳазрат Мавлавий номли мадраса бунёд этилган. Мадрасада ўқув ишларини олиб бориш учун 32 та хужра ва битта дарсхона бунёд этилган. Мадраса ишини юритиш, бинони вақтида таъминлаб туриш, хизматчилар ва талабаларни моддий томондан таъминлаб туриш ва мадрасани жиҳозлаш учун Мавлавий Эшон мадрасага катта миқдорда вақф мулки таъсис этган. В.П.Наливкиннинг маълумотига қараганда, Эшон ўзининг номидаги мадрасага Наманган шаҳри марказида жойлашган катта карвонсаройни, Наманган бозоридаги 32 та дўконини ва 141 десятинадан ортиқ экин экиладиган ерларни вақф қилиб берган. Вақф мулкларидан келадиган йиллик даромад 800 рубльни ташкил қилган. Наманган шаҳрида 3 та йирик карвонсарой бўлган. Буларнинг ҳар бири 100—200 та юк ортилган туялардан иборат карвонларни қабул қилиб олган. Карвонлар Шарк мамлакатларидан, Англия ва бошқа Фарб давлатларидан келган. Ҳазрат Мавлавий номли мадрасанинг вақф карвонсаройи катта миқдорда даромад келтирган. Мадрасанинг вақф дўконлари, ерлари ҳам даромадли мулклар бўлган. В.П.Наливкин Наманган вилоятининг 16 та мадрасаси ҳақида маълумот берган. Шулар ичида вақф даромади кўп мадраса Ҳазрат Мавлавий номли мадраса бўлган. Мадраса вақф мулклари кўп бўлганлиги учун уни 4 нафар мутавалли бошқарган. Мадрасада ўртача 40 нафар талаба сабоқ олган ва уларга бир нафар мударрис дарс берган. Мадраса даромади юқори бўлганлиги учун

ходимларнинг иш хақи ва талабалар нафақаси – стипендияси ҳам қўп бўлган. Мутаваллилар йиллик меҳнат хақи 40 рубль, мударрисники 240 рубль, юқори синф талабалари нафақаси 16 рубль, ўрта синф талабасиники 8 рубль ва қуйи синф талабасиники 4 рубльни ташкил қилган. Булардан ташқари, мадрасанинг вақф даромадидан масжид ходимлари, сартарош, фаррош каби ходимлар ҳам меҳнат хақи олишган.

Вилоят ҳокимлари, бадавлат тadbиркорлар, катта ер эгалари савоб ишлар қилиб, Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлиш, жаннатга кириш ниятида мадрасалар қуриб, халқ фойдаланиши учун вақф қилиб берган. Шундай сахий инсонлардан бири Наманган вилояти ҳокими Саидқулбек бўлган. Қўқон хонлигининг Умархон (1809–1822) ҳукмронлик қилган даврида Наманган вилояти Норин дарёсидан сув оладиган Янги-Ариқ номли канал бунёд этилган эди. Бу канални қазнишга вилоят ҳокими Саидқулбек бош-қош бўлди. Улкан ариқ барпо этилиши жуда катта миқдордаги қўриқ ерларни ўзлаштириш имконини берди. Ўша вақтда Саидқулбек Наманган шаҳрида мадраса қурдирган эди. Саидқулбек ўзига тегишли бир неча қишлоқлардаги лалмикор ерларни мадрасага вақф қилиб берган эди. Энди бу ерларни суғориш имконияти тутилди. Саидқулбек хондан мадрасанинг вақф ерларини солиқдан озод қилишни илтимос қилган. Бу ерларнинг хирож ва таноб солиқларидан озод қилиш тўғрисида хоннинг руҳсатини олганидан кейин, у ерсиз деҳқонларга мадрасанинг вақф ерига кўчиб келишни таклиф қилган. Умархоннинг топшириғи билан Саидқулбек қаздирган ариқ суви билан ижарачилар ўзига ажратилган ерларни суғориб, деҳқончилик қила бошлаган. Саидқулбек мадрасасининг вақф ерини ижарага олган қоранда (ҳосилнинг бир қисмини олишга байлашиб ишловчи деҳқон)лар Умархон давридан, то Қўқон хонлиги тугатилгунига қадар мадрасага унинг вақф еридан фойдаланганлиги учун хирож ва таноб солиғи – ижара хақи тўлаб турган.

Қўқон хонлигини руслар босиб олганидан кейин Саидқулбек мадрасасининг вақф ерлари асосий қисмини қорандаларга мулк ер қилиб бериб, бу ерлардан ер-солиғи олиб, давлат хазинасига туширган. Туркистон маъмурларидан бири Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармасининг ислом ўқув юртлари III-инспектори В.П.Наливкин Саидқулбек мадрасасининг вақф ерлари масаласини ҳолисона ёритишга ҳаракат қилган. У 1891–1892 ўқув йилида Фарғона вилояти ислом ўқув юртлари ахволи ҳақидаги маълумот-

номасида шундай деб ёзган: “Саидкулбек таклифига кўра дарҳол жуда кўп ерсиз дехқонлар етиб келиб, уларга ажратилган ерда тўптўп бўлиб жойландилар. Улар иккинчи ва учинчи даражали ариқлар ўтказиб, ерларни текислаб суғоришга тайёрладилар. Бедапоярлар, буғдойпоярлар ва бошқалар ташкил бўлди. Дарахтзорлар вужудга келди. Икки-уч йил ичида бир нечта кичик қишлоқлар пайдо бўлди. У қишлоқлар аҳли Саидкулбек мадрасаси вақф ерларининг ижарачилари бўлган. Улардан мутавалли ҳар йили хирож ва таноб солиғи олиб турган. Бундай ўзаро муносабатлар, кўчиб келиб вақф ерида яшаётганлар ва Саидкулбек мадрасаси ўртасида Фарғонага руслар келгунга қадар ўзгармай давом этган.

Кўкон хонлиги босиб олинганидан кейин кўп ўтмай Саидкулбек мадрасаси билан унинг вақф ерлари ижарачилари ўртасида қандайдир (ҳозир қандайлигини аниқ эслаш олмайман) келишмовчилик келиб чиққан. Натижада бир томон уезд маъмуриятига ариза ёзган. Ишни кўриш вақтида, вақф ери ижарачилари, илгари Тошкентда шунга ўхшаш ишлар кўрилиб мадраса эмас, халқ фойдасига ҳал бўлган, деган миш-мишларни эшнитиб, ер қонуви бўйича бизга тегишли, чунки биз бу ерни суғордик, чопдик, экдик, шарият бўйича ерга ким ҳаёт киритса, ер шунга тегишли бўлади, деб исботлашга ҳаракат қилдилар. Коранда ижарачилар, албатта, ноҳақ эди, чунки бу ерга ҳаёт берган улар эмас, балки асосий, сув билан таъминловчи ариқни ўтказганлар ҳисобланади”³⁶⁵.

Саидкулбек мадрасасининг вақфномаси Марказий давлат архивида сақланмаган. Лекин вақфнома мутавалли томонидан, ўз вақтида — 1887 йилда Фарғона вилояти бошқармасига текшириш учун топширилган. 1898 йил сентябрь ойида Наманган уезди ер-солиқ комиссари Вонгородский вақфномани текширган ва у ҳақида маълумот берган. Комиссар Вонгородский берган маълумотга кўра, мадраса Саидкулбек мадрасаси деб номланади. Мадраса 22 та хужра, дарсхона, масжид ва учта савдо дўконидан иборат бўлган. Вақфнома хижрий 1236 (милодий 1819/1820) йилда тузилган, деб кўрсатилган. Демак, мадраса 1819–1820 йилларда қуриб битказилиб, унинг фаолият юритиши учун Саидкулбек мадрасага вақф мулки эҳсон қилган ва маҳаллий қозинга вақфнома туздирган. Вақфномани қозилар ва Кўкон хонлари — Умархон ва Шералихон муҳрларини босиб тасдиқлашган. Вақфномага хон муҳри қўйилганлиги вақфномада кўрсатилган вақф мулклари, одат бўйича,

³⁶⁵ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 11–12-в.

солиқдан озод қилинганлигини билдиради. Лекин рус маъмурлари буни тан олишмаган ва солиқдан озод қилинмаган, деб ҳисоблаб, вақф ерларининг солигини давлат хазинасига туширишган ва мадрасани вақф ерларидан ижара ҳақи олишдан маҳрум қилишган. Вақфнома бўйича, 4 та ер участкаси, пишиқ гиштдан қурилган карвонсарой, ариқ бўйига ўтказилган дарахтлар мадрасага вақф қилинган. Вонгородскийнинг 1897 йил 13 сентябрда берган маълумоти Фарғона вилояти бошқармасининг 1898 йил 21 декабрдаги Саидқулбек мадрасаси вақф ҳужжатини кўриб чиқиш ҳақидаги умумий йигилиши журнали-баённомасида қайд қилинган. Одатда, вақфномада мадрасага вақф қилинган ерлар миқдори кўрсатилмай, уларнинг чегаралари кўрсатилган. Ер-солиқ комиссари ихтиёрида ер-ўлчовчилар бўлган. Вақфномада кўрсатилган вақф ерларни ер ўлчовчилари ўлчаб миқдорини аниқлаган. Наманган уезди ер-солиқ комиссари Саидқулбек мадрасасининг 1819–1820 йилларда тайёрланган вақфномасида кўрсатилган ерларини ўлчаб, улар миқдорини аниқлаган. Вақфномада таърифланган вақф ер участкалари куйидагилар бўлган:

1) Вақфномада 2-рақам билан таърифланган участка Наманган уезди, Янги-Кўрғон волости, Янги-Кўрғон қишлоғида жойлашган. Бу ер участкаси 43 десятина 1250 квадрат саржиндан иборат;

2) Вақфномада 3-рақам билан таърифланган ерда Наманган уезди, Келин волости, Алахаман қишлоғи, Қирғиз-Кўрғон волостининг Шўр-Қишлоқ, Гулдрау ва Беш-Боши, Улмас, Жаниш қишлоқлари жойлашган. Дачалар режасига кўра, Алахаманда 359 десятина 840 саржин, Шўр-Қишлоқда 441 десятина 300 саржин, Гулдрау ва Беш Бошида 513 десятина, Улмасда 397 десятина 900 саржин, Жанишда 200 десятина 1840 саржин, жами: 1911 десятина 1480 саржиндан иборат;

3) Вақфномада 4-рақам билан баён этилган ер участкаси Наманган уезди, Уйчи волости, Қизил Робот дачасида жойлашган. Тилга олинган дачанинг режасидаги иккита хусусий ер участкалари – бири 56 десятина 100 квадрат саржин, иккинчиси 7 десятина 1200 квадрат саржин;

4) Вақфномада 6-рақам билан таърифланган ер участкаси Наманган уезди, Аҳси-Шаҳанд волости, Кал-Қишлоқ, Бердикул дачаларида жойлашган. Бу участка 35 десятина 1400 саржиндан иборат. Вақфнома бўйича эҳсон қилинган кейинги иккита модда бузиб ташланган сарой ўрнида, Наманган шаҳрининг чой бозорида бунёд

этилган 44 та дўкондан ва Янги-ариқ қирғоғига, унинг бошидан Кескан Ёр деган жойигача экилган дарахлардан иборат.

Юқорида қайд қилинган Саидкулбек мадрасасининг вақф ерларидан олиннадиган солиқ, ер-солиқ комиссариятининг ҳисоби бўйича 6336 рубль 18 копеекни ташкил қилган³⁶⁶. Бу ерлар даромадидан ташқари, дўконлардан ҳам анча даромад олган. Ўша даврларда, яъни Саидкулбек мадрасаси вақфномасини текширган ер-солиқ комиссари, вақф ерлари миқдорини ва у ерларда олиннадиган солиқ миқдорини аниқлаган. 1897 йилда бутун Туркистонда, жумладан, Наманган уездига пул қадрини юқори бўлганлигини – бир пуд буғдой 70 копеек, битта ўрғача қўй 4 рубль эканлигини ҳисобга олсак, мадраса вақф мулки жуда катта миқдорда эканлиги ва ундан келадиган вақф даромади кўламнинг кенг эканлиги намоён бўлади.

Россия империяси Кўкон хонлигини босиб олгунига қадар Саидкулбек мадрасаси вақф мулклари даромадидан тўла фойдаланган. Руслар Наманганни босиб олгандан кейин Саидкулбек мадрасасининг вақф ерларини Туркистондаги рус маъмурлари мусодара қилиб, ундан олиннадиган солиқни давлат хазинасига туширган.

Кўкон хонлиги даврида Саидкулбек мадрасасининг ўқув-тарбиявий ишлари тўғрисида аниқ маълумотлар сақланмаган. Бироқ мадрасаниннг вақф мулки, ундан келадиган вақф даромади катта бўлган. Даромади кўп мадрасаларнинг мударрислари ва талабалари ҳам, одатда, кўп бўлган. Шундан келиб чиқиб, тахмин қилиш мумкинки, Кўкон хонлиги даврида мадрасада мударрислар, талабалар кўп бўлган ва ўқув-тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган.

1880 йилдан бошлаб Туркистондаги рус маъмурлари томонидан ислом ўқув юртлири фаолиятини назорат қилиш мақсадида ҳар йили уларни рўйхатга олиш қондаси жорий этилиб, Туркистондаги, жумладан, Намангандаги мадрасалар ҳам рўйхати ҳам тузилиб, улар ташкил қилинган йили, мударрислари, муллалари сони, вақф мулки, жойлашган манзили каби аниқ маълумот жамланган.

1887 ва 1888 йилларда Наманган вилояти ислом ўқув юртлири ҳақида маълумотнома тузилган. Бу рўйхатда Наманган шаҳри мадрасалари каторида Саидкулбек мадрасаси тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Мадрасалар тўғрисидаги маълумотлар жадвал шаклида ва қисқа қилиб, жадвал графаларидаги саволларга рақамлар билан жавоб қилинган. Графадаги 1887 йилда ўқитувчилар сони деган саволга 1 рақами ёзилган, ўқувчилар сони деган саволга 25 рақами

³⁶⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33427-й., 109–113-в.

билан жавоб берилган. Жадвалда худди шундай маълумотлар 1888 йил бўйича ҳам сўралган ва жавоблар ёзилган. 1888 йилдаги маълумотда ўқитувчилар битта, ўқувчилар – 30 та деб жавоб берилган³⁶⁷. Бу ҳужжатдаги маълумотлардан шу нарса аниқ бўладики, 1887 йилда Саидқулбек мадрасасида бир нафар мударрис 25 нафар мула-ваччага сабоқ берган. 1888 йили талабалар сони ортиб, 30 нафарга етган ва уларга бир нафар мударрис дарс берган. Кейинги йилларда ҳам талабалар сони ўсиб борган.

Туркистондаги рус маъмурларининг бошқа ҳужжатларида ҳам Саидқулбек мадрасасининг ўқув-тарбиявий ишлари тўғрисида маълумотлар учрайди. Туркистон ўлкасининг ислом ўқув юртлари III-инспектори В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йилида Фарғона вилояти ислом ўқув юртлари аҳволи тўғрисидаги хабарномасида мадрасанинг ўқув ишлари бўйича юқорида келтирилган маълумот-ларига нисбатан тўлароқ хабар берилган.

В.П.Наливкиннинг берган маълумотига кўра, Саидқулбек мадрасаси 1820 йилда ташкил қилинган. Мадрасанинг 32 та ҳужраси ва битта дарсхонаси бўлган. Юқорида биз қайд қилганимиздек, Фарғона вилояти бошқармасининг журналида берилган маълумот-га кўра, мадрасанинг 22 та ҳужраси бўлган. Бу маълумот ҳақиқатга яқинроқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, 22 ҳужра тўғрисидаги маълумот Фарғона вилояти бошқармасига Наманган уезди ер-солиқ комиссар-ри Саидқулбек мадрасаси вақфномасини текшириб, аниқлаб берган маълумот ҳисобланади. Одатда, вақфномада мадрасанинг дарсхона-си ва ҳужралари сони кўрсатилади. Комиссар вақфномани текшири-ши натижаси ҳақидаги Фарғона вилояти бошқармасига топширган ҳужжатида мадраса вақфномасидан олган маълумотни берган бўли-ши мумкин.

В.П.Наливкин хабарномасининг илова қисмида мадрасалар ҳақида жадвал шаклида рақамлар билан маълумотлар берилган. Бу жадвал графасидаги мударрислар сони, деб сўралган саволга, битта, деб жавоб берилган. Кейинги графадаги муллалар сони деб сўралган саволга, 40 та, деб жавоб ёзилган. Бу далиллардан маълум бўлади-ки, Саидқулбек мадрасасида 1891–1892 ўқув йили битта мударрис 40 нафар талабаларга илм ўргатган. В.П.Наливкин ҳужжатида мадрасанинг йиллик вақф даромади 1891–1892 ўқув йили 800 рубль бўлганлиги қайд қилинган. Мударриснинг йиллик маоши 240 рубль, юқори синф талабаларининг йиллик нафақаси 16 рубль, ўрта синф

³⁶⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-я., 145–146-в.

талабаларнинг йиллик нафақаси 8 рубль, қуйи синф талабалариники 4 рубль бўлган³⁶⁸. Мадрасанинг вақф даромади кўп бўлганлиги учун мударриснинг маоши, талабаларнинг нафақаси ҳам нисбатан юқори бўлган. Хулоса қилиб айтиш керакки, Саидқулбек мадрасаси Кўкон хонлиги даврида, ташкил қилинган, 1820 йилдан 1876 йилгача вақф ерлари миқдори катта, улардан тушган вақф даромади ҳам кўп бўлганлиги учун мадраса хизматчилари моддий томондан яхши таъминланган ва ўқув-тарбиявий ишлар сифатли амалга оширилган эди. Шунингдек, мадрасада хўжалик ишлари ҳам талаб даражасида бажарилиб, бинолар вақтида таъмирланиб, мадраса, масжид ва хужралар коникарли жиҳозланган эди. Россия империяси Кўкон хонлигини босиб олиб, вақф ерларини тортиб олиб, вақф даромадидан мадрасани махрум қилганидан кейин шароит ўзгарди. Мадрасада талабалар сони озайди, ўқув-тарбиявий иш сифати пасайди. Хонликда чоризм ҳукмронлигининг ўрнатилиши мадраса фаолиятига салбий таъсир кўрсатди ва оқибатда мадраса вақф ерини тортиб олиб, савдо-саноат мулкни даромади бўлса, ўша билан кун кўришга мажбур қилди.

Хонлиқнинг Наманган вилоятида XIX асрда бунёд этилган ва фаолият юритган айрим бошқа мадрасалари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз. В.П.Назвкий келтирган маълумотларга қараганда, Наманган вилоятининг Чуст шаҳрида 1831 йилда Халифа Мирзиёз Эшон томонидан ўзининг номи билан аталувчи кичикроқ мадраса қурилган. Мадрасанинг 11 та хужраси, 2 та дарсхонаси бўлган. Мадрасада 30 нафар талаба таълим олган. Уларга 2 нафар мударрис сабоқ берган. Мадрасада ўқув-тарбиявий ишлар сифатли юритилиши учун мадраса қурдирган Эшон 83 деясатна суғориладиган ер ҳадя қилган. Мадраса вақф мулкни икки нафар мутавалли ижарага берган. Вақф ери унумли, мўл ҳосил берадиган ер бўлганлиги учун йиллик даромади 500 рубльни ташкил этган. 2 нафар мударрисларнинг йиллик меҳнат ҳақи 150 рубль, мутаваллиларники 50 рубль бўлган. Талабалар ҳам нисбатан катта миқдорда нафақа олишган. Юқори синф талабалар 14 рубль, ўрта синф талабалар 7 рубль, қуйи синф талабалар 3 рубль 50 копеек миқдорда нафақа олган³⁶⁹.

Наманган вилоятининг эшонларидан бири Махзум Эшон 1850 йилда Намаган шаҳрида ўз номидан мадраса барпо этган. Мадраса 20 та хужра ва 1 та дарсхонадан иборат эди. Махзум Эшон мадрасасида

³⁶⁸ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 49-в.

³⁶⁹ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 50-51-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

ўртача 40 нафар талаба ўқиган ва уларга 1 нафар мударрис дарс берган. Махзум Эшон ўзининг номидаги мадрасага 15 десятина экин экиладиган ер участкасини вақф қилиб берган. Мадраса мутаваллиси ерни ижарага бериб, бир йилда 80 рубль ижара ҳақи олган³⁷⁰. Мутавалли вақф даромадини вақфномада белгиланган шарт бўйича сарфлаган.

1850 йилда Баҳодир Хўжа Эшон Наманган шаҳрида ўз номида мадраса бунёд этган. Мадраса кичкинагина бўлган, 11 та хужра ва 1 та дарсхонадан иборат эди. Мадрасада 1891–1892 ўқув йилида 10 нафар талабага 1 нафар мударрис сабоқ берган. Баҳодир Хўжа Эшон мадрасада ўқув-тарбиявий нишлар амалга оширилиши учун 60 десятинадан ортиқроқ суғориладиган ерни вақф қилиб берган. Мутавалли вақф ерни деҳқонларга ижарага бериб, ҳар йили 150 рубль даромад олган ва мадраса кам-кўстига сарфлаган³⁷¹.

Наманган шаҳрида 1851 йилда шаҳарнинг зиёли инсонларидан бири Муллатош Домулла ўз номида мадраса қурдирган. Мадраса нисбатан кичик бўлган, унинг 16 та хужраси ва 1 та дарсхонаси бўлиб, унда ўртача 30 нафар талаба сабоқ олган. Талабаларга 1 нафар мударрис таълим берган. Муллатош Домулла мадраса фаолиятини юритиш учун унга 16 десятина экин экиладиган ер ва 3 та дўконни ҳадя тариқасида вақф қилиб берган. Мутавалли мадрасанинг вақф мулкларини вақфкор деҳқонларга ва тадбиркорларга ижарага бериб, йилда ўртача 120 рубль даромад олган. Вақфномадаги эҳсон қилувчининг шартига кўра мутавалли вақф даромадининг 10/1 қисмини, яъни 12 рубльни мударрисга, даромаднинг 10/3 қисмини, яъни 36 рубльни юқори синф талабаларининг ҳар бирига 3 рубль 20 копеекдан, ўрта синф талабаларига 1 рубль 60 копеекдан, куйи синф талабаларига 80 копеекдан бўлиб берган³⁷². Вақф даромадидан, шунингдек, мадрасанинг бошқа ходимларига ҳам меҳнат ҳақи берилган.

1851 йилда Наманган шаҳри катта ер эгаларидан бири Яқуббой Ал-Мурод мадраса барпо этган. Мадрасанинг 15 та хужраси ва 1 та дарсхонаси бўлган. Мадрасада 40 нафар талабага 1 нафар мударрис сабоқ берган. Мадраса ишини юритиш учун Яқуббой ўзининг хусусий мулкидан 133 десятина ер участкасини вақф қилиб берган. Яқуббой мадрасага катта миқдордаги ерни эҳсон қилганидан кўри-

³⁷⁰ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 49–50-в.

³⁷¹ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 49–50-в.

³⁷² ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 49–50-в.

ниб турибдики, у Наманган вилоятининг йирик ер эгаси бўлган. Мутавалли бу ерни ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ижарага бериб, бир йилда 190 рубль даромад қилган. Мадрасанинг вақф даромади қуйидагича тақсимланган: мутаваллига 19 рубль, мударрисга 56 рубль, юқори синф талабаларига 4 рубльдан, ўрта синф талабаларига 2 рубльдан, қуйи синф талабаларига 1 рубльдан берилган³⁷³.

Чуст шаҳри Наманган вилоятининг қадимий шаҳарларидан бири бўлган. Унда анчагина мадрасалар мавжуд эди. Биз юқорида тилга олган Ҳазрат Мавлон, Мир Ниёз Эшон мадрасаларидан ташқари Муҳаммад Юсуф Халфа номли, Жамиқ номли ва Хон номли мадрасалар фаолият олиб борган.

Хон мадрасаси В.П. Наливкин кўрсатган маълумотга биноан 1870 йилда Чуст шаҳрида Худоёрхон томонидан бунёд этилган. Мадраса Наманган вилоятининг нисбатан йирик мадрасаларидан бири бўлган. Унинг 30 та ҳужраси, 1 та дарсхонаси бўлган. Мадрасада 1891–1892 ўқув йили 60 нафар талаба таълим олган ва уларга 1 нафар мударрис сабоқ берган. Мадрасасида ўқув-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш ва унинг эҳтиёжини қондириш мақсадида Худоёрхон мадрасага 36 та дўкон ва 1 та ҳаммомни вақф қилиб берган. Мутавалли мадрасанинг вақф мулкларини ижарага бериб, бир йилда 300 рубль даромад қилган. Мутавалли вақф даромадини мадраса вақфномасида Худоёрхон томонидан белгиланган шартга кўра, ўндан бир қисмини, яъни 30 рубльни ўзи олган. 90 рубльни мударрисга берган ва мадраса талабаларига ҳар бир ҳужрага 5 рубльдан бўлиб берган³⁷⁴. Одатда, мадрасанинг масжиди ҳам бўлган. В.П. Наливкин тузган жадвалда масжид ходимлари, мадраса фарроши, сартароши ва бошқаларнинг меҳнат ҳақи тўғрисида маълумот берилмаган.

Кўкон хонлигидаги Наманган вилоятининг кўп сонли мадрасалари давлат ташкилотлари учун кўплаб мутахассислар етиштириб берган. Мадрасаларни битирганлар хонлик идораларида мирза – иш юритувчи, қозихонада қози, муфтий, аълам, масжидларда имом, хатиб лавозимларида хизмат қилган. Мадрасани тугатган муллалар Наманган вилоятининг маданиятини ривожлантириш ишига муҳим ҳисса қўшганлар. Улар орасидан ёзувчилар, шоирлар, олимлар етишиб чиққан. Вилоятлардаги мадрасаларни тамомлаб, Бухоро. Кўкондаги машҳур мадрасаларда малакасини ошириб, диний илмлар асосини чуқур эгаллаган муллалар мадрасаларда мударрис, му-

³⁷³ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 48–49-в.

³⁷⁴ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 50–51-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

таввали лавозимларида ишлаган. Кўпчилик мадрасаларни битирганлар Наманган мактабларида домудла, қорихоналарда қорибоши бўлиб ёшларга таълим-тарбия беришган. Мадрасани тугатиб, кенг билимли бўлган зиёлилар Наманган вилоятини ривожлантиришга, айниқса, унинг маданияти гуллаб-яшнашига хизмат қилганлар.

4.2-§. Қорихона ва мактаблар

Ислон динининг муқаддас китоби Қуръони Каримни тўла ёд олдирадиган, кироат билан ўқишни ўргатадиган ўқув юрти – қорихоналар Наманганда нисбатан кўп бўлган. Архивда сақланаётган Фаргона вилояти бошқармасининг вилоят уездлари бўйича Туркистон ўлкаси ер-солик тизими тўғрисидаги қоидаларни б-моддасига асосан, вақф ҳужжатларини текширган вақф ташкилотлари рўйхати (1887–1895 йй.) номли ҳужжатдаги маълумотларга кўра, Наманган уезида 72 та, Қўқонда 25 та, Марғилонда 45 та, Андижонда 20 та, Ўшда 16 та қорихона мавжуд бўлган³⁷⁵.

Туркистондаги рус маъмурияти томонидан тўпланган маълумотларга қараганда, Фаргона водийсидаги энг қадимги қорихона Наманганда бўлган. Бу қорихона 1593 йилда Косон қишлоғининг Хапала ҳожи маҳалласида ташкил қилинган. Қорихонада, одатда, Қуръонни чиройли кироат билан ёддан ўқийдиган битта домудла – қорибоши бир неча ўқувчиларга таълим берган. Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатда 1888 йилда Косон қишлоғидаги қорихонада 1 нафар қорибоши 3 нафар ўқувчиларга сабоқ берганлиги тўғрисида маълумот берилган. XVIII асрнинг 40-йилларида (ҳужжатда 174-деб ёзилган. Бизнингча, йили аниқ бўлмаганлиги учун охири рақам кўрсатилмаган) Тўрақўрғон волостининг Кичик Қўрғон қишлоғида бунёд этилган қорихонада 1 нафар қорибоши 5 нафар ўқувчиларга таълим берган³⁷⁶. Қорихоналарда ўқиш 4–5 йил давом этган. Талабалар жума кунидан ташқари ҳар кун эртадан кечгача Қуръон сураларини ёдлашган.

Наманганда XVI асрда қорихонанинг мавжудлиги, унда қорилар тайёрланганлиги ўша даврда ислон дини Наманганда анча ривожланганлигидан, халқ орасида бундай кадрларга эҳтиёж бўлганлигидан дарак беради. Қорихона битириб чиққан қорилар масжидларда ва маҳалла аҳолисининг ҳудойи ва маракаларида Қуръон ўқиб хизмат

³⁷⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-й., 1–53-в.

³⁷⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 147-в.

қилган ва бу хизмати учун совға, садақа олган. Қўқон хонлигининг Наманган вилоятида аҳолининг ислом динига эътиқоди, бошқа вилоятларга нисбатан, жуда баланд бўлган. Шу сабабли Наманган вилоятида исломий ўқув юртлари ҳам, бошқа вилоятларга нисбатан кўп бўлган. 1887 ва 1888 йиллардаги Наманган уезди ўқув юртлари тўғрисидаги ахборотномада 30 та қорихона рўйхатга олинган ва улар ҳақида маълумотлар берилган. Аслида вилоятда қорихоналар 30 тадан кўп бўлган. 1887 йилда Наманган уезди бўйича Фарғона вилояти бошқармасига вақфномаларини топширган диний ташкилотлар рўйхатида 60 та қорихона рўйхатга олинган³⁷⁷. 1887 йилдаги ахборотномада келтирилган 30 та қорихонадан 20 таси Қўқон хонлигида XIX асрда, яъни, 1801–1876 йилларда бунёд этилган, 2 та қорихона эса XIX асрдан олдин ташкил бўлган. 15 та қорихона Қўқон хонлиги Россия империяси томонидан босиб олинганидан кейин, яъни 1876–1887 йилларда барпо этилган. 3 та қорихонанинг йили кўрсатилмаган.

Қўқон хонлигида XIX асрда бунёд этилган 20 та қорихонадан 4 та қорихонада ўқувчилар сони кўп бўлган, уларнинг сони 11 нафардан 27 нафаргача етган. Булардан фақат битта қорихонада, энг кўп – 27 нафар ўқувчи ўқийдиган қорихонада 2 нафар қорибоши, ўқувчиларнинг домулласи дарс берган. Қолган қорихоналарда фақат бир нафар қорибошилар сабоқ берган. 8 та қорихонада 2 нафардан 10 нафаргача ўқувчи ўқиган. 8 та қорихона ўқувчилари сони кўрсатилмаган, лекин қорибошилар сони кўрсатилган. Эҳтимол, 1887 ва 1888 йилларда бу қорихоналарда ўқувчилар ўқимаган бўлса керак.

Қорихона қурдирган шахс, одатда, ўз номидаги қорихонага вақф мулки ҳам васият қилган ва вақфнома туздирган. Лекин 1887 йилдаги Наманган уезди ўқув юртлари ахборотномасидаги ҳар бир қорихона учун сарфланган вақф даромади деб номланган графа (устун)да сарфланган маблағ миқдори кўрсатилган. Қолган қорихоналар учун ўқувчилар ота-оналаридан йиғилган маблағ сарфланган деб кўрсатилган. Қўқон хонлигида XIX асрда қурилган 20 та қорихонадан фақат 3 та қорихонага вақф мулки даромадидан маблағ сарфланган. 17 та қорихонанинг маблағи бўлмаган. Демак, вақф мулки бўлмаган, ўқувчилардан йиғилган маблағ қорихона харажатига, асосан, ўқитувчи қорибошининг меҳнат ҳақига сарфланган³⁷⁸. Бу вақф мулки ва вақф маблағи бўлмаган қорихоналар Қўқон хонлиги даврида, ташкил бўлган вақтида вақф мулки, шубҳасиз, бўлган.

³⁷⁷ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33468-й., 4-в.

³⁷⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 147–148-в.

1887–1888 йилларга келиб, бу қорихоналар вақф мулкидан маҳрум бўлиб қолишига сабаб, ислом динига қарши бўлган Россия империяси ҳукумати ва унинг Туркистондаги маъмурияти томонидан қорихона ва бошқа ўқув юртлари вақф мулклари мусодара қилиниб, давлат мулкига айлантирилганлигида бўлиши мумкин.

Қўқон хонлигида XIX асрда бунёд этилган қорихоналарда қанчадан ўқувчи сабоқ олганлигини, ўқувчиларнинг домулласи – қорибошилар иш ҳақи билан қандай таъминлаганини кўриб чиқамиз. Наманган шаҳрида 1850 йилда қурилган Мулла Тош номли қорихонада 1887 йилда 2 нафар қорибоши 27 нафар ўқувчини ўқитган. 1888 йилда ўқувчилар сони кескин қисқариб 12 нафарга тушиб қолган. Уларга 2 нафар қорибоши сабоқ берган. Қорихонанинг вақф мулки, вақф маблағи бўлмаган. Қорибошилар ўқувчиларнинг ота-оналаридан йиғилган пулдан иш ҳақи олган.

Наманган шаҳрининг Сардоба мавзесида 1863 йилда Охунжон Абдумажидов ўзининг номидаги қорихонани қурдирган. Бу қорихонани мусулмонлар фойдаланиб фарзандларини ўқитишлари учун вақф қилиб берган. Бу қорихонада 1887 йилда 25 нафар ўқувчига 1 нафар қорибоши дарс берган. 1888 йилда ўқувчилар сони кескин камайиб 4 нафар ўқувчига тушиб қолган ва уларга 1 нафар қорибоши сабоқ берган. Қорихонани вақф даромади бўлмаганлиги учун – ўқувчилар ота-оналаридан бир йилда 15 рубльгача пул йиғилган. Ўқувчиларни ўқитгайлиги учун қорибоши ўқувчилардан йиғилган пулдан иш ҳақи олган. Қорихонада ўқувчилар сонининг камайишига ўқишни пуллик бўлганлиги сабаб бўлган дейиш мумкин.

Наманган шаҳрининг Дерезлик мавзесида 1858 йилда қурилган Махзум Эшон номли қорихонада 1887 йилда 1 нафар қорибоши 6 нафар ўқувчига сабоқ берган. 1888 йили “Қорихона ўқувчилари сони ортиб 15 нафарга етган ва 1 нафар қорибоши уларга дарс берган. Қорихонани вақф даромади бўлган. 1887–1888 йилларда қорихона эҳтиёжи учун 14 сўм 20 тийин пул сарфлаган. Қорихонада ўқувчилар сони бир йилда 9 нафарга ортишининг сабаби, эҳтимол ўқиш бепул бўлгани учун бошқа пуллик қорихоналардан бу қорихонага ўқувчиларнинг ўтгани билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Наманган шаҳрининг бойларидан бири Султон Махмуд оқсоқол Наманганнинг Дерезлик мавзесида 1869 йили қорихона қурдирган. 1887 йили қорихонада 1 нафар қорибоши 14 нафар ўқувчига дарс берган. 1888 йили ўша қорибоши 12 нафар ўқувчига сабоқ берган.

Қорибоши ўқувчилардан йиғилган пулдан меҳнат ҳақи олган³⁷⁹. Ўқувчиси кўп бўлган қорихонанинг ҳужралари кўп ва у катта қорихона ҳисобланган. Юқорида кўриб чиқилган ўқувчилари кўп қорихоналарнинг, тахминан, 10–15 та ҳужраси бўлиши керак. Бундай қорихоналарда 20–30 нафаргача қориваччалар истиқомат қилиб ўқиши мумкин бўлган. Лекин катта қорихоналар кам бўлган. Одатда, қорихоналар кичик бўлган ва 2–10 нафар ўқувчи ҳужраларда яшаб ўқиган.

1863 йилда Наманган шаҳрининг Лаббайтоға мавзесида Офаканш Аюбхўжа Эшонов нисбатан кичкина қорихона қурдирган. Қорихонада 1887 ва 1888 йилларда 1 нафар қорибоши 2 нафар ўқувчига сабоқ берган. Қорибоши ўқувчилар ота-оналаридан йиғилган маблағдан ўқувчиларни ўқитганлиги учун меҳнат ҳақи олган.

Кўкон хонлиги Наманган вилоятининг Тўрақўрғон қишлоғидаги Хушвақт Дониёров масжиди қошида 1873 йилда масжид қурдирган шахс қорихона ҳам қурдирган. 1887 йилда қорихонада бир нафар қорибоши 4 нафар ўқувчига дарс берган. 1888 йилда шу қорихонада 5 нафар ўқувчи ўқиган ва 1 нафар қорибоши уларга сабоқ берган. Қорихонани вақф мулки ва вақф даромадли бўлган. Қорихона мутаваллиси қорибоши меҳнат ҳақи учун ҳар йили 50 рубль сарфлаган.

Наманган вилоятининг Косов қишлоғида Ғозипоя мазори қошида 1872 йилда қорихона бунёд этилган. 1887 йилда ўша қорихонада 1 нафар қорибоши 11 нафар ўқувчига дарс берган. Қорибоши ўқувчилардан йиғилган маблағдан болаларни ўқитганлиги учун ҳақ олган. Наманган шаҳрининг Сардоба мавзесида Сардоба мадрасаси қошида Шо Лабутдин Ҳожи Комил Ҳожиев 1858 йилда қорихона қурдирган. Бу қорихонада 1887–1888 йилларда 1 нафар қорибоши 10 нафар ўқувчига сабоқ берган. Қорихонанинг вақф мулки ва вақф маблағи бўлган. Мутавалли қорихона кам-кўсти ва қорибоши меҳнат ҳақи учун ҳар йили 126 рубльдан сарфлаган³⁸⁰.

Қорихона қуриш ҳам масжид, мактаблар бунёд этиш сингари имконияти бор бой одамлар учун одат бўлган. Бошқа вилоятларга нисбатан Наманган вилоятида қорихоналар кўп қурилган. Қорихона қуриб, у қурилган шаҳар ёки қишлоқ ёшлари ўқиши, билим олиши учун руҳонийларга Худо йўлида вақф қилиб берганлиги вақф қилувчи учун савоб иш бўлган, бунинг учун Аллоҳ марҳаматига.

³⁷⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 147-в.

³⁸⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 147–148-в.

Куръонда айтилганидек, жаннати бўлишга умид қилган. Иккинчидан, қорихона қуриб унга вақф мулки таъсис қилган шахс номига, у вафот этганидан кейин унинг рухига қорихона хизматчилари – қорихона вақф мулкидан фойдаланувчилар қорибоши, фаррош ва бошқалар, шунингдек, ўқувчилар номозларида ва бошқа маросимларда дуо қилиб туришган.

Наманган шаҳрининг обрўли руҳонийларидан бири Эшон Бузург Хўжа ва Дарвиш Биби Ойим, фарзанди Умр Эшон ҳижрий 1287 (милодий 1870) йили қорихона қурдириш ва унга вақф мулки эҳсон қилиб, вақфнома туздиритишга вақф қилувчи қариллиги учун у ишончли вакил қилиб қозига Файзулла Хўжа Тўраевни тайинлаган эди. Эшон қорихона қуриши учун Наманган шаҳрининг Ғариб-Гурметан маҳалласидан, тахминан, 3 чек миқдордаги боғ майдони ажратилган. Бу ер қорихона қуриш учун етарли бўлмаса, бошқа ерлар ҳисобидан кўпайтириш мумкин, деб кўрсатиб ўтилган вақфномада. Қорихона бунёд этилиб, фаолият юритиши учун Шишаки деган жойда, тахминан, 20 таноб бедалояни вақф қилган. Қорихона мутаваллиси қилиб, вақф қилувчи ўзининг ўғли Махзум Хўжани тайинлаган. Ундан кейин шу лавозимга лойиқ бўлган Эшон фарзанди қўйилиши керак, деб белгиланган.

Вақф қилувчи қорихона вақф даромадидан фойдаланиш тартибини кўрсатиб берган. Мутавалли вақф даромадидан ундан бир қисмини ояғанидан кейин, қолган даромадни иккига бўлиб, бир бўлагини қорибошига – ўқитувчига, иккинчи бўлагини ўқувчиларга тенг бўлиб бериши шарт қилиб қўйилган. Шунингдек, вақф қилувчи қорихона бивосини қуришга 600 танга ажратиб берган. Мабодо қорихона қурилишидан пул ортиб қолса, қорихона хужраларида яшовчи ўқувчиларга бўлиб бериш керак, деб кўрсатилган эди вақфномада. Вақф қилувчининг шартли бўйича қорихонада яшовчи қорилар ҳар қуни барчалари йиғилганидан кейин вақф қилувчи вафотидан сўнг унинг рухия шод қилиш учун Куръондан тўртдан бир пора, вақт бўлса 0,5 пора ўқиш керак бўлган. Эшон томонидан таъминланган ишончли вакил вақф қилувчининг вафотидан кейин ўтказиладиган эҳсон-худойи, марака ўтказишга 25 тилла ва 15 та халат вақф қилган³¹¹. Архивда бу қорихонага тегишли бошқа хужжатлар топилмади. Лекин қорихона қуриш учун жой, маблағ унинг учун вақф мулки ажратилганлигини ҳисобга олиб, қорихона қурилган ва фаолият юритган деб ишонч билан айтиш мумкин.

³¹¹ ЎЗР МДА. И-19-ф., 1-р., 34861-й., 57-58-в.

Қорихона фаолиятини юритишда унинг вақф мулки миқдори, сифати муҳим рол ўйнайди. Шу туфайли қорихоналарнинг вақф мулки ҳақида айрим маълумотлар келтирёмиз. Наманган шаҳрининг Дегрезлик даҳасида 1851 йилда Мулла Тош Домулла ўзининг номидаги қорихонани курдирган. Қорихонанинг, 1907 йилдаги маълумотга кўра, 16 таноб вақф ери бўлган. Мутавалли бу ерларни чорикорларга ижарага берган. Бир йилда 450 рубль даромад қилган. Вақф еридан тушган даромадни мутавалли қорихонани таъмирлашга ишлатган ва қолган даромадни қорибоши ва ўқувчиларга бўлиб бериб, қорихонада ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилган.

Наманган шаҳрининг Лаббайтога даҳасида бадавлат оила аъзоси бўлган Офтоб ойим томонидан 1855 йилда қорихона бунёд этилган. 1907 йилда қорихона мутаваллиси лавозимига Хўжа Мусахон Эшон Бобохон Тўраев сайланган, қорихонани 200 таноб вақф ери бўлган. Мутавалли бу ерларни чорикорларга ижарага бериб, 1906 йилда 700 рубль даромад қилган. Айтиш мумкинки, вақф еридан Кўкон хонлиги даврида ҳам, тахминан, шунча даромад қилган. Мутавалли бу даромадни қорихона эҳтиёжи учун сарфлаб, қорибошини мोजना билан, ўқувчиларни эса нафақа билан таъминлаб, ўқув-табиявий ишларни олиб борган. Ўша Лаббайтога даҳасида 1880 йилда Катта Хўжа бунёд этган қорихона бўлган. Унинг 30 таноб вақф ери бўлиб, йиллик даромади 150 рубльни ташкил этган. Қорихона мутаваллиси Мулла Эшон Бобохон Тўра Катта Хўжа Эшовов вақф ерини ижарага бериб, вақф даромади ёрдамида ўқув юрти фаолиятини юритган³⁸².

Лаббайтога даҳасидаги 1891 йилда барпо этилган Рустам Оғалиқ қорихонасининг 4 таноб вақф ери бўлган. Қорихона мутаваллиси Мирза Маҳмуд Хўжа Рустам Оғаликов вақф ерини ижарага бериб, тушган даромадни қорихона ходимлари ва ўқувчиларга бўлиб бериб, ўқув-тарбиявий ишларни ташкил қилган³⁸³.

Юқори мартабали, бадавлат инсонлар томонидан бунёд этилган қорихоналар, одатда, йирик бўлган ва вақф мулки ҳам шунга яраша кўп бўлган. Вақф мулкининг кўпчилиги, вақф даромади миқдори катта бўлганлиги туфайли қорихона ходимлари, қорибошилар, ўқувчилар кўп бўлган. Қорихона аъзолари моддий томондан яхши таъминланиб, ўқиш сифати юқори бўлган, малакали қорилар етиштириб чиқарган. Натичада қорихона нуфузи ортган. Вақф мулки даромади кам қорихоналар нисбатан кичик, талабалар сони кам, нуфузи пастроқ бўлган.

³⁸² ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 33610-й., 205-в.

³⁸³ ЎЗР МДА, И-47-ф., 1-р., 33610-й., 207-в.

Қорихоналар орасида вақф мулклари кўпи оз бўлган. Қорихоналарни ўртача вақф мулки 10–30 таноблилар ташкил қилган. Вақф мулки 5 ва ундан оз таноб ери бўлган қорихоналар ҳам кам бўлган.

Қорихонада ўқиш жума кунидан ташқари ҳар куни пешингача давом этган. Кейин ўқувчилар хужраларида мустақил дарс қилишган. Қорибоши, даставвал, араб алифбоси, арабча ҳарфлар билан таништириб, Қуръонни бемалол ўқийдиган даражага етказган. Қорибаччалар шундан сўнг Қуръонни ёдлашга киришган.

Ўқувчилар қорихонада 4–5 йил давомида устозидан сабоқ олган. Қорихонани битирган қорилар масжид, мадраса, мазорлар ва бошқа диний ташкилотларда хизмат қилган.

Биз таҳлил қилаётган ҳужжатда Наманган вилоятида XVIII асрда ташкил бўлган 13 та мактаб қайд қилинган. Ундан олдинги асрларда мактаблар бўлганлиги ёзилмаган. Бу мактаблар рўйхатта олинган 1888 йилда мавжуд бўлган ўқув юртларидир. Мактаблар илгари ҳам бунёд этилган, XVIII асрда 13 та эмас, ундан кўп мактаблар фаолият кўрсатганлиги, шубҳасиз.

Ҳужжатда XVI асрда Наманганда мадраса ва қорихона бўлганлигини кўрдик. Одатда, мактабни битирган болалар мадраса ва қорихонага ўқишга кирган. Демак, XVIII асрдан илгари ҳам мактаблар бўлган.

Мактаблар айрим мулкдорлар томонидан мактабхона учун қурдирган махсус биноларда фаолият олиб борган. Айрим ҳолларда улар масжидлар қошида очилган. Жавдалда кўрсатилган 13 та мактабдан 7 таси масжидлар қошидаги мактабхонада машғулот олиб борган. Бу мактабларда ўқувчиларга масжид имоми ёки сўфиси дарс берган. Аёллар мактаби алоҳида бўлган, отинойилар қизларга сабоқ берган.

Наманган вилоятидаги мактабларнинг 3 таси Наманган шаҳрида, қолганлари қишлоқларда бунёд этилган. Шаҳардаги мактаблардан биттаси Лаббайтоға мавзесида жойлашган. Муҳаммад Иброҳим Эшон масжиди қошида 1787 йилда ташкил қилинган мактабда 1888 йилда 30 нафар ёшга 1 нафар домулла дарс берган. 1893 йилда бунёд этилган Эшон ойим мактабида бир нафар домулла 25 нафар болага таълим берган. Наманган шаҳридаги учинчи мактаб Дегрез мавзесида 1798 йилда қурилган бўлиб, 1888 йилда 17 ўқувчига бир нафар домулла сабоқ берган.

Наманган вилоятининг қишлоқларида қурилган дастлабки мактаб 1738 йилда Хонобод қишлоғида бунёд этилган. Мактабда 1888

йилда 22 нафар ўқувчи 1 нафар домулладан сабоқ олган. Наманган вилоятининг Ҳазрат Шоқишлоғида 1757 йилда Бузрук хўжа Шоқайнарев масжиди қошида мактаб очилган. 1888 йили унда 55 нафар ўқувчига бир нафар домулла дарс берган. Нисбатан қадимги яна бир мактаб 1758 йилда Янги Кўрғон қишлоғида бунёд этилган. Бу Таланбой Сўфибоевнинг мактаби ҳисобланади. 1888 йилда бу мактабда 25 нафар болага бир нафар домулла таълим берган. Бу мактаблар чор маъмурлари томонидан ҳисобга олинган йилдан 130–150 йил илгари қурилган бўлишига қарамай, пишик, лухта, эҳтимол пишик гиштдан қурилган бўлса керакки, шикастланмай, улар бузилмай сақланиб қолган ва фаолиятини давом эттирган.

Наманган вилоятининг Гулзор Сарой қишлоғида 1768 йилда ташкил бўлган Ўрта маҳалла масжиди қошидаги мактабда 1888 йилда бир нафар домулла 15 нафар ёшга дарс берган. Катта Тошбулоқ қишлоғида 1787 йилда Ҳожи хўжа Эшон масжиди ҳузурдаги мактаб очилган. Бу мактабда 1888 йилда 29 нафар ўғил бола ва 12 нафар қиз бола ўқиган ва бир нафар домулла сабоқ берган. 1787 йилда Фармон қишлоғида Хусанбой Қўқонбоевнинг ва Эскиобод қишлоғида Дарвишаги Ҳожи Абдулла Ҳожининг мактаблари очилган. 1888 йилда ҳар иккала мактабда биттадан домулла дарс берган ва биринчи мактабда 10 нафар, иккинчисида 20 нафар бола сабоқ олган. 1788 йилда Ирвадон қишлоғининг Оғалиқбой масжиди қошида битта ва Янги Кўрғон қишлоғида Ниёз Кучакбой Ирис Муҳамедов мактаблари ўз фаолиятини бошлаган. 1888 йилда бу мактабларнинг биринчисида, бир нафар домулла 21 нафар, иккинчисида, бир нафар домулла 30 нафар ўқувчини ўқитган. 1798 йилда Ғирвон қишлоғидаги Домулла Бобо масжиди қошида мактаб очилган ва унда 1888 йилда бир нафар домулла 25 нафар болага сабоқ берган.

Одатда, мактабда бир нафар домулла 5–15 нафар болани ўқитган. 1888 йилда рўйхатга олинган 296 та мактабнинг ярмидан кўпида 15 нафаргача бола сабоқ олган. Фақат ярмидан озида 15 нафардан ортиқ ёш таълим олган. Шу мактабларнинг XVIII асрга оид мактабда эса, фақат иккитасида, 10 ва 15 нафар бола ўқиган, қолган 11 тасида 17 нафардан 55 нафаргача бола домулладан билим олган.

Демак, бу мактабхоналарнинг биноси кенг, 30–40 нафар ва ундан ҳам кўп бола сифадиган бўлган.

Домулла болаларни ўқитганлиги учун ота-оналар ўқитувчи хизматини тақдирлаб, совға қилиб турган. Ота-она ўз фарзандини домуллага ўқишга берганида сарнолар олиб келган. Шундан кейин ҳар

пайшанба куни ўқувчи домулласига пайшанбалик, ҳар ким имкониятидан келиб чиқиб ошга керакли маҳсулот ёки вон олиб келган. Бундан ташқари, одатда, бир китобни ўқишни тугатганида яна ота-она томонидан домуллага тортиқ қилинган. Қишлоқларда ҳосил йиғилганида ота-оналар домуллага ғалла совға қилган. Мактаб домулласининг хизмат ҳақи ўқувчилар ота-оналарининг мана шундай туҳфаларидан ташкил топган.

Эски мактабда ёшларга диний таълим берилган. Араб алифбосини ёзиш, ўқиш ўргатилган. Қуръоннинг кичик суралари ва айрим оятлари ёдлатилган. Номоз ўқиш ўргатилган. Ўқувчиларга мусулмонча одоб-ахлоқ нормалари тушунтирилган. Классик адабиёт намуналари, хусусан, Навоий, Бедил каби буюк шоирлар асарлари билан таништирилган.

XIX асрда Қўқон хонлиги ҳудуди кенгайиши билан бирга, Ўрта Осиёдаги энг йирик давлатлардан бирига айланиб, сиёсий-иқтисодий жиҳатдан мустақкамланди ҳамда маданияти ривожланди. Бу ерда мадраса, қорихоналар билан бирга кўплаб мактаблар бунёд этилди. Наманган уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига жўнатган⁷⁴ 1887 ва 1888 йиллардаги Наманган уезди ўқув юртлиари рўйхати⁷⁵ да 42 та мадраса, 40 та қорихона ва 296 та мактаб тўғрисида ахборот берилган. Бу ҳужжатда Андижон уезди мактаблари рўйхатидаги маълумотлар каби ахборот берилган. Мактаблар рўйхати жадвалида ўқув юртининг номи, бунёд этилган йили, ўқитувчи ва ўқувчилар сони, ҳар бир ўқув юртига сарфланган харажат, мактаб жойлашган шаҳар, қишлоқ сингари маълумотлар сўралган. Энг муҳими жадвалда мактабнинг ташкил топган йили кўрсатилган. Бу маълумот ёрдамида Наманган уезди (илгариги Қўқон хонлиги, Наманган вилояти)да XIX асрда қанча мактаб қурилиб ишга туширилганлигини аниқлаб олиш мумкин.

1887 йилдаги мактаблар рўйхатини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Наманган вилоятида XIX асрда (1801–1876 йилларда) 156 та мактаб бунёд этилган. XIX асргача қурилган ва 1887 йилгача фаолият кўрсатган мактаблар 13 та бўлган. Қўқон хонлиги Россия томонидан босиб олиниб, унинг ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилганидан кейин, яъни 1877–1887 йилларда барпо этилган мактаблар 68 та бўлган. Бундан ташқари жадвалда 59 та мактабнинг ташкил этилган йили кўрсатилмаган. Жадвалда ҳаммаси бўлиб 296 та мактаб тўғрисида маълумот берилган⁷⁶. Биз юқорида Андижон уезди

⁷⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 12206-й., 148–160-в.

мактаблари бўйича ёзганимиздек, Наманган уезди мактабларининг 1887 йилдаги рўйхатидан XIX аср Қўқон хонлиги даврига оид 156 та мактабларни ажратиб олиб, тадқиқотда шуларни тахлил қиламиз. Рўйхатда йиллари кўрсатилмаган мактаблардан бир қисми Қўқон хонлиги даврига оидлигини ҳисобга олиб, шуни айтиш мумкинки, XIX асрда Қўқон хонлиги даврида барпо этилган мактаблар сони рўйхатдаги мактабларнинг деярли учдан икки қисмини ташкил этади. Демак, Наманган уезди мактаблар рўйхати Туркистон генерал-губернаторлиги идоралари томонидан тузилганлигига қарамай, бу ҳужжатда асосан, Қўқон хонлиги даврига оид мактаблар ҳақида маълумот берилган. Шунинг учун Фарғона вилояти уездларидаги мактаблар рўйхатлари Қўқон хонлиги миллий маорифи тарихи бўйича муҳим манба ҳисобланади.

Наманган уезди мактаблари рўйхатидаги маълумотларга қараганда XIX асрнинг 1820 йилига қадар Қўқон хонлиги Наманган вилоятида 10 тадан ортиқ мактаб бунёд этилган эди. Жумладан, 1807 йилда қурилган Кепин волости, Жийдакапа қишлоғидаги Қирғизбой Оқсоқол мактабида 13 нафар бола ўқиган, 1808 йилда ташкил бўлган Наманган шаҳри, Лаббайтоға даҳасидаги Нематжон Девонбеги мактабида 15 нафар ўқувчи, 1808 йилда барпо этилган Косон волости, Косон қишлоғидаги, Қўқанлик Ота мактабида 5 нафар ўқувчи, Чодак волости Тошқўрғон маҳалласидаги мактабда 20 нафар ўқувчи, 1808 йилда қурилган Терговчи Нанай волости, Заркент қишлоғидаги Изар Алимбоев мактабида 10 нафар ўқувчи ўқиган. 1811 йилда бунёд этилган Асхишахон волости Шахонд қишлоғидаги Қаландар Девона мактабида 6 нафар ўқувчи ўқиган, 1812 йилда қурилган Наманган шаҳри Лаббайтоға даҳасидаги Ҳазрат Мавлон мактабида 70 нафар бола сабоқ олган. 1818 йилда қурилган Наманган шаҳри Чуқур кўча даҳасидаги Мирниёз Эшон мактабида 22 нафар бола ўқиган. 1818 йилда ташкил этилган Наманган шаҳри Дегрезлик даҳасидаги Тохир Махзум мактабида 15 нафар ўқувчи ўқиган. 1823 йилда барпо этилган Ашт волости Юқори Ашт қишлоғидаги Қози Каттаветдин мактабида 14 нафар бола сабоқ олган. 1828 йилда барпо этилган Кепин волости Шўр Қишлоқ қишлоғидаги Пиримқул Халфа мактабида 10 нафар ўқувчи ўқиган.

Наманган вилоятидаги мактабларнинг Қўқон хонлиги бошқа вилоятилари мактабларидан фарқи, ўзига хос томонлари бўлган. Бу шундан иборат бўлганки, XIX аср Қўқон хонлиги Наманган ви-

лоятидаги мактабларнинг кўпчилиги қисми, яъни 156 та мактабдан 93 таси масжидлар қошида фаолият юритган. Масалан, 1806 йилда бунёд этилган Уйчи волости, Чуртук қишлоғидаги Тошпарбой масжиди қошидаги мактабда 8 нафар ўқувчи ўқиган. 1807 йилда барпо этилган Қирғиз Қўрғон волости Қирғиз Қўрғон қишлоғидаги Мулла Мозоркул масжиди қошидаги мактабда 11 нафар ўқувчи сабоқ олган. 1813 йилда барпо этилган Қирғиз Қўрғон волости Қирғиз Қўрғон қишлоғидаги Мулла Муҳаммад Юсуф масжиди қошидаги мактабда 12 нафар ўқувчи ўқиган. 1817 йилда барпо этилган Асхишахон волости Кўшқайрағоч қишлоғидаги Мулла Отабой масжиди қошидаги мактабда 11 нафар ўқувчи таълим олган. 1817 йилда қурилган Қирғиз Қўрғон волости Катта Тошбулок қишлоғидаги Турсун Муҳаммадбой масжиди қошидаги мактабда 9 нафар ўқувчи ўқиган. 1825 йилда барпо этилган Кепиц волости Дахян Ота қишлоғидаги Алимбой масжиди қошидаги мактабда 9 нафар ўқувчи ўқиган. 1826 йилда қурилган Кепил волости Боштепа қишлоғидаги Уста Қурбонбой масжиди қошидаги мактабда 12 нафар бола ўқиган. 1827 йилда бунёд этилган Асхишахон волости Мозор қишлоғидаги Эрбўтабой масжиди қошидаги мактабда 10 нафар ўқувчи сабоқ олган. 1827 йилда ташкил этилган Қирғиз Қўрғон волости Тепа Қўрғон қишлоғидаги Муҳаммад Раҳимбой масжиди қошидаги мактабда 5 нафар ўқувчи сабоқ олган. 1828 йилда бунёд этилган Пишкарон волости Гумбат Юлдашбой масжиди қошидаги мактабда 12 нафар бола ўқиган.

Наманган уезди ўқув юртлири рўйхатининг Фарғона вилояти бошқа уездлари ўқув юртлири бўйича рўйхат маълумотларидан ажралиб турадиган яна бир томони, унда мактаб ўқитувчилари хонадонида ташкил қилинган мактаблар кўрсатилганидир. Айрим мактабдорлар ўз ҳовлисида мактаб учун махсус бино қурдириб, унда ўзи болаларга сабоқ берган. Хужжатда XIX аср Қўқон хонлиги Наманган вилоятига тегишли 15 та шундай мактаб рўйхатга олинган. Масалан, 1834 йилда ташкил этилган Олмос волости Гова қишлоғидаги Эшон Бобо ҳовлисидаги мактабда 23 нафар бола ўқиган. 1855 йилда бунёд этилган Ашт волости Гудас қишлоғидаги ўқитувчи Жуманбой хонадонидаги мактабда 22 нафар бола ўқиган. 1861 йилда барпо этилган Ашт волости Гудас қишлоғидаги ўқитувчи Ҳожин Келди хонадонидаги мактабда 18 нафар бола ўқиган. 1863 йилда барпо этилган Ашт волости Ашт қишлоғидаги ўқитувчи Мулла Абдуқариш хонадонидаги мактабда 25 нафар бола ўқиган. 1864

йилда бунёд этилган Ашт волости Ашт кишлоғидаги ўқитувчи Мулла Ибниямин хонадонидаги мактабда 20 нафар бола ўқиган. 1865 йилда бунёд этилган Ашт волости Ашаба кишлоғидаги ўқитувчи Муҳаммад Каримбой хонадонидаги мактабда 28 нафар бола сабоқ олган. 1873 йилда барпо этилган Ашт волости Ашаба кишлоғидаги ўқитувчи Мулла Юсуф Муҳаммад хонадонидаги мактабда 35 нафар бола сабоқ олган. 1873 йилда бунёд этилган Ашт волости Ашт кишлоғидаги ўқитувчи Мулла Аваз хонадонидаги мактабда 40 нафар бола таълим олган. 1874 барпо этилган Ашт волости Пнук кишлоғидаги ўқитувчи Мулла Ашурали хонадонидаги мактабда 32 нафар бола ўқиган.

Наманган уезди мактаблари рўйхатида асосан ўғил болалар ўқийдиган мактаблар рўйхатга олинган. Шу билан бирга, 10 тага яқин қиз болалар мактаби ҳам рўйхатга олинган. Қиз болалар мактаби, одатда, ўқитувчи отин ойининг хонадонида бўлган. Уларни рус маъмурлари рўйхатга олиши қийин бўлган. Қиз болалар мактаби ўғил болалар мактабидан кам бўлмаган. Наманган вилоятида 2 та отин ойилар дарс берадиган қиз болалар мактаби ва 7 та ташкил қилинган йили кўрсатилмаган қиз болалар мактаби қайд қилинган. Қиз болалар мактаблари тўғрисидаги бор маълумотларни келтирамиз.

1858 йилда бунёд этилган Варзик волости Варзик кишлоғидаги қизлар мактаби Ҳамида Отин Набиева хонадонида фаолният кўрсатган. Мактабда 18 нафар қизлар отин ойидан сабоқ олган. 1876 йилда ташкил топган мактаб Варзик волости Коркадон кишлоғидаги Мулла Муҳаммад Камол хонадонида очилган бўлиб, унда 1 нафар отин ойи дарс берган ва 8 нафар қизлар, 4 нафар ўғил бола ўқиган. Ҳужжатда 7 та отин ойилар хонадонида очилган қизлар мактабларининг бунёд этилган йили ёзилмаган. Бу мактаблар қуйидагилар: Раҳима Бону қизлар мактабида 15 нафар, Ҳадича биби мактабида 15 нафар, Малика биби мактабида 8 нафар, Нодира биби мактабида 6 нафар, Иззат биби мактабида 4 нафар, Ҳамро биби мактабида 12 нафар қиз ўқиб сабоқ олган. Мулла Довуд хонадонида очилган қизлар мактабида 12 нафар қизга 1 нафар отин ойи дарс берган. Ташкил қилинган йили кўрсатилмаган қизлар мактабларининг кўпчилиги қисми XIX аср Қўқон хонлиги даврига оид мактаблардир. Чунки Наманган уезди мактаблари рўйхатидаги ўқув юрларининг учдан икки қисми XIX аср Қўқон хонлиги даврига оид мактаблардир.

XIX асрда Қўқон хонлиги Наманган вилоятида мадраса, қорихона ва мактаблар Андижон вилоятининг шундай ўқув юрт-

ларидан анча кўп бўлган. Мулкдорлар томонидан кўпчилик фойдаланиши учун шаҳар маҳаллаларида ва вилоят қишлоқларида ўз маблағи ҳисобидан қурдирган мактаблар билан бирга айрим масжидлар қошида ҳам масжидни қурдирган тадбиркор болаларни ўқитиш учун махсус мактабхона ҳам қурдирган. Наманган вилоятидаги мактабларнинг ўзига хос томони масжидлар қошидаги мактаблар вилоятдаги мактабларнинг кўпчилигини ташкил қилганлигидадир. Масжидлар қошидаги мактабларнинг афзаллик томони улар, одатда, масжид вақф мулки даромадидан фойдаланган ва масжид имоми ёки сўфиси масжиддан маош олганлиги учун мактабда болаларни белул ўқитган. Наманган вилоятидаги мактабдорлар томонидан ўз ҳовлисида хусусий мактаб очиб болаларни ўқитиш ҳам Андижон вилоятига нисбатан анча кенг тарқалган. Қисман мадраса, қорихона ва мазорлар қошида ҳам бўлган. Наманган уезди мактаблари рўйхатида келтирилган маълумотларнинг кўрсатишича, ўқитувчи отин ойилар ўз хонадонидан кизлар учун мактаб ташкил қилиб, ўзлари маҳалла кизларини ўқитган.

Мактабда ўқиш Куръоннинг биринчи “Фотиҳа” сурасини домулла оғзаки ўқиб, болалар қайтариб, шу йўл билан ёдлаб олишдан бошланган. Шундан кейин ўқувчилар домулла лавҳ тахтасига ёзиб берган араб алифбосини ўрганишган. Сўнгра сўзларни бўғишларга бўлиб, ҳижжалаб ўқишни домулла ёрдамида билиб олган. Араб алифбосини зер-заварлари (ҳарфларни ости-устидаги белгилар) билан ўрганиб олгандан кейин болалар араб тилидаги Ҳафтияк (Куръонни қисқароқ сураларидан тўпланган 1/7 бўлаги)ни, ундаги суралар маъносини билмасдан, тушунмасдан ўқиган ва айрим кичик сураларни ёд олган. Ҳафтиякни ўқиб, ёдлаб чиққандан сўнг ўқувчилар Чоркитобни ўқишга киришган. Китоб форс тилида ёзилган. Китобда тоат-ибодат, шариатнинг қону-қоидалари: фарз, суннат, намоз ва рўза ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, унда кизиқарли воқеа ва ҳикоятлар, шарқона донолик намуналари баён этилган. Мактаб ўқувчилари шунингдек Сўфи Оллоёр, Хўжа Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий асарларидан парчаларни мутолаа қилишган. Мактабларда ўқиш 5 йил давом этган.

Мактаб домулласининг болаларни ўқитганлиги учун қатъий меҳнат ҳақи берилган тартиб-қондаси бўлмаган. Мактабларнинг жуда кам қисми вақф мулкига эга эди. Бундай мактаблар домуллаларига вақф даромадидан меҳнат ҳақи сифатида маълум қисми берилган. Масжид, мадраса, қорихоналар ўзининг қармоғидаги

4-БОБ. Наманган вилояти ислом ўқув юртлири

мактаб ўқитувчисини, одатда, вақф даромадидан таъминлаб турган. Бошқа даромади йўқ мактаблар домулласига ота-оналар болаларини ўқитгани учун ҳар пайшанба пайпанбалик деб аталган ҳадя берган. Бу ҳадя миқдори ўқувчининг ота-онаси имкониятига қараб бўлган, одатда гўшт, ёғ, гуруч, ун ва бошқа маҳсулотлар ёки пул бўлган. Шаҳардан узок чекка қишлоқларда мактаб домулласига ота-оналар бир бола учун бир йилда 1–2 пуд (1 пуд – 16,3 кг) бугдой берган. Бундан ташқари, мактабда ўрганилаётган китоблардан бирини тугатганида домуллага, одат бўйича, ўқувчининг ота-онаси озгина пул, бир парча мато, салла ёки арзон тўн совға қилган. Бу совға озодлик деб аталган. Домулла совғани олганидан кейин ўқувчиларга бир неча кун уйда дам олишига руҳсат берган. Мактаб ўқитувчилари мадрасани битирган юқори малакали тарбиячилар бўлган. Ўқитувчи – отин ойналар мустақил равишда билимдон отинбувилардан сабоқ олиб, малакасини оширган. Мактаб ўқитувчилари ёшларни саводхон қилиш билан бирга ўқимишли, илмли, тарбияли қилиб етиштирган. Наманган мактаблари вилоят аҳолиси маданиятини ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган.

Хулоса қилиб шунини айтиш керакки, Қуръон оятлари ва Ҳадисларда ҳар бир мўмин-мусулмонни илм ўрганишга даъват этилган. Қуръонда илм сўзи кўп маротаба такрорланган. Шунинг учун ислом дини Ўрта Осиёда, жумладан, Наманганга ёйилганидан кейин мусулмонлар орасида илм ўргатадиган мактаб, қорихона ва мадрасалар кенг тарқалган.

XVI–XIX асрларда Наманганда бу ўқув юртлирининг мавжудлиги ўша даврларда маданият, маърифат, маънавий ишлар анча тараққий этганлигидан далолат беради. Мадрасаларда етиштирилган кадрлар халқ орасида зиё тарқатган. Улар масжидларда имом, хатиб, мактабларда домулла, давлат идораларида хизматчи лавозимларида ишлаб жамият тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшишган.

Ислом дини талаби асосида барча мусулмон ёшлари мактабда ўқиган. Демак, тадқиқ қилинаётган даврда Наманган аҳолиси, Ўрта Осиёни бошқа жойларидаги аҳоли каби ўқимишли, саводхон, одоб-ахлоқли бўлган. Мактаб, қорихона, мадрасалар XVI–XIX асрларда Наманганда зиёли кадрларни етиштиришда, маданият, маънавий ҳаётни ривожлантиришда муҳим роль ўйнаган.

5-БОБ. ЎШ ВИЛОЯТИ МАДРАСА, ҚОРИХОНА ВА МАКТАБЛАРИ

5.1-§. Ўш вилояти мадрасалари

Қўқон хонлигининг Ўш вилояти хонлигининг чекка, марказдан узоқ жойлашган вилоятларидан ҳисобланган. Вилоят ҳудудида шаҳарлардаги ўтроқ аҳоли билан бирга овуллардаги кўчманчи, чорвачилик билан шуғулланадиган, яйловлардан яйловларга кўчиб юрадиган аҳоли яшаган. Кўчманчи аҳоли истиқомат қилган жойларда мактабдан бошқа ўқув юртлари деярли бўлмаган. Шунинг учун Ўш вилоятида мадраса, қорихоналар бошқа вилоятларга нисбатан оз бўлган. 1886 йилдаги “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом” (қонун)га ва уни амалга ошириш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларга асосан, вақф мулки бор диний ташкилотлар вақфномаларини текшириш учун вилоят бошқармасига топширган.

1887 йилда 6 ой муддатда топширилмаган вақфномалар воқонуний ҳисобланиши ҳақида огоҳлантирилган. Шунинг учун Ўш уездидаги барча мадраса, қорихона, мактаб, масжид ва бошқа диний ташкилотлар 1887 йилда вақфномаларини Фарғона вилояти бошқармасига топширган. Фарғона вилояти бошқармасига 1887 йилда вақфномасини топширган вақф мулки бор ташкилотлар рўйхатида Ўш шаҳридаги 9 та, Ўш уезди овулларидаги 4 та, жами 13 та мадраса қайд этилган. Булар куйидагилар эди: Ўш шаҳри бўйича: 1. Окйўлбой мадрасаси. 2. Алимбек мадрасаси. 3. Асф мозори ёнидаги мадраса. 4. Ўш шаҳрининг Эски шаҳар бозоридаги мадраса. 5. Домулла Мухаммад Содик мадрасаси. 6. Исо додхоҳ мадрасаси. 7. Эшмухаммадбой мадрасаси. 8. Фармонкул мадрасаси. 9. Холмирзабек мадрасаси; Ўш уезди бўйича: 1. Алимайдон қишлоғидаги Мулла Турсунмухаммад халифа мадрасаси. 2. Булоқбоши қишлоғидаги Пиратбой тўра

мадрасаси. 3. Бўри қишлоғидаги Имом ота мазори мадрасаси. 4. Ўша қишлоқдаги Домулла Раҳимкул мадрасаси³⁸⁵.

Мазкур рўйхатда айрим мадрасалар номи аниқ кўрсатилмаган, чунки у мадрасалар жойлардаги тешириш асосида эмас, вақфномаларга кўра тузилган. Рўйхатда айрим мадрасалар номи ўрнига мадраса жойлашган жой “эски шаҳар бозорида”, “мазор ёнида” деб кўрсатилган. Мадраса номларини ёзишда ҳам ноаниқликлар мавжуд. 1885 йил 20 декабрда Ўш уезди бошлиғининг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган 1884 йилдаги Ўш уезди ислом ўқув юртлари рўйхатида Фарғона вилояти бошқармаси рўйхатида йўқ мадрасаларнинг ҳам номи келтирилган. Масалан, Ўш шаҳрида Эшонбой мадрасаси, Мирза Қибой (Қобой) мадрасаси, Муҳаммад Расул мадрасаси, Жалақудук волостининг Сўфиқишлоқ қишлоғидаги Холназар парвоначи мадрасаси, Махмуд дастурхончи мадрасаси, Маҳмудалибой мадрасаси, Эшон Сойинбозда мадрасаси кўрсатилган³⁸⁶. Биринчи рўйхатда номи ноаниқ қилиб ёзилган мадрасалар номи иккинчи рўйхатда қисман аниқ ёзилган бўлиши мумкин. Лекин биринчи рўйхатда Ўш уезди қишлоқларидаги мадрасалар қаторида Жалақудук волости Сўфиқишлоқ қишлоғидаги мадраса берилмаган. Шундан келиб чиқиб биринчи, яъни Фарғона вилояти бошқармасининг рўйхатидаги мадрасалар тўла эмас, деб ҳисоблаш мумкин. Демак, Қўқон хонлигининг Ўш вилоятидаги мадрасалари 13 тадан кўп бўлган.

Ўш вилояти мадрасалари тўғрисида архив ҳужжатларида тўла маълумот сақланмаган. Туркистон ўлкаси халқ ўқув юртлари 3-инспектори В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили ва 1893 йилдаги Фарғона вилояти мадрасалари ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларида номидан ташқари бошқа маълумотлар ҳам берилди. Лекин бу ҳужжатларда ҳам Ўш уездидаги фақат 6–8 та мадраса тўғрисида маълумотлар келтирилган, холос.

Архив ҳужжатларидаги далилларга қараганда, Ўш уездидаги мадрасалар ичида нисбатан катта, вақф даромади кўшлари Алимбек додхоҳ, Холмирзабек, Эшмуҳаммадбой, Ппратбой мадрасалари бўлган. В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили бўйича маълумотига кўра, Алимбек додхоҳ мадрасасининг 28 та ҳужраси, 1 та дарсхонаси, 1600 рубль вақф даромади бўлган. 60 нафар муллабағчага 2 нафар мударрис – Мулла ҳожи Муҳаммад ва Мулла Сулаймонкул

³⁸⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33275-йи., 50–53-в.

³⁸⁶ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-йи., 37–38-в.

сабоқ берган. Вақф даромади кўп бўлгани учун мадраса хизматчилари ва талабалари нисбатан кўп меҳнат ҳақи ва нафақа олишган. Мадрасанинг 2 та мударриси бир йилда 480 рубль, мутавалли 160 рубль меҳнат ҳақи олган. Талабалар разряди бўйича олий (аъло) гуруҳдаги талаба 20 рубль, ўрта (авсат) гуруҳдаги талаба 10 рубль, қуйи (адно) гуруҳдаги талаба 5 рубль нафақа олган. Холмирзабек мадрасаси 1856 йилда Холмирзабек томонидан ўзининг ҳалол меҳнати билан топган маблағига қурилган. Мадрасанинг 20 та ҳужраси, 2 та дарсхонаси ва 1891–1892 ўқув йилида 500 рубль вақф даромади бўлган. Мадрасада 80 нафар муллабаччага 2 нафар мударрис – Мулла Фафуржон ва Мулла Толибжонлар таълим берган. 2 нафар мударрис 150 рубль, 1 нафар мутавалли 50 рубль ва талабалар разряди бўйича: олий гуруҳдаги талаба 5 рубль 60 копеек, ўрта гуруҳдаги талаба 2 рубль 80 копеек, қуйи гуруҳдаги талаба 1 рубль 40 копеек олган.

Эшмуҳаммадбой мадрасаси 1874 йилда бунёд этилган. Мадрасанинг 22 та ҳужраси, 1 та дарсхонаси ва 1891–1892 ўқув йилида 450 рубль вақф даромади бўлган. 45 нафар талабага мударрис Муҳаммад Ёқуб дарс берган. Мударрис бир йилда 150 рубль мोजना, олий гуруҳдаги талаба 8 рубль, ўрта гуруҳдаги талаба 4 рубль ва қуйи гуруҳдаги талаба 2 рубль нафақа олган. Пиратбой мадрасаси, В.П.Наливкиннинг 1891–1892 ўқув йили бўйича ҳисоботига кўра, 1859 йилда барпо этилган ва 21 та ҳужраси, битта дарсхонаси 400 рубль вақф даромади бўлган. Мадрасада 60 нафар муллабачча ўқиган. Уларга Мулла Мирза Али ва Мулла Абдуғафур сабоқ берган. Мударрислар бир йилда 120 рубль, мутавалли 40 рубль, олий гуруҳ талабаси 5 рубль 60 копеек, ўрта гуруҳ талабаси 2 рубль 30 копеек, қуйи гуруҳ талабаси 1 рубль 40 копеек нафақа олган. Исо додхоҳ мадрасаси 1836 йилда қурилган. Мадрасанинг 7 та ҳужраси, 1 дарсхонаси, 1891–1892 ўқув йилида 180 рубль вақф даромади бўлган. Мадрасада 20 нафар талаба ўқиган. Уларга бир нафар мударрис – Мулла Нишон сабоқ берган. Мударриснинг бир йиллик меҳнат ҳақи 54 рубльни, мутаваллининг меҳнат ҳақи 18 рубльни ташкил этган. Талабалар олий гуруҳда 7 рубль 20 копеек, ўрта гуруҳда 3 рубль 60 копеек, қуйи гуруҳда 1 рубль 80 копеек нафақа олган. Оқйўлбой мадрасаси 1832 йили бунёд этилган. Мадрасада 20 та ҳужра, 1 та дарсхона бўлиб, вақф мулкларидан тушган даромад 40 рубльни ташкил қилган. Мадрасанинг 15 нафар талабасига мударрис Мулла Ғойиб таълим бер-

ган. Мадрасанинг вақфдан тушган даромади оз бўлгани учун хизматчилар, талабалар улуши ҳам оз бўлган: мударрис бир йилда 12 рубль, мутавалли 4 рубль ва талабалар олий гуруҳда 2 рубль 40 копеек, ўрта гуруҳда 1 рубль 20 копеек ва қуйи гуруҳда 60 копеек нафақа олган³⁸⁷.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, вақф даромади кўп мадрасаларнинг талаба ва мударрислари кўп бўлган. Мадраса хизматчилари ва талабаларнинг вақф даромадидан оладиган улуши ҳам юқори бўлган. Бу мадрасаларда билим сифати ҳам яхши бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олдин кўрсатиб ўтилган архив ҳужжатларидаги ахборотлар 1891–1893 йилларга, хонлик тугатилганига 16–17 йил ўтган даврга тегишли бўлса ҳам, Қўқон хонлигидаги мадрасалар ҳолатига яқиндир. Қўқон хонлигидаги мадрасалар ҳолати айнан шундай эди, демоқчи эмасмиз, лекин шу маълумотларга яқин дейиш мумкин. Чунончи, мадрасалар ҳужралари, дарсхоналари сони вақт ўтиши билан ўзгармайди. Мадрасанинг талабалари, мударрислари сони мадрасанинг катта-кичиклигига боғлиқ, катта мадрасаларда улар кўп, кичик мадрасаларда оз бўлади. Мадраса мударрислари, одатда, иш жойини ўзгартирмай, соғлом бўлса 80–90 ёшгача ишлаганини ҳисобга олсак, мударрисларнинг кўпчилиги ўз фаолиятини хонлик давридан давом эттириб келаётган бўлиши мумкин. Мадрасанинг вақф даромади ҳақидаги маълумот ҳам кам ўзгарган, чунки вақф мулки дахлсиз бўлгани учун вақт ўтиши билан, айниқса, тарихан қисқа вақтда деярли ўзгармаган. Шу фикрлардан келиб чиқиб, XX асрнинг охириги чорагидаги маълумотлардан юқоридаги изоҳлар билан Қўқон хонлиги мадраса, қорихона, мактаблари тарихини ёритишда фойдаланса бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Қўқон хонлиги Ўш вилоятидаги мадраса, қорихона, мактаб ва масжидлар ҳам араб истилоси, ислом дини тарқалганидан кейин вужудга кела бошлаган. Ўш вилоятини Россия империяси босиб олиб, Фарғона вилояти таркибида Ўш уездине ташкил қилган XIX асрнинг 80-йилларида, рус маъмурлари Ўш уездидаги ислом ўқув юрглари рўйхатга олган вақтда, фақат XIX асрда қурилган мадраса, қорихона ва мактаблар сақланиб қолган эди. Қадим замонларда бунёд этилган мадраса ва бошқа ўқув юрглари зилзилалар оқибатида, вақт ўтиши билан эскириб, шикастланиб бузилиб кет-

³⁸⁷ ЎзР МДА, И-47-ф., 1-р., 328-й., 42-48-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

ган. Аслида, Ўш вилоятида хонликнинг бошқа вилоятларига нисбатан ислом ўқув юртлари оз бўлган. Россия империяси ҳукмронлиги давригача сақланган, фаолият юритаётган мадрасалардан энг қадимийси Исо додхоҳ мадрасаси бўлган. Исо додхоҳ Қўқон хонлиги ўрта бугинидаги хон амалдорларидан бири бўлган. У Мадалихон (1822–1842) саройида додхоҳ (хон номига ариза қабул қилувчи) лавозимида хизмат қилган.

Ҳужрий 1254 (милодий 1838) йили Исо додхоҳ Ўш шаҳрининг Мозори Ҳазрат Асф букри маҳалласида мадраса қурдирган. Мадраса нисбатан кичик эди. Унинг 7 та хужраси бўлган. 1884 йилдаги Ўш уезди ўқув юртлари рўйхатидаги маълумотга кўра, мадрасада битта мударрис 40 нафар муллабаччага дарс берган. Шунингдек, вақф мулки 26 та дўкондан, даромади 228 рубльдан иборатлиги қайд этилган³⁸⁸. Бу ҳужжатда мадраса вақф мулки тўғрисида аниқ маълумот берилмаган.

Исо додхоҳ Жиянбеков 1838 йилда мадраса барпо қилиб, кейин унинг фаолиятини юритиш учун козига вақфнома туздириб, вақф мулкларни таъсис этган. Мадрасага қуйидаги мулклар вақф қилинган: 1) Ўш районидаги Қайирма ариғидан суғориладиган ер участкаси; 2) Ўш шаҳрининг Ҳидоятхўжа маҳалласидаги ер участкаси; 3) Ўш шаҳри сойдаги тегирмон (Тегирмон Ўш шаҳрининг Ҳидоят хўжа маҳалласида бўлган); 4) Ўш бозоридаги 2 та карвонсарой дўконлари билан бирга; 5) Паст ариқдан суғориладиган Ўшдаги ер участкаси.

1903 йилда Ўш уезди ер-солик комиссари мадраса вақфномаси ва ундаги вақф ер участкаларини текширган. Юқоридаги вақфноманинг 1- ва 5-пунктларида кўрсатилган вақф ерлар Туркистондаги рус маъмурлари томонидан ўтказилган ҳудудий чегараланиш натижасида Ўш вилоятининг Ровот кўча ва Андижон кўча дачаларига айлантирилган эди. Ўш уезди, Ўш волости Ровот кўча кишлок жамоасининг Ровот кўча дачасидаги Исо додхоҳ мадрасасининг вақф ери жами 13 десятина 700 саржинни ташкил қилган. Ўш волостидаги Андижон кўча дачасида 11 десятина 1400 саржин вақф ери бўлган³⁸⁹. 2-пунктдаги Ўш шаҳрининг Ҳидоят хўжа маҳалласидаги ер участкаси шаҳар ҳудудида бўлгани учун вақф ери майдони ўлчанмаган ва ер майдони ҳақида маълумот берилмаган.

³⁸⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 36-в.

³⁸⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34949-й., 9-10-в.

Ўш шаҳридаги нисбатан кичик мадрасалардан бири Оқйўлбой мадрасаси ҳисобланган. Мадраса хижрий 1257 (милодий 1842) йилда Ўш шаҳрининг бозорида бунёд этилган. Оқйўлбой Адигев мадраса қурилиб битганидан кейин ўз номидаги мадрасага Алимтепа деган жойдаги бир ер участкаси, Оқтепа деган жойдаги ер участкаси, Ўш шаҳрида дўконлар ва Янгиарик сувининг учдан бир қисмини вақф қилиб берган.

Оқйўлбой мадрасасининг вақфномасида кўрсатилган вақф ерларнинг биринчиси Кўқон хонлигини Россия империяси босиб олганидан кейин Ўш уезди Ўш волости Катта Жийдалик дачасида, иккинчи ер участкаси Ўш уезди Қашқарқишлоқ волости Барака дачасида бўлган. 1904 йилда Ўш уезди ер-солиқ комиссари Оқйўлбой мадрасаси вақфномасидаги вақф ерларни текширган. Мадрасанинг биринчи вақф ер участкаси Катта Жийдалик дачасида 23 десятина 1700 саржин суғориладиган экин ерлари, иккинчи участкаси Барака дачасида 869 десятина 699 саржин ер эканлиги аниқланган. Вақф қилинган дўконлар Ўш районининг Алимтепа деган жойидаги бозорда бўлган³⁹⁰.

Вақфномада кўрсатилишича, мутавалли вақф мулки эҳсон қилганининг ўзи, ундан кейин авлодларидан бўлиши белгиланган. Вақф даромади, даставвал, мадраса биносини таъмирлашга ишлатилган. Қолганидан 1/10 қисми мутаваллига ажратилган. Ундан сўнг вақф даромадининг 1/3 қисми мударрисга берилган. Қолган икки қисми ўн қисмга бўлиниб, улардан бир қисми мадраса масжиди имомига, қолган бир қисмининг ярмини муаззинга, қолган ярмининг чорак қисмини сартарошга, қолган чорак қисмини 8/10 қисми билан бирга мадрасада яшовчиларга ва талабаларга олий. Ўрта, куйин разрядлари бўйича бўлиб бериш белгиланган³⁹¹.

1885 йил 20 декабрда Ўш уезди бошлиғи Фарғона харбий губернаторига 1884 йилдаги Ўш уезди ислом ўқув юртлири рўйхатини юборган. Бу ҳужжатдаги маълумотга кўра, Оқйўлбой мадрасасида битта мударрис 90 нафар муллабаччага таълим берган. Мадрасанинг 1000 таноб экиладиган вақф ери бўлгани, 1884 йилда 216 рубль 60 копеек даромад қилгани рўйхатда қайд қилинган³⁹².

Ўшнинг исломга эътиқоди баланд, моддий томондан имконияти бор бадавлат зиёлилари, тadbиркорлари келажак авлодга фойда кел-

³⁹⁰ ЎзР МДА. И-19-ф., 1-р., 34955-й., 11-в.

³⁹¹ ЎзР МДА. И-19-ф., 1-р., 34955-й., 3-5-в.

³⁹² ЎзР МДА. И-19-ф., 1-р., 11814-й., 36-в.

тирадиган иншоот қурдириб, савоб иш қилиб қолдиришга ҳаракат қилганлар. Шундай нисонлардан бири ҳижрий 1262 (милодий 1845) йилда Қўқон хонлиги Ўш вилоятининг Алимайдон қишлоғида мадраса ва хонақоҳ қурдириб, унга вақф мулки эҳсон қилган. У ўз номидаги мадрасага Алимайдон қишлоғидаги иккита ер участкасини вақф қилиб берган ва маҳаллий қозига вақфнома туздирган. Биринчи ер участкаси, тахминан, 60 кеш, иккинчиси 14 кеш бўлган. Вақфномани қозилар муҳрларидан ташқари Мадалихон ҳам ўз муҳри билан тасдиқлаган³⁹³.

Мулла Турсунмуҳаммад халифа мадрасасининг вақф ерлари Ўш уезди Жалақудук волости Қадоксин қишлоғининг Жўра ва Қадоксин дачалари таркибига киритилган. 1907 йилда вақфнома ва унда кўрсатилган вақф ерларини Фарғона вилояти бошқармаси топшириғи билан Ўш уезди ер-соляк комиссари текширган ва ерларни ўлчаб, Жўра дачасидаги вақф ери 48 десятина 300 саржин, Қадоксин дачасидаги ер участкаси 4 десятина 600 саржин эканлигини аниқланган³⁹⁴.

Мулла Турсунмуҳаммад халифа мадрасаси кўпчилик қишлоқ мадрасалари каби нисбатан кичик бўлган. Маълумки, хужралари, талабалари, хизматчилари кўп катта мадрасаларга катта миқдорда вақф мулки таъсис қилинган. Кичик мадрасаларга нисбатан оз мулк вақф эҳсон қилинган. Масалан, Ўш шаҳридаги Азимбек парвоначи мадрасасининг 28 та хужраси бўлган ва у Ўшдаги энг катта мадрасалардан бири бўлган. Унинг Азимбекчек дачасидаги вақф ери 1307 десятина 80 саржинни ташкил этган³⁹⁵. Мулла Турсунмуҳаммад халифа мадрасасининг вақф ери эса 52 десятина 900 саржин бўлган. Бу шундан далолат берадики, Мулла Турсунмуҳаммад халифа мадрасаси кичик ва сарф харажатлари кам бўлган.

Ўш вилоятидаги йирик ва машҳур мадрасалардан бири Пиратбой мадрасаси ҳисобланган. Мадраса Ўш вилоятининг Булоқбоши қишлоғида Пиратбой Холмуродбоев томонидан ҳижрий 1272 (милодий 1856) йили бунёд этилган ва унга катта миқдорда вақф мулки эҳсон қилиниб, вақфнома тузилган. 1891 йил 16 октябрдаги маълумотга қараганда, мадраса талабаларининг яшаши, ўқиши учун 23 та хужра ва битта дарсхона бунёд этилган. Мадраса мударрислари ва

³⁹³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34964-й., 17-в.

³⁹⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34964-й., 18-в.

³⁹⁵ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34466-й., 55-в.

масжид имомига алоҳида хона ажратилган. Мадраса таркиби имом (унинг ўзи мударрис), яна бир мударрис, мутавалли, муаззин, фаррош ва талабалардан иборат бўлган. Олий гуруҳда 5 нафар, ўрта гуруҳда 12 нафар, қуйи гуруҳда 23 нафар, жами 40 нафар муллабачча ўқиган³⁹⁶.

Пиратбой тўра Ўш вилоятининг бадавлат ишбилармонларидан эди. У ўзи курдирган мадраса фаолиятини юритиши учун етарли миқдорда Ўш, Андижон, Марғилон вилоятларидаги мулкларидан ер участкалари, савдо-саноат корхоналари – сарой, ҳаммом, дўконлар вақф қилиб берган. Вақфномада қуйидаги мулклар вақф қилингани қайд қилинган ва чегаралари белгиланган:

1. Булоқбоши қишлоғидаги мавжуд мадраса.
2. Булоқбоши қишлоғидаги ер участкаси.
3. Шаҳрихон райони, Бешкала деган жойдаги ер участкаси.
4. Ўша жойдаги ер участкаси.
5. Андижон вилояти, Чанкат деган жойдаги ер участкаси.
6. Андижон вилояти, Қуллуқ деган жойдаги ер участкаси.
7. Булоқбоши қишлоғидаги ер участкаси.
8. Ўша қишлоқдаги ер участкаси.
9. Ўша қишлоқ бозоридаги бир-бири билан ёнма-ён бир неча

дўкон.

10. Мадрасанинг ғарб томонидаги дўконлар.
11. Мадрасанинг жануб томонидаги дўконлар.
12. Булоқбоши бозоридаги дўконлар.
13. Ўша бозордаги бир-бири билан ёнма-ён дўконлар.
14. Ўша бозордаги учта бир-бири билан ёнма-ён дўконлар.
15. Ўша бозордаги катта бўлмаган нон саройи (капшонча).
16. Ўша бозорда битта дўкон.
17. Ўша жойда битта дўкон.
18. Андижон шаҳри Оқ масжид маҳалласидаги ҳаммом.
19. Оқ масжид маҳалласидаги ер участкаси.
20. Булоқбоши қишлоғидаги ер участкаси.
21. Орол деган жойда, юқорида айtilган Чанкат деган жойдан юқорида, тахминан, 15 кеш ер участкаси.
22. Булоқбоши қишлоғидаги Кўтарма деган жойдаги ер участкаси, тахминан, 6 кеш³⁹⁷.

³⁹⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34969-й., 22-в.

³⁹⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34969-й., 122-в.

Вақфномада мадрасага вақф қилинган ерларнинг майдони миқдори кўрсатилмай, унинг ўрнига, одат бўйича, чегараси батафсил баён этилган. Ер майдони миқдорини кўрсатгандан кўра, вақф қилинган ерни аниқлаш учун унинг чегарасини, кимнинг ери билан ёки ариғи, кўчалар билан чегарадош эканлигини кўрсатиш фойдали бўлар эди ва вақфноманинг манба сифатидаги аҳамиятини оширган бўлар эди.

Айрим ҳолларда бу вазифани ўзларининг амалий мақсадидан келиб чиқиб, Фарғона вилояти уездларининг ер-солиқ комиссиялари бажарган. Комиссия мадрасалар вақф ерларини давлат ҳисобига ўтказиш мақсадида вақфномаларни, уларда кўрсатилган ерларни текширган. Бу ерларга давлат ер-солиғини солиш учун ерларни ўлчаб, миқдорини аниқланган. Шу ишлар жараёнида 1890-йилларда Пиратбой мадрасаси вақфномаси ва унга вақф қилинган ерлар Андижон уезди ер-солиқ комиссарлари томонидан текширилиб, ўлчаниб, бу ерлар майдонининг миқдори аниқланган. Андижон уезди ер-солиқ комиссарлари Панкратов ва Вонградскийларнинг текшириши натижаларига қараганда, Пиратбой мадрасаси вақфномасидаги вақф мулклари рўйхатининг 5- ва 2-пунктида кўрсатилган Чанкат деган жойдаги ер участкаси Фарғона вилояти тапқил этилиб, уезд, волость, кишлок жамоаларига чегараланиш ўтказилгач, Андижон уезди Кўгарт волости Шимолий Чанкат ариқ (Тувай) дачаси ва Жанубий Чанкат ариқ (Уч Бағиш) дачаси деб номланган эди. Вақфномада кўрсатилган бошқа номлар ҳам қисман шундай ўзгарган. Ер ўлчов асбоби билан вақф ерлари ўлчанганидан кейин, Шимолий Чанкат ариқ дачаси 6 десятина 2304 саржин, Жанубий Чанкат ариқ дачаси 57 десятина 1080 саржин экани аниқланган³⁹⁸.

Мадраса мутаваллисининг солиқ инспектори вазифасини бажарувчиси Фрейга берган аризасига кўра, ўтказилган ҳудудий чегараланиш натижасида Чанкат деган жой тўрт участкага бўлиниб, Фозилмов ота ва Хидиршо дачалари Андижон уездининг Жалолобод волостига ўтказилган. Буни Кўгарт волостининг Жанубий Чанкат дачаси билан Жалолобод волости Фозилмон ота ва Хидиршо дачаларининг ёнма-ён жойлашгани ҳам тасдиқлайди. Фозилмон ота дачаси 95 десятина 1248 саржин, Хидиршо дачаси 36 десятина 23 саржиндан иборат бўлган³⁹⁹.

³⁹⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34969-й., 123-в.

³⁹⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34969-й., 124-в.

Фарғона вилояти бошқармасининг Пиратбой мадрасаси вақфномасида кўрсатилган Ўш уездидаги вақф ерларини текшириш тўғрисидаги 1895 йил 4 сентябрдаги қарори бошқа ҳужжатлар билан бирга Ўш уезди ер-солиқ комиссиясига ер-солиқ комиссарига бериш учун жўнатилган эди. Ўш уездидаги вақфномада кўрсатилган вақф ерларини подполковник Еникеев текширган. Унинг вақф ерларини текшириши натижасига кўра: 1) юқорида номи тилга олинган Пиратбой мадрасаси вақф мулклари рўйхатининг 2-пунктидаги Булоқбоши волости, Тамке дачасидаги вақф ери 235 десятина 2060 саржин эканлиги аниқланган; 2) 3-пунктда кўрсатилган ер Манак волости Қуюқмозор қишлоқ жамоасининг Жўри Қорогунас дачасида 46 десятина 550 саржин бўлган; 3) 4-пунктдаги вақф ери ҳам Жўри Қорогунас дачасида бўлиб, 55 десятина 700 саржинни ташкил қилган; 4) 7-пунктда кўрсатилган вақф ери Булоқбоши волостининг Чақар дачасида бўлиб, 88 десятина 855 саржинни ташкил этган; 5) 8- ва 20-пунктларидаги вақф ерлари Булоқбоши волости Булоқбоши дачасида жойлашган бўлиб, 9 десятина 1440 саржиндан иборат бўлган; 6) 22-пунктда кўрсатилган вақф ерлар Булоқбоши волостининг Яман Турк дачасида, 3 десятина 270 саржин эканлиги аниқланган⁴⁰⁰. Андижон ва Ўш уездидаги вақф ерларини ва савдо-саноат вақф мулкларини мадраса мутаваллиси ижарага бериб, вақф даромади ёрдамида мадраса фаолиятини юритган.

Ўш уездининг ўтроқ аҳоли яшайдиган районидаги вақф мулки бор ташкилотлар рўйхатида Пиратбой мадрасасининг вақф мулклари тўғрисида маълумот берилган. Бу ҳужжатга кўра Булоқбоши волостининг Булоқбоши қишлоқ жамоасида Пиратбой мадрасасининг 55 таноб вақф ери, 36 та дўкони ва 40 та дўкон кўринишидаги айвонлари бўлган.

Булоқбоши волостининг Чақар қишлоқ жамоасида мадрасанинг 318 таноб вақф ери, Тамке қишлоқ жамоасида 1086 таноб вақф ери мавжуд эди. Манак волостининг Қуюқмозор қишлоқ жамоасининг Қорогунос қишлоғида Пиратбой мадрасасининг 609 таноб вақф ери бўлган⁴⁰¹.

Юқоридаги Ўш уезди вақф мулки бор ташкилотлар рўйхатидаги вақф ерларнинг умумий миқдори 2068 таноб бўлган. Фарғона вилоятида 6 таноб бяр десятина эканлиги ҳисобга олсак, 2068 таноб 344,6 десятинанни ташкил этади. Фарғона вилояти бошқармаси

⁴⁰⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34969-й., 125-в.

⁴⁰¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 33610-й., 14-в.

маълумотига кўра, Ўш уездидаги Пиратбой мадрасаси вақф ерларининг умумий миқдори 436 десятина бўлган. Бу маълумотларни таққослайдиган бўлсак, Ўш уезди вақф мулки бор ташкилотлар рўйхатидаги вақф ерлар миқдори оз экани кўриниб турибди. Демак, Ўш уездидаги вақф мулклар рўйхатидаги вақф ерлар миқдори аниқ эмас ва Ўш уезди ер-солиқ комиссари текшириб, ўлчаб аниклаган вақф ери миқдори ишончли, деган хулосага келиш мумкин.

Ўш уезди вақф мулки бор ташкилотлар рўйхатида Пиратбой мадрасасининг Булоқбоши қишлоғи ва бозорида 36 та дўкони ва 40 та дўкон қилиб фойдаланилган айвонлари бўлган. Ер-солиқ комиссарлари дўкон, ҳаммом, калпонларни текширмагани учун уалрнинг сони тўғрисида аниқ маълумотлар йўқ. Шунинг учун дўконлар сонини таққослаш имкониятимиз йўқ. Бу маълумотни ишончли деб ҳисоблаймиз.

Пиратбой мадрасаси вақфномасига қуйидаги қози, аълам, муфтийлар ўз мухрларини босганлар: Салимбой қози (мухрда хижрий 1272 йил ўйиб ёзилган), Қаландар қози, Мулла Мир Солиҳ муфти, Муҳаммад Алим муфти (1270), Абдужаббор қози (1265), Эшон Абдуваҳоб хожи қози, Муҳаммад Шариф аълам. Булардан ташқари, 1871 йил 24 июнда вақфномани Ўш қозиси Тошхўжа қозикалон мухрини босиб тасдиқлаган. Вақфномани Маллахон, Шермуҳаммад Алихон ўғли мухр босиб тасдиқланган. Мухрда хижрий 1275 (милодий 1858) йил белгиланган. Бу мухрлар Пиратбой мадрасаси вақфномасининг асл нусха эканидан далолат беради.

Вақфномада вақф даромадидан фойдаланишнинг қуйидаги шартлари белгиланган: аввал мадраса биносини таъмирлашга етарли миқдорда маблағ ажратилсин, қолганидан 1/10 қисмини мутаваллига, 1/20 қисмини имомга, 1/20 қисмини муаззинга ва мадраса хизматкорига, 3/10 қисмини мударрисга, 5/10 қисмини мадрасада яшовчилар ва талабаларга бўлиб берилсин деб кўрсатилган⁴⁰². Мутавалли хонлик даврида вақф мулкларини ижарага бериб вақф даромадини вақфномада кўрсатилган тартиб бўйича сарфлаган ва Пиратбой мадрасасида ўқув-тарбиявий ва хўжалик ишларини ташкил қилган.

1861 йилда Ўш вилоятининг Бўри қишлоғида қишлоқ фаоллари, тадбиркорлари саъй-ҳаракати натижасида Имом ота мадраса ва масжиди бунёд этилган. Хижрий 1282 (милодий 1865) йилда қишлоқнинг бадавлат ва саховатли инсонлари Саидбий Оқбўтаев,

⁴⁰² ЎЗР МДА. И-19-ф., 1-р., 34969-й., 6-в.

Исабий Бойчақбоев, Олакўзбой Синибоев, Алимбек Абдуллин, Учқабой Арфачибоев, Чунбузунбий Мирзиновлар Ҳазрат ота қишлоғидан чиқадиган ариқдан сугорилладиган ўзларининг хусусий ерлари ва ўша қишлоқдаги Қоратош ариғидан сугорилладиган ер участкасини вақф қилиб берншган, бу ҳақда қозига вақфнома туздирилган.

Ўш уезди ер-солиқ комиссари Имом ота мадрасаси вақфномаси ва вақф ерларини текширган ва ўлчаб аниқлик киритган. Мадрасанинг Ўш уезди, Навкат волости, Қирғиз ота қишлоқ жамоасининг Имом ота дачасидаги вақф ери 37 десятина 1320 саржин сугорилладиган ер, 13 десятина 1370 саржин экин экилмайдиган ер, жами 51 десятина 290 саржинни ташкил қилган. Иккинчи участка ўша қишлоқ жамоасининг Қирғиз ота дачасига ажратилган бўлиб, ундаги мадрасанинг вақф ери 12 десятина 720 саржин сугорилладиган ва 9 десятина 2090 саржин сугорилмайдиган ердан иборат бўлган⁴⁰³. Мутавалли бу ерларни деҳқонларга ижарага бериб, вақф даромади билан мадраса мударриси, талабалари, имом, муаззин, фаррошни мойна билан таъминлаб, мадраса фаолиятини бир маромда олиб борган.

Ҳижрий 1286 (милодий 1869) йил Мулла Раҳимкул ҳожи Ўш вилоятининг Бўри қишлоғида мадраса ва талабалар намоз ўқиши учун масжид қурдирган. Мулла Раҳимкул ҳожи Қорунбиев мадраса фаолиятини юритиш учун Навкат районининг Бўри қишлоғидаги битта ер участкасини вақф қилиб берган. Худди шу кун Раҳимкул, Чунбойбек Бўтабоевлар ҳам Домулла Раҳимкул ҳожи мадрасасига Бўри районининг Тулкитепа деган жойидаги, тахминан, 100 кеш миқдоридаги ер участкасини эҳсон қилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида Домулла Раҳимкул ҳожи мадрасасининг вақфномаси сақланган. Вақфномада Худоёрхоннинг ва 6 та қозиларнинг муҳрлари босилган. Вақфнома ва унда кўрсатилган вақф ерлар 1903 йил июль ойида Ўш уезди ер-солиқ комиссари Иванов томонидан текширилган. Ўш уезди ер-солиқ комиссиясининг 1903 йил 21 июлдаги баённомасида кўрсатилишича, вақф мулки эҳсон қилинган мадраса фаолият олиб борган ва Навкат волостининг Мадрасақишлоқ деган қишлоғида (олдин, мадраса ташкил қилинган вақтда қирғиз уруғи Бўри номидан қишлоқ Бўри деб номланган) жойлашган. Вақфномада таърифланган вақф ерлари Ўш уезди, Навкат волостида жойлашган. Биринчи ер участкаси Шанқал қишлоқ жамоасининг Кўтирбулоқ дачасида 27

⁴⁰³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34968-й., 8-9-в.

десятина, иккинчиси ўша қишлоқ жамоасининг Мадрасақишлоқ дачасида 63 десятинали ташкил қилган.

Вақфномада вақф даромади аввал мадрасани таъмирлашга ишлатилиши, кейин мутавваллига 1/10 қисмини ажратиб, қолганини 3 қисмга бўлиб, 1 қисмини мударрисга, 1 қисмини талабаларга, 1 қисмини 3 қисмга бўлиб, 2 қисмини имомга, 1 қисмини муаззинга бериш шarti белгиланган⁴⁰⁴.

Ўш шаҳридаги нисбатан катта мадрасалардан бири хижрий 1292 (милодий 1874) йилда қурилган Эшмухаммадбой тўра мадрасаси бўлган. Мадрасанинг 22 та ҳужраси ва талабалар беш вақт намоз ўқийдиган масжиди бўлган. 1874 йили Эшмухаммадбой Тўра мадраса фаолиятини бекаму-қўст юритиши учун катта миқдорда вақф мулки таъсис этган. Мадраса моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланган эди. Вақфнома Худоёрхон ва 14 нафар қози, аъламлар мухрлари билан тасдиқланган. Вақфномага кўра мадрасага карвонсарой, Ўш шаҳри бозоридаги 49 та дўкон, Ўш шаҳрининг Бешкўприк маҳалласидаги тегирмон, Кучгунак ариғидан суғориладиган ер участкаси, Бекобод қишлоғидаги 150 кеш миқдордаги 3 та ер участкаси, Қоронғулик деган жойда 2 та ер участкаси эҳсон қилинган⁴⁰⁵. Ўш уезди ер-солиқ комиссари Эшмухаммадбой тўра мадрасаси вақф ерларини текширган ва ўлчаган. Унинг аҳоли яшамайдиган вақф ерларидан Ўш уезди, Ўш волости, Сарой Кўча қишлоқ жамоаси, Сарой Кўча дачасида 2 десятина 670 саржин, шу волост, Андижон кўча қишлоқ жамоаси, Андижон кўча дачасида 11 десятина 230 саржин миқдоридаги 2 та ер участкаси мавжудлиги аниқланган⁴⁰⁶.

Вақфномада таъкидланган шарт бўйича, вақф мулки даромади мадраса ходимлари ва талабалар орасида куйидагича тақсимланган: даставвал мадраса биносини таъмирлашга ишлатилган. Қолган маблағининг 1/10 қисми мутаваллига, 3/10 қисми мударрисга, 1/20 қисми масжид имомига, 1/20 қисми муаззинга, сартарошга, хизматчига ва 5/10 қисми мадрасада яшовчиларга ва талабаларга бўлиб берилган⁴⁰⁷.

Ўш мадрасалари мутаваллилари вақф мулкларини ерга, савдо-саноат корхоналарига муҳтож аҳолига шартнома асосида ижарага

⁴⁰⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34961-й., 3, 14–15-в.

⁴⁰⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34939-й., 2-в.

⁴⁰⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34939-й., 44-в.

⁴⁰⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34939-й., 2-в.

берган. Вақф даромадининг вақфнома шартларига биноан мадраса хизматчиларига иш ҳақи ва талабаларига нафақа қилиб берилиши, мадрасани жиҳозлашга, биносини таъмирлашга ишлатилиши унинг фаолиятини яхшилашга шароит яратган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўш мадрасаларида хонликнинг Кўкон, Марғилон ва бошқа вилоятлари мадрасаларида ўқитилган диний ва дунёвий фанлар ўргатилган. Мадрасани битирган мутахассислар кенг ва чуқур билимга эга бўлишган. Улар Ўш вилоятида хонлик идораларида, маданият соҳасида фаол иштирок этганлар. Мадрасаларни битирганлар Ўш вилоятининг ривожига, аҳоли маданияти, маънавиятининг ўсишига катта хисса қўшишган.

Ўш вилояти мадрасаларининг ўқув дастури Кўкон хонлигининг бошқа вилоятлари ўқув юртлири дастурларидан фарқ қилмаган. Лекин Ўш вилояти ўқув юртлири ўқитувчиларининг малакаси, тажрибаси Кўкон ва бошқа шаҳарларникидан камроқ бўлган. Ўш мадрасаларини битирган муллалар Кўкон мадрасаларида малакасини оширган. Ўш вилояти мадраса ва қорихоналарини битирган мутахассислар масжидларни имом ва қорилар билан, мактабларни домуллалар билан таъминлаган. Мадрасаларни битирганлар қозихоналарда, ҳар хил давлат идораларида хизмат қилган. Мадрасалар вилоятни кадрлар билан таъминлайдиган ягона муассаса бўлган.

5.2-§. Қорихона ва мактаблар

Диний ўқув юртлири таркибига кирувчи қорихоналарнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Улар ислом динининг муқаддас китоби – Қуръонни тўла ёд биладиган, кироат билан ўқийдиган мутахассислар – қорилар тайёрлаган ҳамда маҳаллий мусулмон аҳолининг хайр-эҳсон, ҳудойи ва бошқа маросимларида Қуръон ўқиб, аҳолининг диний эҳтиёжини қондирган. Қорилар мусулмонларнинг маънавий тарбиясида, диний эътиқодини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутган. Шу сабабдан Кўкон хонлигида, шунингдек, Ўш вилоятида қорихоналар бўлган. Айтиш керак, Ўш вилоятида хонликнинг бошқа вилоятларига нисбатан қорихоналар кам бўлган. 1887 йилда Фарғона вилояти бошқармасига Ўш уезди бўйича текшириш учун топширилган қорихона вақфномалари фақат 13 та бўлган, холос. Биз бу қорихоналарнинг айримлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтамиз.

Ҳижрий 1280 (милодий 1863) йилда Мир Соқибой Ўш шаҳрининг Сарой маҳалласида қорихона, унинг қошида қорилар истиқомат қиладиган ҳужралар қуриб, маҳалла руҳонийларига вақф қилиб топширган эди⁴⁰⁸. Мир Соқибой қорихонасида ўқиганлар сони ҳақида аниқ маълумот архив ҳужжатларида кўрсатилмаган. Мулла Мир Абдусайд Мир Соқибов Ўш шаҳри қозисига онаси, ака-укалари, она-сингиллари билан бирга келиб, Мир Соқибой қорихонасига қуйидаги мулкларини вақф қилмоқчи эканлигини маълум қилган:

- 1) Ўш бозоридаги 6 та дўкон;
- 2) Ўшдаги сой кўприги ёнидаги битта дўкон новвойхона билан;
- 3) Норбўтабой маҳалласи масжиди ёнидаги тегирмон;
- 4) Ўш шаҳрининг Олтибой ариғидаги тегирмон;
- 5) Сарой маҳалласидаги ер участкаси;
- 6) Кучеккан ариғидан сугориладиган ер участкаси;
- 7) Нурдор ариғидан сугориладиган ер участкаси.

Бу мулкларни васият қилувчининг ўзи қорихонага вақф қилиб берган эди. Қози вақфнома тайёрлаб, гувоҳлар иштирокида юқоридаги мулклар қорихонага вақф қилинганини қайд қилиб, ўз мухрини босган.

Вақфномага Худоёрхон ҳижрий 1280 йилдаги мухрини босиб, ҳужжатни тасдиқлаган. Бундан ташқари, ҳужжатда Муҳаммад Ҳаким қози (1279), Тур Хўжа қози (1285), Муҳаммад Зокир қози (1280), Хўжа Муҳаммад қози (1284) мухрлари ҳам бор⁴⁰⁹.

Ҳижрий 1286 (милодий 1869) йили Мир Соқибой авлодлари Мулла Абдуллабек додхон, Алимбек Парвоначиев ва Сорай Мир Соқибоевалар ҳам қорихонага: биринчиси, Ўш шаҳридаги Олтибой ариғидаги тегирмон, иккинчиси, Нурдор ариғидан сугориладиган мерос қилиб олинган ер участкаси, қозон ва мис қумғонни вақф қилиб берган. Худоёрхон ҳижрий 1288 (милодий 1871) йилда Мир Соқибой авлодлари вақф қилган мулкларни солиқдан озод қилиш тўғрисида июлятнома берган, унга хоннинг ҳижрий 1279 (милодий 1873) йилдаги мухри босилган.

1904 йилда Ўш уезди ер-солиқ комиссари Мир Соқибой қорихонасининг вақфномаси ва июлятномасини, уларда кўрсатилган ер участкаларини текшириб, бу вақтда қорихона мавжуд ва фаолият юритаётгани, ўқувчилар Қуръонни ўқиб, ёдлашаётганини қайд этган. Вақфномада қайд этилган кўчмас мулклар Сарой маҳалласида, дўконлар, тегирмонлар ва участка Ўш шаҳрида, Кучеккан ариғидан сугориладиган участка Ўш волости Сарой кўча дачасида, Нурдор

⁴⁰⁸ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34941-й., 13-в.

⁴⁰⁹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34941-й., 13-в.

аригидан суғориладиган иккита участка волостнинг Кичик Жий-далик дачасида экани, вақф ер участкалари чегаралари ва ўлчови вақфномада кўрсатилганидек экани қайд этилган⁴¹⁰.

Мутавалли қорихонанинг вақф мулкларини ижарага берган. Вақфномада васият қилувчи белгилаган шартта биноан мутавалли Мулла Мир Абдусайднинг ўзи, унинг вафотидан кейин эса авлодларидан бўлиши тайин этилган. Вақф мулкларидан тулган даромад, аввал, қорихона, унинг қошидаги хужраларни таъмирлашга ишлатилган, қолган қисмининг 1/10 улушини мутавалли олган, 4/10 қисмини қорибошига, 5/10 қисми ўқувчиларга бўлиб берилган⁴¹¹.

Ҳижрий 1283 (милодий 1866) йилда Мулла Абдулҳаким Муллабой Охундов Ўш шаҳри Сармозор маҳалласида қорихона қурдирган. Вақфномада қорихонанинг талабалар истикомат қиладиган нечта хужраси борлиги тўғрисида маълумот берилмаган. Айтиш керакки, одатда, шаҳардаги қорихоналар қишлоқлардагига нисбатан катта, уларда кўпроқ ўқувчилар ўқиган.

Мулла Абдулҳаким қорихона ўқув фаолиятини юритиш учун унга Ўш вилоятининг Солиҳдон деган жойида битта ер участкаси ва Муян аригидаги тегирмонни вақф қилиб бермоқчи бўлиб, мақсадини Ўш шаҳри қозисига билдирган. Ҳижрий 1283 (милодий 1866) йили қози бу бўйича вақфнома тайёрлаб, унга муҳрини босиб расмийлаштирган.

Вақфномага Худоёрхон ҳижрий 1280 йилдаги катта муҳрини босиб, хужжатнинг қонунийлигини яна бир бор тасдиқлаган. Бундан ташқари, Худоёрхон қорихонага июятнома бериб, ҳижрий 1279 йилдаги кичик муҳрини босган. Июятнома билан қорихонанинг вақф мулкларини барча солиқлардан – хирож, таноб ва сув учун тўланадиган солиқлардан озод қилинган.

Ўш уезди ер-солиқ комиссарининг 1903 йил 20 июнда берган маълумотига кўра, текширилган вақтда қорихона мавжуд бўлган ва фаолият юритган. Ўш уезди ер-солиқ комиссияси ва ер-солиқ комиссарининг 1903 йилдаги Мулла Абдулҳаким қорихонаси вақфномасини текшириш натижалари тўғрисидаги баённомалари ва уларнинг хулосалари 1911 йил 7 сентябрдаги Фарғона вилояти бошқармаси умумий мажлисида кўриб чиқилиб, тасдиқланган. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори генерал-майор А.Гиппиуснинг

⁴¹⁰ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34941-й., 14-в.

⁴¹¹ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34937-й., 31-в.

хужжатга 1911 йил 10 сентябрда резолюция қўйиб, мажлис қарори билан рози эканини қайд этган.

Қўқон хонлигида масжид ва мадрасалар қошида қорихоналар қуриш анъанаси бўлган. Бундай одат Ўш вилоятида ҳам мавжуд эди. Ҳижрий 1285 (милодий 1868) йилда Эшон Раҳимқул халфа Ўш шаҳридаги сойнинг қатта кўприги шарқий томонида масжид билан қорихона бунёд этган. Ҳижрий 1285 (милодий 1868) йилда Эшон Раҳимқул масжид, қорихона ва кўприкка вақф мулки васият қилиш нияти борлигини Ўш шаҳри қозисига айтиб, қуйидаги мулкларни шу муассасаларга вақф қилингани ҳақида вақфнома тузиб беришни илтимос қилган: 1) масжид ёнидаги ер участкаси 9 та дўкони билан; 2) кўприкдан ўтган йўлнинг шимол томонидаги ер участкаси 7 та дўкони билан; 3) кўприкнинг шимол томонидаги ер участкаси қарвонсарой ва 5 та дўкони билан; 4) кўприкнинг ғарб томонидаги ер участкаси 12 та дўкони билан; 5) кўприкнинг ғарб томонидаги ер участкаси 2 та дўкони билан⁴¹².

Шаҳар қозиси Эшон Раҳимқул хоҳишини ҳисобга олиб, вақфнома тайёрлаб, унда юқорида кўрсатилган мулклар масжид, қорихона, кўприкка вақф қилиб берилганини баён этиб, ўз муҳрига босиб тасдиқлаган. Қози муҳридан ташқари, вақфномага Худоёрхоннинг ҳижрий 1280 йилдаги муҳри босилган. Худоёрхон ҳижрий 1279 йилдаги муҳри босилган иноятнома бериб, Эшон Раҳимқул вақф қилган мулкларни барча солиқлардан, жумладан, хирож ва танооб солиқларидан озод қилган⁴¹³.

Масжид, қорихона ва кўприк вақф мулклари сифатида ижарага берилган. Мутавалли ижарадан тушган вақф даромаддан даст-аввал масжид, қорихона бинолари ва кўприкни таъмирлашга зарур миқдорда маблағ ажратган. Даромаднинг 1/10 қисмини мутавалли ўзи олган, қолганини масжид ва қорихона ходимларига ва ўқувчиларга вақфномада кўрсатилган меъёрда бўлиб берган ва шу йўл билан масжид ва қорихона ишини юритган.

Ҳижрий 1285 (милодий 1868) йилда Матмуса Махзум Мулла Нодир Муҳаммедов Ўш шаҳри Мулла Норқучек Охунд маҳалласида қорихона ва унинг қошида ўқувчилар яшайдиган бир неча хужра бунёд этган. Қорибоши дарсхонада ўқувчиларга сабоқ берган, Қуръонни ёдлаш қоидалари, ҳар бир сўз, ҳар бир қарфини аниқ, ифодали ёдлаш зарурлигини тушунтирган. Қуръон сура ва оятлари-

⁴¹² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34942-й., 5-в.

⁴¹³ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34942-й., 5-в.

ни талабалар ёдлаб олганидан кейин, уни кироат билан ўқиш тартиб-би ўргатилган. Ўқувчилар ҳар куни Қуръонни ёдлаш бўйича сабоқ олиб, кейин хужраларига бориб вазифани бажарганлар, ҳар кун 2–3 та оят ёдлаганлар. Қорихонада ўқиш шундай тартибда 4–5 йил давом этган. Қуръонни ёд олган ва кироат билан ўқий оладиган бола қорихонани битирган ҳисобланган.

Қорихона ишини юритиш мақсадида ҳижрий 1285 йилнинг рабъ-ус-соний ойида Матмуса Махзум Мулла Нодир Муҳаммедов Ўш шаҳри қозисига бориб, ўзи қурдирган қорихонага вақф қилиб бериш хоҳиши борлигини билдирган. Қози вақфнома ёзиб, мухрини босиб тасдиқлаб берган. Вақф қилинган биринчи ер участкаси, тахминан, 16 таноб, иккинчи ер участкаси, тахминан, 6 танобдан иборат бўлган. Қорихона мутаваллиси вақф қилувчининг ўзи бўлган, ундан кейин унинг авлодидан тайинланиши таъкидланган. Вақфномада кўрсатилган шарт бўйича, вақф даромади қуйидагича тақсимланган: мутавалли даромаднинг 1/10 қисмини олган, ундан кейин қорихонани, хужраларни таъмирлашга ишлатилган, қолганини 3 қисмга бўлиб, икки қисми қорибошига, бир қисмини ўқувчиларга хужралари бўйича бўлиб бериш топширилган.

Ҳижрий 1285 (милодий 1868) йилда Тўйчи девонбеги Оролбоев Ўш шаҳридаги ўз номидаги маҳаллада қорихона, унинг қошида бир неча хужра ва масжид қурдирган. Тўйчи девонбеги хон саройида хазинадаги пул ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисобини олиб борувчи амалдор бўлиш билан бирга, йирик заминдор, ер эгаси. Ўз даврининг бадавлат инсонларидан бири эди. Тўйчи девонбеги моддий имкониятлари катта бўлгани учун катта қорихона, ўқувчилар истиқомат қиладиган хужралар, масжид қурдирган.

Бу муассасаларга вақф қилинган биринчи участка, тахминан, 25 таноб экиладиган ер бўлган. Иккинчи ер участкасининг ҳажми хужжатда кўрсатилмай, чегаралари белгиланган: ғарб томонидан йўл билан, жануб ва шарқ томонларидан Жиёнбел мулки билан, шимол томондан Аширкул мулки билан чегарадош бўлган¹⁴. Тўйчи девонбеги ҳижрий 1285 йил Жумод-ул-аввал ойида Ўш шаҳар қозисига вақфнома туздириб, муҳр билан тасдиқлатган. Эҳсон қилувчи шартига кўра, вақф ерларидан тушган даромад қорихона фаолиятини юритиш учун даставвал қорихона, хужралар ва масжидни таъмирлаш учун ишлатилиши, қолганидан 1/10 қисми мутаваллига, беш қисми қорибоши (у бир вақтда масжид имоми ҳам бўлган)га,

¹⁴ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34937-й., 72-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

икки қисми муаззинга, фаррош ва сартарошга, қолган икки қисмининг ўқувчиларга хужралар бўйича тенг бўлиб бериш мутаваллига топширилган⁴¹⁵.

Ўш шаҳрининг тадбиркор инсонларидан бири Муҳаммад Расулбой Шербўтабой ўгли хижрий 1289 (милодий 1872) йилда Норбўтабой маҳалласида қорихона ва шаҳарга узоқ қишлоқлардан ўқинишга келувчи ўқувчилар яшайдиган иккита хужра қурдирган⁴¹⁶. Муҳаммад Расулбой қорихона фаолиятини тўхтатмай олиб бориши учун 1289 (милодий 1872) йилда Паст ариқдан суғориладиган 60 таноб ер, Муян ариқдан суғориладиган ер участкаси ва Ўш шаҳридаги тегирмонни вақф қилиб бериш нияти борлигини Ўш шаҳри қозисига билдирган. Қози юқорида кўрсатилган вақф мулкларини қорихона тасарруфига ўтказиш тўғрисида вақфнома тайёрлаб, унга муҳрини босиб тасдиқлаган. Бу вақфномага 1873–1876 йиллардаги чоризмга қарши халқ кўзғолони раҳбари Пўлатхон муҳри ҳам босилган.

Вақфномада кўрсатилган биринчи ер участкасини Ўш уезди ер-солжик комиссари 1903 йилда текширган. Аниқланишича, ер Ўш волостининг Андижон кўча дачасида жойлашган ва 13 десятина бўлган. Иккинчи ер участкаси Ўш волостининг Имом Ота дачасида жойлашган ва 1 десятинадан иборат бўлган⁴¹⁷.

Хижрий 1292 (милодий 1875) йили Араббой Наврўзбой ўгли Ўш шаҳрида қорихона қурдирган. Бу ўқув юртидан фойдаланиб, Ўшнинг ёшлари ўқиб, қори бўлиб етишиб чиқишини таъминламоқ учун руҳонийларга вақф қилиб топширган. У қорихона фаолиятини юритиш, кам-кўстини битказиш учун етарли миқдорда вақф мулки эҳсон қилган. Хижрий 1292 йили Ўш шаҳри қозихонасига бориб, ўзи бунёд этган қорихонага Ўш вилоятининг Қайирма ариқдан суғориладиган битта ер участкасини тегирмони билан ва Ўш шаҳридаги Куна бозорида бир неча дўконларни вақф қилиб ҳадя этиш мақсади борлигини билдирган. Қози гувоҳлар иштирокида тузган вақфномада қорихонага вақф қилинган мулклар қайд этилган, мутавалли ким бўлиши кўрсатилиб, вақф даромадидан фойдаланиш тартиби баён қилинган. Вақфнома Мулла Мирза Муҳаммад қози ва Муҳаммад Азим аълам муҳрлари билан

⁴¹⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34937-й., 73-в.

⁴¹⁶ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34954-й., 8-в.

⁴¹⁷ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 34954-й., 9-в.

тасдиқланган⁴¹⁸. Қорихона мутаваллиси этиб, вақф қилувчининг ўзи тайинланиб, ундан кейин авлодларидан тайинланиши шарт қилинган. Қорихонанинг вақф мулкларини мутавалли ижарага бериб фойдаланган. Ижарадан тушган маблағ қорихона сарф-харажатларига ишлатилган. Вақфнома шартига кўра, вақф даромадининг 1/10 қисми мутаваллига ажратилган, кейин қорихонани таъмирлашга, сарф-харажатларга ишлатилиб, қолганини ўқувчиларга, сабоқ берган корига бериш буюрилган⁴¹⁹.

Ўш вилоятида хонликнинг бошқа вилоятларига қараганда мактаблар нисбатан кам бўлган. Бу ҳолатни Ўш вилояти овулларининг аҳолиси чорвадор, кўчманчи аҳоли бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўшга кўшни Андижон вилоятида 1887 йилда 196 та мактаб бўлгани архив ҳужжатларида таъкидланган. Ўш уезди бошлығынинг Фарғона вилояти ҳарбий губернаторига юборган 1884 йилдаги ислом ўқув юртлари рўйхатида 17 та масжид қошидаги ва 20 та мустақил мактаб қайд қилинган⁴²⁰.

Андижон ва Ўш уездлари мактаблари ишини таққослаш, унда мактаблар 1884 йилда тўла рўйхатга олинмаганлигидан далолат беради. Шунинг учун 1884 йилдаги рўйхатда Ўшдаги мактаблар сони оз кўрсатилган. Бунинг шундан ҳам билиш мумкинки, 1884—1885 ўқув йилида Ўш шаҳри ва уездида 38 та мактаб фаолият юритганлиги таъкидланган⁴²¹. 1888 йилдаги Ўш уезди ўқув юртлари рўйхатида 42 та мактаб номи келтирилган. Шулардан 5 та мактабнинг вақф мулкидан даромади борлиги қайд қилинган. Шу билан бирга, рўйхатнинг иловасида Гулсун, Олой, Оқбўра волостларида мактаблар йўқ, деб кўрсатилган. Волост бир неча кишлоқ ва овуллардан таркиб топишини ҳисобга олсак, мактаб бўлмаслиги мумкин эмас. Рўйхатга олувчиларнинг чекка овулларга бориш имконияти бўлмаганидан мактаблар рўйхатга олинмай қолган бўлиши мумкин. Бундай ҳолат ҳаттоки Андижон уездида ҳам кузатилган. Мактаблар тўла рўйхатга олинмагани сабабли, Ўш уездида шусиз ҳам оз миқдордаги мактаблар сони яна ҳам озайган⁴²².

⁴¹⁸ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34936-й., 29-в.

⁴¹⁹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 34936-й., 30-в.

⁴²⁰ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 38—45-в.

⁴²¹ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 127—128-в.

⁴²² ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 12554-й., 50—56-в.

1884 йилда Ўш уезидаги вақф мулки бор мактаблар руйхати⁴²³

Т/р	Мактаблар номи	Ўқитувчилар сони	Ўқувчилар сони	Мактабнинг вақф мулки	Вақф даромади	
					Рубль	Коп.
Ўш шаҳри						
1	Бобо Хўжа Эшон мактаби	1	23	Экин экиладиган 8 таноб ер	8	60
Қўшлар қишлоқ						
2	Уста Абдурахмон мактаби	1	12	3 та дўкон, экин экиладиган 7 таноб ер	15	20
3	Бобочилбой мактаби	1	15	1 та дўкон, экин экиладиган 8 таноб ер		
4	Мўлла Мирҳакимов мактаби	1	16	1 таноб бедапоя	3	80
5	Абдурайим хожи мактаби	1	9	Экин экиладиган 43 таноб ер	Даромади йўқ	
6	Ортиқбой мактаби	1	4	Экин экиладиган 48 ¼ таноб ер	20	

⁴²³ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 38-43-в.

1884 йилдаги Ўш уезди ислом ўқув юртлари рўйхатида 6 та мактабнинг вақф мулклари борлиги кўрсатилган. 1888 йилдаги ислом ўқув юртлари рўйхатида 5 та мактаб вақф мулклари даромадидан фойдалангани ёритилган. Бу мактабларнинг вақф мулки тури ва миқдори ҳақида маълумот берилмаган. 1884 йилдаги Ўш уезди ислом ўқув юртлари рўйхатида 16 та масжид қошида ва 20 та мустақил мактаблар борлиги қайд қилинган. Мактабни таъмирлаш у жойлашган маҳалла аҳли ёки бирор тadbиркор ёрдами билан амалга оширилган. Шу сабабдан мактабни курдирган тadbиркор ёки бошқалар мактабга кам ҳолларда вақф мулки таъсис қилганлар. Шунинг учун Ўш уездида 1888 йилда рўйхатга олинган 42 та мактабдан фақат 5 тасида вақф мулки бўлган.

Мактабларнинг вақф мулклари камлиги учун улардан тушган даромадлари ҳам мадраса, масжидларникига нисбатан оз бўлган. Айрим мадрасалар вақф даромади 400–500 рубльни ташкил қилган. Вақф мулки бор мактаблар орасида Ортиқбой мактабининг вақф ери ва ундан олган даромади энг кўп: 1884 йилда мактабнинг даромади 20 рубль бўлган. Ўш шаҳридаги Бобо хўжа Эшон мактаби 8 таноб экин экиладиган вақф еридан 8 рубль 60 копеек даромад олган. Ўш уездининг Қўшлар қишлоғидаги Уста Абдурахмон мактаби 3 та вақф дўкони, экин экиладиган 7 таноб вақф ерини ижарага бериб, 15 рубль 20 копеек, Мулла Мирхолиқов мактаби 1 таноб бедапоясини ижарага бериб, 3 рубль 80 копеек, Ортиқбой мактаби 45 ¼ таноб вақф ерини ижарага бериб, 20 рубль ижара ҳақи олган. Бобочилбой мактабининг 1 та дўкони, экин экиладиган 8 таноб вақф ери бўлган, лекин бу ердан олган вақф даромади миқдори кўрсатилмаган. Абдурайим хожи мактабининг экин экиладиган 43 таноб вақф ери бўлгани ҳолда, ҳужжатда даромади йўқ деб кўрсатилган. Бу маълумотлар мактабларнинг вақф мулклари ва улардан тушган даромад оз бўлганини исботлайди.

5.2-жадвал

Ўш уезди масжидлари қошидаги мактаблар(1884 йил)¹²⁴

Т/р	Масжид номи	Ўқитувчилар соми	Ўқувчилар соми	Масжиднинг вақф мулки	Вақф даромади	
					Рубль	Коп.
Булоқбоши волости Булоқбоши қишлоғи						
1	Қаландар қози масжиди	1	18	6 та дўкон	25	

¹²⁴ ЎЗР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 40–45-в.

5.2-жадвалнинг давоми

2	Холикул масжиди	1	16	41 таноб ер	25	
3	Сотиволди масжиди	1	15	8 таноб ер	8	
4	Сониб Оғалик масжиди	1	10	10 таноб ер, 4 та дўкон	17	
5	Холназар парвоначи масжиди	1	16	12 таноб ер	4	
Хўжабод қишлоғи						
6	Топ Сўфи Райимбой масжиди	1	3	2 таноб ер	15	
Наукат волости Эски Наукат қишлоғи						
7	Мудла Назар Оқсоқолов масжиди	1	8	Экин экиладиган 6 таноб ер	7	20
Жалакудук волости						
8	Мулла Ннёз масжиди	1	8	Йўк		
Кўтарма қишлоғи						
9	Масжид	1	1	11 таноб ер	11	
Жалакудук қишлоғи						
10	Масжид	1	12	22 таноб ер	16	
Сўфи қишлоқ						
11	Масжид	1	2	Йўк		
12	Гаит хожи масжиди	1	1	21 таноб ер	22	
13	Ҳожибой масжиди	1	4	32 таноб ер	30	
Булоқбоши волости Буштем қишлоғи						
14	Абдулхалиқбой масжиди	1	1	4 ¼ таноб ер	5	
15	Тўработ масжиди	1	1	2 таноб ер	10	
16	Юсуф масжиди	1	1	10 таноб ер	10	

Уш шаҳри ва қишлоқлари мактабларининг ўзига хос томони — мактабларнинг деярли ярми, яъни 36 та мактабдан 16 таси масжидлар қошида бўлгандир. Масжидлар қошидаги мактабларнинг муस्ताқил мактабларга нисбатан бир қатор имтиёзлари бор эди. Биринчидан, бу мактабларнинг айримлари масжид вақф мулки даромадидан фойдаланган. Айрим масжидларнинг вақф даромади нисбатан кўп бўлган. Масалан, Ҳожибой масжиди йиллик даромади 30 рубль, Қаландар кози, Холикул масжидлари даромади 25 рубльдан эди. Гаит хожи

5-БОБ. Ўш вилояти мадраса, қорихона ва мактаблари

масжиди даромади 22 рубльни ташкил этган. Масжид қошидаги мактаблар масжиддан моддий ёрдам олишига қарамай, ўқувчилар сони жиҳатдан мустақил мактаблардан фарқи йўқ эди. 11 нафардан 18 нафаргача ўқувчилари бор мактаблар 5 та бўлган. Биттадан бола ўқийдиган мактаблар 5 та, 2, 3, 4 нафар ўқувчи ўқийдиган мактаблар 3 та эди. 5 нафардан 10 нафаргача болалар таълим оладиган мактаблар 6 та бўлган. Масжидлар қошидаги мактабларда ҳам мустақил мактаблардаги каби ўқувчилар сони нисбатан кам бўлган.

5.3-жадвал

Ўш уезди мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари сони (1884 йил)⁴²⁵

Т/р	Мактаб номи	Ўқитувчилар сони	Ўқувчилар сони
Ўш шаҳри			
1	Исабой Норбўтаев мактаби	1	12
2	Мирза Кабай мактаби	1	20
3	Чун хўжа мактаби	1	18
Қўшлар қишлоқ			
4	Мулла Боқи Охун мактаби	1	17
5	Холикул мактаби	1	15
6	Солимбой мактаби	1	10
7	Қур Суфи мактаби	1	11
8	Қўштепа мактаби	1	10
9	Учта Абдукарим мактаби	1	9
10	Аким Хўжа Эшон мактаби	1	5
Наукат волости Наукат қишлоғи			
11	Мулла Тургун Муҳаммад мактаби	1	10
Янги Наукат қишлоғи			
12	Мактаб	1	8
13	Муллабой мактаби	1	6
Суфи қишлоғи			
14	Мулла Собир мактаби	1	7

Жадвалдаги далиллар шундан гувоҳлик берадики, Ўш вилоятида хонлиқнинг бошқа вилоятларига нисбатан мактаб ўқувчилари оз бўлган. Бошқа вилоятларда 20–35 та ўқувчилари бор мактаблар ан-

⁴²⁵ ЎзР МДА, И-19-ф., 1-р., 11814-й., 38–44-в.

● Қўқон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи

чагина бўлса, фақат Ўш шаҳридаги битта мактабда 20 нафар ўқувчи ўқиган, холос. Мактабларда ўқувчилар сони кам бўлгани учун мактаб домуллалари биттадан ортмаган. Барча мактабларда биттадан муаллим дарс берган.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўш вилояти чорвачиликка мослашган, тоғлар ва улар бағрида чорва ўтлайдиган яйловлардан иборат бўлган. Ўш табиати аҳолидан чорва боқишни, кўчиб юришни талаб қилган. Қадимдан кўчманчи бўлган қирғизлар Сибирдан Ўрта Осиёга кўчиб келганида, яйловлар сероб бўлган ҳозирги Қирғизистон ўлкасига жойлашган. Ўш вилояти ана шундай ҳудудлардан бири эди. Ўш вилоятининг яна бир ўзига хос томони – бу ҳудуднинг деҳқончилик қилинадиган ерларида ўзбек аҳолиси, тоғ бағридаги овулларда эса қирғиз кўчманчи аҳолиси яшаганидир.

Хулоса қилиб айтиш керакки, қорихоналар Қуръонни тўла ёдлаб, қироат билан ўқийдиган қорилар етиштириб, мусулмонларнинг диний эҳтиёжларини қондирган. Қорихонага, одатда, мактабни битирган ўғил болалар қабул қилинган. Ўш вилоятида мактаблар нисбатан оз бўлса-да, улар халқни саводхон, маърифатли қилишда, маданий-маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим ўрин тутган. Қорихона ва мактаблар вилоят аҳлини саводхон қилишда, кадрлар етказиб беришда, Ўш вилояти иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшган.

ХУЛОСА

Ўзбек халқи қадимдан маданияти ривожланган халқ бўлган. Ўзбекистон ҳудудида ислом дини тарқалиб, мактаб, қорихона ва мадрасаларнинг вужудга келиши бу ердаги маориф тараққиётида туб бурилиш ясаган. Бироқ совет ҳокимияти ислом динига қарши снѐсат юргизиб, унинг диний ташкилотларини, жумладан, мадраса, қорихона, мактабларини фақат диний билим берган, дунёвий фанларни ўргатмаган, деб қоралаб, улар фаолиятини салбий баҳолаган. Совет тарғиботчилари ўлка халқларининг 1–1,5 фоизи саводли, қолганлари “саводсиз” бўлган, деган уйдирмани тарғиб этган. Аслида Кўкон хонлиги таркибига кирган ҳудудларда VIII–X асрлардаёқ масжид, мадрасалар вужудга кела бошлаган ва масжидлар қошида, айрим руҳонийлар хонадониди мактаблар очилиб ёшларга таълим-тарбия берилган. Халқимиз азалдан саводхон, ўқимишли, маданиятли, маънавиятли бўлган. Бунни тадқиқотимиз натижалари яққол исботлайди.

Араблар Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин маҳаллий аҳоли ўртасида ислом динини тарқатиш мақсадида шаҳар ва қишлоқларда мадраса, қорихона, мактаблар ташкил этилган. Араб ҳарбий қўмондонлари, давлат раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ҳудудида X асрда ва ундан олдин барпо этилган дастлабки мусулмон ўқув юртлари ҳақида Наршахийнинг XI асрда ёзилган “Бухоро тарихи” асарида келтирилган далиллардан ташқари бошқа маълумотлар сақланиб қолмаган.

Россия империяси Кўкон хонлигини босиб олганидан кейин ёзилган ва биз тадқиқ этган ислом ўқув юртлари рўйхатларидаги энг қадимги мадраса, қорихона, мактаблар XIII–XVI асрларда вужудга келганлигидан гувоҳлик беради. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар Фарғона вилоятининг Шоҳимардон қишлоғида X асрда масжид барпо қилинганлиги, Наманган вилоятининг Чодак қишлоғида 1202 йилда бунёд этилган Бақа Охунд мадрасаси, Марғилонда XIV асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур барпо этган Кўк мазор мадрасаси, Марғилонда 1422

йилда қурилган Подшо Искандар мадрасаси. Қўқон мулкининг Исфара кишлоғида XVI асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилган Абдуллахон мадрасаси, Наманган вилоятининг Чодак ва Косон кишлоқларида XVI асрда 2 та мадраса, Андижон вилоятида XVI асрда мадраса, қорихона, мактаб бўлганлиги ва улар XIX асрнинг иккинчи ярмида ҳам фаолият юритганлигини исботлайди.

XIII–XVI асрларда Наманган, Марғилон, Андижон вилоятларида Қўқон мулкида мадраса, қорихона, мактабларнинг мавжудлиги, улар узоқ вақтлар. Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олгандан кейин ҳам ўқув-тарбиявий ишларини олиб борганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди. XIII–XVI асрларда Фарғона водийсида мадраса, қорихона, мактаблар фаолият олиб борганлиги Қўқон хонлиги ҳудудда ислом ўқув юртлири бу ҳудудга ислом дини кириб келганидан кейин IX–X асрларда Бухоро, Самарқанд шаҳарлари қаторида ташкил бўлган, деган фикримизни тасдиқлашга асос бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Чодак хўжалари Фарғонанинг шимолий қисмини Бухоро хонлигидан ажратиб олиб ва кейинчалик Шохрухбий (1709–1722 йй.) ҳокимиятни эгаллаганидан кейин давлат ривожланиб, кенгайиб, мустақамлашиб борди. Қўқон хонлигида иқтисод, маданият ўсиш билан бирга маориф, таълим-тарбия тизими ҳам юксалиб борди. Қўқон хонлигининг Фарғона водийсида XVIII асрда 12 та мадраса барпо этилган бўлса, XIX асрда 82 та мадраса қурилган. XVIII асрда қурилган мадрасалар чор маъмурлари текшириб рўйхатга олгунга қадар уларнинг ярми бузилиб етиб келмаган деганда ҳам, XIX асрда бунёд этилган мадрасалар кўпчиликти ташкил этади. Бу далиллар мадрасалар сони йилдан-йилга ўсиб борганлигини кўрсатади.

Қорихона, мактаблар бўйича ҳам XVIII асрга нисбатан XIX асрда ўсиш анча юкори бўлган. Шу билан бирга хонлар ва уларнинг авлодлари томонидан Қўқон шаҳрида улкан ва ҳашаматли мадрасалар бунёд этилган. Худоёрхоннинг онаси 1869 йилда қурдирган мадрасасининг 105 та хужраси, 2 та дарсхонаси ва 1891–1892 ўқув йилида 2800 рубль вақф даромади, 1827 йилда бунёд этилган Мадалихон мадрасасининг 99 та хужраси, 2 та дарсхонаси ва 7000 рубль вақф даромади, Умархоннинг онаси Иззат биби 1805 йилда қурдирган Минг Ойим мадрасасининг 97 та хужраси, 2 та дарсхонаси, 7680 рубль вақф даромади, 1849 йилда Худоёрхон барпо этган мадраса-и Олийнинг 79 та хужраси, 2 та дарсхонаси ва 4750 рубль вақф даромади, 1799 йилда Норбўтабий қурдирган мадраса-и Мирнинг

57 хужраси, 1 та дарсхонаси ва 2220 рубль вақф даромади бўлган. Вақф даромади олинган 1891–1892 ўқув йилида бир пуд бугдой 70 копеек, битта кўй 4–5 рубль эканлиги ҳисобга олинса, мадрасалар вақф мулклари ва улардан тушган даромад жуда катта бўлганлиги маълум бўлади.

Кўкон хонлиги Фарғона водийси вилоятларидаги энг катта мадрасалар 28–36 та хужрали, 1–2 та дарсхонали эди. Хонликдаги деярли 90 фоиз мадрасалар 5–15 та хужрали кичик ва 16–30 та хужрали ўртамиёна мадрасалар бўлган. Кичик мадрасалар кўпроқ қишлоқларда қурилган. Катта мадрасалар, асосан, Кўкон ва Тошкент шаҳарларида бунёд этилган эди. Қорихоналарнинг ҳам 2 тадан 10 тагача хужралари бўлиб, узоқдан келган ўқувчилар мадраса талабалари сингари ётиб ўқиган. Қорибоши учун ҳам алоҳида хужра бўлган.

1887–1888 йилларда Фарғона вилояти уезд бошлиқлари томонидан ҳисобга олинган мактаблар сонга қуйидагича бўлган: Кўкон уездида 260 та, Марғилон уездида 297 та, Наманган уездида 296 та, Андижон уездида 196 та, Ўш уездида 42 та мактаб фаолият юритган. Андижон ва Наманган уездлари мактабларининг ташкил бўлган йили кўрсатилган. Бу маълумотларга қараганда мактабларнинг озгинаси, тахминан, 5–6 фоизи XVI–XVIII асрларда, қолган асосий қисми XIX асрда вужудга келганлигидан дарак беради.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, рўйхатга олинган мактабларнинг асосий қисми Кўкон хонлиги даврида – XVIII аср бошларидан – 1876 йилгача ташкил бўлган ва таълим-тарбия ишларини олиб борган. Энг қадимги мактаблардан бири Андижон вилоятининг Балиқчи қишлоғида XVI асрда барпо этилганлиги тўғрисида архив ҳужжатлари гувоҳлик беради.

Мактабларда болаларнинг ўқиш муддати 5–6 йилни ташкил қилган. Бой, бадавлат саховатли инсонлар томонидан мактаблар учун махсус бинолар яратилган, айрим ҳолларда масжид таркибида мактабга алоҳида хужра бунёд этганлар. Одатда, масжидлар қошидаги ва мактабдорлар барпо этган мактаблар бир хонали бўлиб, болалар шолча ёки бўйра устида ўтириб, домуладан сабоқ олган. Мактабларда ўртача 10–20 нафар бола ўтириб, олдига лавҳа тахта-ни қўйиб олиб, дарс қилар эди. Мактабда болалар араб ҳарфларини ўзлаштириб, ўқиш, ёзишни билиб олганидан кейин “Ҳафтияк” китоби, яъни Қуръоннинг еттидан бир қисмини ўқишга ўтган. Билим олиш китоб матнини ёдлаш орқали амалга оширилар эди. Шун-

дан кейин “Чор китоб” деб номланган, тўрт китобдан иборат ўқув қўлланмасини ўқиш бошланган. Булардан ташқари бадиий асарлар – Сўфи Оллоёвнинг “Сабот-ул-Ожизин” номли панд-насихатлардан иборат бўлган китоби, Хўжа Хофиз, Бедил, Навоийнинг шеърӣ тўпламлари ўқитилган. Анъанавий мактабларда ўқиш диний билимларни ўзлаштиришга, ахлокий тарбияга йўналтирилган.

Кўкон хонлигида мактаб куриш тажрибаси етарли бўлмаган. Мактаб биноси кўпчилик ўқувчиларга мўлжалланмаган, хонада ҳаво ва ёруғлик етарли даражада эмас эди. Давлат маорифга моддий-молиявий ёрдам бермаган. Дунёвий фанлар мактабда деярли ўқитилмаган. Мактабда домудла томонидан тан жазоси қўлланилганлиги ҳам ўша давр таълимидаги камчиликлардан бири бўлган.

Кўкон хонлиги вилоятларида мактаб домудласи меҳнат ҳақининг қатъий меъёри белгиланмаган. Вақф мулки бор айрим мактаблар домудлалари вақф даромадидан ўз улушини олган. Масжидлар қошидаги мактабларда имом, муаззинлар дарс берган. Улар масжид вақф даромадидан фойдаланганлиги учун, одатда, меҳнат ҳақи олмасдан ўқитган. Вақф даромади йўқ мактабларда домудлага болаларни ўқитганлиги учун ота-оналар совға беришган. Болани мактабга биринчи бор олиб келганда, ҳар пайшанба куни “пайшанбалих”, бир китоб бўлимини ўқиб тугатиб иккинчи бўлимга ўтганда эса ота-оналар томонидан домудлага совға қилинган. Одатда, ҳар ким топганини совға қилган. Айрим қишлоқларда бу совғалар ўрнига бир йилда 1–2 пуд ғалла, шаҳар маҳаллаларидаги мактабларда ўша ғалла миқдоридан пул бериш одат бўлган.

Мактаблар биносини таъмирлаш вақф даромади ҳисобидан амалга оширилган. Вақф мулки йўқ мактабларни маҳалла, қишлоқ жамоаси ҳашар йўли билан таъмирлаган. Айрим ҳолларда мактаблар саховатли мулкдорлар эҳсон қилган маблағ ҳисобига таъмирланган.

Ўзбекистонда қорихоналар ислом дини тарқалиши билан бирга пайдо бўлган. Кўкон хонлиги худудидаги архив ҳужжатларида акс этган энг қадимги қорихона Наманган вилоятининг Косон қишлоғида XVI асрда вужудга келган. Кўкон давлати ташкил топганидан кейин мадраса ва мактаблар каби қорихоналар сони ҳам ўсди. 1887 йилда вақфномаларини Фарғона вилояти бошқармасига топширган қорихоналар Наманган уездида 60 та, Марғилон уездида 45 та, Кўкон мулкида 35 та, Андижон уездида 19 та, Ўш уездида 16 та бўлган.

Ўқувчилар қорихонада 4–5 йил Қуръонни тўла ёдлаш билан машғул бўлган. Қорихона биноси дарсхона бўлиб, қорибоши ўқувчиларга сабоқ берган. Қорихонани бир неча хужралари бўлган. Уларда ўқувчилар Қуръонни ёдлашар ва истиқомат қилишар эди. Қорибошини ота-оналар болаларини ўқитгани учун Рўза ва Қурбон ҳайитларида совғалар билан тақдирлашган. Қорихоналарнинг вақф мулклари бўлган. Вақфномада қорибоши иш ҳақи, вақф даромадини бўлиш тартиби аниқ белгилаб берилган. Одатда, вақф даромадидан ўндан бир қисми мутаваллига ажратилган, қолганидан, даставвал, қорихона биноларини таъмирлашга, қолганини иккига бўлиб, бир қисми қорибошига, иккинчи қисми қорибаччаларга берилган. Қорихоналарни битирган ёш қориларга диний ташкилотлар томонидан таяаб кўп бўлган. Қорилар диний маросимларни ўтказишда муҳим ўрин тутган. Улар масжидларда, мазорларда, азиз-авлиёлар мақбараларида хизмат қилган.

Ўққон хонлигининг мадраса, қорихона, мактаблари хонлар, хон авлодлари, сарой амалдорлари, бадавлат бойлар, савдогарлар, руҳонийлар томонидан бунёд этилган. Ўқув юртларини моддий жиҳатдан таъминлаш учун уларни бунёд этган сахий мулкдорлар вақф мулки ҳам таъсис этган. Вақф даромади ҳисобидан ўқув юртлари ўз фаолиятини юритган. Мадраса, қорихона, мактабларда, асосан, диний билимлар ўзлаштирилган. Шу билан бирга, дунёвий билимлар ҳам ўқитилган. Ўқув юртларини битирган малакали кадрлар хонлиқнинг бошқарув идораларида иш юритувчи, мирза лавозимларида, қорихоналарда қори, аълам, муфтий мансабларида, масжидларда имом, хатиб, мадрасаларда мударрис, мутавалли амалларида, қорихона, мактабларда қорибоши, домудла лавозимларида, қорихоналарни битирган қорилар мазор, мақбараларда шайх бўлиб хизмат қилган. Мадрасаларни битирганларнинг айримлари ижод аҳли вакиллари бўлиб етишиб чиққан. Хонлиқ ўқув юртлари ёшларни, аҳолини саводхон, илмли, билимдон, етук мутахассислар қилиб етиштирган, одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаган. Хонлиқда фан-техника ривожланмаган бўлса ҳам, маданият гуллаб-яшнаган эди. Ўқув юртларида диний билимларни ўргатиш орқали ёшларга умуминсоний қадриятларни, шарқ мусулмон халқларига хос одоб-ахлоқ қондаларини сингдирган. Мадраса, қорихона, мактаблар Қўқон хонлиги жамияти тараққиётида, маданияти ривожидида, аҳоли маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этган.

Тадқиқотда мадраса, қорихона ва мактаблар билан боғлиқ вақф мулкига – вақф ер-сувлар, савдо-саноат мулкларига ҳам алоҳида

аҳамият берилган. Қўқон хонлиги даврида бой-бадавлат одамларнинг асосий бойликларидан бири, энг муҳими ер-сув бўлган. Улар халққа фойда келтириш учун масжид, мадраса, мактаблар қурганлар, уларнинг фаолиятини юритиш учун эса вақф мулки эҳсон қилинган. Вақф мулклари ичида асосийси ва энг кўп вақф қилингани суғориладиган ерлар бўлган.

Ишда келтирилган маълумотлар кўрсатадики, бой-бадавлат инсонлар ўзи қурдирган мадраса ва бошқа диний ташкилотларга ҳар хил, 20–30, 100–200, 500 ва ундан ортик микдорда ер-сувлар вақф қилишган.

Тадқиқотда фойдаланилган ҳужжатлар ўқув юртлари ижарадор деҳқонларга ижарага берган вақф ерлари қандай ишлатилганлигини, фойдаланганлигини кўрсатади. Манбалар далолат берадики, ижарадор деҳқонлар вақф ерга ғалла, пахта, беда, полиз экинлари ва сабзавотлар экканлигини, боғларда мевалар етиштирганлигини, вақф ташкилотига кузда етиштирилган ҳосилнинг $1/3$ ёки $1/5$ қисмини хирож солиғи сифатида маҳсулот билан, таноб солиғини пул билан тўлаган.

Ишда ўқув юртлари, уларга вақф қилинган ер участкалари қайси жойда жойлашганлиги, вилоят, уезд, шаҳар, волост, қишлоқлар номи келтирилган. Бу маълумотлар Қўқон хонлиги ва ундан кейинги давр маъмурий-худудий бўлинишини аниқ тасаввур қилишни ойдинлаштиради. Мадраса ва бошқа ўқув юртлари жойлашган жойини, чегарасини аниқ кўрсатиб беради. Ерлар билан бир қаторда ўқув юртларига савдо-сотик корхоналари – карвонсарой, дўкон, каппон, ҳаммом, тегирмон, обжувоз, бинолар, булардан ташқари пуллар, китоблар, ходимлар ишлатиши учун мис қозон, қумғонлар ҳам вақф қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланаётган ҳужжатлар Қўқон мулкида Наманган, Марғилон, Андижон вилоятларида XIII–XVII асрларда ҳам ислом ўқув юртлари вужудга келиб, фаолият олиб борганлигини исботлайди. Бу миллий маориф тизими узоқ йиллар, Россия империяси Қўқон хонлигини босиб олганидан кейин ҳам ўқув-тарбиявий ишларини олиб борганлигидан ҳужжатлар гувоҳлик беради. Бу аъёна Қўқон хонлиги ташкил бўлганидан кейин ҳам янада юқори даражада давом этган. Қўқон хонлиги ташкил бўлиб, унинг худудлари кенгайиб иқтисодий-маданияти ривожланиб борган сари мусулмон руҳонийлари раҳбарлигида ислом ўқув юртлари тармоғи ҳам

кенгайиб борган. Хонликда миллий маорифнинг тараққиётига Кўкон хонлари, уларнинг авлодлари, сарой амалдорлари, Нодир-бегим каби зиёлилар, катта ер эгалари, бой-бадавлат талбиркорлар, рухонийлар катта ҳисса қўшган. Мадраса, қорихона, мактабларни қуриб бунёд этишда ўзбек халқи ва унинг мохир усталари фаол иштирок этган. XIX асрда Кўкон хонлари Умархон, Мадалихон, Худобёрхон даврларида кўллаб мадраса, қорихона, мактаблар қурилиб барпо этилган ва маданият гуллаб-яшнаган.

Россия империяси ҳукумати Ўрта Осиёни босиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигини ташкил қилиб, ислом ўқув юртлари ҳуқуқларини, фаолиятини чеклаган эди. Совет ҳокимияти ислом динига қарши қатъий кураш олиб борди, масжид, мадраса, қорихона, эски мактабларни вақф мулкларини мусодара қилди ва уларни бутунлай ёпиб, йўқ қилди. Совет ҳокимиятининг ислом динига қарши кураши ва ислом ўқув юртларини бутунлай тугатиб юбориши ўзбек халқининг миллий маданиятига ва маънавиятига катта зарар етказди.

Ҳозирги кунда мустақиллик туфайли давлат билан диний муассасалар ўртасидаги ўзаро муносабатда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Республикамизда ислом динининг жамиятдаги қонуний ўрни тикланмоқда. Бугунги кунда диний ташкилотлар очик ва дахлсиз фаолият кўрсатмоқдалар. Янги масжидлар очилмоқда, исломий ўқув юртлар – мадрасалар, институтлар тармоғи кенгаймоқда, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари ва бошқа маросимлар эркин ўтказилмоқда, ҳаж қилувчи мусулмонлар сони ўсмоқда. Диндорлар ўз фикрларини бемалол изҳор этмоқдалар, диний адабиётларни нашр этиш кенгаймоқда. “Ислом нури” газетаси, “Ҳидоят”, “Имом Бухорий сабоқлари” журналлари чоп этилмоқда.

Хуллас, мустақиллик йиллари диний муассасалар ва диндорлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида, умуминсоний ва миллий қадриятларни қарор топтириш ишида тенг ҳуқуқлилиқ асосида фаол иштирок этмоқдалар.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ АСАРЛАРИ, ФАРМОНЛАРИ

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 32 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. 176 б.
3. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. 7-том. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 350–351-бетлар.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бусағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Тошкент Ислон университетини ташкил қилиш тўғрисида” // Маърифат, 1999 йил 10 апрель.
6. Каримов И.А. Ўзбек халқининг ислон маданияти ривожига қўшган хиссасининг юксак эътирофи. Президент Ислон Каримовнинг “Туркистон пресс” нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. Халқ сўзи, 2007 йил 23 февраль.

II. МАНБАЛАР

I. Эълон қилинган манбалар

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий. Ал-жоми асаҳих (Ишонарли тўплам). 1-китоб. –Т.: Ўзбек миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2008.
2. Абу Бақр Муҳаммад ибн Жаъфар ан-Наршахий. Бухоро тарихи (Форс тилидан А.Расулов таржимаси. Масъул муҳаррир: А.Ўринбоев). –Т.: 1991.
3. Аваз Муҳаммад Аттор. Тарихи жаҳонномайн. Форс-тожик тилидан Ш.Воҳид таржимаси // Шарқ юлдузи. –Т.: 1991. –№8. –Б. 119–137.
4. Бурҳониддин ал-Маргиноний. Ҳидоя. 1-жилд. –Т.: Адолат, 2000.
5. Бурҳониддин ал-Маргинаний. Ҳидоя (Комментарий мусульманско-го права). В 4-Томах.Т.2. –Т., 1893.
6. Мирза Олим Махдум ҳожи. Тарихи Туркистон / масъул муҳаррир: Зоир Чорнев, тарих фанлари доктори. Сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Ш.Воҳидов, тарих фанлари доктори. Араб ёзувидан таъдил: Ш.Воҳидов ва Р.Халикова. Кўрсаткичлар Д.Сангирова ва Т.Воҳидованики. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. –242 б.

7. Мирзоолим Мушриф. Кўкон хонлиги тарихи (Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин). –Т.: Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. –127 б.

8. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий (Фарғона чор мустамлақачлиги даврида). Нашрга тайёрловчилар, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳидов, тарих фанлари доктори, профессор, Дилором Сангирова. Масъул муҳаррир: Азиз Қажомов, академик. –Т.: Мънавият, 1999. –111 б.

9. Муҳаммад Юнусжон Шиговул Тойиб Тошкандий. Тарихи Алтимули амирлашкар. Тухфайи Тойиб. Сўзбоши, табдил, таржима ва изоҳлар муаллифлари: Шодмон Воҳидов ва Дилором Чорнева. Масъул муҳаррир ва туркум муаллифи: Шодмон Воҳидов. –Т., 2011. –137 б.

10. Муҳаммад Ҳақимжон. Муртахаб ат-Таворих / (Тарихдан сайланма китоб) / Форс-тожик тилидан таржима, кириш, изоҳлар муаллифи: Шодмон Воҳидов. Кўрсаткичлар тузувчилари: Д.Сангирова ва Ш.Юсудов. –Т.: Янги аср авлоди, 2010. –720 б.

11. Мухтаров А. Материалы по истории Ура-Тюбе. Сборник актов XVII–XIX вв. –М.: Восточная литература, 1963. –135 с.

12. Наливкин В.П. Сведения о состоянии туземных мадраси Сырдаринской области в 1890–1891 учебном году. –Т.: Тип. Ф.Г.Каменские, 1916. –475 с.

13. Отчет о ревизии Туркистанского края, произведенных по величайшему велению сенатором гофмейстером графом К.К.Паленом. Т. VI. Учебное дело. –Спб., 1910.

14. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских хавов XIX века. –М.: Наука, 1968. –583 с.

15. Худаярханзаде. Анджум ат-Таварих (Звезды истории) / Авторы перевода с персидско-Таджикского языка, введения и комментарии Ш.Воҳидов и С.Елшибаев. Ответственный редактор: К.Н. Ахметов, доктор философских наук, профессор. Научный редактор и автор серии: Ш.Воҳидов. –Т., 2011. –210 с.

16. Куръони Карим маъноларининг таржимаси. –Т., 2001.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви ҳужжатлари:

1. И-1-фонд – Туркистон генерал-губернатори девонхонаси.
2. И-19-фонд – Фарғона вилояти бошқармаси.
3. И-47-фонд – Туркистон ўлкаси ўқув юртлари бошқармаси.
4. И-1043-фонд – Кўкон хонлари архиви.

Ш. АДАБИЁТЛАР

1. Абдулгаффаров С. Краткий очерк Кокандского ханства // Туркестанские ведомости, 1892. –№ 26, 29, 36.

2. Ақромов И. XIX аср охири – XX аср бошларида Самарқанд вилояти мадрасалари // Ўзбекистонда юқтимой фанлар, 1994. –№3–4. –Б.54–57.

3. Алихожиев М.О. Қўқон хонлигида таълим тизими ва унда вақф мулкларининг тутган ўрни (1800–1876 йиллар). –Т., 2013. –115 с.
4. Аҳмад Мухаммад, Мубашшир Аҳмад. Ислоҳ ҳазораси. –Т.: “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2004.
5. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. –Т.: Ўқитувчи, 2003. –244 б.
6. Бобабеков Х.Н. Народные движения в Кокандском ханстве и их социально – экономические и политические предпосылки (XVIII–XIX вв.). –Т.: Фан, 1990. –118 с.
7. Бабаджанов Б.И. Кокандское ханство: власть, политика, религия. –Токио–Ташкент: Yangi pashr, 2010. –742 с.
8. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. –Л.: АН СССР, 1927. –256 с.
9. Бартольд В.В. Культура мусульманства. –Петроград: Огни, 1918.
10. Басилов В.Н. Культ святых в исламе. –М.: Мысль, 1970.
11. Бейсембиев Т. Духовенство в политической жизни Кокандского ханства в XVIII–XIX вв. (по некоторым сочинениям Кокандской историографии) // Духовенство и политическая жизнь на ближнем и среднем Востоке в период феодализма. –М.: Наука, 1985.
12. Бейсембиев Т.К. “Тарих-и Шахрухи” как исторический источник. –Алма-Ата, 1987. –200 с.
13. Бобобеков Х.Н. Қўқон тарихи. –Т.: Фан, 1996.
14. Болтабоев С. Туркистондаги вақф мулклари тарихи. Ўқув-услубий қўлланма. –Наманган: “Наманган” нашриёти, 2005.
15. Болтабоев С.Д. XIX асрнинг 2-ярми – XX асрнинг бошларида Туркистон ўлкасида вақф мулклари: Тарих фан. намз...дисс. –Т.: ЎзРФА Тарих институти, 1995. –153 с.
16. Валидов А.З. Некоторые данные по истории Ферганы XVII столетия // Протоколы Туркистанского кружка любителей археологии. Вып.2. –Т., 1916. –С.68–119.
17. Вахабов М.Г. Ўзбек социалистик миллати. –Т.: Ўздавнашр, 1961.
18. Веляминов-Зернов В. Исторические известия о Кокандском ханстве от Мухаммада Али до Худаярхана // Записки Восточного отделения Русского археологического общества. Ч IV, 1859.
19. Веляминов-Зернов В. Сведения о Кокандском ханстве // Вестник Императорского Русского географического общества. Ч.18, 1856.
20. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (генезиси, функциялари, намояндалари, асарлари). –Т.: Akademynashr, 2010. –317 б.
21. Граменицкий С.М. Очерки развития народного образования в Туркистанском крае. –Т.:Б.И., 1896.
22. Граменицкий С.М. Положение народного образования в Сырдарьинской области. –Т., 1916.
23. Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – в начале XX в. По длинным топонимии. –Т.: Фан, 1985. –104 с.
24. Давидович Е.А. Материалы по метрологии средне вековой Средней Азии. –М., 1970.

25. Джуванмардиев А.Х. К земельно-водным отношениям в Фергане в XVI–XIX вв.: Автореф. Дисс... канд. ист. наук. –Т., 1963. –17 с.
26. Джураева Г.А. Вақфийе грамоты как источник по социально-экономической истории Бухары в XVI–XVII вв. Автореф дисс...канд.ист.наук –Т.: ЎзР ФАШИ, 1985. –24 с.
27. Жалилов О. Мадрасалар таърифида // Фан ва турмуш. –Т., 1983. №9. –Б.12–13.
28. Емелянов Н. Численность вақфов Туркестанского края // Туркестанский сборник. –Т., Т.461. –С.3–6.
29. Бигельград Н. Очерки Коканда // Туркестанские ведомости, 1986. –№4.
30. Жувонмардиев А. XVI–XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. –Т., 1965.
31. Жураева Г. Вақф нима? // Шарқшунослик, 1990. –№2. –Б.37–47.
32. Загидуллин И.К. Исламские институты в Российской империи: мечети в европейской части России и Сибири. –Казань, 2007.
33. Зияева Д.Х. XIX аср охири – XX аср бошида Туркистонда анъанавий таълим тизими муаммолари // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахборот, 2009. –№3. –Б.10–12.
34. Зиёев Х. Амир Темур томонидан Куръони Каримнинг асл нусхасининг келтирилиши. Ўзбекистон мадрасалари. –Т.: “Тошкент ислом университети нашриёт-магбаа бирлашмаси”, 2010. –61 б.
35. Знаменский П.В. Участие Н.И. Ильминского в деле инородческого образования в Туркестанском крае. –Казань: Б.И., 1900.
36. Ибрагимов И.И. Пять дней в Коканде // Туркестанские ведомости, 1872. –№20.
37. Иванов П.П. Казахи Кокандского ханства/ К истории их взаимоотношений в начале XIX в // Зап. ИВ АН СССР. –М.-Л., 1939.Т. VII. –С.92–228.
38. Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. XVI – сер. XIX в. –М.: Изд.вост. лит. 1958. –247 с.
39. Исабоева Г.С. XIX асрда Қўқон хонлигида маданият ҳаёт. Тарих фан. нам. дисс. Автореф. –Т.: Ўз МУ, 2010. –26 б.
40. Ислом. Справочник. 3-нашр. –Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1989.
41. Ислом.Энциклопедия. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2004. –318 б.
42. Исmoilов Ш.Ш. XIX асрнинг охириларида Туркистонда халқ маорифи тарихидан (мадрасалар мисолида // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. –Т., 1974. –№11. –Б.50–54.
43. Исmoilова Д.А. Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, (XIX аср охири – XX аср бошлари) Тарих фан. номз. дисс. Автореф. –Т.: ЎзР ФАТИ, 2005. –27 б.
44. Керенский Ф.М. Медрасе в Туркестанском крае. –СПб.: Б.И., 1892. –37 с.
45. Кун А.Л. Некоторые сведения о Ферганской долине // Военный сборник. –СПб., 1876.

46. Кун А.Л. Очерк Кокандского ханства // Известия Императорского Русского географического общества. Т. VIII, 1876.
47. Кун А.Л. Сообщения о Коканде // Изв. ИРГО. 1876. Том 12. – №2. – С.72–77.
48. Литвинов П.П. Государство и ислам в русском Туркестане (1865–1917). – Елецк, 1998.
49. Маллабоев Б.Б. Чоризимнинг Туркистонда вақф мулкчилиги сиёсати (Хожа Ахрор мулклари мисолида) Тарих фан. номз. дисс. – Т.: ЎзР ФАТИ, 1999.
50. Махмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарув тизими (1709–1876 йй.). Тарих фан. ном. дисс. – Т.: ЎзФА Тарих институти, 2007. – 155 с.
51. Миддендорф А.Ф. Очерки Ферганской долины / Перевод с немецкого В.И.Ковальского. – СПб., 1872.
52. Мукминова Р.Г. К истории аграрных отношений в Узбекистане в XVI в. По материалам “Вақфнаме”. – Т.: Фан, 1966. – 354 с.
53. Муминов И. Из истории общественно-философской мысли в Узбекистане в конце XIX – начало XX вв. – Т.: Узбекистан, 1957.
54. Мустафаева Н. Туркистонда миллий маориф тарихининг уқиямаган саҳифалари // O‘zbekiston tarixi. – Т.: 2000. – №2. – Б.37–46.
55. Мухаммаджанов А. Школа и идеологическая мысль Узбекского народа XIX – начало XX вв. – Т.: Фан, 1978. – 104 с.
56. Набиев Р.А. Вақфное хозяйство Кокандского ханства. Сборник документов. – Т., 2010. – 639 с.
57. Набиев Р.А. Из истории Кокандского ханства. Феодалное хозяйство Худоярхана. – Т., 1973. 388 с.
58. Набиев Р.Н. Из истории феодалного землевладения в Фергане в XVI–XVII вв. // ИАН Уз.ССР 1980. – №30. – С.25–34.
59. Наливкин В.П. и др. Краткий обзор современного состояния и деятельности мусульманского духовенства, разного рода духовных учреждений и учебных заведений туземного населения Самаркандской области, с некоторыми указаниями на их историческое прошлое // Сборник материалов по мусульманству. – СПб., 1899. – 39 с.
60. Наливкин В.П. Краткая история Кокандского ханства. – Казань, 1886.
61. Наливкин В.П. Местная школа Средней Азии // Туркестанские ведомости. – Т., 1898. – №32.
62. Наливкин В.П. Положение вақфного дела в Туркестанском крае до и после его завоевания. Ежегодник Ферганской области. – Новый Маргелан, 1904. Том III. – С.1–56.
63. Наливкин В.П. Что дает Среднеазиатская мусульманская школа в образовательном и воспитательном отношениях. – СПб.: Б.И. 1900.
64. Новые материалы по истории Кокандского ханства // Журнал Министерства просвещения. – СПб., 1886. ч.248. Ноябрь Отд. отт.
65. Нурекин А. Очерк истории Коканда с 1841 по 1886 год // Туркестанские ведомости, 1871. – №35.

66. Остроумов Н.П. Исламоведение. Введение в курс исламоведения. –Т., 1914.
67. Остроумов Н.П. К истории мусульманского образовательного движения в России в XIX и XX столетиях // Мир ислама. –СПб., 1913.
68. Остроумов Н.П. К истории народного образования в Туркестанском крае. Личные воспоминания Остроумова (1867–1881). –Т., 1899. –287 с.
69. Пантусов Н.Н. Архив Кокандского хана // Туркестанские ведомости. –Т., 1876. –№12.
70. Пантусов Н.Н. Податные сборы в Коканде // Туркестанские ведомости. –Т., 1876. –№ 13,16,17.
71. Петровский Н. Очерки Кокандского ханства // Весник Европы, 1875. Кн.10.
72. Писарчик А.К. Строительные материалы и приемы мастеров Ферганской долины // Среднеазиатский этнографический сборник. –М.: АН СССР. –Т., 1954. –С.216–299.
73. Плоских В.М. Киргизы и Кокандское ханство. –Фрунзе: Илим, 1977. –368 с.
74. Потанин, Г.Р. Записки о Кокандском ханстве хорунжего Потанина. 1830 г // Военный журнал, 1831. –№4–5. Отд. отд.
75. Расулов Б. Туркистон мадрасалари // Фан ва турмуш. –1996. –№2. –Б.10–13.
76. Рахимов Р. Традиционное начальное образование детей народов Средней Азии (конец XIX – начало XX вв.) // Сборник музея антропологии и этнографии. –Л.: 1989. Вып.43. –109–132.
77. Ромодин В.А. Некоторые источники по истории Ферганы и Кокандского хозяйства XVI–XIX вв. в рукописных собраниях Ленинграда. –М.: Наука, 1966. –15 с.
78. Ромодин В.А. Новый источник по истории Кокандского ханства // Проблемы востоковедения. –1959. –№3. –С.10–17.
79. Савицкий А.П. Некоторые данные об исламских учреждениях и политика царских властей в Туркистане // Труды САГУ. –Т., 1956. –С.53–69.
80. Савицкий А.П. Поземельный вопрос в Туркистане (В проектах закона 1867–1886 гг.). –Т.: Изд-во СамГУ, 1983. –208 с.
81. Саидбаев Т. Ислам и общество. Опыт историко-социологического исследования. –М.: Наука, 1984.
82. Ю.Саидбаев Т. Откровение через вечное // Звезда Востока. –1995. –№3–4. –С.4–36.
83. Сангирова Д. Тарихи Азизий – чор мустамлакачишлиги даврига оид мухим манба. Тарих фан. ном.... дисс... –Т., 2000.
84. Серебрянников А.Г. Туркестанский край // Сборник материалов для истории его завоевания в 1841–1896 гг. Т. III. ч. 1.2. –Т., 1912–1915.
85. Соболев Л. Краткий обзор положения в Коканде // Туркестанский сборник. Т.57.
86. Солнконова Г. Ўрта асрларда Ўрта Осиё мадрасалари ўқув дастурлари хақида // O'zbekiston tarixi. –Т., 2000. –№3. –Б.24–35.
87. Султан А. Нуреккич Очерки Коканда // Туркестанские ведомости. –Т., 1872. –№35.

88. Сооданбеков С.С. Общественный и государственный строй Кокандского ханства. – Бишкек, 2000. – 144 с.
89. Султонов Ў.А. Мухаммад Солиҳ Хужанинг “Тарихи жадидайн Тошканда” асари муҳим тарихий манба сифатида (XIX аср). Тарих фан. ном... дисс. автореф. – Т., 2007. – 27 б.
90. Султонов Ў.А. Мухаммад Солиҳ Хўжа ва унинг “Тарихи жадидайн Тошканда” асари. – Т.: O‘zbekiston, 2009. 272 б.
91. Султонов Ў.А. XIX аср Тошкент мадрасалари ҳолати // Ўзбекистон тарихи. – Т., 2005. – №3. – Б.64–72.
92. Султонов Ў.А. Тошкент мадрасалари Мухаммад Солиҳ Хўжа тавсифида (XIX аср) // Академик У. Каримов номидаги ёш шарқшунослар илмий конференцияси тезислари. – Т., 2005. – Б.67–72.
93. Султонов Ў.А. Ҳожа Аҳрорнинг Тошкентдаги мадраса ва масжидлари // Имом Бухорий сабоқлари. – Т., 2004. – №3. – Б.185–186.
94. Сухарева О.А. Ислам в Узбекистане. – Т., 1960.
95. Троицкая А.Л. Материалы по истории Кокандского ханства. По документам архива Кокандских ханов. – М.: Наука, 1969. – 155 с.
96. Усманов М.А. Основные этапы эволюции ислама. Автореф. дис. докт. ист. наук. – М.: 1978.
97. Федченко А.В. Кокандском ханстве. – СПб. Т. I. Вып. 7. 1875.
98. Ханьков Б. Обзорение Кокандского ханства в нынешнем его состоянии // Записки Императорского Российского географического общества. – СПб., 1849. Вып. III (кн. III).
99. Хорошхин А.П. Очерки Коканда // Сборник статей касающихся до Туркестанского края. – СПб.: 1876.
100. Худайкулов Т.Д. XIX асрда Қўқон хонлигининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданият ҳаёти. Тарих фан. Номзод дисс.. – Т.: Ўз МУ, 2009. – 172 б.
101. Шишкин В.А. Мазары в Занги Ате. – Т., 1927. – 8 с.
102. Қаюмов А.П. Қўқон адабий муҳити. XVIII–XIX асрлар. – Т.: Узфанакаднашр, 1961. – 361 б.
103. Қориниёзов Т.Н. Совет Ўзбекистони маданият тарихидан очерклар. – Т.: Ўз.ССР ФА, 1956. – 514 б.
104. Қосимов Й. Қўқон хонлиги тарихи очерклари (1709–1876). – Наманган: Наманган нашриёти, 1956. 135 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ3

1-БОБ. ҚЎҚОН МУЛКИНИНГ МАДРАСА, ҚОРИХОНА ВА МАКТАБЛАРИ

1.1. Қўқон мулки мадрасалари58

1.2. Қорихона ва мактаблар70

2-БОБ. МАРҒИЛОН ВИЛОЯТИ ИСЛОМ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ...91

2.1. Марғилон вилояти мадрасалари91

2.2. Қорихона ва мактаблар107

3-БОБ. АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МАДРАСА, ҚОРИХОНА ВА МАКТАБЛАРИ122

3.1. Андижон вилояти мадрасалари122

3.2. Қорихона ва мактаблар181

4-БОБ. НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИСЛОМ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ210

4.1. Наманган вилояти мадрасалари210

4.2. Қорихона ва мактаблар250

5-БОБ. ЎШ ВИЛОЯТИ МАДРАСА, ҚОРИХОНА ВА МАКТАБЛАРИ264

5.1. Ўш вилояти мадрасалари264

5.2. Қорихона ва мактаблар277

ХУЛОСА289

**ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР
РЎЙХАТИ**296

63.3(5Ў)5

А 50

Алимов И.

Кўкон хонлиги мадраса ва мактаблари тарихи [Матн]: монография / И. Алимов. Масъул муҳаррир: Ш.Воҳидов; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Андижон давлат ун-ти. –Тошкент: Фан, 2017. –304 б.

УЎК 28-756(575.121)(091) “17/18”

КБК 63.3(5Ў)58638

ISBN 978-9943-19-404-5

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Андижон давлат университети Илмий кенгаши томонидан нашрга
тавсия этилган*

ЎзР ФА «Фан» нашриёти

Нашриёт лицензияси АІ №266, 15.07.2015

100047, Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

Тел./факс (0-371) 233-29-61, 236-74-25

E-mail: fannashr@yandex.com

Муҳаррир: *Б. Абдулхайров*

Мусахҳих: *М. Мамадалиева*

Техник муҳаррир, саҳифаловчи: *Д. Абдуллаев*

Нашриёт рақами: з-16. Саҳифалашга берилди 03.08.2017.

Нашрга рухсат этилди 10.10.2017. Қоғоз бичими 60x84^{1/16}.

Офсет қоғози. Times гарнитураси.

Нашриёт-ҳисоб т. 21,05. Босма-шартли т. 18,00.

Тиражи 500 нусха. Келишилган нарҳда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти матбаа бўлимида чоп этилди. 11-буюртма.
100047, Тошкент, Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.